

Фаридуддин Аттор

ТАЗКИРАТ  
УЛ-АВЛИЁ

Тошкент

Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи  
2013

УДК 821.512.133

А87

КБК 84(5)

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябридаги «2010–2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастури» асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2012 йил 26 декабрдаги 2883-сонли хати билан нашрга тавсия этилган.

Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи  
**Абдумажид Мадраимов**

Тақризчилар:

**Ҳасан Аминов** — *Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти ректори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи;*

**Шоносир Муродов** — *А.Хўжаев номи республика дизайн коллежи директори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи;*

**Муҳаммаджон Абдурахмонов** — *Мирзо Улуғбек номи Ўзбекистон Миллий университети «Маънавият асослари ва диншунослик кафедраси» мудир, тарих фанлари доктори, профессор.*

© Гафур Гулом номидаги  
нашриёт-матбаа ижодий уйи,  
2013

ISBN 978-9943-03-465-5

## Фаридулдин Аттор ва унинг “Тазкират ул-авлиё” асари ҳақида

Буюк шоир, мутафаккир ва тазкиранавис Фаридулдин Атторнинг асл исм-шарифи Муҳаммад Абу Бакр ибн Иброҳим (1145–1230) бўлиб, у ўз ижоди билан форс тилидаги шеърят, тасаввуф адабиёти ривожига ва тазкиранависликка катта ҳисса қўшган. У Нишопур (Эрон) вилоятининг Кадокон қишлоғида, аттор ва табиб оиласида туғилган. Отаси доришунос дўкондор, ўз даври фузало, уламо ва табиблари билан яқин дўст тутинган.

Фаридулдин Нишопур ва Машҳад мадрасаларида таълим олиб, “Қуръон”, ҳадис ва фикҳдан ташқари нужум, табобат, фалсафа, мантиқ каби билимларни ҳам эгаллади. Отаси каби дорифуруш ва атторлик билан умргузаронлик қилади. Адиб қизгин илмий ва бадий ижод билан машғул бўлади. Дунёга номи кетган кўплаб тазкиранавислар Атторнинг етмишдан ортиқ номда асар битганлигини таъкидлаб ўтишган. Унинг вафоти адабиётларда турлича кўрсатилади. Хусусан, йирик тасаввуфшунос А.Д.Книш маълумотига кўра, унинг мақбараси Алишер Навоий томонидан қурилган бўлиб, унда вафот тарихи 586 ҳижрий (милодий 1190) йил, яъни “Мантиқ ут-тайр” (Қуш нутқи) достони яратилганидан уч йил сўнг юз берган.<sup>1</sup>

Фаридулдин Аттор тўғрисида Алишер Навоий ўзининг “Насойим ул-муҳаббат” (Муҳаббат шабадалари) асарида қуйидагиларни ёзади: “Алар шайх Маждуддин Бағдодийнинг муридидурлар ва “Тазкират ул-авлиё” китобиким, аларнинг мусаннафотидиндур. Анинг дебочасида ўзларини шайх Маждуддинга иродатларин зоҳир қилибдурлар ва баъзи дебдурларки, Увайсий экандурлар ва Мавлоно Жалолуддин Румий сўзларида мазкурдурки, шайх Мансур Ҳаллож нури юз элик йилдан сўнгра шайх Фаридулдин Аттор руҳига тажалли қилди ва унинг мураббийси бўлибдур. Дебдурларки, алар андоққи, отлари машхурдур, Аттор экандурлар. Тавбаларига сабаб бу бўлгондурки, бир куни атторлиг дўконида муомалага машғул ва машғуф эмишлар. Дарвеше дўкон

<sup>1</sup> Кныш А.Д. Мусульманский мистицизм. — Москва — Санкт-Петербург: Дия, 2004, 173-6.

эшигига етар ва неча қатла “Аллоҳ учун бирор нарса бер!” дер. Анга парво қилмаслар. Ул дарвеш дерки, эй Хожа, не навъ ўлгунгдур? Алар дебдурларки, андоқки сен ўлгунгдур! Дарвеш дебдурки, сен мендек ўла олмассан! Алар дебдурларки: Нечук? Дарвеш дебдурки, мундоқ! Яғоч аёгин бошин остига кўюбдур “валлоҳ”, дебдур ва жонни Ҳаққа таслим қилибдур. Аларнинг ҳоли мутағаййир бўлибдур ва дўкон ва анда дағи ҳар не бор экандур, барҳам урубдурлар ва бу тариққа кирибдурлар”<sup>1</sup>

Алишер Навоийнинг маълумотига кўра, мавлоно Жалолиддин Румий Балхдан Маккага боришда, Нишопурда Аттор билан кичиклигида учрашиб, суҳбатлашган, “Асрорнома” асарини мавлонога берган ва мавлоно доимо бу китобни ўзи билан олиб юрган. Мавлоно Румий ўз ижодига Атторнинг таъсири мавжудлигини қатор шеърларида баён қилган.

Алишер Навоий Фаридуддин Аттор шеърлари ва маснавийларини жуда юқори баҳолаб, уларда тавҳид сири ва ҳақойиқ ифода этилганини тан олиб, форсий иборатда “нозими жавоҳири асрор Шайх Фаридуддин Аттор”, деб таърифлайди.<sup>2</sup> Унинг шеърий мероси тахминан бир юз йигирма минг байт бўлади, дейди.

Фаридуддин Атторнинг йигирма байтдан ортиқроқ қасидаси хусусида маълумот бериб, Алишер Навоий ўзининг катта замондоши, пири, устози “жаноби маорифпаноҳ Хожа Ҳофиз Али Жомийдурки, кўпрак улумда батахсис, тасаввуф илмида замонасининг яғонаси эди”, унга шарҳ битганини ҳамда айрим байтларини келтириб, охирида фахр билан “бу заифи номурод (Алишер Навоий) Ҳазрат Шорих (Али Жомий) нинг хизматиға мушарраф бўлиб эрдим ва баъзи улумда алардин сабақ эшитиб эрдим”, деб ёзган.<sup>3</sup>

Фаридуддин Атторнинг ўзбек адабиётига таъсирини, хусусан, унинг Алишер Навоий ижодига “Мантиқ ут-тайр” маснавийси ва “Тазкират ул-авлиё” асари таъсири мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Тула асарлар тўплами. 10 жилдик. 10-жилд. Насойим ул-муҳаббат / Нашрга тайёрловчилар С.Рафиддинов, С.Ганиева. — Т.: Ф.Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011, 473-б.

<sup>2</sup> Алишер Навоий. Тула асарлар тўплами 10 жилдик. 9-жилд. Маҳбуб ул-қулуб /Нашрга тайёрловчи С.Ганиева, С.Рафиддинов. — Т.: Ф.Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011, 464-б.

<sup>3</sup> Алишер Навоий. Тула асарлар тўплами. 10 жилдик. 10-жилд. Насойим ул-муҳаббат / Нашрга тайёрловчилар С.Рафиддинов, С.Ганиева. — Т.: Ф.Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011, 474-475-бетлар.

Алишер Навоий мактабда, болалик чоғида бошқа тенгдошлари Саъдий Шерозийнинг “Гулистон”у “Бўстон” асарларини мутулаа қилганида, “Мантиқ ут-тайр” достонига ҳавас қўйгани, бу асар таъсирида болалардан четлашгани, ота-она хавфсираб, китобни олиб яширгани, аммо асар матни унинг ёдида қолганини эслайди ва унга жавобан олтимиш ёшида “Лисон ут-тайр” достонини ёзганини қайд этади.<sup>1</sup>

Шу асарида Алишер Навоий ўзининг маънавий устози Фаридуддин Атторни Ҳиндистондаги афсонавий қақнус қушига нисбат беради, уни пир, ўзини мурид, қақнус боласи эканлигини таъкидлайди.

Ёшлигидан Фаридуддин сўфийлар ҳаёти ва фаолиятига қизиқиб, кейинча тасаввуф таълимотига бағишлаб қатор маснавийлар яратган. Хусусан унинг “Мантиқ ут-тайр”, “Илоҳийнома”, “Мусибатнома” ва бошқа асарларини кўрсатиб ўтиш мумкин. Шоирнинг “Асрорнома” асари ёш шогирди Жалолиддин Румийга бағишланган.

Фаридуддин Атторнинг машҳур достони “Мантиқ ут-тайр” 1175 йилда ёзилган бўлиб, уни ёзишда шоир имом Газзолийнинг қушлар ҳақидаги асаридан руҳланган. Асарнинг асосий гоёси идеал, баркамоллик бошқа жойда, бировда эмас, толиб, изловчининг ўзида, унинг қалбида, балки ўзи эканлиги ва бу камолот тасаввуфий тарбия орқали эришилишини мажоз воситасида, қушлар орқали кўрсатган.

Алишер Навоий Фаридуддин Атторнинг асарларини шундай таърифлайди:

Халқ учун махлут этиб гул бирла қанд,  
Табъга гулқанд янглиғ судманд.

Чун “Мусибатнома” син айлаб баён,  
Юз мусибат нафсқа айлаб аён.

Ҳар мусибатдин кўнгулга сур ўлуб,  
Ким кўнгул ул сурдин масрур ўлуб.

Чун рақам айлаб “Илоҳийнома” ни,  
Ваҳйига айлаб муҳаррир хомани.

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Тула асарлар тўплами. 10 жилдлик. 9-жилд. Лисон ут-тайр / Нашрга тайёрловчи И.Ҳаққул. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011, 20–29-бетлар.

Шарҳи асрори илоҳи айлабон,  
Халқ аро шарҳин камоҳи айлабон.

Чунки “Уштурнома” айлаб ошкор,  
Нуктаси бухтиларин тортиб қатор.

Неча минг бухти нечукким чархи дун,  
Дурру гавҳар ҳамлидин бори зубун.<sup>1</sup>

Фаридуддин Атторнинг ижодида ва тасаввуф намояндалари тўғрисидаги китоблари ичида алоҳида ўрин тутадиган асари шубҳасиз “Тазкират ул-авлиё” дир. Асарнинг биринчи таҳририда етмиш иккита, иккинчи мукамал таҳририда эса тўқсон беш нафар энг йирик тасаввуф алломаларининг қисқача ҳаёти ва фаолияти, асосан, турли масалаларга оид фикр-мулоҳазалари баён этилган. Биз нашрга тайёрлаш учун олган таржима қўлёзмасида олтиш саккизта авлиё тўғрисида маълумотлар берилган. Шунингдек, асарда тасаввуфий истилоҳлар, шариат, тариқат, маърифат, таваккул, ризо, сабр, шукр кабиларга турли мутафаккирларнинг қарашлари айнан келтирилган.

Тазкирада, иккинчи томондан муаллиф ўзининг илмий-назарий қарашларини асослаш мақсадида тарихий воқеалар ҳамда ўтмиш машойихлари ҳаётини ҳикоя, масал ва нақллар тарзида баён этган.

Асар хронологик асосда тузилган дейиш мумкин. Аввал авлиёнинг умумий таърифи, қисқача ҳаёт йўли, каромат ва насиҳатлари ўрин олган. Энг йирик тасаввуф намояндалари ҳаёти ва ижоди батафсил ёритилган бўлса, қолганлари умумий тарзда баён этилган.

XIII аср бошларида яратилган бу китобда беш аср давомида яшаб ижод этган йирик мутафаккирларнинг ибратли ҳаёти, насиҳатомуз фикр-мулоҳазалари, улар билан боғлиқ лавҳалар ўрин олган. Уларнинг ичида бир-бирига яқин, бир-бирини тўлдирадиган, баъзан эса қарама-қарши ёки бир-бирини инкор этувчи турли талқинлар бўлиши табиий. Замонавий китобхон буларга танқидий муносабатда бўлади, деб умид билдирамиз. Айрим ўринларда ҳаётий манзаралар афсона, ўхшатиш ва муболага тарзида ҳам келтирилган.

Китобдан ўрин олган бадий, тарихий лавҳалар жуда жонли, таъсирчан, асарни юксак бадий ижод намунаси даражасига кўтарган. Шунинг учун ҳам йирик мутахассислар буни тарихий манбадан кўра

<sup>1</sup> Уша асар. 27-6.

бадий асар сифатида қимматли, албатта тасаввуф тарихи ва назарияси, амалиётини ўрганишда жуда катта илмий қийматга ҳам эга эканлигини эътироф этишади.

“Тазкират ул-авлиё” асарининг тазкиранависликдаги муҳим аҳамияти шундаки, унга эргашиб, анъанани давом эттириб, жуда кўп мутафаккирлар ўз асарларини яратганлар. Хусусан, Абдурахмон Жомийнинг “Нафаҳот ул-унс”, Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат”, Муҳаммад Рушдийнинг “Тазкират ул-авлиё” асарлари шулар жумласидандир.

Ўз асарининг жамият маънавий ҳаётидаги аҳамияти хусусида муаллиф қуйидагиларни ёзади: “Қуръон” ва ҳадислардан кейин ҳеч сўз тариқатдаги машойихлар айтган сўзларидан афзалроқ эмас”.

Алломининг эслашича, “Бу қавмнинг сўзларига дўстларимнинг кўпчилиги бутунлай рағбат қилаётганини кўриб менинг ҳам майлим зиёда бўлди. Зотан, уларнинг ҳол ва қоллари ёзилган китоблар мутолаасига завқим ва ҳавасим кўп эди. Уларнинг сўзлари ниҳоятда кўп бўлиб, ҳаммасини жам қилсам чўзилиб кетарди. Баъзи дўстлар ва муҳиблар илтимос қилганлари учун танлаб олинди, то ёдгор қолсин деб”.

Мусанниф ўз асари манбаси сифатида қуйидаги уч китоб номини муқаддимада қайд этади: “Ва агар толиблар бу қавмнинг сўзларининг шарҳини истасалар, “Шарҳ ул-қулуб”, “Кашф ул-асрор”, “Маърифат ун-нафс” китобларидан топиши мумкин”.

Фаридуддин Атторнинг “Тазкират ул-авлиё” асарининг таърифи ва аҳамиятини Алишер Навоий шундай ифодалаган:

Наср ила чун “Тазкира” мавжуд этиб,  
Авлиё арвоҳини хушнуд этиб.

Ҳар бирининг руҳидин юз тийра зот,  
Жон топиб ичкон каби оби ҳаёт.<sup>1</sup>

Фаридуддин Аттор ижодининг фалсафий, ирфоний жиҳатлари Е.Э.Бертельс, А.Муҳаммадхўжаев томонидан махсус ўрганилган. Н.Комилов “Илоҳийнома” асарининг бир қисмини насрда таржима қилиб, “Тавҳид асрори” тадқиқоти билан (биринчи нашри 1994 йил, иккинчи нашри 2009 йил) бирга нашр эттирди, Маҳкам Маҳмудов “Аттор ва Навоий” мақоласини эълон қилган.

<sup>1</sup> Уша асар. 28-б.

“Тазкират ул-авлиё” асарининг ихчам таржимаси рус тилида “Авлиёлар ҳақида ҳикоялар” (“Рассказы о святых”) номи остида 2005 йили “Сампо” нашриётида Москвада эълон қилинган.

“Тазкират ул-авлиё”нинг машҳурлигини кўрсатадиган омиллардан яна бири шуки, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида бу асарнинг эликдан зиёд мўтабар қўлёзмалари мавжуд бўлиб, энг қадимги қўлёзма (Тартиб рақами № 13253/1) ҳижрий 802 (мелодий 1399) йили Муҳаммад Шодий томонидан кўчирилган. Энг сўнгги қўлёзмалар XIX аср охирларига тааллуқли.

Бу китоб XIX аср иккинчи ярмида уч марта – Хожашоҳ ибн Сайид Аҳмад (Тартиб рақами № 2061), Муҳаммад Ёқуб (Тартиб рақами № 7017) ва Муҳаммад Сиддиқ (Тартиб рақами № 12128) томонидан ўзбек тилига таржима қилинган эди. Аммо бу таржималар араб имлосида, улардаги айрим сўз ва иборалар бугунги китобхон учун тушуниши анча қийин бўлиб қолган. Шу боис таржимонлар ушбу нашр учун тазкиранинг ихчам таҳририни асос қилиб олдилар. Барча матнда учрайдиган эски туркий сўз ва иборалар бугунги ўзбек тилига мослаб табдил қилинди.

Китоб кенг ўқувчилар оmmasига мўлжаллангани учун Аллоҳ, пайғамбар ва авлиёлар исмларига ўз даврида кўшиб айтиладиган анъанавий ибора ва сўзлар тушириб қолдирилди. Айрим ўринларда тарихий атама ва сўзлар айнан қолдирилди. Тасаввуфга оид сўз ва атамаларни тушунишни истаганлар йирик тасаввуфшунос олим Нажмиддин Комиловнинг “Тасаввуф” номли монографиясига мурожаат қилишлари мумкин.

Олим Ҳ.Ҳомидий “Кўҳна шарқ даргалари” (2004 йил) тўпламида “Ҳикматлар атриёти” сарлавҳаси остида буюк шоир ижодини изоҳлар экан, уни шундай яқунлайди: “Юртимизда маънавият ва маърифат тарғиби, таълимига махсус эътибор берилаётган шу кунларда бобомиз Навоийдек даҳоларни ўзига ром этган Фаридуддин Аттор ижодини ҳар томонлама ўрганиб, тарғиб этиш фақат наф келтиради, холос”, деган ҳақли хулосага келган.

Биз ҳам аини мана шу фикрга таяниб, унинг “Тазкират ул-авлиё” асарини биринчи таҳрири ўзбекча таржимасини кенг жамоатчиликка ҳавола этмоқдамиз.

**Абдумажид Мадраимов,**  
*тарих фанлари доктори,*  
*профессор*





MAKNAH  
M-ABNU

## АЛЛОҲНИНГ ҲАМДИ

### Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм

Тури неъматлар фазли ила карамли, инъом этишнинг ҳар хил қисмларининг шарофати ила миннат қилувчи зотга — Аллоҳ таолога ҳамдлар бўлсин! У олийликлардаги иззат соҳиби бўлиб мақталган, кибриё сифатли, ер чуқурликлари ва само табақаларида ибодатларга машгул бўлганларнинг энг яхши маъбуди, улуғлик ва буюклик, барча мол-мулк ва бинолар соҳиби, фано даштида куйганларнинг кўзларига парда тортиб куйган зотдир.

У қимматбаҳо қурбат тарафида аини бақода бўлганларни жамики нарсаларга устун бўладиган фақр иззати ила бой қилиб куйган, уларни ўзининг тавфиқиға ёр айлаб, неъматлар хазинасига мушарраф қилган, бойлик сабабли бақода фоний қилган, бойликдан бақони фоний айлаган зотдир.

Шундай қилиб, бу бақо ва фақр иккови ҳам фонийликнинг қандили нурида мақталган, ихлос куйилган бўлиб қолди. Ана ўшалар инсониятнинг асл эрларидирлар. Бойлик қандилининг айнан нури сабабли муқаддасликка губор етур, натижада жоҳилона зулмат, қуруқ фонийлик орқали ҳақиқат нурлари кесилур. Бу эса аини дунё, шахслар ва уларга кўнгил боғлашлиқдир!

Бизга кифоя қилган зотга ҳамдлар бўлсин! У зот бизлардан дунёга берилиб кетганларнинг ёмонлигини кўтарди. Унга етишганларни эса бизларни эсдан чиқартириб, шунга машгул қилиб куйди. Биз билан бизга ҳамдард бўлганлар орасини боғлаб берди. Бизни Ўзинг қўлла, хитобинг ташрифи, мукаррам китобинг ила бизни икром айла! Ўзингнинг муҳаббатингга ва охиратнинг ҳисоб-китоби нарсаларини кўтариб олганлар севгисига бизни гарқ қил!

Гувоҳлик берамизки, Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ! У ягонадир, унга тенг келадиган шериги йўқдир! Унга ўхшайдиган соҳиб йўқ! Бас, агар сифатларига боқадиган бўлсак, Ундан ўзгаси йўқ! Агар вужудни ўйлайдиган бўлсак, фақат У бордир! Гувоҳлик берамизки, Муҳаммад Унинг бандаси, динини тавсиф қилиб, жами халойиққа

ҳақиқат ила юборилган расулидир! Ўз ўрнида у зот ҳақиқат йўлидан озганлар ва залолат аҳлининг мақомини пасайтирган, ҳар қандай назар, инкор, тугённи дўзах алангаси ила бирма-бир дафъ қилолган зотдир.

У ҳидоят боғига кирганларга буюк ёрдамчи бўлиб, ҳидоят топганларнинг қалбларини дин жавоҳирларининг нури ила зиёлантирган, уларни аниқ имоннинг фахрли йўлларига очиқдан-очиқ йўллаб қўйган, уларга пайғамбарлар тахтидаги хитобларни кўрсатган, софдил инсонларга софликни, уларга эргашганларга эса тақводорликни хослаб берган зотдир.

Ана ўшалар икки оламда У зот ҳузурини мақсад қилганлар, қалбларидан икки жаҳон неъматларига илтифот қилишни юлиб ташлаганлар. Улар яширин, ғойиб зотни кўрмасдан туриб, қалб кўзлари, ақл чироқлари, гўзал гумонлари, матлаблари ғояси ва ҳимматлари ниҳоясини кашф қилолган етук қалблари ила имонга келганлардир. Улар ўз мақсадларининг энг юқориси, ҳимматларининг энг олийсидаги сир-асрорлардан ҳам ларзага келадиган зотлардир. Уларнинг руҳлари кудурат ва нурсиз ёғду вақтида қудсий буюклик нурларидан баҳраманд бўлсин!

Аллоҳ У зотга, унинг оилаларига, саҳобаларига салом йўлласин! Аллоҳ улардан рози бўлсин!

Фазилат машриғидан илтифот нурлари балққан, қоронгиликда адашиб қолингандан сўнг эҳсон уфқидан инъом зиёси кўринган ва ибодат булутлари ҳидоят чақмоғини олиб келиб, ишқ калимаси ила сидқ яшинларини яшнатган, шавқ қадамлари завқ саҳросида овоз чиқариб оламини туттирган вақтлар бисёр бўлаверсин!

Кўп-кўп саломлар бўлсин!<sup>1</sup>

«Куръон» ва ҳадислардан кейин ҳеч сўз тариқатдаги машойихлар айтган сўзларидан афзалроқ эмас. Чунки, уларнинг сўзлари корлар ва ҳол натижаси, ҳифз ва қол<sup>2</sup> самарасидур. Улар на сирлар баёни, на дин моҳияти такрори, эшитишдан бўлмай,

<sup>1</sup> Шу жойгача булган иборалар «Тазкират ул-авлиё»да араб тилида битилган бўлиб, унинг «ҳамд» ёки хутба қисми ҳисобланади. Биз унинг ўзбекча маъносини беришга ҳаракат қилдик.

<sup>2</sup> Кор, ҳол, ҳифз ва қол — тасаввуфий атамалар.

илми ладуний ҳисобланади, касб илмидан эмас. Ва олимлар — Раббоний пайгамбарлар ворисларидирлар. Аллоҳ ҳаммаларига салоту саломлар йўлласин!

Бу қавмнинг сўзларига дўстларимнинг кўпчилиги бутунлай рағбат қилаётганини кўриб, менинг ҳам майлим зиёда бўлди. Зотан, уларнинг ҳол ва қоллари ёзилган китоблар мутолаасига завқим ва ҳавасим кўп эди.

Уларнинг сўзлари ниҳоятда кўп бўлиб, ҳаммасини жам қилсам чўзилиб кетарди. Баъзи дўстлар ва муҳиблар илтимос қилганлари учун, танлаб олинди, то ёдгор қолсин деб.

Ва агар толиблар бу қавм сўзларининг шарҳини истасалар, «Шарҳ ул-қулуб», «Кашф ул-асрор», «Маърифат ун-нафс» китобларидан топиши мумкин.

Ҳар ким бу уч китобни мутолаа қилса, бу мукаррам тоифанинг сўзлари у кишига махфий қолмаслигига шубҳа йўқ. Агар бу китобда бу қавмнинг сўзларини шарҳ қилсам, минг жузв<sup>1</sup>, балки ундан ҳам зиёда қоғоз керак бўлар эди. Бироқ, асар яратишда уни мўъжаз ва мухтасар қилиш суннат тариқидандир.

Расулуллоҳ (с.а.в.)<sup>2</sup> нинг «Мен сўзларнинг тўплами бўлиб келтирилдим, менга сўзлар қисқартирилди» ҳадисларига кўра, ушбу асарни мухтасар қилдим. Ва бу қавмнинг сўзларида ихтилоф ҳам бўлмай: бир сўз китобда бир азиздан нақл қилинса, унинг исми, ҳикояти, ҳолатлари ҳам турлича бўлиши мумкин. Шунинг учун имкон қадар эҳтиёткорлик қилинди.

Бу китобда шарҳ қилинмаганига яна бир неча сабаб мавжуд.

Биринчиси шуки, ўз сўзимни ушбу азизларнинг гаплари орасида келтиришни адабдан кўрмадим. Фақат бир неча ерда номаҳрам ва ноаҳларнинг хаёлини бузмаслик учун айрим ишоралар берилди.

Яна бир боиси улки, ҳар ким бу азизларнинг сўзларига эҳтиёжи бўлса, энг яхшиси шуки, уларнинг ўзлари сўзларига қараб, яна шарҳ қилгай!

<sup>1</sup> Жузв — қисм, китоб таркибидаги алоҳида букланган варақлар, «пора» ҳам деб аталади.

<sup>2</sup> С.а.в. (саллаллоҳи алайҳи вассаллам) — Аллоҳ унга раҳмат ва салом йўлласин!

Яна бир боиси бор: авлиёulloҳлар турлича бўлади. Баъзиси маърифат аҳли, баъзиси мақомот аҳли ва баъзиси муҳаббат аҳли ва баъзиси тавҳид аҳли ва баъзиси бу мазкур бўлганларнинг барчасини қамраб олган. Ва баъзиси сифати билан, баъзиси сифатсиз бўладилар.

Агар сифатларини бирма-бир шарҳ қилсам эди, бу китоб жуда узун шарҳ бўлиб, мухтасарликдан чиқиб кетар эди.

Шунингдек, анбиё, саҳобалар, аҳли байтнинг зикрини қилсам ҳам бу китоб узун ва муфассал бўлар эди. Бу заиф бечора ўша олий қавмнинг васфини қайси тил билан баён этишим мумкин, уларни Худо ва Расул, «Қуръон» ва хабарлар васф қилган бўлсалар!

Пайгамбарлар, саҳоба ва аҳли байт уч хил бўлиб, уларнинг зикрида бошқа бир китоб тасниф қиламан, иншооллоҳ. Токи Агтордан ёдгорлик қолсин!

Ушбу китобни жам қилишдан мақсад яхши дўстларнинг рағбати ва илтимоси эди.

Ўзга боис у эрдиким, мендан ёдгорлик қолсин! То ҳар ким бу китобни ўқиса, ундан фойда олса ва кушойиш топса, бу нусхаи шарифнинг мақбарасини дуои хайр билан ёд қилсин! Бундан кушойиш топганлик жиҳатидан жам қилувчи охират бозорида ва маҳшар кунда нажот топгай!

Яҳё ибн Имод Ҳиротнинг имоми, шайх Абдуллоҳ Ансорийнинг устози эди. У вафот қилганида, биров уни тушида кўрди.

— Аллоҳ сенинг билан қандай муомала қилди? — деб сўради.

У деди:

— Эй Яҳё, сенга қаттиқ-қаттиқ жазоларим бор эди. Валекин бир куни ваъз мажлисида Менинг ҳақимда гапирардинг, уни бир дўстим эшитиб жуда хурсанд бўлди. Шунинг учун сенинг гуноҳингни бағишладим. Бўлмаса, сенинг ишинг жуда қийин эди, — деган хитобни эшитдим.

Ўзга боиси шу эдиким, шайх Али Даққоқдан сўрадилар:

— Эй Шайх, бу азизларнинг сўзларини эшитишдан бизга манфаат ва фойда борми?

Шайх деди:

— Ҳа, унда икки фойда бор. Биринчи фойда шуки, агар толиб бўлса, ҳиммати кучли бўлгай, талаби ортгай!

Иккинчи фойда шуки, бошида такаббур бўлса, сингай ва дардманд, шикаста ҳол бўлгай. Ва ёмон даъволар бошидан чиқади, яхши ва ёмоннинг фарқига боради. Агар кўр бўлса, ўзи мушоҳада қилгай!

Шайх Маҳфуз деди:

— Халқни ўз тарозинг билан ўлчамагил! Аммо ўзингни мардлар тарозуси билан ўлчагил, токи уларнинг фази билан сенинг ифлослигинг маълум бўлгай!

Ўзга боиси шуки, ҳазрати Жунайддан сўрадилар:

— Ҳикоят ва ривоятлардан муридларга нима фойда бўлади?

Деди:

— Уларнинг сўзлари Аллоҳнинг лашкарларидан биридир. Агар муриднинг кўнгли хаста ва шикаста бўлса, уларнинг сўзлари билан қувватли ва кучли бўлур!

Бунинг ҳужжат ва далили шуки, Аллоҳ ўз каломида шундай деган: «Сизга (эй, Муҳаммад!) Пайгамбарларнинг хабарларидан дилингизга сабот бахш этадиганларини айтиб бермоқдамиз».<sup>1</sup>

Яъни, Эй Муҳаммад ўтганларнинг қиссаларидан сенга айтурман, токи кўнглинг ором топиб кучли бўлсин!

Ўзга боиси шуки, олам Хожаси шундай деганлар:

— Солиҳлар зикри вақтида раҳмат нозил бўлур.

Яъни, агар бир киши дастурхонга овқат қўйса, у дастурхонга раҳмат ёғилса, дастурхон атрофида ўтирганлар маҳрум ва бенасиб қолмагай!

Ўзга боиси шуки, «Қуръон» ва ҳадислардан сўнг ҳеч бир сўз машойихларнинг сўзларидан яхшироқ бўлмайди. Ушбу шариф қавм сўзларининг ҳаммасини «Қуръон» ва ҳадисларнинг шарҳи эканини кўрдим. Ўзимни уларга яқин тутдим. Гарчи, улардан бўлмасам-да, уларнинг кўринишига ўзимни ўхшатишга интилдим.

Зотан, Расули ақрам:

<sup>1</sup>Худ сураси, 120-оят.

— Кимки ўзини бирор қавмга ўхшатса, бас у ўша қавмдандир, — деб марҳамат қилганлар.

Шайх дейди, даъвогарларга яхши эътибор берингларки, улар муҳаққиқ кўринадилар. Агар ҳимматлари бўлмаса эди, ўзга нарсага даъво қилар эдилар.

Ўзга боиси шуки, зоҳирда кўрарманки: агар киши ўз нафсига хилоф сўзни эшитса, у кишининг қонига ҳам ноҳақ ботил ҳаракат қилиши мумкин. Ва йиллар бир сўзи учун гина ва адоватда бўладилар. Чунки, ёмон сўздан сенинг нафсингга шунча асар бор экан, ундан хабаринг йўқ!

Имом Абдураҳмон Аккофдан сўрадилар:

— Киши «Қуръон» ўқийди, аммо маъносини билмайди, бунинг фойда ва асари борми?

У деди:

— Бир кишига табиб дори беради. Ичган киши билмайдики, нима дори берган. Унинг асари маълум бўлади. Ва агар қори «Қуръон» ўқиб, маъносини билмаса ҳам кўп асари бўлади. Агар унинг маъносини билса, асари янада кўпроқ бўлади.

Бошқа сабаби шуки, кўнглим сўз хазинаси эди. Уларни айтиб ва эшитиб билмас эдим. Шунда мушкул ва зарурат билан, қийинчиликка қарамай бу сўзлардан рўзгорим аҳлига вазифа қилиб топшира бошладим. Токим бир овқат, бир фойдага шерик бўлгайман.

Шайх Абу Али ибн Сино айтган:

— Менинг икки орзуим бор. Биринчиси шуки, Аллоҳ сўзини эшитсам, ўзгалар сўзларига қулоқ сололмайман! Иккинчиси шуки, агар Аллоҳ мардларини кўрсам, ўзгаларга илтифот қилмайман!

Яна деди:

— Мен бир кишиман, на пастни ва на баландни биламан. Ва менга бир киши керак: у айтса, мен эшитсам, ёки мен айтсам, у эшитса!

Ва яна дедиким:

— Жаннат унинг сўзи бўлмаса, Абу Али ундан безор бўлар!  
Яна бошқа сабаби шуки, имом Юсуф Ҳамадонийдан сўрадилар:

— Кунлар ўтиши билан бу тоифанинг сўзлари тупроқ остига киради, унда биз нима қиламиз?

Имом деди:

— Ҳар кунда саккиз варақ бу тоифанинг сўзларидан ўқишни вазифа қилиш керак. Гафлат аҳлига айн фарз шу!

Яна бошқа сабаби шуки, кичиклигимдан беихтиёр бу тоифанинг муҳаббатлари менинг жоним ичида мавж урар эди. Ва менинг кўнглим уларнинг муборак сўзлари билан очилар эди. Шу жиҳатдан ҳам айтганлар: Киши севган кишиси билан биргадир.

Шундай қилиб, ўз қадрим ва қудратимга лойиқ, уларнинг сўзларига жилва бердим. Сўз шеvasи бу вақтда ниқобда қолгандир. Муддаийлар аҳли маъно либоси билан чиққан, аҳли дин эса ёмби каби азиз бўлиб қолганлар. Чунончи, шайх Жўнайд Бағдодий шайх Шиблийга шундай деган:

— Агар оламда аҳлуллоҳнинг биргина сўзига мувофиқ яшаётган кишини топсанг, унинг қўлини тутиб ўлгайсан!

Ўзга боиси шуки, ҳаёт шундайки, бу давримда охиратни, одамларнинг сирларини, одамларнинг ҳақларини унутганларни кўрдим. Авлиёларнинг тазкираларини шунинг учун тасниф қилиб, унинг отини «Тазкират ул-авлиё» деб қўйдим. Токи замона аҳли давлатни унутмағайлар ва гўша тутган ва хилватда ўтирганларни излағайлар. Токи уларнинг давлат насими билан абадий бахт-саодат топгайлар.

Яна бир сабаб шуки, булар сўзларининг яхшилиги бениҳоядир.

Биринчидан, уларнинг сўзлари дунёни халқ кўнглига совуқ қилгай!

Иккинчидан, ҳар кимса бу азизларнинг сўзларини эшитса охиратни ёдига туширгай!

Учинчидан, Аллоҳ муҳаббати унинг кўнглида орта боргай!

Тўртинчидан, ҳар кимса бу азизларнинг сўзларидан манфаат топса, охират йўлига тайёргарлик кўра бошлайди. Шунинг учун, ҳақиқат оламида бундан яхшироқ китоб йўқ, деса бўлади. Шунинг учунки, буларнинг сўзлари «Қуръон» оятлари ва ҳадисларнинг шарҳидур. Булар сўзларнинг энг шарофатли ва яхшисидир!



Ҳар ким ушбу китоби шарифни тўлиқ эътиқод билан мутолаа қилса, агар муханнас бўлса, эр бўлади; агар эр бўлса, шер бўлади; агар арслон бўлса, ягона бўлгай; агар ягона бўлса, аҳли дард бўлгай! Нима учун киши бу китоби шарифни эҳтиёти шарт билан мутолаа қилиб, аҳли дард бўлмасун?

Яна бир сабаб шуки, келгуси қиёмат куннда бу фақири ҳақирга шафоат назари билан боқишларидан умидворман. Бу фақирни асҳоби қаҳф итидек кўрмасалар ҳам ноумид қўймагайлар!

Нақл қилурларким, Жамол Мавсий кўп йиллар қон ютуб жон узган. Саъй-ҳаракат қилиб мол-дунёсини Аллоҳ йўлига сарф қилган. Шундай қилиб, Хожай коинот, сарвари анбиё яқинида дафн қилинган.

У васият қилган: Менинг қабримга бу оятни китобат қилинглар: «Уларнинг ити эса, остонада икки олд оёқларини узатиб ётур».<sup>1</sup>

Худовандо, бир ит сенинг муҳаббатинг билан дўстларингнинг орқасидан қадам қўйди. Ўша итни сен маҳрум қўймадинг! Мен ҳам сенинг муҳаббатингни, анбиё ва авлиёлар муҳаббатининг даъвосини қиламан! Уларнинг сифат ва аҳволига машғул бўлдим. Худовандо, ўз лутфу караминг билан, ўз фазлу эҳсонинг билан, гарчи ушбу сўзларим ва менинг ўзим ҳеч нарсага арзимаса-да, сенинг муҳаббатингни ўзимга пушту паноҳ билдим! Анбиё, авлиё, атқиё ва уламоларнинг пок руҳлари ҳаққи, ман ғариб ожизни бу қавм шарифнинг кўзларидан ғойиб ва маҳжуб қилмагил! Уларга солган назаринг хосиятидан мени ҳам маҳрум қўймагин! Бу китобни менга қурб даражасига сабаб қил! Эй Аллоҳ, сен ижобатга соҳиб зотсан! Аллоҳ бизга кифоя қилур, У қандай ҳам яхши вакидир!

Бу китобда мазкур бўлган авлиёларнинг исмларини ёд этайлик, ундан сўнг уларнинг мақомат, ҳолат, каромат ва ишоратларининг баёнига ўтамиз.

Бу китобда зикр этилган жами машойихларнинг исмлари куйидагича:

Имоми Жаъфари Содиқ, Увайс Қараний, Ҳасан Басрий, Молики Динор, Муҳаммад ибн Восеъ, Ҳабиб Ажамий, Абу

<sup>1</sup> Қаҳф сураси, 18-оят.

Ҳозим Маккий, Утба ибн Ғулом, Робия Адавия, Ғузайл ибн Аёз, Иброҳим ибн Адҳам, Башир Ҳофий, Зуннуни Мисрий, Боязид Бистомий, Абдуллоҳ ибн Муборак, Суфёни Саврий, Абу Али Шақиқ Балхий, Абу Ҳанифа Куфий, Имом Шофиъий, Аҳмад ибн Ҳанбал, Довуд Тоий, Ҳорис Муҳосибий, Абу Сулаймон Дороний, Муҳаммад ибн Саммок, Муҳаммад ибн Аслам Тусий, Аҳмади Ҳарб, Ҳотами Асамм, Саҳл Тустарий, Маъруфи Кархий, Сирри Сақатий, Фатҳ Мавсили, Аҳмад Ҳаворий, Аҳмад Хазравия, Абу Туроб Нахшабий, Яҳё ибн Муоз Розий, Шоҳ Шужоъ Кирмоний, Юсуф ибн Ҳусайн, Абу Ҳафз Ҳаддод, Аҳмад Қассор, Мансур Аммор, Аҳмад Антокий, Абдуллоҳ Ҳусайн Хийбақ, Жунайди Бағдодий, Абу Умар ибн Усмон Маккий, Абу Саъид Харроз, Абулҳасан Нурий, Абу Усмон Хайрий, Абдуллоҳ ибн Ҷалло, Абу Муҳаммад Рувайм, Ибн Ато, Иброҳим Варақий, Юсуф Асбот, Абу Яъқуб Исҳоқ Наҳраҳурий, Самнун ул-Мажнун, Абу Муҳаммад Муртаъиш, Абу Абдуллоҳ Ғазл, Абулҳасан Пушнакий, Ҳаким Термизий, Абу Бакр Варроқ, Абдуллоҳ Манозил, Али Исфаҳоний, Абулхайр Нассож, Абу Ҳамза Хуросоний, Аҳмад Мағрибий, Абу Али Ҷуржоний, Абу Бакр Каттоний, Абдуллоҳ Хафиф, Абу Муҳаммад Ҳаририй, Мансур Ҳаллож.<sup>1</sup>

Табаррукан ҳазрати имоми Жаъфари Содиқнинг каромат, мақомат, ҳолат, ҳориқи одат, кашф ва риёзатларидан бошлайлик, токи ҳаммага маълум бўлсин!

<sup>1</sup> Форсча матн тошбосма нашрида 96 исм берилган, асарнинг биринчи таҳририда эса 69 та авлиё исми ва фаолияти баён этилган бўлиб, биз биринчи таҳрир мазмуни билан чекландик.

## АБУ МУҲАММАД ЖАЪФАРИ СОДИҚ

У пайгамбар миллати султони, пайгамбарлик нишонининг хужжати, садоқатли олим, авлиёлар дилининг меваси, пайгамбарлар саййидининг жигаргўшаши, ҳазрати Алининг невараси, пайгамбар ворисининг аввалгиси, ориф ва ошиқ зот — Абу Муҳаммад Жаъфари Содиқдирлар.

Юқорида айтган эдикки, анбиё, саҳобалар ва аҳли байтнинг зикрини қилсак, бошқа бир китоб тасниф қилиш керак. Бу китоб эса авлиё ва машойихларнинг ҳолларининг шарҳи бўлиб, саҳобалар ва аҳли байтдан сўнг пайдо бўлдилар. Аммо табарруклик юзасидан асаримиз имоми Жаъфари Содиқ зикридан бошланди. У зот мазкур машойихлардан аввал яшаган. Аҳли байтдан тариқат сўзларини у кўпроқ гапирган, ундан кўпроқ ривоят қиладилар.

Бас, бу жиҳатдан бир неча калима у зотдан айтамыз, зотан у барчага пир ва пешво эди. Унинг зикри қилинса, гўё барча азизларнинг зикри қилингандек бўлади.

У жумла машойихнинг пешвоси, барчанинг унга ишончи бўлган. У барчага етакчи ҳамда жаҳонга шайх, Муҳаммад умматига имом, аҳли завққа пешрав, аҳли ишққа пешво, обидларга муқаддам, зоҳидларга мукаррам, ҳақиқатлар таснифи соҳиби, латиф тафсирга моҳиру беназир эди. Имом Муҳаммад Боқир кўп ривоят қилар эди.

\* \* \*

Нақлдурки, халифа Мансур вазирага бир кеча деди:

— Имом Жаъфари Содиқни келтиргин, то уни ўлдирай!

Вазир деди:

— У бир бурчакда ўтириб, узлат ихтиёр қилиб, ҳамиша тоат-ибодатга машғул, қўлини мамлакат ва подшоҳликдан тортган!

Халифа ундан ранжиди ва деди:

– Албатта чақиргин, ўлдирамиз!

Вазир қанчалик қаршилик қилса-да, фойдаси бўлмади. Охи-роқибат вазир талабни бажариш учун чиқиб кетди. Халифа Мансур гуломига деди:

– Содиқ ичкарига киргач, мен кулоҳини бошидан олсам, сен уни ўлдирасан!

Содиқ ичкарига киргач, Мансур тахтидан сакраб туриб, тавозеъ билан уни қарши олиб, тахтига ўтқазиб, ўзи одоб сақлаб турди. Гуломлар таажжубга тушдилар.

Мансур деди:

– Нима ҳожатингиз бор?

Содиқ деди:

– Ҳожатим шуки, мени бошқа олдинга таклиф қилмайсан, Аллоҳ тоатига машғул бўлай!

Бас, уни одатга биноан катта иззату икром билан кузатди. Ва дарҳол Мансур ларзага тушиб, беҳуш бўлиб, уч кун, баъзилар айтишича, уч намоз вақти ўзига келмади.

Ўзига келганида ундан сўрадилар:

– Бу нима ҳол?

У деди:

– Содиқ эшикдан кирганида, унинг ёнида ваҳимали аждаҳо бўлиб, унинг даҳшатли гурзиси бор эди. У менга гурзиси билан ўқталиб, ҳол тилида деди: «Агар сен унга озор бергудек бўлсанг, шу билан сени янчаман!» Мен бу аждаҳо ваҳимасидан, нима дейишни билмай, узр сўрадим, ундан сўнг ўзимни билмай, беҳуш бўлдим.

\* \* \*

Нақлдорки, бир марта Довуди Тоий ҳазратлари Содиқ олдига келиб, деди:

– Эй Расул авлоди, Аллоҳ таборака ва таоло учун менга насиҳат қилгин, чунки дилим сиёҳ бўлган!

Содиқ деди:

– Эй Сулаймон отаси, сен замона зоҳидисан, сенга менинг насиҳатимнинг ҳожати йўқ!

Ва у яна деди:

– Пайгамбар фарзанди, Аллоҳ сени ҳаммадан афзал қилган ва насиҳат қилиш сенга вожибдир!

Деди:

– Эй Сулаймон отаси, мен шундан қўрқаманки, қиёмат куни катта бобом менга танбеҳ бериб: «Аллоҳ иши насаб билан эмас, балки тоат билан битади», дейиши мумкин!

Бу жавобни эшитиб, Довуди Тоий зор-зор йиглаб, деди:

– Бор Худоё, Жаъфари Содиқ охир замон пайгамбарининг авлоди бўла туриб, шунчалар қўрқиб ҳайрон бўлса, амалу тоатига суяниб Довуднинг ҳоли нима бўлади?

\* \* \*

Нақлдурки, Жаъфари Содиқ мавлонолар билан ўтирганида:

– Келинлар, бир-биримизга сўз берайлик, аҳд боғлайлик: ҳар қайсимизни Аллоҳ мағфират қилса, қиёмат кунида бир-биримизни шафоат қилайлик, – деди.

Улар:

– Эй пайгамбар авлоди, Сизга не ҳожатки, бизнинг шафоатимизга кўз тутарсиз? Сизнинг катта бобонгиз барча халойиқ шафоатчисидур, – дейишди.

Жаъфари Содиқ деди:

– Мен қиёмат куни ўзимнинг бу аҳволим билан катта бобомнинг юзларига қандай боқаман?

\* \* \*

Нақлдурки, Жаъфари Содиқ бир неча муддат хилватда ўтирди. Суфёни Саврий унинг олдида келди.

– Эй Расули Аллоҳ авлоди, Сизнинг насиҳатингиздан халқ маҳрум бўлиб қолди. Нега узлатни ихтиёр қилдингиз? – деди.

У жавоб берди:

– Бу замона фосид бўлиб, мўминлар кўнгли ва эътиқоди ўзгариб кетди. Шу сабабдан узлатни ихтиёр қилдим, буларга насиҳатим кор қилмас!

\* \* \*

Нақлдорки, бир куни Жаъфари Содиқ қимматли зарбоф тўн кийиб олган эди. Дўсти кўриб деди:

— Эй Расулуллоҳнинг авлоди, сизнинг хонадонингизда ҳеч ким бундай тўнни киймаган!

Унинг қўлини тутиб, тўн ичига киргизди. Ичидан дағал шол кийиб олган экан.

Шунда у деди:

— Бу шол Ҳақ тўнидир, бу зарбоф халқ тўнидир. Халқ кўзига хор ва ҳақир кўриниш учун кийгандим.

\* \* \*

Нақлдорки, Жаъфари Содиққа:

— Барча ишларингиз яхши, бир ишингиз эса сизга муносиб эмас, — дедилар.

У деди:

— Бу қайси иш?

Унга такаббур эканлигини айтдилар. Жавоб берди:

— Такаббур эмасман. Бу кибр кибриёнинг кибриди! Ўз кибримни ташладим, Унинг кибриёлиги менинг кибрим ўрнига ўрнашди. Киши ўз кибри билан такаббурлик қилса, у кибр эмас, агар киши Ҳақ кибриёлиги билан кибр қилсагина такаббурлик бўлур.

\* \* \*

Нақлдорки, Жаъфари Содиқ Абу Ҳанифадан:

— Оқил ким? — деб сўради.

— Оқил яхши ва ёмоннинг фарқига боради, — деб жавоб берди.

Жаъфари Содиқ деди:

— Бу жонворларда ҳам бор сифат: урса — ёмон кўрар, ўт берса — яхши кўрар.

Абу Ҳанифа деди:

— Сизнингча, оқил ким?

Жавоб берди:

— Оқил шундайки, икки яхшилик ва икки ёмонлик орасидан, яхшилик яхшироғини ва ёмонлик яхшисини ажратади.

\* \* \*

Нақлдурки, Жаъфари Содиқ бир куни ёлғиз кетаётиб:

— Аллоҳ, Аллоҳ, — дер эди.

Ундан кейин келаётган ориф ҳам:

— Аллоҳ, Аллоҳ, — дер эди.

Жаъфари Содиқ:

— Эй Аллоҳ, тўним йўқ, — деган эди, дарҳол жаннатдан унга бир тўн пайдо бўлди. Жаъфари Содиқ уни олиб кийди.

Ориф тез етиб келиб:

— Эй Содиқ, сен, Аллоҳ, Аллоҳ, деганингда, сенга ўртоқ эдим.

Энди сен янги тўн кийдинг, эскисини менга бер, — деди.

Жаъфари Содиққа орифнинг сўзи хуш келиб, эски тўнини унга берди.

\* \* \*

Нақлдурки, бир киши танга тўла ҳамёнини ўғирлатиб қўйиб, Жаъфари Содиқга:

— Сен ўғирлагансан! — деб ёпишди.

Содиқ ундан қанчалигини сўради. У минг олтини бўлганлигини айтди. Содиқ уйига олиб бориб, унга минг олтин берди.

Бир неча кундан сўнг у киши ўз молини топди ва шармисор бўлди. Ва Содиқнинг молини олиб бориб, воқеани айтди.

Содиқ деди:

— Аллоҳ йўлида нарса берсак, уни қайтиб олмаймиз. Саховат хонадонидан бўламиз!

\* \* \*

Нақлдурки, биров Содиқ ёнига келиб:

— Аллоҳни менга кўрсатгил, — деди.

Содиқ деди:

— Эшитмаганмисан, ҳазрати Мусо Аллоҳдан дийдор тилади.

Шунда Аллоҳ тарафидан:

— Мени асло кўролмассан! — деган жавобни эшитди.

У киши:

— Эшитганман, аммо бу дин Муҳаммад динидур! — деб, бир фарёд қилди ва:

— Қалбим Раббимни кўрди, — деди.

Кейин эса:

— Раббимни кўрмагунча ибодат қилмайман, — деб қичқирди.

Содиқ:

— Уни боғлаб, Дажла дарёсига отинглар, — деб буюрди.

Унинг айтганидай қилдилар. Дажла суви уни домига тортди, бир муддатдан сўнг сув юзига чиқарди.

У оҳ уриб нола билан:

— Эй пайгамбар авлоди, мадад қил, мадад қил! — деб қичқирди.

Содиқ сувга:

— Яна ютгил, — деди.

У киши сувда мана шундай қилиб бир неча муддат турди.

Боши кўринганда мадад тиларди, сув яна ютарди.

У бутун халқдан ноумид бўлиб:

— Илоҳи мадад қил, мадад қил! — деди.

Содиқ деди:

— Энди чиқоринг!

Уни дарҳол чиқардилар. Бир соат ўтиб, у ўзига келди.

Содиқ:

— Ҳақни кўрдингми? — деб сўради.

У деди:

— Ҳақдан ўзга кишилардан мадад сўрадим, ҳижоб ичида эдим. Халқдан буткул умидимни узиб, Ўзидан паноҳ тилагандим, кўнглим равшан тортди. Унга қарадим, шунда Ҳақни кўрдим. Халқдан кечган эдим, Ҳаққа етдим.

Содиқ деди:

— Эй қариндош, шу вақтгача халқни айтдинг-у, ёлгончи эдинг. Энди Ҳақни айтиб Ҳақга етишдинг, шу билан содиқ бўлдинг!

Ва яна Содиқ деди:

— Ҳар гуноҳнинг аввалида кўрқинч, охирида уэр бўлгай. Бу



яхшидир, чунки қул гуноҳи билан Ҳаққа яқин бўлгай. Ҳар тоатнинг аввалида кўрқинч бўлмаса, унинг охирида гурурланиш бўлгай. Бу қулни Ҳақдан йироқ қилгай.

\* \* \*

Содиқдан сўрадилар:

— Сабр қилувчи дарвеш яхшими ёки шукр қилувчи бойми?

У жавоб берди:

— Сабр қилувчи гадо яхши, чунки сабр қилувчи дарвешнинг кўнгли Ҳаққа бўлгай, бойлар кўнгли молда бўлади. Шу сабабдан сабр қилувчи дарвеш шукр қилувчи бойдан яхшироқдир.

\* \* \*

Жаъфар Содиқнинг ибратли сўзларидан:

— Ибодат тавбасиз яхши бўлмас. Чунки Аллоҳ ўз каломида тавбани ўзга ибодатлардан аввал келтирган:

— Тавба қилувчилар, ибодат қилувчилар.<sup>1</sup>

— Тавбасиз зикр ва тоат бандани гофил этар. Тавба билан бўлган зикр ва тоат вақтида жами нарсани кўнгилдан фаромуш этар, Ҳақ билан бирга бўлур.

\* \* \*

— Аллоҳ оятининг маъноси, Ўз раҳматим билан ҳар кимни хоҳласам, хос қилурман.<sup>2</sup>

Бунда токи карам ва ато айни шу бўлгани боис восита, илат ва сабабларни кўтарди.

\* \* \*

— Мўмин киши ўз нафси билан бўлган, ориф эса Аллоҳ билан ўтирган кимсадир.

<sup>1</sup>Тавба сураси, 112-оят.

<sup>2</sup>Оли Имрон сураси, 74-оят.

\* \* \*

— Ҳар киши ўз нафси билан нафси учун гайрат қилса, Аллоҳнинг кароматига етгай. Ҳар киши ўз нафси билан Аллоҳ учун гайрат қилса, Аллоҳга етгай!

\* \* \*

— Илҳом — мақбуллар ва яхшиларнинг хислати эрур, далил талаб қилмоқ эса илҳомсиз бўлиб, олимларнинг тирикчилигидир.

\* \* \*

— Аллоҳ ўзини гўё чумоли қоронғи кечада қора тош устида юргандек бандасидан яширган.

\* \* \*

— Яширин ишонч — имон менга таслим бўлиб келган. Шунда телбалик ҳиди мендан узоқлашади.

\* \* \*

— Тўрт кишининг муҳаббатидан узоқ бўлинглар: Биринчи, ёлгончидан йироқ бўлинглар. Чунки у ҳамиша гурурда бўлгай; иккинчи, ўз сўзининг вақтини билмайдиган бўйи узун аҳмоқдан йироқ бўлинг; учинчи, молдан закот бермайдиган бахилдан узоқ бўлинг; тўртинчиси, ёмон кўнгилли кишилардан узоқ бўлинг. Зотан булардан дунё-ю охиратда кўп зиён етгай!

\* \* \*

— Аллоҳнинг бу дунёда жаннат ва дўзахи бор. Жаннати офият, дўзахи эса бало ва меҳнатдир. Офият шуки, ўз ишингни Ҳаққа топширгайсан, бало эса ҳар ишни ўзингдан, деб билгайсан.

## УВАЙС ҚАРАНИЙ

У тобеъинлар қибласи, арбаъинлар пешвоси, пинҳон офтоб,  
раҳмон ҳамнафаси, Яман юлдузидир.

Расулуллоҳ марҳамат қилганлар:

— Увайс ал-Қараний эҳсону иффат ва тавсифда тобеъинларнинг  
яхшисидир!

Унинг таърифини мен қандай қила оламан? Чунки унинг  
таърифини қилувчи, мақтовчиси ҳазрати Пайгамбардирлар. У зот  
ўз муборак юзини доим Яман тарафига тугиб:

— Раҳмон нафасларидан бири Яман тарафдан келур, — дер  
эдилар.

Яна айтар эдиларки:

— Қиёмат куни Аллоҳ етмиш фариштани Увайс суратида  
яратур. Бунинг сабаби шуки, фаришталар уни ўртага олиб  
жаннатга киритурлар, ҳеч ким ундан хабардор бўлмагай. Фақат  
Аллоҳ хоҳлаган кимсаларгина таний оладилар. Зотан, Увайс Ҳақ  
ризоси учун халқдан қочди, ибодат қилди. Шу сабабдан охиратда  
ҳам бошқалар кўзидан пинҳон бўлур.

\* \* \*

Айтадики:

— Авлиёлар қуббам остидадирлар, уларни Мендан ўзга  
билмагай!

\* \* \*

Хабарда келибдики, тонгла қиёмат кунида Хожаи анбиё  
жаннатда ўз кўшкидан чиқадилар ва бир кишини излай бошлайдилар.  
Хитоб келур:

– Ё Муҳаммад, кимни ахтармоқдасан?

Увайсни қидираётганини айтгай.

Нидо келгай:

– Ранж чекмагин, чунки уни дунёда кўрмаганингдек, бу ерда ҳам кўра олмайсан!

Хожан анбиё:

– Эй илоҳи, Увайс Қараний қаерда? – деб сўрагай.

– Уни тополмайсан. У сидқ маконида эрур, – деган жавоб келади.

Хожан анбиё:

– У мени кўрадимиз? – деб сўрагай.

Шунда нидо келади:

– Инсон Мени кўрмаганидек, сени ҳам кўролмайди.

\* \* \*

Яна Расулуллоҳ деганлар:

– Бир инсон Рабиъа ва Музар қўйларининг юнглари сонича умматларимни шафоат қилгай!

Рабиъа ва Музар араблардан икки қавм бўлиб, ҳеч бир қавмнинг уларчалик қўйлари йўқ эди.

Саҳобалар:

– Эй Расулуллоҳ, у ким бўлади? – деб сўрадилар.

Жавоб бердилар:

– У Аллоҳнинг қулларидай бир қулдур.

Саҳобалар айтдилар:

– Биз ҳаммамиз Аллоҳ бандасимиз. Унинг оти нима?

Айтдилар:

– Унинг оти Увайсдир.

Саҳобалар сўрадилар:

– У қаердан бўлади?

– У Қаран вилоятидан бўлади, – деб жавоб бердилар.

Яна сўрадилар:

– У Сизни кўрганми?

Расулуллоҳ дедилар:

— Зоҳир кўзи билан кўргани йўқ!

Саҳобалар дедилар:

— Ажиб ошиқ экан, нега Сизнинг хизматингизга келмас!

Расулуллоҳ айтдилар:

— Икки сабабдин: бири ҳолининг кўплигидан. Ва яна бири шариат тақозосидан. Унинг бир онаси бор, кўзи кўрмас ва қўл-оёғи шол бўлган. Увайс кундузи туя боқиб, унинг ҳақини онаси ва ўзининг нафақасига ишлатади.

Саҳобалар дедилар:

— Ё Расулуллоҳ, бизлар уни кўрармизми?

Дедилар:

— Ҳеч бирингиз кўра билмассиз, фақат Форуқ ва Муртазо кўриши мумкин. Унинг нишонаси буки, чап қўлининг кафтида бир кумуш танга катталигида оқлик бор. У касаллик эмас. Уни кўрсангизлар менинг саломимни етказинглар. Ва айтингларки, у менинг умматларим ҳаққига дуо қилсин!

\* \* \*

Яна саҳобалар сўрадилар:

— Сиздан сўнг Сизнинг мураққангизни<sup>1</sup> кимга берайлик?

Айтдилар:

— Увайс Қаранийга бергайсизлар!

\* \* \*

Ҳазрати Хожаи анбиё вафот қилганларидан сўнг ҳазрати Умар ва ҳазрати Али иккаласи Кўфага келадилар. Умари Форуқ хутба орасида деди:

— Эй, Нажд аҳли! Туринглар!

Нажд аҳлидан бўлган барча турдилар.

Сўрадилар:

— Сизнинг орангизда Қарандан келганлар борми?

Айтдилар:

— Албатта, бор!

<sup>1</sup> Мураққа — қийқимлардан тикилган кийим. Уни одатда дарвешлар кийиб юрган.

Бир жамоатни Умарнинг олдига келтирдилар. Ҳазрати Умар улардан Увайс ҳақида сўрадилар.

Улар:

— Билмасмиз, — дедилар.

Ҳазрати Умар айтдилар:

— Расулulloҳ менга хабар берганлар. Аллоҳ пайгамбарининг сўзлари ростдир!

Яна Увайс ҳақида такрор сўрадилар.

Шунда у жамоатдан бир киши деди:

— Сиз сўраганингиздан ҳақирроқ биров бор. У девона, халққа кўшилмас, ҳеч ким билан суҳбат қилмас. Халқ айтганини у айтмайди, шодлик ва гамни билмас. Ва агар халқ кулса, у йиғлайди; агар халқ йиғласа, у кулади.

Ҳазрати Форуқи Умар билан Муртазо Али — иккиси Арафа водийсига бордилар. Увайсни намоз ўқиётганида топдилар. У ибодатда эди, Аллоҳ бир фариштани юборган бўлиб, унинг туяларини кўриқларди. У инсон овозини эшитди. Увайсдан сўрадилар:

— Кимсан?

Деди:

— Аллоҳнинг бандасиман!

Умари Форуқ айтдилар:

— Ҳамма Худонинг бандасидир, сен бизга хос исмингни айтгин!

Увайс исмини айтди.

Форуқ деди:

— Соғ кўлингни кўрсатгин!

Увайс кўлини кўрсатди. Расулulloҳ айтган аломатни кўлида кўрдилар. Билдиларки, у Увайс экан.

— Худонинг Расули сени кўп дуо қилдилар. Сени умматлари ҳаққига дуо қилсун, — дедилар.

Увайс деди:

— Эй Форуқ, дуо қилишга Сендан яхшироқ ва пешқадам киши йўқ!

Форуқ деди:

— Мен доим дуо қилурман! Сен Пайгамбар васиятларини адо этгин!

Увайс деди:

— Эй Умар, яхшилаб таҳқиқ қил, то ўзга киши бўлмасун! — деди.

Ҳазрати Умар деди:

— Пайгамбар айтган нишонлар сенда бор!

Увайс деди:

— Ундоқ бўлса, менга Пайгамбарнинг мураққаларини бергил, то дуо қилайин, — деди.

Мураққани Увайсга бердилар ва айтдилар:

— Кел, энди дуо қилгил!

Айтди:

— Сабр қилинг, то Пайгамбарнинг осий умматларини сўраб олай, кейин дуо қиламан!

Бас, булардан йироққа борди, мураққани ерга қўйиб, деди:

— Илоҳи, токи уммати Муҳаммадни менга бағишламагунингча ушбу мураққани киймагайман! Худо Пайгамбари, Форуқ ва Муртазо ўз ишларини қилдилар. Энди сенинг ишинг қолди!

Ғойибдан бир овоз келди:

— Эй Увайс, умматнинг бир нечасини сенга бағишладим!

Деди:

— Илоҳи, барчасини бағишлагил! — деди.

Яна нидо келди:

— Икки ҳиссасини бағишладим!

Увайс Аллоҳдан нимани тиласа, ўша ондаёқ жавобини эшитар эди. Шу ҳолда Форуқ ва Муртазо яқин келдилар.

Увайс деди:

— Афсус, нимага келдинглар! Агар андак келмай турганингларда эди, токи Аллоҳ менга жами уммати Муҳаммадни бағишламагунча, бу мураққани киймас эдим!

Форуқ Увайсни кўрди. У бир шол кийиб олибди, ўн саккиз минг оламнинг бойлиги ўша шол остида эди.

Ва Форуқ буни кўриб, халифалиқдан кечди ва деди:

— Бу халифаликни бир нонга алишадиган кимса борми?

Увайс деди:

— Бу не баҳо қўймоқ, бозорга солмоқ? Қўйил, кимга керак бўлса, олсин!

Саҳобалар бу сўзни эшитиб, фарёд қилдилар:

— Эй Форуқ, барча мусулмонларнинг ишини зойе қилиб бўлмас. Бир соат қилган адолатнинг, етмиш йиллик ибодатдан яхшироқ. Расулulloҳнинг ҳадисларининг мазмуни шундай, — дедилар.

Форуқ деди:

— Эй Увайс, не учун мураққани киймадинг? Пайгамбарнинг муборак жамоли жаҳонройларини кўргандек бўлар эдинг.

Увайс деди:

— Сизлар кўрганмисизлар?

Дедилар:

— Албатта, кўрганмиз!

Увайс деди:

— Фақат хирқаларини кўрган бўлсангизлар керак. Агар кўрган бўлсанглар, менга айтинглар-чи, у зотнинг қошлари пайваста эдими ёки очикми?

Ҳазрати Умар унинг ҳайбатидан бу саволга жавоб бера билмади.

Увайс деди:

— Сизлар у зотнинг дўстларисизми?

Улар дўстлари эканини айтишди.

Увайс деди:

— Агар дўсти бўлсангизлар, у ҳазратнинг тишлари шаҳид бўлган кунда унга тақлид қилиб, нега ўз тишларингизни синдирмадингизлар?! Дўстлик шарти мувофиқчилик эди. Мен тақлид қилиш учун бу тишларми ёки у тишларми, деб ҳамма тишларимни синдирдим.

Увайс оғзини очган эди, ҳамма унинг бирон тиши ҳам йўқлигини кўрди.

— Мен уни зоҳир кўз билан кўрмай шундай қилдим, — деди.

Увайснинг бу сўзлари Форуқ ва Муртазога жуда хуш келди.

Айтдилар:



– Эй Увайс, бизларнинг ҳаққимизга дуо қилсангиз!

Увайс деди:

– Ҳамиша дуо қиламан. Ҳар намознинг ташаҳхудидан сўнг: «Эй Аллоҳим, мени ва мўмину мўминалар ҳамда муслиму муслималарни мағфират айла!» – дея дуо қилурман! Агар сизлар саломатлик билан имонингизни гўрга олиб борадиган бўлсангизлар, доимо дуо қилгайман! Акс ҳолда, дуони сизларга зойе қилмасман!

Форуқ деди:

– Эй Увайс, менга васият қилгин!

Увайс деди:

– Эй Форуқ, Аллоҳни билармисан?

Айтди:

– Албатта!

Увайс:

– Ундан ўзгани танимасанг яхшироқ бўларди, – деди.

Форуқ деди:

– Эй Увайс, тўхтагил, сенга назр берурман!

Шу вақтда Увайс қўлини чўнтагига тиқиб, икки кумуш танга чиқариб деди:

– Буни туяларни боққаним учун олганман. Агар сен мана шу икки тангани харж қилгунча тирик қолишимга кафил бўлсанг, сенинг назрингни қабул қиламан.

Форуқ мулзам бўлди.

Бас, Увайс деди:

– Эй Расули Худонинг саҳобалари, сизларга кўп ташвиш бўлди! Ижозат, қайтинглар! Қиёмат яқиндир, йўл озуқига машғул бўлинглар! Мен ҳам шу йўл озуқига машғул бўламан!

Кўфа аҳли Қаран саҳросидан қайтдилар. Қаран халқи Увайсни кўп иззат ва ҳурмат қила бошладилар. Увайс улардан қочди, ҳеч ким уни кўрмади.

\* \* \*

Фақат Ҳаром ибн Ҳайён Увайсни кўрган эди.

У айтади:

— Увайснинг шафоат даражаси буюклигига далолат ҳадисни эшитдим-да, унинг хизматига боришни орзу қилдим. Кўфага келдим. Уни топа олмадим. Излаб-излаб, уни Фурот дарёси бўйида таҳорат қилаётганида топдим. Салом бергандим, жавоб берди. Менга боқди, йиғлай бошладим. Чунки унинг ҳоли жуда заиф эди, унга раҳмим келди. Увайс ҳам йиғлади.

Деди:

— Эй, Ҳаром ибн Ҳайён, сенга мени ким кўрсатди?

Мен дедим:

— Эй Увайс, менинг исмиمنى ва отамнинг исмини қаердан билдинг? Мени қандай танидинг?

У деди:

— Ҳеч бир нарса Унинг илмидан ташқари бўлмаган зот хабар берди.

Ҳаром деди:

— Менга ҳазрат Пайгамбардан хабар бер!

У:

— Мен уни кўрган эмасман, бироқ унинг хабарини бошқалардан эшитганман. Муҳаддислик ва муфтийликка қизиқишим йўқ, — деди.

Айтдим:

— Менга оят ўқиб беринг, эшитаман!

У:

— Аъзузу биллоҳи мин-аш-Шайтони-р-рожийм<sup>1</sup>, — деди ва йиғлай бошлади. Бир фарёд чекиб, беҳуш бўлиб йиқилди. Ўзига келиб, бундай деди:

— Эй Ҳаром ибн Ҳайён, нима учун бу ерга келдинг?

Ҳаром деди:

— Сенга ҳамсуҳбат бўлгайман ва сендан панду насихат эшитгайман.

Деди:

— Ҳаргиз билмадим, Аллоҳга яқин бўлармикан у кимса, ўзгага мусоҳиб бўлса!

<sup>1</sup> Мальун шайтондан Аллоҳдан паноҳ сўрайман. Бу калима оят ўқишдан олдин ўқилади.

Бас, Ҳаром деди:

— Менга васият қилгил!

Деди:

— Ўлимни бошинг остида ва кўзинг олдида деб бил!

Ҳаром сўради:

— Яна васият қилгил!

Деди:

— Эй Ҳаром, ота ва онанг ўлдилар. Одам ва Ҳаво ва Нуҳ ва Иброҳим ва Довуд ва Сулаймон ва Муҳаммад ўлдилар. Абу Бакр ва Умар ўлдилар.

Сўнг айтди:

— Оҳ Умар, воҳ Умар! Аллоҳ уни раҳмат қилсин!

Мен дедим:

— Ахир, Умар ўлмаган-ку, ҳали тирик!

У:

— Аллоҳ менга хабар берди, унинг ва бошқаларнинг ўлимидан.

Кейин Увайс деди:

— Сен ва мен ҳам ўлганлар жумласиданмиз. Саловат айтиб, дуо қилиб, деди: — Васиятим шуки, Аллоҳ китобини ҳамма нарсадан илгари тутгайсан! Бирор соат ўлимдан гафлатда қолмагайсан! Ўз қавмингни яхши кўрсанг, панду насиҳат қилиб, уларга Аллоҳ сўзини аямагин! Жамоат мувофақатидан бир қадам ҳам айро ташламагин, токим ногаҳон динсиз бўлиб ва дўзахга тушиб қолмагин!

Сўнг бир неча дуолар қилди.

Кейин:

— Мен борай, бундан сўнг сен мени ва мен эса сени кўрмагаймиз!

Сен ҳам менинг ҳаққимга яхши дуолар қилгил, мен ҳам сенинг ҳаққингга дуолар қилиб тураман, — деди.

Ҳаром деди:

— Увайс орқасидан бир соат юришни хоҳладим. У хоҳламай, мени Кўфага келтирди. Йўлда Умар ва Алининг воқеасини гапириб борарди. Мен унинг ортидан кетаётган эдим, ногаҳ кўзимдан гойиб бўлди.

\* \* \*

Рабеъ ибн Хайсам дейди: «Увайсни кўргани бордим. Борганимда бомдод намозини ўқиётган экан. Намоздан сўнг дуога машгул бўлди. Сабр қилдим, то пешин намозини ўқий бошлади. Яна сабр қилдим. Сўнг яна дуога машгул бўла кетди. Сабр қилдим. Аср намозини ўқиди, сўнг шом, кейин хуфтонни ўқиди. Шу тариқада уч кеча-кундуз намоз билан машгул бўлди. Ҳеч нарса емади, кўзларига уйқу келмади. Тўртинчи кун сездимки, кўзларини уйқу босди. Дарҳол туриб, муножот қила бошлади.

Дедиким:

— Поко, Парвардигоро! Емоқ-ичмоқ ва кўп ухламоқдан Ўзингдан паноҳ тилайман!

Ушбу насиҳат менга етарли, деб уни безовта қилмадим ва ўз йўлимга кетдим».

\* \* \*

Айтадиларки, Увайс умр бўйи кечалари ухламаган экан.

— Бу кеча сажда кечаси, — деб эрталабгача сажда қилиб чиқар экан; бошқа кечани эса: «Бу қиём кечаси», деб, қиёмда: «Бу рукуъ кечаси», деб рукуъда тонг оттирар экан.

Ундан сўрадилар:

— Эй Увайс, кеча шунчалик узун-ку, қандай тоқат қила оласан!

У жавоб берибди:

— Бир марта Субҳона Раббийа-л-аъло, дегунча тонг отади. Уч марта айтиш суннат, шунга тез-тез уч марта айтиб улгураман. Кўкдаги фаришталарга ўхшагим келади.

\* \* \*

Ундан сўрадилар:

— Намоздаги хушў нима?

Увайс деди:

— Намозда турган кишининг сонига ўқ урсалар, буни сезмаса, мана шу хушўдир.

\* \* \*

Сўрадилар:

— Қандайсан?

Деди:

— Эрталаб туриб, кечга етиб бориш-бормаслигини билмаган кишидекман.

\* \* \*

Сўрадилар:

— Аҳволинг қандай?

Деди:

— Оҳ, оҳ! Йўлнинг узоқлигидан, озугим йўқлигидан!

\* \* \*

Ва яна деди:

— Ҳар ким уч нарсани севса, дўзах ўти у кишига бўйнининг томиридан ҳам яқинроқ бўлмай: бири, таомни сайлаб егай; иккинчиси, яхши либос танлагай; учинчиси, бойлар билан ўтирмай!

\* \* \*

Айтдилар:

— Сизнинг яқинингиз ўттиз йилдан бери ўзига гўр қазиб, кафанини ёнида осиб юрибди. Кечаю кундуз тоату ибодатга машғулдир.

Увайс уни бориб кўрди ва деди:

— Эй фалончи, ўттиз йилдан буён бу гўр билан кафан сени Аллоҳдан айириб турибди. Сен бу иккисига мубталосан, иккови сен учун бут бўлибди.

У киши деди:

— Увайснинг нури билан менга ҳолат кашф бўлди. Гапи ҳақиқат эканини билдим. Шундай экан! — деб нола чекди ва жон берди.

Уни ўзи қазиган гўрига дафн қилдилар ва шу билан у муродига етди.

\* \* \*

Увайс Қараний бир марта уч кеча-кундуз таом емади. Туртинчи кун кетаётганида йўлда ётган динорни кўрди.

Деди:

— Бировнинг ҳаққи бўлса керак!

Уни олмади. Очликдан кўринган ўтлар бошоқларини узиб ер эди. Баногоҳ кўрдик, бир қўй иссиғ нон келтириб Увайснинг олдига қўйди. Увайс бу нонни бировдан олиб қочгандур, деб юзини ундан ўгирди.

Қўй тилга кириб деди:

— Эй Увайс, бу ризқни ол, Аллоҳнинг қўлидандир, мен ҳам сенингдек бандаман.

Шундан сўнг Увайс нонни олган эди, у йўқолиб қолди.

\* \* \*

Увайснинг қўйидаги ибратли сўзлари бор:

— Ҳар киши Аллоҳни таниса, унга ҳеч нарса махфий қолмагай!  
Яъни кимки Аллоҳни Аллоҳ билан таниса, у ҳамма нарсани билади!

\* \* \*

— Саломатлик ёлғизликдадир!

\* \* \*

— Ваҳдат шуки, кўнглида Ҳақдан ўзганинг фикри бўлмасин, шунда саломат бўлади!

\* \* \*

— Агар ташқи кўринишда ёлғиз қолса, бу яхши бўлмас. Чунки айтадиларки, Шайтон ёлғиз киши билан ҳамроҳдир, у икки кишидан қочгай. Ҳадисда: «Кўнгилни ҳозир тутинг, то Ҳақдан ўзга йул топа олмасин», дейилган.

\* \* \*

— Улуғлик истадим, уни тавозеъликдан топдим!

- Раислик истадим, уни ҳалол луқмадан топдим!
- Аёл истадим, уни садоқатдан топдим!
- Фаҳр истадим, уни фақирликдан топдим!
- Суннатни истадим, уни тақводан топдим!
- Шон-шараф истадим, уни қаноатдан топдим!
- Роҳат истадим, уни парҳездан топдим!

\* \* \*

Нақлдурки, Увайснинг қўшнилари унга айтдилар:

– Эй Увайс, сизга янги уй қуриб берайлик.

Бир уй қуриб бердилар. Увайс қабул қилиб, ўша уйда яшади. Бир йил ўтди. Бир куни рўзасини очишга ҳеч нарса топа олмади. Кундузи хурмо дарахтининг баргларини сотиб ифтор қилар эди.

Мудом тўни эски хирқа эди. У бомдод вақтида уйдан чиқиб, хуфтон намозидан сўнг уйига келар эди. Кўча-кўйда юрганида, ёш болалар ҳазратга тош отиб қувлар эдилар.

Умрининг охирида амир ул-мўъминин Али ёнига келди. Ва унинг билан бирга Сиффинда жанг қилди ва у ерда шаҳид бўлди. Ёлғиз ошиқ эди, шаҳид вафот топди!

\* \* \*

Билгилки, бир тоифа инсонлар бўлади, уларни Увайсий дейдилар. Улар ҳеч бир ҳожат ва воситасиз Пайгамбар (с.а.в.) руҳидан тарбия топулар, Увайс топгандек. Алар шунчаки зоҳирда бир-бирларини кўрмадилар, аммо ботиндан файз футуҳ топдилар. Бу олий мақомдир, у давлат ҳар кишига муяссар бўлмас. Аллоҳнинг сўзи бор: «Бу Аллоҳнинг фазлидирки, уни Ўзи хоҳлаган кишиларга берур. Аллоҳ улуг фазл соҳибидир!»<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Жума сураси, 4-оят.

## ҲАСАН БАСРИЙ

Пайгамбарлик пардаси, ёшлик соҳиби, илму амал Каъбаси, дину миллат қибласи, саҳобаи киромлардан тарбия топган зот шайх Ҳасан Басрий ҳақидаги маноқиб ва унинг тавсифи жуда кўпдир. У беҳад илм соҳиби, муомаласи чиройли зот бўлиб, доим Аллоҳнинг хавфида эди. Унинг онаси мўминлар онаси Умму Саламанинг ходимаси эди. Онаси бир ишга машғул бўлиб, Ҳасан йиғлаб қолганида Умму Салама унга муборак сийналарини тутар эди. У шу сутни эмиб, неча минг илму ҳикмат ва саодатга эришди.

\* \* \*

Нақлдурки, Ҳасан болалик пайтида Расули ақрам кўзаларидан сув ичди.

Пайгамбар:

— Бу сувни ким ичди? — деганларида, Ҳасан ичганини айтишди.

Шунда Расулуллоҳ:

— Бу сувдан қанча ичган бўлса, Аллоҳ унга менинг минг илмимдан шунчасини насиб қилсин, — деб марҳамат қилдилар.

\* \* \*

Ривоят қилурларки, бир куни Пайгамбар (с.а.в.) Умму Саламанинг уйларига кирганларида Ҳасанни у зотнинг олдиларига қўйди. Шунда Расулуллоҳ унинг ҳаққига дуо қилдилар. Бунча қаромат ва саодатни шу дуонинг баракатидан топди.

\* \* \*

Нақлдурки, Ҳасан туғилганида ҳазрати Умар эшитиб кўргани келди ва деди:



— Бу ўғлоннинг юзи яхши ва нурли бўлибди, исми ҳам Ҳасан (гўзал) бўлсин!

Умму Салама унга Ҳасан исмини қўйиб, ўзи тарбия қилди. Ва шафқат жиҳатидан эмчакларида сут пайдо бўлди.

Доимо дуо қилар эди:

— Худовандо, Ҳасанни халққа муқтадо қилгил! Ана шу дуо сабабли ҳам у пешво бўлди. Ҳасан бир юз ўттиз кибор саҳобанинг хизматини қилиб, Бадр жангида қатнашган етмиш саҳобани кўрган эди. У амир ул-муъминин Алига иродат қилиб, табаррук фирқани ундан олган.

У ҳазрат тавбасининг сабаби шу эди. Ёшлигида гавҳарфуруш бўлиб, уни Ҳасан гавҳар жаллоб дер эдилар.

\* \* \*

Бир вақт Румга бориб, подшоҳнинг вазирига яқин бўлиб олди. Вазир деди:

— Биз бугун бир ерга борамиз. Сен ҳам бизга қўшил!

Ҳасан вазирга қўшилди. Улар саҳрога чиқиб кетдилар.

Ҳасан айтадики, жуда катта чодирни кўрдим. Румнинг нафис нақшли матосидан, таноблари ипакдан, михлари олтиндан эди. У улкан чодир олдида маржон тизилгандек кўп аскар саф тортиб турар эди. Ногоҳ тўрт юзга яқин ҳаким ва вазирлар чодир бошига бордилар. Ҳар қайсиси кўлидаги олтин табоқда тўла дуру марварид, лаълу жавоҳирлар билан айландилар. Ва қайтдилар. Сўнг яна бир улуг лашкар пайдо бўлди. Улар чодирдан узоқроқ турдилар ва улар орасидан икки киши айрилди. Бири шоҳ Қайсар ва бири вазир эди. Улар чодир ичига кириб, анча вақт ўтгандан сўнг чиқдилар. Ва мен ҳайрон бўлдим.

Вазирдан сўрадим:

— Бу не ҳол?

Вазир деди:

— Шоҳ Қайсарнинг бир соҳибжамол фазилатли ўғли бор. Турли илм ва фазилатларни эғаллаган, комил эди. Таърифга сигмас шужоъ ва баҳодир эди. Шоҳ Қайсар уни жонидан азизроқ кўрарди.

Ногаҳ у ўгли касал бўлиб, табиби ҳозиқлар унинг муолажасидан ожиз бўлдилар. Хуллас, вафот топди. Бу олий даргоҳга уни дафн қилдилар. Ва ҳар йили унинг зиёратига бу шону шавкат билан келадилар. Кўплаб аскарларни кўрдинг, йигитлар бўлиб, у чодирни айландилар ва дедилар:

— Эй олам шаҳзодаси, агар уруш бўлса, бизлар жонларимизни фидо қилган бўлардик, бироқ сенинг ўлимнинг ишига ҳеч ким аралаша олмайдиган Зотнинг амалидир, — дейдилар.

Келиб кетган ҳақим ва амалдорлар дейдилар:

— Эй шаҳзода, бу ҳолким, сенинг бошинга тушди, илму ҳикмат туфайли бўлса эди, бизлар бу балони сендан даф қилар эдик!

Анави кўрган қорилар эса улуг ва яхши инсонлардир. Улар дейдилар:

— Эй шаҳзода, сен учраган бу иш агар шафоат тадбири билан бартараф бўлганда эди, бизлар даф қилар эдик!

Ичи олтин ва лаъл тўла жавоҳир идиш кўтариб келган ёш болалар эса айтдилар:

— Эй шаҳзода, агар бу иш садақа билан бартараф бўлганда эди, бу лаълу жавоҳирларни бошингдан нисор қилар эдик!

Худди шунга ўхшаш, шоҳ Қайсар ўз вазири билан у чодирга кирдилар. Шоҳ Қайсар деди:

— Эй жонимнинг роҳати, эй бағримнинг пораси, эй жаҳондан ноумид бўлган нуридийдам ва йигитликда ўлган ўғлим! Агар бу ожиз ва қари отангнинг қўлидан иш келса эди, мен ҳақим, вазиру амалдорлар, бунча лаълу жавоҳир, олтин ва кумушларнинг ҳаммасини сен учун фидо қилар эдим. Лекин бу ҳол у Зотнинг иши, қодир ҳоқим, жумлаи олам унинг қудрат қўлидадир. Ва мен бир ожиз бечора бандасиман. Аллоҳнинг раҳмат ва мағфирати сенга бўлсин!

Ҳасан Басрий бу сўзларни эшитиб, бу жигарни куйдирувчи ҳикоятни тинглаб, кўнглига кўп дарду алам етди. Қайтиб Басрага келди ва онт ичди:

— Қолган умримда ҳаргиз кулмагайман, то ишнинг оқибатини билмагунча. Ва ўзини шундай жидду жаҳд ва риёзатлар ичида

тутдики, ҳеч киши унингдек риёзат қила билмади. Ва узлатда бўлиб, жонидан кечган эди.

\* \* \*

Бир кун биров ўрнидан туриб деди:

– Ҳасан бизнинг каттамиз ва яхшимиздир.

Бир азиз деди:

– Шунинг учунким, барча халойиқ унга муҳтождир. Унинг эса Аллоҳдан ўзга кишига ҳожати йўқ.

\* \* \*

Бир ҳафтада бир кун ваъз айтар эди. Қачон минбарга чиқса, Робияя Адавийя ҳозир бўлмаса, қайтиб тушар ва ваъз айтмас эди.

Халойиқ айтдилар:

– Шунча азиз ва улуғ кимсалар келган, бир заифа ҳозир бўлмаса, ваъз айтмайсиз. Бунинг сабаби нима?

Ҳасан дедики:

– Бир шиша учун тайёрланган шарбатни ўша шиша бўлмаса, бу шарбатни бошқаларнинг шишасига тўкмасмиз.

\* \* \*

Сўрадилар:

– Бунча халойиқ сенинг мажлисингда ҳозир бўлганидан, иш оқибатида шод бўласанми?

Айтди:

– Мен халойиқнинг кўплигидан шод бўлмасман, икки дарвеш бўлса шод бўламан!

\* \* \*

Ҳасандан сўрадилар:

– Мусулмонлик нимадир?

Жавоб берди:

– Мусулмонлик китоблардадур, мусулмонлар ер остидадурлар.

\* \* \*

Сўрадилар:

– Асл дин нимадир?

Жавоб берди:

– Вараъ(тақво)дир.

Савол бердилар:

– Вараъ нимадир?

Айтди:

– Варъада уч мақом бордир: Биринчи — ҳамиша ҳақ сўзни сўзламоқ; иккинчи — ўзини ҳаромдан сақламоқ; учинчи — ҳар бир ишни Аллоҳ ризоси учун бажармоқ!

\* \* \*

Сўрадилар:

– У вараъни бузадиган нарса нимадир?

Айтди:

– Тама!

\* \* \*

Савол бердилар:

– Эй Шайх, бизларнинг кўнгилларимиз барчаси уйқуда, сенинг сўзинг бизларга таъсир қилмагай! Нима қилайлик?

Деди:

– Кошки, уйқуда бўлгай, тебратмоқ билан уйғонар эдингизлар. Сизларнинг кўнгилларингиз мурдадир, ҳар қанча тебратилса ҳам уйғонмас!

\* \* \*

Савол сўрадилар:

– Бир қавм бор, улар бизларни шундай кўрқитадики, юракларимиз ёрилай, дейди.

Деди:

– Бугун кўрқиб, ўша қавм билан суҳбат қилиб, келгуси қиёматда омон бўлишинглар яхшидир.

\* \* \*

Айтдилар:

— Мўмин нега ҳасад қилади?

Айтди:

— Биродарлари Юсуфни кудуқда унутиб қолдирдилар<sup>1</sup>, лекин ранж сийнадан, қалбдан чиқмагани учун зиён қилмади!

\* \* \*

Нақлдурки, Ҳасаннинг бир муриди бор эди. У қачон «Қуръон» оятини ўқиса, ўша мурид тинглаб, ўзини ерга урарди.

Деди:

— Агарчи бу ишни қиларсан ва сендан ўзгалар қилмас! Бу навҳа ва фарёдинг бир ўт кабидир! Бу ўт умрингда қилган тоат-ибодатингни қуйдириб юборгай. Чунки, ҳар кимдан бир ун чиқар, у ун у кишининг уни эмас, албатга шайтоннинг уни бўлгай!

\* \* \*

Бир куни мажлисга Ҳажжож золим<sup>2</sup> лашкарлари билан келиб тигларини кўрсатиб, ваҳима солмоқчи бўлдилар. Улуғлар ҳозир эдилар. Айтдилар, бугун Ҳасаннинг имтиҳони бўлади. Ҳажжож мажлисда ўтирди. Ҳасан унга заррача парво ҳам қилмади.

Бир улуғ зот, Ҳасан ҳасандир<sup>3</sup>, — деди. Мажлис тугагандан сўнг, Ҳажжож Ҳасаннинг олдига келиб, қўлини ўпди.

Деди:

— Агар кимки мард кишини кўрмоқчи бўлса, Ҳасанга қарасин!

\* \* \*

Нақлдурки, Муртазо Али Басрага келди. Туя бурундугини белига боғлаб уч кеча-кундуз Басрани текшириб чиқди. Кейин буюрдики, минбарларни синдиринг, воизларни ваъз ўқишини манъ

<sup>1</sup> Юсуф пайгамбарни биродарлари ҳасад қилиб, кудуқда қолдирганига ҳавола қилинмоқда.

<sup>2</sup> Шавқатсизлиги билан машҳур бўлган лашкарбоши, одатда унинг исмига золим сўзини қўшиб ёзадилар.

<sup>3</sup> Ҳасан сўзининг маъноси арабчада чиройли дегани.

қилинг. Унинг айтганини қилдилар. Ўзи Ҳасаннинг мажлисига борди ва савол бердики:

— Олиммисан ёки толибмисан?

Айтдики:

— Ҳеч қайсиси эмасман, аммо Пайгамбар (с.а.в.)дан менга етиб келган хабарларни халққа етказмоқдаман.

Муртазо Али уни ваъздан манъ қилмади ва деди:

— Бу киши ваъз айтишга лойиқ экан.

Ва ундан сўнгра ортига қайтди. Ҳасан уни фаросат билан таниди, минбардан сакраб тушиб, унинг ордидан югурди ва деди:

— Аллоҳ ризоси учун менга таҳорат қилмоқни ўргатинг!

Басра яқинида бир дарё бор эди, уни Боб ат-Ташт дердилар. Иккови дарё қирғогига бирга бориб, офтоба ва тоғора қўйиб, Ҳасанга таҳорат қилмоқни ўргатиб, қайтди.

\* \* \*

Нақлдурки, Ҳасан деди, бир кишини кўрдим, ором ва қарорсиз йиғларди. Сабабини сўрадим:

— Нима учун йиғларсан?

Айтди, Муҳаммад Каъб Қуразийнинг ваъзига борган эдим. У мўминлардан бир кишини гуноҳи оғирлигидан неча йиллар дўзахда азобланиши, сўнг алаоқибат ундан халос бўлишини айтиб берди.

Ҳасан деди:

— Кошки, ўша осий бўлсам эди! Неча минг йиллар ёниб, охирида нажот топиб, жаннатга борардим!

\* \* \*

Нақлдурки, Ҳасан бир куни бу ҳадисни ўқир эди: «Менинг умматимдан Ҳино исмли кимса саксон минг йил дўзахда азобланиб, сўнг ундан чиқарилгай!»

Кейин Ҳасан деди:

— Кошки, мен ўша киши бўлсам эди!

\* \* \*

Бир куни Ҳасан бир жанозага борди. Шундай йиғладики, олдидаги тупроқ балчиқ бўлди.

Деди:

– Эй халойиқ, охиратнинг аввали лаҳаддир, дунёнинг охири ҳам лаҳаддир. Чунончи, Пайгамбар (с.а.в.):

– Гўр дунё манзилининг охири, охират манзилининг аввалидур. Дунёнинг аввал ва охири шу экан, эй гофил одамлар, нечун охират ишин қилмай, фароғат топарсизлар, қўрқмассизлар? Дунё иши осон, тез ўтади, охират иши душвор, ўтмас ва тугамас!

Ушбу мажлисда ҳозир бўлган жамоатларнинг барчаси шундай йиғлашга тушдиларки, ўзларидан кетдилар. Ва унинг бу насиҳати сабабидан уларнинг ҳар бири обид ва зоҳид бўлиб, буюк мартабага етишдилар.

\* \* \*

Нақлдурки, бир куни Ҳасан бир жамоат билан гўристонга борди ва деди:

– Бу гўристонда шундай кишилар борки, олиҳимматликлари сабабли, фирдавси аълодан юз ўгирганлар. Аммо шунча ҳасратлари тупроққа қўшилганки, агар ҳасратнинг бир зарраси осмону ер аҳлига айтилса, барчалари ушбу ҳасрату надомат қўрқинчидан сув бўлиб оқардилар.

\* \* \*

Нақлдурки, Ҳасан Саъйидга насиҳат қилиб, деди:

– Уч ишни зинҳор қилмагин.

Биринчиси, қадамингни подшоҳлар тўшагига қўймагил, гарчи улар олам халқига шафқат, мурувват ва адолатли бўлсалар ҳам.

Иккинчиси, заифа, бечора аёл билан ҳаргиз ёлғиз ўтириб суҳбат қилмагил, зотан у номаҳрамдир. Агарчи у Робия бўлса ҳам.

Учинчиси, ўз қулоғингни ҳеч амирларга бермагил, агарчи унинг савобидан авлиёлар даражасига етсанг ҳам. Чунки охир-оқибат унинг офатидан холи бўлмагайсан.

\* \* \*

Молики Динор деди:

– Ҳасандан оламнинг уқубати қандай бўлиши ҳақида сўрадим.

У деди:

– Кўнгил гафлати!

Яна сўрадим:

– Кўнгилнинг ўлими қандай?

У деди:

– Дунё муҳаббатидир.

\* \* \*

Нақлдурки, бир азиз зот айтган, бомдод намози вақтида Ҳасан масжидига бордим. Кўрдимки, эшиги ёпиқ турибди. Ҳасан масжид ичида дуо қилар ва кўп жамоа эса омин дер эдилар. Сабр қилдим. Тонг анча ёришди. Кўлим билан эшикни очиб қарасам, Ҳасан ёлғиз ўтирибди. Ҳайратга тушдим. Бироздан кейин намоз ўқилди. Бўлган ҳодисани Ҳасанга айтдим ва бу ҳолдан огоҳ қилишини ёлвордим.

Ҳасан деди:

– Ҳар жума кечаси мусулмон парилари келиб, мендан дарс ўқийдилар. Дарс тугагандан кейин дуо қиламан, улар омин дейдилар.

\* \* \*

Нақлдурки, бир азиз зот айтади, бир вақт бир қисм жамоат Ҳасан билан ҳажга кетдик. Йўлда саҳродан ўтдик. Ҳаво совуқ, кўп машаққатлар билан бир қудуққа етиб келдик. Лекин ҳеч қайсимизда на челақ ва на тортиб олишга арқон бор эди.

Ҳасан деди:

– Сизлар сув ичаверинглар, мен намоз ўқийман.

У намоз ўқишга машғул бўлди. Биз қудуқ бошига келсак, сув қайнаб чиқди. Бизлар мешкобларимизни тўлдириб олдик, сув яна қайтиб жойига борди. Ҳасан намоздан фориг бўлди.

Айтдик:



— Бизлар мешкобларимизга сув олиб бўлдик, сув яна жойига борди.

Ҳасан деди:

— Аллоҳ бирлигининг ҳаққи, агар сувга ёпишсангизлар эди, сув ҳаргиз қайтмас эди.

\* \* \*

Нақлдурки, Абу Амр «Қуръон»дан таълим берар эди. Ногоҳ бир соҳибжамол ўғлон келиб, ундан «Қуръон» ўрганмоқчи бўлди.

Абу Амр хиёнат кўзи билан ўғлонга назар солди. «Қуръон»ни «Алҳамду лиллоҳ»нинг<sup>1</sup> алиф ҳарфидан то «Минал-жаннуди нас»нинг<sup>2</sup> «син» ҳарфигача тамоман унутди. Бир оят ёки бир калима ёхуд бир ҳарф хотирасига келмади.

Югуруб Ҳасаннинг олдига борди ва қиссани унга айтди ва зор-зор йиғлади. Ҳасан ундан бу ҳикоятни эшитди, кўп қайғурди ва деди:

— Ҳозир ҳаж мавсумидир. Ҳажга боргил, қайтишда Хайф масжидига келгил! Масжид меҳробида бир киши ўтирган бўлади. У ёлғиз қолгунча безовта қилма! Ўз қиссаи ҳолингни у бузургга гапириб бергин! У зот сенинг ҳаққинга дуо қилсин!

Абу Амр Ҳасан Басрийнинг сўзини қабул қилиб, ҳажга борди. Қайтишда мазкур масжидга келиб кўрса, масжид меҳробида ҳайбатли бир қария ўтирган экан. Масжидга жамоат кела бошлади, улар билан бир киши ҳам кириб келди. Унинг ботинидан бир нур пайдо бўлди. Масжид тўла нур бўлди. Бу қария унинг истиқболига чиқиб, салом бериб, сўзлашдилар. Намоз вақти бўлиб, ул азиз қайтди. Ҳозир бўлган жамоа ҳам бирга қайтдилар. Ўша қария меҳробда ёлғиз қолди.

Абу Амр айтди:

— Мен у азизнинг ёнига бордим ва айтдим: «Аллоҳ-Аллоҳ, менинг фарёдимга етгил!»

<sup>1</sup> «Қуръон»нинг биринчи сураси «Фотиҳа»нинг оддий одамлар орасидаги номи.

<sup>2</sup> «Қуръон»нинг охириги сураси «Нас»нинг оддий одамлар орасидаги номи.

У азизга мен ўз ҳолимни гапириб бердим. Қария қайғуда бўлди ва кўкга боқди. Ҳануз ошуфта боқмай турар эди. «Қуръон»нинг матни бошидан охиригача, ҳарфма-ҳарф ёдимга келди.

Абу Амр айтди:

– Мен ниҳоятда шод бўлганимдан, унинг оёқларига йиқилдим!

У ҳазрат мендан сўради:

– Сени менга ким юборди?

Айтдим:

– Ҳасан Басрий!

У киши бундай деди:

– У бизнинг пардамизни йиртди, биз ҳам унинг пардасини йиртамыз. Намоздан олдин келган нузли кимсанинг истиқболига ҳаммамиз чиққан эдик ва таъзим-икром билан кузатиб қўйдик. У Ҳасан Басрий эди. Ҳар кун бомдод намозини биз билан бирга ўқиб қайтади. Одамнинг Ҳасандек имоми ва пешвоси бўлса, биздек кимсаларга эҳтиёжи бўлмагай!

\* \* \*

Нақлдурки, Ҳасаннинг бир оташпараст қўшниси бор эди. Исми Шамъун эди. Бир кун касал бўлиб қолди. Ҳасан уни кўргани борди. Бемор ҳароратининг зўрлигидан ранги-рўйи қозондек қоп-қора бўлиб кетибди.

Ҳасан деди:

– Аллоҳдан кўрқил, тамоми умрингни ўт билан куйдирдинг. Энди мусулмон бўлгил, токи Аллоҳ раҳмат қилгай!

Шамъун деди:

– Мени уч иш исломдан қайтаради.

Биринчиси шуки, дунёни ёмонлайсизлар, лекин кеча-кундуз уни излайсизлар.

Иккинчиси шуки, ўлим ҳақ дейсизлар, лекин ҳеч тайёргарлик кўрмайсизлар.

Учинчиси шуки, қиёмат куни Аллоҳнинг дийдорини кўрамиз дерсиз, бугун ҳар ишни Аллоҳнинг хилофига қилурсизлар.

Ҳасан деди:

– Бу дўстлик аломатининг белгисидир. Сен етмиш йилдан бери ўтга сигинасан, уни Аллоҳ деб биласан. Мен эса Аллоҳга сигиниб,

Уни биламан. Келгил, эмди иккимиз ҳам қўлимизни ўт устига тутамиз. Ўтнинг заиф ва ожизлигини ва Аллоҳнинг қудратини мушоҳада қилайлик.

Ҳасан қўлини ўт устига тутиб, анча муддат турди. Бир туки ҳам ўзгармади. Ўтга сигинувчи Шамъун бу ҳолни кўриб ҳайратланди ва исломга муҳаббат кўнглига тушди.

Ҳасанга деди:

— Етмиш йил ўтни маъбуд билдим. Энди бир неча нафасим қолган вақтда менинг ҳолим нима кечади?

Ҳасан деди:

— Иложи мусулмонликдир.

Шамъун деди:

— Агар сен, Аллоҳ менга уқубат қилмаслиги ҳақида бир хат ёзиб берсанг, имон келтираман!

Ҳасан қабул қилиб, ўз қўли билан хат ёзди ва Басра улугларини гувоҳ қилди. Шундан сўнг Шамъун кўп йиғлади, ўтган кунларига пушаймон бўлиб, ихлос-эътиқоди билан тавба қилди ва мусулмон бўлди. Худони бир, Ҳасанни пир билди.

Яна Ҳасанга васият қилди:

— Мен вафот қилганимда ўз қўлинг билан тупроққа қўйгин ва ушбу хатни қўлимга тутқазиб қўй!

Ҳасан қабул қилди. Бир неча кун ўтмасдан Шамъун вафот топди. Ҳасан унинг барча айтганларини бажо келтирди. Шу кеча Ҳасан қайғуда бўлдики, бу нима иш бўлди. Ўзим бир гуноҳкор осий бандаман, мен нечук яна бир гуноҳкорни халос қила олгайман, деб ўйлаб, кўзи уйқуга кетди. Тушида кўрса, Шамъун жаннат ичкарасида бошида лаълдан тож, эгнида қават-қават зардоб кийимлар кийиб олган. Кийимларини тамошо қилиб турарди.

Ҳасан сўради:

— Шамъун қалайсан?

Деди:

— Нимасини сўрайсан, кўриб турганингдек, Аллоҳ сен туфайли раҳмат қилди. Менга ўз яқинидан жой берди, ўз фазли карами билан дийдорини кўрсатди. Эй Ҳасан, энди зомин бўлишдан чиқдинг, берган хатингни ол, унга ҳожатим йўқ.

Ҳасан уйғонди, Шамъунга берган хатини қўлида кўрди. У шукронасига неча ракаат намозлар ўқиб, деди:

— Худовандо, сенинг ишинг иллат билан эмас, балки фақат фазлу карамдур. Етмиш яшарлик оташпарастга ўз яқинингдан ер бердинг, етмиш яшарли мусулмонни ўз раҳмату мағфиратингдан маҳрум қилмасанг ҳеч ажаб ва гариб эмас!

\* \* \*

Нақлдурки, Ҳасаннинг дарवेशлиги шундай эдики, ҳар кимни кўрса, уни ўзидан яхшироқ, деб биларди. Кунлардан бир кун у Дажла дарёси қиргоғидан кетаётган эди. Бир одамни бир аёл билан кўзадаги майдан ичиб ўтирганини кўрди ва ўзича:

— Бу киши мендан нимаси билан яхши бўлади, агар гуноҳ ишни қилиб турган бўлса? — деб хотиридан ўтказди.

Шу вақт дарё юзида бир кема пайдо бўлди, ичида етти киши бор эди. Ногаҳ у кема гарқ бўлди. Дажла қиргоғида ўтирган киши дарҳол ўзини сувга отиб, олти кишини чиқарди ва гарқ бўлишдан халос айлади.

Сўнг Ҳасанга боқиб, деди:

— Сен ҳам ўзингни Дажлага отиб, қолган бир кишини кутқаргил. Эй мусулмонлар имоми, ахир сен мендан яхшироқсан-ку!

Кейин эса:

— Эй мусулмонлар имоми, билгилки, аёл менинг онам эди, кўзада эса гумон қилганингдек, май эмас, балки ичида сув бор эди. Сени имтиҳон қилиш учун қўйган эдим. Токи, билгайман, зоҳир кўзи билан кўрадим ёки ботин кўзи билан боқадими, деб. Маълум бўлдики, сенинг ботинингда ҳеч нарса йўқ экан, — деди.

Ҳасан унинг пойига йиқилди, кўп узрлар айтди. Билдики, бу кимса Аллоҳнинг хос бандаларидан экан.

Ҳасан деди:

— Эй азиз зот, уларга нажот бериб дарёдан кутқарганингдек мени ҳам бедор нафсимнинг балосидан кутқаргил!

У киши деди:

— Кўзинг равшан бўлсин, энди сен ҳам нафсинг офатларидан халос бўлдинг.

Шундан сўнг Ҳасан ҳеч бир махлуқни ўзидан кам билмади,  
балки ортиқ деб билди.

\* \* \*

Нақлдурки, Ҳасан кунлардан бир кун бир итни кўриб, деди:

– Худовандо, бу ит билан мени ўлчагин!

Шу вақт бир киши савол берди:

– Эй Ҳасан, бу ит яхшими ёки сен итдан яхшироқмисан?

Ҳасан деди:

– Агар қиёмат азобидан қутулсам, мен яхшироқман. Акс ҳолда,  
Худо ҳаққи, бу ит мендан кўра яхшироқдир, – деди.

\* \* \*

Нақлдурки, Ҳасан айтди:

– Тўрт кимсанинг сўзидан таажжубга қолдим ва ҳайратга  
тушдим. Бири ўғлон, бири хунаса, бири маст киши ва бири аёл.

Сабабини сўрадилар:

– Нима учун?

У деди:

– Бир куни кетаётган эдим, бир ўғлон шам ёқиб келар эди.

Мен сўрадим:

– Бу ёруғликни қаердан келтирдинг?

Ўғлон у шамни ўчириб, менга дедики:

– Қаёққа кетяпман!

Яна бир куни йўлда кетаётганимда муханнас менга жуда яқин  
келди. Мен тўнимни йиғиштириб олдим.

У менга деди:

– Эй хожа, бизнинг ҳолимиз ҳали маълум эмас, тўнингни  
йиғиштириб оласан. Қиёмат кунда барчанинг ҳолини Аллоҳ  
билади, ўзгалар билмас.

Ва яна бир куни мастни кўрдим, балчиқ ичидан юриб борарди.

Унга айтдим:

– Оёғингни ерга мустаҳкам қўй, шунда йиқилмайсан!

Деди:

— Сен оёгингни собитқадам қилганмисанки, бунча давойинг бор! Агар мен мастлик билан балчиққа йиқилсам, уни сув билан тоза қилса бўлади. Аммо сен кўрқилки, гуноҳга ботсанг, нима қиласан?

Бу гап менга жуда таъсир қилди.

Яна бир куни бир аёл мажлисимга ҳозир бўлди. Юзи ва икки қўли очик ҳолда келган эди. Менга шикоят қилди.

Мен айтдим:

— Юзинг ва икки қўлингни ёпиб ол, сўнг сен билан гаплашаман.

У деди:

— Эй, халқнинг имоми, пешволар пешвоси, раҳбарлар раҳбари! Ва эй, барчанинг пири ва шайхи, мен бир махлуқнинг шавқ ва завқи ва иштиёқи ва муҳаббатидан ўзимдан беҳабарман. Очилган ва ёпилганимни билмасман. Сен ўн саккиз минг оламнинг парвардигори Аллоҳнинг муҳаббати даъвосини қиласан! Менинг очик ёки ёпиқлигимни қайдан билдинг?

Унинг бу гапи ҳам менга жуда қаттиқ таъсир қилди.

\* \* \*

Нақлдурки, бир куни шайх Ҳасан олдига бир саҳройи араб келди ва сўради:

— Эй шайх, сабр дегани қандай нарса?

Шайх деди:

— Сабр икки хил бўлади: биринчиси, балога сабр этмоқ; иккинчиси, қаноат этмоқ ва ҳеч кимдан нарса тиламасликдир!

Араб деди:

— Мен сендан кўра зуҳдсиз ва сабрсиз кишини кўрмадим!

Шайх деди:

— Рост айтасан. Илм керак, илмига амал ва ихлос билан бирга қаноат керак бўлади. Шунда амаллар қабул бўлади.

\* \* \*

Яна деди:

— Қўй одамлардан хушёрроқ ҳисобланади. Чунки чўпон қўй галасига ҳайбат билан қичқирса, улар ўтламасдан, нафсини

йиғиштиради. Одамлар Аллоҳ сўзи билан ўз нафсини йиғмаслар!  
Яна жаннатни истайдилар.

\* \* \*

— Яна фикр бир кўз кабидир, гуноҳ ва савобни кўрсатади.

\* \* \*

— Ҳар кишининг фикри бўлмаса, сўзи ҳикматдан бўлмас, бир офатдир. У доим гафлатдадир.

\* \* \*

Яна деди:

— Ҳар кимнинг ибрат назари бўлмаса, қилган амали бекор ва хатоликдир!

\* \* \*

— Уч кимсани гийбат қилмоқ раводир: биринчи зolimларни, кейин фосиқларни, сўнг нафсига қул бўлганларни!

\* \* \*

Бир кишига жон берур ҳолатида дедилар:

— Бу фақир кўп заҳмат чекмоқда, агар дунёдан умид узганда эди, заҳмат чекмас эди!

Бу гапни эшитиб жон бераётган киши бундай деди:

— Нега бу сўзларни айтаяпсизлар? Ҳали дунёда менинг қиладиган кўп ишларим бор, уларни бажараман!

Шу вақтнинг ўзидаёқ жон таслим қилди. Кимнинг дунёда юки энгил бўлса, жон берарда кўп заҳмат чекмас. Кимнинг юки оғир бўлса, ранж чекар ва ҳалок бўлар!

\* \* \*

— Ҳар кишининг олдида дунёнинг қадри бўлмаса, уни Аллоҳ ёрлақар!

\* \* \*

— Мўмин шуки, бу хароб дунёда охиратни иморат қилгай!

\* \* \*

– Аллоҳни севмоқ нишонаси шуки, дунёни тарк қилгай!

\* \* \*

– Ҳар ким олтин ва қумушни азиз тутса, Аллоҳни хорлаган бўлади!

\* \* \*

– Ҳар ким намозни хушуъ ва хузуъ билан қилмаса, у уқубатга сазовор бўлур!

\* \* \*

Сўрадилар:

– Хушуъ нимадир?

Деди:

– Аллоҳдан қўрқмоқ!

\* \* \*

Айтдилар, бир киши бор, олти йил бўлди, жамоатга келмас, ҳеч кимга қўшилмас!

Шайх унинг олдига бориб, деди:

– Нима учун жамоатга бормайсан ва халойиққа қўшилмассан?

Деди:

– Эй шайх, мени маъзур тутасиз. Мен бир нарсага машғулман!

Шайх сўради:

– Нимага машғулсан?

Деди:

– Мени ҳеч нафсоний ишлар машғул этмас! Нафсга мендан роҳат етади, Ундан менга заҳмат етмас! Мана шунинг шукрига машғулман!

Шайх деди:

– Мендан ортиқ экансан! Доим мана шундай бўлиб қолгин!

\* \* \*

Шайхдан бир куни сўрадиларким:

– Ҳолинг қандай?



Шайх деди:

— Бир кишиким, дарёда кемаси синиб, ўзи тахта бўлаги устида қолса, унинг ҳоли қандай бўлади? Менинг ҳолим шундай мушкулдир!

Улар дедилар:

— Сенингдек кишининг ҳоли бундоқ бўлса, бизларнинг ҳоли-мизга вой!

\* \* \*

Нақлдурки, Шайх бир куни бундай деб муножот қилди:

— Илоҳо, менга берган неъматларинг шукрини адо қила билмадим ва балоларингга сабр қила билмадим ва қазойингга рози бўла билмадим ва бунча нуқсонларим билан мени қувмадинг! Илоҳо, сенинг карамингдан ўзга умидим йўқдир.

\* \* \*

Шайхга ўлим вақти келганда табассум қилди. Ҳаргиз унинг кулганини ҳеч киши кўргани йўқ эди.

Айтар эди:

— Қайси гуноҳ, қайси гуноҳ?

Жонини Ҳаққа таслим қилди. Кейинчалик Шайхни бир киши тушида кўриб, сўради:

— Эй Шайх, ҳаргиз дунёда кулмадинг. Ўлим ҳолида кулганинг сабаби нима?

Шайх деди:

— Ўша ҳолатда бир овоз эшитдим.

Айтар эди:

— Эй ўлим фариштаси, уни қаттиқ тут, унинг бир гуноҳи қолганди!

Бу сўз менга хуш ёқди. Шунинг учун кулдим ва сўрадим:

— Қайси гуноҳ, қайси гуноҳ?

Яна бир азиз тушида кўрдик, Ҳасан буроққа<sup>1</sup> минган, бошида тож. Аллоҳ Ҳасандан рози бўлди, у Аллоҳга етишди.

<sup>1</sup> Буроқ — боши одамсифат, гавдаси отга ўхшаш жонивор. У Муҳаммад пайгамбарни меърожга олиб чиққан.

## МОЛИКИ ДИНОР

У ҳидоятда барқарор, таваккул қилувчи валий, ростгўйлар пешвоси, йўлчилар муқтадоси, сирларга маҳрам, яхшиларга муқаддам, соликлар пешқадами, шайх Ҳасан Басрийнинг замондоши ва бу тоифанинг улуғларидан. Молик тугилганда отаси банда, агарчи банда бўлса-да, икки тарафдан озод эди. Унинг каромати машҳур ва риёзати учун отасининг исми Динор эди.

Ва баъзилар айтурларки, Молик бир кемага чиқди. Дарё ўртасига етганда кемачи ҳақ сўради.

Молик:

— Ҳеч нарсам йўқ! — деди.

Уни ҳушидан кетгунча калтакладилар. Молик ўзига келганида ундан яна ҳақ сўрадилар. Ҳеч нарсаси йўқлигини айтганида зolim кемачилар уни уриб, оёғини синдириб, дарёга отишларини айтдилар. Дарёдаги балиқлар бош чиқардилар, ҳар қайсининг оғизларида бир динор. Қўл узотиб бир динор олиб, кемачиларга берди. Бу кароматни кўриб барчалари унинг оёғига йиқилдилар. Молик сув устига оёқ кўйиб кетди ва кўздан гойиб бўлди. Молики Динор деб аталишининг сабаби шу эди.

\* \* \*

Унинг тавбасининг сабаби будир: у соҳибжамол бой бўлган. Вилятида муқим ва масжидда эътикоф ўтирадиган эди. Муовия қурдирган масжидга кўп вақфлар ажратган. Моликнинг тамаси шу эдики, масжидга мутавалли бўлиш. Ўн йил масжидга қатнаган. Бир куни маишатга машгул бўлиб, ҳамсуҳбатларига Молик рубоб чалиб берарди.

Ногоҳ бир овоз эшитдики:

— Эй Молик, нима бўлди, нега тавба қилмассан?

Бу сўзни эшитиб, яна масжидга кириб, ўйланиб ўзига деди:  
– Ўн йил Аллоҳга риё учун нифоқ билан бу масжидда ибодат қилдим, ҳеч натижа кўрмадим.

Энди ихлосу соф кўнгил билан намоз ўқиди. Бомдод намозидан сўнгра халқ масжид эшигига келиб, дедиларки:

– Бу масжид ишларига футур етмоқда. Бунга бир яхши мутавалли керак, токим масжидга эътибор қилсин!

Барча иттифоқ қилиб, Молик ёнига келдилар. У намоз ўқир эди. Сабр қилдилар. Намоздан бўшагач, барча деди:

– Иттифоқ билан Сизни масжидга мутавалли қилмоққа келдик. Албатта қабул қилгайсиз!

Молик деди:

– Худовандо, неча йил сенга риё билан ибодат қилдим, менга ҳеч киши боқмади. Энди кўнглимни сенга бердим, ҳузурингга сизиндим, шунча кишиларни менга юбордингким, не балони менинг бўйнимга солгайлар?

Туриб, масжиддан чиқди, ўзини риёзатга урди. Ва уларнинг сўзини қабул қилмади.

\* \* \*

Айтадиларки, Басрада бир давлатман киши бор эди. У ўлди ва ундан кўп мол қолди. Ва унинг бир соҳибжамол қизи ҳам қолди. У қиз Моликка киши қўйиб, мени ўзига никоҳ қилиб олсин, деди.

Молик деди:

– Мен дунёни уч талоқ кўйганман! Ҳаргиз олмасман!

\* \* \*

Молик Динор айтади, неча муддат газот орзусида эдим. Муяссар бўлди. Уруш қуни иситма тутди ва урушга бора билмадим.

Ўзимга дедим:

– Эй Молик, агар Аллоҳ даргоҳида қадринг бўлганда эди, бу иситма сени тутмас эди.

Гойибдан бир овоз эшитдим.

Дедилар:

— Агар бугун жангда қатнашсанг эди, асир бўлардинг. Ва асир бўлсанг эди, тўнғиз гўштини кофурлар сенга берардилар. Ва уни есанг, кофур бўлардинг. Бу иситма сенга буюк ҳифзу паноҳ бўлди! Мен бу сўзни эшитиб бисёр Худога шукр қилдим.

\* \* \*

Нақлдурки, Молик дейди, бир куни хаста бўлдим ва яна яхши бўлдим. Бир нарса ҳожати сабабли бозорга бордим. Шаҳарнинг подшоҳи бозордан ўтаётган эди. Ясовуллар олдида юриб, халқни йўлдан қувар эдилар. Мен ожиз эдим. Улардан бири менга бир калтак туширди.

Дедим:

— Аллоҳ қўлингни кессин!

Бир неча кун ўтиб подшоҳ бир сабаб билан унинг қўлини кесди. Бу заҳмат унга Моликнинг дуоибадидан бўлиб, қўлидан айрилди.

\* \* \*

Нақлдурки, Молик бир вақт бир уйни ижарага олди ва қўшниси жуҳуд эди. Ва у уйининг меҳроби жуҳуднинг деворидан эди. У жуҳуд нажосатларни Моликнинг меҳробига ташлар эди. Ва уни ҳар кунда артар эди.

Бир кун бу жуҳуд Моликнинг уйига келиб, деди:

— Мен ҳар куни нажосатимни сенга ташлайман. Сенга ҳеч зарар ва заҳмат етмасму?

Деди:

— Етар, лекин ҳар кунда супурурман ва сени кечирурман!

Жуҳуд деди:

— Бу ранжни нимага кўтарасан, нима учун газабингни ютасан?

Шунда Молик деди:

— Аллоҳнинг ваъдаси туфайли шундай қиламан. У ўз каломида хабар берибдур:

— Улар газабларини ютадиган, одамларни (хато ва камчиликларини) авф этадиганлардир. Аллоҳ эзгулик қилувчиларни севар.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Оли Имрон сураси, 134- оят.

Бу сўз жуҳуднинг кўнглига қаттиқ таъсир қилди ва дарҳол калима келтириб, мусулмон бўлди.

\* \* \*

Нақлдурки, Молик неча ой, неча йил аччиқ-чучук ҳеч нарса емади ва ҳар кеча ўзи бозорга бориб, нон олиб рўзасини очар эди. Бир марта кўп беҳузур бўлди. Ва гўштнинг орзуси кўнглига тушди. У бир кун сабр қилди, орзуси кучайди. Каллапазнинг дўконига бориб, у ердан уч пойча — қўй оёғини сотиб олди ва орқага қайтди.

Каллапаз қулини унинг ҳолини билиш учун орқасидан юборди. Кўрдикки, бир холи ерга кирди ва у почаларни ҳидлади ва қўйди.

Деди:

— Эй нафс, сенга бундан ортиқ нарса бера билмасман!

У поча билан нонни садақа қилди ва уйига боришда деди:

— Эй таним, сенга бунча заҳматларни душманлигим учун қилганим йўқ. Валекин бир неча кун сабр қилгинким, бу жафолардан сен қутуласан ва ниҳояти, заволи бўлмайдиган абадий роҳат-фароғатга эришасан.

Молик дейди:

— Ҳар ким қирқ кун гўшт емаса, унинг ақли ноқис бўлади, дейдилар. Ва мен йигирма йилдирки гўшт емасман, ақлим ортар.

\* \* \*

Нақлдурки, Басра шаҳрига бир кун ўт тушди ва халқ қочар эди. Ва Молик ҳассаси-ю калишини қўлига олиб, баланд ерга чиқди ва атрофга қаради. Кўрдикки, бир гуруҳ халқ шунча бало ва ранж билан куяр, бир гуруҳ қочар, бир гуруҳ хона жиҳозлари, юкларини ташир эдилар.

Молик деди:

— Енгиллар нажот топдилар, огирлар эса ҳалок бўлдилар. Тонгла қиёмат куни ҳам худди шундай бўлади!

\* \* \*

Нақлдурки, Молик бир касални кўргани борди. У хастанинг ажали яқин эди, калимаи шаҳодатни айтгин, дедилар. Асло айтмади.

Ва айтар эдики:

– Ўн бир, ўн икки!

– Молик деди:

– Калима айтгил, ўлиб кетмоқдасан, беимон кетмагин!

Касал деди:

– Эй шайх, менинг олдимда оловдан бир тоғ пайдо бўлди. Ҳар қачонким, калимани айтишга қасд қилсам, у мени куйдирмоқчи бўлади.

Молик сўради:

– Бу дунёда нима иш қилар эрдинг?

Айтдилар:

– Молини фойдага берур эрди ва судини ер эрди.

Молик деди:

– Бундан Аллоҳ асрасин!

\* \* \*

Бир кеча қизи деди:

– Эй ота, бир лаҳза ухлаб ором олинг!

Деди:

– Эй фарзанд, қўрқаманким, ногоҳ бир давлат юз келтирса-ю ва мен уйқуда бўлиб маҳрум қоламан!

Қизи сўради:

– Қандай қилиб?

Молик деди:

– Мен Аллоҳнинг неъматини ейман, бироқ, шайтонга қуллиқ қиламанму?

\* \* \*

Ва Молик дейди, бир киши бир куни масжид эшигида нидо қилди:

– Сизларнинг ёмонрогингиз кимдур?

Мендан бошқа ҳеч киши жавоб бермади.

Абдуллоҳ ибн Муборак бу сўзни эшитди ва деди:

– Моликнинг улуғлигига ушбу далил етарли!

\* \* \*

Ва яна дейди, амалларнинг яхшироғи ихлосдир!

\* \* \*

Аллоҳ Мусога ваҳий юборди:

– Эй Мусо, темирдан ҳасса ва калиш қилгин! Ва ернинг юзида сайр қил ва осор аломатларимга боқил! Неъмат ва ҳикматларимга қара, то у ҳасса сувда бўлади ва калиш пора-пора бўлади. Ҳар ишда сабрни ўзингга пеша қил! Зотан, дин мустаҳкамдир, унга юмшоқлик билан кириб боринг!

Дедиким: «Таврот»да келтирилган: Аллоҳ буюрдиким:

– Сизларни ўзимга муштоқ қилдим, муштоқ бўлмадингизлар!

\* \* \*

Молик деди: Аллоҳ Муҳаммад Мустафонинг умматига икки нарсани берганки, Жаброил ва Микоилга бермаган. Бири шуки, ўз «Каломи»да хабар берган: «Ёд қилинглари мени, токи мен ҳам сизларни ёдга олурман!»<sup>1</sup>

Яна бири шуки, ўз «Каломи»да буюрубдурким:

«Дуо қилинглари менга, то қабул қилгайман сизлардин».<sup>2</sup>

\* \* \*

Нақлдурки, Молик айтади:

– Аллоҳ буюрдиким: «Эй сиддиқларим, менинг зикрим билан неъматланинглари! Бу дунёда буюк хазинани ва улуғ ганжиналарни менинг зикрим билан охиратда топасизлар!»

Аллоҳ буюрди: «Ҳар одамнинг кўнглида дунё муҳаббати бўлса, озроқ нарса мендан унга берилган. Аввали шуки, зикр ва муножот ҳаловатини маҳв қилгайман. Унинг кўнглидан унутдиргайман!»

Аллоҳ Молик Динорни раҳмат айласин!

<sup>1</sup> Бақара сураси, 152-оят.

<sup>2</sup> Қофир сураси, 60-оят.

## МУҲАММАД ИБН ВОСЕЪ

У зоҳидлар муқтадоси, буюк обид, олими боамал, орифи комил, қаноатли дарвеш, ўз вақтида назирӣ йўқ, тобеъинларга кўп хизмат қилган, шариат ва тариқатдан улуғ насиба олган, риёзат ва мужоҳадатга турлук, ҳамиша қотган нон ейдиган обидлардан эди. Айтар эдики: «Ҳар киши қотган нонга қаноат қилса, халққа муҳтож бўлмайди».

\* \* \*

Яна Аллоҳга муножот қилиб, айтган:

– Илоҳи, мени оч ва яланғоч тутарсан, дўстларинг каби! Охир мен бу мақомни очлик ва яланғочликдан топдим!

\* \* \*

Ва гоҳи гоят оч қолганида Ҳасан Басрий хонасига келиб, нимани топса, ўшани ерди. Ҳасан уйига келиб, бу ҳолни кўриб, шодмон бўларди.

\* \* \*

Муҳаммад ибн Восеъ айтади:

– Бомдоддан оч бўлиб, кечгача чидаган киши ҳолидан Аллоҳ огоҳ бўлади.

\* \* \*

Биров ундан васият қилишини сўради.

Унга деди:

– Васият қилай сенга, подшоҳ бўлгин дунёда ҳам охиратда!

У киши сўради:

– Бу қандай бўлади?



Муҳаммад ибн Восеъ деди:

— Агар сен бу дунёда зоҳид бўлсанг ва ҳеч кимдан тама қилмасанг, албатта дунёда ва охиратда подшоҳ бўласан!

\* \* \*

Бир куни Молики Динор Муҳаммад ибн Восеъга деди:

— Тил сақламоқлик қаттиқроқ экан, динор сақламоқдан!

\* \* \*

Бир куни Ибн ал-Муслим олдига Муҳаммад ибн Восеъ борди, эғнида суфдан тўн кийиб олган эди.

Ундан сўради:

— Бу суф тўнни нега кийиб олдинг?

Муҳаммад ибн Восеъ жавобида ҳеч сўз демади.

Яна деди:

— Нима учун жавоб бермассан?

У деди:

— Агар бу тўнни киймай, эски тўн кийсам, зоҳидликда ўзимни мақтаган бўламан. Агар дарвешликдан кийдим, десам, Аллоҳга гина қилган бўламан.

\* \* \*

Бир куни Муҳаммад ибн Восеъ ўглининг ясан-тусан қилиб, виқор билан кетаётганини кўриб, сўради:

— Ҳеч биласанми, кимнинг фарзандисан?

У деди:

— Йўқ!

Айтди:

— Билиб қўй, отангни икки узумга сотиб олганлар, мусулмонлар орасида отангдан ёмон киши йўқ. Сенга бунча такаббурлик нимага керак?

\* \* \*

Бир куни Муҳаммад ибн Восеъдан сўрадилар:

— Қандайсан?

Деди:

— Қандай бўларди у кишининг ҳоли, умри қисқа, гуноҳи эса кўп бўлса?

\* \* \*

Муҳаммад ибн Восеъ мағфиратда шундай эдики, ҳеч нарса кўрмадим, фақат Аллоҳни кўрдим, дерди.

\* \* \*

Ундан сўрадилар:

— Аллоҳни танийсанми?

У бир соат ўйланди, ундан сўнгра деди:

— Ҳар киши Уни таниди, ўзини унутади, ҳайрон бўлади. Доимо хавф ва умид орасида қолади. Тоқим ҳақиқий содиқ ва мўмин бўлади!

Зотан, «Ишларнинг яхшиси ўртасидир», деган ҳадис бор.

Муҳаммад ибн Восеъни Аллоҳ ўз раҳматига олсин!

## ҲАБИБ АЖАМИЙ

У қуббаи ибрат валийси, пардаи ваҳдат сӯфиси, бахт ва давлат, сидқ ва каромат соҳиби, аниқ сирларнинг шак-шубҳасиз маҳрами, рабб ул-оламиннинг хилват саройига юзланувчи, фақр ва адамнинг нишонсиз бандаси, риёзат ва мужоҳадотда беназир, аввал ҳолида бой ва молдор, судхӯр эди, фойда сӯрар, агар қарздорлари фойдани топиб бера олмасалар, улардан йўлкира ҳаққини ҳам ундирар эди. Уни ажал қуввати деб атар эдилар.

Бир куни бир кишиникига борди, у уйнинг катгаси йўқ эди. Хотинига учради. У аёл Ҳабибга бир парча гўшт бериб, розилик сӯради.

Ҳабиб у гўштни уйига келтириб, хотинига берди ва:

— Буни пиширгин! — деди.

Хотини уйда ўтин ва нон қолмаганини айтди.

Ҳабиб яна икки қарздорининг уйига бориб, биридан ўтин, бошқасидан нон олиб келди. Таом пиширдилар.

Ногоҳ бир тиланчи келиб:

— Шайъан лиллоҳ!<sup>1</sup> — деб фарёд қилди.

Ҳабиб тиланчига қаттиқ сўзлар деди.

Тиланчи деди:

— Агар берсанг, бир луқма таом берардинг. Бермаганинг билан бой бўлмассан. Бир оч ва бенаво дарвеш эдим.

У маҳрум ва ноумид бўлиб кетди.

Ҳабибнинг хотини қозон бошига борди, қозондан таомни товоққа тортиш учун қараса, қозон қонга тўлиб қолибди. Фарёд солди ва жуда қўрқиб кетди. Ва Ҳабибга деди:

<sup>1</sup> Бу гапнинг маъноси «Аллоҳ учун бирор нарса беринг!» деган бўлиб, одатда тиланчилар айтиб юришган.

— Сен тиланчини қуруқ қайтарганинг учун мана шу бало бизга юз кўрсатди.

Ҳабиб бу ҳолни кўриб, кўнглига бир улуг ўт тушди ва қилган ишидан пушаймон бўлди. Эрталаб халққа берган пулларини йиғиб олиши керак эди, лекин бундан сўнг фойдага — судхўрликка пул бермасликка қарор қилди.

Ўшанда жума куни эди, кўчада ёш болалар ўйнар эдилар. Улар Ҳабибни кўриб, дедилар:

— Эй дўстлар, қочинглар, бу судхўрдан узоқ бўлинглар. Унинг оёғининг чанги бизга етмасин, токи биз ҳам бадбахт бўлиб қолмайлик!

Ҳабибга бу болаларнинг сўзи жуда кучли таъсир қилди ва жонидан ўтди. Улардан ўтиб, Ҳасан Басрийнинг мажлисига борди ва тингловчи бўлиб ўтирди. Ҳасаннинг ваъз айтгани яна қаттиқ асар қилди. Беҳуш бўлиб йиқилди. Бир оздан сўнг ўзига келиб, шу ерда барча ёмон қилмишларига тавба қилди.

У Ҳасан Басрийнинг мажлисидан чиқиб келаётганида, ногоҳ қарздор-ларидан бири уни кўриб қочди.

Ҳабиб фарёд қилиб деди:

— Ҳей, тўхта, мендан қочма! Мен бугун сизлардан қочаман!  
Дарҳол бутун халққа эълон қилдирди:

— Ҳар кишининг менга берадиган қарзи бўлса, келиб тилхатларини олиб кетсинлар. Ҳеч бирига озор бермайман!

Шундай қилиб, барча қарздорлари келиб, ҳисоблашиб, хатларини олдилар. Ва бир киши келиб, уни дуо қилди, ўз кўйлагини унга бериб, хайрлашди. Шундан сўнг Ҳабиб Фирот дарёси қиргоғига келиб ўзига бир ибодатгоҳ қурди. Ва шу ерда ўтириб, тоат-ибодат ва риёзатга машғул бўлди. Кечалари тонг отгунча ухламай тоат қилар эди. «Қуръон»ни дуруст ўқий билмасди. Шунинг учун уни Ажамий дер эдилар.

\* \* \*

Бир неча муддатдан сўнг хотини рўзгорда қийналиб қолди ва ундан нарсалар сўради. Ҳабиб ибодатгоҳига кириб ибодатга машғул бўлди. Ва бир кеча уйига борди.

Хотини деди:

– Қани, нарса келтирганингиз?

Ҳабиб деди:

– Мен хизматини қилаётган зот ўта карамлидир. Унинг карамидан мен бирон нарса сўрашга уялдим. Агар унинг инояти бўлса, Ўзи нарса етказур!

Ибодатгоҳига кириб, тафаккурга машғул бўлди. Аллоҳ гайб оламидан унинг учун бир харвор<sup>1</sup> ун ва бир кўй ва бир мешкоб ёр ва бир ҳамён қизил тилло ато қилди.

Илҳом келдиким:

– Агар сен тоатингни орттирсанг, мен ҳам неъматни зиёда қилавераман!

\* \* \*

Нақлдорки, Ҳабибни бир куни Басрада ва эртаси куни Арафотда кўрдилар.

Бир вақт Басрада қаттиқ қаҳатчилик бўлди ва Ҳабиб кўп таомларни сотиб олиб, дарвеш ва бенаволарга тарқатди. Ва бир ҳамён тўқиди, уни ёстиги остига қўйди. Таом эгалари келсалар, ўша ҳамёндан ҳақларини берар эди. Тангага тўла ҳамённи шу тариқа сарф қилди. Бу азим каромат эди.

\* \* \*

Нақлдорки, Ҳасан Басрий Ҳабибнинг олдига арпадан бўлган икки нон олиб келди. Бу икки нонни Ҳасан Басрийнинг олдига қўйди.

Шу пайт бир тиланчи келиб деди:

– Шайъан лиллоҳ!

Ҳабиб икки кумочни Ҳасаннинг олдидан олиб, гадога берди.

Ҳасан деди:

– Эй Ҳабиб, сен яхши кишисан ва агар илминг бўлса эди, бундан ҳам яхшироқ бўлар эдинг. Шунини ҳам билмассан, меҳмоннинг олдидан таомни олиб бошқага бермоқ яхши эмас. Бир нонни гадога бериб, бирини бу ерда қўйишинг керак эди.

<sup>1</sup> Бир эшак кўтарадиган миқдордаги юк.

Ҳабиб ҳеч жавоб бермади. Бир соат вақт ўтди, биров бир дастурхон кўтариб кирди. Ичида кўзи гўшtidан бирён қилинган таом, бир идиш асал, бир ҳамён танга келтириб, Ҳабибнинг олдига қўйди. Ҳабиб тангаларни дарвешларга садақа қилди. Бирён бўлган кўзи гўшти ва бошқа таомларни едилар.

Ҳабиб деди:

— Эй устоз, сиз кўп яхши кишисиз, агар сизда биров яқинлик бўлса эди, мундан ҳам яхшироқ бўлардингиз!

\* \* \*

Нақлдурки, Ҳасан Басрий шом намозини Ҳабиб Ажамийнинг ибодатгоҳида ўқийдиган бўлди. Ҳабиб азон ва иқоматни қилиб, такбири таҳримани боғлаб: «Алҳамдулиллоҳ»ни ўқиди. «Ҳойи хутгий» ҳарфини «ҳойи ҳавваз» қилиб қироат қилди.

Ҳасан бу намозини бузиб, намозни ўзи танҳо ўқиди.

Ва деди:

— Бунинг орқасида намоз ўқиш раво эмас, у қироатни тўғри ўқиб билмади!

Ҳасан кечаси Аллоҳни тушида кўрди ва деди:

— Илоҳо, сенинг ризойинг нимада бўлади?

Жавоб келдики:

— Эй Ҳасан, менинг ризомни топган эдинг, бироқ қадрига етмадинг!

Сўради:

— Илоҳо, у қайси амалда эди?

Аллоҳ деди:

— У намозни Ҳабибнинг ортида ўқисанг эди, сенинг барча ўқиган намозларингдан ортиқ эди. У намоз барча намозларнинг аълоси эди. Топган эдинг, аммо сен у намозниким, унинг намозидан чиқиб ўзинг танҳо ўқидинг, раво эмас. Мен уни қабул қилмайман! Агарчи сенинг тилинг тўғри эди ва унинг кўнгли тўғри эди. Менинг ризойим унинг кўнглида эди, сен ундан қолдинг!

\* \* \*

Нақлдурки, Ҳасан бир куни Дажла дарёси қиргоғидан Ҳабиб билан кетаётган эдилар. Ҳасан ўйланиб қолди.

Ҳабиб сўради:

– Эй Имом, нимага ўйланиб қолдингиз?

Ҳасан деди:

– Кема йўқдурки, токим келгунча шу ерда турардим.

Ҳабиб деди:

– Эй имом, мен илми сиздан ўргандим, ҳасадни кўнглингиздан чиқаринг! Ва дунёни кўнглингиздан совуқ қилинг ва жами балоларни ганимат билинг ва тамоми ишларни Аллоҳдан билинг ва оёгингизни сув устига қўйинг, токи яшин ёғдусидек дарёдан ўтасиз.

Ва оёгини сув устига қўйди ва ўтди. Ҳасан бу ҳолни кўриб беҳуш бўлиб йиқилди. Ўзига келганидан сўнг ундан сўрадилар:

– Сенга нима бўлди?

Айтди:

– Ҳабиб илми мендан ўрганди. Бу соат менга маломат қилди ва сув устидан ўтди. Агар келгусида қиёмат кунда у Сиротдан ўтса, бизлар қолиб кетсак, нима бўлади?

\* \* \*

Ҳабибдан сўрадилар:

– Бу даражани қандай топдинг?

Ҳабиб деди:

– Мен кўнглимни оқартирдим, валекин сен қоғоз қорайтирдинг!

\* \* \*

Ҳасан деди:

– Менинг илмим бошқаларга наф ва фойда келтиради, ўзимга эмас.

Халқда шундай гумон бўлдики, Ҳабибнинг даражаси Ҳасандан буюкроқ. Аслида бундай эмас. Ҳеч нарсанинг даражаси шариф илмининг даражасидан баланд эмас. Шу маънода фармон бўлдики, Муҳаммад Мустафо (с.а.в.)га: «Роббим, илми менга зиёда қил!» деб айт!»<sup>1</sup>

<sup>1</sup>Тоҳа сураси, 114-оят.

Шунинг учун, машойхларнинг каломида келибдурки, каромат ўн тўртинчи мартабада, тариқ, асрор ва илм (тариқат илим сирлари) ўн саккизинчи даражададур. Шу сабабданки, каромат кўп риёзатдан ва илм тафаккурдан пайдо бўлади.

\* \* \*

Имом Аҳмад Ҳанбал ва имом Шофеъий утирган эдилар, Ҳабиб Ажамий пайдо бўлди. Аҳмад ибн Ҳанбал деди:

– Ҳабибдан бир савол сўрайлик!

Имом Шофеъий дедилар:

– Имтиҳон қилмагинким, улар ажаб қавмдир.

Ҳабиб келди ва салом берди.

Аҳмад ибн Ҳанбал сўрадилар:

– Нима дейсан у кишининг ҳақидаким, беш вақт намоздан бирини қазо қилиб, билмаским, қайсидир?

Ҳабиб деди:

– Бу гофиллар кўнгли бўлиб, у кўнгилга адаб бермоқ керак ва у беш вақт намознинг ҳаммасининг қазосини ўқийди.

Аҳмад ибн Ҳанбал бу жавобдан ҳайратга тушди.

Имом Шофеъий деди:

– Демаганмидим, сенга Аллоҳнинг авлиёсини синамоқ ва улардан савол қилмоқ яхши эмас!

Бир куни Шайх қоронги уйда ўтирган эди. Бир игнани тушириб, йўқотдилар ва игнани Ҳабибдан сўрадилар. Шу он уй ичи равшан бўлди, дарҳол игнани топдилар.

\* \* \*

Нақлдурки, бир одамни дорга осдилар. Ўша кечаси биров уни тушида кўрди. Жаннатда кўп айш ва ҳузур билан сайр этар эди.

Сўрабдиким:

– Бу мартабани қаердан топдинг?

У деди:

– Мени дорга осишаётган вақтда Ҳабиб у ердан ўтиб борар эди. Ва менга назар солиб, дуои хайр қилди. Бу мартабага унинг дуоси баракотидан етишдим!



## АБУ ҲОЗИМ МАККИЙ

У раҳбарлар мухлиси, ҳидоятдагилар раҳбари, собиқлар чироғи, содиқлар тонги, бойлигу камбағаллик маъдани, мужоҳада, мушоҳада ва риёзат ичида бемисл, унинг сўзи барча кўнгилларда мақбул, барча мушкулларнинг ечувчиси ва унинг сўзлари кўп, валекин биз қисқа қилдик. Бир неча сўзларини табаррукан келтирамыз. У тобеъинларнинг улуғи, Пайгамбар саҳобаларидан кўп кишини кўрган. Анас ибн Молик ва Абу Ҳурайра ва Ҳишом ибн Абдулмалик билан кўп суҳбатлар қурган эди.

\* \* \*

Нақлдурки, бир куни шайх Абу Ҳозим Маккийдан сўрадилар:

— Дўзахдан қандай нажот топамиз?

Деди:

— Ҳалолдан топмоқ керак ва ҳалол ерга сарфламоқ керак!

\* \* \*

— У киши дўзахдан кўрқса, жаннатдан умид қилар, Аллоҳнинг ризосидан ўзга иш қилмасин!

\* \* \*

— Бу дунёдан сақланинг, Фиръавн, Шаддод ва Намрудлардан ортиб қолган! Бу дунёда шодлик йўқ, бир эски карвонсаройга ўхшар, кечқурун карвон келиб туради ва эрталаб кетади.

\* \* \*

Яна Абу Ҳозим айтади:

— Оқил улки, кўлига дунё моли кирса қувонмас, дунёлик моли йўқ бўлса, ачинмас.

\* \* \*

Шайх деди:

— Оқил шуки, икки нарсага заҳмат чекмас. Бири, тақдир насиб қилмайдиган нарса, ҳар қанча талаб қилса ҳам муяссар бўлмас. Ва бири улки, тақдир бўлган нарса, саъйи ва талаб қилмаса ҳам етишар.

\* \* \*

Шайхдан бир киши сўради:

— Сенинг молинг нимадур?

Деди:

— Аллоҳнинг ризоси ва халойиқдан беминнатлик!

Шайх бир куни қассоблар растасидан ўтар эди. Қассобнинг семиз гўшти бор эди.

Қассоб унга:

— Бу семиз гўштлардан ол! — деди.

Шайх деди:

— Пулим йўқ!

Қассоб:

— Пулига сабр қиламан, сўнг берасан, — деди.

Шайх деди:

— Агар нафсим учун сабр қилсам, сен сабр қилганингдан яхшироқ!

\* \* \*

Айтадиларки, бир киши ҳажга боришни ҳавас қилди. Аммо бир қари онаси бор эди. У онасини ташлаб кета билмас эди.

— Шайхдан сўрайман. Нима буюрса, ўшандай қиламан, — деди.

Бас, турди, Шайхнинг хизматига борди. Шайх андак роҳат қилар эди, унинг уйғонишини сабр қилиб кутди.

Шайх уйғониб, деди:

— Ҳозир тушимда Пайгамбарни кўрдим. Сенга салом айтдилар.

Яна дедилар:

— Она ҳаққини сақламоқ яхшироқдир ҳажга бормоқдан!

Деди:

— Энди, бориб онангнинг ризосини истагин. Аллоҳнинг ризоси шунда экан!

## УТБА ИБН ҒУЛОМ

Ҳақ жамоли учун куйган, висол учун қайгурган, вафо уммон... сафо кони, хожаи имом, тамоман мард инсон Утба жами кўнгил соҳибларининг мақбули, жами тилларнинг таъриф этгани эди. Ва унинг ажойиб ишлари бор эди. Ва шайх Басрийнинг шогирди эди.

\* \* \*

Бир куни шайх Ҳасан Басрий билан таҳорат қилмоқ учун дарё қиргогига келдилар. Утба сув устидан равон бўлди ва ўтди. Шайх Ҳасан таажжубга тушди.

Деди:

— Эй Утба бу мартабага қандай етишдинг?

Утба деди:

— Сен ўттиз йил бўлдики, ҳар нимани буюрса, шуни қиласан. Ва мен эса ўттиз йилдан бери Унинг ризоси нимада бўлса, ўшани қиламан.

Шайх эшитиб, беҳуш бўлиб, ҳайрон қолди.

\* \* \*

Утба тавбасининг сабаби шу эдики, аввал ҳолида у хотинбоз бўлган. Бир куни бир аёлнинг дарчасидан боқар эди. У аёлнинг кўзлари қоп-қора эди. Утбанинг кўзи тушгач, минг кўнгил билан ошиқ бўлди. Бир қари кампирни аёлга юборди. У ифбатли, мастура эди.

Деди:

— Утбанинг нима иши бор?

У қари кампир:

— Утба сенинг кўзингга ошиқ бўлган, — дегач, у аёл дарҳол кўзини ўйиб, бир табаққа солиб юборди:

— Агар ошиқ бўлгани шу кўз бўлса, олиб боргин, севсин!

Утба бу ҳолни кўриб беҳуш бўлди. Бир замондан сўнг ҳушига келиб, ихлос билан шайх Ҳасан Басрийнинг хизматига бориб тавба қилди. Кеча ва кундуз хизматларида бўлди. Ва ўз қўли билан арпа экиб, шундан ўзга нарса эмас, кеча-кундуз ибодатга машғул бўлар ва:

— Киroman котибайндан уяламан, умид қиламанки, мени яхши банда, десинлар, — деб ҳафтада бир марта таҳорат қиларди.

\* \* \*

Нақлдурки, бир куни Утбани кўрдиларки, баданидан сув каби шариллаб тер оқар эди.

Сўрадилар:

— Бу нима ҳолат?

Деди:

— Бир куни уйимга меҳмонлар келганда қўшнимнинг деворидан кесак олиб бергандим, меҳмонга керак бўлгани учун. Ҳар вақт ёдимга тушса хижолатдан терларман, гарчи неча бор узр сўраган бўлсам ҳам!

\* \* \*

Нақлдурки, бир куни Абдулвоҳид ибн Зайд суҳбатида бир неча катталар ўтирган эдилар.

Сўз бўлди, бир киши деди:

— Не ажаб, бу замонда ҳеч инсон бормикин, аёл юзига боқмас.

Утба ҳам аёл юзига боқади.

Бир киши жавобида деди:

— Аёл ҳам Аллоҳ йўлида эр кабидир. Уни аёл, деб камситиш раво эмас. Аросат куни бўлганда эрларнинг олдинги сафида Биби Марям (р.а.) турса ажаб эмас.

Ва шайх Ҳасаннинг мажлисида Робия бўлмаса, ваъзни тарк қилган. Бас, Аллоҳ қабул қиладиган нарсалар борасида эру хотинликнинг тафовути бўлмас. Чунки нубувват — пайгамбарлик айни иззатдир, валийлик ҳам шундай. Беклик, улуғлик ва кичикликнинг улар олдида фарқи йўқ.

Хусусан, шайх Утба ўз замонида Аллоҳ муомаласи ичида маърифатда беназири ва жами валийларнинг кўнглига мақбул бўлган эди.

\* \* \*

Нақлдурки, шайх Абдулвоҳид зоҳид деди:

— Сабр қилиб кутайлик, бир киши келсин унинг ҳолини сўраймиз.

Шу вақт Утба ҳозир бўлди. Ундан қаердан келганини сўрадилар. Бозор ичидан келганини айтди.

— Бозорда кимни кўрдинг? — дедилар.

Деди:

— Ҳеч кимни кўрмадим.<sup>1</sup>

Унга таом келтирдилар. У эса емади.

Айтдилар:

— Ёлғиз ейишни истамасанг, йўлдош бўлайлик!

Утба деди:

— Мен бир киши билан йўлдош бўлибманким, у ейиш-ичишдан беҳожатдир. Унинг олдида қандай егайман!

\* \* \*

Нақлдурки, шайх Утба бир кеча бир саройда ҳурни кўрди.

У ҳур деди:

— Эй Утба, мен сенга ошиқ бўлиб қолдим. Мени олгин!

Шунда Утба деди:

— Мен дунёни уч талоқ қилганман. Энди талоқ қилган аёлни қандай оламан!

\* \* \*

Нақлдурки, бир куни бир киши Утбага деди:

— Эй Утба менга каромат кўрсатгин!

<sup>1</sup> Утба ибн Гуломнинг ҳоли жуда кучли эди. Зикр қилган ҳолида кўзига ҳеч нарса кўринмас, қулоғи ҳеч нарсани эшитмас эди. Зикрга машғул бўлган кимса бозорда ҳам ҳеч нарсани кўрмасдан, ҳеч нарсани эшитмасдан зикри билан бўлавериши ҳақида Хожа Аҳрори Валий ҳам узининг «Фақароти аҳрория» асарида ёзиб қолдирган.

Утба сўради:

– Нима тиларсан?

Деди:

– Янги пишган хурмо тилайман!

Қиш куни эди. Утба ичкарига кирди ва бир сават тўла янги пишган хурмо келтириб, кишининг олдига қўйди.

\* \* \*

Нақлдурки, Муҳаммад Саммок ва Зуннун Мисрий Робиянинг олдига келдилар. Ногоҳ Утба кириб келди, у янги кўйлак кийган эди.

Муҳаммад Саммок деди:

– Янги кўйлак кийиб, нимага бунчалик керилиб юрибсан?

Утба деди:

– Менинг исмим Гуломдир. Кул киши керила оладими?!

Ва шу ҳолатда жон берди.<sup>1</sup>

\* \* \*

Нақлдурки, шайх Утбани бир азиз тушида кўрди. Унинг юзининг бир тарафи қорайган экан.

Деди:

– Нима сабабдан бу бало бўлди?

Утба деди:

– Бир куни устозим хизматига бордим. Бир кўрклик ўғлон келди. Унга бир назар солдим. Аллоҳ мени жаннатга буюрди, йўлимда дўзах бор эди.

Бир илон чиқиб келди, ўзини устумга солди ва бир ён юзимга урди.

Яна деди:

– Бу ўғлонга бир назар солганинг учун бало бўлди. Агар кўп боқсанг эди, мен сенга не азоблар ва не итоблар қилар эдим!

Аллоҳ уни ўз раҳматига олган бўлсин!

<sup>1</sup>Утба ибн Гулом ўз умрининг тугаётганини билиб, севган Роббиси Аллоҳ т. олдига бораётганидан ясениб олган эди.

## БИБИ РОБИЯ АДАВИЯ

У хослар гуруҳидан бўлган ихлос мастураси, ишқ ва иштиёқда куйган, яқинлик ва эҳтиросга ошуфта эди.

Агар Биби Робияни эркаклар орасида зикр қилинганнинг сабабини сўрасалар, унга жавоб шуки, Пайгамбар буюрубдурлар:

– Аллоҳ сизларнинг суратларингизга боқмас, балки кўнгаларингизга боқар!

\* \* \*

Ҳазрат Расули ақрам буюрубдурлар:

– Ҳар ким Аллоҳга бир қадам илгари босса, Аллоҳ унга ўн қадам қўшуб босар!

\* \* \*

Иброҳим ибн Адҳам Каъбага сафар қилди. Ўн тўрт йил биёбонларни кезди. Ҳар қадамида икки ракаат намоз ўқиди. Каъбага етганида эса кўрдикки, Каъба ўрнида йўқ эди.

Бир оҳ урди ва деди:

– Бу не ажаб ҳолатдур, кўзимда халаллик бўлибдими?

Ҳотифдан овоз келди:

– Эй Иброҳим, бизнинг бир ноқис бандамиз бизга юз тутибдир. Биз Каъбани унга қарши юбордик.

Бас, Иброҳимга гайрат келди ва дедики:

– Бу не ажаб ҳолатдур, бу аёл қандай эканки, унинг мартабаси ва манзилати Аллоҳ олдида бу қадар улуг экан?!

Бас, пешвоз чиқди ва Робияни кўриб деди:

– Эй Робия, бу офатларни жаҳонга солдинг, мен ўн тўрт йилдирки мунча турлик машаққатлар чекиб, ҳар қадамда икки ракаат намоз ўқиб, Каъба ишқиде келгандим, Каъба сенинг олдинга келибди!

Биби Робия деди:

— Эй Иброҳим, сен намоз билан келдинг, мен эса ниёз билан келдим!

Робия ҳажни адо қилиб, Басра шаҳрига қайтиб ибодатга машғул бўлди. Бир йил ўтди. Яна кўнгли Каъбани орзу қилди.

— Каъба менга қарши чиққанди, энди бу йил мен Каъбага борайин, — деб йўлга чиқди.

Шайх Али Термизий айтади, Биби Робия саҳрога кирганда, етти йил ёни билан думалаб, Арафот тоғигача борди.

Ҳотифдан овоз келдиким:

— Эй Робия, бу қандай дастур ва расм бўлди. Агар хоҳласанг, бир тажаллий қиламиз, турган ерингдан Каъбага борасан!

Робия деди:

— Худовандо, мен ғариб заиф бандангман. Бу ғарибингда ундай мартаба йўқким, тажаллийга тоқат қилгай!

Сенинг муҳаббатингга тоғлар тоқат қила билмагайлар, пора-пора бўлгайлар. Менда не мажол борким, тоқат қилиб олгайман?! Аммо фақрдан биргина зарра тилайман!

Нидо келдиким:

— Эй Робия, улуг нарса тиладинг. Фақр менинг қаҳрим асаридир. Уни эркаклар йўлига қўйганман. Сенга етмиш ҳижобдан ўтиш керак, то фақр мақомига етишгайсан. Энди сенга лойиқ эмаски, фақрдан сўз айтиш. Валекин юқорига боққил!

Робия юқори қараса, кўкда қондан бир дарё кўринди. Ҳавода муаллақ турар эди.

— Бу денгиз менинг ошиқларимнинг кўз ёшларидир. Улар висолимни истаб келдилар, ҳеч қандай ном-нишонлари маълум бўлмайдиган манзилда уни топдилар. Бизнинг ҳузуримизда йўқлик мақомига етмагунча висол насиб қилмас, — деган овоз келди.

Робия буни эшитиб, юзини ерга тикди ва деди:

— Ёр Худоё, ғарибман, етимман, отам йўқ, онам йўқ, асир ҳам бўлдим. Ҳеч гам ёмонласанг, ризойингни истарман. Ва тилагим шуки, Сен мендан рози ва хушнуд бўлгайсан!

Овоз келдики:



— Эй Робия, сени бир мартабага етказаманким, кўкдаги фаришталарнинг барчаси сени орзу қиладилар!

Робия бу овозни эшитди ва кўнгли ором топди. Яна хожасининг куллигига машгул бўлди. Кундузлари рўза тутар, кечалари тонг отгунча намоз ўқир эди.

\* \* \*

Нақлдурки, Робияни онаси туққан кеча уйларида дунёликдан ҳеч нарса йўқ эди. Онаси учун артмоққа ёғ ва Робияни ўраш учун бир парча эски латта ҳам топмади. Отасининг бурун уч қизи бор эди, тўртинчиси Робия эди. Шунинг учун унга Робия (тўртинчи) деб ном қўйдилар.

Робиянинг онаси отасига деди:

— Фалон ҳамсоянинг уйига бориб, озгина ёғ сўрагин. Чирогни ёқайлик.

Отаси эса аҳд қилган эдики, ҳеч кишидан нарса сўрамасликка. Эшикка чиқди, ҳамсоянинг эшигига бориб, дарвозага қўл теккизди ва қайтди.

Уйга келиб деди:

— Эшикни очмадилар.

Бас, хотини йиғлади ва қайгулик бўлиб ётди. Шу кеча ҳазрат Расули акрамни тушида кўрди.

Ва унга дедилар:

— Ғам емагин, бу қизинг саййидадир. Менинг умматларимдан етмиш кишига шафоат қилади.

Яна дедилар:

— Эрингга айт, Исога бир хат ёзсин, у Басранинг ҳокими. Айтсинким, бир кеча Пайгамбарга юз саловот юборар экансан. Ўтган жума кечаси хато бўлди. Шунинг каффоратига юз дирҳамни бу хатни олиб борган кишига берсин!

Робиянинг онаси бу тушни кўриб, уйғонди. Эрига айтди. У хатни ёзиб Басранинг бегига борди, хатни кўрсатди. Басранинг беги хатни ўқиб, кўп йиғлади. Хатни келтирган кишига минг қизил олтин берди ва Пайгамбар ҳурмати учун кўп узрлар сўради.

Яна деди:

– Ҳар нима ҳожатинг бўлса, менга айтгин!

Шундан сўнг, Робиянинг отасига от ва сарполар бериб кузатди. У уйига келиб, барча ишларини битказиб олди.

\* \* \*

Бас, Робия шу тариқа катта бўлди. Ота-онаси, сўнг опалари вафот этиб кетди. Робия етим қолди. Басра шаҳрида қаҳатчилик бўлди. Бир золим Робияни пулга сотди. Олган киши Робияга иш буюрар эди. Робия Аллоҳнинг ибодатига машғул бўлиб, кечалар эрталабгача шукр қилар ва намоз ўқиб чиқар, кундузи хожасининг хизматини қилар эди.

Бир кеча хожа уйғонди. Қулоғига бир ун келди, Робиянинг дарчасидан қаради. Кўрдик, Робия бошини саждага қўйиб, Аллоҳга муножот қилиб, айтарди:

– Илоҳо, сенга маълумки, мен кўнглимни тамоман сенга боғладим. Аммо нима қилайин, мени бир махлуқ ихтиёрида қилибсан. Агар ўз ихтиёримда бўлсам эди, бир соат сенинг тоатингдан ўзга ишга машғул бўлмас эрдим.

Хожаси кўрди, бир занжирсиз қандил унинг устида ёнар, ичи кундуз куни каби равшан эди. Хожаси бу ҳолни кўриб кўрқди, беҳуш бўлди.

Ўзига келди, ўйлаб ўтирди. Тонг отгач, Робияни чақириб, кўп узрлар сўради. Ва халқни чақириб, Робияни озод қилди.

Робия деди:

– Энди менга дастур бергин!

Хожаси рухсат берди, Робия ундан кетиб, ўзига бир ибодатгоҳ қилиб олди ва ибодатга машғул бўлди. Неча вақтдан сўнг Робияда ҳажга бориш орзуси пайдо бўлди. Бир эшак олди ва унга жойнамоз, озиқ-овқат ортиб, юзини Ҳаққа буриб, йўлга тушди. Йўлда эшаги ўлди.

Йўлчилари дедилар:

– Сенинг юкингни бизлар кўтариб олайлик.

Робия деди:

— Мен Сизлар учун келаётганим йўқ, Сизлар йўлингиздан қолманг!

Улар кетдилар.

Робия ёлғиз қолди, бошини саждага қўйди.

— Илоҳо, мени уйингга ундадинг, йўлда эшагимни ўлдирдинг. Ва мени биёбонда ёлғиз қўйдинг!

Ҳануз бу сўзини тамом қилмай, эшаги тирилди ва ўрнидан турди.

Робия Аллоҳга шукр ва сано айтиб, юкини юклаб, яна бир неча кун йўл юрди. Аллоҳга муножот қилди ва деди:

— Илоҳо, сенинг ишқинг менинг кўнглимни тутди. Бундан ортиқ юра билмасман. У тош уйингни бу ерга келтирсанг, нима бўлади?

Аллоҳ унга хитоб қилди ва деди:

— Эй Робия, бир оз юргин!

Робия бир оз юрганидан сўнг кўрдикки, Каъба унга қарши келаётган эди. Деди:

— Менга Каъбанинг эгаси керак, мен бу тош уйни нима қиламан?

Шундан сўнг Каъбани тавоф қилди ва деди:

— Эй бор Худоё, эркаклар давлатидан бир оз нарса мен ожиз банданга берсанг нима бўлади?

Ҳотифдан бир ун эшитдиким:

— Бу етти йил ёни билан Каъбага борган кишининг мақоми будир.

Бас, Робия саргардон ва ҳайрон бўлиб:

— Эй бор Худоё, мен бу вақтгача сенинг уйингга эътибор қилмадим, илло, сени истадим. Энди бу тошдан бўлган уйингга ҳам кирмоққа лойиқ бўлмасман, — деди ва қайтди. Басрага борди, (карвонсаройга) кирди ва ибодатга машғул бўлди.

\* \* \*

Нақлдурки, бир кун икки азиз Робиянинг зиёратига келдилар. Оч эдилар. Робиянинг бир фўта рўмоли бор эди. Уни гаровга

қўйиб, икки нон олиб келди ва уларнинг олдига қўйди. Улар еб ўтирганларида, бир дарвеш:

— Аллоҳ-Аллоҳ, — деди.

Робия бу икки нонни чиқариб ўша дарвешга берди. Булар хижолат бўлдилар, аммо ҳеч нарса демадилар. Бир соатдан сўнг, бир канизак дастурхон тўла нон келтириб, деди:

— Бу нонларни Худовандинг, яъни хожанг юборди!

Робия нонни санади, ўн саккизта чиқди.

Робия деди:

— Йигирмата бўлиши керак эди. Нима учун икки нонни кам келтирдинг?

Каниз у икки нонни ҳам чиқариб берди. Меҳмонлар ажабланиб қолдилар.

Дедилар:

— Эй Робия, бу не сир? Бизнинг олдимизга нон қўйдинг, яна олиб дарвешга бердинг. Бир канизак дастурхонда нон келтирди. Санаб, икки нонни кам дединг ва у икки нонни топиб олдинг.

Робия деди:

— Эй меҳмонлар, сизларни кўрдим, оч экансизлар. Икки нон кифоя қилгудек эмасди, у икки нонни дарвешга садақа қилдим.

Аллоҳ айтибдур:

«Кимки эҳсон қилса, Худойи таоло бирига ўн берур».

У канизак икки нонни олиб қолиб, ўн саккиз нон берди, икки нонни шунинг учун сўраб олдим.

\* \* \*

Нақлдурки, Робия бир куни касал бўлиб, йиқилди. Бир ўғри келди, қараса бир заифа ётибди, боши остида бир чодир қўйибдур, қимматбаҳо чодир экан деб, олиб қочар бўлди. Кўрдиким, унинг эшиги йўқ, девори темирдан. Ўғри ночор чодирни ўрнига қўйди. Дарҳол эшикни кўрди. Яна чодирни олиб чиқар бўлди, эшикни топмади. Яна чодирни қўйди, эшик кўринди.

Неча мартаба шундай қилди. Чодирни олгач эшик йўқ бўлди. Шу ҳолда ўғри бир овоз эшитди:

— Бир дўст уйқуда бўлса, бир дўст уйғоқдир.  
Ўғри бу овозни эшитгач, ичига бир ўт тушуб, ихлос билан тавба қилди ва мусулмон бўлди.

\* \* \*

Нақлдурки, бир куни Биби Робиянинг ходими ош қилиш мақсадида ёғ тўграётган эди. Кўп вақтлардан бери иссиқ таом емагандилар. Пиёз керак бўлди.

Ходим:

— Қўшнилардан сўраб чиқайми? — деб сўради.

Биби Робия деди:

— Ўзгадин ҳеч нарса сўрамайман, деб Аллоҳга аҳд қилганман.

Дарҳол бир қуш келди, бир боғ кўк пиёз келтириб қўйди.

Робия деди:

— Бир ҳикмати бор бўлса керак!

Ёғ ва пиёзни қўйиб, нонни қуруқ еди.

\* \* \*

Нақлдурки, Робия бир куни саҳрога чиқди. Шунда кийиклар ва жониворлар атрофига йигилиб, қўл ва оёқларини ялар эдилар. Ногоҳ шайх Ҳасан Басрий етиб келди. Робияни кўрдиким, жониворлар билан бу ҳолдадир. Кийиклар шайх Ҳасанни кўриб қочдилар. Робия ёлғиз қолди.

Шайх Робиянинг ёнига келиб деди:

— Эй Робия, жониворлар мenden қочдилар ва сен билан улфат бўлганлар? Бунинг ҳикмати нима?

Робия деди:

— Шайх сен бугун нима единг?

Шайх деди:

— Қорин ёгини едим.

Робия деди:

— Сен буларнинг қорин ёгини ебсан, нега қочмасин!

\* \* \*

Нақлдурки, бир куни Биби Робия шайх Ҳасан Басрийнинг уйи ёнидан ўтар, Шайх бошини дарчадан чиқариб йиглаб турар эди. Кўзининг ёшидан Робиянинг устига томди. Робия гумон қилдиким, ёмғир суви деб. Сўнг билдиким, Ҳасан кўзининг ёши экан. Ҳасаннинг юзига боқди ва деди:

— Эй устоз, бу йигламоқ юмшоқлик ва нафс ғалабасидандир. Кўзинг ёшини ичида сақлаким, халойиқ кўриб қолиб, дарё бўлмасин!

Шайх Робиянинг ёнига келди. Сув устига жойнамозини тўшади:

— Икки ракаат намоз ўқийлик, — деди.

Робия ўз жойнамозини ҳавога ташлаб, устига минди ва деди:

— Эй устоз, сенинг бу қилган ишингни бир балиқ ҳам қилур, менинг қилганимни пашша ҳам қилур. Булардан иш бўлмас, яхши амал қилмоқдур!

\* \* \*

Нақлдурки, бир куни шайх Ҳасан деди:

— Робиянинг ёнида эдим. Ҳақиқат, тариқат ва маърифатдан сўзлашар эдик. Иккимизнинг кўнглимизга ишқ ўти шундай асар қилиб тўлдиким, на мен ўзимни билдимким, эркакман, ва на у Робия билдиким, аёл эканини. Мен ўзимни муфлис (камтар) ва Робияни эса мухлис кўрдим.

\* \* \*

Нақлдурки, бир кеча шайх Ҳасан ёронлари билан Робиянинг ёнига келдилар. Робиянинг уйида чироқ йўқ эди, булар чироқ истадилар.

Робия бир бармоғини оғзининг сувига теккизиб ёқди, чироқ каби эрталабгача ёнди.

Булар суҳбатга машгул бўлдилар.

Агар сўрасаларким, бармоқдан қандай қилиб ёруғлик чиқади, деб, жавоб бергил:

— Мусонинг муборак кўллари кечани кундуздек равшан қилар эди, «йади байзо» дер эдилар.

Агар сўрасаларким:

— У ҳазрат пайгамбар эди.

Жавоб бергил:

— Ҳар ким пайгамбарга эргашса, унга ҳам пайгамбарлик асаридан насиб бўлади.

Чунки Пайгамбар буюрганлар:

— Кимки бир дона ҳаромни емай, эгасига еткурса ва ундан ўзини сақласа, унга пайгамбарлик даражасидан бир даража ва мартаба етишгай!

Робиянинг дунёда қандай умргузаронлик қилгани ҳаммага маълум!

\* \* \*

Нақлдурки, Робия шайх Ҳасан Басрийга уч нарса берди: бири мум, бири игна ва бири қил. Яъни, мумдек мулойим бўл, игнадек ҳамманинг йиртиқларини тиккин, ўзинг ялангоч бўлгил ва ҳожатмандларнинг ҳожатини қудратинг етгунча битқармоққа саъйи ва кўшиш қилгил ва қилдек нозик бўлгин риёзат билан!

\* \* \*

Нақлдурки, шайх Ҳасан Басрий бир куни Робияга:

— Ҳеч забтинг ва майлинг бўлса, сени бир кимсага эрга бергаймиз, — деди.

Робия деди:

— Никоҳ вужуд узра дуруст бўлади. Менда эса вужуддан бирор асар йўқ, йўқ нарсага никоҳ қандай бўлади?

Шайх деди:

— Йўқликни қандай топдинг?

Робия деди:

— Ўзимни ўзим йўқ қилишдан топдим!

Шайх деди:

— Уни қандай биласан?

— Танасиз ва таналиксизда! Уни «қандай» ва «қанақа»сиз биламан.<sup>1</sup>

<sup>1</sup>Имом Газзолийнинг ёзишича, Аллоҳнинг сифати «қандай» ва «қанақа» саволисиз билинади.

\* \* \*

Нақлдурки, шайх Ҳасан Басрий бир куни Робиянинг ибодатгоҳига борди ва деди:

— Эй Робия, ул илким, Аллоҳ сенга ўргатди, ўзга махлуққа ўргатмади, ўшандан менга бир ҳарф ўргатгин!

Робия деди:

— Бир неча калава ип йигирдим, уни икки ақчага сотдим. Бир ақчасини олдим, яна бир ақчани олмоққа қўрқдим ва ўзимга ўзим: «Бир ақча менга бир кун қувват бўлур, яна бир ақчани захира қилиб бўлмас», дедим.

\* \* \*

Нақлдурки, бир куни Робияга дедилар:

— Нимага турмушга чиқмайсан?

Деди:

— Сизлардан уч нарса сўрайман. Агар билсангизлар, сизнинг сўзингизни қабул қиламан: биринчиси, биласизларми, ўлар вақтимда имонимни саломат элтаманми ё йўқ?

Айтдилар:

— Билмасмиз!

— Иккинчи, келгуси қиёмат кунида номаи аъмолим менинг ўнгимдан келадими ёки чапдан?

Айтдилар:

— Билмасмиз!

— Учинчи шуки, қиёмат кунида халойиқни икки бўлакка бўлиб, бир бўлагини жаннатга, яна бир бўлагини дўзахга киритарлар, мен қайси бўлакда бўламан?

Айтдилар:

— Билмасмиз!

Робия деди:

— Кишининг бошига шунча қайғу бўлса, у келинлик ва шодликни қандай қила олади?



\* \* \*

Ва яна сӯрадилар:

– Қайдан келурсан?

Робия деди:

– У жаҳондан келурман!

\* \* \*

Сӯрадилар:

– Қайга борурсан?

Робия деди:

– У жаҳонга борурман!

\* \* \*

Айтдилар:

– Бу дунёда нима иш қиласан?

Деди:

– Охират ишини қиламан!

\* \* \*

Айтдилар:

– Нима ейсан?

Деди:

– Пушаймон ейман!

Сӯрадилар:

– Қандай?

Деди:

– Фонийдур, боқийдур!

\* \* \*

Сӯрадилар:

– Аллоҳни биласанми ва севасанми?

Жавоб қилди:

– Албатта, севарман, чунки У «қандай» ва «қанақа» сиз ва бешабиҳ ва бенамунадир. Доим бўлган ва ҳамиша бўладиган, ҳамма нарсани яратган, ҳар бир тирикка ризқ берувчидир.

\* \* \*

Сўрадилар:

– Шайтонни душман тутармисан?

Деди:

– Йўқ!

Айтдилар:

– Нега?

Деди:

– Шунинг учунки, Раҳмоннинг севгиси менинг ичимда шундай тўлиб турадики, Шайтоннинг душманлигига унда жой йўқ!

\* \* \*

Робия деди:

– Ҳазрати Пайгамбар (с.а.в.) ни тушимда кўрдим.

Дедилар:

– Эй Робия, мени севармисан?

Дедим:

– Ё Расулulloҳ, Сизни ким севмас! Валекин, мени Раҳмоннинг севгиси шундай қилганки, ичимда ҳеч дўсту душман қарор тутарга жой қолмаган!

\* \* \*

Нақлдорки, Робия ҳамиша йиғлар эди.

Сўрадилар:

– Нима учун мунча йиғларсан?

У деди:

– Аллоҳ билан дўст тутунганман. Кўрқарманки, ўлим вақтида айтгайким: «Сен менга керак эмассан!»

\* \* \*

Робиядан сўрадилар:

– Аллоҳ бандаларининг қайси ишидан рози бўлади?

У деди:

– Берганига шукр қилса, балосига сабр қилса, бошига тушган яхши ва ёмон ундан деб билса, хушнуд бўлгай!

\* \* \*

Робиядан сўрадилар:

— Гуноҳларни нима нарса поклайди?

У жавоб берди:

— Тавба қилмоқ ва гуноҳларига пушаймон қилиб йиғламоқ билан гуноҳлардан пок бўлинади.

\* \* \*

Ундан:

— Тавба нима? — деб сўрадилар.

— Тавба шуки, Парвардигорнинг буйруғидан ўзга ишни қилмаслик лозим. Яна тавбани Худонинг ўзи мушарраф қилгай.

\* \* \*

Биби Робия бир кимсанинг қайғу-аламлардан додлаганини эшитиб қолди.

У:

— Сен қайғусизликдан дод дегин! — деди.

\* \* \*

Нақлдурки, Робия бундай деди:

— Бир кимсани бошини боғлаб олганини кўрдим. Бошини нима учун боғлаб олганининг сабабини сўрадим. Боши огриётганини айтди.

Мен унинг неча ёшдалигини сўрадим. У ўттиз ёшдалигини айтди.

Мен дедим:

— Ўттиз йилдан бери соғ-саломат эдинг, шукр камарини боғламадинг. Энди бир неча кун бошинг огриганига шикоят қилиб, бошингни боғлаб олибсан. Банда деган шундай бўладими?

\* \* \*

Бир кун бировга гилам сотиб олиш учун ўн тўрт ақча берди. У киши қандай гилам олишини сўради:

— Қора, қизил, сариқ ёки оқ рангли бўлсинми?

Робия:

— Ҳали гилам келмасдан бурун ранги чиқди, ўзи келса нималар чиқади? — деб пулини қайтариб олди.

\* \* \*

Нақлдурки, Робия рўза тутар, ҳеч нарса емас, асло ухлამас эди. Очлиги ҳаддан ошди, шу аснода бир киши ош келтириб, Робиянинг олдига қўйди. Робия ошни олиб уйига кирди. Уйи қоронғу эди. Буюрдиким, чироқ келтиргай. Келгунча мушук ошни тўқди. Ундан сўнг сув ичмоқчи бўлди. Урилиб кетиб, сув идишини синдирди. Сув ерга тўкилди.

Шунда Робия бир оҳ урди ва деди:

— Худовандо, сенинг қўлингдан фарёд қилурман! Бу нима иш бўлдики, менга қилурсан?

Ҳотиждан овоз келдиким:

— Эй Робия, фарёд қилмагин, агар тиласанг сенга кўп мол берайин. Дунёда менинг севгимни кўнгилдан чиқаргин, дунё неъматин билан менинг муҳаббатим бир кўнгилга сизмас!

Робия бу ёқимли хитобни Рабб ул-арбобдан эшитиб, сўнгра буткул дунёдан кўнглини совутди. Ўттиз йил шундоқ ибодат қилдики, намозда турганидан оёқлари шишди. Ҳамиша инграр эди.

Ундан сўрадилар:

— Эй охират хотини, касаллигинг йўқ бўлса-да, нима учун мунча инграрсан?

Деди:

— Менинг ботинимда дардим кўпдир, ҳеч бир табиб муолажасини қила олмайди. Менинг дардим давоси дўстнинг висолидир.

\* \* \*

Нақлдурки, бир куни бир неча кишилар Робияни ёнига кўргани келдилар.

Робия уларнинг биридан сўрадиким:

— Сен Аллоҳга нега бандалиқ қиласан?

Деди:

— Дўзах қўрқувидан!

Яна биридан сўради. У деди:

— Аллоҳнинг азобларидан қўрқарман, шундан!

Робия деди:

— Аллоҳга дўзахдан қўрқиб ё жаннатдан умидвор бўлиб қуллик қиласизлар.

Улар Робиядан сўрашди:

— Сен қандай бандалик қилурсан?

Деди:

— Жаннат ёки дўзах бўлмаса, Аллоҳга тоат-ибодат керакмасми?

Улар ҳеч сўз демадилар.

Робия деди:

— Аллоҳга тамасиз тоат қилмоқ хослар ишидир!

\* \* \*

Нақлдурки, бир куни бир улуг азиз Робиянинг олдига келди ва уни синамоқ учун сўз сўраб, деди:

— Эй Робия, намунча улуғланасан, ахир бир аёлсан! Аёлларга ҳеч вақт валилик ва пайғамбарлик келмади. Жами фазилатларни Аллоҳ эркакка берди. Пайғамбарлик тожини эркакларнинг бошига қўйди.

Робия деди:

— Бу сўзларингнинг барчаси ростдир. Аммо манманлик даъвоси ҳаргиз аёллардан содир бўлмади. «Мен сизларнинг олий парвардигорингизман», даъвоси ҳамма эрлардан чиқди. Ва ҳеч аёл хотинчалиш ва манманлик даъвосин қилмади ва барчаси эрлардан чиқди.

\* \* \*

Нақлдурки, бир куни Басра ақобирларидан бири Робиянинг олдига дунёдан шикоят қилиб, дунёни кўп хорлади.

Робия унга деди:

— Бироқ сен дунёни қаттиқ севарсан. Агар уни севмас эсанг, унинг яхши-ёмонидан асло сўз айтмас эдинг. Ҳар ким бир нарсани севса, уни кўпроқ ёд этар.

\* \* \*

Нақлдурки, бир киши пешин намози вақтида Робия олдига бориб, деди:

— Менга бир таом орзуи тушган.

Робия қозонга бир миқдор сув солиб, ичига бир парча гўшт ташлади. Қозон ёнига бормади.

Сўз маъносига гарқ бўлди у киши. Оқшом бўлди, намоз ўқилди.

Робия намоздан фориг бўлиб, қозон олдига борди. Меҳмон ҳам борди. Кўрдиким, Аллоҳнинг қудрати билан ўтсиз ва ўтинсиз қайнаб турибди. Ўчоқда ўтдан, ўтиндан асар ҳам йўқ эди. Қозонни олиб, таомни ўртага тортдилар. Иккови биргаликда ейишди.

Меҳмон:

— Умримда бунчалик лаззатли таомни емаган эдим, — деди ва Робиядан таом қандай қилиб пишганини сўради.

Робия деди:

— Кимки сидқ ва ихлос билан Аллоҳ ибодатига машгул бўлса, шубҳасиз унга бундай таомлар пишади!

\* \* \*

Суфёни Саврий айтади, бир куни Робия олдига келдим. Кўрдимки, у меҳробга кириб намоз ўқир эди. Мен ҳам бир тарафга ўтиб намозга машгул бўлдим.

Эрталаб бўлди, мен дедим:

— Эй Робия, кел, шукр қилайликким, Аллоҳ бизларга ўз тавфиқини ёр қилди, эрталабгача намоз ўқиб чиқайлик!

Робия деди:

— Шукримиз Аллоҳга шундай муножот бўлсин!

— Илоҳи, мен сенга дўзахдан кўрқиб сизинсам, мени дўзахга сазовор қил! Агар жаннат умидида сизинсам, жаннатни менга ҳаром қил! Агар сенга сенинг ўзинг учун бандалик қилсам, дийдорингни менга насиб қил!

— Илоҳи, сен неким дунёда берурсан, душманларингга бергил! Ва охиратда ҳар ниманиким берурсан, дўстларингга бергил! Ва агар қиёматда мени дўзахга сазовор қилсанг, мурод айтарман, сендин сенгаким, дўст дўстга бало қилурму?

Ҳотифдан овоз келдиким:

– Эй Робия, ёмон гумон қилмагилким, мандан бўлгуси қиёмат кунда менинг яқинимда бўласан, дийдоримни сенга насиб қиламан. Орамиздан ҳижоблар кўтарилгай, сен мен билан сўзлашгайсан, ўртамизда ҳеч ҳижоб ва восита қолмагай!

Робиянинг кўнгли бу хитобни эшитгандан сўнг ором топди ва деди:

– Худовандо, поко, Парвардигоро! Менинг ишим ва орзуим дунё саройида сенинг зикрингга машгул бўлишдир, охиратда эса дийдорингдир! Мен заифдан сўз шуки, ҳолимни сенга арз қилдим, энди қолган ишимни сен билурсен. Ҳар нима иш қилсанг ҳам, сен подшоҳсан. Сенинг ризолигинг керак!

Чун Робияга фано ва ажал вақти келди, боши устида ўтирар эдилар.

Деди:

– Туриб кетинглар, мени ёлғиз қўйинг! Менга Аллоҳнинг элчилари келади.

Барча халқ чиқди.

Ва овоз эшиттиларким:

– Эй, хотиржам (сокин) жон! (Ато этилган неъматлардан) рози бўлган (ва Аллоҳ томонидан) ҳам рози бўлинган ҳолингда, Раббинг (ҳузур)га қайтгин! Бас, (солиҳ) бандаларим (сафи)га қўшилгин ва жаннатимга киргин!<sup>1</sup>

Овоз тинганидан кейин кириб қарасалар, Робия жонини Ҳаққа топширибди. Аллоҳ ўзи раҳмат қилсин!

<sup>1</sup> Фажр сураси, 27–30-оятлар.

## ФУЗАЙЛ ИБН АЁЗ

У собитқадамлар муқаддами, надомат чекувчилар муаззими, карам ва эҳсоннинг абри баҳори, тақво камоли ва тафаккур соҳиби, дунёдан юз ўтирган қутби замон, яхшилар ва замондошлари тариқатида ихтиёр, риёзат ва каромат ичида улуг мартабалик, тавозеъ ва камтарлик бобида мисли йўқ эди. Ва ҳолининг аввалида Марв саҳросида чодир тикиб, палос кийиб, бошига қаро бўрк (қалпоқ) кийиб, бўйнига тасбеҳ тақиб, кеча-кундуз намоз ўқур ва бу ҳоли билан барча қароқчиларнинг бошлиғи эди. Ва яна йўл тўсиб, карвонларни таларди. Қўлга киритилган ўлжани Фузайл тақсимлаб берарди, аммо ҳаргиз жамоатсиз намоз ўқимас эди.

Бир куни бир карвонни таладилар. Карвондаги бир кишининг бир ҳамён тиллоси бор эрди. Қочиб четга чиқди, тиллони бир ерга кўмиш учун.

Кўрдик, бир чодир ичида бир зоҳид тасбеҳ айтиб ўтирибди. Уни кўриб шод бўлди. Бориб у ҳамёнини унга топширди ва дедиким:

— Қароқчилар бизни таладилар, бу ҳамённи сизга омонат топшираман.

Фузайл деди:

— Ҳамённи бу бурчакка қўйгил!

У киши ҳамённи айтган жойга қўйди ва кетди.

Кўрдик, барча карвонни талаб, одамларни боғлаб қўйиб кетганлар. У киши буларни ечди. Бордиким, омонатни олгай. Кўрдиким, тиллосини топширган зоҳид қароқчиларнинг бошлиғи экан.

Келганига пушаймон бўлди ва:

— Во дариг, ўз қўлим билан ҳамённи қароқчиларнинг бошлиғига келтириб берган эканман, — деб тиллодан умидини узиб, жон ваҳми тушуб, аъзосига ларза тушди.



Фузайлнинг назари унга тушиб, баланд овоз билан деди:

— Кел, қўйган омонатингни олгин!

Ҳайрон бўлиб турган эди. Севиниб, югуриб бориб қўйган еридан тиллосини олиб чиқди.

Қароқчилар дедилар:

— Бизлар қарвондан танга топмадик, бунча қўлга кирган тангани нима учун берибсиз?

Фузайл деди:

— Бу бечора мени кўп яхши киши деб, сизлардан қочиб келиб, ҳамёнини менга омонат топширди. Омонатга хиёнат йўқ, иншооллоҳ. Бунинг баракатидан бизга ҳам тавба насиб қилгай!

Қароқчилар топган-тутган емишларини ейишга тушди. Қарвондан бир киши сўрадиким:

— Сизларнинг улугингиз кимдур?

Дедилар:

— Сув қиргоғида, бир дарахт остида намоз ўқиб ўтирипти.

Деди:

— Ҳозир намоз вақти эмас!

Дедилар:

— Нафл намозин ўқир!

Ўша кимса:

— Сизлар билан таом емайдими? — деб сўради.

— Рўза тутар!

Деди:

— Ҳозир рамазон эмас!

Дедилар:

— Нафл рўзасини тутар.

Ажабланиб, бошлиқнинг олдига бордилар. Кўрдиларки, у хушув ва хузув билан намоз ўқийётган эди. Булар сабр қилди, у намоздан қутулгач, бориб салом бердилар ва дедилар:

— Рўза ва намоз, қароқчилик ва талончилик бир-бирига мос эмас.

Фузайл деди:

— «Қуръон»ни биласанми? Аллоҳ «Қуръон»да буюрубдур:  
«Яна бошқалари ҳам борки, гуноҳларини тан олурлар. Яхши ишни  
бошқаси — ёмонига аралаштириб юборганлар».<sup>1</sup>

У киши жавоб беролмай ҳайрон бўлиб қолди.

\* \* \*

Нақлдурки, бир куни Фузайл бурунги ерида ўтирган эди:

— Вақт келдиким, гафлат уйқусидан кўнглингизни уйготгайсиз!<sup>2</sup>  
оятти каримани эсига келтирди.

Фузайл деди:

— Хаёл қилдимким, бу оят бир ўқ эдики, юрагимга урдилар. Ё  
бу оят менинг шаънимда нозил бўлган.

Ўзимга айтдим:

— Эй Фузайл, қачонгача бузулгайсан ва мусулмонларга озор  
бергайсан. Энди вақт бўлди, бизга қайтгин!

Дарҳол юрагига ўт тушди ва бошини саждага қўйиб, ихлос  
билан тавба қилди. Карвон халқи келдилар ва бир ерга йиғилдилар.

Бир нечаси айтдилар:

— Келинлар, кетайлик!

Бир нечаси айтдилар:

— Фузайл олдимизда, қандай кетамиз?

Фузайл уларнинг сўзлашаётганини эшитиб, бундай деди:

— Эй карвон халқи, сизларга башорат бўлсинки, Фузайл  
бугундан бошлаб ёмон ишлардан тавба қилди.

Карвон халқи бу сўзни эшитиб, хурсанд бўлдилар. Хавотирсиз  
ўз йўлларига равона бўлдилар.

\* \* \*

Нақлдурки, Фузайл ҳамиша йиғлар эди. Аҳоли орасида  
юриб, ўзи хафа қилган кимсаларни хушнуд қилишга тиришар,  
рози-ризолик сўрар эди. Бовард шаҳрида у розилик сўрамаган  
биронта жухуд қолмади. Жухудлар уни масхара қилиш учун:

<sup>1</sup> Тавба сураси, 102-оят.

<sup>2</sup> Ҳадид сураси, 16-оят.

— Эй Фузайл, мана бу тепаликни йўқ қилсанг, биз сендан рози бўламиз, — дейишди.

Фузайл улар кўрсатган баланд тепалик ёнига бориб, уни йўқотиш мақсадида тупроғини таший бошлади. Аллоҳдан кўрқинч сабабидан Фузайл кеча-кундуз тупроқ таширди. Тепаликни йўқ қилишга ожиз келди, шунда Аллоҳ бўрон юборди ва бир лаҳзада баланд тепалик теп-текис бўлди.

Эрталаб жухудлар келиб, ҳайратга тушдилар.

Жухудлар:

— Эй Фузайл, бизларга бирон нарса бермасанг, бизлар рози бўлмасликка қасам ичган эдик. Энди мана бу бўйра остида биз кўйган тиллолар бор. Уларни ўз кўлинг билан бизга чиқариб бер. Шунда бизнинг қасамимиз синмагай, — дейишди.

Фузайл улар айтганини қилиб, бўйра остидан ҳовуч танга чиқариб берди. Жухудлар уни кўриб:

— Эй Фузайл, бизлар энди сендан рози бўлдик. Бизларга имон арз қилгин, — деб барчаси мусулмон бўдилар.

— Эй Фузайл, биз «Таврот»да: «Кимнинг тавбаси қабул бўлса, кўлини тупроққа урса олтин бўлур», — деган гапни кўрганмиз.

Биз бўйра остига қум тўкиб, сенга, олтин кўмганмиз, деб айтган эдик. Сен кўлингни суқиб, қумни олтин қилиб олдинг. Сенинг дининг ҳам, қилган тавбанг ҳам ҳақдир, — дедилар.

\* \* \*

Нақлдурки, бир куни Ҳорун ар-Рашид Фузайл Бармакийга айтди:

— Бу кеча мени бир яхши киши олдига олиб боргинки, менга бирор нарса кўрсатсин. Кўнглим ниҳоятда маҳзун бўлиб турибди.

Фузайл уни олиб Суфён Саврий эшигига келди ва эшикни қоқди. Суфёни Саврий:

— Кимдур? — деб сўради.

Айтдилар:

— Амир ул-муъминин!

Суфён деди:

— Нега менга хабар бермадинглар? Мен ўзим хизматларига борар эдим.

Ҳорун ар-Рашид бу сўзни эшитиб, деди:

— Менинг истаганим бу киши эмас!

Суфён буни эшитиб, деди:

— Сиз истаган Фузайл Аёзди!

Бас, турдилар, у ердан кетиб, Фузайл эшигига бордилар. Эшик ортидан Фузайлнинг ушбу оятни ўқиётганини эшитишди:

«Аллоҳ айтур: «Мен гуноҳкор бандаларни гуноҳсиз бандалар билан баробар қилдимми?!»<sup>1</sup>

Бу оятни эшитиб, Ҳорун деди:

— Бизга бу етар!

Эшик қоқтилар.

Фузайл сўради:

— Кимдур?

Айтдилар:

— Амир ул-мўъминин!

Фузайл деди:

— Амир ул-мўъмининнинг менда нима иши бор? Мен унинг учун нима иш қилиб бера оламан?

Халифа итоат қилиб келганлигини айтишди.

Фузайл деди:

— Нега ташвиш берурсиз?

Ҳорун деди:

— Рухсат бўлса, ичкарига кирсак?

Фузайл деди:

— Рухсат йўқ, фақат ҳукм билан кирасиз!

Ҳорун ар-Рашид ҳукм билан ичкарига кирди. Фузайл халифанинг юзини кўрмаслик учун чироқни ўчирди. Ҳорун ар-Рашид Фузайлнинг қўлини тутди.

Фузайл деди:

— Бу нақадар юмшоқ қўл экан, бу қўл ўтдан<sup>2</sup> қутилса эди.

<sup>1</sup> Жосия сураси, 21-оят.

<sup>2</sup> Дузах ўти маъносида.

Намозга машгул бўлди. Ҳорун ар-Рашиднинг аввалги ҳоли ўзгарди, кўп йиғлади.

Шайх намоздан фориг бўлгач деди:

– Буюклик қиёмат кунда надоматдир!

Ҳорун ар-Рашид деди:

– Насиҳатингни давом эттиргин!

Фузайл деди:

– Абдулазиз халифаликка ўтирди, шунда Солим Абдулазиз ўглини, Каъб ўглини, Муҳаммад ва Рижо ўглини чақирди ва дедиким: Мен бу ишга мубтало бўлдим. Тадбири нимадур?

Шунда бир азиз деди:

– Келгуси қиёмат кун азобидан нажот топишни хоҳласанг, барча оқсоқоларни ўз отангдек, йигитларни биродарларингдек, болаларни ўз фарзандингдек кўргин! Аёлларга онанг каби муомалада бўл! Шундай қилки, отанг, онанг, опанг ва биродарингдек бўлсин!

Айтди:

– Давом эт!

Деди:

– Ислом диёри сенинг хонанг кабидур. Ва халойиқ сенинг аёлингдур.

Деди:

– Лутф қил оталарга, карам қил биродарларга, яхшилик қил фарзандларга!

Охирида деди:

– Менинг кўрқувим шуки, сенинг чиройли юзинг дўзах ўтида ёнмагай!

Халифа деди:

– Насиҳатингни давом эт!

Фузайл деди:

– Энг яхшиси, сен Аллоҳдан кўрқгин, Аллоҳ жавобига ҳушёр бўл! Ва раиятларни сенга фармонбардор ва мутеъ қилди, келгуси қиёмат кунда қилган ишларингни бирма-бир сўрар. То у ҳадгачаким, бир қари аёлга ўз уйида ва ё ўзга ерда заҳмат етса, ундан хабардор бўлмасанг, келгуси қиёмат кунда у аёл сенинг ёқангдан тутиб, Худо даргоҳига олиб борур, сендан шикоят қилур!

Ҳорун ар-Рашид йигидан беҳуш бўлди. Бошқа нарсадан хабари бўлмади. Фузайл Бармакий деди:

– Эй Фузайл, бас қил, амир ул-муъмининни ўлдирдинг!

Фузайл деди:

– Жим бўл, эй Ҳомон! Сен ва сенинг қавминг халифани ўлдирдилар, мен эмас!

Ҳорун бу сўзлардан кўпроқ йигига тушди. Ва Фузайлга деди:

– Сенга биз Ҳомонми?

Фузайл деди:

– Эй Ҳорун ар-Рашид, Фиръавн ҳам сенингдек киши эди. Халифалари ва вазирлари билан ўлдилар. Сен ҳам ўласан, ўлмасдан илгари охират гамин егин!

Бас, халифа нойибларига деди:

– Фузайл бизни Фиръавн қаторида кўрди!

Ҳорун ар-Рашид минг олтин чиқариб Фузайлнинг олдига кўйди ва деди:

– Бу танга отамдан қолган мерос, ҳалолдир. Қабул қилиб олгин!

Фузайл деди:

– Менинг насиҳатларим таъсир қилмабди. Менинг олдимда зулм қила бошладинг, зулмни ўзингга пеша қилибсан!

Халифа деди:

– Қандай зулм қилдим?

Шайх деди:

– Мен сенга нажот тиласам, сен мени балога гирифтор қиялсанми? Мен айтдимки, эгасига бергил, сен ўзга ерга берурсан!

Бас, Фузайл олтинни олиб, четга ташлади. Халифа туриб кетди ва деди:

– Бу киши охират подшоҳидир!

\* \* \*

Нақлдурки, Фузайлнинг тўрт яшар ўғли бор эди. Қулидан ушлаб, бағрига босди.

Ўғилча оғзини отасининг юзига кўйди ва сўради:

– Эй ота, мени сева­сизми?

Фу­зайл деди:

– Сева­ман!

Ўғли деди:

– Бир кўн­гилга ик­ки се­виклик қан­дай си­гади?

Шайх бил­диким, бу сўз Ҳақдан кел­ган ва ўғ­лининг сўзи э­мас. Та­вба қил­ди. Ўғ­лига бўл­ган се­в­гини кўн­гилдан чиқар­ди. Ал­лоҳга си­гин­ди.

\* \* \*

Нақл­дур­ки, бир ку­ни Фу­зайл Аро­фат то­гида кўп но­ла че­киб, зор­ла­ниб йи­гла­ди ва де­ди:

– Ажаб, мун­ча хо­ло­ийқ йи­гил­ган­лар, бар­ча бир­дан ит­ти­фоқ би­лан бо­риб бир ки­ши­дан бир нар­са сў­ра­са­лар, у ни­ма де­б жа­воб бе­ра­ди?

Яна би­ров де­ди:

– Агар мард бўл­са, эши­гидан но­умид қил­ма­гай!

Фу­зайл­га бу сўз ба­ғоят хуш кел­ди ва де­ди:

– Менинг ярат­ган Э­гам карам­ли­лар карам­ли­си­дир. Бу­нча хо­ло­ийқ­ким, йи­ги­либ бу ер­га ке­либ­ди­ми, ҳар би­рининг қан­ча ҳо­жа­ти бўл­са ҳам бар­ча­си­ни ра­во қил­ур, рад қил­мас, ма­ҳ­рум қай­тар­мас!

\* \* \*

Нақл­дур­ки, бир ке­ча Су­фён Са­врий Фу­зайл­нинг ол­ди­га кел­ди. Эрталаб­гача Фу­зайл би­лан ик­кови «Қуръон», ҳа­дис, ри­во­ят­лар, ма­ш­ойих­лар­нинг сўз­ла­ри бо­ра­си­да су­х­бат­ла­шиб чиқ­ди­лар.

Су­фён Са­врий де­ди:

– Бу қан­дай қут­луғ ва му­бо­рак ке­ча бўл­ди­ки, эрталаб­гача Ҳақ сўз­ла­ри би­лан вақ­ти­ми­зни хуш ўт­каз­дик.

Шайх де­ди:

– Бу ке­ча қан­дай ёқим­сиз ке­ча бўл­ди, бе­ху­да сўз­лар би­лан ўт­ди.

Су­фён де­ди:

– Не­га?

Фу­зайл де­ди:

— Шунинг учунким, мен андиша қилдим, нима сўз эсга келса, шуни сўзлашдик. Сенинг фикринг шуки, қайси сўз хуш келса, шуни гапирасан. Баробарида мен ҳам бир сўз дедим, беҳуда гўйлик билан Аллоҳнинг зикридан қолдик. Аллоҳ зикри ёлғизликда яхши бўлади!

\* \* \*

Шайх Фузайл деди:

— Беш нарса бадбахтлик нишонасидир: Аввали, кўнгил қаттиқлиги; иккинчи — кўздан ёш келмаслиги; учинчи — ҳаёсизлик; тўртинчи — дунёга рағбат қилмоқ; бешинчиси — дунё учун узун хаёллар суриш!

\* \* \*

Ва яна деди:

— Ҳар қачонким, банданинг кўнгли ниҳоятда кўрқса, ҳеч тилига сўз келтирмагай, шаҳват ўтини сўндиргай, дунё севгисини қалбидан чиқаргай. Ҳар кимки Аллоҳдан кўрқса, барча нарса ундан кўрқар. Ҳар ким Аллоҳдан кўрқмаса, ҳеч нарса ундан кўрқмас. Ва банда Аллоҳдан қандай кўрқса, унга дунёда ва охиратда шундай манфаат бўлгай!

\* \* \*

— Агар бу дунёнинг ҳаммасини менга берсалар ва айтсаларким, ҳалолдур ва қиёмат кунда ҳисоб йўқдир! Мен уни мурдор нарса каби кўраман!

\* \* \*

— Тамоми ёмонликни йиғиб бир уйга қўйдилар ва барча яхшиликни ҳам йиғиб бир уйга қўйиб, яхшиликнинг калитини дунёни севмасга ва ёмонликнинг калитини дунёни севадиганларга қўйдилар.

\* \* \*

— Бу дунё бир беморхонага, халойиқ эса унинг ичидаги бир девонага ўхшар. Девоналар занжирга тушмагунча, ақлларига келмаслар!



\* \* \*

— Кимгаким дунёни бердилар, охират даражасини юз чандон қийинлаштирдилар. Ва ҳар кимнинг охиратдан тамаси бўлса, дунёни йиғиштирсин ва дунёга асло назар солмасин. Ва ҳар ким юмшоқ кийимга, тотли таомга ўч бўлса, у киши қиёмат кунда юмшоқ кийим, лаззатли таомдан умид этмасун!

\* \* \*

— Ҳамиша очиқ кўнгилик бўлинглар! Чунки, Аллоҳ очиқ кўнгиликларни севар!

\* \* \*

Ва Аллоҳ жами тоғларга ваҳий қилдиким:

— Мен сизлар устингизда Пайгамбарим билан сўзлашаман!

Буни эшитиб, барча тоғлар ажаб ва такаббур қилдилар:

— Мен ҳаммадан баландман, менинг устимда сўзлашур! — деб.

Фақат Тури Сино ожизлик ва шикасталик билан деди:

— Мен жами тоғлардан пастроқман. Бу давлат бизга қаердан муяссар бўлгай?

Шунга қарамай, Аллоҳ унинг бу шикасталигидан Мусо пайгамбар билан унинг устида кўп роз айтишди. Ва ҳар ким ўзини баланд тутса, паст бўлур. Ва паст тутса, баланд бўлур!

\* \* \*

— Бу замонда уч нарса оз бўлади: биринчиси, илмига амал қиладиган олимлар; иккинчиси, ихлос билан амал қиладиганлар; учинчиси, беайб кишилар.

\* \* \*

— Мусулмонни севарман деса, кўнгли билан севмаса, унинг мусулмонликдан насибаси бўлмайди. У кишини мунофиқ дейдилар.

— Ҳар ким бир яхши амал қилиб, мени яхши кўрсинлар, деса, у Аллоҳнинг раҳматидан бенасиб бўлур. Бу иккисини тарк этмоқ ихлосдандур.

\* \* \*

Агар бир киши сендан сўрасаким:

– Аллоҳни севармисан?

Унга жавоб бермагин! Чунки, агар севмайман десанг, кофир бўласан. Ва агар севарман десанг ва унга лойиқ амал қилмасанг, ёлғончи бўласан!

\* \* \*

– Оқил киши шуки, аҳмоқ билан бирга ҳалво ейишдан сақланади.

\* \* \*

– Агар менга хабар келсаким, сенинг дуоинг мустажоб бўлди! Мен у дуони мусулмон подшоҳларга ҳавола қилган бўлардим. Чунки ўзимга ҳавола қилсам, нафсим салоҳи учун бўлгай! Агар мусулмон подшоҳга берсам, у тамоми мусулмонларнинг салоҳияти учун бўлар!

Зероки, «Подшоҳ Аллоҳнинг соясидир» ва халойиқ унинг соясида фароғат топади.

\* \* \*

– Уч нарса кўнгилни ўлдиради: кўп емоқ, кўп ухламоқ ва кўп сўзламоқ. «Қуръон», ҳадис ва машойихларнинг сўзи бўлса, ундоқ эмас!

\* \* \*

– Икки нарса аҳмоқлик нишонасидир: бири ажойиб кўрмайин кулмоқ ва бири хабар сўрамасдан туриб хабар бермоқ!

\* \* \*

Ўттиз йил Фузайл ҳаргиз кулмади. Фақат ўғиллари қолмай, барчаси ўлди, шунда бир табассум қилди.

Сўрадилар:

– Эй Шайх, бунча умрингда ҳаргиз кулмадинг! Бу вақт нега йиғлаш ўрнига хандон бўлурсан?

Деди:

— Кулганимга сабаб шуки, аниқ билдим, энди Аллоҳ мендан рози бўлди. Чунки ўғилларим ўлди.

Ва деди:

— Кимданки Аллоҳ хушнуд бўлса, у кулса ажаб бўлмайди.

\* \* \*

Нақлдурки, Фузайл ибн Аёзнинг ажали яқинлашди. Икки қизи бор эди. Хотинига васият қилдиким, мен ўлсам, икки қизимни Қубайс тоғига олиб боргин ва юзингни осмонга қаратиб, айтгин:

— Бор Худоё, Фузайл банданг менга васият қилди ва дедиким, мен тирик эканимда сенинг омонатингни сақладим, чунким мени дунёдан кетургидек омонатларингни сенга топширди, дегин!

Шундай қилиб, Фузайл ўлиб, уни дафн қилдилар. Хотини васиятга амал қилиб, қизларини Қубайс тоғига олиб борди.

Фузайл айтган нарсани бажо келтирди. Шу ҳолда унга Яман подшоҳи учради. У хотиндан аҳволини сўради. Нима учун келганини билди.

Шунда подшоҳ деди:

— Менинг икки парҳезгар ўғлим бор. Агар рози бўлсанг, икки қизингни икки ўғлимга никоҳлаб берайин!

Хотин рози бўлди. Шу соатда Фузайл ибн Аёзнинг икки қизини икки ўғлига никоҳлаб, олиб кетди.

## ИБРОҲИМ ИБН АДҲАМ

У дунё ва диннинг султони, имон тогининг ҳужжати, илму узлат ганжинаси, давлат саройи хазинаси, буюк иқлимнинг шоҳи, лутфу карам пардаси, диққат-эътиборли, замонасининг сиддиғи, рӯзгор ҳужжати эди. Ва соҳиби давлати номдор, турли муомала, ҳақиқат, мукошифот сирларига ошно, ҳамманинг бирдек мақбули ва маъқули, кўп машойихларни кўрган, имом Абу Ҳанифа Кўфий билан ҳамсуҳбат бўлган. Шайх Жунайд Бағдодий айтар эдики:

– Иброҳим бу «Мафотиҳ ул-улум», яъни тариқат илмларининг калитидир.

\* \* \*

Нақлдурки, бир куни Иброҳим Адҳам имом Аъзам Абу Ҳанифа Кўфийнинг олдига борди. Имом Аъзамнинг олдида жуда кўп ёронлари бор эди, улар Иброҳимни ҳақир кўрдилар.

Шунда Имом дедилар:

– Иброҳим Адҳам бизнинг саййидимиздир!

Улар сўрашдилар:

– Бу саодатни нима билан топди?

Имом дедилар:

– У сабабданким, доим Аллоҳнинг зикри билан машғулдир!

\* \* \*

Унинг аввалги ҳикояти будир: у Балх вилоятининг подшоҳи эди. Унинг подшоҳлигининг дабдабаси шундай эдики, ҳар вақт отланур бўлса, қирқ қалқон олтин олдида, қирқ қалқон олтин сўнгида ятиллашиб борар, унинг салтанати шавкати, улуғлиги, ҳашамати ва иқболи таърифга сизмас эди.

Бир кеча салтанат тахтида ётганида, тун ўртасида туриб, «Аллоҳ!» деди. Шу вақт томда оёқ овозини эшитди.

Ва деди:

– Кимдурсан, бу вақт султон саройининг устида юрибсан?

У деди:

– Туямни йўқотдим, ахтариб юрарман!

Буни эшитиб, Иброҳим Адҳам кулди ва деди:

– Эй нодон, бу ажаб сўздурким, тун ўртасида том устида туяни изларсан?

У деди:

– Эй гофил банда, Аллоҳ таолони олтин тахту атлас кўрпалар ичидан излаганингда, менинг том устида туяни излаганим сенга ажаблироқ туюлдим?

Иброҳим бу сўзларни эшитгач, жонига ўт тушди, бисёр дарду алам билан эрталабгача тафаккурда ўтирди, уйқу кўзидан учди, тонг отди.

Бомдод намозини ўқиб, яна тахтга чиқиб ўтирди. Кўнгли гуссалик ва андишалик бўлди. Аркони давлат, аёни мамлакат, барча беклари келдилар. Ҳар бириси ўз жойларида ўтирдилар. Ва заррин камар, қўллар хизматда, қўлларини қовуштириб, саф тортиб турдилар.

Шу аснода ҳайбатли, Миррих салобат киши эшикдан кириб, тўғри султоннинг ёнига бориб ўтирди. Мунча ҳожиблар ва чўбдорлар, дарбонлардан бирининг ҳадди, заҳраси бўлмадиким: «Сен кимсан, нима қилиб юрибсан, қаердан келиб, қаерга борасан?» дейишга. Барчаларининг тиллари боғланиб, қўллари «шол» бўлиб қолди.

Иброҳим сўради:

– Кимсан? Нима истарсан? Беадабона бу ерга нега келдинг?

У деди:

– Савдогарман, карвонсарой истарман, мол ва юкларимни туширсам!

Иброҳим деди:

– Девонамисан, карвонсарой дерсан, бу Балх шоҳининг арки ва кўриниш хонасидир! Ҳозир барчаси менинг ихтиёримдадур. Адашиб юрибсиз?

У деди:

– Сендан илгари бу олтин сарой кимники эди?

Иброҳим деди:

– Отамники!

У деди:

– Отангдан илгари кимники эди?

Иброҳим деди:

– Бобомники!

У сўради:

– Ундан илгари кимники эди?

Иброҳим деди:

– Бобомнинг отасининг мулки эди!

Шу хилда кўп сўзлар орадан ўтди.

У сўради:

– Аввалги эгалари қаердадур?

Иброҳим деди:

– Улар ўлиб кетдилар.

У деди:

– Ундай бўлса, карвонсарой дегин! Чунки, биров кетар ва биров келар. Тез орада сендан ҳам қолади. Девона ўзингдурсан!

Шу аснода кўздан гойиб бўлди. Бу Хизрнинг (а.с.) ўзи эди.

Бу ҳолни Иброҳим кўргач, ҳоли ўзга бўлди. Ўйлаб қараса, ҳақиқатан барчаси рост эди. Ором ва қарори қолмади.

Кўнглида деди:

– Эй Раббим, бу на ажабдур? Кеча бир кимса ундоқ деди, ва бу мундоқ деди?

Дарҳол буюрди:

– От ҳозирланг менга. Бугун ажаб ҳоллар рўй берди. Кўнглим шикор орзу қилди, овга чиқарман, шояд кўнглим очилгай!

Дарҳол от ҳозирладилар, отга минди, юзини сахрога тутди, кетди. Нима қиларини билмади. Борар экан, аркони давлатларини ҳам ҳар биринг ов қилинг деб, бир тарафга юбориб, улардан жудо бўлиб, ёлғиз борар эди.

Бир ун эшитдиким:

– Уйгон ўлмасдин бурун!

Иброҳим ўзини эшитмаганга солиб борар эди.

Яна овоз келдиким:

– Уйгон ўлимдан илгари!

Яна отини илгари сурди.

Яна бир ун эшиттиким:

– Уйгон ўлмасдин бурун!

Бу гал қўлини дунёдан ювди ва отини илгари сурди. Кўзига бир кийик кўришиб, қасд этдиким, у кийикни овлашга.

Кийик ҳам Аллоҳ фармони билан тилга кириб деди:

– Эй Иброҳим, Аллоҳи т. сени овламоқ учун яратдими ё ўзга ишлар учун?

Иброҳим яна ўйланиб қолди. Бу гал отни ҳайдашга ҳам мажоли қолмади. Кийик ундан юз буриб, қочиб кетди. Кетар экан, от узангисидан бир ун эшитди, бағоят қўрқди, титради.

Яна борар эди, ёқасидан бир ун эшитди. Ҳоли ўзга бўлди. Заифлашди. Шундан сўнг кўзига икки фаришта кўринди. Йиғлай бошлади. Шу даражада йиғладики, оти ва тўни ҳўл бўлди.

Яна борар эди, яна овоз келди:

– Эй Иброҳим, қайтгил ва тавба қил! Бу дунё ўтқинчидир!

Бу гал Иброҳим тавбаи насўҳ қилди ва бир тарафга юз қўйиб бораркан, бир чўпонга йўлиқди. Чўпоннинг бошида юнгдан бўрки, шолдан тўни бор эди. Ундан сўради:

– Эй чўпон, кимнинг чўпонидурсан, бу кимнинг қўйларидур?

Чўпон деди:

– Мен подшоҳимизнинг қулиман ва бу қўйлар ҳам подшоҳникидур.

Иброҳим деди:

– Эй чўпон, бу шол тўнинг ва кийгиз бўркини менга бергин ва менинг атлас тўнимни ва заррин тожимни олгил! Балх подшоҳидурман, сен менинг қулим экансан, сени холисанлиллоҳ озод қилдим ва бу қўйлар меникидур, уларни ҳам сенга бағишладим!

Шол тўнни эғнига кийиб, кийгиз бўркини бошига қўндирди-да, нолон ва гирён борар эди.

Ва у икки фариштаким, мазкур бўлган, улар тамошо қилиб айтар эрдилар:

— Бу қандай салтанат подшоҳлиги бўлди! Иброҳим дунёни тарк этиб, шол кийиб, Аллоҳга юз тутди, дунё тўнини чиқариб, охира тўнини кийди.

Ва дарёдан кечиб, Марв шаҳрига келди. Бир баланд кўприк бор эди. Бир киши у кўприк ўртасига борган эди, боши билан қулади.

Иброҳим у кишига қараб, деди:

— Эй Аллоҳим, уни сақла!

Дарҳол у киши ҳавода муаллақ турди. Сувга келганлар кўрдилар ва арқон ташлаб уни тортиб олдилар. У ерда бўлган халойиқ бу ишга ҳайрон бўлдилар.

— Бу не ажаб покиза кишидур? — дедилар.

Иброҳим ундан ўтиб, Нишопур (Эрон)га келди. Бир хилват ер истадиким, тоат қилиш учун. Бориб бир гор ичига кирди. Тўққиз ой унда ибодат қилди. Ҳозиргача у ерда ушбу гор бор, уни «Иброҳим гори» дерлар.

Пайшанба кунлари бориб бир кўтарим ўтин йиғиб, жума куни Нишопур бозорига элиб сотар эди. Пулига нон олар, ярмини ўзи еб, ярмини дарвешларга садақа қилар эди. Ва жума намозини ўқиб, қолган нонини олиб яна горига қайтиб келар, бир ҳафта давомида рўза тутиб, тоат ва ибодат қилар эди.

Шу тариқада неча вақт у горда ибодатга машғул бўлди.

\* \* \*

Нақлдурки, бир куни қаттиқ совуқ, қор ёғар эди. Иброҳимга гусл вожиб бўлди. Устига муз тўкиб шу соат гусл қилди, эрта тонггача намоз қилди. Аммо совуқ шундай таъсир этдики, ҳалокатга яқин колди. Кўнглига исиниш келди.

Бир эски чопони бор эди, кийди, бадани қизиби, уйқуга борди. Қуёш чиқиб, кун қиздираётганда уйғонди. Қилган ишига пушаймон бўлди.

Ва яна кўрдиким, кийган эски чопони аждарҳо бўлган экан. Кўзлари қонга тўлган, ҳар бир кўзи косага ўхшарди. Иброҳим



билдиким, бу аломатлар иссиқ истагани учун юз берди. Шунда кўп йиғлади.

Аждарҳо Иброҳимнинг йиғлаганини кўриб, ўнгида уч марта юзин ерга суртиб ғойиб бўлди.

\* \* \*

Нақлдорки, одамлар Иброҳимнинг ҳолидан хабардор бўлгач, шайх Абу Саид Иброҳимни кўриш учун горга борди.

Иброҳим:

– Мени ҳеч ким кўрмасин, — деб гордан чиқди.

Юзни биёбонга тутиб, кетди.

Шайх Абу Саид горга келди, кўрдиким, горда Иброҳим йўқ. Аммо гор ичида мушку анбар иси анқирди.

Шайх Абу Саид деди:

– Субҳоналлоҳ! Агар бу горга атайлаб мушку анбар сепсалар ҳам, бунчалар хушбўй бўлмас эди. Илло, Аллоҳнинг хос бандаларининг бўйидурким, горга сингган!

Иброҳимни топмагани учун ичи ўртанди ва қайтди.

Бас, Иброҳим юриб бориб, бир кишига йўлиқди. У «Исми аъзам»ни<sup>1</sup> ўқир эди. Иброҳимга ўргатди. Иброҳим ҳам «Исми аъзам»ни ўқир эдиким, Хизр ҳозир бўлиб, салом берди ва кўришиб, деди:

– У кишиким, сенга «Исми аъзам»ни ўргатди, менинг қариндошим Илёс эди.

Ва икковлари кўп суҳбатлашдилар. Иброҳимнинг биринчи шайхи Хизрдир. Унга кўп турлик насиҳатлар қилди ва ғойиб бўлди. Иброҳим Адҳам биёбон ичида йўл юриб, Зоти ал-Аърақага келди. Кўрдиким, жандапўш дарвешлар, ҳаммаси жон берган, бурун ва қулоқларидан қон оқарди. Иброҳим буларнинг олдига келди. Кўрдиким, бирисида жон асари бор.

Сўрадиким:

– Эй йигит, бу нима ҳол?

Деди:

<sup>1</sup> Аллоҳнинг 99 номи.

– Эй, Адхам ўғли Иброҳим! Сенинг муродингча бўлсун, дунёда сув билан таҳорат қилиб, меҳробда намоз ўқигин! Бундан ўзга нарсани қабул қилмагин! Ва агар келсанг, ва агар йироқ кетарсан, мажбур бўларсан, ўзингни сақлагин – бу йўлда густоҳлик қилмагин!

Ва ҳожиларни кофирлар ўлдирмоқдалар, ва ҳожилар улар билан газот қилурлар.

Билгинким, бизлар бир гуруҳ сўфилар эдик. Аллоҳга таваккул қилдик, Каъба йўлига оёқ қўйдик. Ва барчамиз аҳд қилдикким, Аллоҳдан ўзга сўзни тилга олмасликка. Аллоҳдан ўзгасини хаёлга келтирмасмиз.

Шу тариқа эҳром боғладик, борар эканмиз, бир ерда Пайгамбарни кўрдик, бизларга салом бердилар ва саломларимизга алик олдилар.

Шодмон бўлдик, яна айтдик:

– Бунингдек киши бизга қарши келди, энди ишимиз тамом бўлди. Муродимизга етдик.

Дарҳол бир овоз эшитдик:

– Эй даъвогарлар, вой ёлгончилар! Бизнинг билан аҳдингиз шундайми эди? Мени қўйиб, ўзгага машғул бўлдингизлар! Жонларингизни олмагунча, сизлар билан ярашмоқ ва сулҳ қилмоқ йўқ. Бу йигитларим, кўрарсен, барчаси жон бердилар, – деди.

– Энди, эй Иброҳим ҳиммат қилгилким, мен ҳам йўлдошларимдан қолмай! – деди, дарҳол жонини Ҳаққа таслим қилди.

Бас, Иброҳим буларни кўрди, кашфи ва завқи зиёда бўлди. Ва ўн тўрт йил кеча-кундуз тоат-ибодат билан бўлди ва Маккага етиб келди. Макка аҳли эшитгиларким, Адхам ўғли Иброҳим келаётганини. Барчалари пешвоз бордилар. Иброҳим Адхам карвоннинг олдида борар эди. Ходимлар улуғлардан бурун етиб келдилар.

Иброҳимнинг ўзидан Иброҳимни сўрадиларким:

– Иброҳим қандай кишидур?

Иброҳим деди:

– У бир зиндик (динсиз) кишидур, уни нимага сўраяпсиз?

Шунда ходимларга бу сўз хуш келмади. Иброҳимга бир шапалоқ урдилар. Ва дедилар:

— Ҳарам улуғлари барча унга пешвоз келмоқдаларким, у ҳазратнинг муборак юзини кўргани. Сен унга беадабона сўз айтарсан!

Шу аснода улуғлар ҳам етиб келишиб, ҳаммалари ўзларини отдан ташлаб, Иброҳимни зиёрат қилдилар.

Иброҳим бир неча замон унда зиёратчи бўлди, йўнувчилик қилиб, кун кўрди.

\* \* \*

Нақлдурки, Иброҳим Балх шаҳридан кетган вақтда бир ёш ўғли бор эди. У катта бўлиб, онасидан сўрадиким:

— Отамга нима бўлди? Қарга кетди? Менга айтгин!

Онаси деди:

— Сенинг отанг Балх подшоҳи эди. Овга кетиб, қайтиб келмади. Нима бўлганини билмайдилар.

Бас, ўгли бутун шаҳар аҳлини йигди ва деди:

— Кимнинг ҳаж орзуси бўлса, келсин! Бирга кетамиз!

Тўрт минг киши жам бўлдилар. Ҳаммасига улов ва озуқа берди. Ҳажга равона бўлдилар, шу ният биланки, шояд отасининг дийдорини кўргай! Каъбага келиб, кўрдиларки, ҳарам ичида дарвешлар ўтирарди.

Улардан сўрадиким:

— Адҳам ўгли Иброҳимни биласизларми?

Айтдилар:

— Биламиз. У бизнинг қадрдонимиздир. Ҳозир ўтин тергани кетди, фалон ерда ўтин теради.

Ўғлон туриб, отасини ахтариб кетди. Кўрдиким, Батҳо саҳросида бош очик, оёқ яланг ўтин кўтариб келарди. Отасини кўриб, йиғлай бошлади, аммо ҳеч сўз демади.

Иброҳим ўтинни бозорга келтириб, деди:

— Ҳалол олиб, ҳалол берадиган киши борми?

Бир новвой келиб, ўтинни олиб, баҳосига нон берди. Иброҳим нонни олиб, дўстлари олдига келди. У бола онаси ёнига келиб, кўрганларини бирма-бир баён қилди.

— Үзимни билдирмадим, бирдан қочмасин деб, қўрқдим, — деди. Иброҳим дўстлари билан ўтирганда, уларга деди:

— Бугун бу ерга аёллар ва болалар келадилар. Уларга қараманглар!

Шундай қилиб, эртаси ҳожилар тавоф қилдилар. Иброҳим ҳам дўстлари билан тавофга келди. У бола ҳам отаси қаршисида турди. Иброҳим болага қаттиқ ҳавас билан тез-тез боқар эди.

Дўстлар айтдилар:

— Бу ажаб сирдурким, бизларга насиҳат берурсиз, бола юзига боқма, деб. Ваҳоланки, ўзингиз бу бола юзига нега боқарсиз?

Шунда Иброҳим деди:

— Мен Балхдан кетганда бир сут эмадиган ўғлим бор эди. Бу бола шунга ўхшаркан!

Шундай қилиб, эртаси Иброҳим дўстларидан бир киши Балх карвонининг олдига борди. Кўрдиким, бир яхши ипакдан сарпардалар тутилган чодир ичида бир олий тахт устида чиройли йигит ўтирибди. Олдига мусҳаф қўйиб, ўқиб йиғлар эди.

Бу дарвеш яқин бориб сўрадиким:

— Сен кимсан, қаердан келдинг, кимнинг ўғлисан?

У:

— Балх подшоҳининг ўғли бўламан. Отам мени сут эмадиган вақтимда ташлаб кетган. Отамнинг номи Иброҳим Адҳамдир, — деб зорлик бирла гирён ва нолон бўлиб, кўп йиғлади.

Атрофдаги халойиқлар ҳам унинг йиғлаганига тоқат қилолмадилар, ҳаммалари жигархун йиғладилар, гўё қиёмат ошкор бўлгандек.

Бас, у давреш болани Иброҳим олдига олиб келди. Иброҳим ҳам Рукни Яманий ичида ўтирган эди.

Бола ўз онаси билан Иброҳимни кўрдилар, онаси бирдан фарёд қилиб, деди:

— Эй ўғлим, шоҳликни гадоликка, заррин тўнларни шол тўнга сотган отанг шу кишидур!

Бола илгари бориб, қўлларини қовуштириб салом берди. Иброҳим алик олди. Бола отасининг кўлини тутиб ўпди. Иброҳим ўғлини қучоқлади ва деди:

– Ўғлим, «Қуръон» ўқидингми?

Деди:

– Ўқидим!

Иброҳим:

– Алҳамдулиллоҳ!<sup>1</sup> – деди.

Кетишга азм эттилар. Бола билан онаси зор-зор, у ердаги бор кишилар фарёду фиғон тортиб, барчалари йиғладилар.

Шундан сўнг Иброҳим юзини Ҳаққа қаратиб, деди:

– Эй, Раббим! Фарёдимга етувчи ва ишларини ўнгловчи, менинг фарёдимга ет ва мени булардан халос қилгин!

Шу онда бола онасининг қучоғида жон берди. Дўстлар ҳайратда қолдилар ва тушунишмасдан, бунинг сабабини сўрадилар:

– Эй Иброҳим, бу нима ҳолдур?

Деди:

– Ўғлимни кучдим, Ҳотифдан бир овозни эшитдимким:

– Эй Иброҳим, бизнинг севгимиз даъвосин қиларсан, устимизга яна бировни севасанми? Агар ўглингни севсанг, бизни қўйгин!

Бу сўзни эшитгандан сўнг айтдим:

– Эй табибим ва эй парвардигорим, бола сабаб сенинг муҳаббатингдан маҳрум қолар бўлсам, менинг жонимни олгин ё боламнинг жонини олгин!

Ва боланинг бодаси ажал майидан тўлган экан, дуойим унинг ҳаққида қабул бўлди.

Агар бирор одам бу ишни ажаб кўрса, унга жавоб шуки, Иброҳим пайгамбар ўглини қурбонлик қилди, Аллоҳнинг севгиси учун. Бу ҳам Аллоҳга топширди, ажаб эмас.

\* \* \*

Нақлдорки, Иброҳим айтар:

– Кечаларда фурсат истар эдим, Каъба хилват бўлса, бориб ҳожатимни тилар эдим. Ҳеч муяссар бўлмади, ногоҳ бир кеча хилват қолди. Бордим, ҳожатимни тиладим ва айтдим:

<sup>1</sup> «Аллоҳга ҳамду сано бўлсин!» деган ушбу ибора инсон шукр қилган вақтида айтилади.

— Эй илоҳи, менга азамат — улуғлик ато қил!

Ҳотифдан овоз эшитдим:

— Эй Иброҳим, мендан бир нарса тиладингким, ҳеч кимга бермадим. Агар азамат берадиган бўлсам, гаффорлигимни ким билади? Ва яна ҳеч ким гуноҳ қилмас, менинг қарим ва раҳимлигимни ҳеч ким билмас!

Айтдим:

— Эй Парваригорим, мени ёрлақагин!

Жавоб эшитдимким:

— Эй Иброҳим, ёлғиз ўзингни сўрармисенким, ўзгаларни тиламассен! Менинг раҳматим кўпдир. Агар жами мўминлар учун тиласанг, менинг раҳматимдан зарра камаймас!

Иброҳим буни эшитиб бир оҳ урди ва ўз камчилигини билиб, деди:

— Эй, пинҳон ва ошкорани билган парвардигорим, сен менинг ҳожатимни ўзинг биласан! Менинг камчилигим кўпдур ва менинг камчилигимга боқмасдан иноят қилгил! Илоҳи, мен бир осий бандангман, гуноҳдан пок қилгил! Раҳматингга етилтир!

\* \* \*

Нақлдурки, бир куни Иброҳимдан сўрадилар:

— Сенга нима бўлган эдики, бундай подшоҳликни қўйиб келдинг?

Иброҳим деди:

— Бир куни тахт устида ўтган эдим. Олдимда бир кўзгу бор эди. У кўзгуда ўзимни кўрдим ва манзилимни гўр билдим. У гўрга боқдим, қоронғулик кўрдим. Ёнимда ҳеч йўлдошим йўқ эди. Ва яна гўр ичида узун сафар кўрдим. У сафарда ҳеч сув ва озуқам йўқ. Яна у гўрда бир олим қози кўрдим. Унинг ёнида менда ҳеч хужжат йўқ. Шундан сўнг подшоҳлик менга кўп совуқ кўринди, подшоҳликни тарк қилдим.

Иброҳимдан сўрадилар:

— Хуросондан нега кетдинг?

Деди:

– Бугун халойиқ мени билиб қолдилар. Шундан қочиб, билмас ерга келдим.

Яна сўрадилар:

– Нима учун хотин олмассан?

Деди:

– Ҳеч хотин оч ва яланғоч турадиган ерга борадими?

Дедилар:

– Йўқ!

Иброҳим деди:

– Ўзимни уч талоқ қилдим. Қандай хотин олайн!

Дарвешлар бу сўзларни эшитиб, дедилар:

– Эй Иброҳим, ҳар ким хотин олди, бир тубсиз дарё ичида кемага минди ва фарзанди бўлди ва у дарёга ғарқ бўлди.<sup>1</sup>

\* \* \*

Нақлдурким, Шайх деди:

– Ҳар ким уч ерда кўнглини ҳозир тутмаса, унга раҳмат эшиги очилмагай: аввали, «Қуръон» ўқилган ерда, иккинчи, зикр айтар ерда, учинчи, намоз ўқиётган ерда.

\* \* \*

– Ориф нишони шуки, уйқуси ва тек туриши зикр, боқиши ибрат, одати тоат бўлади! Қиёмат кунида оғир амал шуки, бу дунёда ишларни қилгайсенким, ўзингга оғир келсин!

\* \* \*

– Одам ўгли уч пардани кўнглидан кўтармагунча унга давлат эшиги очилмас:

Биринчиси шуки, бу дунёни бошдан-оёқ унга таслим этсалар, у севинмагай! Агар севар бўлса ҳам унга ҳирс қўймасин! Агар ҳирс қўйса, албатта маҳрум бўлади.

<sup>1</sup> Имом Ғаззолийнинг «Кимиёи саодат» асарида эр киши албатта уйланиши зарур эканлиги айтилади.

Иккинчиси шуки, бу дунёни буткул унга бериб, яна қайтиб олсалар, унга ҳеч қайгу бўлмагай! Қачонким, халойиқнинг кўнглидан бу иш чиқса, у вақтда жами пардалар кўнгиллардан кўтарилгай. Ва Аллоҳга лойиқ бўлади.

Учинчиси шуки, мақтов ва олқишларга учмагай, улардан ҳаволаниб кетмагай! Кимки мақтовларга алданиб қолса, ҳимматининг пастлигидир. Паст ҳимматлик эса ҳақиқий пардадир. Инсон олиҳиммат бўлмоғи даркор!

\* \* \*

Бир шайх бир муридига васият қилиб, деди:

– Тилармусан, валилар мартабасига етишгайсан?

Деди:

– Тиларман!

– Дунёда охиратга рағбат қилмагил ва кўнглингни буткул Аллоҳга қўйгил, ва Аллоҳдан ўзгадан кўнглингни уз! Ҳалол лўқма ихтиёр қилгил! Валийлар мартабасига киши намозу рўза ва ҳаж билан етишмас, балки ўзини бутунлай фоний қилиб, кўнглида заррадек риёдан, кибр ва манманликдан бўлмаса, шунда етишади.

\* \* \*

Иброҳимга айтдилар:

– Фалон ерда бир йигит бор, қаттиқ риёзат ва жазава эгасидур!

Деди:

– Мени у йигитнинг олдига олиб боринглар!

Олиб бордилар.

У йигит деди:

– Менга уч кун кўноқ — меҳмон бўлгил!

Иброҳим Адҳам қабул қилди, уч кун унга меҳмон бўлди. Кўрдиким, бу йигит халқ айтганидан ҳам ортиқроқдур. Кеча-кундуз ибодатдан ҳоли эмасдур, ейиш-ичишдан фориг бўлган.

Иброҳим уни кўриб ғайрати келди ва деди:

– Кошки эди, менинг ишим ҳам мунинг ишидек бўлса эди, бас!

Иброҳим деди:



— Эй йигит, кел иккимиз ҳам эҳтиёт қилайлик. Мен сенга уч кун меҳмон бўлдим. Энди сен менга қирқ кун меҳмон бўлгин!

У йигит деди:

— Ажаб бўлади!

Шундай қилиб, Иброҳим йигитни олиб уйига келди. Қирқ кун меҳмон қилиб, ўз луқмасидан берди. Иброҳимнинг луқмаси ўз касбидан эди, у йигитнинг ейдургон луқмаси эса шубҳалик эди.

Иброҳимнинг луқмасидан еганидан сўнг ҳоли ўзга бўлди. Кун-кундан ишқи ва завқи зиёда ва уйқуси келмас бўлди.

У йигит Иброҳимга деди:

— Сен нима иш қилдингким, мени бу ҳолга солдинг! Ва бу на луқма эдики, менга едирдинг?

Иброҳим деди:

— Сенинг луқманг шубҳалик эди. У риёзат ва машаққатлариким, чекдинг, шайтоний эди. Шайтон феъли билан бўлган риёзатнинг натижаси кўп бўлмас. Бу гал ҳалол луқма билан риёзат чекдинг, шайтон сенга кўрсатган йўлини кўрсата олмади. Ва ишингнинг асли билинди. Энди шуни аниқ билким, киши ҳалол луқма емагунча, Аллоҳга етишмас.

\* \* \*

Нақлдурким, бир куни шайх Шақиқи Балхий Иброҳимни кўрдиким, жуда тез юрар эди.

Деди:

— Кимдан қочиб борарсан, тогдан тогга, даштдан шаҳарга?

Иброҳим деди:

— Шайтондан қочарман, токим унинг макридан омон қолиб, имонимни гўрга саломат элтай!

\* \* \*

Нақлдурки, Иброҳим рамазон кунлари ҳам ўт ўриб, келтириб бозорга сотар эди. Ва нон олиб дарвешларга берар эди. Кечалар тонг отгунча ётмас, намоз ўқир эди.

Сўрадилар:

– Сенга нима сабабдан уйқу келмас?

Деди:

– Шунинг учунким, кўзларим йиглашдан холи бўлмас. Йиглаган кўзга эса уйқу келмас.

\* \* \*

Айтадиларким, ҳар қачонким, Иброҳим намоздан фориғ бўлса, қўлларини юзига суртиб, бир муддат юзига тутиб турар эди. Ундан сўнг юзидан қўлини олар эди.

Сўради:

– Нега бундоқ қиласан?

Иброҳим деди:

– Қўрқарманким, намозимни юзимга ургайлар.

\* \* \*

Иброҳим Адҳам ҳар кеча тўрт юз ракаат намоз ўқир эди. У кеча ҳеч нарса емади, эртаси ҳам қўлига ҳеч нарса кирмади. Кечаси тонг отгунча намоз ўқиб, кундузлари рўза тутар эди. Заифлиги шу даражага етдики, туриб намоз ўқишга ҳам мажоли қолмади.

Дедики:

– Эй Парвардигорим, намоздан қолмасдек менга ризқ берсанг, карамингдан ҳеч кам бўлмагай.

Дарҳол эшикка бир йигит келди ва сўрадики:

– Таомга майлинг борми?

Деди:

– Бордур!

Иброҳимни уйига олиб борди ва унинг юзига боқди, бир наъра уриб йиглади ва деди:

– Мен сенинг сотиб олган қулингман. Ҳар нимаким менда бор бўлса, барчаси сеники.

Иброҳим деди:

– Сен менинг қулим бўлсанг, озод бўлгин!

Ва бир оз луқма таом еди. Кўнглига қўрқув тушди ва аҳд қилдики, Аллоҳдан ўзга махлуқдан нарса тиламасликка.

\* \* \*

Нақлдурки, бир куни Иброҳим уч киши билан йўлдош бўлди. Ва борар экан, кеч бўлди, бир хароб масжидга кирдилар. Эшиги йўқ эди, қаттиқ совуқ бўлди. У кишилар ётдилар. Иброҳим эшикда турди, эрталабгача намоз ўқиб чиқди.

Эрталаб бўлганда, сўрадилар:

— Сен нимага ётмадинг?

Деди:

— Эшик ўрнида турдим, Сизларга совуқ заҳмат қилмасин, деб. Кишилар унинг ишига ажабландилар.

\* \* \*

Нақлдурким, Абдуллоҳ ибн Муборак айтади:

— Иброҳимнинг бир вақт озуқаси тамом бўлди, қирқ кунгача балчиқ билан рўзасини очди.

\* \* \*

Суҳайл ибн Иброҳим деди:

— Иброҳим билан сафарга бордим. Йўлда хаста бўлдим. Ўзимда ҳар нима бор эди, ўзимга едирди. Бир куни кўнглим бир нарсани тилади. Уловини сотиб, менинг тилагимни олиб келтирди.

Сог бўлгач, ундан сўрадим:

— Эшагинг қани?

— Сотдим! — деди.

Айтдим:

— Заифман энди, нимани минаман?

Шундан сўнг уч манзил мени опичлаб олиб борди.

\* \* \*

Атойи Суллабий айтади:

— Бир марта Иброҳимнинг нафақаси тугаб қолди. Ун беш кунгача хурмо емади.

Сўрадимки:

— Эй Иброҳим, Маккада хурмо кўп-ку, нима учун емассан?

Деди:

– Қирқ йилдирки, мен Маккага келиб кетаман. Хурмосини еган эмасман.

Сўрадим:

– Нима сабабдан?

Деди:

– Мабодо бир киши сотиб олган бўлса, шубҳасидан қўрқарман?

\* \* \*

Иброҳим замзам қудугидан сув ичмади.

Сўрадилар:

– Эй Иброҳим, нима учун замзамдан сув ичмассан?

Деди:

– Шунинг учунки, челагини подшоҳнинг пулига олинган деб?

\* \* \*

Нақлдурким, Иброҳим ҳар куни ўтлоғларга борар эди. Ҳар нима қўлига кирса, унга нон олиб дўстларига келтирар эди. Бир куни кечроқ келди. Дўстлари дедилар:

– Иброҳим келмади, бизлар таом ейлик.

Бас, таомни едилар ва ётдилар.

Иброҳим келди, кўрдиким, дўстлари ётганлар. Ўйладиким, оч ётганлар. Эртага рўза тутишига оч бўлмасин деб, таом тайёрлашни ўйлади. Туриб ўт ёқди.

Дўстлари уйғондилар. Кўрдиларки, Иброҳим ўт пуфлаб, кўзлари ёшланган.

Сўрадилар:

– Эй Иброҳим, нима иш қиляпсан?

Деди:

– Сизлар рўза тутишингиз учун таом пиширяпман.

Дўстлари уядилар ва дедилар:

– Бизлар бунинг учун нима қилдик, у эса биз учун нима қилмоқда!

\* \* \*

Иброҳим ҳар ким билан йўлдош бўлса, уч шарт қўйиб, айтар эди:

— Хизмат қилиш, беш вақт намозга азон айтиш мендан, ҳар нима қўлга кирса, бу Сизга бўлади!

\* \* \*

Нақлдорки, бир киши Иброҳимнинг суҳбатида бир замон туриб деди:

— Менда бир айб бор, уни айтсангиз!

Иброҳим деди:

— Мен сенинг айбингни ахтарадиган эмасман. Мен сенга дўстлик кўзи билан боқдим, шунинг учун сенда нимани кўрсам, хуш кўрдим.

\* \* \*

Нақлдорким, бир аёлманд киши бор эди. Ҳеч нарсаси қўлида йўқ эдиким, болаларига нафақа қилса.

Қаттиқ қайғули эдиким:

— Болаларимга бориб нима дейман, қўлим қуруқ бўлса?!

Андиша билан борар эди.

Иброҳимни кўрдик, зиёда фароғатда, қайғусиз ўтирар эди.

У деди:

— Эй Иброҳим, раво бўладими, мен бало, бенаво бўлиб, болаларим уч кундан буён оч, менга мунтазир бўлиб ўтирибдилар ва сен шундай қайғусиз ва гамсиз ўтирибсан?

Иброҳим деди:

— Қанча ҳаж ва савоб қилган бўлсам, сеники бўлсин ва сенинг ҳам бу ҳолинг меники бўлсин!

\* \* \*

Нақлдорки, бир куни Иброҳимдан сўрадиларким:

— Дунёда нима иш қилдинг?

Жавоб берди:

— Дунёни дунё аҳлига бердим, охиратни ҳам истаганларга қўйдим, ўзим эса Ҳақнинг зикрига машғул бўлдим ва Унинг дийдорини истадим.<sup>1</sup>

\* \* \*

Яна бир киши Иброҳимдан сўрадиким:

— Сизнинг ишингиз ва пешангиз нима?

Деди:

— Менинг ишим қулликдир.

\* \* \*

Яна дейишди:

— Сени қаттиқ бахил дейдилар?

У жавоб берди:

— Рост айтишади. Бахиллигим учун Балх подшоҳлигини тарк қилдим!

\* \* \*

Нақлдурким, Шайхдан сўрадиларким:

— Сен қулмисан ё қул эмасму?

Уни титроқ тутди ва иситма кўтарилди. Ўзига келиб бу оятни ўқиди:

«Осмонлар ва Ердаги бор жонзот (қиймат кунда) Раҳмон (ҳузурига) бўйинсунган ҳолда (банда бўлиб) келур».<sup>2</sup>

— Нима учун жавоб бермайсан? — дедилар.

Деди:

— Кўрқдим. Агар қулман десам, қуллик шартини истайдилар, нима деб жавоб бераман? Агар қул эмасман десам, кофир бўламан. Бас, кўрққанимдан икковини ҳам айта билмай гунг бўлиб турдим.

\* \* \*

Яна сўрадиларким:

— Қандай қилиб кун кечирмоқдасан?

<sup>1</sup> Саволни халифа Муътасим Биллоҳ (833–842) сўраган бўлади.

<sup>2</sup> Марям сураси, 93-оят.

Деди:

– Тўртта минадиган уловим бор. Ҳаммаси менга хизмат қилади. Аллоҳ менга неъмат берса, шукр уловини миниб оламан ва олдинга қараб юраман. Агар мендан гуноҳ содир бўлса, тавба уловига минаман ва олдинга қараб ҳаракат қиламан. Агар менда тоат ҳаваси уйғонса, ихлос уловига миниб оламан ва олдинга қараб ҳаракатланаман. Агар менга бало юзланса, бир офатга йўлиқиб қолсам, сабр уловига миниб оламан ва келажак томон қарши бораман.

\* \* \*

Нақлдурким, Иброҳимдан муридлари сўрадилар:

– Одамларнинг кўнгиллари нима учун парда билан тўсилган бўлади?

Жавоб берди:

– Шунинг учунки, Аллоҳ севмас ишни булар севарлар. Ва бу мурдор дунёгаким, фонийдур, машғул бўладилар ва боқий бўлган охиратни севмаслар!

\* \* \*

Нақлдурки, бир киши Иброҳимдан ўғит истади.

Деди:

– Сен боғлиқни очгин, очиқни боғлагин!

У киши деди:

– Бу сўзни англамадим?

Иброҳим деди:

– Боғланган чўнтагингни очгин ва улашгил, яъни саховатли бўлгин. Ва очилган оғзингни ёпгин, яъни беҳуда ва бефойда сўзларни демагин!

\* \* \*

Яна бир киши ўғит истади.

Унга деди:

– Қўлингни очгил, оғзингни ёпгил; ҳаё эшигини очгил, уйқу эшигини ёпгил; тоат эшигини очгил, гафлат эшигини боғлагил!

\* \* \*

Нақлдурким, Иброҳим бир кун ўтирган эди, бир киши олдига келиб, деди:

— Эй Шайх, мен ўз ҳолимни билмасман. Менга ўғит бергил! Уни қулогимда сақлаб, ҳамиша унга амал қилгайман!

Иброҳим деди:

— Агар гуноҳ иш қилсанг, Аллоҳнинг ризқини емагин!

У киши деди:

— Дунёдаги ҳар нимаким бордур, Унингдур, нима ейман?

Деди:

— Буни билсанг, гуноҳ қилмагин! Агар гуноҳ қилсанг, Унинг мулкида турмагин!

Унга бу сўз аввалгидан ҳам мушкулроқ бўлди.

— Тамоми олам Унинг мулкидир, қаерга кетарман?! — деди.

Иброҳим деди:

— Чунким Унинг ризқини еб, мулкида бўларсан ва буйругин тутмас бўлсанг, қандай банда бўларсан? Агар гуноҳ қиларсан, шундоқ ерда қил, Худо кўрмасин!

У киши деди:

— Пинҳон ва ошкоро Аллоҳдан яширин бўлмас, барчасини кўриб туради. Қандай қила оламан?

Деди:

— Аллоҳ барчасини кўриб турадиган бўлса, сенга гуноҳ қилмоқ равоми?

У киши:

— Қила олмасам, нима қилайин? Албатта, раво эмас, — деди.

Иброҳим деди:

— Ҳар қачон Малак ул-мавт<sup>1</sup> жонингни олмоқ истаса ва олдинга келса, сен ундан муҳлат сўрагин, то тавба қилгайсан!

Деди:

— Жон олувчи ҳам кишига муҳлат берадими?!

Иброҳим деди:

— Шуни биларсан, Малак ул-мавт келмасдан аввал нега тавба қилмасан?

<sup>1</sup> Улим фаришгаси — Азроил.



Деди:

– Тавба қилсаму, тавбани сақлай олмасам, нима қилай?

Иброҳим деди:

– Мункар ва Накир гўринга келиб, сендан савол сўрасалар, ҳеч жавоб бермагин, уларни чиқариб юборгин!

Деди:

– Улар баҳайбат, кучли фаришталардурки, жавоб бермасам қўярларми?

Яна Иброҳим деди:

– Бас, у икки фаришта ҳайбатини биларсан, нега уларга жавоб тайёр қилмассан!

Деди:

– Қила олмасам, нима қилайин?

Иброҳим деди:

– Қиёмат куни сени дўзахга жўнатса, бормайман, дегин!

Деди:

– Бормасман, демак билан қўядиларми? Ҳаргиз қўймаслар!

Иброҳим деди:

– Биласанки, дўзахга ташламасдан қўймаслар, сўзингни тингламаслар, нима учун тавба қилиб, дўзахдан қутилмассан ва жаннатга сазовор бўлмассан?

У киши ҳазрат билан бунча сўзлашиб, эшитиб, йиглай-йиглай тавба қилди ва Аллоҳнинг хос бандаларидан бўлди.

\* \* \*

Нақлдурки, бир куни Шайхдан сўрадиларким:

– Дуо қиламиз, дуойимиз қабул бўлмайди. Бунга сабаб нима?

Деди:

– Бунинг сабаби шуки, Аллоҳни биларсиз ва унинг буйругини шарти билан бажо келтирмассиз.

Ва Пайгамбарни биларсиз ва унинг суннатларини жойига келтурмассиз!

«Қуръон» ўқийсиз, маъносига амал қилмассиз!

Ва Аллоҳнинг неъматларини ерсиз ва унинг шукрини қилмассиз!

Ва жаннат борлигини биласиз, ундан умид ҳам этарсиз ва унга лойиқ иш ҳам қилмайсиз!

Ва дўзах борлигини биласиз-у, ундан ҳаргиз қўрқмайсиз!

Ва ўлим ҳақлигини биласиз, унинг тайёргарлигини кўрмассиз!

Ота-онангиз, яхши биродарларингиз, дўсту ёр ва қариндошларингизни элтиб гўрга қўясиз, улардан ҳеч ибрат олмассиз!

Агар бу айтилганларни бажо ва барпо қилар бўлсангиз, дуоларингиз нима учун қабул бўлмасин?!

\* \* \*

Нақлдорки, Иброҳим бир куни ҳаммомга борди, эски кийимларини ечиб ҳаммомчи ёнига қўйди. Ҳаммомчи пул сўради. Иброҳим пул топмади. Ҳаммомчи деди:

– Пулинг бўлмаса, кирмагил, чиқиб кет!

Иброҳим Адҳам ҳаммомчидан бу сўзни эшитганда, жазава ҳолатига тушиб, беҳуш бўлиб йиқилди.

Ўзига келганда сўрадилар:

– Сенга нима ҳол юзландиким, беҳуш бўлдинг?

Деди:

– Бундан ҳам ортиқроқ ҳол кишига юзланадимиким, қўли қуруқларни шайтоннинг уйига киргизмадилар. Раҳмоннинг уйига бўш қўл билан қандай киргайман!

\* \* \*

Нақлдорким, Иброҳим деди:

– Бир кун чўлда қолдим. Уч кун ҳеч нарса топмадимким, рўзамни очишга. Аллоҳга таваккал қилиб борар эдим.

Иблиси лан менга қарши чиқиб деди:

– Эй Иброҳим, султонликни тарк этдинг! Тўпланган нозу неъматларни қўйдинг! Уч кун бўлдики, ейишга нарса топмассан! Бу ҳол билан ҳажга отланмоқдасан. Озуқангни тайёрлаб кет, бўлмаса, заҳматга қолурсан!

Бу сўзни эшитгач, айтдимки:

– Илоҳи, душманнинг ўрнига менга дўстни ҳавола қилгин!

Бас, Ҳотифдан овоз келдиким:

– Эй Иброҳим, хоҳлайсанмиким, шайтондан йироқ бўлгайсен ва шайтон сендан йироқ кетгай! Қўйнингдаги яширган нарсани чиқаргилким, йироқ бўлгайсен!

Иброҳим қўйнидаги яширин нарсани ахтарди, тўрт дона кумуш танга экан.

Деди:

– Муни Кўфа шаҳрида қўйнимга солган эдим, унутибман, деб, биёбонга отдим. Шундан сўнг Иблис мендан йироқ кетди, макридан омон бўлдим.

Шу соат гойибдан менга таом етишди, нафсимни қаноатлантирдим.

\* \* \*

Нақлдуким, Иброҳим деди:

– Бир куни Байт ул-муқаддас масжидига бордим. Кеча бўлди, кўрқдимки, у ернинг ходимлари кечаси одам қўймас эканлар. Яшириниб, бир бўйра остига кирдим. Ярим тунда бир қари киши келди. Меҳробга орқа ўгириб ўтирди, қирқ киши ҳам у билан бирга келган эди. У чол шол кийган эди. Улардан бири пирга дедиким:

– Бу кеча бу ерда бир бегона киши ётибди.

Бу сўзни эшитиб, тоқат қила олмадим.

Турдим, уларнинг суҳбатига бордим ва уларга салом бериб, унга дедим:

– Ажаб тўғри хабар бердинг!

Деди:

– У Аллоҳ ҳаққи учунким, сени ва мени ҳам яратгандир. Фалон куни хурмо сотиб олган эдинг. Ўша хурмолар орасида биттасида шубҳа бор эди. Афсуски, уни единг, емаслигинг керак эди. Шу сабабли уч юз чақирим йўл тилагингдан йироқ кетдинг. Тоат завқини топмадинг. Сабаб ўшадир.

Улардан бу сўзни эшитгач, ўрнимдан туриб, хурмо олган кишимга бориб, ҳалоллик, рози-ризолик тиладим. У киши мендан бу сўзни эшитгач, бир наъра тортди. Дўконини боғлади ва дарвеш бўлди.

\* \* \*

Нақлдурки, Иброҳим бир куни бир маст кишига учради. Кўрдиким, мастлиги голиб бўлиб, қайт қилиб турар эди. Иброҳим унинг оғзини ювдиким:

— Аллоҳнинг муборак отини бу оғзи билан айтган бўлса керак. Уни бундай қолдириш раво эмасдир, — деб.

У маст киши бир муддатдан сўнг ўзига келди. Унга айтдиларким:

— Иброҳим сенинг оғзингни ювди ва сенга кўп ҳурмат қилди.

У бўзахўр дарҳол тавба қилди. Иброҳим Ҳотифдан бир овоз эшитди.

Деди:

— Эй Иброҳим, сен бизнинг учун мастнинг оғзини ювдинг, биз ҳам унинг учун кўнглини ювдик.

\* \* \*

Нақлдурким, бир куни Иброҳим кемага чиқишни истади, кемачи дедиким:

— Бир олтин берсанг, кемага чиқараман. Пул йўқ бўлса кемага кирмагин!

Бу сўзни эшитиб, Иброҳим икки ракаат намоз ўқиди ва деди:

— Эй бор Худоё, кемачи мендан ҳақ сўрамоқда, ўзинг биласан, менда ҳеч нарса йўқ, унга берсам.

Шу ерда бир тўп кум бор эди, дарҳол бутун олтин бўлди.

\* \* \*

Нақлдурки, Иброҳим бир куни дарё қиргоғида ўтириб, хирқасини ямар эди. Игнаси дарёга тушди.

Бир киши Иброҳимни кўриб, деди:

— Эй Иброҳим, подшоҳликни қўйиб, ямоқ тикарсанму? Яхши ҳунар пеша қилибсанки, игнанг ҳам дарёга кетди. Энди нима иш қиларсан? Ва ажаб иш бошладинг?

Иброҳим дарҳол сувга ишорат қилдиким:

— Игнамни тезроқ келтир!

Дарҳол дарё ичида бор жониворлар ҳар бири оғзида олтин игна олиб чиқдилар. Ҳаммалари бошларини сувдан чиқариб, Иброҳимга қараб турдилар.

Иброҳим у жониворларга дедиким:

– Менинг игнам бу игналар эмас, ўз игнамни топиб келтирасиз!

Шунда бир заиф балиқ бошини сувдан чиқариб Иброҳимнинг туширган игнасини берди. Иброҳим у кишига деди:

– Аввалги подшоҳлигим ортиқми ёки бу подшоҳлигим?

У киши Иброҳимнинг бу ишига ҳайрон ва гирёнлар бўлиб, айтган сўзига пушаймон қилиб, узрлар билан оёғига йиқилиб, тавба қилди.

\* \* \*

Нақлдурким, Иброҳим бир куни бир қудуққа етишди. Намоз вақти эди. Таҳорат қилмоқ учун қовгани қудуққа ташлади, токи сув чиқарсун. Қовга тўла олтин чиқди. Иброҳим олтинни тўкиб, яна қовгани ташлади. Тўла жавоҳир чиқди.

Уни ҳам тўкди ва дедиким:

– Менга хазинагни кўрсатармисан, сув керак. Сув бер, таҳорат қилайин.

Бу гал қовга тўла сув чиқди. Таҳорат қилиб, намоз ўқиди.

\* \* \*

Нақлдурким, Иброҳим бир куни бир жамоа дарвешлар билан ўтинга борар эди. Бир ўтинли ерга учрадилар. Иброҳим деди:

– Бу кеча шу ерда қолайлик.

Ҳаммалари қабул қилдилар. Шундай қилиб, ўт ёқдилар. Бир пора қуруқ нон едилар. Иброҳим намозга машғул бўлди.

Бир дарвеш:

– Агар гўшт пиширсак, бўларди, — деди.

Иброҳим намоздан фориг бўлиб деди:

– Аллоҳ сизларга гўшт юборди!

Яна намозга машғул бўлди. Шу соат бир ярадор кийик арслон кўлидан қутилиб, буларнинг олдига келди. Булар тутиб, сўйдилар.

Шайх яна намоздан фориг бўлиб деди:

– Аллоҳ сизларга ҳалол луқма берди, энди унинг шукрини адо қилинглр! Яна намозга машғул бўлди.

\* \* \*

Нақлдурки, Иброҳимнинг вафоти яқинлашди, шунда  
Ҳотифдан бир овоз эшитилдиким:

— Ер юзининг, замину замоннинг амину омони дунёдан кетди!

Барча халойиқ бу овозни эшитиб, ҳайратга тушдилар.

— Бу қандай ажаб овоздур?! — дедилар.

Сунгра эшитиб, фаҳм қилдиларким, Иброҳим ибн Адҳам  
дунёдан ўтган. Ҳаммалари афсус қилдилар.

Аммо Султон Иброҳим Адҳам қабрларининг белгиси йўқдир.  
Бир нечалар Бағдодда дерлар ва баъзилар Шомда дейдилар.

Иброҳим Адҳам Аллоҳнинг хос бандаси эди, Аллоҳга етишди!

## БАШИР ҲОФИЙ

У гайрат майдонининг манзилгоҳи, мушоҳада айвонининг мужоҳиди, ҳидоят коргоҳининг омили, иноят боргоҳининг комили, соф молиги, замона қутби эди. Унинг дунё-ю охиратда улуг мужоҳадаси бор, иши зиёда улуг, қавмининг пешвоси, Фузайлнинг суҳбатини кўруб, усул ва фуруъ ичра беназир бўлган. Марв шаҳрида туғилган ва Бағдод шаҳрида бўлар эди.

Тавбасининг сабаби, бир куни маст бўлиб борарида, йўлда бир парча қоғозни кўрди. У қоғозга «Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳийм» ёзилганди. У қоғозни ўпиб, бошига қўйганча, уйига борди. Қоғозни мушку анбар ва яхши хушбўй нарсалар билан бир покиза ипак матога ўраб, озода ва мусаффо ерга қўйди.

Шу кечаси туш кўрди.

Унга дедилар:

— Эй Башир, бизнинг отимизни ҳурматладинг ва азиз қилдинг. Бас, ўз иззатим ва жалолатим ҳаққи учун мен ҳам сени дунё-ю охиратда ҳурматлик қилурман!

Башир бу хитобни эшитгач, уйқудан уйғонди. Насуҳ тавбасини қилиб, зоҳидлик йўлини тутди. Ва Аллоҳ ишқида шундоқ ҳайрон бўлдиким, оёғига нарса киймади, унинг учун «Ҳофий» дерлар.

«Ҳофий» маъноси яланг оёқ деганидир. Ундан сўрадиларким:

— Оёгингга нима учун нарса киймассан?

Деди:

— Аллоҳ ер юзини менинг тўшагим, деган. Аллоҳнинг тўшагини оёғимга нарса кийиб, қандай босаман?! Оёққа нарса кийиб улуг подшоҳнинг бисотини босмоқ одобдан эмасдир!

\* \* \*

Башир Ҳофий шундай мартабага етдиким, ҳар кимсага боқса, Аллоҳнинг нурини кўрар эди. Ер юзида жой топмадиким, ҳожатга

ўтирадиган ва ё тупук ташлайдиган. Ҳар нарсага боқса, Аллоҳнинг нурини кўрар эди. У кишинингким кўнгли Аллоҳнинг нури билан тўлди, албатта унинг кўзига Аллоҳнинг нуридан ўзга нарса кўринмагай ва оёғини ҳам ҳеч ерга қўя билмагай.

Чунки Пайгамбар Саълаба жанозасига боришда оёқларининг учи билан юрган эдилар. Ва айтар эдилар:

— Кўрқарманким, оёғимни фаришталарнинг устига қўйиб, уларга озор бергайман.

Шунинг учунким, бениҳоят фаришталар тушган эдилар.

\* \* \*

Нақлдурким, имом Аҳмад ибн Ҳанбал унинг олдига келди. Башир уни қаттиқ севар ва кўп эътиқодлари бор эди.

Айтдилар:

— Эй Имом, сен олим кишидурсан. Бу бир девона кишидурким, ҳеч нарса билан иши бўлмас. Оёқ яланг юрар. Сен у кишининг олдига нима учун борасан?

Имом Аҳмади Ҳанбал деди:

— Яхши айтурсан, тамоми илмни ундан яхшироқ биларман. Аммо у Аллоҳни мандан яхши биледи.

Ва Имом унинг ёнига борар эди ва айтар эди:

— Эй Башир, менга Аллоҳдан хабар бергин!

\* \* \*

Нақлдурки, Билоли Хос айтади:

— Мен Бани Исроил қавмининг орасида эдим ва бир киши менинг билан ҳамроҳ кетар эди.

Кўнглимга келдиким:

— Менинг билан борар киши Хизрdir.

Мен айтдим: «У Аллоҳнинг ҳаққи-ҳурмати учунким, икковимизни яратганди, сен кимсан? Тўғрисини айт!»

У деди:

— Мен Хизрман!

Айтдим:



– Имом Шофиъий ҳақида нима дейсан?

Деди:

– У зот қутблардандир!

Яна сўрадим:

– Имом Аҳмади Ҳанбал ҳақида нима дейсан?

Деди:

– У сиддиқлардандир!

Сўрадим:

– Башир Ҳофий ҳақида нима дейсан?

Деди:

– Аллоҳ билан унинг орасига кирмасман!

\* \* \*

Башир Ҳофий деди:

– Аллоҳдан умидим шуки, ҳаром луқмани бўғзимдан асло ўтказмас!

\* \* \*

Бир киши Баширдан сўрадиким:

– Бу мартабага қандай етишдинг?

Деди:

– Оз емоқ ва оз ётмоқ ва оз сўзламоқ билан. Аммо, ҳаммасидан ортиғроғи очликдадир!

\* \* \*

Баширдан бир киши сўрадиким:

– Нимани нонхўрак қилайлик?

Деди:

– Соғликни нонхўрак қилингким, соғликдан тотли нарса бўлмас!

\* \* \*

Нақлдорки, бир гуруҳ сўфилар Башир суҳбатига келдилар. Ва Башир Аллоҳнинг хушнудлигидан сўз айтар эди.

Бир сўфи деди:

— Эй Башир, эшитдимки, сен халойиқдан нарса қабул қилмас экансан. Энди сен ҳақиқатан дунёдан юз ўгирдинг. Шундай бўлса-да, халқ берганини олгинким, халқ орасида ҳурматинг бўлмайди. Халқ кўзидан йироқ тушасан. Ҳар нарсаниким, халқ берар, сен олиб, дарвешларга бергин! Ўзинг таваккул эшигида ўтиргин, қувватингни гайбдан ол!

Бу сўз Баширга огирроқ келиб, бу жавобни бердиким:

— Фақир уч турли бўлади: аввалгиси шуки, кишидан ҳаргиз нарса тамаъ қилмайди. Агар берсалар ҳам қабул қилмайди. Бу қавм руҳонийлардан бўлиб, Аллоҳдан ўзгага эҳтиёжи бўлмагай! Ва ҳар нимаким Аллоҳдан тиласалар, Аллоҳ уларга берур ва ҳожатларини раво қилур.

Иккинчиси шуки, кишидан ҳеч нарса тиламаслар. Агар берсалар, олгайлар. Булар авсат — ўрта даражадагилардир. Таваккулдир.

Учинчиси шуки, собирлар — сабр қилувчилардир. Агар нафслари тақозо қилса, сабр этадилар ва ҳеч нарса емаслар. Нафсларига қаҳр этадилар. Ва орзуларини сабр билан даф қиладилар.

Сўфи бу сўзларни эшитгач, деди:

— Мен сендан рози бўлдим, Аллоҳ ҳам сендан рози бўлсин!

\* \* \*

Нақлдурким, бир куни бир бўлак қавм Баширга келиб дейишди:

— Ҳаж ният қилдик, агар сен ҳам кетар бўлсанг, ҳамроҳ бўлайлик!

Башир деди:

— Қабул қилдим. Аммо сизлар билан уч шартим бор: аввало шуки, ҳеч озуқа кўтариб олмайсизлар; иккинчи, ҳеч кишидан нарса олмайсизлар; учинчи, ҳар кишидан нарса тиланмайсизлар.

Улар дедилар:

— Бу шартларингни бизлар ҳаргиз қила олмасмиз.

Башир деди:

— Ундоқ бўлса, сизлар таваккул аҳлидан эмассизлар. Сизлар билан йўлдош бўла олмасман.

\* \* \*

Нақлдурки, бир куни Башир гӯристон орасидан ўтар эди, гӯристондан гавго уни эшитди. Талашарлар ва баҳс қилар эдилар, бир нарса улашаётгандек. Башир деди:

– Илоҳи, бу нима ҳолдир? Менга билдиргин!

Ҳотифдан овоз эшитдиким:

– Бориб, ўзинг сўрагин!

Башир бориб улардан сўради.

Айтдилар, Аллоҳнинг хосларидан бир киши бизларнинг яқинимиздан ўтар эди. Уч мартаба сураи «Қул хуваллоҳу аҳад» ўқиб, савобини бизларга бағишлади. Уч кундан бери аҳли гӯристон унинг савобини бўлишмоқдамиз. Ҳар биримизга Қоф тоғидек савоблар тегди, ҳануз савоб тугагани йўқ.

\* \* \*

Нақлдурким, Башир айтади:

– Бир кеча Расули ақрамни тушимда кўрдим.

Менга дедилар:

– Эй Башир, биласанми, Аллоҳ сени умматларим орасида нимага улуг қилди? Сен менинг суннатимга эргашдинг, солиҳларга мувофиқ бўлдинг!

Ва мўминларга насиҳат қилдинг, менинг саҳобаларимни, аҳли байтларимни севдинг!

\* \* \*

Нақлдурким, бир кун Башир Ҳофий дўстларига дедиким:

– Ҳар ким дунё ва охиратда азиз бўлмоқни хоҳласа, уч нарсдан сақлансинлар: аввало, махлуқдан нарса тиламасин; иккинчи, ҳеч кишининг гийбатини қилмасин; учинчи, бермаган нарсани олмасин!

Ва яна:

– Ҳар киши шаҳвати билан ўзи орасига девор қурмаса, яъни нафсини ўлдирмаса, у ҳаргиз тоат завқини билмагай!

\* \* \*

— Аллоҳ уч нарсани қаттиқ севади: биринчи, оз молдан сахийлик қилоқ; иккинчи, кўрқоқ кишининг ёнида тўғри сўзламоқ; учинчи, хилват ерда Аллоҳдан кўрқмоқ.

\* \* \*

— Ҳар кимнинг кўнгли қаттиқ бўлса, у ўлимдан кўрқар. Мўмин уки, ўлимдан кўрқмагай. Шунинг учунким, ўлим Аллоҳга етишмоқдир. Дарвеш уки, ўлимдан қочмагай.

\* \* \*

— Тоат қилмасанг, гуноҳ ҳам қилмагин! Ва агар сўзлаб, гуноҳга қоладиган бўлсанг, жим ўтириб, савоб олгин!

\* \* \*

— Агар сенинг дунё тугагунча умринг бўлса, тамоми умрингни саждада кечирсанг ҳануз Аллоҳнинг шукрини адо этиб бўлмассан!

\* \* \*

Нақлдурким, Башир Ҳофийга ўлим вақти келди, ҳоли ўзга бўлди. Ҳар тарафга тўлганар эди.

Дедилар:

— Магар, сен дунёни севар экансан!

Деди:

— Йўқ, Аллоҳ ҳазратига борарман, Унинг ҳайбатидан кўрқарман!

Шу вақтда Баширнинг эшигига бир яланғоч киши келди. Башир дарҳол кўйлагини чиқариб, унга берди.

Шол ичида ўзи азиз жонини Аллоҳга топширди.

\* \* \*

Нақлдурки, Башир Ҳофийнинг ҳаётлик вақтида Бағдод шаҳрида ҳайвонлар тезакламас эди, Шайх яланг оёқ юргани учун. Бир куни бир киши бозор ичида борар эди, ногоҳ оти тезаклади. Отдан тушди, фарёд қила бошлади. Ҳамма ҳайрон бўлиб, дедилар:

– Сенга нима ҳол бўлди?

Деди:

– Башир Ҳофий дунёдан ўтди.

Дедилар:

– Нимадан билдинг?

Деди:

– Шундан билдимки, у ҳазрат тирик вақтида ҳайвонотлар бу шаҳарда тезакламас эди. Бугун отим тезаклади.

Сўрадилар, ўша соатда дунёдан ўтган эканлар.

\* \* \*

Бир азиз тушида кўриб сўради:

– Аллоҳ сен билан қандай муомала қилди?

Башир деди:

– Аллоҳ менга итоб қилди!

Деди:

– Дунёда мунча қўрқар эдинг, менинг карамим буюқлигини билмадинг!

\* \* \*

Яна бир вали тушида кўриб сўрадиким:

– Аллоҳ сенга нима қилди?

Деди:

– Аллоҳ мени ёрлақди ва менга раҳмат қилди. Ва жаннатига киргизди ва деди:

– Егин у нарсаниким, емадинг менинг ризоим учун! Ва кийгил у нарсаниким, киймадинг ризом учун!

\* \* \*

Яна бир дарвеш тушида кўриб, сўрадиким:

– Аллоҳ сенга нима қилди?

Деди:

– Аллоҳ менга жаннатнинг ҳаммасини мубоҳ қилди.

Деди:

– Эй Башир, сенинг бор замонингда ер юзида сендан суюклик бандам йўқ эди.

\* \* \*

Нақлдурким, бир куни имом Аҳмад Ҳанбал хизматига бир аёл келди, сўради:

– Эй мусулмонлар имоми, тунлари мен том устида ўтираман. Халифа кишилари машғалалар билан кезадилар. Унинг равшанлигида чарх йигираман. Менга у иплик ҳалолми?

Имом деди:

– Сен қандай аёлсанким, мenden шундай масалани сўраяпсан, менга айтгин, кимсан, шундан сўнг сенга жавоб бераман?

Аёл деди:

– Башир Ҳофийнинг қариндоши бўларман. Имом буни эшитди, шунда зор-зор йиглади ва деди:

– Бундай зуҳду тақво Башир Ҳофий хонадонидан ўзга ерда бўлмас!

Деди:

– Бу равшанликда чарх йигириш сенга раво эмасдур. Зинҳор-базинҳор сақлангинким, сенинг аҳлинг бу равишни бузмасин ва биродаринг Баширга иқтидо қилгайсан! Ва яна унингдек бўласан!

## ЗУННУНИ МИСРИЙ

У тоат аҳлининг пешвоси, қиёмат аҳлининг шами, саховат далили, маърифат султони, ҳидоят маъдани, фақирлар хужжати, замона қутби, тариқат ақобирларидан, тавҳид сирлари ичида беназир, риёзат ва кароматлари баркамол эди. Миср қавмининг кўпроги уни «зиндиқ» дер эдилар. Ва бир нечалар унинг ишига ҳайратланарди. У вафот этгунча Миср қавми у ҳазратни инкор этдилар. Бунинг учунким, халойиққа ўзини ярамас кўрсатар эди. Шунга қарамай, халқ ичида мардуд ва Аллоҳ ёнида мақбул.

Ўлгунча унинг сирини ҳеч ким билмади. Тавбасининг сабаби бу эдиким, бир куни унга хабар бердилар:

– Фалон ерда бир обид бор.

Зуннун уни кўрмоқни истаб, орзу қилди. Шунда бориб кўрдиким, у обид ўзини бир дарахтга маҳкам боғлаб, айтардиким:

– Эй тан, менга мутеъ бўлгин, тоат қилайин. Бўлмаса, шундай азоб ичида ҳалок қиларман.

Зуннун айтади:

– Ундан бу сўзни эшитиб, раҳмим келиб йиғладим. Ва бу бечорага бу нима ҳолдур, дедим.

Обид менинг овозимни эшитиб, «йиғлаган кимдур?» деди.

Мен илгари бориб салом бердим, аҳволини сўрадим:

– Сенга бу нима ҳолдур?

Деди:

– Бу тан менга бўйсунмас. Мен Холиққа тортсам, у халққа тортади.

Зуннун айтди:

– Мен гумон қилдимким, мусулмонлар қонини ноҳақ тўкибсан!  
Ва ё бир қаттиқ гуноҳ қилгансан, деб хаёлимга келган эди. Лекин сен қаттиқ зоҳид экансан!

Шунда у деди:

– Агар мендан зоҳидроқни истарсан, у тоғ бошига чиққин, кўрасан.

Дарҳол турдим, тоққа бордим. Бир ибодатгоҳ ичида бир йигитни кўрдимким, эшикда ўтирган эди. Бир оёғи ичкарида ва бир оёғи ташқарида. Аммо ташқаридаги оёғини кесиб ташлаган. Қурт, қушлар у кесик оёғини ер эдилар, ўзи ёнида боқиб ўтирибди. Илгари бориб унга салом бердим, у алик олди.

Мен дедим:

– Бу нима ҳолдир?

У деди:

– Бир хушсурат аёл ибодатгоҳ олдидан ўтиб борар эди. Кўнглим унга кетди. Ва нафсим тақозоси қилдиким, унинг ортидан борсам. Шу хаёл билан ўрнимдан туриб, бир оёғимни ибодатгоҳдан ташқарига кўйган эдим, Ҳотифдан бир овоз эшитдимким:

– Уялмассанми, ўттиз йил тоат қилиб, энди бир хотин ортидан тушиб, зинони қасд этарсан ва барча қилган тоатларингни куйдиурсан.

Ҳотифдан бу сўзни эшитишим билан гуноҳ иш қилиш учун ташқарига чиққан оёғимни кесдим ва четга ташладим. Энди бир оёқим билан бу ерда ўтирибман. Билмасман, Аллоҳ бу гуноҳим учун нима қилади?

Уни эшитиб: «Офарин, бундай зоҳидлик бундан илгари ҳеч ерда бўлмаган!» дедим.

Деди:

– Агар хоҳласангким, Аллоҳнинг хос қулини кўришни, бу тоғнинг бошига чиққин!

У тоққа борар эдим, йўли кўп қаттиқ экан, кўп машаққатлар чекдим, ҳайрон бўлиб турганимда, бир киши учради. Мен ундан у зоҳиднинг аҳволини сўрадим.

Деди:

– У гор ичида бир зоҳид бор, ҳамиша тоатга машғулдир. Бир киши бир куни уни кўрмакка борган эди. Унинг билан суҳбатлашди.

Сўнгида деди:



— Сени бу тариқада ўтиришининг сабаби шуким, халқ ичида иззатинг ва ҳурматинг ортишига, сенга кўп дунёлар бериши учундир!

У обид ундан бу сўзни эшитди, шунда оғт ичтиким, «Умримда ҳеч нарса емагайман ва ҳеч нарса халойиқдан олмагайман!» деб.

Энди унинг атрофида арилар борким, келиб оғзига бол тўкар эдилар. Ҳоли шундай, ўзга ҳолини сўраб нима қиласан?

Зуннун бориб, унинг ҳолини кўриб чиққач, ичига бир ўт тушди, ҳоли ўзга бўлди. Аллоҳга таваккал ва эътиқод билан тавба қилиб, фикр ва андиша билан қайтиб келар эди. Кўрдиким, бир қуш бир дарахт бутоғида ўтирибди. Икки кўзи кўр.

Зуннуннинг хотирига келдиким:

— Бу бечора қуш кўзи йўқ, нима ейди ва нима ичар экан?

Дарҳол у қуш учди, дарахтдан ерга тушди. Тумшуғи билан ерни қазиди, бир олтин кўза чиқди. Тўла гул суви эди. У қуш сувдан ичди, кейин кўза ғойиб бўлди.

Зуннун бу ҳолни кўргач, дунёни буткул тарк қилди. Завқи ва шавқи зиёда бўлиб, Аллоҳга таваккал қилди.

Сўнг бир манзилда кеча ичида бир вайронага етишди. Бир неча дарвешлар у ерда бор эдилар. У кеча шу ерда ётдилар. Зуннун бир хум топди, ичи тўла лаъл ва жавоҳир. У хумнинг оғзида бир тахта бор, тахтага Аллоҳ оти ёзилган эди. Дарвешлар олтин ва жавоҳирларни улашдилар. Зуннунга ҳам ҳисса берадиган бўлдилар.

Зуннун деди:

— Эй ёронлар, олтин ва жавоҳир сизларники бўлсин. Ушбу тахтани менга беринглар, менга кераги шудир.

Тахтани бердилар. Зуннун олди, оқшомгача у тахтани ўпди ва боши устига қўйди. У кеча ўша ерда ётдилар.

Зуннун туш кўрди.

Айтдиларким:

— Эй Зуннун, дўстларинг олтин ва жавоҳирларни, сен менинг отимни ҳурматлаб, азиз тутдинг. Ва эъвозладинг, энди мен ҳам сени дунё ва охиратда азиз қилайин, — деди.

Шу ҳолда Зуннун уйғонди, шунда кўнгли нур билан тўлган эди. Яна Миср шаҳрига келди.

\* \* \*

Нақлдурким, бир куни Зуннун борар эди, бир сувга учради. Таҳорат қилишга машғул бўлди. Шу вақт кўзига бир кўшк кўринди.

Зуннун айтди:

— У кўшкка боқдим, ногоҳ кўзимга бир кўркли аёл кўринди.

Мен дедим:

— Эй соҳибжамол, кимнинг хотинисан?

У деди:

— Мен сени йироқдан кўриб, девона, яқиндан кўриб, олим деб ўйладим. Ва бундан ҳам яқинроқ келдинг, сени ориф, дедим.

Мен дедим:

— Нега бундай деяпсан?

Деди:

— Агар девона бўлмасанг, таҳоратсиз оёгингни ерга қўймас эдинг! Ва агар олим бўлсанг, номаҳрам юзига ҳаргиз боқмас эдинг. Ва агар ориф бўлсанг, Аллоҳдан ўзга нарсага эътибор бермасдинг!

Бу сўзларни айтди, кўздан ғойиб бўлди. Шундан сўнг менинг ичимга бир ўт тушдиким, нима қиларимни билмадим. Билдимким, у кўринган аёл одамзод эмас, балки Аллоҳ менинг беодоблигимни юзимга зоҳир қилди.

Кўп фикрлар билан туриб дарё қиргоғига келдим. Кўрдимким, бир бўлак жамоа савдогарларданким, кемага чиқардилар. Мен ҳам бирга чиқдим.

Бир замондан сўнг бир кишининг бир гавҳари йўқолди. Ахтардилар, топмадилар. Ҳаммалари иттифоқ бўлиб:

— Зуннун олгандур, — дедилар. Ва мени тутиб, кўплар изза ва хорлиқ бердилар. Кўп заҳматлар чекканимдан сўнг дарёга қараб:

— Бу бечоранинг гавҳарини топиб бергин! — дедим.

Дарҳол дарё ичидаги балиқларнинг ҳар бири оғзига бир гавҳар олиб, бошларини сувдан чиқариб, Зуннунга қараб турди.

— Мен қўлимни чўзиб, бир гавҳарни олиб, у савдогарга бердим. Кема аҳли бу ҳолни кўриб, ҳаммалари оёғимга тушуб узр сўрадилар.

Шу сабабдан у ҳазратга «Зуннун» дейилади. «Зуннун» демак, бу «балиқлар эгаси» деганидир. Ва унинг каромати шу ерда машҳур бўлди, ўзга кароматлари ҳам кўпдир.

\* \* \*

Айтадиларки, Зуннуннинг бир қиз қариндоши бор эди. У Зуннун суҳбатида улуғ орифа бўлди.

Бир куни Зуннун бу оятни ўқиб ўтирган эди:

«Шунингдек, устингизга булутларни соябон қилдик, самовий ноз-неъматлар ва (пиширилган) беданалар нозил этиб, «Сизларга ризқ сифатида берилган пок нарсаларни енглар» (дедик)».<sup>1</sup>

Қиз қариндоши бу оятни эшитди, шунда дуо қилди ва деди:

– Подшоҳо, Парвардигоро, Бани Исроил қавмига «Ал-манн ва-с-салва» («Самовий ноз-неъматлар») ёғдирдинг, Муҳаммад умматига ёғдурмасмисен?! Ўз иззатинг ва жалолинг ҳаққи-ҳурмати ўтирмагайман, то ёғдурмагунча!

Дарҳол юқоридан самовий ноз-неъматлар ёға бошлади. Ва шайх бунга боқмади, ташқари чиқди, сахрога кетди.

\* \* \*

Нақлдурким, шайх Зуннун айтади, бир куни Шом тоғларида кезар эдим. Бир гуруҳ мубтало қавми кўрдим. Баъзи кўзсиз, баъзи кўлсиз ва баъзи оёқсиз, бир-бирига суяниб турардилар. Мен айтдим:

– Нима учун бу ерда турибсизлар?

Дедилар:

– Бу ерда бир гор, унинг ичида бир обид бордур. Ҳар йилда бир мартаба гордан чиқади. Бу мубталоларга дуо қилса, барчалари соғайиб кетади. Унинг нафаси баракатидан ҳар турлик ҳожатманднинг ҳожати раво бўлади. Бу йил ҳануз чиқмади.

Зуннун айтади:

– Бу сўзни эшитдим, шунда сабрим қолмади, мунтазир бўлдим. Бир соатдан сўнг кўрдимким, бир йигит гордан чиқди. Бадани саргайган, тани озган, кўзлари чуқур, бир кўзлари учи билан у мубталоларга боқди, юзини кўкка тутди. Барча мубталолар соғайдилар, турдилар.

Йигит яна горга кирмоқчи бўлди, этагига ёпишдим ва дедим:

– Аллоҳ ҳаққи, ошкор ранжларни кифоят қилдинг, энди менинг махфий ранжларимга ҳам муолажа қилгин!

<sup>1</sup> Бақара сураси, 57-оят.

У ҳазрат:

— Эй Зуннун, кўлингни этагимдан ол! Аллоҳ сени кўрарким, менинг этагимни тутубсан ва ундан кечгансан! Энди мени дединг! Энди сени ва мени, иккимизни ҳам ҳалок этар! — деди ва гойиб бўлди.

\* \* \*

Нақлдурким, бир неча дўстлари Зуннуннинг ёнига келдилар. Кўрдиларким, у йиглаб ўтирибди.

Сўрадилар:

— Нимага йиғлаяпсан?

Деди:

— Бу кеча Аллоҳни тушимда кўрдим.

Менга деди:

— Эй Зуннун, халойиқни ўн бўлак яратдим. Дунёни буларга арз қилдим, тўққиз бўлаги жаннатни қабул қилиб, жаннатда қолдилар. Бир бўлаги қайтиб келдилар. Бу бўлакни яна ўн бўлак қилдим. Буларга яна дунёни арз қилдим. Тўққиз бўлаги дунёда қолдилар, бир бўлаги қайтиб келдилар. Буларга дўзахни арз қилдим. Булар на жаннатни, на дўзахни ва на дунёни қабул қилдилар. Бироқ, дўзахдан кўп кўрқдилар.

Ва мен дедим:

— Эй кулларим, сизларга нима керак?

Дедилар:

— Сен биласан, бизларнинг тилагимиз сенинг розилигинг!

— Энди мен кўрқарманким, қайси бўлақдан бўлар эканман?

Шунинг учун йиғларман! — деди.

\* \* \*

Нақлдурким, бир куни Зуннуннинг олдига бир ўғлон келди ва деди:

— Менинг отамдан қолган юз минг танга мерос пулим бор. Хоҳлайманки, борини дарвешларга улаштиргайман!

Шайх деди:

— Балоғатга етганмисан?

Ўғлон деди:

– Йўқ!

Шайх деди:

– Ҳали сенга раво эмасдур, сабр қилгин!

Ўғлон бир неча йилдан сўнг келди ва тавба қилди ва тамом молини дарвешларга садақа қилиб улаштирди. Дарвешлар уни едилар. Ва яна оч қолдилар.

Ўғлон деди:

– Во дариг, агар яна пулим бўлса эди, дарвешларга берган бўлардим.

Шайх бу сўзни эшитди, билдиким:

– Ҳануз ўғлон кўнглида дунёга севги бор.

Уч ақча бериб, деди:

– Фалон атторга бориб, бу ақчаларни бергин, фалон ўтни келтир!

Борди, у ўтни келтирди.

Шайх деди:

– Ҳованчага солгин ва янчгин! Бироз ёғ қўшиб, қовуриб, хамир қилгин. Ундан сўнг, у хамирдан майда-майда мунчоқ қилгин ва игна бирла тешиб, менинг ёнимга келтиргин!

Ўғлон шайх буюрганидек қилиб, уч мунчоқ қилди ва шайх хизматига келтирди. Шайх мунчоқларни қўлига олиб силади, мунчоқлар ёқут бўлдиким, таърифга рост келмас.

Ўғлонга буюрдиким:

– Буни бозорга элтиб сотгин!

Ўғлон мунчоқларни бозорга чиқарди ва уларни жавоҳирфурушлар кўриб, ҳар бирига юз минг олтин баҳо қўйди.

Ўғлон мунчоқларни яна шайхнинг хизматига олиб келиб, дедиким:

– Ҳар бирини юз минг олтинга тиладилар, берайму?

Шайх ёқутларни ўғлоннинг қўлидан олди, яна ҳованчага солиб тўйди ва шамолга учуриб, деди:

– Эй ўғлон, бу дарвешларнинг ризқини Аллоҳ беради. Сен уларнинг қайғусини емагин!

Ўғлон бу кароматни кўриб, буткул дунёнинг муҳаббатини кўнглидан чиқарди. Хослардан бўлди:

\* \* \*

Нақлдорким, Шайх айтади:

— Ўттиз йилдорким, халқни даъват қиларман. Бир киши келди, ёнимда ўтирди. У кеча менга меҳмон бўлди. Султоннинг ўғли чироқ билан ўтар эди. Мен бу сўзни айтар эдим:

— Мискин одам ўғлонлари заиф бўлади, Аллоҳ эса кучлидир! Султоннинг ўғли келиб, бу кишини кўрди, ранги ўзгариб, беҳуш бўлиб йиқилди. Эртаси яна келди ва сўрадиким:

— Аллоҳга элтадиган йўл қайсидир?

Мен айтдим:

— Йўл иккидир. Бириси кичик, биттаси катта йўлдир. Қайсинисини сўраяпсан? Агар кичик йўлни истар бўлсанг, дунёни тарк қил! Агар катта йўлни истар бўлсанг, Аллоҳдан ўзгани тарк қилгин!

Султоннинг ўғли:

— Валлоҳ, мен улуг йўлни қабул қилдим! — деди ва кетди. Эртаси яна келди. Шол тўн кийди. Шайхнинг қўлини олиб, ўпди ва тавба қилди. Шайхнинг ёнидаги меҳмон ҳам тавба қилди. Иккиси дунёни тарк қилди ва дарвеш бўдилар.

Абу Жаъфар айтади, бир куни Зуннуннинг хизматига бордим. Барча дўстлари ҳозир бўлиб, тоғнинг устида ўтирган эдилар.

Деди:

— Агар бу тоғ Аллоҳни севса, ҳаракатга келсин!

Дарҳол бу тоғ юқорига ҳаракат қила бошлади. Бир киши бунни кўриб, жон таслим қилди.

\* \* \*

Нақлдорки, бир йигит сўфиларни инкор қилар эди. Бир куни Зуннун узугини чиқариб у йигитга бериб, деди:

— Бунни гаровга қўйиб, новвойдан нон олгин!

У новвойга олиб борди, новвой бир ақчага ҳам олмади, нон ҳам бермади. Ундан жавоҳирфурушга борди. Жавоҳирфуруш минг тиллага сўради.

Яна у Зуннунга олиб келди.

Деди:

– Новвой бир нонга ҳам олмади, аммо жавоҳирфуруш минг тиллага сўради.

Зуннун деди:

– Новвой узукнинг қадрини қандай билади, сен ҳам сўфиларнинг қадрини шу қадар билдинг!

У йигит дарҳол тавба қилди. Шундан сўнг бу йигит сўфиларга мухлис ва эътиқодли бўлди.

\* \* \*

Нақлдурким, Зуннун ўн йил қатиқли ош орзу қилди. Уни нафсига бермади.

Бир кун байрам бўлди, нафси деди:

– Нима бўларди, менга байрамлик учун қатиқлик ош олиб берсанг!

Шайх деди:

– Эй нафс, хоҳласанг, сенга байрамлик олиб бераман. Бу кеча менга ҳамдам бўл! Мен икки ракаат намоз ичида етти марта Қуръонни хатм қилай.

Нафси унга рози бўлди. У кеча икки ракаат намоз ичида етти марта Қуръонни хатм қилди.

Эрталаб бўлди, бир киши унга бир лаган қатиқли ош келтирди. Шайх ундан бир лўқма кўтариб олдиким, оғзига солгай. Яна қўйди. Турди, намозга машғул бўлди. Бу киши сабр этди, то намоздан фориг бўлди.

Сўрадиким:

– Эй Шайх, нима учун емадинг?

Деди:

– У ошни кўрдим, нафсим деди: «Ўн йилги муродимга етдим!» Аллоҳ ҳаққи учун сенинг муродингни бермасман!

Бу сўз тугамасдан бир киши ичкарига кирди, бир лаган қатиқли ош келтирди.

Шайхнинг олдига қўйди ва деди:

— Ҳазрат Пайгамбар сенга салом юборди. Саломдин сўнг дедилар: «Бугун бир соат нафси билан сулҳ этсун ва бу таомдан бир нима есин!»

Шайх:

— У ҳазратни қачон кўрдинг? — деб сўради.

Деди:

— Бу кеча тушимда кўрдим.

Айтдилар:

— Агар истасангким, қиёмат куни сенга шафоат қиламан, ўғлонларинг учун пиширган ошингни кўтариб Зуннунга элтгин ва айтгилким: «Пайгамбар сенга салом қилди ва айтдиларки, бир соат нафси бирла сулҳ қилсун!»

Шайх бу сўзни эшитгач, йиғлади ва Расулуллоҳ айтганига итоат қиламиз, деб таомдан еб, завқ олди.

\* \* \*

Нақлдорким, Миср қавми Зуннунни «зиндиқ» дер эди. Барчаси иттифоқ бўлиб бориб, подшоҳга билдирдилар. Подшоҳ Зуннунни тутиб, оёғига занжир солди ва зиндонга буюрди. Қирқ кун зиндон ичида бўлди. Башир Ҳофийнинг қиз қариндоши ҳар кунда иплик сотиб, нон келтуруб, Зуннунга бир нон юборар эди. Зуннунни зиндондан чиқардилар, кўрдиларки, қирқ нон бўлди.

Қиз қариндоши нонларни санаб, деди:

— Эй Зуннун, бу нонларни мен сенга юборган эдим. Барчасини иплик сотиб олдим, шубҳасиз эди. Нега емадинг!

Деди:

— Зиндонбонларнинг қўли тегди, шунинг учун емадим!

Зуннунни халифага элтдилар. Ҳар нимаким, айтган эдилар, барчаси бу кишига бўҳтон эди. Халифа Зуннунга кўп ҳурматлар кўрсатди ва айтди:

— Маъзур тутгин!

Шайх деди:

— Эй, халифа, мен жавонмардликни бир сувчидан ва мусулмончиликни бир кампирдан ўргандим.



Халифа деди:

— Қандай қилиб?

Деди:

— Ясовулар тутиб, мени келтирди. Сенинг саройингга яқин келдим, нойиб ва бекларни кўриб, сенинг сиёсат қилишингни билдим. Бир кампир менга деди:

— Кўрқмагин, булар ҳам сенингдек бир одамдир. Аллоҳ сенинг билан биргадир!

У кампирдан бу сўзларни эшитган эдим, шунда ишончим зиёда бўлди. Яна бир сувчидан сўрадим:

— Менга сув бергил!

Унга бир олтин бердим. У олтинни олиб, дарҳол бир мискинга берди ва менга сув берди.

\* \* \*

Нақлдурки, Зуннун айтади:

— Бир куни бир аёлни кўрдимким, дўстлик даъвосини қилар эди. Ундан сўрадимким:

— Муҳаббат нимадур?

Айтди:

— Дўстликнинг гояти бўлмас!

Бир куни Шайх хаста бўлди. Дўстлари кўргани келдилар. У аёл ҳам келди.

Деди:

— Эй Шайх, қайгурмагинким, сенга ранж дўстингдан келди!

Икки мартаба Шайхни у аёл хижил қилди.

\* \* \*

Нақлдурким, Шайх айтади:

— Бир куни саҳрога чиқдим. Қиш кунлари, қор ёғар эди. Бир қари оташпарасти кўрдим, этагида тариқ сочиб юрарди.

Мен дедим:

— Совуқда бу доналарни нега сочарсан?

У деди:

— Бу доналарни шунинг учун сочарманки, то қушлар егайлар ва улар туфайли Аллоҳ мени раҳмат қилгай!

Мен дедим:

— Бу доналарким, бегона қўлидан тушар, уни Аллоҳ қабул этарму?

Деди:

— Қабул қилмаса ҳам мен сочганимни зое қилмас!

Шайх деди:

— Бу сўз менга басдир!

Қайтиб ўз жойига келди.

Шайх айтади:

— У йили ҳажга бордим. Яна у оташпарасти кўрдим, тавоф қилар эди. Аллоҳга қайтиб, ошиқ ва ҳайрон бўлган эди.

У ҳам мени кўриб, деди:

— Худой таборак ва таоло менинг бир ҳовуч таригимни қабул қилиб, менга имон ато қилди.

Зуннун тафаккурга шўнгиди. Шунда Ҳотифдан овоз эшитдиким:

— Эй Зуннун, биз чорлаганимизни иллат билан чорлармиз, қувлаганимизни ҳам иллат билан қувлармиз. Фориг бўлгимки, иш «хоҳлаган нарсасини тўла бажарувчи» қўлидадир. Сенинг ақлинг қиёсига етмайди!

\* \* \*

Нақлдурким, ҳар вақт Шайх намозга турса:

— Бори Худоё, қайси оёқ билан қаршингда тургайман, қайси кўз билан сендан ўзгаларга боқгайман, қайси тил билан отингни эслайман? Илоҳи, сармоясизликдан сенинг даргоҳингга сармоя истаб келдим, сенинг даргоҳингни улуғ даргоҳ, деб келдим. Иш зарурат бўлди, сув бошдан ошди. Уятни орадан кўтардим, кўп гуноҳ билан даргоҳингга келдим, — деб зор-зор йиғлар, намоз ўқир ва муножот қилиб айтар эди:

— Бор Худоё, мени узрхоҳлик пардаси билан азобламагин! Маърифат аҳлига йўлимни тўсмагин!

У айтади:

— Тан соғлиги оз емоқдандир, жон соғлиги оз гуноҳдандир. Аллоҳдан кўркуви бўлмаган бандаларга Аллоҳ газабини йўллайди. Ва мўминларнинг фасоди — бузилиши олти нарсададир: аввало, охират ишларига ният заифлиги; иккинчи, нафсидан паст келмоқ; учинчи, андишаси узун бўлмоқ; тўртинчи, Холиқ ризосини қўйиб, халқ ризосини истамоқ; бешинчи, ҳазрати Расули ақрам (с.а.в.) нинг суннатларини қўйиб, бидъат ишларга ва ҳавойи нафсга эргашмоқ; олтинчи, гуноҳларни оз ва кам билиб хорламоқдир!

Ва айтади:

— Дўстликни бир киши билан қилгинким, ҳеч айриладиган бўлмасун, сенинг айрилишинга ҳам қарамай! Агар суҳбат аҳли бўлишни хоҳласанг, дўстларинг билан худди Абу Бакр Сиддиқ билан Пайғамбар ораларидаги якдиллик каби иттифоқда бўл!

— Аллоҳ севганининг нишони шуки, Пайғамбарга хулқда, феълда мувофиқ бўлди, сен ҳам унга мувофиқ бўлгайсан! Ҳақимларнинг жоҳили шуки, хасталарга муолажа қилур, мастлик ҳолида! Яъни, ҳар ким дунё севгисига маст бўлса, унга насихат фойда этмас. Аммо мастлигидан айрилган вақтда сўз таъсир қилади.

— Аллоҳ бандани азизлик билан азиз этмас, хорлик билан азиз этади!

— Бандани Холиққа етказадиган сидқ ва хилватдур! Ҳар ким хилватда Аллоҳни истаса топгай!

— Ҳар нарсанинг бир офати бордур. Муҳаббатнинг офати зикрдан холи бўлмоқдир!

\* \* \*

— Ва ориф удурким, унда Ҳақнинг нишони бўлгай! Ҳар лаҳзада кўрқуви ортгай ва имони зиёда бўлгай! Орифнинг одоби барча адаблардан пок бўлиши керак!

\* \* \*

— Маърифат уч турли бўлади: биринчи, тавҳидни билмоқдир. Бу мўминларнинг феълидир; иккинчи, ваҳдоният сифатини билмоқдир. Бу валиларнинг одатидир; учинчи, ҳужжат баёнини билмоқдир. Бу олимларнинг ишидир.

\* \* \*

— Ориф улдурким, илмсиз, айбсиз, мушоҳадасиз, сифатсиз ва кашфсиз Аллоҳни билгай! Аллоҳ орифлар сифатини ҳазрати Пайгамбарга билдириб, айтган: «Ҳар қачон мен бандамни дўст тутсам, ҳар нарсаким кўрар, менинг кўзим билан кўрар; тутганини менинг кўлим билан тутар ва эшитанларини менинг қулоғим билан эшитар».

\* \* \*

— Зоҳидлар охираат подшоҳидур ва орифлар зоҳидлар подшоҳидир.

\* \* \*

— Аллоҳга муҳаббат нишони шуки, Аллоҳдан ўзга барча нарсани тарк қилгай!

\* \* \*

— Ҳар кўнгил хаста бўлди, унинг тўрт нишони бор: бири шуки, тоатда ҳаловатини топмас; иккинчи, Аллоҳдан кўрқиш кўнглида бўлмас; учинчи, нарсаларга ибрат кўзи билан боқмас; тўртинчи, ҳар нимаким, эшитар, қулоқ солиб, фаҳм этмас! Банда Аллоҳга лойиқ бўлганининг нишони шуким, у нафси истаган ҳар бир нарсага қарши бўлгай ва Аллоҳ ризосини истагай.

\* \* \*

— Тавба икки турлиқдир: хос ва авом. Авом тавбаси гуноҳдандур, хос тавбаси гафлатдандур. Ҳар бир аъзонинг ҳам

ўз тавбаси бордур. Кўнгилинг тавбаси шуким, ҳамиша нияти хайрли ва ёмонликдан йироқ бўлгай. Кўз тавбаси эса ҳаромга боқмасликдир. Қўл тавбаси ҳаром нарсани ушламасликдир. Оёқ тавбаси ҳаромга ва ярамас ишга бормасликдир. Қулоқ тавбаси ботил сўзларни эшитмасликдир. Қорин тавбаси ҳалол ейишдир. Фаржнинг тавбаси зино қилмасликдир.

\* \* \*

— Аллоҳнинг зикри менинг жонимдур, ҳаё эса менинг либосимдир!

\* \* \*

— Содиқ шуким, кўнгли билан тили бир бўлгай. Ва ҳар сўзим, сўзласа, Аллоҳга лойиқ бўлгай! Сидқ Аллоҳнинг қиличидир!

\* \* \*

— Таваккал шудурким, жами муродни тарк қилиб, Аллоҳга машғул бўлгай ва гумондан сақлангай!

\* \* \*

— Унс (улфатлик) нишони шудурким, Холиқ билан унс тутгай, нафси билан эмас.

\* \* \*

— Ибодат калити фикрдир, қабул бўлишининг нишони нафс, ҳавога муҳолифат қилмоқ ва жами орзуларини тарк қилмоқдир!

\* \* \*

— Ризо нишони шуки, очликда шод бўлгай!

\* \* \*

— Ва ихлос нишони учтадир: биринчи шуким, мақташ ва ёмонлаш унга баробар бўлиши; иккинчи шуким, хайрни унутиб, гуноҳларини унутмаслик; учинчи, Аллоҳдан ўзга ҳар нарса бордур, кўнглидан чиқаргай!

\* \* \*

— Яқин (аниқ) имон учдир: биринчи, ҳар нарсага боқса Аллоҳ билан боққай; иккинчи, ҳар ишда Аллоҳга ружу этгай; учинчи, Аллоҳдан ўзгадан умид қилмагай. Баъзилар айтибдур, даъват андишани қисқа қилмоқдир!

\* \* \*

— Аллоҳ хушнуд бўлмагунча, дийдоридан насиба олмас, ҳамма кўрқувдан ҳам омон бўлмас. Чунки Пайгамбар (с.а.в.) буюрганлар: «Сенга бир ҳарф ўргатган кимсага қул бўласан!»

\* \* \*

Зуннундан сўрадиларким:

— Аллоҳни нима билан топдинг?

Деди:

— Аллоҳни Аллоҳ билан топдим!

\* \* \*

Сўрадиларким:

— Ким билан суҳбат қурайлик?

Деди:

— Ҳеч мулки ва асбоби бўлмаган билан! Дўст улким, ҳеч ҳолда сенга қарши бўлмагай!

\* \* \*

Сўрадилар:

— Банда жаннатга қайси вақтда лойиқ бўлади?

Деди:

— Уч иш билан: биринчи, озуқасини тайёрлагай; нафси билан ҳисоблашгай; ўлимга мунтазир бўлгай!<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> Форсий матнда банда беш иш билан жаннатга сазовор бўлиши айтилган ва улар қаторида доим Аллоҳ йўлида истиқомат қилиш, махфий ва ошқора зикрда бўлиш ҳам санаб ўтилган.

\* \* \*

Сўрадиларким:

– Узлат нимадир?

Деди:

– Нафсдан кесилмоқдир!

\* \* \*

Сўрадиларким:

– Дунё нимадир?

Деди:

– Ҳар нарсаким, Аллоҳдан ўзга нарсага машғул этар, ўшадир!

\* \* \*

Сўрадилар:

– Бизларга ўғит бергин!

Деди:

– Аллоҳ билан ёр бўл, нафсинг билан ағёр бўл! Ва ҳеч кишини хор тутмагил, агар кофир бўлса ҳам! Чунки оқибатини андиша қилгил, кўзлагил ва кўрқилгим, машаққатни олиб, сендин токи унга бергайлар!

\* \* \*

Яна бир киши насиҳат истади.

Деди:

– Имонингга шак келтирмагил! Нафсингдан хушнуд бўлмагил! Балоба сабр қилгил, Аллоҳ даргоҳида ҳамиша сабр билан бўлгил!

\* \* \*

Яна бир киши насиҳат истади.

Деди:

– Ўтган ишга ўқинмагил, келар ишга андиша қилмагил, ҳозирги ишни хуш кўргил!

\* \* \*

Сўрадилар:

– Сўфи нимадур?

Деди:

– Сўфи удурким, Аллоҳни барча нарсадан қизгангай!

\* \* \*

Нақлдурким, Шайх ўлим тўшагида ётганида, ундан сўрадиларким:

– Орзуинг нимадир?

– Ўлмасдан илгари Уни билсам, – деб жавоб берди ва ушбу байтни ўқиди:

“Мени хавф касал қилди, шавқ куйдирди, муҳаббат ўлдирди, Аллоҳ тирилтирди».

\* \* \*

Айтадилар: Шайх ҳаста ҳолида ётганида Юсуф Хусайний уни кўргани келди ва деди:

– Васият қилгин!

Деди:

– Бир киши билан суҳбат қилгинким, ундан саломат бўлгайсан!  
Ва унинг суҳбати сени доим хайр ишларга тортгай!

\* \* \*

Бир киши яна ўғит истади.

Деди:

– Мени машғул этмагил, омонатни эгасига топширайин!

Бу сўзни деди, азиз жонини Аллоҳга топширди.

– Албатта, биз Аллоҳнинг ихтиёридамиз ва албатта, биз Унинг ҳузурига қайтувчилармиз.<sup>1</sup>

Аммо дунёдан ўтган кечаси етмиш киши туш кўрдиларким, ҳазрати Пайгамбар (с.а.в.) Шайхга қарши келдилар ва айтар эдилар:

<sup>1</sup> Бақара сураси, 156-оят.



— Аллоҳнинг дўсти келаяпти, келинлар, унинг истиқболига чиқайлик!

Азиз жонини Аллоҳга топширди. Аммо жони чиққанда олдида яшил хат билан ёзилиб эдиким, унда: «Бу Аллоҳнинг дўстидир, Аллоҳ севгисиди ўлди!» дейилганди.

Чунким ул ҳазратнинг жанозасин кўтардилар, кун қаттиқ иссиқ эди. Қушлар келиб жанозага соябон бўлдилар. Жанозани кўтариб кетаётганида намоз вақти бўлди, муаззин азон айтди.

Шаҳодат калимасига етганда, тобутдан бир бармоғини чиқарди. Тамом халойиқ буни кўрди ва фарёд қилди, тирик экан, дедилар.

Халойиқ тобутни ерга қўйди, бармоғини букишга ҳарчанд саъй қилдилар, бука билмадилар.

У одамларким, ҳазратга мункир эдилар, барчалари тавба қилдилар. Қабрга қўйдилар, қабри устидан кам бўлмади. Аллоҳ уни раҳмат айласин!

## БОЯЗИД БИСТОМИЙ

Орифлар султони, ҳақиқат изловчиларнинг хужжати, илоҳий халифа, буюк муршид, ҳақиқий қутб, машойихлар каттаси, авлиёлар улуғи, одам авлоди оламининг қутби, унинг риёзат, каромат ва айтган сўзлари беандоза, ҳақиқатлар ва дақиқойиқ сирлари ичида беназир, доим қурб мақомида ва муҳаббат дарёсида гарқ, ҳамиша тани мужоҳада ва жони мушоҳада ичида, ҳадисда ривоятлари олий, ҳеч киши ундан аввал тариқат ичида сўз сўзламади, унинг мартабаси ва камоли халқдан ортиқ эди.

Шайх Жунайд Бағдодий унинг ҳақида бундай деган:

— Боязид бизларнинг орамизда худди Жаброил фаришталар орасида бўлгани кабидир.

\* \* \*

— Тариқат майдонида тавҳид отини чоптирган кимдур? — десалар,

— Боязиддур! — дегин.

Бунга далил шуким, Боязид деди:

— Икки юз йил тариқат майдонида от чоптирдилар. Ҳануз тўпини илгари сола олмадилар!

\* \* \*

Шайх Абу Саид Абул Хайр айтади:

— Ун саккиз минг оламини тамом кездим, кўрдимким, Боязид ҳаргиз орада йўқдур! Яъни Боязид Аллоҳга бутунлай маҳв бўлгандир!

\* \* \*

Боязиднинг отаси ақобирлардан, бобоси эса мусулмон эмасди.  
Унинг онаси айтган:

— Боязид қорнимда эканда ҳар вақтким, шубҳали таом есам, оёқлари билан тепар эди. Ва ҳаргиз тинмас, то ўша луқмани қувмагунимча! Яъни қайт қилиб чиқармагунча.

Бу сўзнинг чинлигига далил шудурким, Шайхдан сўрадиларким:

— Тариқатда инсонга нима керакдур?

Шайх деди:

— Онадан тугма давлат, бўлмаса, доно кўнгил; агар у ҳам бўлмаса, кўрар кўз; у ҳам бўлмаса, эшитар қулоқ; у ҳам бўлмаса, соғ тан; у ҳам бўлмаса, фожеали ўлим!

Боязид онадан туғилди, катта бўлди, отаси мактабга берди. «Луқмон сураси»га етганида ушбу оятни ўқидиким: «Мени хушнуд қилгил ва отанг бирла онангни ҳам хушнуд қилгил!»<sup>1</sup>

Устозидан бу оятнинг маъносини сўраб билди. Шунда ичига бир ўт тушди ва устозидан ружсат олиб, онаси олдига келди.

Онаси сўради:

— Эй Тайфур, нимага келдинг?

Деди:

— Бугун устозимдан бир оят эшитдим. Аллоҳ буюрибдурким: «Менга бандалиқ қил, отанг билан онанга хизмат қил!»

Энди, мен Аллоҳга ва ҳам сизларга қандай хизмат қила оламан? Бу оят менга қаттиқ таъсир қилди. Ё мени Аллоҳдан тиланг, сизларга хизмат қилайин ё сизлар мени қўйинг, Аллоҳга бандалиқ қилайин!

Онаси деди:

— Ўғлим, мен ўз хизмат ҳаққимни сенга бағишладим! Сен боргил, Аллоҳга бандалиқ қилгил!

Бас, Боязид Бистом шаҳридан чиқди, Шом вилоятига бордики, кезарди ва уйқусизлик чекарди, токим яна ун уч нафар шайхнинг хизматини қилиб, иршод олди. Уларнинг бири ҳазрати имом Жаъфари Содиқ эди.

<sup>1</sup> Луқмон сураси, 14-оят.

Бир куни имом Жаъфари Содиқнинг хизматида турганда, имом деди:  
— Эй Боязид, фалон китобни токчадан олиб бергил!

Боязид деди:

— Қайси токчадан?

Имом деди:

— Шунча замон бўлди, бизнинг билан ҳамроҳсан, ҳануз токчани кўрмадингми?

Боязид деди:

— Эй Имом, мен сенга тафтишга келмадимким, тўрт тарафга боқайин ва нарсани кўзлагайман!

Бу сўз Имомга бағоят хуш келди ва деди:

— Боязид, сенга муборак бўлсинким, ишинг тамом бўлди. Энди Бистомга қайтиб боргил ва шайхлик дўконини юритгил!

\* \* \*

Нақлдурки, Боязид ўн икки йил Каъба йўлида ҳар бир қадамда сажда қилиб, икки ракаат намоз ўқиб, Каъбага борар ва айтар эдиким:

— Мен дунё подшоҳлари олдига бормасман, илдам борсам!

Каъбага етиб боргач, шунда у биринчи йили тавоф қилмади, адабдан кўрмади ва эҳром ерига келиб, эҳром боғлади. Иккинчи йилда тавоф этди. Қайтиб келар эди, бир шаҳарда истиқомат қилмади, ўтди. Шунда шаҳар халқи Боязиднинг ортидан тушдилар.

Боязид изига қараб, деди:

— Эй жамоат, мендан нима истарсизлар?

Айтдилар:

— Сенинг билан суҳбат тутмоқ истармиз!

Боязид Аллоҳга муножот қилиб, ниёз айлади, деди:

— Илоҳи, бу халқни мендан айиргил!

Аллоҳ Боязидни буларга совуқ кўрсатди.

Ва яна деди: «Аллоҳдан ўзга Илоҳ йўқ, фақат мен борман. Менга ибодат қилинглар!»<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Анбиё сурасининг 25-оятига ишора.

Бу қавм у сўзни эшитдилар, уни куфр сўз санаб, орқаларига қайтдилар. Шайх борар экан, бир калла суягини кўрди. Унда бу оят ёзилган эди: «Улар кар, соқов ва кўрлардир. Тушунмайдилар».<sup>1</sup>

Шайх буни кўргач, наъра урди, у бошни кўлига олиб ўпди ва бошига қўйиб, деди:

— Бу сўфининг бошига ўхшарким, Аллоҳ йўлида маҳв бўлибдур. Унда на қулоқ бордурким, битмас-туганмас хитобни эшитгай, на кўз бордурким, азалий жамолни кўргай, на тил бордурким, Аллоҳ саносини айтгай, на ақл бордурким, Аллоҳнинг заррадек маърифатини билгай! Шунинг учун ҳам бу оят унга ёзилгандир.

\* \* \*

Нақлдурким, Боязиднинг бир туяси бор эди. Ўз озуқасини ва йўлдошларининг озуқасини шу туяга юклади.

Бир киши кўриб, деди:

— Бу бечора туянинг юки кўп огирдур ва унга зулм бўлибдур!

Боязид ундан бу сўзни эшитиб, деди:

— Эй йигит, кўзингни очиб қарагил, юкни кўтарган туядурми ё ўзгаму?

У йигит диққат билан қаради, кўрдиким, юк туянинг тепасидан бир қарич баландда борар, туя юксиз, фароғат ва беозор эди. Юкни фаришталар кўтарарди.

Йигит бу ҳолни кўриб, бармогини оғзига тишлаб айтган сўзига тавба ва истиғфор этиб:

— Субҳоналлоҳ<sup>2</sup>, бир бандада яна бунча ҳол бўлар экан! — деб Боязиднинг аҳволини халойиққа билдирмоқчи бўлди.

Дарҳол Боязид деди:

— Кўрганингни биронта жонга айтмагин!

У йигит қабул этди ва Боязидга мухлис бўлди.

Шундай қилиб, Боязид Каъбани тавоф қилиб, жамоат билан қайтиб Бистомга келди. Шаҳар халқи хабар олдиларким, Боязид келар. Барча халқ истиқболига қарши чиқдилар.

<sup>1</sup> Бақара сураси, 171-оят.

<sup>2</sup> «Аллоҳ покиза зотдир» ибораси инсон ажабланган, ҳайратга тушган ҳолда ай-тилади.

Боязид уларни кўргач, ақли қабул этмадиким, буларга машғул бўлиб, Аллоҳнинг зикридан маҳрум қолади. Булар Боязидга яқин келдилар.

Рамазон ойи эди, қўйнидан нон олиб ейишга тушди. Халқ уни кўриб:

— Бу киши жинни бўлибди, — деб, барчаси Боязидга қарши бўлиб, уй-уйига қайтдилар.

Йўлдошларига Боязид деди:

— Кўрдингизларми, бир парча нон билан буларни ўзимга қарши қилдим ва фароғат топдим.

Шундай қилиб, Боязид у ерда оқшомгача тавоф қилди. Кеча бўлди, онаси эшигига бориб қулоқ солди, онаси таҳорат қилар ва айтар эди:

— Илоҳи, менинг ўғлим Боязидни саломат сақла! Ва машойихлар кўнглини ундан рози, аҳволини доим хуш қилиб, каромат ва авлиёликни ато этгил!

Боязид онасидан бу сўзларни эшитди, шунда йиғлаб, эшикни қоқди.

Онаси деди:

— Кимсан?

Деди:

— Сизнинг гарибингиздур!

Онаси ҳам овозидан таниб, йиғлаганча қарши олди ва деди:

— Эй кўзим чироғи, Тайфурум! Кўзларим йўлингда йиғлай-йиғлай кўр бўлди ва белим ҳам бўлди!

Бас, Боязид онасининг оёқларини ўпди.

\* \* \*

Нақлдурки, Боязид айтади, мунча мартабаким, Аллоҳ менга ато қилди, барчасини онамнинг дуосидан топдим.

Бир кеча қаттиқ совуқ эди. Онам мендан сув сўради. Бордим, ариқдан музни ёриб, сув келтирдим. Онам уйкуга кетган экан, сувни тутиб турдим. Қўлларим муз бўлди. Онам уйкудан уйғонди, кўрдиким, мен ҳануз кўзани кўтариб турибман. Сувни олиб ичди ва мени дуо қилди. Унинг дуоси баракатидан ҳар нимани истадим, топдим.

\* \* \*

Нақлдурким, Боязид Маккадан келар чоғида Ҳамадон шаҳрига кириб ўтди. У ердан сафсар гулининг уругини олди. Ундан Бистомга борди, кўрдиким, сафсар уруги ичида бир неча чумоли бор экан.

Уни кўриб, деди:

– Бу мискин ўз жойидан овора бўлибди!

У ердан турди, яна чумолини Ҳамадонга келтириб, олган жойига қўйиб, деди:

– Аллоҳнинг амрига таъзим, Аллоҳнинг махлуқотига шафқат!

\* \* \*

Боязид айтади:

– Ўн икки йил нафсим иложини қилиб, риёзатда тутдим, риёзат кўрасини урдим, мужоҳада оловида ёқдим, маломат болғаси билан урдим ва нафсимдан бир кўзгу ясадим.

Беш йил у кўзгуга боқдим, ўзимни гурулда кўрдим.

Яна беш йил жаҳд қилдимким, шояд бу зуннор кесилгай ва имоним тоза бўлгай, дедим.

Яна нафсим кўзгусига қарадим, шунда ўзимни заифу гуноҳкор кўрдим.

Сўнг умидвор бўлдимким, Аллоҳ менга қариндошлик мақомини ато қилгай!

\* \* \*

Нақлдурким, Пири Умар айтади:

– Қачонким, Боязид ибодатни кўпроқ қилишни хоҳласа, хилватга кириб, барча тилакларини тилар эди.

Сўрадилар:

– Нима учун бундай қиласан?

Деди:

– Кўрқарманким, гавго товушини эшитиб, паришонлик ичра мақсадим ҳосил бўлмай қоладими!

\* \* \*

Шайх Суҳлакий айтиди:

— Бир куни Боязид хилватга кирди ва жазбаси голиб эди, ногоҳ оғзига бу сўз келди:

— Ажабо, менинг шаъним нақадар улуг!

Ўзига келгач, муридлари сўрадилар:

— Эй шайх, нима учун бундай дедингиз?

Боязид деди:

— Билмасман. Агар бундай десам, Аллоҳга қарши чиққан бўламан. Мен бундан кейин бу хилда сўз айтар бўлсам, албатта, мени уриб ўлдиришлар!

Шундай деб, муридларининг қўлларига таёғу пичоқ бериб қўйди. Бир вақт Боязид хилватга кирди, жазбаси голиб бўлиб яна:

— Ажабо, менинг шаъним нақадар улуг! — деди.

Муридлари эшитиб, ҳаммалари пичоғу таёқ олиб кирдилар, токи уриб ўлдиргайлар. Кўрдиларким, уйнинг ичи Боязидлар эди. Муридлар таёқ ва пичоқ ура бошладилар. Хаёл қилдиларким, пичоқ сувга тегар. Ҳеч ерига захм етмас эди. У суратларким, ҳаммалари Боязид эди, барчаси тарқалди ва гойиб бўлдилар. Боязид бир чеккадан чиқиб келди. Юзи тўлин ойга ўхшарди. Ҳеч сўзламади.

\* \* \*

Бир киши сўрасаким:

— Улуг одам қандай кичик бўлади?

Жавоб шуким:

— Ҳазрати Одам Ато пайгамбар жаннатдан чиққанларида боши кўкка етар эди. Аллоҳ фармони билан ҳазрат Жаброил муборак бошини силади. Шунда бўйи одамлар каби кичик бўлди. Одамнинг бўйи катта ва кичик бўлиши мумкин. Боязид ҳоли ҳам шундай бўлган. Чунки бола онаси қорнида икки ботмон бўлса, сўнгра икки юз ботмон бўлади.

Ҳазрати Жаброил бунча улуглиги билан Марям кўзига кичик суратда кўринган. Аммо кишининг ўзи бу ҳолга етмагунча уни шарҳ этиб билдириб бўлмас ва унинг билишидан ҳеч фойда йўқдир.



\* \* \*

Нақлдурки, бир куни Боязиднинг кўнглига келдиким:

– Мен бу замонанинг улуғидурман!

Бас, билдиким, хато қилди. Дарҳол пушаймон бўлиб, Хуросон йўлига тушди. Бир неча манзил юрганидан сўнгра, бир ерга ўтирди ва деди:

– Энди ўрнимдан турмагайман, то гайб олаmidан бир киши келиб менга йўл кўрсатмагунча!

Хулласи калом, бир неча кун у ерда ўтирдиким, бир киши туяда у ерга келди, кўзи йўқдур. Яқин келиб, газаб билан боқди ва деди:

– Бир кўзимни очиб, Боязид ва Бистом шаҳрини, қавмларини бир хам уриб, гарқ этсам!

Унинг ҳайбатидан Боязид ўзини йўқотди. Ўзига келиб, деди:

– Астағфируллоҳ ал-азим!<sup>1</sup>

Яна у киши деди:

– Эй Боязид, у куниким, сен бир сўз дединг, шундан бери мен ўн йиллик йўл юриб келдим. Кўнглингни яқин қилким, васвасага йўл топмагай!

Ва кўздан гойиб бўлди.

\* \* \*

Нақлдурки, бир гуруҳ жамоат Боязид олдига келганда, у мушоҳадага борган эди, бошини кўтарди ва деди:

– Бир чириган бир дона истардим, сизларга бериш учун, аммо у чириган донани топдим, сизлардан бир киши топмадиким, у донани кўтара оладиган!

\* \* \*

Нақлдурким, шайх Абу Туроб Нахшабийнинг бир муриди, бағоят кароматлик эди. У муридига деди:

– Боргил, Боязидни кўргил!

Мурид деди:

<sup>1</sup> «Буюк Аллоҳга истиғфор айтаман» жумласи одатда инсон тавба қилган вақтда айтилади.

— У кишиким, Боязиднинг Аллоҳини кунда юз мартаба кўрар, Боязидни нима учун кўрсин?

Абу Туроб деди:

— Сен Аллоҳни ўз ҳолингча кўрарсан. Ҳар қачон Боязиднинг ёнида кўрсанг, ҳоли миқдорича кўрарсан! Кўрмоқ билан кўрмоқда тафовут кўп!

Муридга бу сўз бағоят таъсир қилди.

Деди:

— Кел, икковимиз бирга борамиз!

Шундай қилиб, иккови Бистомга келдилар. Боязид уйида йўқ, бир гўшага кириб эди. Булар ҳам у ерга бордилар. Боязид чиқди, бир қўлида бир офтоба сув, эгнида бир эски тўн. Боязиднинг кўзи у муридга тушди, шунда у мурид дарҳол жон берди.

Абу Туроб деди:

— Эй Боязид, сенинг бир назарингдан ўлим келди!

Боязид деди:

— Бу йигитга ҳануз кашф ҳосил бўлмаган эди. Бизга етишган вақтда унга кашф ҳосил бўлди. Лекин ўзи тоқат қила билмади. Чунончи, Миср хотинлари ҳазрат Юсуф жамолларини кўриб, қўлларини кестилар.

\* \* \*

Нақлдурким, Яҳё ибн Муоз бир куни Боязидга нома ёзди:

— На айтурсен, ул кишининг ҳақидаким, бир қадаҳ шароб ичди, азал ва абад маст бўлди?

Боязид номани ўқиб, деди:

— Бу ерда кишилар бордурким, азал ва абад дарёсини бир мартабада ичиб, маст бўлмас. У кишига сиз нима дейсиз?

Яҳё ибн Муоз унга:

— Сизнинг билан бизнинг орамизда сўз кўп экан, энди жаннатда Тубо дарахти остида сўзлашамиз! — деб хат ёзиб, бир қуриган нон билан хатни юборди, шайх муниси есунлар, деб.

Боязид хатни мутолаа қилиб, нонни емади.

Яна жавоб ёздики:

— Орамиздаги сирларни ҳеч кишига айтмагин! Жаннат ичида! Нонни емаганимга сабаб унинг сувини қаердан олдинг, асли уруғлик қаердан эди? Бизга билдиргил!

Яҳё ибн Муоз бу сўзларни ўқиб, Шайхга бағоят муштоқ бўлди. Дарҳол туриб, Боязидни кўрмакка азм этти, хуфтон намозида шайхга эришди. Кўрдиким, Шайх намозга машғулдир, бир четга ўтирди.

Боязид эрталабгача намоз ўқиди. Ва бир бармоғи устида икки ракаат намоз ўқиш билан тонгни оттирди.

Яҳё ибн Муоз олдига борди ва салом берди. Яҳё мубтадий, яъни тариқатда бошланғич мақомда эди ва Боязид мунтаҳий, яъни охирги босқичда эди.

Яҳё деди:

— Эй Боязид, бу кечадаги футуҳдан менга ҳам бергил!

Боязид деди:

— Эй Яҳё, агар отамиз ҳазрат Одамнинг равшанлиги, Жаброилнинг поклигини, Иброҳимнинг сифатини, Мусонинг шавқини, Исонинг таҳоратини, Муҳаммад Мустафонинг муҳаббатини тамом сенга берсалар, қабул этмагил! Ҳануз ортигини тилагилким, Аллоҳнинг даргоҳида ажиб ва ғариб нарсалар кўпдур. Бир бандасига ҳимматининг андозасида берар. Зинҳор ҳимматингни улуг тутгилким, Аллоҳ даргоҳи бағоят улугдир! Агар сен оз нарсага рози бўлсанг, ўша мақомда қоларсан!

\* \* \*

Нақлдурки, Боязиднинг одати — кечаларда қабристонда кезар эди. Бир кеча бир улугнинг ўғли кўбиз чертиб келди.

Боязид:

— Ло ҳавла... — деди.

Йигит маст эди. Боязиднинг бошига кўбизи билан шундай урдиким, унинг боши ёрилди, кўбиз ҳам синди. Боязид хунга ботиб, уйига борди. Эрталаб бўлди.

Боязид бир муридига буюрди:

— Бир бўлак ҳалво, бир неча тангалик ёғ сотиб олиб, фалон йигитга олиб боргил ва айтгил:

— Бу кеча кўп заҳматлар чекдинг, қўбизинг синди, қўлинг оғриди. Бу тангаларга қўбизингни тузатгин, бу ҳалвони эса егил ва Боязиддан рози бўлгин, то қўбиз қайғуси, қўлинг озорини кўнглингдан чиқаргай!

У йигит Боязид эканини билди, шунда қаттиқ уялди. Дарҳол турди, Боязид хизматига келиб, оёғига ташланиб, кўп узрлар сўради. Тавба қилди. У билан кўп йигитлар ҳам тавба қилиб, солиҳлар жумласидан бўлдилар.

\* \* \*

Нақлдурким, бир куни Боязид муридлари билан борар эди, қаршисидан бир ит келди. Боязид йўлдан четлашди ва итга йўл берди. Ит ўтиб кетди.

Боязиднинг бир муриди бу ишга ҳайрон қолди ва деди:

— Аллоҳ Одам болаларини мукаррам яратди. Боязид ўзи султон ал-орифийн бўла туриб, боз устига шунча халойиқ билан ҳамроҳ экан, итга йўл берди-я! Бу қандай ҳолдур?

Боязид деди:

— Эй йигит, у ит қаршимиздан келар экан, менга деди:

— Эй Боязид, мендан нима камлик юз бердиким, менга итлик терисини кийдирдилар ва сендан нима ортиқлик содир бўлдиким, сенга орифлик халатини ёпдилар?

Бу андиша менга маълум бўлди, йўлни итга бўшатиб бердим.

\* \* \*

Нақлдурки, бир куни Боязид йўлдан бораркан, бир итга йўлиқди. Итнинг бирор аъзоси менга тегиб кетмасин, деб этакларини йиғиштирди.

Ит деди:

— Эй Боязид, агар менинг туким қуруқ бўлса, сенга ҳеч халал етмас. Агар менинг бошимга бир кўза сув қуйсалар, пок бўлар. Агар сенинг ичингни етти дарёнинг суви билан ювсалар-да, пок бўлмас. Сенинг билан менинг орамга сулҳ этар бўлсалар, нима тафовут бор? Сен ташингни пок тутишни истайсан, ичингдан ҳеч хабаринг йўқдур. Сен зоҳирда, мен ботинда покман.

Боязид деди:

— Кел, иккимиз йўлдош, жамият баракатидан пок бўлиб, мурдорлигимиз кетгай!

Ит деди:

— Эй Боязид, мен сен билан бўлмасман. Шунинг учунки, мен халқнинг мардудиман, сен халқ мақбулисан! Ҳар ким мени кўрса, тош уриб қувлайди, сени кўрсалар салом бериб, ҳурмат этарлар.

Яна деди:

— Мен бугун бир суяк топсам, эртага қўймайман. Сенинг уйингда бир қоп бугдой бордур.

Боязид итдан бу сўзларни эшитгач, гирён ва нолон бўлиб, деди:

— Илоҳи, мен бир итга йўлдошликка лойиқ бўлмадим. Сенга йўлдош бўлмоқликка қандай лойиқ бўлгайман?

Итнинг сўзлари бениҳоят таъсир қилди ва барча тоатлардан ноумид бўлиб, деди:

— Энди борайин, бир зуннор сотиб олиб, белимга боғлайин!

Бозорга борди, бир кофирнинг қўлида зуннор кўрди ва баҳосини сўради.

Деди:

— Баҳоси минг қизилдур. Ҳар ким минг қизил берса, унга бергумдир.

Кофирдан бу сўзни эшитиб, Боязиднинг кўнгли хуш бўлди. Билдиким, Аллоҳнинг инояти унинг биландур.

\* \* \*

Нақлдорки, Аҳмад Хазравия улуғлардан бўлиб, минг соҳиби ҳол муриди бор эди. У Боязиднинг олдига келди. Муридларининг ҳар бири сув устида, ерда юргандек юрар ва ҳавода қуш каби учар эдилар. Аҳмад Хазравия муридларига деди:

— Сизларда у қувват йўқдурким, сизлар Боязиднинг юзига боқа билмагайсизлар. Барчангиз ташқарида туринглар! Мен кириб, ул ҳазратни зиёрат қилайин.

Муридлари дедилар:

— Бизларни ҳам қўйманг!

Шайхнинг бир хона ва даҳлизи бор эди. Даҳлизни байт ал-асо дер эдилар. Ҳассаларини у ерга қўйдилар, уй тўлди. Бир муриди, мазкур уй эшиги ортида турдиким, мен ҳазратга эмас, ҳассаларга қарайман, деб. Ундан ўзгалари ичкарига кирдилар.

Боязид деди:

— У кишиким, Сизларнинг улуғларингиздур, мақсуд ҳам удурким, уни киритинглар!

Аҳмад борди ва зиёрат қилиб, ўтирди.

Боязид деди:

— Эй Аҳмад, қачонгача бу оламини кезасан, бир ерда ўтирсанг нима бўлади?

Аҳмад деди:

— Сув бир ерда кўп турса, айнийди.

Боязид деди:

— Дарё бўлгилким, ҳаргиз айнинаман!

Боязид нозик сўзлардан гапира бошлади. Аҳмад уларни фаҳм этмади.

Деди:

— Сал пастга тушинг!

Тушди. Яна бир неча махфийроқ сўз деди. Ундан сўнг Аҳмад фаҳм этди. Боязид сўздан фориг бўлганидан сўнг, Аҳмад деди:

— Эй Боязид, кўрдимким, шайтонни бир тарафда осиб қўйибсан!

Боязид деди:

— Рост айтгансан, шайтон бизга қасам ичганди, Бистом шаҳрига келмасликка. Бироқ, қасамини бузиб, бир кимсага васваса қилди. Подшоҳлар расмидур, ўгрини осарлар.

Аҳмад деди:

— Сенинг олдингда бир жамоа кишилар бордурким, кўрарман, бу одамларга ўхшамаслар, кимдурлар?

Боязид деди:

— Фаришталардирларким, мендан илм ўрганурлар ва илмдан сўрайдилар, мен уларга жавоб бераман.

\* \* \*

Нақлдурким, бир куни кўп фаришталар кўндан тушдилар ва Боязидга дедиларким:

– Тургил, оёқда тикка туриб, Аллоҳни зикр қилайлик!

Боязид деди:

– Менда ул тил йўқтурким, унинг зикрин айта билгай!

Сўрадилар:

– Сен Аллоҳни қайси вақт зикр айларсан?

Деди:

– Ул вақтидаким, жаннат аҳли жаннатга киргайлар, дўзах аҳли дўзахга киргайлар, қиёмат тугагай, барча ишлар тамом бўлгай, шундан сўнг зикр айтаман.

\* \* \*

Нақлдурким, бир куни Боязид масжидда ўтирган эди.

Муридларига деди:

– Аллоҳнинг дўстларидан бир дўст келур, туриглар, кутиб олинглар. Турдилар, шаҳарнинг дарвозасига бордиларким, Иброҳим Ҳиравий эшагига миниб келди.

Боязид деди:

– Эй Иброҳим, бу соат Аллоҳдан менга фармон бўлдимки, Иброҳим келур, кутиб олинг! Уни менга шафиъ қилинг!

Иброҳим деди:

– Эй Боязид, агар аввалин ва охириин шафоатини менга берсалар ҳануз оздир.

Боязид бу сўздан ажабга қолди. Олдига дастурхон келтирдилар ва унинг ичида лазиз таомлар бор эди.

Иброҳим деди:

– Шайхим дегайларми, ул кишигаким, мунинг каби емакли бўлган?

Шайх ҳеч жавоб демади. Чунким, таом едилар, Боязид Иброҳимнинг кўлидан тутиб, бир четга тортди. Кўлини деворга урди, у девордан бир дарча очилди. Иброҳим бир дарё кўрдиким, ҳеч гояти йўқ эди.

Боязид деди:

— Эй Иброҳим, кел бу дарёга иккимиз шўнгиб, остидан жавоҳирлар териб чиқайлик!

Иброҳим деди:

— Қўрқарман, менинг қувватим етмас!

Боязид деди:

— Ул арпаким, саҳродан олдинг, ун қилиб, нон пиширдинг ва тағорага солдинг. Ул арпани йилқилар емадилар, шунинг учунким, мурдор эди.

Иброҳим чун буни эшитдиким, ҳақиқат эди. Дарҳол тавба ва истиғфори Аллоҳ деди.

\* \* \*

Нақлдурким, бир куни бир киши келиб, деди:

— Эй Боязид, Табаристонда бир ақобир киши ўлди. Сени кўрдим, унинг жанозасига бординг. Ҳазрат Хизр ўз қўлини сенинг бўйнингга солди ва сен қўлингни унинг бўйнига солдинг. Жаноза ўқилгандан сўнг, кўрдимким, ҳавода учар эрдиг!

Шайх деди:

— Рост айтасан!

\* \* \*

Нақлдурки, бир куни Боязид хизматига келиб, айтдилар:

— Эй Боязид, қаҳатчилик бўлди. Дуо қилгилким, ёмғир ёгсин!

Боязид бир лаҳза диққат қилиб, дедилар:

— Туринглар, ариқларни тозаланглар, ёмғир келур!

Дарҳол ёмғир келди ва бир неча кун тинмай ёгди.

\* \* \*

Нақлдурким, Боязид оёғини ерга урганида бир муриди ҳам шуни такрорлади. Боязид оёғини тортиб олди, муриднинг оёғи тўғрилигича қолди. Муридга дедилар:

— Оёғингни буккин!

Ҳар қанча уринди, оёғини бука олмади. Чунки мурид гумон қилар эдиким, валилар оёғи ўзгалар оёғидек бўлар.



\* \* \*

Нақлдурки, Боязид бошини хирқага ўраб олганида, бир улуғ зот келди. Боязид оёғини босиб олди ва деди:

– Мунча муни улуғ тутарсан!

У улуғ зот уйига борган соат оёғига қурт тушди ва бу ранж авлодларига мерос қолди.

\* \* \*

Нақлдурким, Шайхни имтиҳон қилгани Абу Саид олдига келди. Истар эрдик, Боязиднинг бир чўпон муриди бор эди.

Боязид деди:

– Эй, Абу Саид, ул чўпоннинг олдига боргил!

Абу Саид бориб, кўрдик, чўпон намоз ўқир, қўйлари ўтлаб юрарди. Чўпон намоздан фориг бўлиб, деди:

– Нима тилайсан?

Абу Саид деди:

– Иссиқ нон билан узум тиларман!

Дарҳол тоғарасидан иссиқ нон чиқариб, олдига қўйди. Қўлидаги ёғочни иккига бўлди. Бир бўлагини ўз олдига, яна бир бўлагини Абу Саиднинг олдига суқиб қўйди. Ўз олдига таёқ кўкариб, ундан оқ узум, Абу Саиднинг олдига бўлагидан қора узум ҳосил бўлди.

Абу Саид деди:

– Бу қандай ҳолатдурким, иккови бир ёғочдур, сенинг олдиндагидан оқ узум, менинг олдимдаги бўлагидан қора узум бўлди?

Чўпон деди:

– Тонгла қиёмат кунда ҳам ҳар кишининг ҳоли ва мартабаси ўзига яраша бўлур.

Абу Саид чўпоннинг айтган сўзига ва ҳолига ажабланиб, деди:

– Мундан буён ҳеч кимдан имтиҳон қилиб сўз сўрамагайман!

Шунда чўпон Абу Саидга бир гилам бериб, деди:

– Буни яхши сақлагил ва йўқотмагил!

Абу Саид қабул қилди, ул чўпон билан хайрлашиб, ҳажга борди, Арафот тоғида гиламни бир ерга қўйди, қайтиб келиб уни топмади ва деди:

– Гиламни ўғирладилар!

Яна Бистомга келди, шунда у гиламни чўпон олдида кўрди.

\* \* \*

Нақлдурким, Боязиддан сўрадиларким:

– Сенинг пиринг кимдур?

Боязид деди:

– Бир кампирдур!

Сўрадилар:

– Нима учун?

Деди:

– Шунинг учунким, бир куни менга важд голиб бўлиб, саҳро кезардим. Бир тогора ун кўтариб келаётган кампирга учрадим.

У менга деди:

– Бу тогора чўғни кўтаргил!

Мен шундай ҳолатда эдимки, ўзимни сақлай билмасдим. Бир арслонга ишорат қилдим. У тогора чўғни кўтаргил, деб. Мен хаёл қилдимки, бу кампир мени танимагай.

Дедим:

– Эй хотин, шаҳарга борсанг, нима кўрдим, дегайсан?

Деди:

– Бир золимни кўрдим, дерман!

Сўрадим:

– Нимага?

Деди:

– Бу арслонни Аллоҳ юк кўтармоқ учун яратганму?

Мен дедим:

– Йўқ!

Деди:

– Аллоҳ уни юк кўтаришга яратмади. Сен мунга нимага юк юклардинг! Бас, золим эмасмисан?

Мен дедим:

– Рост айтурсан!

У деди:

— Сен тиларсенким, шаҳар халқи арслон тутибдур, деб сенга хурмат қилсинлар ва сени соҳибкаромат, деб билгайлар! Бу риёлик эмасмидир?

Боязид деди:

— Тўғри, риёликдандур!

Боязид кўп йиғлади, тавба қилди ва каромат қабул этмади, то Аллоҳдан тасдиқ бўлмагунча. Қачонким, Боязидга каромат воқе бўлса, бир оқ нур зоҳир бўлар эди, яшил хат ёзиғлиғ эдиким: «Ло илоҳа иллаллоҳ, Муҳаммадун Расулуллоҳ, Нуҳ Набийуллоҳ, Иброҳим Халилуллоҳ, Мусо Калимуллоҳ».<sup>1</sup>

Бу беш гувоҳлик билан каромат қилар эди.

\* \* \*

Нақлдурки, бир киши шайхдан ҳаёдан масала сўради. Шайх жавоб берди. Ул киши шу соат эриб, сув бўлди.

Бир мурид ичкари кирди, шайх олдида ҳовуздек сув кўринди ва деди:

— Бу қандай сувдир?

Боязид деди:

— Бир киши келди, ҳаёдан савол қилди, мен унга густоҳ жавоб бердим. Ҳаёлик киши экан, уялганидан эриб, сув бўлди.

Бир нечалар айтдилар:

— Ул сўраган жинни эди.

\* \* \*

Нақлдурким, шайх айтади:

— Дарё менинг учун тошди, мен айтдим: «Мен мунга мағрур бўлмасман, менга керакмаским, бир сирни мендан яширмагайлар. Менга каромат эмас, карам керакдур», дедим.

\* \* \*

Нақлдурким, Ҳотами Асам айтади:

— Бир куни Боязидга дедиларким:

<sup>1</sup>Маъноси: Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ! Муҳаммад Аллоҳнинг элчиси, Нуҳ пайгамбари, Иброҳим эса дўсти, Мусо эса суҳбатдошидир!

— Эй Боязид, сен муридларингтаким: Қайси муридким, қиёмат кунда дўзах эшигига бориб, ул қулларниким, дўзахга қўймоқ истарлар, ўрнига ўзини қўйиб, ул кишини жаннатга юбормаса, ул киши менинг муридим эмасдур, — дер экансан?

Боязид деди:

— Албатта, ростдур. Ҳозир ҳам шундай дерман. Муридким, бундай бўлмаса, мен ундан безорман!

Бир куни бир киши сўради:

— Эй Боязид, сенда мартаба бордур, нима учун даъват қилмассан?

Жавоб бердиким:

— Ул кишини Аллоҳ бағишлаган бўлса, мен уни қандай рад қилгайман? Ва ул кишиниким, У бағишламаган бўлса, менга нима эҳтиёж? Мен уни қандай билгайман?

\* \* \*

Нақлдурки, хатиб бир кун бу оятни ўқир эди: «Улар Аллоҳни ҳаққоний қадрламадилар».<sup>1</sup>

Бу оятни эшитиб, Боязиднинг икки кўзидан қон равон бўлди. Ул қадар ўзини ерга урдиким, ақли кетди. Ақлига келиб, деди:

— Худовандо, бу оятни юборган эдинг, бу ёлғончи даъвогарни нега дунёга келтирдингким, маърифатинг даъвосини қилгай!

\* \* \*

Нақлдурки, Боязид олдига бир киши келди.

Шайх ундан сўрадиким:

— Қаердан келурсан?

Деди:

— Шайх хизматидан келурман.

Шайх деди:

— Мен ҳам ҳазратдин келдим.

Ул киши деди:

— Мен сени кўрмадим!

<sup>1</sup>Бу оят «Қуръон»да уч жойда: Анъом сураси, 91-оят, Ҳаж сураси, 74-оят, Зумар сураси, 67-оятда такрор келган.

Шайх деди:

– Яхши айтурсен, мен парда ичида эдим, сен ташқарида эдинг. Ташқарида бўлган ичкаридагини қандай кўргай ва билгай?

\* \* \*

Нақлдурки, бир киши Боязидга дедиким:

– Кўнглингни содиқ тутгилким, сен билан сўзлашайин!

Боязид деди:

– Мен ўттиз йилдирким, Аллоҳдан соф кўнгил тиларман. Қаерда бор, билмасман. Сен согинурсенким, Аллоҳнинг йўли офтобдек равшандур. Мен мунча йилдурким, юз минг жидду жаҳд билан орзу қилурманким, игна миқдори мен учун тешик очилишига ҳаракат қиламан. Лекин ҳанузгача бу очилмаган, менга муяссар бўлган эмас!

Боязиднинг одати шу эдики, балоларни севар эди, қачонким, бало келса, айтар эди:

– Илоҳи, у балоким, юбориб эрдинг, менга бергилким, уни севарман!

\* \* \*

Нақлдурким, Боязид бир куни тоатга машгул бўлди. Аллоҳ даргоҳидан кўнглига илҳом бўлдики:

– Эй Боязид, бизнинг хазинамизда мақбул бўлган тоат-ибодатлар жуда кўпдир. Энди сен бизга тухфа кертиргилким, бизнинг хазинамизда бўлмасин!

Боязид деди:

– Бор Худоё, бу қандай нарсадурким, сенинг хазинамда бўлмайдиган?

Аллоҳ деди:

– Менинг хазинамда суюклик ва қимматбаҳо мискинлик ва бечоралиқдир!

\* \* \*

Нақлдурким, бир киши Боязиднинг эшигига келиб, тўрт тарафга боқар эди.

Шайх дедиким:

– Нима истарсан, мунда Аллоҳдан ўзга киши йўқтур!  
Бир куни яна бир киши келиб, у тараф-бу тарафга қаради.

Боязид сўради:

– Нима истарсан?

Деди:

– Боязидни истарман!

Боязид деди:

– Мен ҳам ўттиз йилдан бери Боязидни истарман, топмасман!

Бу сўз Зуннуни Мисрийга етди, у деди:

– Қариндошим Боязидни ва жамоатини Аллоҳ ёрлақасинким,  
Аллоҳ йўлида фоний ва йўқ бўлганлар!

\* \* \*

Нақлдурки, Боязид Аллоҳ ишқига шундек ғарқ бўлган эдиким, шайхнинг бир муриди йигирма йил мутгасил хизматларида бўлди. У муридни чақирса, ҳар доим сўрар эдиким:

– Эй ўғил, отинг нимадур?

Кунлардан бир куни у мурид деди:

– Эй Шайх, кўп муддатлардан бери хизматингиздадурман.

Ҳар вақтким, мени кўрарсиз ва сўрарсизким:

– Отинг нимадур? Бу ажаб ишдур!

Шайх деди:

– Эй ўғил, ичимга бир от тўлибдурким, ўзга отлар тамом ташқарида қолибдур!

\* \* \*

Нақлдурким, бир куни Шайхдан сўрадиларким:

– Бу мартабага нимадан етишдинг?

Деди:

– Ўғлонлик ҳолимда Бистомдан бир кеча ногоҳ чиқдим. Тунда ой нур сочар, ойнинг ёруғида барча халқ ухлар эди. Шунда Аллоҳнинг сифатини кўрдимким, ўн саккиз минг олам унинг олдида бир заррача эмас. Дарҳол ҳолим ўзгариб, важд ҳосил бўлди.

Дедим:

– Бор Худоё, бунингдек улуг даргоҳ нега холи турибди?

Ҳотифдан овоз келдиким:

– Бу даргоҳ шунинг учун холидирки, ер юзида ҳеч ким бу даргоҳга келмоққа лойиқ иш қилмас!

Бас, мен жаҳд қилдим, барча халойиқни тилагайман, аммо хотиримга бу келдиким, шафоат ҳазрати Муҳаммад Мустафонинг мақомидур. Одоб сақладим.

Хитоб келдиким:

– Эй Боязид, сен одоб сақладинг! Бас, мен ҳам сенинг мартабангни улуг қилдим, отингни бандаларим қиёматгача султон ал-орифин дегайлар.

\* \* \*

Нақлдурки, бир кеча Боязид икки бармоғи устида туриб, тонг отгунча намоз қилди. Бир ходими ул ҳолни мушоҳада қилиб, деди:

– Эй Боязид, кўрарманким, кўзларингдан қон ёши эрталабгача тинмади. Бу ҳолдан менга хабар бер!

Шайх деди:

– Бу кеча аршга бордим. Аршнинг дудоқлари оч қўртнинг оғзи каби тамшанар эди.

Мен дедим:

– Эй Арш, Аллоҳни сенда деб нишон берурлар ва айтарлар: Аллоҳнинг ўзи «У Арш узра баробар бўлмиш Раҳмондир», деган.<sup>1</sup>

Дедим:

– Менга кўрсатгил!

Деди:

– Эй Боязид, менинг нақадар мартабам бордурким, Аллоҳ менда бўлгай. Менга ҳам айтурларким: Аллоҳ Боязиднинг кўнглидадур, деб. Чунким, Аллоҳ шикаста кўнгилаарда бўлади. Аллоҳ: «Мен синиқ қалбларда кўп эсланурман!» деган.

<sup>1</sup>Ушбу оят Тоҳо сурасининг 5-ояти бўлса-да, лекин унинг мазмуни Аъроф сурасининг 54-ояти, Юнус сурасининг 3-ояти, Раъд сурасининг 2-ояти, Фурқон сурасининг 59-ояти, Сажда сурасининг 4-ояти, Ҳадид сурасининг 4-оятида такрорланган.

Офарин, қодир Аллоҳни кўкдагилар ердагилардан, ердагилар эса кўкдагилардан, қарилар йигитлардан, йигитлар эса қарилардан истайдилар.

\* \* \*

Боязид айтади:

– Чун қурб мақомига етишдим, дедилар:

– Нима истайсан?

Мен дедим:

– Аллоҳни тиларман!

Хитоб келдиким:

– Эй Боязид, сенинг вужудинг бор экан, бу тилакка етишмоқ маҳолдир. Ўзингни йўқ қилгил, ундан сўнг бизга келгин!

Мен айтдим:

– Илоҳи, сенингдек ҳазратдин бу сўз билан қуруқ қайтмасман!

Густоҳлик қилдим!

Яна айтдилар:

– Сўзлагил!

Айтдим:

– Тиларманким, жумла халқни раҳмат қилгайсан!

Деди:

– Кўзингни оч!

Мен тўрт тарафга назар этдим. Кўрдим, барча халойиқ шафоатчиси Муҳаммад Мустафо эканлар.

Бас, айтдим:

– Иблисга раҳмат қилгил!

Деди:

– Густоҳлик қилдинг, уни ўтдан яратдим, яна ўтга қайтади. Сен жаҳд этгилким, ўзингни қутқаргайсан, шунинг учунким, ўтга тоқатинг йўқдур.

\* \* \*

Нақлдурким, қачон бир киши келиб Боязиддан дуо тиласа, айтар эди:

– Бор Худоё, сенинг халқингдур, Холиқ сенсан. Мен орада кимман? Сен барча халойиқнинг сирини билурсан. Мен орада қандай яхшилик тиларман?



Бир кун Боязидга бир киши келиб, деди:

– Менга бир нарса ўргатгилким, келгусида нажот бўлгай!

Боязид деди:

– Амал қилиб биладиган даражадаги илми ўргангин! Бас, Аллоҳнинг буйругидан чиқмагил! Ҳар ҳолда ҳозир шуни билиб қўй!

\* \* \*

Нақлдурки, Боязид бир куни кетаётса, бир йигит ҳам унинг кетидан борар, Боязиднинг изига оёғини босар эди.

Боязид кейнига боқиб, деди:

– Нима иш қиларсан?

Деди:

– Мен ҳам сен борган йўлга борсам керак! Эски кийимингдан бир парча бергилким, унинг баракатидан менга ҳам файз етсин!

Шунда Боязид деди:

– Агар Боязиднинг терисини кийсанг ҳам сенга фойдаси йўқдур, то Боязиднинг қилган ишини қилмагунча!

\* \* \*

Нақлдурки, Боязид бир куни ҳақиқатдан сўзлаб, ўз лабларини сўрарди. Сўрадилар:

Нима иш қиларсан?

Деди:

– Шарбат ҳам, соқий ҳам, ичувчи ҳам ўзимман.

\* \* \*

Нақлдурким, Боязид айтади:

– Ўттиз йил давомида кўнглимни истадим, топмадим!

Бир саҳар вақти овоз келдиким:

– Эй Боязид, биздан ортиқ нарсани истарсан, кўнгил билан нима иш истарким, мени кўярсан ва кўнгил билан нима истарсан?

Боязид деди:

– Агар мени тамоми халойиқ ўрнига азоб қилсалар ва мен сабр этсам, унинг муҳаббатининг шукрини ҳануз ўрнига қўя олмайман!

\* \* \*

— Гуноҳ бир бўлгани билан мингта тоатни емириб ташлайди.  
Риёкорлик гуноҳдан ҳам ёмонроқдир!

\* \* \*

— Орифнинг камолоти шуким, муҳаббат ўтида куйгай!

\* \* \*

— Аллоҳнинг шундай бандалари бордурким, агар жаннат зийнатларини унга инъом қилсалар, шундай қочадиларким, дўзах аҳли дўзахдан қочгандек!

\* \* \*

— Ҳақиқий обид ва содиқ омил шуким, жаҳд қиличи билан жумла тилакларининг бошини кесгай!

\* \* \*

— Ва тавҳиднинг аввалги манзили шуким, ҳар нима сўзласа, ҳилм (мулоимлик) билан сўзлагай, ҳар нимани эшитса, илм билан эшитгай!

\* \* \*

Бир куни Боязиддан сўрадиларким:

— Аллоҳ бандаларига жаннатни ўз ризоси билан берадими?  
Жавоб бердиким:

— Агар ризоси бўлмай берса, банда жаннатни нима қилади?

\* \* \*

— Бир зарра маърифат ҳаловати яхшироқдур, фирдавси аъло ичидаги минг кўшкдан!

\* \* \*

— Жумла халойиқнинг тавбаси гуноҳидандир. Боязиднинг тавбаси шуки, «Ло илоҳа иллаллоҳ» дейишдан ўзга сўзламагай!

\* \* \*

— Агар фано қондасига эришсангиз, бу сўзларга ҳам эришурсиз ва мунча йилларким, зуҳд ва салоҳ қилурсиз, ҳеч Ҳаққа эришмасиз.

Ундан ёмон гуноҳ бўлмагайким, бир мусулмон қариндошингизга ҳурматсизлик ва хорлик этарсиз!

- Дунё дунё аҳлига гурурдур, гурур ичида!
- Ва охират, охират аҳлига сурурдур, сурур ичида!
- Аллоҳ дўстлиги муҳаббат аҳлига юзланур, нур ичида!
- Ва маърифат аҳлининг ибодати нафсларининг зиддидир!

\* \* \*

– Ҳар кимсаким хомуш бўлди, унинг тилаги удурким, кўз очиб Ҳақдан ўзга нарсани кўрмагай!

\* \* \*

– Ва ориф бошини тиззасига қўйгай, тилаги шу бўлгайким, Исрофил сур чалмагунча бошини кўтармагай!

\* \* \*

– Кўнгилга мингил, отлиқ бўлгил! Ва тан билан миниб олма!

\* \* \*

– Аллоҳ ишқининг селоби келди, хор ва хасни тамоман сурди, асари қолмади. Шунинг учунким, Аллоҳ ягонадир. Қиёмат қойим бўлганда жонлар Аллоҳнинг дийдорига азм этгайлар! Унда суратларини уларга кўргузгайлар. Ҳар ким сурат ихтиёр қилса, Аллоҳ дийдорига йўл топмагай!

\* \* \*

– Аллоҳ маърифатининг муҳаббатисиз ҳеч завқ йўқтур! Кўрасизму, ариқ сувлари оқар экан, шовқин билан оқар, дарёга қўшилгач сокин бўлур! Сув кириши, чиқиши, зиёда ва кам бўлишидан дарёга зиён бўлмас!

\* \* \*

– Аллоҳнинг бандалари бордурким: агар бир соат Аллоҳдан гофил бўлсалар, яна Аллоҳга қуллуқ қилгайлар! Бунинг учунким, Аллоҳдан маҳрум бўлганида, фано бўлурлар, йўқдан қандай тоат келади?

\* \* \*

— Орифнинг камтар мартабаси шудурким, жами мулк, мол ва асбобдан безор бўлади. Агар икки жаҳонни ҳам унга берсалар, назар қилмагай. Орифнинг тилаги Аллоҳдан Аллоҳдир!

\* \* \*

Олим айтур:

— Мен айтаман!

Ориф айтур:

— У айтсун!

Ва айтади:

— Аллоҳ севган кишининг нишони учдир. Аввали, саховати дарёга ўхшар; иккинчи, шафқати қуёшга ўхшар; учинчи, тавозеси ерга ўхшар!

\* \* \*

— Ҳожилар уй тавоф этмоқ билан, муҳаббат аҳли эса кўнгила иморати билан дийдор истарлар!

\* \* \*

Агар устозлар шогирдга бир иш буюрсалар, шу соатда намозга азон айтилса, шогирд айтур:

— Аввал намоз қилайин, сўнгра устозим ишига бораман!

\* \* \*

— Яхши киши суҳбати ортиқдур, яхши ишдан!

— Ёмон киши суҳбати ёмонроқдур, ёмон ишдан!

\* \* \*

— Аллоҳ барча ерда ҳозирдир ва ҳар ерда истасалар, жоҳил бўлур.

— Ҳар ким Аллоҳга орифдир, халқга жоҳилдур!

— Ҳар ким Ҳаққа жоҳилдур, халққа орифдур!

— Ҳар ким Аллоҳни билди, дўзахга азоб бўлди!

— Ва ҳар ким Аллоҳни билмади, дўзах унга азоб қилди!

— Ҳар ким Аллоҳни билди, жаннат унга савоб бўлди, ҳар ким Аллоҳни билмади, жаннат унга увол бўлди.

— Ва ориф удурким, ҳеч нарсага шод, ҳеч нарсага рози бўлмайди!

— Жоҳилнинг ихлосидан орифнинг нифоқи яхшироқдир!

\* \* \*

Ривоят қилурлар, Иброҳим, Мусо ва Исо айтурларким:

— Бор Худоё, бизни Муҳаммад Мустафо умматидан қилгил!

Сиз гумон этарсизким, мана шундай буюк пайгамбарлар бу гапни риё сабабли айтганми?! Аслида улар Муҳаммад умматлари орасида оёқлари етти қават ер остида, бошлари аълоий иллийинда бўлган, орада ўзлари «йўқ» бўлиб кетган кимсаларни кўрганликлари учун шундай деганлар!

\* \* \*

— Валилар ҳифз даражаси тафовут ичида тўрт отдандур. Ва ҳар бўлаги буларнинг бир от билан қойимдурлар. Чунки, Аллоҳ ўзи айтган: «У Аввал, Охир, Зоҳир ва Ботиндир!»<sup>1</sup>

\* \* \*

— Илм узр, маърифат макр ва мушоҳада ҳижобдур.

\* \* \*

Боязид муножот ичида айтар эди:

— Бор Худоё, мунча менликким, менинг билан Сенинг орангда бордур, менинг менлигимни орадан кўтаргил! Сенга борсун ва мен ҳеч бўлгайман. Агарчи бироз сенинг билан мен тамомман, аммо мен ўзим тамомдан камроқман. Илоҳи, мени Сен ўзингга эриштиргил!

Агар сен мени бир нарсага эга этарсан, менга ул зоҳидлик даркор эмас. Асрорингдан озгина насиб қилгил ва дўстларинг мартабасига еткургил! Мен сенданман ва сенинг билан сен тарафга борурман. Илоҳи, қандай кўрклидур, сенинг афъолинг нақадар равшан ва шириндир, сенинг фаҳминг! Гайблар ичида нақадар улугдир, ул ҳолким, халқ ани кашф этгай ва тиллар уни васф этгай! Бу қисса қайда тамом бўлур? Илоҳи, ажаб эмасдурким, сенинг каби бадавлат подшоҳ

<sup>1</sup> Ҳадид сураси, 3-оят.

менинг каби бечора ва заиф бандани севар! Илоҳи, бу жумласи билан кўрқувдаман, мени ўзинг сақлагилким, мен ҳамиша шод бўлгайман!

\* \* \*

Нақлдурки, Боязид Бистомий ўлар ҳолида: «Аллоҳ-Аллоҳ!» деб кўп айтди. Чунким жон бўғзига келиб, айтар эдиким:

— Ҳар вақт Сени ҳузур билан ёдлар эдим, энди жоним бўғзимга келди, сенинг тоатингдан гофилман! Илоҳи, агар бир оз мен гофилдур, аммо Сен ҳозирдурсан!

Боязид азиз жонини Ҳаққа топширди ва дунёдан ўтди, Абу Мусо ҳозир эмасди. Ул кеча бир туш кўрдиким, Аршни бошига кўтармиш эди. Уйғонгач, шунда ажабланди ва деди:

— Бориб, бу тушнинг таъбирини Боязиддан сўрайин, — деб келди.

Кўрдиким, Боязид вафот қилибдур. Боязиднинг жанозасини ўқиб, кўтардилар. Халқ кўп ёпушти. Ҳеч ким тутарга ер топмади. Ночор бўлуб, Абу Мусо жаноза остига кирди, жанозани бошида кўтарди.

Борар экан, Боязид овозини чиқариб, деди:

— Эй Абу Мусо, кўрган тушнинг таъбири будирким, у Аршким, тушингда бошингга кўтарган эдинг, ўша Арш мен эдим!

\* \* \*

Яна бир муриди Боязидни тушида кўрди ва сўрадиким:

— Мункар ва Накирдан қандай ўтдинг?

Деди:

— Мункар ва Накир келиб менга савол қилдиларким:

— Аллоҳинг ким?

Дедим:

— Бориб Аллоҳдан сўранг! Ва айтинг Боязид сенинг нимангдур, денглар! Ҳар наким, У деса, шудурман, — дедим! Агар Ул Боязид кулимдур, деса кулиман. Акс ҳолда, мен агар минг мартаба, Кулиман! — десам нима фойда! Шу сўз билан мендан қайтдилар, қайта келмадилар!

\* \* \*

Нақлдурким, Хазравиянинг хотини Боязиднинг қабрига тавоф қилгани келиб, шу ердагиларга қараб деди:

— Боязид кимдур, билурмисизлар?

Дедилар:

— Сиз яхши билурсиз!

Аёл деди:

— Бир куни хонаи Каъбани тавоф қиларканман, бир он тафаккурга чўмдим. Боязидни кўк оламига элтдилар. Арш остида охири кўринмайдиган бир саҳро бор эди. Бу саҳро тамоман гулу райҳон эди. Ҳар бир япрогида, Боязид Аллоҳнинг валисидир, — деб ёзилган эди.

\* \* \*

Пир Умар айтар:

— Боязидни тушимда кўрдим. У менга насиҳат қилиб, деди: «Одамлар тубсиз денгиздадирлар. Ва буларнинг ул денгиздан чиқиши учун кема бўлур. У кема охираг озуқаси билан ясалади. Эй банда, ул кемага чиқишга жаҳд қилгил! Заиф танингни ул денгиздан саломат қутқаргайсен!»

\* \* \*

Ва яна улуғ зотлардан бири Боязидни тушида кўриб, сўради:

— Тасаввуф нимадур?

Деди:

— Мосиволоҳни, яъни Аллоҳдан ўзгани тарк этиб, муҳаббат тўрида ўтирмақ!

\* \* \*

Бир куни шайх Абу Саид Боязиднинг зиёратига келиб, деди:

— Бу у ҳазратдурким, ҳар ким бир нарсани йўқотган бўлса, келиб бу ҳазратда топгай!

Воқеан шундайдир. Аллоҳ уни раҳмат қилсин!

## АБДУЛЛОҲ ИБН МУБОРАК

У замона посбони, омонлик рукни, шариат ва тариқат маъдани, ҳақиқат мужоҳиди, дунёнинг тожи тароки, ҳазрати уламолар шаҳаншоҳи, тақводорлар султони, илм ва шижоат, карам ва саховат ичида беназир, тариқат улугларидан, барчасининг кўнглига сигиб, тамоми халойиқнинг мақбули эди. Ва унинг таснифлари машҳур ва кароматлари мазкурдир.

Бир куни Суфёни Саврий Абдуллоҳга қараб деди:

– Эй, машриқу мағрибнинг инсони! Хуш келдингиз!

Фузайл ҳам унда ҳозир эди, деди:

– Кел эй, машриқу мағриб аҳлининг яхшиси! Хуш келдинг!

Фузайлдек акобир у ҳазратга мундоқ деса, ўзгалар нима дегайлар?

\* \* \*

Абдуллоҳнинг аввал тавбасининг сабаби у эдиким: бир канизакка ошиқ, унинг ишқида орому қарори йўқ эди. Қиш кунларида бир киши билан маъшуқа уйига бордилар. Бир девор тагида турдиларким, маъшуқани кўргайлар. Ва маъшуқа ҳам девор тепасига келди ва бир-бирига қараб турдилар. Эрталаб бўлди, шунда муаззин намозга азон айтди.

Абдуллоҳ дедиким:

– Хуфтон намозидур!

Сўнгра билдиким, бу бомдод намозига азон айтилган.

Ишққа гарқ маъшуқаси деди:

– Эй Муборак ўгли, уялмайсанми? Нафсинг учун эрталабгача оёқ устида турдинг! Агар имом орқасида турсанг эди, имом қироатни узоқроқ қилса, малол келарди. Аллоҳ олдида турмасдан нафсинг учун оёқ устида аввал кечадан бери мундоқ хору зор туриб, тонг отганини билмайсан!



Абдуллоҳ ундан бу сўзни эшитиб, ичига ўт тушдиким, дарҳол тавба қилиб, илмга машғул бўлди. Ва илми «Қуръон» барокатидан, пир мартабасига етди. Бир куни онаси кўрдиким, бир илон наргис булоқи билан Абдуллоҳнинг пашшаларини қувар эди. Ундан туриб Марвга кетди. Ва Марвдан Бағдодга борди. Кўп муддатлар улуг машойихлар билан ҳамсуҳбат бўлди. Ундан қайтиб, яна Марв шаҳрига келди ва Марв халқи унга ихлосманд бўлиб, қўл бердилар. Марвдан Ҳижозга ва Каъбага бориб, қўшни бўлди. Бир йил ҳаж, бир йилни газот ва бир йил тижорат қилар эди. Ҳар нарса пайдо бўлса, фақирларга ва дўстларига сарфларди. Ва дарвешларни чақириб олдига хурмо тўкиб, айтар эди:

– Ҳар ким ортиқ еса, ақча берарман.

Хурмо данакларини санаб, қайси ортуқ еган бўлса, унга ақча берар эди.

\* \* \*

Нақлдурким, бир куни Абдуллоҳ бир туя олиб, Каъба нияти билан йўлга тушди. Борар экан, бир неча дарвешга учради. Улар ҳажга кетаётганларини билдирдилар.

Абдуллоҳ деди:

– Бой бўлганимиз учун Аллоҳ чақирди. Сизлар дарвеш ва фуқаросизлар, нима учун борурсиз?

Дарвешлар дедилар:

– Аллоҳ уйига қандай чақирган бўлса, бизларни ҳам чақирди. Уй эгаси жувонмард бўлса, бой меҳмонлар билан бирга йўқсилларга ҳам меҳмондорлик қилади.

Абдуллоҳ деди:

– Рост айтасизлар, биз бойлардан нарса олиб, сиз ғарибларга берадилар. Чунким, Аллоҳ «Қуръон»да буюрган: «Албатта, садақалар фақат фақирлар, мискинларга фарз этилди».<sup>1</sup>

Абдуллоҳ хижил бўлди ва уялди, сўзламади ва зуҳд ичида шу қадар эдиким, бир кун бир манзилга қўнди. Отини бўш қўйди. Ўзи намозга турди. У айғир қиммат от эди. Бориб экинга кирди. Отни дала эгасига бериб кетди.

<sup>1</sup>Тавба сураси, 60-оят.

\* \* \*

Нақлдурким, бир марта Абдуллоҳ Шомда бир кишидан қалам тилаб олди. Эгасига беришни унутиб, Марвга келди. Бу ерда қалам ёдига тушди, Марвдан яна Шомга келди. Ул қаламни эгасига топширди.

\* \* \*

Нақлдурки, бир куни Абдуллоҳ борар эди, бир кўрга дедилар:

– Абдуллоҳ келур, нарса сўраб ол!

У кўр деди:

– Эй Абдуллоҳ, бирпас тўхта!

Шайх тўхтади. Хаёл қилдиким, садақа тилагай.

Деди:

– Дуо қилгил, Аллоҳ таоло кўзимни равшан қилсин!

Абдуллоҳ бош қимирлатди, дуо қилди. Аллоҳ дарҳол кўзларини равшан қилди.

\* \* \*

Нақлдурким, шайх бир куни саҳрога чиқди. Қурбон ойининг биринчи ўн кунлиги эди, у Каъбага бора билмади. Шунда Абдуллоҳ тоқатсиз бўлиб, ҳожиларга тақлидан эҳром боғлаб, ҳожилардек тавоф қилар эди. «Ҳадис»да келганки: «Ҳар ким ҳожиларга эргашса, Аллоҳ унинг тақлидини таҳқиққа айлантириб, ҳожилар савобини рўзи қилур!»

Абдуллоҳ у саҳрода кезар экан, бир кампирга учрадиким, бели букилган, қўлида ҳассаси бор.

Кампир Абдуллоҳ олдига келди:

– Эй Абдуллоҳ, ҳаж орзу қиларсан? Мени сенга юбордиларким, сени Арафотга элтгайман.

Абдуллоҳ деди:

– Ҳажга уч кун қолди. Мени Марвдан Каъбага қандай элтасан?

Деди:

– Эй Абдуллоҳ, у зотким, Муҳаммад Мустафони ердан Қоба қавсайн мақомига етказди. Бизни ҳам уч кунда олиб борур.

Ва яна деди:

— У кишиким, бомдод намозининг суннати Санжоб шаҳрида ўқиб, фарзини Жайхун қиргоғида адо қилди ва кун чиққунча Марвга етишди. У билан йўлдош бўлмоқ ажаб эрмас! Юр, кетдик! Кетдилар. Ҳар қачонким, бир сувга етиб, айтар эди:

— Кўзингни юмгил!

Абдуллоҳ кўзини юмуб очса, сувнинг у тарафида кўрар эди. Шу тариқада Арафотга етказди. Ҳаж қилдилар.

Сўнг кампир Абдуллоҳга деди:

— Эй Абдуллоҳ, менинг бир ўғлим бор, бир тоғ яқинида неча йиллардан бери риёзат чекади. Ва ибодат қилар, бориб, уни кўриб кетайлик!

Шундай қилиб, уни бориб кўрди, бир заиф йигитдур, ранги сариқ ва тани ориқ. Онасини кўргач, оёғига йиқилди, қўл ва оёқларини ўпди.

Ва деди:

— Менга ажал келиб турибди, сенга мунтазир эдим. Кафан яроғини қилгил!

У аёл деди:

— Эй Абдуллоҳ, кел, ўғлим учун гўр қазийликким, вақти етибдур.

Бас, у йигит ўлди, гўр қазидик ва дафн қилдик. Шунда аёл менга деди:

— Мен мундан кетмасман, ўғлим гўрини сақларман. Аммо, яна келсанг, мен ҳам ўлган бўламан. Дуодан қўймагил ва унутмагин!

\* \* \*

Нақлдурким, Шайх бир йили ҳаж қилар эди. Ҳаждан фориг бўлди, ётди, тушида кўрдиким, икки фаришта келдилар, бир-биридан сўрардиларким:

— Бу йил неча киши ҳажга келди?

Бириси айтди:

— Уч юз одам келгандир.

Бириси айтур:

— Буларнинг нечаларининг ҳажи қабул бўлди?

Яна бириси деди:

— Буларнинг ҳеч бирининг ҳажи қабул бўлмади?

Мен дедим:

— Одамлар мунча йироқ йўлдан кўп меҳнатлар чекиб келдилар, уларнинг меҳнатлари зое бўлурми?

Айтдилар:

— Зое бўлмас, аммо Дамашқ вилоятида бир кавушдўз бордурким, уни Али ибн Муваффақ дерлар. Бу йил у ҳажни орзу қилди, аммо кела билмади. Унинг ҳажи қабул бўлди. Барча халойиқни унга бағишладилар.

Шайх айтади:

— Уйгонганимда, ҳавас қилдим, бориб у эрни кўрсам. Дамашқ шаҳрига келдим. Сўраб у эрни топдим.

— Отинг кимдур? — дедим.

Деди:

— Али ибн Муваффақдур!

Сўрадим:

— Хунаринг нимадур?

Деди:

— Этикдўзман!

Айтдим:

— Сенда сўзим бордур. Мени Абдуллоҳ ибн Муборак дерлар. Тушумда кўрганни ва фаришталардан эшитганимни унга баён этдим. Бу сўзларни эшитгач, Али ибн ал-Муваффақ бир наъра урди, ўзидан кетди.

Ўзига келганидан сўнг сўрадим:

— Хабар бергил! Бу нима ҳол?

Деди:

— Эй шайх, уч йилдан бери ҳажни орзу қиламан. Ҳар куни бир ақча йўл озукаси деб ажратиб кўярдим. Ақча уч юз элликка етишганда, қасд қилдимким:

— Бораман!

Яна дедим:

— Бу озроқдур, беш юзга етишсин!

Шундай қилиб, беш юзга етди.

Хотиним ҳомиласи бор эди.

Деди:

— Қўшни уйидан гўшт келтирмасанг, қорнимдаги ўғлоним тушар!

Бир лаган олиб қўшни уйига бордим. Арзимни айтдим.

У деди:

— Менинг кўп болаларим бор. Қўлимда ҳеч нарсам йўқдурким, нафақа қилсам. Бир ҳафта бўлдиким, ейишга нарса топмай, ҳаммамиз оч эдик, кўзларимиздан нур ва танларимизда мажол қолмагандан сўнгра, эшитдикким, бир эшак ўлиб, фалон харобада ётур, деб. Ноилож бориб, унинг гўштидан келтирдим. Ҳозир қозонда қайнаб турар, бизга ҳалолдур, сизга ҳаромдур. Қандай бераман?

Йиғлади. Уни мен кўрдим, кўп бетоқат бўлдим, дарҳол беш юз ақчани унга бериб:

— Бу йил менинг ҳажим шу бўлсин! — дедим.

Абдуллоҳ деди:

— Подшоҳ тушимда тўғри айтибди, ҳукм ва фармон тўғри чиқарилибди!

\* \* \*

Шайх бир қулини маълум маблағ эвазига озод қилишга шартнома тузган эди ва ҳар куни ундан бир ақча оларди. Бир куни бир киши келиб, Абдуллоҳга деди:

— Ҳар кеча сенинг қулинг мазоротга бориб, гўр очар ва кафан сотар.

Шайх эшитиб, қаттиқ маълул бўлди. Кеча бўлгач, у қулининг изига тушди. У қул кеча ичида мазоротга борди ва бир гўрни очиб, ичига кирди. Шайх уни кўриб беҳуш бўлди. Муддатдан сўнг ўзига келди. Кўп турди, қул гўрдан чиқмади. Шайх илгари борди, кўрдиким, гўрнинг ичида меҳроб бордур. У қул бир шол кийиб, бўйнига темирдан занжир осиб, бошини саждага қўйиб, йиғлар эди. Шайх уни кўрди, қайтиб уйига келди. Намозга машғул бўлди. Намоздан фориг бўлгач, яна борди. Кўрдиким, ҳануз қул гўр ичида турар.

Тонг яқин бўлди, деди:

– Илоҳи, тонг отмоққа етишди. Борсам у мажозий соҳибим мендан ақча сўрайди. Муфлислар сармоёси сенсан ва менинг ҳожатимни сен билурсан!

Дарҳол ҳавода бир нур чиқди. У нур ичидан бир қизил олтин келди. Қулнинг олдига тушди. Шайх уни кўрди, тоқати қолмади. Илгари борди, қулни қучди ва юзидан ўпди. Қул хожасини кўргач, қайғуга тушди.

Бошини қуйи солди ва деди:

– Илоҳи, менинг пардамни йиртдинг ва менинг махфий сиримни ошкор қилдинг. Энди менинг дунёда ҳеч роҳатим қолмади, ўз иззатинг ва жалолинг ҳаққи, энди менинг жонимни олгил!

Дарҳол азиз жонини Ҳаққа таслим қилди. Шайх бу ҳолни кўриб, ҳайратда қолди ва кўп йиғлади. Бориб, дўстларига хабар берди ва қулни ўз кўли билан ювди, яна шол ичида, у шол билан дафн қилди.

Шайх у кеча туш кўрдиким, тушида Иброҳим пайғамбар ва Муҳаммад Мустафо Буроққа миниб келардилар.

Айтдилар:

– Эй Абдуллоҳ, Аллоҳнинг дўстини нима учун палос билан дафн қилдинг?!

\* \* \*

Нақл дурким, Шайх бир куни борар эди, кўрдиким, алавий болалари йўл устида маст ётарди.

Бир бола деди:

– Эй Абдуллоҳ, мен Пайғамбар наслдан бўламан, сен гуломбачча бўлгансан. Нимага мени ҳурмат қилмассан?

Шайх деди:

– Сенинг буйруғингни мен қиламан, сен буйруқни қилмассан? Шунинг учун ҳурмат қилмасман!

У кеча Абдуллоҳ тушида кўрдиким, Пайғамбар дедилар:

– Менинг болаларимга нима учун таъна қиласан?

Шайх уйғонди, турдиким, бориб у боладан узр сўрай, деб.

У бола ҳам шу кеча туш кўрдиким, Пайғамбар унга айтар эдилар:

— Нима учун Абдуллоҳга қаттиқ сўзларсан! Агар сен ўз йўлингда юрсанг, у сенга ундоқ демас эди!

Бола ҳам уйгондиким, бориб Абдуллоҳдан узр сўрай, деб. Икковлари бир-бирига учрашиб, узрлар айтишиб, ризолашдилар.

\* \* \*

Нақлдурким, Суҳайл ибн Абдуллоҳ доим Абдуллоҳ ибн Муборакнинг дарсларига келар эди.

Бир куни деди:

— Эй Абдуллоҳ, мен сенинг дарсингга энди келмасман!

Шайх деди:

— Нима учун?

У деди:

— Сенинг канизақларинг том устида ўтириб, мени чақирдилар.

Эй Суҳайл келгил! — деб.

Уларни нима учун тарбия қилмасан!

Абдуллоҳ дўстларига деди:

— Келинлар, бориб Суҳайлнинг жанозасини ўқиб қайтайликким, менда канизақлар йўқдир, уни чақирганлар хурлар эдилар. Суҳайл бугун ўлади!

Шу соатда ўлди. Бордилар, жаноза намозини ўқиб қайтдилар.

\* \* \*

Нақлдурким, бир куни Шайх газотга борди, бир кофирга учради. Бир-бирлари билан кўп курашдилар. Намоз вақти бўлди, Шайх деди:

— Менга бир соат муҳлат бергил, намоз қилайин, ундан сўнгра келаман!

Кофир унга муҳлат берди. Шайх бориб намоз қилиб, яна келди. Бир муддат уришдилар.

Энди, кофир деди:

— Менга сен ҳам муҳлат бергил, менинг ҳам қуллуқ қилар вақтим бўлди!

Шунда Шайх унга ҳам муҳлат берди. Кофир бориб, юзини бутнинг устига кўйиб, зорилик қилиб, мадад сўрарди. Шайхнинг

хотирига бу келдиким, фурсат топдим, гофил экан, унинг бошини кесаман! — деб қасд қилиб, устига бордим.

Ҳотифдан овоз эшитдимким:

— Сўзингда тургилким, қиёмат кунда сўралур!

Абдуллоҳ ибн Муборак бу овозни эшитиб, нарига бориб кўп йиғлади.

Кофир унинг йиғлаши сабабини сўради:

— Нима учун йиғларсан?

Шайх деди:

— Сени ўлдирмоққа қасд этдим! Аллоҳ менга таъна қилди: «У куфри билан аҳдини бузмади ва сен ислом динида бўлиб, нега аҳдингни бузарсан!» Шунинг учун йиғларман.

Кофир Абдуллоҳдан бу сўзни эшитгач, дилининг қулфи очилди.

— Ҳайф бўлгайким, мунингдек карамли Аллоҳни қўйиб, бутга сифингайман! — деди ва дарҳол имон келтирди, мусулмонлар қаторида хослардан бўлди.

\* \* \*

Нақлдурким, бир куни Шайх Каъбага борар экан, деди:

— Бир кўркам йиғитни кўрдим, кетар эди. Каъбага боргач, уни ҳам ўша ерда кўрдим. Ҳарамдан чиқдим. У йиғитнинг юзи саргайган.

Сўрадим:

— Эй йиғит, сенга нима бўлди?

Деди:

— Мен кофир эдим, тиладим, мусулмонлар орасига кириб, Каъбани тавоф қилсам!

Ҳотифдан овоз келдиким:

— Дўст уйига кирарсан ва кўнглингда душманлик бўлса, кирмоқ сенга равоми?

Бир бармоғини қолдирди<sup>1</sup>, имон келтирди.

<sup>1</sup> Бош бармоқ қайрилгач, қолган тўрттаси «Аллоҳ» сўзининг араб ёзувидаги шаклини англатади.



\* \* \*

Нақлдурким, Шайх бир куни Нишопур бозорини кезар эди,  
бир қулни кўрди, ялангоч, совуқдан титрарди.

Шайх деди:

– Хожанга нима учун айтмассанким, сенга кийим олиб бергай  
эди!

Қул деди:

– Хожам кўриб турар ва билур. Яна мен нима сўз айтаман?

Шайхга бу сўз бағоят хуш келиб, наъра урдиким:

– Тариқатни бу қулдан ўрганмоқ керак!

\* \* \*

Шайх Абдуллоҳ сўзларидур:

Сўрадиларким:

– Қайси хислат одамда яхши бўлур?

Деди:

– Ақл ва савлат, агар у бўлмаса, хусн ва одоб, у бўлмаса,  
хомушлик, ва агар у ҳам бўлмаса, мушфиқ қариндош, ва агар у ҳам  
бўлмаса, фожеали ўлим!

\* \* \*

– Ҳар кимда одоб йўқдур, у суннатдан, ҳар кимда суннат  
йўқдур, у фарзлардан, кимда фарзлар йўқдур, у маърифатдан  
ва ҳар кимда маърифат йўқдур, тавҳиддан маҳрумдур, албатта у  
кофирдир.

\* \* \*

– Биз одоб муҳтожимиз, илм ўрганмоқдан. Ва одоб бизнинг  
олдимизда нафсни билмоқдир.

\* \* \*

– Бир ақчани бурчи сабабли бериш юз минг танга садақа  
беришдан яхшироқдир.

\* \* \*

– Таваккал улдурким, ҳар ишни ўзидан билмагай, Аллоҳдан  
билгай!

— Аллоҳ таолога суюкли удурким, ҳар нима еса, ўз касбидан егай, ўлса кафани ҳам ўз касбидан бўлгай. Уйига, ўгил-қизига, оиласига хизмат қилмоқ, салоҳ ва роҳатда сақлаб, оч-тўқ бўлганидан хабардор бўлмоқ, газот қилмоқдан ортиқдир!

\* \* \*

— Ҳар кимнинг Холиқдан умиди бўлса, махлуқдан ҳурмат истамагай!

\* \* \*

Нақлдурким, Суфёни Саврий шайх Абдуллоҳни тушида кўрди, сўрадиким:

— Аллоҳ сенинг билан қандай муомала қилди?

Деди:

— Аллоҳ мени раҳмат қилди!

Айтдиким:

— Холинг қандай?

Деди:

— Ҳар куни элик мартаба Аллоҳнинг ҳазратига борурман!  
Аллоҳ уни раҳмат қилсин!

## СУФЁНИ САВРИЙ

У дин ва давлатнинг тожи, зуҳд ва ҳидоятнинг шами, даргоҳнинг қўриқчи уламози, боргоҳнинг қадрли эшик оғоси, даврининг ҳаракатли қутби, акобир улуги, мўминлар беги эди. Ҳаргиз халифаликни қабул қилмас, замон пешвоси, илми зоҳир, илми ботин ичида беназир, вараъ, тақво ичида бегоят, мужоҳадат ичида бениҳоят, одоб, тавозеъи беҳад ва беандоза эди. Ва улуг машойихларни кўрган.

\* \* \*

Нақлдурки, шайх Суфённинг онаси айтади:

– Бир куни том устида ўтирган эдим. Қўшни уйдан бир қисм туршак келтирдилар. Олиб оғзимга солдим. Суфён қорнимда эди, оёғи билан тепди. Яъни туршакнинг ҳалоллигига гумони бор экан.

\* \* \*

Нақлдурким, шайх Суфён бир куни масжидга чап оёғи билан кирди. Шунда бир овоз эшитдиким:

– Эй Суфён, нега ўнг оёгингни биринчи қўймадинг?

Ақли кетди, беҳуш бўлди. Қайта ҳушига келди, соқолига ёпишди, бир парчасини юлди.

Ва баъзилар айтурким, чап оёғини ичкари томон босганда овоз келдиким:

– Қачонким, бандага Аллоҳдан иноят етишди, унинг оёғини, жами аъзоларини ярамас ердан, ярамас ишдан сақлар! Энди у банданингким, зоҳир сифати бу хилда бўлса, унинг ботини қандай бўлади?

\* \* \*

Шайх Суфённинг йигирма етти йил ҳаргиз кўзига уйку келмади, кеча ва кундузда бир соат ором тутиб, ёнбошлаб ётмади.

\* \* \*

Нақлдурким, шайх Суфён айтар эди, ҳадиским, Пайгамбардан эшитгансиз, Сиз закотини чиқаринг!

Сўрадилар:

— Закоти қандай бўлади?

Деди:

— Ҳар ким, эшитганини айтмоқ, то ўзгалар эшитгай ва яна ўзи амал қилгай! Мен ҳазрат Пайгамбардан қанча ҳадис эшитдим, кучим ётгунча амал қилдим!

\* \* \*

Нақлдурки, бир куни халифанинг намоз ўқиганини кўрган Шайх деди:

— Эй халифа, бу намозинг намоз эмасдур! Қиёмат кунида бу намозингни қайтариб, юзинга урарлар!

Халифага бу сўз бағоят қаттиқ ботди, уни кўнглида сақлади. Ва сафар нияти бор эди, буюрдиким:

— Суфённи келтиринг, мен халифаман, унга адаб киритай!

Шайх Суфённи келтиришга бордилар. Шайх бир азизнинг тиззасига бош қўйиб ётар, оёқлари устида бир азиз ўтирган эди. У кишилар келиб, айтдилар:

— Аҳвол мана бундай, деб. Шайх турсин, айтайлик!

Шайх бошини кўтариб:

— Бор Худоё, Худовандо, халифани сенга ҳавола қилдим, — деб дуо қилди. Шу соат бир тўфон турди, халифа ва унинг қавмларини сел олди. У икки азизким, унда ҳозир эдилар, айтдилар:

— Дуо бунчалик тез ижобат бўлгани эшитилган ва кўрилган эмасдур!

Шайх яна дуо қилди. Барча қавм ва халифа омон бўлиб турдилар.

Шундан сўнг халифа Шайхга ихлос қўйди.

\* \* \*

Нақлдурким, шайхга бир киши икки ҳамён олтин келтирди:

— Эй Шайх, сен билурсенким, менинг отам ҳалолхўр эди. Бу олтин ундан менга мерос. Муни қабул қилиб олгил!

У кетди. Шайх у олтинни орқасидан ўгли билан юбориб, деди:  
– Мен отаси билан дўстлик қилдим.

Шайхнинг ўгли олтинни элтиб берди ва келиб деди:

– Эй ота, сенинг кўнглинг нима учун бунча қаттиқдур? Кўриб турибсанким, аёлмандман, кўлимда ва уйимда ҳеч нарсам йўқдир. Менга раҳм этмассан!

Шайх Суфён деди:

– Эй ўғлим, сен тиларсенким, мени балога қўйгайсен, аммо мандан у иш келмас.

\* \* \*

Нақлдурким, Шайхнинг бир кўшниси ўлди. Шайх унинг жанозасига борди.

Дедилар:

– Қандай бахтли киши эканким, шайх Суфёндек зот унинг жанозасини ўқиди!

Шайх уни эшитиб, деди:

– Халойиқ агар мундоқ дейишин билсам эди, ҳаргиз келмас эдим!

\* \* \*

Нақлдурким, Шайх бир куни тўнни тескари кийди.

Халойиқ деди:

– Тўнингни тўгри кийиб келгил!

Деди:

– Мен бу тўнни Аллоҳ учун кийибман, халқ учун киймадимким, ўзгартиргайман!

\* \* \*

Нақлдурким, Шайхга бир йигит деди:

– Бу йил ҳажга бора олмадим. Ҳар йили борар эдим, бу йил йўқ бўлди, – деб оҳ урар эди.

Шайх деди:

– Мен тўрт мартаба ҳаж қилибман, унинг савобини сенга берайин, сен бу, «Оҳ» урганинг савобини менга бергил!

У йигит қабул этди. Шайх айтганидек қилди.

Кечаси тушида дедилар:

– Эй шайх, кўп фойдалар қилдинг, агар у «оҳ»нинг савобини тарозига солиб тортсалар, Арафот тоғида тавоф қилганларнинг савобидан огир келар эди!

\* \* \*

Нақлдурким, Шайх нон еб ўтириб, бир бўлагини ўзига, бир бўлагини итга берар эди.

Айтдилар:

– Нима учун бундай қиларсан? Аҳли авлодинг бундай қилмас эдилар!

Деди:

– Агар итга нон берсам, эрталабгача мени қўриқлайди, ухлаб қолишдан сақлайди. Агар аҳли авлодимга нон берсам, улар мени тоат ва ибодатдан қолдирадилар!

\* \* \*

Сўрадилар:

– Таомнинг яхшиси нимадур?

Шайх деди:

– Таомнинг яхши ва ёмонида тафовут огиздан томоққа боргунчадир. Ўтди, ҳаммаси баробардир. Энди Худойи оламиёнга ҳар қандай хизмат бўлса, қилавериш керак. Тонгла қиёматда яхши хизмат ва тоатлар баробар бўлгай!

\* \* \*

Аммо шайх Суфён ҳар ерда мискин ва дарвеш бўлса, севар эди ва улар билан ўтириб, уларнинг кўнглини овлар эди.

\* \* \*

Нақлдурким, Шайх бир куни Каъба йўлида бир йигит билан йўлдош бўлди. Шайх доим йиғлар эди.

У йигит сўрадиким:

– Эй Шайх, нимадан қўрқиб йиғларсен?

Деди:

– Тўғри, ёзилган гуноҳларим кўпдир. Ҳозир хавфсираганим, бирдан ўлиб қолсам, гўрга борганимда имоним билан бораманми ёки йўқ!

\* \* \*

– Йиғламоқ ўн тариқа бўлади. Улардан тўққизи риёдур, бири Ҳақ учун! Ва агар киши ҳар йилда Ҳақ учун кўзидан бир қатра ёш чиқарса, унга басдир!

\* \* \*

– Ҳар банда яхши амал қилса, Аллоҳ уни яхшилик қаторида ёзади. Агар у киши у амали билан фахр этиб: «Мен мунингдек амал қилдим!» деса, ўчирилиб, риё девонига ёзилади!

\* \* \*

– Зоҳидлик шол кийиб, арпа нони ёйиш эмасдур, зоҳидлик шудурким, балки нафси истаганни бермасликдир!

\* \* \*

– Султонларнинг яхшироғи у бўлгайки, олимлар суҳбатига боргай. Олимлар ва фозилларнинг ярамаси удурким, беклар ва подшоҳлар суҳбатига боргай!

\* \* \*

– Аввали ибодат сукутдур, ундан сўнг талаби илмдир!

\* \* \*

– Агар гуноҳ яхши бўлганда эди, ҳеч ким бизнинг олдимизга келиб ўтирмаган бўларди!

\* \* \*

– Халқнинг азизроғи беш нафардир. Аввали у олими зоҳид бўлгай; иккинчи, қаноатли фақир, фақирлигига фахр этади; учинчи, у бойким, юзи очиқ, ўзи мард бўлгай; тўртинчи, у йўқсизким, сабр этувчи бўлгай; бешинчи, у аёлким, хаёли бўлгай!

\* \* \*

– Ҳар ким намозни ялиниб-ёлвориш билан қилмаса, намози қабул бўлмагай!

\* \* \*

— Ҳар ким ҳаромдан садақа берса, киши бир мурдор нарсани қон билан ёки сийдик билан ювгай!

\* \* \*

Бир киши сўрадики, Пайгамбар (с.а.в.) айтганларким:

— Аллоҳ душман тутар, у уйниким, унда гўшт кўп егайлар! Бу сўзга тушунмадик?

Шайх деди:

— Гўшт дегани одам гўштидир ва бировни гийбат қилмоқ одам гўштини емоқдур!

\* \* \*

— Бу замон шундоқ замон бўлдики, масалан, бир ерга бир гуруҳ халойиқ жам бўлиб ўтирганда бир одам келиб, уларга:

— Юринг, сизларни чақирарлар, бориб охират озуқасини тайёрлаймиз! — деса, ҳеч бири бормагай!

\* \* \*

— Тўрт хислат одамга кофирлик келтиради. Аввал — бир кишини гийбат қилмоқ; иккинчи — мусулмонлар молига қасд қилмоқ; Аллоҳнинг берганига рози бўлмаслик; учинчи — ҳаром мол йиғмоқ; қиёмат ҳисобидан кўрқмаслик; ҳар ким қиёматга инонмаса, кофирдир; тўртинчи — Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлмоқликдир: ҳар ким Аллоҳ раҳматидан ноумид бўлса, Уни карим ва раҳим билмаса, у ҳам кофирликдур!

\* \* \*

Нақлдурким, Шайх ўлимдан қаттиқ кўрқарди. Ҳар қачонким, ўлимни ёд қилса, ҳушидан кетар эди.

Вақтиким, ўзига келди, айтди:

— Аллоҳ олдига бормоқ машаққатдур, осон эмас!

<sup>1</sup> Тасаввуфда гийбат қилиш ёмон гуноҳ ҳисобланиб, одам гўштини ейиш билан тенглаштирилади.



\* \* \*

Ва яна айтди:

– Тайёр бўлгил, ўлим келмасдан бурун! Токи ўлим келса, озуқасиз қолмагайсан!

\* \* \*

Нақлдурким, шайх Суфён ўлим тўшагида ётганида қўйнидан бир ҳамён олтин чиқариб:

– Муни садақа қилинг! – деди.

Халойиқ айтди:

– Субҳоналлоҳ, олтин қабул қилмас эдинг, бу нима ҳолдур?

Деди:

– Бу олтин менинг динимнинг посбонидир. Шайтон менинг ишимга бундан ўтолмас эди. Ҳар вақтким, васваса қиладиган бўлса, айтар эрдиким:

– Нима ейсан ва нима киярсан?

Мен айтар эрдим:

– Мана, олтин!

Ҳар вақтким, шайтон айтар эди:

– Сенга озуқа, кийим ва кафан керак!

Мен айтар эдим:

– Мана, олтин!

Ва нафсим ҳам бир нима тиласа, айтар эдим:

– Мана, олтин!

Шу тариқа шайтоннинг васвасасига ва нафсинг йўлига кирмай, шу ерга келдим, — деди.

Азиз жонини иймон келтириб, Ҳаққа топширди. Шу кеча Шайх дунёдан ўтди, шундай овоз эшитилди:

– Парҳезгар кимса вафот этди, парҳезгар ўлди!

\* \* \*

Яна бир азиз тушида кўриб, сўради:

– Эй Суфён, гўр қоронгусида аҳволинг қандай?

Деди:

– Аллоҳ менга марҳамат қилди, жаннат эшикларидан бирини очди.

\* \* \*

Яна бир акобир ҳам уни тушида кўрдиким, жаннат боғчаларида дарахт шохидан шохига учар эди.

Сўрадиким:

— Бу мартабани нимадан топдинг?

Деди:

— Вараъ — парҳезгарликдан!

\* \* \*

Нақлдурким, Шайх бағоят шафқатлик эди, бир куни бозор ичидан ўтарида кўрдиким, бир булбул қафас ичида, қанотларин ёзиб, парвоз қилар, ёр ва ҳамроҳларини истар эди.

Шайхнинг кўнглига муҳаббат тушиб, шафқат юзидан ҳар куни у қушнинг олдига бориб, тасбеҳ айтиб ўтирар ва унинг унига қулоқ солар эди.

Шайх дунёдан ўтди, тобутини кўтариб халойиқ йиғлашар, у булбул келиб, ўзини тобутга урар, зорилик қилиб йиғлар, яъни сайрар эди.

Шайхни дафн эттилар, у булбул Шайх мазоридан ҳаргиз айрилмади. Ва доим нола билан сайрар эди. Кунлардан бир куни кўрдиларким, у булбул шайхнинг мазори устида ўлиб ётар. Уни ҳам шайхнинг ёнига дафн этдилар.

## АБУ АЛИ ШАҚИҚ БАЛХИЙ

У яхшиларнинг таваккалчиси, сирлиларнинг мутасаввуфчиси, муҳтарам устун, муҳташам қутб, тариқат аҳлининг пешвоси, замона яғонаси, бутун умрини таваккал ичида ўтказган, барча илмларда комил, кўп китоблар тасниф қилган; Ҳотам Асаммнинг устози; Иброҳим Адҳамнинг тариқини тутар, кўп машойихлар билан суҳбат қурган эди.

Ва айтар эди, минг етти юз устозга шогирдлик қилиб турарман ва қирқ туя юки китобларни ўқиганман, аммо Аллоҳ йўлини тўрт нарса ичида топдим: биринчиси, ризқ учун қайгурмаслик; иккинчиси, ҳар ишни ихлос билан қилмоқ; учинчиси, ўлимни кўз олдида ҳозир кўриб ва унинг яроғини қилмоқдур; тўртинчиси, шайтонни ўзига душман, деб билишлик!

\* \* \*

У ҳазратнинг тавбаси сабаби бу эдиким: у бир хожанинг ўгли бўлиб, савдогарлик қилар эди. Бир мартаба Кофиристон элига савдо учун борди. Унда кўчага чиқди, бутхона олдидан ўта туриб кўрдиким, бир кофир бутга сигиниб зорлик қилар, соч ва соқолини юлар эди.

Унга Шайх деди:

— Сенинг бир Аллоҳнинг бордурким, унга ҳеч завоқ йўқдир. Уни қўйиб, бу ботил ишни нимага қиласан?

Шунда у кофир жавоб бердиким:

— Агар шундай бўлса, сенга ризқни ўз шаҳрингда нима учун бермас. Эрдан элга сени кездирар?

Шақиққа бу сўз бағоят таъсир қилди. Ундан ўтиб, яна бир кофирга учради.

У кофир деди:

– Эй дарвеш, нима иш қиларсан?

Шақиқ деди:

– Савдогарлик қиларман!

Кофир деди:

– У ризқим, сенга тақдир бўлди, сенга етар! Беҳуда элдан элга кезиб, заҳмат чекарсан!

Шақиқ бу сўзни эшитди, шунда буткул дунёдан кечди. Қайтиб яна Балхга келди. Дўстлари эшитиб, йигилиб келдилар. Шақиқ бағоят саховатпеша, йигитлар билан суҳбат тутиб, турлик неъматлардан зиёфат қилар эди.

Ва Балх шаҳрида бир амир бўлиб, унинг оти Али ибн Исо, унинг бир ити бор эди. У ит йўқолди.

Шақиқнинг қўшнисини кўролмаганидан итни у йўқотди, дедилар!

Шунда бир киши келиб, Шақиқнинг қўшнисига қаттиқ азоб берди. У қўшни турли йўллар билан жазоловчидан қочиб, Шақиқ олдига келди.

Шақиқ амир олдига бориб, деди:

– Менга уч кун муҳлат беринг, итингизни сизга топиб берайин!

Қўшнисини халос қилди. Ундан сўнг Шақиқ бағоят маълул бўлдики, мен нима учун бу ишни қабул қилдим?

Ожиз бўлиб, қайгуга чўмди.

Учинчи куни бир киши бир итнинг бўйнига ип боғлаб олиб келди ва суюнчи умидида эканини айтди. Уни кўриб, Шақиқ бағоят севинди, итни олиб амир олдига олиб борди. Ваъдасига содиқ бўлиб, ундан қутулди.

Шу иш ҳам сабаб бўлиб, дунёдан буткул узилди, Ҳаққа юзланди. Уйига кириб, ибодатга машғул бўлди.

\* \* \*

Балх шаҳрида шундай қаҳатчилик бўлдимки, одамлар бир-бирининг гўштини ер, халойиқ тирикчилик танглигидан кўп ожиз эди. Шу ҳолда, кунларнинг бирида Шақиқ шаҳардан ташқарида кезиб юриб, бир қул ўғлонни кўрди, у бағоят шодмон эди.

Айтдилар:

— Эй, ўғлон, барча халойиқ қаҳатчиликдан қайғуга тушганда, сен нега шодмонсан?

Ўғлон деди:

— Менга қаҳатчиликдан нима гам?! Хожамнинг омбор-омбор тўла бугдойлари ётибди!

Шақиқ ўғлондан бу сўзни эшитиб, деди:

— Худовандо, бир қулбачча хожасининг бугдойи кўплигидан мунча бепарво ва шодмон бўлса, менга бу нима гамдур? Сенингдек бой подшоҳким, шоҳлар подшоҳи ва Парвардигорим бор экан, ризқ учун мунча қайғураармиз?

Мана шу воқеа сабаб, Шақиқ яна бир бор дунёдан кечди, дунёни тарк этиб, энди чин кўнгилдан тавба қилиб, қайтиб ҳаргиз ризқ гамини емади ва таваккул ичида камолга етди.

Ва ҳамиша айтар эди:

— Бир қул ўғлон шогирдиман, ҳар нима топдим, ундан топдим!

\* \* \*

Нақлдурким, шайх Шақиқ бир куни ваъз айтар чоғда «кофир лашкари келяпти», деган овоза тарқалди. Шақиқи Балхий югуриб ташқари чиқди, у замон кофир лашкари сафи бузилди. У қайтиб уйига келди. Бир муриди унга бир даста гул келтирди. У гулни олиб ҳидлади.

Бир киши деди:

— Имом киши гул ҳидларми?

Шайх деди:

— Мунофиқлар гул ҳидлаганни кўрар, кофир лашкари бузилганини кўрмасми?

\* \* \*

Нақлдурким, Шайх бир куни Самарқанд шаҳрида ваъз айтарди:

— Эй мусулмонлар, агар катта ёшда бўлсангизлар, қабристонга, агар ўғлон бўлсанглар, мактабга боринглар. Ва агар қул бўлсанглар, қуллик шартини жойига келтиринглар!

Шунда бир киши деди:

– Эй Шақиқ, халқ сени оч ва қашшоқ, емакка нарсаси йўқ, меҳнат қилмас, дерлар. Кел, мен сенга молимдан ҳисса тайинлай, егил!

Шайх деди:

– Агар сенда беш айб бўлмаса, сўзингни қабул қилар эдим!

У киши сўради:

– Бу беш айб қайсилардур?

Шайх деди:

– Аввали шуким, хазинанг камаяди; иккинчи, эҳтимоли бордурким, молингни ўғри олгай; учинчи, шояд пушаймон бўлгайсан; тўртинчи, агар менда бир айб кўрсанг, эҳтимоли борким, у айбни мендан кечирмагайсан; бешинчи, агар сен ўлсанг, мен йўқсиз ғариб бандаман, шоядким ворисинг даъво қилгай! Менинг бир Парвардигорим бордур, барча айблардан пок ва софдир, Уни кўйиб, нега сенга бўйин эгишим керак?

\* \* \*

Нақлдурким, Шайх Ҳажга чиқиб, Бағдодга етди. Ҳорун ар-Рашид уни олдига чақириб, деди:

– Шақиқ деган зоҳид сенмисан?

Шайх деди:

– Шақиқ дегани менман, аммо зоҳидлик менда йўқдур!

Халифа деди:

– Менга ўгит бергил!

Шайх айтди:

– Эй халифа, Аллоҳ сени ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ ўрнига қўйди, сендан сиддиқлик истар! Чунким, буни ундан ҳам истади!

Ва ҳам сени ҳазрати Умар ўрнига қўйди, сендан одиллик истар! Чунким, буни ундан ҳам истади!

Ва ҳам сени Усмон ўрнига қўйди, сендан ҳаё истар! Чунки буни ундан ҳам истади!

Ва ҳам сенга ҳазрати Али мақомидан жой берди, сендан илм истар! Чунким, буни ундан ҳам истаган!

Халифа яна деди:

– Бундан ҳам кўпроқ ва зиёдароқ насиҳат қилгил!

Шайх деди:

– Эй халифа, Ҳақнинг бир саройи бордур. Уни дўзах дерлар. Сени унинг дарвозабони қилди. Ва сенга уч нарса бердиким, халойиқни бу уч нарса билан дўзахдан қутқаргайсан! Буларнинг биринчиси қилич, иккинчиси қамчи, учинчи байтулмол. Ҳар ким ноҳақ бировни ўлдирса, сен ҳам уни ўлдиргайсан! Ва ҳар ким, Аллоҳ амрига бўйин эгмаса, уни қамчи билан ургаёсан! Ҳар ким ҳожат билан сенга келса, сен ундан байтулмолни дариг тутмаёсан!

Халифа деди:

– Яна насиҳатни давом эттиргил!

Шайх деди:

– Агар чўлда зиёда сувсасанг, ҳеч ердан сув топмасанг, бир ичим сувни нимага оласан?

Халифа деди:

– Подшоҳлигим билан мамлакатнинг ярмини берарман!

Шайх деди:

– Бунга ҳам бермаса нима қиласан?

Халифа деди:

– Бутун мулк, молимни ва мамлакатни берарман!

Шайх деди:

– Бу подшоҳлик ва мамлакатга нега фахр этасанким, барчаси бир ичим сувга арзимас бўлса?

Халифа бу сўзни эшитиб, шунда беҳуш бўлди ва кўп йиғлади. Шайхни бағоят иззат-ҳурмат қилиб кузатди.

\* \* \*

Шайх Каъбада Иброҳимга учради:

– Эй, Адҳам ўғли! Бу дунёда қандай яшайсан? – деб сўради.

Деди:

– Агар қўлимга бирор нарса кирса, унга шуқр этарман. Ва агар ҳеч нарса кирмаса, сабр этиб, оч юрарман!

Иброҳим деди:

– Сен қандай яшайсан?

Шайх деди:

— Менинг қўлимга нарса кирса, эҳсон қиламан! Агар нарса кирмаса, шуқр этарман!

Иброҳим турди, бошидан ўпди:

— Менинг устозим сенсан! — деди.

\* \* \*

Нақлдурким, бир куни бир қария Шайхга деди:

— Кўп гуноҳ қилдим, энди тавба қилмоқчиман!

Шайх деди:

— Нега кеч келдинг?

У қария деди:

— Кеч эмас, эрта келдим. Шунинг учунки, эшитганман, ҳар банда ўлмасдан бурун тавба қилса, тез тавба қилган бўлади!

Шайх деди:

— Яхши ва рост айтдинг, хуш келдинг!

\* \* \*

Шайх айтади, мен тушимда кўрдим, ҳар ким Аллоҳ берадиган ризқ учун ёлғиз Аллоҳнинг ўзига таваккал эътиқод қилса, унинг ризқи кенг, хулқи яхши, намозда шайтон васвасасидан омон бўлади!

\* \* \*

— Ҳар ким мусибат ичида сабр қилмасдан дод солиб йиғласа, қўлига найза олиб, гўё Аллоҳ билан уришган бўлади.

\* \* \*

— Ибодат ун бўлакдир. Тўққизи халқдан қочмоқ, бир бўлаги эса сукут сақлашдир!

\* \* \*

— Халқнинг ҳалокатта йўлиқиши уч нарсадан: аввали гуноҳ қилур, тавба умидида; иккинчи, тавба қилмас, тириклик умидида; учинчи, тавба қилмас, раҳмат умидида! Бас, мунигдек киши қачон тавба қилур!

\* \* \*

— Тоат аҳли ўлса тирилади, гуноҳ аҳли тириклигида ўликдир!



\* \* \*

— Дунёда менинг меҳмондан яхши дўстим йўқдир. Шунинг учунки, ризқи билан ҳақи Аллоҳдандир. Мен орада ҳеч ҳисобда йўқман!

\* \* \*

— Ҳар ким бой экан, йўқсиз бўлса, у кишига йўқлиги хуш кўринмайди. Яна бой бўлсам, деб ҳаракат қилади. У киши на дунёда роҳат кўргай, на охирагда!

\* \* \*

— Ҳар ким йўқсилликни борликдан ортиқ кўриб, шукр этса, у киши охирага подшоҳи бўлур!

\* \* \*

— Аллоҳ хосларининг нишони удурким, дунёнинг на келганига севингай ва на кетганига хафа бўлгай!

\* \* \*

Шайхдан сўрадилар:

— Оқил кимдур, зийрак кимдур, бой кимдур, йўқсиз кимдур ва бахил кимдур?

— Оқил удурким, дунёни севмагай; зийрак удурким, дунёга алданмагай; бой удурким, Аллоҳнинг ҳар берганига рози бўлади; йўқсиз удурким, кўнгли бой бўлгай ва дунёлигини орттиришни истамагай; бахил удурким, Аллоҳ берган неъматларни Аллоҳ бандаларидан қизғонади!

\* \* \*

Ҳотам Асамм айтур:

Шайхга айтдим:

— Менга ўғит бергилким, ундан нажот аҳли бўлгайман!

Деди:

— Тилингни сақлагил, то икки дунёда омон бўлгайсан!

Аллоҳ таоло раҳмат қилсин!

## АБУ ХАНИФА КУФИЙ

У кишининг сифатиким, барча тилларда сифати ўқилади, маъзаб ва миллат шамчироғи, дину давлат шами, дақиқ ҳақиқатлар асоси, илму ирфон ҳужжати, жавоҳирлар уммони, Саййид ал-мурсалин уммат пешвоси, борлиғу макон билимдони, замон омонатдори, жаҳон имоми, сўфи олим, жумла миллат ичида мақбул, фаришталар орасида маҳбуб бўлмай, унинг васфини киши қандай қила олмай? Унинг риёзат, мужоҳадат, мушоҳадат, хилват ва суҳбатларининг ниҳояти йўқдур! У тариқат усули, шариат майдони ичида бир даражага етганки, ҳеч фасих тил уни баён қила билмас! Кўп машойихлар суҳбатини кўрган, имом Жаъфари Содиқ билан кўп суҳбат қилган, унинг илмда устоди Фузайл, Иброҳим Адҳам, Башир Ҳофий, Довуд Тоий унинг дўстларидур.

\* \* \*

Нақлдурким, имом Абу Ханифа Куфий бир мартаба Пайгамбар равзасига келиб, айтди:

– Ассалому алайка, эй саййид ал-мурсалин!

Овоз эшитдиким:

– Ва алайкум ассалом, эй имом ал-мурсалин!

\* \* \*

У вақтда узлат ҳавас қилиб, хилватга кирди, халқдан четлашди ва шол кийди. Бир кеча тушида кўрдиким, Пайгамбар қабрларидан муборак сўнгаklarини йиғарлар ва у сўнгаklarни бир-биридан жудо қилурлар эди. Бу тушнинг ҳайбатидан кўрқиб уйгондилар ва Ибн Сириннинг шогирдларидан таъбирини сўрадилар.

Айтдилар:

– Таъбири будирким, илму амал ичида Расулуллоҳ суннатлари орасида улуг мартабага етишасан!

\* \* \*

Яна бир сафар Расулуллоҳни тушида кўрди.

Айтдилар:

– Эй Абу Ҳанифа, сени менинг умматим салоҳияти учун юборибдурлар. Узлат этмагил, ошкора бўлгил!

\* \* \*

Нақлдурким, халифа машҳар кўркуви сабабли барча олимларни йигиб, акобирларни келтирди ва мол-мулкларини бўлиб беришни истади. Шаббий Абу Ҳанифанинг устози, қарилик ёшига етиб, қозилик қилар эди. Бас, халифа буюрди, мулк учун маълумотнома ёздилар ва қозига бериб юбордиларким, қози унга гувоҳлик ёзиб, барча олимларни гувоҳ сифатида битди. Абу Ҳанифага элтдилар. Халифа парда ортида ўтирган эди.

Абу Ҳанифа деди:

– Халифани кўрмасдан, имзо чекиш дуруст эмас!

У кишига дедилар:

– Ҳамма олимлар гувоҳлик ёздилар, бу нима эзмаликким, сен талаб қиласан?

Халифа буларни сўзларини эшитиб, қозидан сўради:

– Гувоҳликда кўриш шарт бўладими?

Деди:

– Шарт бўлади!

Халифа айтди:

– Унда, сен нимага кўрмасдан ёздинг?

Айтди:

– Мен билардимким, сен иқрор қилибдурсан ва ҳам сени ҳозир қилиб келтирмоқни адабдан кўрмадим!

Халифа айтди:

– Ноҳақ қилгансан, қозиликка Абу Ҳанифа лойиқдур!

\* \* \*

Нақлдурким, Бағдод халифаси Мансур бирор адолатли кишига қозиликни топширишни ўйлаб юрарди. Вазирлари билан кенгашганда, улар Бағдодда тўрт нафар киши борлиги, мана шу тўрттасидан ўзгалари қозиликка лойиқ эмаслигини билдирдилар.

Халифа уларнинг кимлигини сўради. Улар Абу Ҳанифа Куфий, Суфён, Мишғар ва Шурайх эканини айтдилар. Халифа уларни келтиришни буюрди.

Тўртови йўлда келаркан, имом Абу Ҳанифа:

– Ушбу қозиликдан қандай қутиламиз? – деди.

Суфён деди:

– Сиз билурсиз!

Абу Ҳанифа деди:

– Мен бир ҳийла қилурман, Суфён қочсин, Мишғар ўзини жинниликка солсин, Шурайх эса қози бўлсин!

Бас, Суфён қочиб, кемага кирди:

– Мени ўлдирмоққа элтурлар эди, қочдим!

Бу ёлгон эмас, Пайгамбар айтибдурлар:

– Ҳар ким қози бўлса, пичоқсиз бўғизланур!

Кемачи Суфённи яширди.

Учови халифа Мансур олдига бордилар. Халифа Абу Ҳанифага айтди:

– Қозиликни ихтиёр қил, сени қози қиламиз!

Абу Ҳанифа айтди:

– Мен бир беҳуш кишиман, ҳар соатда неча ҳолга тушаман.

Фуқаролар мени ҳақламамас!

Бу сўз билан у қутилди.

Ва Мишғар югуриб келиб, халифанинг қўлини тутди ва айтди:

– Қалайсан, соғ ва саломат бормисан, туяларинг, ўғлон ва майда болаларинг қандай?

Мансурга бу сўз ҳуш келмади, буюрди:

– Буни чиқариб юборинг, бу жинни, шекилли!

Сўнг Шурайхни келтиришни буюрди. Шурайхни дарҳол олиб кирдилар. Халифа деди:

– Сени қози қиламиз!

Шурайх деди:

– Қозиликка оқил киши даркор. Менинг димогимда ҳалаллик бор, саломат эмасман!

Халифа деди:

— Ҳақимлар сенга муолажа қилсинлар, то ақлинг баркамол бўлсин!

Бунга Шурайх сўз топмади. Қозиликни унга бердилар.

\* \* \*

Нақлдурким, Абу Ҳанифанинг бир кишидан оладиган маблағи бор эди. У кишининг маҳалласида эса имомнинг бир шогирди бўлиб, у дунёдан ўтди. Имом унинг жанозасига борганида, кун иссиқ бўлса-да, қарзи бор кишининг девори соясида ўтирмади.

Айтди:

— Ҳар бир қарз фойдани ўзига тортса, у рибодир! Яъни кишининг девори соясида ўтирсам, рибо бўлади, бу ҳаромдир!

\* \* \*

Нақлдурким, имом Абу Ҳанифа ҳар кеча уч юз ракаат намоз ўқир эди. Бир куни йўлда бир аёл уни кўриб, шеригига деди:

— Бу бораётган киши ҳар кеча беш юз ракаат намоз ўқийди.

Кечаси уч юз ракаат намоз ўқиганидан сўнг ушбу аёлнинг сўзи эсига тушиб, яна икки юз ракаат ўқиди, қиёмат куни Худо даргоҳида уни ёлгончи қилмай, деб ва ҳар кеча беш юз ракаат ўқишни одат қилдилар.

Яна бир куни кетаётиб, бир боланинг ўзи ҳақидаги:

— Бу киши ҳар кечада минг ракаат намоз ўқир эканлар, — деган таърифни эшитди.

Уйига келди, шу кеча беш юз ракаат намоз ўқиганидан сўнг ўша боланинг сўзи эсига келиб:

— Худоё, Худовандо! Одамлар мени қаттиқ зоҳид деб гумон қиладилар. Менда уларнинг айтганларига мувофиқ келадиган амал йўқ. Тонгла қиёматда уларни сенинг даргоҳингда қандай ёлгончи қиламан? Илоҳи, уларни ҳам ёлгончи қилмагайсан, мени вали дўстларинг қаторига киритгайсан. Энди минг ракаат намоз ўқимасам, риё аҳлидан бўлиб қоламан, — деб шу кечадан бошлаб минг ракаат намоз ўқийдиган бўлди.

Имомга бир шогирди бир куни деди:

— Халқ айтур, имом кечалари ҳаргиз ухламас!

Бас, имом, ажабдур, деб кўйди ва ҳолим қандай бўлди, энди бундан буёғига ухламаслигим керак экан, деди ва халқнинг гапи ёлгон бўлмасин, деб ундан сўнг ҳаргиз ухламади.

Ўттиз йил хуфтан намозининг таҳорати билан бомдод намозини ўқиди. Имомнинг икки тиззалари кўп намоз ўқигани сабабли туянинг тиззалари каби бўлиб кетганди.

\* \* \*

Нақлдурким, имом Абу Ҳанифа бир бойга тавозеъ қилди. Сўнгра кўп пушаймон бўлиб, кафорати учун минг мартаба «Қуръон»ни хатм қилди. Қачонким, бир мушқул масала чиқиб қолса, минг мартаба хатми «Қуръон» қилар ва у масала унга кашф бўлар эди.

\* \* \*

Довуд Тоий йигирма йил ҳазрат Имомга шогирдлик қилди. Айтар эди, ушбу йигирма йил орасида бир кун оёқ узатганини кўрмадим.

Бир куни хилват ичида айтдим:

– Эй мусулмонлар имоми, ҳеч бўлмаса, хилватда оёқларингизни узатиб, роҳат олсангиз, бўлмайдими?

Имом айтдиким:

– Адаб сақламоқ барча тоатдан ортиқдир!

\* \* \*

Нақлдурким, бир куни Имом йўлда кўрдиким, бир ўғлон балчиққа ботиб турарди.

Деди:

– Эй ўғлон, хабардор бўлгин, йиқилмагайсан!

Ўғлон деди:

– Эй мусулмонлар имоми, мен кўрқмасман. Агар йиқилсам, ёлғиз ўзим йиқиламан. Аммо сен хабардор бўлгилким, агар сен йиқилсанг, тамоми мусулмонлар йиқилур!

Имом бу ўғлоннинг зийраклигига қойил қолди ва бу сўзни менга ўғлон эмас, ҳол тили айтди, деди.

\* \* \*

Нақлдурким, бир бой хожа амир ал-муъминин Усмонни ёмон кўрар, уни жуҳуд дер эди. Имом эшитиб, ул бойни чақиртириб, деди:

– Қизингни фалон жуҳудга никоҳлаб берайлик!

Бой айтди:

– Мусулмоннинг қизини жуҳудга бермоқни қандай раво кўрасиз?

Имом айтди:

– Бас, сен қандай раво кўрарсан, Муҳаммад Мустафо икки қизларини жуҳудга бергайлар?

У киши хатосини англади, дарҳол тавба ва истиғфор қилиб, янгидан калима айтиб, мусулмон бўлди.

\* \* \*

Нақлдурким, бир куни Имом кўчадан кетаётса, қаршидан бир хўкиз келди, унга йўл берди.

Сўрадилар:

– Эй имом, нимага мундоқ қилдингиз?

Имом айтди:

– Менинг ақлим, унинг эса шохи бордур!

\* \* \*

Нақлдурким, Имом бир куни ариқ бўйида ўтириб, устига сачраган майда-майда нажосатларни ювар эди.

Сўрадилар:

– Эй Имом, ўзингиз буюурсизким, нажосат танга миқдорида бўлса, ювинглар. Оз бўлса, ювмоқ ҳожат эмас, деб. – Ҳозир эса, нажосат оз бўлса-да, нима учун юварсиз?

Имом дедилар:

– У фатво эди, бу эса тақводир!

\* \* \*

Нақлдурким, халифа бир кеча Малак ул-мавт — ўлим фариштаси унинг олдига келганини тушида кўрди. Ундан неча йил умри қолганини сўради. Ўлим фариштаси беш бармоғини кўрсатди.

Халифа уйкудан уйғониб, хафа бўлди ва ё Раб, беш бармоқнинг кўрсатилгани нима бўлди экан, деди. Туш таъбирини билиш мақсадида кўп кишиларни чақириб сўради. Ҳеч ким билмади. Бас, Имомни келтирдилар.

Имом деди:

– Беш бармоқни кўрсатгани маъноси шуким, беш нарсани Аллоҳдан ўзга киши билмас!

Халифа сўради:

– У беш нарсани нимадир?

Имом деди:

– Биринчиси, қиёмат қачон бўлур; иккинчи, ёмғир қачон ёғур; учинчи, она қорнида ўғил ёки қиз эканини; тўртинчи, инсонга нима нарсани тақдир қилинишини; бешинчи, инсон қачон ва қаерда ўлар, киши билмас!

Бу беш нарсани билмоқ Худога хос бўлиб, бу ҳақда Аллоҳ «Қуръон»да хабар берган:

«Дарҳақиқат, Аллоҳнинг ҳузурдаги қиёмат (қачон бўлиши тўғрисида) билим бордир. У (хоҳлаганича) ёмғир ёғдирур ва бачадонлардаги нарсани (ҳомилани) билур. Бирор жон эртага нима қилишини билмас. Бирор жон қаерда ўлишини ҳам билмас. Албатта Аллоҳ (ҳамма нарсани) билувчи ва хабардор зотдир».<sup>1</sup>

\* \* \*

Шайх Абу Али айтур:

– Мен Маккада эдим, бир кеча туш кўрдим. Пайғамбар (с.а.в.) Каъбага кириб келдилар ва бир инсонни қучоқлаб, ўпиб, унга кўп илтифотлар кўрсатдилар. Мен у зотдан бу инсоннинг кимлигини сўрашга журъат қилдим. Расулulloҳ менга бунинг Абу Ҳанифа эканини айтдилар.

\* \* \*

Нақлдурким, имом Навфал ибн Ҳайён айтади, имом Абу Ҳанифа вафотидан сўнг тушимда қиёмат қоим бўлибди. Пайғамбар (с.а.в.) кавсар булоғи қиргоғида турибдилар. Одамлар бирин-

<sup>1</sup> Луқмон сураси, 34-оят.



кетин Пайгамбар (с.а.в.) олдиларига келиб кетмоқдалар. Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ, ҳазрати Умар, ҳазрати Усмон, ҳазрати Али у зоти шарифнинг ёнларида турибдилар. Имом Абу Ҳанифа эса сув улашмоқда экан. Мен бориб сув сўрадим.

У:

— Пайгамбар (с.а.в.)дан сўрай, агар рухсат берсалар, сув бераман, — деди. Расулulloҳ ўз қўллари билан менга сув бердилар. Мен шу ердаги чолни сўрадим, унинг Иброҳим пайгамбар эканини айтдилар.

\* \* \*

Яҳё ибн Муоз айтади:

— Ҳазрати Пайгамбар (с.а.в.)ни тушимда кўрдим, у зот мендан:  
— Талабинг қаердан? — деб сўрадилар.  
— Мен имом Абу Ҳанифа илмидан эканини билдирдим.  
Ҳазрати Пайгамбар (с.а.в.) уч марта имом Абу Ҳанифага, умматимнинг чироғи, деганлар.

\* \* \*

Энди у кишининг таъриф қилувчиси Пайгамбар (с.а.в.) бўлгай, унинг таърифини мен қандай қила оламан?

Бироқ, бу ерда унинг маноқибидан табаррук юзасидан озгина зикр қилдик. Аллоҳ имом Абу Ҳанифани ўз раҳматига олган бўлсин!

## ИМОМ ШОФИЪИЙ

Уни шарҳ этмоққа эҳтиёж йўқ, зотан, олам унинг таърифи билан тўладир. У Пайгамбар (с.а.в.) хонадонларидандир. Унинг фазилат ва сифатлари бениҳоя бўлиб, мен унинг васфини қандай қила оламан?

У шариат ва тариқат султони, маърифат ва ҳақиқат бурҳони, илоҳий сирлар муфтийси, туганмас нурлар мужоҳиди, Пайгамбар салаллоху алайҳи васаллам амакиларининг ўгли, нубувват дарахтининг бутоғи, рисолат дарахтининг меваси, фаросат ичида ягона, мурувват ва футувват ичида беназир, саховат оламида машҳур эди. У вақтнинг энг олими, асрнинг энг фозили, имомлар ҳужжати, уламо пешвоси, дўстлар муршиди, аҳбоблар кўз қорачиги, Қурайш хулосаси ҳамда риёзату каромат ичида ҳаммадан илгари. Агар уларнинг барча тавсифларини ёзадиган бўлсак, бу китобга сигмайди.

Ўн уч йил мобайнида Ҳарам ичида ўтирди ва одамларнинг сўровларига жавоб бериб, фатво берди.

– Нимани хоҳласангиз, сўранглар! – дерди.

Ўн беш ёшида фатво ёзди. Имом Аҳмад ибн Ҳанбал жаҳоннинг имоми эди, уч юз минг ҳадисни ёд биларди. Шунча илми билан бирга у имом Шофиъийга келиб шогирд тушди. Унинг калишини кўтариб юрарди.

Одамлар, Аҳмад Ҳанбал оқ соқоли билан келиб, бир ёш ўғлонга шогирд бўлибди, дерди.

У ҳадис матнини ёддан айтар, имом Шофиъий эса унинг маъносини тушунтириб берарди.

\* \* \*

Аҳмад Ҳанбал айтар эдиларким, фикҳ эшиги ёпиқ эди. Аллох иноят қилиб, ёпиқ эшикни очиш учун имом Шофиъийни юборди.

Имом Шофиъий тўрт илмда комил эди: фикҳ илми, маоний илми, ахлоқ илми ва луғат илми.

Ҳазрати Рисолатпаноҳ, ҳар юз йилда дунёга бир киши келгайким, менинг динимни тоза қилгай, деб марҳамат қилганлар.

Аввалги юз йил бошида Умар ибн Абдулазиз келди, иккинчи юз йил ичида имом Шофиъий келди.

\* \* \*

Айтадиларким, агар Шофиъийнинг ақлини барча халойиқнинг ақли билан баробар қилур бўлсалар, унинг ақли зиёда келарди.

\* \* \*

Билоли Хос айтади, мен Хизрдан имом Шофиъий ҳақида сўрадим. У имом Шофиъийни кутблардандур, деди. Имом Шофиъий ўғлонли пайтида ҳаргиз бозорларга борган, дўконларни айланган эмас.

Ҳамиша бир бурчақда ўтириб, тафаккурга бериларди. Кўп вақтлар тўғрисиўз воизлар суҳбатларига борган, тасаввуфда барча халқдан устун эди.

\* \* \*

Абдуллоҳ Ансорий айтади, мен Шофиъий мазҳабида эмасман, аммо Шофиъийни зиёда севарман!

\* \* \*

Нақлдурким, имом Шофиъий айтади:

— Бир кеча Пайгамбар (с.а.в)ни тушимда кўрдим. У зот менга:

— Сен кимсан ва нима иш қиласан? — дедилар.

Мен:

— Ҳамиша Сизнинг йўлингиздаман, — дедим.

У зот мени олдига чорладилар ва оғзимни очишимни буюрдилар. Мен у зотнинг олдиларига келиб оғзимни очдим. У зот оғзимга туфладилар ва:

— Энди боравер! Сенинг ишинг тамом бўлди, — дедилар.

Яна шу кеча ҳазрати Алини тушимда кўрдим. У менинг бармоғимга узук тақиб:

— Пайгамбар (с.а.в.)нинг илми ва менинг илмим сенга муборак бўлсин! — деди.

\* \* \*

Нақлдурким, имом Шофиъий онасининг оти Ҳошима бўлиб, ниҳоят даражада зоҳида эди. Ҳар ким омонат топшириб, қайтариб оларди. Бир кун икки киши кўп мол келтириб, омонат қўйдилар ва:

— Ҳар вақт икковимиз ҳамроҳ келсак, бу омонатни бергайсиз. Йўқ эса, бермагайсиз, — дейишди.

Имомнинг онаси қабул қилди. Орадан кўп муддатлар ўтиб, у шартни унутди. Икки кишидан бири келиб, қўйилган омонатни олиб кетди. Бир неча кундан сўнг кейингиси омонатни сўраб келди. Зоҳида уни шериги олиб кетганини билдирди. Бу кимса уни қабул қилмади ва қозига арз қилди. Қози аёлни зиндонга солди.

Имом Шофиъий ёш бола эди, мактабдан келиб, онасини топмади. Воқеани эшитиб, зиндонга борди. Онасининг йиғлаб ўтирганини кўрди.

— Бу қандай ҳол? — деб сўради.

Онаси воқеани гапириб берди. Имом Шофиъий:

— Бунинг учун йиғламанг? Унинг иложи бор! — деди.

Омонат эгаси ҳам шу ерда эди, унга имом Шофиъий:

— Сизнинг шартингиз икки шерик биргаликда келмагунча омонат берилмаслиги эдими? — деди.

Киши тасдиқ ишорасини қилди.

Шофиъий деди:

— Омонат биздадур! Икковингиз бирга келинг, берурмиз!

Омонат эгаси ҳайрон бўлди. Қози ҳам ўғлоннинг зийраклигига таажжуб қолди. Онаси зиндондан чиқди. Омонат эгаси кетди, қайтиб келмади.

\* \* \*

Имом Шофиъий Молики Динор олдига келди, ундан илм ўқирди. Молик етмиш яшар, Шофиъий ҳануз бола. Устози эшиги олдида ўтирар, ҳар қачон бир мушкул масала юзага келса, ундан сўрар эди. Шофиъий жавоб берарди.

Устози, ҳар нима Шофиъий айтур, у рост ва ҳаммага мақбул бўлар, деб фахр этарди.

\* \* \*

Нақлдуким, халифа Ҳорун ар-Рашид хотини Зубайда билан ўтирган эди. У деди:

— Эй халифа, сен жаннатимисан ёки дўзахий?

Халифа деди:

— Агар мен жаннати бўлмасам, сен уч талоқсан?

Хотин деди:

— Энди, мен сиздан талоқ бўлдим!

Халифанинг жонига ўт тушди, чунким, у хотинини бағоят севар эди. Буюрдиким, Бағдод шаҳридаги барча уламо ва имомларни ҳозир қилдилар. Бу масалани улардан сўрадилар, ҳеч бири жавоб бера билмади. Бир ҳафтагача кўп изландилар, топа олмадилар. Еттинчи куни бир ўғлон келиб, халифага деди:

— Мен бу масаланинг жавобини осон қилайин!

Халойиқ у сўзга таажжуб қилдилар. Ва айтдилар:

— Мунча уламо ва имомлар жавоб бера билмади, бу ўғлон қандай жавоб бергай?

Халифа деди:

— Жавоб бергил!

Ўғлон деди:

— Сен менга муҳтождурмисан ё мен сенга муҳтождурманми?

Халифа деди:

— Илм бобида ҳозир мен сенга муҳтождурман!

Ўғлон деди:

— Агар сен менга муҳтож бўлсанг, тахтингдан тушгил ва уни менга бергил! Мен ўлтириб, нима сўрасанг жавобингни берурман! Илмнинг одоби шундай!

Халифа тахтдан тушиб, пастда ўтирди, ўғлон тахтга чиқди. Халойиқ мунга кўриб, даҳшатга тушди.

Ўғлон деди:

— Эй халифа, мен энди сендан бир сўз сўрарман. Рост жавоб бергил!

Халифа деди:

– Сўрагил!

Ўғлон деди:

– Эй халифа, ҳеч гуноҳга қасд этиб, яна Аллоҳдан кўрқиб ул гуноҳни тарк этганинг борми?

Халифа деди:

– Йигитлик вақтимда бир аёлга ошиқ бўлиб, уни бағоят кўнглим севди. Тамом такаллуфот билан уни хилватда топдим. У ҳам менга ошиқ эди. Мақсадни ҳосил қилиш вақтида Аллоҳнинг кўрқуви ичимга тушди. Дарҳол уни қўйиб, йўлимга кетдим.

Ўғлон деди:

– Шу сўзингда содиқмисан?

Халифа деди:

– Валлоҳ, ростдурман!

Ўғлон деди:

– Ундай бўлса, мен ҳукм этдим, сен жаннатийсан! Хотининг ҳам талоқ бўлмас!

Олимлар деди:

– Бу масалани қайси китобдан олдинг, далилинг борми?

Ўғлон деди:

– Бордур ва бу оятнинг ҳукми билан айтаяпман:

“Аммо, ҳар кимки Парвардигорининг (ҳузурда) туриши (ва ҳисобот бериши) дан кўрққан ва нафсини ҳаволанишдан қайтарган бўлса, бас, фақат жаннатгина (унга) макон бўлур».<sup>1</sup>

У олимларнинг барчаси бу сўзни эшитиб, имом Шофиъийнинг оёғига юзларини суртиб, айтдилар:

– Бу ўғлон ёшлигида мунча фазл ва фаросати бордур, улгайганида, ким билсин, қандай бўлар экан?

Бас, халифа имом Шофиъийни бағоят хуш кўрди, бениҳоят инъом ва шоҳона сарупой билан сарафроз қилди.

Имом Шофиъий барчасини дарвешларга улаштириб берди<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Нозиот сураси, 40-41-оятлар.

<sup>2</sup> Мазкур ҳикоят Марказий Осиёда имом Аъзам Абу Ҳанифа номи билан боғлиқ равишда талқин қилинади. Чунончи, бундай вариант билан мутасаввуф шоир Сулаймон Боқиргоний ҳам асар битган эди.

\* \* \*

Нақлдурким, Имом бир куни дарс бериш жараёнида ўрнидан қирқ мартаба туриб ўтирди.

Сўрадилар:

– Бу туриб, ўтирмогингизга сабаб нимадур?

Деди:

– Алавий болалар ўйнаб юрган эди. Ҳар қачон уларга кўзим тушганда, ҳурмат учун ўрнимдан турардим. Ҳар ким Пайгамбар (с.а.в.)нинг наслини кўриб ҳурмат қилмаса, ул зотни шафоатидан маҳрум бўлур!

\* \* \*

Нақлдурким, Имом йигитлик пайтида Маккада яшар, ниҳоят даражада йўқсил, ҳеч нарсаси йўқ эди. Бир куни уни кечаси ҳарамда ой ёғдусида китоб ўқиётганини кўрдилар:

– Каъба ичида шам ёнар, нимага у ерда ўқимассиз?

Деди:

– Менинг у ерга бориб китоб мутолаа қилишга ҳаддим йўқ!

\* \* \*

Нақлдурким, бир куни Маккада мужовирларга мол келтириб улашдилар. Имомга ҳам бердилар.

Имом деди:

– Бу молларни кимларга улашарсиз?

Дедилар:

– Тақводорларга!

Дарҳол олган тангасини қайтиб берди ва деди:

– Мен тақводор эмасман!

\* \* \*

Нақлдурким, Ҳорун ар-Рашидга Румдан ҳар йили хирож келар эди. Бир йили келмади. Рум аҳли айтдиларким:

– Бизнинг олимларимиз бордур, Сизнинг олимларингиз билан баҳс қилсинлар. Агар сизнинг олимларингиз бизнинг олимларимизни мулзам қилиб, голиб келса, мол берамиз. Ва

агар бизнинг олимларимиз сизнинг олимларингиздан голиб келса, сиздан мол олармиз!

Бу тараф қабул қилди. Шунда тўрт юз роҳиб келдиларким, баҳс қилгайлар. Халифа имом Шофиъийни келтирди ва деди:

– Эй мусулмонлар имоми, Румдан роҳиблар келган, бизнинг уламоларимиз билан баҳс қилмоқчилар. Нима маслаҳат берасиз?

Имом деди:

– Дарё қиргоғида суҳбат қурайлик, баҳс ўша ерда бўлсин!

Шундай қилиб, дарё қиргоғига бордилар. Бағдод аҳли ҳам у ерга йиғилдилар. Жами олимлар, фозиллар, акобирлар билан халифа ҳам у ерга бордилар. Ҳазрати имом Шофиъий шол тўн кийиб, жойнамозини сув устига тўшаб ўтирди:

– Ҳар ким баҳс қилмоқчи бўлса, бу ерга келсин!

Тўрт юз роҳиб бу ҳолни кўриб, барчалари сидқидилдан имон келтириб, мусулмон бўлдилар. Рум халқига хабар бордиким, воқеа мундоқдур!

Улар айтдилар:

– Юз минг шукрким, сув устида ўтирган бу ерга келмади. Агар бу ерга келса, бу ердагилар тамом мусулмон бўлар эди!

\* \* \*

Нақлдурким, имом Шофиъийнинг бир куни жазабаси тутди, жазаба кучайиб, шаҳарга тушди. Уйдан уйга ўтиб кезди, на масжид, на мадраса, на хонақоҳ, на карвонсарой, на хароба қолди ва на обод жой қолди.

Бир сўфи учраб, деди:

– Вақтни ганимат бил! Вақт азиздур, сўнгра бу вақт топилмайди!

Имом Шофиъий деди:

– Рост айтасан, мен барча илмларни ўқидим, аммо сўфилар илми менинг илмимдан зиёдадир.

\* \* \*

Нақлдурким, имом Шофиъий бир кеча туш кўрдиким, Одам Ато ўлибдур, халойиқ унинг жанозасини ўқиш учун йиғилибдилар. Уйғонди, ичига ваҳима тушиб, таъбирчидан унинг мазмунини сўради.



Таъбирчи деди:

— Одамдан мурод илмдир. Чунки, «Қуръон»да буюрубдур:  
«Аллоҳ Одамга барча номларни ўргатди».<sup>1</sup>

Бир улуғ олим дунёдан ўтади. Имом уни ўзига йўриди. Уч кун  
ўтмадиким, Имом пок жонини Ҳаққа топширди.

\* \* \*

Рабиъ ибн Сулаймон айтади:

— Мен Имомни тушимда кўрдим, сўрадимким:

— Аллоҳ билан қандай муомала қилдинг?

Деди:

— Аллоҳ мени олтин тахтга миндирди ва устимдан дуру  
жавоҳирлар сочиб, айтдиким:

— Сени яхши кўрган кимсани мен қиёмат кунида мағфират  
қиламан!

Аллоҳ имом Шофиъийни раҳмат айласин!

<sup>1</sup> Бақара сураси, 31-оят.

## АҲМАД ИБН ХАНБАЛ

Аҳли суннат ва жамоатнинг шайхи, дин ва давлатнинг имоми, тақво, риёзат, каромат ичра беназир. Иноят нишони, ниҳоясиз дарёнинг дури, соҳиби яқин, замона тиги, даврнинг тақводори, замона олими, давроннинг фозили. Ажаб ҳоли бор ва дуоси ижобат бўладиган эди. Тамоми халойиқ уни севар, муборак нафаси бор, тамом халқ муборак нафаси сабабли уни қадрлар, зуҳд ва инсофи баркамол, кўп машойихларни кўрган эди. Шайх Зуннуни Мисрий, Башир Ҳофий ва Маъруфи Кархий, Сирри Сақатий билан суҳбат тутган.

Башир Ҳофий айтади, имом Аҳмад Ҳанбалнинг бир ажойиб хислати бордурким, у менда йўқдур. У ҳолни аҳли аёли учун ҳам истар, мен ўзим учун истарман!

Ва Аҳмад Ҳанбални халойиқ доим, муътазилий ва мушаб-биҳийдур, деб таъна этарлар. Лекин у бу каби ишлардан узоқ ва пок эди!

\* \* \*

Нақлдурким, бир вақтда Бағдод шаҳрида муътазилийлар голиб бўдилар. Имом Аҳмад Ҳанбални куч билан тутиб, халифа олдига олиб келдилар. Айтдиларким:

— «Қуръон»ни махлуқдур, дегил!

У халифанинг дарвозасига келганида, бир бек ҳозир бўлиб, деди:

— Эй Имом, кўрқмагил! Ҳақни қўйиб ботилни демагил! Мен бир марта ўғирлик қилдим. Менга минг калтак урдилар, иқроп бўлмадим. Ҳолбуки, менинг ишим ҳақ эди, сен диёнат ишида нима учун қўрқарсан?

Аҳмад Ҳанбал айтади:

— Менга унинг гапи ниҳоятда хуш келди ва қувват берди.

Аҳмад Ҳанбални ичкари олиб киргач, қўлларини орқага боғладилар ва унга бир неча калтак урдилар, «Қуръон» махлуқдир, дегил!» деб.

Имомнинг иштонининг боғичи ечилди, қўллари эса боғлиқ. Ногоҳ ғойибдан бир қўл келиб, унинг иштонининг боғичини боғлади. Бу ерда ҳозир бўлганлар ушбу кароматни кўриб, уни қўйдилар.

Имом уларнинг олдидан чиқди.

Сўрадилар:

– Сени урганларнинг ҳақида нима дерсан?

Имом деди:

– Улар ҳам ҳақдир!

\* \* \*

Нақл дурким, Бағдодда бир аёл фалажга мубтало бўлган эди.

У ўғлига деди:

– Тилармусен, мен сендан хушнуд бўлсам?

Ўғли деди:

– Тиларман!

Онаси деди:

– Бориб, Имомга айтгил, менинг ҳаққимга бир дуо қилсин!

У ҳазратнинг табаррук дуолари шарофатидан шояд бу меҳнатдан халос бўлгайман!

Фарзанд Аҳмад Ҳанбалнинг уйига бориб, эшик тақиллатди.

Имом деди:

– Кимдур?

У деди:

– Бир ҳожатманддур!

Имом деди:

– Ҳожатинг нима, Аллоҳ кифоят қилгай!

Аммо эшикни очмади, намозга машғул бўлди. Бир аёл чиқиб, деди:

– Имом намоз ўқирлар, энди фориғ бўлмас!

У йигит қайтиб кетди. Уйига келар экан, онаси унга қарши чиқди. У касалликдан шифо топган эди.

\* \* \*

Нақлдурким, Имом бир куни бир ариқдан таҳорат қиларкан, яна бир киши таҳорат қилмоқчи бўлди. Имомнинг юқорисида таҳорат қилмоқ адабдан эрмас, деб пастдан келиб таҳорат қилди. Бир неча муддатдан сўнг у кишининг ажали етиб, ўлди. Биров уни тушида кўриб, сўрадиким:

– Ҳолинг қандайдур?

Деди:

– Бир марта Имомни ҳурмат қилган эдим, Аллоҳ унинг баракатидан мени раҳмат қилди ва мағфират айлади!

\* \* \*

Нақлдурким, Имом айтади, бир марта ҳажга борар эдим, ногоҳ йўлдан адашдим. Бир саҳройини кўрдим, йўл сўрмоқ учун олдига бордим. Унга нон бердим. У олди ва деди:

– Каъбага боряпсанми? Каъба эгаси берган ризққа рози бўлмасдан ризқ кўтариб юрибсанми?! Шунинг учун ҳам йўлдан адашгансан!

Шунда, ичимга бир ўт тушди, ўйланиб қолдим. Менга деди:

– Эй Аҳмад, нимани ўйларсан? Аллоҳнинг ҳар бир бурчагида шундай қуллари бордурким, агар тоғларга назар қилсалар, у замон тоғ олтин бўлгай!

Аҳмад Ҳанбал айтади, тоққа боқдим, кўрдимким, қизил олтин бўлибдур. Уни кўриб, беҳуш бўлдим.

Ҳотифдан бир овоз эшитдим:

– Эй Аҳмад, у кўрганинг бир қулумдурким, агар тиласа ерни кўк, кўкни ер этарман! Уни сенга кўрсатдим. Энди уни кўрмассан!

Қарадим, шу он саҳройи кўринмади, ғойиб бўлди.

\* \* \*

Нақлдурки, Аҳмад Ҳанбал ҳамиша Бағдод шаҳрида яшар, аммо Бағдоднинг нонини емас эди.

Ва айтур эдиким, амир ал-муъминин Умар даврида бу ерларни гоziйларга вақф қилган, деб, Мавсил шаҳридан ун келтириб, нон қилиб ер эди.

У ҳазратнинг Солиҳ отлик бир ўгли бор эди. У Исфаҳон шаҳрида бир йил қозилик қилган. Аммо Имом шундай зоҳид ва тақводор эдиким, ўз даврида унга тенг келадигани йўқ, кечалари эрталабгача намоз ўқиб чиқар, кечалари қоим, кундузлари соим бўлар эди.

Ўзи учун бир уй қурган, эшиги йўқ. Баногоҳ кишилар келиб, мени излаб топмай юрмасин! Ва ишимдан қўймасин, деб, халойиқдан қочар эди.

Бир куни Имом уйида ун даркор бўлиб, Солиҳнинг уйидан ун олиб, нон ёпиб, имомнинг олдига элтдилар.

Имом нонни қўлига олиб, ҳидлади:

— Бу нонни қаердан олдингизлар?

Айтдилар:

— Ўзимиз уйда пиширдик, лекин бир оз унни Солиҳнинг уйидан олиб қўшган эдик!

Имом у нонни емади.

Ва айтди:

— Солиҳ бир йил қозилик қилди. Унинг таоми бизга ярамас!

Сўрадилар:

— Ундоқ бўлса, бу нонларни нима қилайлик?

Айтди:

— Дарвешларга беринглар, аммо айтингларким, Солиҳ уйининг нонларидандур. Даркорлари бўлса, олсунлар!

Бу нонни дарвешларга элтиб, Солиҳнинг отини айтган эдилар, ҳеч ким олмади. Охири у нонни дарёга ташладилар.

Имом бир куни сўрадиларким:

Нонларни нима қилдингиз?

Дедилар:

— Дарвешлар олмадилар, дарёга ташладик.

Имом шундан сўнг у дарёнинг балиқларини емади. У ҳазратнинг зоҳидлиги шу даражадаким, агар бир кишининг ёнида бир тангаси бўлса, у мажлисда турмас эди.

\* \* \*

Нақлдорким, Имом Маккага бориб, Суфёндан ҳадис эшитар эди. Бир куни тўнини ювмоққа бериб, бормади.

Суфён бир киши юбордиким:

— Имомга айтгил, келиб дарс эшитсинлар!

У киши бориб имомга айтди.

Имом деди:

— Бугун бора билмасман. Тўнимни ювмоққа бердим, бошқа либосим йўқдир!

Борган киши бой эди, айтди:

— Мен сенга ўн минг олтин берайин, ўзингга ва рўзгорингга ишлатгил!

Имом қабул қилмади.

Айтди:

— Ориятга, бировдан қарзга кийим келтирай!

Имом айтди:

— Қиймасман!

У киши деди:

— Сен бормасанг, мен ҳам бормасман!

Имом:

— Мусулмонларга китоб ёзиб, сотиб эдим, ундан бир неча ақча қолиб эди. Уни элтиб, тўн келтиргил, кийиб борайин! — деб, қолган ақчаларни чиқардилар.

У киши айтди:

— Эй мусулмонлар имоми, тиларманким, менинг ақчамдан тўн олгайсан!

Имом қабул қилмади.

\* \* \*

Нақлдурким, бир куни Имом хизматига бир шогирд илм ўрганишга келди. Имом унга бир хужра берди, бир кўза сувни ёнига қўйди. Эртасига келди, кўрдиким, сув саломат турибди.

Айтди:

— Бу сув нега бурунгидай турибди?

Шогирд деди:

— Нима қилмоқ керак?

Айтдилар:

— Таҳорат қилиб, намоз ўқимоқ керак. Сўнгра илм ўрганмоқ!

\* \* \*

Нақлдурким, бир куни Имом уйининг бир тараф девори йиқилди. Шогирдлар лой қилдиларким, у деворни таъмирлаб, битиргайлар.

Бир шогирд кўшни деворидан бир озроқ тупроқ келтириб, лойга кўшди.

Имом буни кўриб, деди:

— Нима учун мусулмонларнинг деворидан тупроқ олдинг? Менга шогирдлик қила билмассан!

Уни қувди. Бошқатдан лой қилиб, деворни тузатдилар.

\* \* \*

Нақлдурким, бир гал Имом Абдуллоҳни кўришни жуда-жуда хоҳлади. Имомнинг ўгли бор эди, хабар берди. Солиҳ Абдуллоҳ ибн Муборакни чақирди. У келди. Лекин Аҳмад Ҳанбал унга хужрага киргани рухсат бермади.

Солиҳ отасига деди:

— Эй ота, кўп замондан бери Абдуллоҳни кўрсам дер эдингиз. Энди келди, нима учун кўрмассиз?

Имом айтди:

— Кўрсам, дўст бўлиб қолишдан қўрқдим. Дўст бўлгандан сўнгра жудолашмоқ мушкул бўлур! Фироқига тоқат қилмас эрсам, тоатдан қолгайман! Яхшироғи улдурким, уни қиёматда кўргайман!

\* \* \*

Нақлдурким, Имомдан сўрадилар:

— Таваккал нимадур?

Айтдилар:

— Аллоҳни улуғ тутмоқ!

\* \* \*

Яна сўрадилар:

— Ризо нимадур?

Айтди:

— Ҳар ишни Аллоҳга топширмоқ! Ҳар ишда унга сифиниш ва ундан келадиган ҳар яхши-ёмонга рози бўлмоқ ва шукр қилмоқ!

\* \* \*

Сўрадилар:

– Зухд (тоат) нимадур?

Айтди:

– Зухд уч турликдир. Аввали ҳаромни тарк этмоқ, бу авом зуҳдидир. Иккинчи, ҳалолнинг ҳам кўпрогини тарк этмоқ, бу хослар зуҳдидир. Учинчи, сени нима Аллоҳдан йироқ қилса, уларни тарк этмоқдир. Бу орифлар зуҳдидир.

\* \* \*

У Ҳазрат ўлар чоғида қўллари билан бир нарсага ишора қилар, оғзи эса тебранарди. Ўғли қулоқ солди.

Айтар эди:

– Ҳануз эмас! Ҳануз эмас!

Сўради:

– Ота бу нима деганингиз?

Имом айтди:

– Хатар вақтидур, жавоб вақти эмас. Менга дуо билан мадад берингларким, Иблис қаршима келиб, бошига тупроқ сочиб, айтур:

– Эй Аҳмад, имонингни мендан саломат олиб кетаяпсанми?

Мен дедим:

– Токим бир нафсим бордур, хатардадур. Сендан эмин эмасман!

Шундай деб, азиз жонини Ҳаққа топширди, жанозасини ўқиб, тобутини кўтардилар.

Шунда ҳаводан қушлар келиб, ўзларини тобутга урдилар. Бунни кўрган жухудлардан қирқ минги зуннорини кесиб мусулмон бўдилар. Улар наъра уриб, «Ла илоҳа иллаллоҳ. Муҳаммадур Расулуллоҳ», дердилар.

\* \* \*

Ва Имомнинг икки дуоси бор эди.

Айтар эди:

– Ҳар кимга имон рўзи қилган бўлсанг, уни олмагин! Кимга имон бермаган бўлсанг, унга имон бергин!

Бир дуоси тириклигида, яна бир дуоси ўлгандан сўнг қабул бўлди.



\* \* \*

Муҳаммад ибн Хузайма айтади:

— Бир кеча тушимда Имомни жуда шитоб билан кетаётганини кўрдим.

Айтдим:

— Нимага мундоқ илдам борурсиз?

Айтди:

— Жаннатга чақирдилар, шунга тез бормоқдаман. Тоқим, Аллоҳ билан сўзлашгайман!

Сўрадим:

— Аллоҳ билан нима муомала қилдинг?

Айтди:

— Аллоҳ мени раҳмат қилди, бошимга олтин тож қўйди, оёғимга олтин калиш берди. Бунча иззат ва кароматлар «Қуръон»ни махлуқ демаганинг учун берилди, — деди.

Аллоҳ Аҳмад Ҳанбални раҳмат айласин!

## ДОВУД ТОИЙ

У билим шами, ҳаёт чироги, тариқат олими, ҳақиқат ҳокими, Худо марди, валиларнинг улуғларидан, қавмнинг саййиди, тасаввуф, тақво ичида барқамол, жами илмда мукаммал, хусусан, фикҳ илмида ягона эди. Йигирма йил ҳазрат Имоми Аъзамга шогирдлик қилди. Фузайл ибн Аъз ва Иброҳимни кўрган, Ҳабиби Роий унга тариқатда устозлик қилган.

Довуд Тоий болалик пайтида ҳам Аллоҳдан кўрқуви билиниб турар, ҳеч кимга қўшилмасди. Унинг тавбасига сабаб: бир куни бораётган эдилар, бир киши бу байтни ўқиди:

«Дунёдир ўткинчи жой,  
Охиратдур барқарор!»

Бу сўзнинг маъноси унга бағоят таъсир қилиб, бениҳоят ҳуш келди ва ҳайратга тушди, ҳеч қарори қолмади. Турди, ҳазрати имоми аъзам Абу Ҳанифа Кўфий дарсига борди.

У ҳазрат унинг ҳоли ўзгарганини кўриб сўради:

— Ҳолинг қандайдур ва сенга нима бўлди?

Айтди:

— Дунёдан бездим, кўзимга ҳеч нарса кўринмас, кўнглим қарор топмас, дарс ҳам ўқишга рағбатим қолмади.

Бас, Довуд Тоий бир уйга кириб, тоатга машғул бўлди. Имоми Аъзам дедилар:

— Эй Довуд, дарсхонага келиб, уламолар орасида ўтириб, масала эшитгил ва ҳеч киши билан баҳс қилмагил!

Ва Довуд:

— Хўп, бўлади! — деб дарсхонага келиб, масала эшитди.

Бир куни туриб Ҳабиб Роийнинг олдига борди, унга кашф очилди.

Бас, китобларни қўйди, узлат ихтиёр қилди, халқдан умидини узди, Холиққа сизинди. Отасидан унга йигирма олтин мерос қолган эди, уни йигирма йил нафақасига ишлатди.

\* \* \*

Нақлдурким, Абу Бакр Айёш Довуд Тойй олдига келди. Кўрдиким, хужра ичида бир бурда нонни қўлига олиб, йиғлаб ўтирар эди.

Сўради:

– Нега йиғлаяпсиз?

Айтди:

– Ушбу нонни ейиш учун қўлимга олдим, бу нон ҳалол ёки ҳаромлигини билмасман!

\* \* \*

Нақлдурким, Довуднинг барча уйлари йиқилди, ўзи бир даҳлиз ичида қолди. У куниким, Довуд ўлди, у даҳлиз ҳам йиқилди.

Бир киши Довуд Тойй олдига келиб деди:

– Эй Довуд, ушбу уйнинг деворлари ҳар тарафга оғиб турар.

Бунинг ичида ўлтирмоқ ақлдан йироқ кўринур.

Довуд айтди:

– Мен йигирма йилдурким, бу даҳлиз ичида ўлтирурман.

Ҳануз унга қараб атрофларини кўрган эмасман.

\* \* \*

Сўрадилар:

– Эй Довуд, нима учун одамлардан қочарсан?

Айтди:

– Ўғлонлар билан ўтирсам, мени тоатдан қўярлар. Ва агар улуглар билан ўтирсам, айбимни менга демаслар. Бас, Холиқ суҳбатин қўйиб, махлуқ суҳбатин нима учун ихтиёр қилайин?

\* \* \*

Нақлдурким, бир куни онаси Довуд Тоййни кўрдиким, у офтобда терлаб ўлтирур.

Деди:

– Рўза тутарсан, иссиқ таъсир қилади, сояда ўтирсанг яхши бўларди.

Айтди:

– Эй она, бу ерга офтоб тушмасдан аввал келиб ўлтирдим. Устимга офтоб тушди. Энди нафсим маслаҳати учун Аллоҳдан қўрқарманким, сояга ўтишга!

\* \* \*

Нақлдурким, Довуд Тойй мудом охират гамида қайғулик эди. Ҳеч киши унинг кулганини кўрган ва эшитган эмасди. Бир куни бир дўсти Довудни олдига бориб, кўрдиким, кулиб ўтирур.

Сўради:

– Эй Довуд, ҳаргиз кулмас эдинг, бугун сенга нима бўлдиким, куларсан?

Айтди:

– Кеча Аллоҳ менга дўстлик шарбатини ичирди, бугун байрам этдим, шунинг учун куларман!

\* \* \*

Бир куни халифа имом Абу Юсуфга деди:

– Мени Довуд Тойй олдига олиб боргил!

Бас, иккови туриб, Довуд олдига бордилар. Кўрдиларким, эшик ёпиқлиқ турар, эшик қоқдилар. Онаси чиқди. Кўрдиким, халифа билан қозидур.

Бориб Довудга хабар берди.

Довуд айтди:

– Эшикни очманг, бу икки золимнинг юзига кўзим тушмасин!

Онаси айтди:

– Сенга берган сутим ҳаққи, қўй, кирсинлар! Қайтармоққа шарм қилурман!

Довуд йиғлади:

– Ё, Аллоҳ, сен она ҳаққини сақла дегансан, менинг ризоийм ота ва онанинг хушнудлигидадир! Йўқса, мен буларга эшик очмас эдим!

Онаси эшикни очди, кирдилар.

Халифа бир ҳамён зарни ниёз деб Довуднинг олдига қўйди.

Довуд айтди:

– Менинг зарга эҳтиёжим йўқ. Буни муҳтожларга бер! – деб қабул этмади.

Айтди:

– Менга отамдан йигирма олтин мерос қолган эди. Уни баққолга берибдурман, куним шундан ўтар. Аллоҳдан тиларманким, у қизил тугагач, жонимни олгай! Менинг дуоимни қабул этар, деган умиддаман, – деб халифанинг олтинини ўзига қайтиб берди.

Имом Абу Юсуф ул баққолни чақириб:

– Довуднинг сенда неча ақчаси қолди, – деб сўради.

Айтди:

– Ўн ақчаси қолгандур!

Имом Абу Юсуф кун санар, ҳар кунги ҳаражатини ҳисоб қилур эди.

– Бугун Довуднинг баққолдаги ақчаси тамом бўлур, деб орқасини меҳробга қўйиб деди:

– Бугун Довуд ўлгандур!

Бориб кўрдилар, дунёдан ўтган эди.

Онасидан сўрадилар:

– Довуд ҳеч касал бўлдими?

Айтди:

– Йўқ, касал бўлмади. Бугун кечаси эрталабгача намоз ўқиб чиқди. Саждага бориб, сажда ичида азиз жонини Ҳаққа топширди.

Довуд васият қилган эдиким:

– Мени қабристонга дафн қилманг, ёлғиз қўйинг!

Зероки, тириклигида ҳам халқдан ўзини олиб қочди.

\* \* \*

Нақлдурки, Довуд дунёдан ўтган кеча бир ун эшитдилар:

– Эй ер аҳли, Довуд дунёдан ўтди, ундан Аллоҳ рози бўлди!

\* \* \*

Бир улуғ зот ҳам уни тушида кўрдиким, Довуд ҳавода учар ва айтар эди:

– Худога шукр, зиндондан қутулдим, туганмас роҳатга эришдим!

Аллоҳ уни раҳмат айласин!

## ҲОРИС МУҲОСИБИЙ

У авлиёлар саййиди, атқиёлар пешвоси, муҳташам ва муътабар, ҳурматли ва фахрли зот, таъсири кучли, муноқиби юксак олим, машойихлар ичида аллома, зоҳиру ботинда қавм мақбули, барча авлиёлар унга мурожаат этар ва кўп таснифлари бор. У саховат ва мурувват ичра олийҳиммат, фаросат ва зийраклик бобида беназир, мужоҳада ва мушоҳада бобида эса камолга етиб эди.

Абдуллоҳ Ҳафиф айтади:

— Улуғлардан беш кишига иқтидо қилинлар! Бири Ҳорис Муҳосибий, бири шайх Жунайд Бағдодий, бири Абу Усмон Маккий, бири Боязид Бистомий, бири Иброҳим Адҳам. Аллоҳ ҳаммаларини раҳмат қилсин! Чунки булар шарият, тариқат ва ҳақиқат ичида баркамол, ҳар ишда улар мукамал эдилар.

\* \* \*

Нақлдурким, шайх Ҳорисга отасидан ўттиз минг олтин мерос қолиб эди. Айтди:

— Бу байтулмол султонники бўлсун!

Сўрадилар:

— Нима учун!

Айтди:

— Шунинг учунким, Пайгамбар (с.а.в.) буюрубдур:

— Қадарийлар Муҳаммад уммати мажусийдир. Менинг отам қадарий эди. У кофир, мен мусулмонман. Кофирдан мусулмон мерос олмас!

\* \* \*

Нақлдурким, шайх Ҳорис қачонким, бир шубҳалик таомга қўл узатур бўлса, қўлининг томирлари чиқар ва шундан билар эдиким, ул таом шубҳаликдур.

Жунайд Багдодий айтади, Ҳорис бир кунни олдимга келганда кўрдимким, унда очлик асари бордур. Дўкондан келган ошни олдига қўйдим.

Қўли фармон бермадиким, ул ошга узатгай.

Айтди:

– Эй Жунайд, олгил, бу таоминг шубҳалиқдур. Қўлим фармон бермас.

Кўп оч эди, ўзини зўрлаб бир луқма оғзига солди, ҳарчанд қасд этди, юта билмади.

Жунайд деди:

– Эй Ҳорис, бу меники эмас, дўконга келибдур.

Бас, у таомдан емади.

\* \* \*

Нақлдурким, Ҳорис айтади, ўттиз йилдурким, қулогим ўз сўзимни эшитмас. Менинг сиримни Ҳақдан ўзга билмас.

Ҳорис Муҳосибий шу важдан дерларким, доим ўз нафсини ҳисоб қилар ва айтарди:

– Ҳар қачонким, намоз ўқисам, ҳисоб қиларман. Агар ботил қилар бўлсам, қайта ўқийман.

\* \* \*

Ҳорис айтади, Аллоҳга лойиқ банда ўн икки хислатга эга бўлади. Биринчи, хоҳ рост ва хоҳ ёлғон онг ичмагай; иккинчи, ҳаргиз ёлғон сўзламагай; учинчи, ваъдага хилоф қилмагай; тўртинчи, ҳеч махлуққа лаънат қилмагай; бешинчи, ҳеч кишига ёмон дуо қилмагай; олтинчи, агар бир кимсадан зулм кўрса, уни кўтаргай; еттинчи, ўзини ўзгалардан ортиқ кўрмагай; саккизинчи, гуноҳ қилмагай; тўққизинчи, ҳеч кишининг кўнглини оғритмагай; ўнинчи, ҳеч кимдан нарса тама қилмагай; ўн биринчи, қандай бало ва меҳнат етса, сабр қилгай, шукр этгай; ўн иккинчиси, Аллоҳнинг фарзларини бажо қилгай!

\* \* \*

Ҳорис айтади:

– Сабр бало ўқининг нишонидир ва ризо ороми одамдадур, мажоз аҳком ичида бўлади.

\* \* \*

— Зикр Аллоҳ билан қойим бўлмоқ ва дўст халқдан қочмоқдир. Ва агар халқ орасида Ҳақ зикри билан бўлса ҳам худди ёлғиздек бўлади!

\* \* \*

— Сабрли улдурким, ҳеч нарсанинг қайғусини емайди. Ҳар нима келса, Аллоҳдан билгай.

\* \* \*

— Ҳар ким жаннат аҳлидан бўлишни истаса, солиҳ дарвешлар билан ҳамсуҳбат бўлгай.

\* \* \*

— Агар бўлсанг, Аллоҳ билан бўлгил! Ва агар ундоқ бўлмасанг, ҳеч бўлгил!

Бу билганларга бағоятда улуг сўздир.

\* \* \*

Нақдурким, шайх Ҳорис дунёдан ўтди, шунда бир ақчаси бўлмади. Отасининг меросини қабул этмади. Дунёдан бутунлай пок кетди.

Аллоҳ Ҳорис Муҳосибийни раҳмат айласин!



## АБУ СУЛАЙМОН ДОРОНИЙ

У ботину зоҳири тоза, ғойибу ҳозирнинг мусофири, тақво ва маърифатга комил, илму амалда омил, донолик дарёси, вақт яғонаси, аср латифаси, лутфи ва хулқи беғоят, уни «Қалблар райҳони» дер эдилар. Риёзат ва қаноат ичра машҳур, ҳеч киши унингдек сабр қилмас, унинг олий сўзлари, ажойиб ишоратлари бор. Дороний демакка сабаб будурким, Дорон кентидан эди.

Нақлдурким, шайх Сулаймон айтади, бир кеча масжид ичида намоз ўқиётган эдим. Ҳаво жуда совуқ эди. Бир қўлимни ичимга тортдим, мени уйқу элтди. Тушимда менга айтдилар:

— Эй Сулаймон, ташқарида қолган қўлингнинг насибаси ортиқдур!

Айтди:

— Тавба қилдимки, бундан сўнг ҳаргиз қўлимни ичимга олмайман!

\* \* \*

Нақлдурким, Шайх айтади, бир куни чарчаган эдим, уйқу элтди.

Тушимда бир ҳур келиб, деди:

— Нима учун ётибсан, мен сенга керакмасманми? Беш юз йилдурким, жаннатда мени сенинг учун безарлар.

Уйғондим, зорилик билан кўп йиғладим, таҳорат қилдим. У кеча ухламадим. Кун чиққанди, шунда яна мени уйқу босди. Яна тушимда кўрдим, ҳур келди. Бу сафар аввалгидан кўрклик бўлиб турар.

Мен унга дедим:

— Ҳуснинг бурунгидан ортиқроқ бўлибдир!

Айтди:

— Утган кеча кўп йигладинг! Кўзингдан оққан ёшларни элиб менинг юзимга суртдилар. Мунча кўрк менга ундан пайдо бўлди!

\* \* \*

Нақлдурким, Сулаймон айтади, менинг одатим нонни туз билан ердим. Бир куни кўза ичида ёг бор экан, унга кўшиб едим. Бир йилча тоат завқини топмадим. Энди ажабким, ҳамиша нафс орзуларини берурсан, сенинг ҳолинг қандай бўлади?

\* \* \*

Нақлдурким, Сулаймон Каъбада эди, халойиқ «Лаббайка!» дер эди. Сулаймон демас эди.

Айтдилар:

— Сен нима учун «Лаббайка!» демассан!

Айтди:

— Қўрқаманким, «Лаббайка!» десам, «Ла Лаббайка!»<sup>1</sup> деган жавобин эшитгайман!

\* \* \*

Сулаймон айтади, Ҳарамда бир кишини кўрдимким, ҳаргиз таом емас, фақат оби замзам ичар эди.

Мен айтдим:

— Нимага замзам сувидан бунча ичарсан?

Келди, менинг бошимни ўпди ва деди:

— Аллоҳ сени раҳмат қилсин! Менга йўл кўрсатдинг, неча йиллардан бери замзам сувига қаноат қилиб, парвариш топдим. Унга сизиниб қолган эканман!

\* \* \*

Нақлдурким, Сулаймон айтади, ҳар нарсанинг боши бордир. Кўнгилнинг боши кўп емакдир. Ва ҳар ким кўп емак одат қилса, беш нарса унга мубтало бўлмай. Биринчи, ибодат завқини топмагай; иккинчи, хотираси кесилади. Нима эшитса, дарҳол унутади; учинчи,

<sup>1</sup> «Лаббайка» сўзи ҳаж вақтида ҳожилар маълум муддат тинмай айтадиган дуонинг биринчи сўзидир. «Ла Лаббайка» сўзи эса киноя бўлиб, дуода «Лаббайка» деганда, уни қабул қилмайман, деган хитоб бўлиб қолишдан қўрқувдир.

шафқатсиз бўлгай! Чунки, ўзи тўқдир, барча халқни тўқ билгай;  
тўртинчи, тоат қилишга эринадиган бўлади; бешинчи, шаҳвати  
голиб бўлгай!

\* \* \*

— Ҳар қачонким, киши кўп еса, шаҳвати оч бўлади, яна емак  
истар. Қачонким, оч бўлса, шаҳвати тўқ бўлар, емак истамас!

\* \* \*

— Очлик охираат эшигини, тўқлик дунё эшигини очар!

\* \* \*

— Агар сенинг бирор ҳожатинг бўлса, ул ҳожатинг чиқмагунча,  
ҳеч нарса емагин. Чунки, кўп емак ақлни олар, ҳожат ҳам раво  
бўлмас!

\* \* \*

— Рўза сенинг ўзинга очлик, нафсинга қаҳрдир, руҳинга  
озуқа бўлади!

\* \* \*

— Очлик кўнгилни мунаввар этар, тўқлик кўнгилни қорайтирар!

\* \* \*

— Кишининг кўнглидан васваса чиқмас, то дунё орзусини  
чиқармагунча!

\* \* \*

— Тавозе улдурким, зотида ҳеч кибр ва манманлик бўлмагай!

\* \* \*

— Аллоҳни топмас, то нафсини ўлдирмагунча ва дунёдан юз  
ўгирмагунча!

\* \* \*

— Зоҳид улдурким, ҳар нарса сени Аллоҳдан чалғитса, уни  
тарк этгай!

\* \* \*

— Гуноҳларнинг боши дунёни севмоқдир ва тоат-ибодат кўрки очликдир!

\* \* \*

— Гайратдан галаба, зикрдан муҳаббат, фикрдан хавф ортар!

\* \* \*

— Кўп йиғламоқни одат қилинг, доим тафаккурда бўлинг!

\* \* \*

— Жаннат ичида саҳролар бўлади. Банда қачонким тоатга машғул бўлди, у банда учун турлик-турлик дарахтлар эккайлар ва саъйи этарлар. Қачонким банда тоатдан фориғ бўлди, улар ҳам ишдан фориғдирлар. Ҳар қачонким тоат қилмоқ бошлади, улар ҳам иш бошлар!

\* \* \*

— Ҳар ким кундузи яхшилик қилса, кечага эваз топар. Ҳар ким тўғрилиқ билан шаҳватдан қўл тортса, Аллоҳ шаҳват васвасасини унинг кўнглидан чиқаргай!

\* \* \*

— Мўмин улдириким, зикр озуқаси, шодлик роҳати бўлгай ва охират зироатгоҳи, қиёмат хирмонгоҳи бўлгай!

\* \* \*

— Жаннат никоҳи дунёни талоқ қилмоқдур!

\* \* \*

— Аллоҳ наздида дунёнинг бир пашша қанотичалиқ қадри йўқдур. Унинг устида сен қанча миқдор фурсат топасан?

\* \* \*

— Ҳар ким Аллоҳга етишмоқни тиласа, нафсини ўлдирсин!  
Аллоҳ буюрар: «Эй бандаларим, агар сизлар дунёда мендан уялсангизлар, мен ҳам охиратда сизлардан уяларман. Ва

айбларингизни юзингизга солмайман, гуноҳларингизни номаи аъмолингиздан маҳв қилгайман, ҳисобларингизни осон қилгайман!»

\* \* \*

Аҳмад Хаворий айтади:

— Сулаймонни кўрдим, бир оқ кўйлак кийиб айтур эди: «Эй, кошки, менинг кўнглим ҳам шундай оппоқ бўлса эди!»

\* \* \*

Нақлдурким, Сулаймон Дороний дунёдан ўтган вақтда бир азиз уни тушида кўрди.

Сўрадиким:

— Аллоҳ сенга нима қилди?

Айтди:

— Мени раҳмат қилди, Валекин халқ орасида бўлганим учун менга итоб қилди!

Шунинг учунким, Сулаймон замонасида халқ орасида машҳур эди. Аллоҳ уни раҳмат айласин!

## МУҲАММАД ИБН САММОК

Уни «Мўминлар имоми» дер эдилар. У мусулмонлар воизи, дўстлар ҳофизи, мустаҳкам зоҳид, диёнатли обид, фалак қутби, Маъруфи Кархийнинг кашфи унинг сўзларидан, Ҳорун ар-Рашид унга бағоят эътиқод қилди ва кўп тавозеъ қилур эди.

Айтар эдиким, эй, амир ул-мўминин, тавозеъ шарифларнинг энг шарифидир. Тавозеъ удурким, ўзини барчадан кам кўргай!

Ва айтади:

— Кибр бир ипдурким, одамларнинг бўйнида. Агар қиёматда азобдан қутулишингни истасанг, ул ипни бўйнингдан кетгизгил!

\* \* \*

Нақлдурким, Аҳмад Хаворий айтади, Муҳаммад ибн Саммок касал бўлди. У замонда бир жуҳуд табиб бўлиб, унга бориб, Муҳаммад ибн Саммок ҳолини билдирмоқчи бўлдик. Йўлда бир кўркли кишига йўлиқдик, покиза кийимлари бор эди.

У сўради:

— Қаерга боряпсиз?

Айтдик:

— Фалон табибга боряпмиз. Ибн Саммок касал бўлди. Унга муолажа қилсин!

Айтди:

— Субҳоналлоҳ, Аллоҳ дўсти учун Аллоҳ душманидан ёрдам сўрайсиз? Бу раво бўлмагай! Бориб, Ибн Саммокка айтинг, қўлини азиз ерга қўйсин ва бу оятни ўқисинким: «Биз уни («Қуръон»ни) ҳақиқат (ҳикмат) билан нозил қилдик ва (у ҳам) ҳақиқат билан нозил бўлди».<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Исро сураси, 105-оят.

Бас, бордилар. Ибн Саммока айтдилар. Ибн Саммок бу оятни ўқиди. Дарҳол шифо топди.

Ва айтадилар, у ҳазрат Хизр эди.

\* \* \*

Нақлдурким, бир куни Муҳаммад ибн Саммоқдан сўрадилар:

– Бизларга ваъз айтинг!

Айтдилар:

– Бу замонда ваъз ва насиҳатга амал қилувчи оздир. Ваъз удурким, аввал ўз нафсинга ваъз қилгайсан, ундан сўнг ўзгаларга! Агар ўз нафсинг ваъзга амал қилса, ўзгалар ҳам амал қилур!

\* \* \*

Нақлдурким, Муҳаммад ибн Саммоқнинг ажали яқин қолганда, «Илоҳи, сен биларсан, умримни гуноҳ билан кечирдим! Аммо мен тоат аҳлини севардим.

Энди гуноҳимга тоат аҳлини севганимни каффорат қилгил», деди ва азиз жонини Ҳаққа топширди.

\* \* \*

Муҳаммад ибн Саммок дунёдан ўтгач, бир азиз уни тушида кўриб, сўради:

– Аллоҳ сенга нима қилди?

Айтди:

– Мени раҳмат қилди ва гуноҳларимни кечирди!

Аллоҳ уни раҳмат айласин!

## МУҲАММАД ИБН АСЛАМ ТУСИЙ

У дину давлат қутби, жами миллат шами, равшан асос, мунаввар руҳ, муқаддас зот, жаҳон ичра ягона, қутби замона, рўзгорнинг муқаддами ва уни «Аллоҳ Расулининг тили» дер эдилар. Хуросон аҳли иттифоқ қилдиларким, ундан ўзга киши Пайгамбар суннатларига тўла эргашган эмас.

\* \* \*

Нақлдурки, Муҳаммад ибн Асламни зиндонга солиб, айтдилар:

– «Қуръон»ни махлуқ дегил, йўқса, умринг зиндонда кечар!

Айтмади. Бас, бир йил зиндонда бўлди. Ҳар жума куни гусл қилиб, зиндон оғзига келар эдиким, масжидга боргай! Зиндонбон юбормас ва қайтиб ўрнига бориб айтар эди:

– Агар мени пора-пора қилсалар ҳам «Қуръон»ни махлуқ демасман!

\* \* \*

Нақлдурким, Муҳаммад ибн Асламни зиндондан чиқардилар. Шу вақтларда Абдуллоҳ ибн Тоҳир Нишопурга келиб, волий бўлди. Барча аҳоли саломга келдилар. Саломга келмаган ҳеч ким қолмади.

Айтдилар:

– Аҳмади Ҳарб билан Муҳаммад ибн Аслам келмади.

Сўрадилар:

– Нима учун?

Айтдилар:

– Шунинг учунким, улар уламоий Раббонийдилар. Султон саломига келмаслар!



Абдуллоҳ айтди:

– Улар бизга келмагани учун, биз уларнинг саломига борамиз!  
Ва Аҳмади Ҳарб олдига бордилар. Аҳмад асло илтифот эмас,  
диққат қилди. Абдуллоҳ салом берди, Аҳмади Ҳарб алик олди.

Ва айтди:

– Эй Абдуллоҳ, сен кўркам киши экансан, зинҳор бу кўркам  
суратингни гуноҳ билан чиркин қилмагил!

Бу ердан туриб Муҳаммад ибн Аслам олдига борди. Муҳаммад  
ибн Аслам эшик очмади.

Бас, Абдуллоҳ сабр этди, то одина куни келди. У жума  
намозига келди. Абдуллоҳ уни кўриб, отдан тушди, юзини ерга  
қўйиб, айтди:

– Эй бор Худоё, халқ орасида мен ёмон бандангман, Муҳаммад  
ибн Аслам яхши кишидир. Мени душман тутар ва мени ёмон  
кўрар! Мен уни яхши кўрарман, дўст тутарман! Энди менинг  
ёмонлигимни унинг яхшилигига бағишлагил!

Муҳаммад ибн Асламга бу сўз бағоят хуш келди.

\* \* \*

Нақлдурким, Муҳаммад ибн Аслам Нишопурдан Тус  
вилоятига борди. Унда бир ибодатгоҳ бор эди, уни ихтиёр қилди.  
У ибодатхонага ҳар турлук касалларким, кўзсиз, қўлсиз ва оёғсиз  
келар ва унинг дуоси билан шифо топардилар. Муҳаммад ибн  
Аслам бу ерда бағоят машҳур бўлди.

\* \* \*

Нақлдурким, ақобирлардан бири айтади, Шом вилоятида  
ўтирар эдим, баногоҳ кўрдимки, шайтон ҳаводан ерга тушди.

Мен айтдим:

– Эй малъун, бу нима ҳолдур?

Айтди:

– Ушбу соат Муҳаммад ибн Аслам таҳорат қилди, бир марта  
«Аллоҳ!» деди. Унинг кўрқувидан менинг ақлим кетди, беҳуш  
бўлиб ерга тушдим.

\* \* \*

Нақлдурким, Муҳаммад ибн Аслам доим қарз олиб,  
дарвешларга берар эди.

Бир куни бир жуҳуд келди ва айтди:

– Сенда ҳаққим бордур!

Муҳаммад ибн Аслам айтди:

– Боргил, у бўйра остида олтин бордур, олгил!

У ўша куни қалам йўниб, қўноқларини бўйра остига қўйган,  
жуҳуд бориб бўйра остида кўрдиким, қалам қўноқлари тамом  
олтин бўлган эди.

Жуҳуд ажабга қолди:

– У шаҳардаким, мунингдек киши бўлгай, у дин эгаси қандай  
бўлар экан?

Дарҳол имон келтирди, мусулмон бўлди. Уни кўриб, барча  
қавму қабиласи имон келтириб, мусулмон бўлдилар.

– Бизлар «Таврот»да кўрганмиз: «Ҳар динким, ҳақдур, у  
динда кишилар бўларким, қалам йўнар, ушоғи олтин бўлар».

Шундан маълум бўлдиким, бу дин ҳақдир!

\* \* \*

Нақлдурким, Муҳаммад ибн Аслам Нишопур шаҳрида касал  
бўлди. Бир ақобир тушида кўрдиким, Муҳаммад ибн Аслам:

– Худога шукр, мен касалликдан қутулдим, – деди.

У киши Муҳаммад ибн Асламнинг уйига келдиким, тушини  
айтгай! Кўрдиким, у дунёдан ўтиб, азиз жонини Ҳаққа топширган  
экан.

Аллоҳ Муҳаммад ибн Асламни раҳмат айласин!

## АҲМАДИ ҲАРБ

У диний мақомни баён этувчи, суннатнинг ишончли имоми, зоҳидлар зоҳиди, обидлар обиди, Шарқу Ғарб имоми, художўйлик ва тақво ичида мисли йўқ, тоат-ибодат қилмоқда якто, камоли фазли у миқдор эдиким, Яҳё ибн Муоз васият қилдиким, ўлсам, мени Аҳмади Ҳарб қабрининг оёқ тарафига қўйинг!

Аҳмади Ҳарбнинг онаси бир мартаба қуш гўштани пишириб, айтди:

— Эй ўғлим, бу қушни уйда ўзим парвариш қилиб катта қилдим, у шубҳасиздир, егил!

Аҳмади айтди:

— У қушни кўрдим, қушни уйдан дон еди. У қушни ҳарбий қавмидан эди. Унинг гўшти менинг бўғзимдан ўтмас!

\* \* \*

Нақлдурким, Нишопур ичида икки Аҳмад бор эди. Бирини Аҳмади Ҳарб, бирини Аҳмад савдогар дер эдилар. Аҳмади Ҳарб Аллоҳнинг зикри билан машҳур, бир соат тинмас, у қадар фурсати йўқ эдики, мўйловларини олдиришга ҳам. Ҳар қачон мўйловини олдирсалар, лабларида бир неча жойи кесилиб кетар, шунинг учунким, зикр ва тасбиҳ айтмай тура билмас эдилар.

Аҳмад савдогар ҳам дунё севгисига шунча ғарқ эдики, бир куни мол ҳисобини қилар чоғларида бир киши таом келтирди, моли ҳисоби кўплигидан таом емакка фурсат топмади. У киши хафа бўлиб кетди.

Шунда ҳам ҳисоби туганмай:

— Қорним очдур! — деди.

Таом келтирдилар.

Яна фурсат топмадиким, таом егай. Охири ухлаб қолди. Ходимлар у таомни ебдилар. Ва унинг уйқусида лабларига таом суртдилар. У уйқудан турди, сув сўраб, оғзини ювди. Ўзини овқатланган, деб санади.

Шундоқ дунёга машғул бўлдим, ҳатто овқат еган-емаганини ҳам билмас эди.

\* \* \*

Нақлдурким, Аҳмади Ҳарб Аллоҳ севгисига шундай машғул ва ғарқ эдиким, бир куни унга бир киши нома ёзиб, жавоб истади.

Бир соат тоатдан фурсат топмадиким, жавоб нома ёзгай. Нома эгаси ундан умидин кестиким, мени менсимади, шунинг учун жавоб ёзмади, деб.

Аҳмад эшитиб, деди:

– Мени маъзур тутгил ва мени қўйгил, Аллоҳ билан машғул бўлгил!

\* \* \*

Нақлдурким, Аҳмади Ҳарбнинг уйида бир етим болага таваккал ўргатар ва айтар эди:

– Қачонким қорнинг оч бўлса, ҳеч кишидан нарса тиламагил! Бир қоронғи жойга бориб, икки ракаат намоз ўқиб: «Парвардигоро, мени ҳеч кишига муҳтож қилмагил!» дегил ва ўтиргил!

У етим ўғлон бир марта қоронғи жойга бориб, шайх буюрганидек қилар ва ҳар ҳождати борки, дарҳол ҳозир бўлар эди.

Бир куни келиб кўрдилар, у ўғлон бир қоронғи жойда, олдида турлук-турлук неъматлар бор, еб ўтирар эди.

Сўрадилар:

– Бу неъматни қаердан олдинг?

Деди:

– Буларни У берурким, барча махлуқларнинг ризқини берар.

Билдиларким, ўғлон Аҳмади Ҳарб дуоси барокатидан насиба эгаси бўлибдур.

\* \* \*

Нақлдурким, Аҳмади Ҳарб Яҳё ибн Муоз муриди эди. Яҳёнинг бир устози бўлиб, у бир боғистондан нарса олиб еди.

Аҳмади Ҳарб айтди:

– Нима учун ерсиз?

Айтди:

– Бу бўстон менингдур!

Аҳмад айтди:

– Бу бўстон бир кеча-кундуз вақф сувидан суғорилди.

Яҳё айтди:

– Тавба қилдим, то тирикман, ҳаргиз бу бўстондан мева олиб емасман.

\* \* \*

Нақлдурким, Аҳмади Ҳарбнинг бир ибодатхонаси бўлиб, у ерда доим намоз ўқирди. Бир кеча у ерда намоз ўқиркан, ҳаво совиб, кўп ёмғир ёғди. Кўнглидан кечдиким, агар ёмғир тинса, уйимга кетардим!

Ҳотифдан овоз келдиким:

– Кўнглингни уйда қўйибсан, мунда нима истарсан?

Аҳмад саждага борди, кўп тавба ва истиғфор қилди.

\* \* \*

Нақлдурким, бир куни Нишопур улуғлари Аҳмади Ҳарбнинг олдига келиб, у билан суҳбат қурдилар. Унинг ўгли маст, соз чалиб келар эди. Аҳмад ўтирган уйнинг эшигидан ўтди. Булардан ҳеч тортинмади. Бу жамоа ўзгариб қолдилар.

Аҳмад айтди:

– Нега ўзгариб қолдинглар?

Айтдилар:

– Ўглингиздан маломат етдиким, сиз ва биздан тортинмади.

Шунга аҳволимиз ўзгариб қолди.

Аҳмад айтди:

– Маъзур тутасиз! Шунинг учунким, бир куни қўшним уйдан таом келди, едик. У кеча ўзимни ҳеч билмадим, зикр ва намозларим

йўқ бўлди. Хотиним билан ҳамсуҳбат бўлдим. Шу кеча бу ўғлон онаси қорнида қарор топди. Эрталаб сўраб билдимки, у ош дўкон оши экан.

\* \* \*

Нақлдурким, Аҳмади Ҳарбнинг Баҳром отлик бир оташпараст қўшниси бўлиб, у молини кофирларга фойда-зарарига шерикликка берар ва савдогарчилик қиларди. Йўлда қароқчилар бутун молини тортиб олдилар. У кофир эшитиб, қайгуга тушди. Аҳмад ҳам эшитди.

Дўстларига айтди:

— Туринг, бориб у қўшнимизнинг ҳолини сўрайлик. Кофир бўлса ҳам, қўшнилик ҳаққи бор!

Шундай қилиб, турдилар, бордилар. Кофир шайхни кўргач, қарши олди ва уйига киритди.

Шайх айтди:

— Эй қўшни, молингни қароқчилар олибди, Аллоҳ яна беради, хотирингни асло бузмагил!

Кофир деди:

— Агарчи молимни олдилар, аммо менинг уч шукрим бордур. Аввали улким, кофир бўлсам на бўлгай, диним ўз жойида турибди. Мол дегани қўлнинг киридур, келади-кетади. Иккинчиси, молимнинг ярми қолгандур, ҳожатимга етади. Учинчи, мол ўз молимдир, кишидан қарз олмадим.

Шайхга бу сўз бағоят хуш келди. Шу сабабдан дўстларига айтди:

— Қаранглар, бу сўздан исломнинг ҳиди келур.

Шайх кўрдиким, у кофир уйининг бир хонасида ўт ёқиб қўйган, шунга сига нар эди.

Шайх айтди:

— Ўтга нима учун сигинасан?

Айтди:

— Шунинг учунки, келгусида қиёмат кунида мени куйдирмайди ва мени Аллоҳга етиштиргай!

Шайх айтди:

— Эй қўшни, аввал яхши сўзладинг, энди адашдинг. Шунинг учунким, ўтнинг вафоси йўқдур, сен ундан вафо истарсан. У бир ожиз ва заиф нарсадур, бир қатра сув билан сўнади. У мана шундай заиф бўлса, сени қандай қилиб Ҳаққа етказди? Сен айтурсенким, менга вафо қилади, деб. Кел, икковимиз қўлимизни ўтга тутамиз, кўрамизким, кимни куйдирар экан?

Кофир айтди:

— Аввало сен қўлингни тутақол!

Шайх қўлини ўтга тугди, гўё райҳон орасига қўлини тикқандек бўлди.

Кофир уни кўриб, қўлини ўтга тикмади. Шунинг учунким, билар эди, вафо қилмас, куйдирар.

Айтди:

— Эй, мусулмонлар улуғи, сендан уч нарса сўрарман. Жавоб берсанг, имон келтириб, сенинг динингга кираман.

Шайх айтди:

— Сўрагил!

Кофир айтди:

— Бу халойиқни нима учун яратди, яна нима учун ризқ берур ва ризқ берди, нима учун ўлтирар ва ўлдирди, яна нима учун тирилтиради?

Шайх айтди:

— Шунинг учун яратдиким, Унинг бирлигини билгайлар! Ризқ бердиким, Раззоқлигини; ўлдирарким, Қаҳҳорлигини; тирилтирарким, Боқийлигини билгайлар!

Кофир бу сўзларни эшитгач, дарҳол имон келтириб, мусулмон бўлди.

Шайх наъра уриб, беҳуш бўлиб йиқилди.

Ўз ҳушига келгандан сўнг, Баҳром деди:

— Эй Шайх, нима ҳол бўлди?

Айтди:

— Сен мусулмон бўлдинг, у соат менга хитоб келдиким: «Баҳром етмиш йилдур кофир эди, бу дам мусулмон бўлди ва сен етмиш йилдан бери мусулмондурсан, оқибат қандай бўлишини билармисан?»

\* \* \*

Нақлдурким, Аҳмад етмиш ёш орасида бир кеча ёстикқа бошини ва тўшакка ёнини қўймади.

Айтдилар:

– Эй Аҳмад, бир кеча роҳат қилсанг нима бўлади?

Деди:

– Жаннатни устимда безатмоқдалар, дўзахни эса остимда қиздирарлар. Мен билмасменким, буларнинг қайсисига борарман. Ва бу икки жой орасида менга қандай уйқу келади?

\* \* \*

Нақлдурким, бир киши Шайхдан насиҳат истади.

Айтди:

– Аллоҳдан қўрқил ва буйруғига бўйин қўйил! Токи барча сендан қўрқиб, фармонингда бўлгайлар! Ва яна дунёдан сақлан, то сени балога солмагайлар! Ва Аллоҳга бандалик қил, сени бандалик қилмоқ учун яратганлар!

Аллоҳ Аҳмади Ҳарбни раҳмат айласин!



## ҲОТАМИ АСАММ

У замона зоҳиди, ягона обид, дунёдан юз ўтирувчи, охиратга юз бурувчи, риёзат кони, вилоят маъдани, карам ҳокими, Хуросондан етишиб чиққан Балх машойихларидан, шайх Шақиқи Балхийнинг муриди, Аҳмад Хазравиянинг пири, художўйлик, тақво, риёзат ичида бемисл ва беназир эди. Бутун умрида бир дам Аллоҳдан айру ерга қадам босмади, бир дам ихлоссиз, мартабасиз бўлмади.

Унинг камолоти шу даражага етдиким, шайх Жунайд Бағдодий айтибдур:

– Бизнинг замонамизда сиддиқ Ҳотами Асаммдир!

\* \* \*

Бир куни Ҳотами Асамм муридларига айтди:

– Агар сизлардан Ҳотами Асаммдан нима ўргандинг, деб сўрасалар, нима жавоб қиласизлар?

Муридлари деди:

– Илм ўргандик, ҳикмат ўргандик, деймиз!

Айтдилар:

– Унинг илми йўқ, ҳикматни билмас, десалар нима қиласиз?

Муридлар жавоб бермадилар.

Ҳотами Асамм айтди:

– Икки нарса ўргандик, дегайсизлар. Биринчи шуки, қўлда бор ҳар нарсага хурсанд бўлмоқни; иккинчи, халқдан умид узишни ўргандик!

\* \* \*

Нақлдурким, Шайх карами улуғ эдиким: бир куни бир кампир унинг олдига нарса сўраш учун келди.

Сўз орасида ел чиқарди. Шайх эшитиб қолдимикан, деган ўйда унинг ранги ўзгариб кетди.

Шайх деди:

— Қаттиқроқ гапир, қулогим огирроқ!

Кампир хушқол бўлиб, баландроқ сўзлай бошлади. Ҳотами Асамм ҳам кампир изо емасин, деб баланд овозда гапирди. Кампир гаплашиб бўлиб, қайтиб кетди.

Шайх ушбу кампирнинг ҳурмати учун ўзини ўн беш йилгача қулоги огир одам сифатида кўрсатди. Бирор киши кампирга билдириб қўймасин, деб юрди.

Кампир вафот этганидан сўнг ўз ҳолича сўзлай бошлади, қулоги ҳам яхши эшитадиган бўлди. Шу сабабли уни «Асамм» (Қулоги огир, кар) деганлар.

\* \* \*

Нақлдурким, бир куни Шайх Балх шаҳрида ваъз айтди:

— Илоҳи, ҳар ким бу мажлисдадур, ёрлақагил ва хатоларини кечиргил!

Бу мажлисда бир кафан ўгриси бўлиб, у кўп мазорларни очиб, ўликларнинг кафанларини олган эди. Яна кеча бўлди, ҳамиша одатидек қабристонга бориб, очмоқ учун қўл узатди.

Овоз эшитди:

— Уялмайсанми, Ҳотам мажлисида кечирилдинг, яна келиб гуноҳ ҳосил этарсан!

Ҳар мазоротга борди, у сўзни эшитди. Охири кафан ола билмади. Ҳотамнинг олдига борди, мазоротда бўлган воқеаларни баён қилди.

Тавба эттиким:

— Минбаъд кафан ўгирламайман, — деб қасам ичди.

Ҳотами Асамм бунга шукр саждасини бажо келтирди.

\* \* \*

Нақлдурким, бир куни бир киши Ҳотами Асаммни уйига чақирди.

Шайх айтди:

— Мен даъватга ярамайман!

У киши қайта-қайта айтди.

Шайх деди:

– Сенга уч иш буюраман, агар қабул этсанг, борурман.

У киши деди:

– Қабул қилдим.

Шайх айтди:

– Мен қаерни хоҳласам, ўша ерда ўтираман; ҳар нимани хоҳласам, ўшани гапираман; ҳар нимани есам, егайман, сен ҳаргиз монеъ бўлмагайсан!

У киши қабул қилди. Шунинг учун Шайх унинг уйига борди. Ҳаммадан пастда ўтирди.

Айтдилар:

– Бу ер сизнинг ўрнингиз эмасдур!

Шайх айтди:

– Сўзимиз бор!

Таом келди, Шайх қўйнидан арпа нонини чиқариб еди.

Айтдилар:

– Эй Шайх, бизнинг таомимиздан нима учун емассан?

Айтдилар:

– Сўзимиз бордур, нима қилсам, ҳеч ким монеъ бўлмагай!

Таом ейилгач, Шайх айтди:

– Бир темирни ўтда қиздириб келтиринг. Ўтдек қизарсин!

Дарҳол қиздириб келтирдилар ва йўл устига қўйдилар. Бошлаб Шайх яланг оёқ устидан босиб, бир муддат туриб ўтди.

У халойиққа деди:

– Мен арпа нонини едим. Сирот кўпригидан ўтдим. Энди, сизлар ҳам келинглар, бу Сирот кўпригидан яланг оёқ ўтинглар. Бу Сирот кўпригидур!

Айтдилар:

– Бизлар тоқат қила билмасмиз!

Ҳотами Асамм деди:

– Бас, тонгла қиёматда қандай тоқат этасизлар. Бу бир намунадур, унинг иссиқлиги ҳақиқий мўмин бандага кўрсатилмайди. Сизлар ҳар турли ишга қўл ураверасизлар, неъматларни ейсизлар, лекин буларнинг барчасига жавоб бермоқ керакдур. Зотан,

«Қуръони карим» хабар берур: «Сўнгра ана ўша кунда (қиёматда), албатта, (сизларга ато этилган барча) неъматлар тўғрисида сўроқ қилинурсиз!»<sup>1</sup>

\* \* \*

Нақлдурким, бир кун бир киши Шайх олдиға келиб деди:  
– Молим кўпдур, истарманким, молимдан бир нарса қабул қилиб олгайсан!

Шайх айтди:

– Раззоқдан истарман!

У деди:

– Сен қаердан олиб ерсан?

Шайх айтди:

– Аллоҳнинг хирмонидан олиб ерман!

У айтди:

– Мусулмонлар ҳосилидан ерсан!

Шайх айтди:

– Кошки, сен ҳам мусулмон бўлсанг эди!

У айтди:

– Хужжат кўп келтирасанми?

Шайх айтди:

– Аллоҳ хужжат истайдими?

У деди:

– Бир сўздир!

Шайх айтди:

– Аллоҳ кўкдан ерга сув юбориб турар, ота билан онанг ул сув билан ҳалол бўлгандур!

У айтди:

– Сенинг ризқинг кўкданми?

Шайх айтди:

– Ўн саккиз минг оламнинг ризқи кўкдан келур. Чунки, «Қуръон» хабар берган: «Осмонда эса, сизларнинг ризқларингиз ва сизларга ваъда қилинаётган нарса (жаннат) бордир».<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Тақосур сураси, 8-оят.

<sup>2</sup> Зориёт сураси, 22-оят.

У киши:

— Сизнинг ризқингиз хонақоҳ дарчасидан узатиладими? — деди.

Шайх:

— Тўққиз ой она қорнида ётган эдим, ризқ дарчадан келганми-ди?! — деб жавоб берди.

У айтди:

— Ризқ келиб сенинг оғзингга кирди-ку?

Шайх айтди:

— Мен икки йил бешикда ётдим, ризқим оғзимга келиб кирар эдимми?

У айтди:

— Ҳавога кўтарил, қани сенга ризқ келарму?

Шайх деди:

— Қушдек бўламан!

У айтди:

— Сув қаърига киргил, кўраин, сенга ризқ келарму?

Шайх деди:

— Балиқдек бўламан!

У бундан бошқа сўзламади, қулфи дили очилиб, имон келтириб, мусулмон бўлди. Тавба қилди ва деди:

— Эй Шайх, сенга густоҳлик қилдим, маъзур тут ва менга насиҳат қил!

Шайх айтди:

— Халқдан тамангни узгил, то бахиллик сендан кесилгай! Ботинингни Ҳаққа тўғри қил, то Аллоҳ таоло зоҳирингни халқ орасида кўркли қилгай!

Ва яна деди:

— Ҳар ерда бўлсанг Аллоҳ бандалигига машғул бўл, то халқ сенга қуллуқ этгай!

\* \* \*

Нақлдурки, Ҳотамнинг хотини бағоятда солиҳа ва ҳол соҳибаси эди. Шайх бир куни газотга кетмоқ истаб, аёлига деди:

— Мен тўрт ойлик сафарга кетарман. Мендан келгунимча қанча нафақа истарсан?

Аёли деди:

– Мен қанча тирик бўлсам, шунча нафақа керак бўлар!

Ҳотам деди:

– Тириклик ва ўлмоқ менинг қўлимда эмасдур, Аллоҳ қўлидадир!

Хотини деди:

– Ундай бўлса менинг ризқим ҳам сенинг қўлингда эмасдур!

Ҳотами Асамм бу жавобни эшитиб, бағоят хушҳол бўлиб, ҳаққига кўп дуо қилди.

Ҳотами Асамм газотга борганида бир кофир уни отдан туширди-да, ерга босиб, бўйнига пичоқ тиради.

Ногоҳ кўрдиким, бир аёл қўлида пичоқ ва ўроқ билан кофирни ўлдирди.

Бу Ҳотами Асаммнинг хотини эди.

\* \* \*

Нақлдурким, бир киши сафарга кетар чоғида Ҳотамдан насиҳат истади. Ҳотам айтди:

– Агар дўст истасанг, Аллоҳ дўстлигини иста! Агар иш истасанг, тоат-ибодат ишини иста! Ушбу сўзлар басдир. Агар яна ўғит истасанг, дўзах сенга ўғитдир!

\* \* \*

Нақлдурким, бир куни Ҳомиди Лифоф Ҳотам олдига келиб, сўради:

– Саломатлик нимадур ва офият нимадур?

Ҳотам айтди:

– Саломатлик Сиротдан' ўтмоқдир, офият эса жаннатга кирмоқдир!

\* \* \*

Кўп сўзлик бир киши Ҳотам олдига келиб сўради:

– Ҳеч ҳожатинг борму?

Ҳотам айтди:

– Бордур!

Сўради:

— Нима ҳожатинг бордур?

Ҳотам айтди:

— Ҳожатим шуки, бундан кейин на мен сени кўргайман ва на сен мени кўргайсан!

\* \* \*

Нақлдурким, бир куни бир киши Ҳотам олдига келиб, деди:

— Эй Шайх, менга намоз ўргатгил!

Ҳотам айтди:

— Аввал таҳорат қилиб, сиртингни сув билан, ичингни тавба билан тоза қил! Сўнг саждага боргил, Каъбани икки қошинг ўртасида кўйгил!

Жаннатни ўнг тарафингда, дўзахни эса чап тарафингда билгил! Сиротни оёқ остида билгил! Жон олувчини олдингда кўргил!

Кўнглингни Ҳаққа боғлагил ва Аллоҳни азамати билан ҳозир кўргил! Такбири таҳрима боғлагил; кўрқинч билан тикка тургил; ҳайбат билан «Қуръон» ўқигил; тазарру билан рукуъ қилгил, тавозеъ билан сажда қилгил ва ниёз билан «Аттаҳийёт» ўқигил, шукр билан салом қилгил! Иншоаллоҳ, намозинг қабул бўлгай!

\* \* \*

Нақлдурким, Ҳотам айтади, уч нарса уч нарсанинг ортида яшириндир. Аввали ихлос, ҳалқдан умид узмоқлик ортида яширин. Иккинчи, тоат ҳаловати дунё таркида яшириндур. Учинчи, таваккал эътиқод қилмоқ ортида яшириндур!

\* \* \*

— Бу замона олимлари ва зоҳидларининг такаббурини тарозига солсалар, тамоми бекларнинг такаббурлигидан ортиқ келгусидур!

\* \* \*

— Амал кўплигига мағрур бўлмангларким, ҳеч амал Балъам Боъур<sup>1</sup> амалидан ортиқ бўлмагайким, у имонсиз кетди.

<sup>1</sup> Балъам Боъур Йушаъ пайгамбар даврида яшаган зоҳидлардан бирининг номи бўлиб, Бани Исроил қавмининг энг кўп тоат-ибодат қилган обиди.

\* \* \*

— Ҳеч киши Ҳаққа лойиқ бўлмагай, то тўрт турлик ўлим аччигини тотмагай! Биринчи мавт ул-абяз (оқ ўлим) бўлиб, у очликдур; иккинчи мавт ул-асвад (қора ўлим) бўлиб, у кўп жафолар чекмоқдур; учинчи мавт ул-ахмар (қизил ўлим) бўлиб, у нафси ўлдирмоқдур; тўртинчи мавт ул-асфар (сарик ўлим) бўлиб, у эски кийимлар киймоқдур!

\* \* \*

— Ҳар ким эрталаб ва оқшомда етти оят «Қуръон»дан ўқимаса, ўзини саломат билмасин!

\* \* \*

— Ҳар амални қилурсан, Аллоҳ уни кўради, деб қилгил! Ва сўзласанг, Аллоҳ эшитар деб сўзлагил!

\* \* \*

— Шаҳват уч қисмдур. Бири емоқ, бири сўзламоқ ва бири қарамоқдур. Емоқда эътиқодингни Аллоҳга дуруст ва маҳкам қилгил! Сўзламоқда ростлик ва тўғрилиқни сақлагил! Боқмоқда ибрат кўзи билан боқгил!

\* \* \*

— Тўрт ерда тўрт нарсадан сақлангил: амал ичида риёдан, олар вақтида тамадан, бермоқ вақтда миннатдан ва ҳосил вақтида бахилликдан!

\* \* \*

— Мунофиқнинг белгиси шуки, дунёда нима йиғар бўлса, хирс билан йиғар, ҳар нимани ман этса шак билан ман этар, ҳар нимани дунёда садақа деб берса, риё билан берур!

\* \* \*

— Мўминнинг белгиси шуки, ҳар нимани берса, Ҳақ ризоси учун берар, ҳар нима иш қилса, Ҳақ учун қилар!



\* \* \*

— Ғозийлик ҳам уч турлидир. Бири нафс билан уришмоқ, яна бири гўрга киргунча шайтон билан уришмоқ, яна бири ўлгунча кофирлар билан уришмоқдир!

\* \* \*

— Агар Аллоҳга дўст бўлишни истасанг, у айтган ҳамма нарсага рози бўлишинг керак!

\* \* \*

— Сенинг ишларингдан бештаси шайтон иши эмас. Аввали меҳмонга таомни бермогинг; иккинчи ўликни кафанлаб дафн этмогинг; учинчи, қизинг балогатга етгач, эрга бермоқ; тўртинчи, тавба қилмоқ ва бешинчи, ўз вақтида намоз ўқимоқ!

\* \* \*

Нақлдурким, бир куни Ҳотами Асаммга бир нарса бердилар, у эса индамай қабул қилиб олди.

Сўрадилар:

— Эй Шайх, халқ сенга нарса берса, ҳаргиз олмас эдинг. Бу сафар нега олдинг?

Шайх деди:

— Қабул қилишда боқдим, ўз хорлигимни кўрдим ва унинг азизлигини! Қайтариб бермоқда эса ўз азизлигимни кўрдим ва унинг эса хорлигини! Шу сабабдан ўз хорлигимни ихтиёр қилиб, қабул қилдим, яна берган кишига эътиқодим бор эди.

\* \* \*

Нақлдурким, Ҳотам Бағдодга келганида халифага хабар бердиларким:

— Хуросон зоҳиди келди.

Халифа буюрди.

Шайх халифа олдига келиб айтди:

— Ассалому алайкум, эй зоҳид халифа!

Халифа деди:

— Мен қандай қилиб зоҳид бўлдим? Шунча халойиқ менинг фармонимдадур!

Шайх айтди:

– Агар сен зоҳид бўлмасанг эди, оз нарсага қаноат қилмас эрдинг!

Халифа сўради:

– Қандай қилиб?

Шайх айтди:

– Бу дунёнинг матоси оздир.<sup>1</sup> Маълум бўлдиким, оз нарсага қаноат қиларсан!

Аллоҳ Ҳотами Асамми раҳмат айласин!

<sup>1</sup> Бу гапнинг маъноси «Қуръон» оятдан олинган бўлиб, у ҳақда Нисо сурасининг 77-оятда сўз юритилган.

## САҲЛ ИБН АБДУЛЛОҲ ТУСТАРИЙ

У тариқат дарёсининг сайёҳи, ҳақиқат дарёси дурларининг ғаввоси, улуғлар шарафи, хотиралар машраби, доҳий раҳбар, тасаввуф аҳлининг муҳташами, замонасининг муўтабари, тариқат султони, ҳақиқат бурҳони, илмда ва амалда машҳур, даврининг бутун аҳолиси унга мурожаат қилар, риёзату каромат ичра комил, муомалату ишорат ичра беназир, ҳақиқат ва дақиқ ҳоллар ичра мисли йўқ эди.

Замона олимлари Саҳл Тустарий тўғрисида у шариат билан ҳақиқат орасини жам қилган эди, дер эдилар.

Унга эътиқод қиладиганлардан бир Зуннуни Мисрий эди.

\* \* \*

Саҳл ибн Абдуллоҳ Тустарий айтади:

– Аллоҳ руҳимга: «Аё, мен Раббингиз эмасманми?» дегани ҳануз менинг эсимда бор. Мен: «Раббимизсан!» деб жавоб бердим.<sup>1</sup>

\* \* \*

Ва яна айтади, мен уч ёшимда намоз ўқир эдим. Тоғам Муҳаммад ибн Саввор мени кўриб қолсалар, йиглар эди.

Бир куни мен айтдим:

– Эй тоға, менда бошқача ҳолат юз бермоқда, кўнглим асло қарор тутмас! Нима қилайин?

Айтди:

– Эй Саҳл, бу ҳолатингни ҳеч кимга айтмагин, чунки ҳали болаликда ҳеч кимда бундай ҳолат юз бермаган.

<sup>1</sup> Бу ерда «Қуръон»нинг Аъроф сураси, 172-оятига ишора қилинган. Унда айтилишича, Аллоҳ жами руҳлар билан аҳдлашув ўтказган. Бу аҳдлашув «ал-Мийсоқ» деб аталади.

Менга ўғит бериб айтар эди, доим Аллоҳ билан бўлгин, кечалари уйғонганда, айтгил, Аллоҳ мен билан бирга. Аллоҳ мени кўриб турибди. Аллоҳ менга гувоҳ бўлиб турибди, деб ўргатган эди.

Мен буни айтиб, жуда кўп фазилатлар топдим.

\* \* \*

Мактабга борадиган вақтим келди, мени мактабга бердилар. Мактабда хаёлим паришон бўлишидан кўрқар эдим. Устозим билан шартлашдим, мени ўз ҳолимга қўядиган бўлди.

Етти ёшимда «Қуръон»ни хатм қилдим, ҳамиша рўза тутар, ҳамма вақт арпа нони ер эдим. Ўн етти ёшимга етганда халқ орасида бир масала кўтарилди. Уни ҳеч ким ҳал қила билмади. Бас, дастур тиладим, Миср шаҳрига бордим, уламолардан у масалани сўрадим. Ҳеч олим жавоб беролмади. Бас, обидлар олдига келдим.

Ҳабиб ибн Ҳамза бу масалага жавоб берди. Бир замон олдида турдим, кўп фойдалар топдим. У ердан кетдим, йўлда бир ақчага бир пора арпа сотиб олдим. Уни ўз қўлим билан нон қилиб, бир йиллик озуқа қилдим.

Бас, қувватимни шунгача етказдимки, ҳар уч кунда бир парча нон, тўртинчи кечада бир бодом ер эдим.

\* \* \*

Саҳл Тустарий бир куни Тустар шаҳрида ўтирган экан, оёқларини узатди ва орқасини деворга қўйди.

Айтдилар:

– Эй Саҳл, сен ҳаргиз мундоқ қилмас эрдинг?

Айтди:

– Менинг устозим шу вақтгача тирик эди. Эмди дунёдин ўтди, шогирдга устози тирик вақтида оёқ узатиш раво эмасди. Оёқ узатиш устозга нисбатан густоҳлик бўлар эди.

Бу гапни эшитгач, ҳамма таажжуб қилдилар. У куннинг тарихини ёздилар, сўнг таҳқиқ этдилар, дарвоқе устози ўша куни вафот этган экан.

\* \* \*

Нақлдурким, Саҳл айтади:

— Бир куни Ҳижоз саҳросида борар эдим, бир аёлни кўрдим. Бағоят ожиз ва заиф бўлибдур, ҳассасига таяниб келур. Унга раҳмим келди. Айтдим:

— Бу кампир қарвондан қолиб кетган, шекилли. Мунга бир нарса берайин деб, қўйнимдан бир ақча чиқариб аёлга узатдим.

Аёл:

— Мен ҳам сенга бир нарса берайин, — деб қўлини ҳавога узатди ва бир неча олтин танга олиб, менга берди:

— Сен қўйнингдан олдинг, мен эса гойибдан олдим.

Шу дам кампир гойиб бўлди. Мен унинг ҳасратида қолдим. Каъбага борганимда эса уни ўша ерда кўрдим. Одамлар уни ихлос билан зиёрат қилардилар.

Мен айтдим:

— Тургил, вақт азиздир!

Айтди:

— Ҳар кимки Каъба эгасини тавоф қилиш мақсадида қадам урса, шубҳасиз, унинг ўзини Каъба мисоли тавоф қилгайлар.

\* \* \*

Нақлдурким, Саҳл айтади, Аллоҳ таолога лойиқ бўлган киши олти нарсани тутмоғи керак:

— биринчи, «Қуръон» ҳукмини;

— иккинчи, Пайгамбар (с.а.в.) суннатиға эргашмоғи;

— учинчи, ҳалол мол талаб қиломоғи;

— тўртинчи, ҳаромни тарк этмоғи;

— бешинчи, унда кимнинг ҳаққи бўлса, уни адо этмоғи;

— олтинчи, ёмон ишлардан йироқ бўлмоғи.

\* \* \*

Нақлдурким, Саҳл айтади:

— Бахтли бўлишнинг нишони учдир. Аввало Пайгамбар (с.а.в.) га феълда ва хулқда иқтидо қиломоқ; иккинчи, ҳаромдан қочмоқ; учинчи, ҳар амалда ихлос билан бўлмоқ.

## МАЪРУФИ КАРХИЙ

У висол насимига ҳамдам, буюк ҳарамга маҳрам, тариқат тўридаги пешво, ҳақиқат йўлидаги раҳнамо, илоҳий сирларнинг орифи, туганмас рамзлар воқифи, замона шайхи, латиф нарсалар маъданининг хазинаси, замона улугларининг саййиди, сарвари, орифларнинг санади эди. Агар бундай бўлмаса, унга Маъруф демаган бўлардилар. Унинг кароматлари ошкора, риёзат ва тақво ичида монанди йўқ, шодлик ва шавқ ичра бағоят эди. Аммо тарсо (насроний) ўгли эди. Отаси уни ўз дини мактабига юборди. Истамади, газабландилар.

Устози унга «солису салоса» — уч худоликни ўргатди.

Маъруфи Кархий:

— «Қул хуваллоҳу, ал-Воҳиду ал-Қаҳҳор!»<sup>1</sup> — деди.

Устози қанчалик газабланса ҳам у аввалги сўзни айтмай, қочиб кетди.

Ота-онаси айтдилар:

— Ўғлимиз қайси динда бўлса бўлсин, уйга қайтиб келсин!

Бизлар ҳам у хоҳлаган динга кирамиз!

Маъруф бориб, Али ибн Мусо ар-Ризо олдида мусулмон бўлди ва яна уйига келди.

Ота-онаси айтдилар:

— Ўғлим, қайси диндасан?

Маъруф айтди:

— Муҳаммад Мустафо динидаман!

Ота-она калима айтиб, мусулмон бўлдилар.

Шундан сўнг Маъруфи Кархий Довуд Тоий олдида бориб, унга шогирд бўлди, кўп риёзатлар чекиб, ўрганиш ҳосил қилди.

Сидқ ичида ҳамма ишора қиладиган даражага етишди.

<sup>1</sup> «У Аллоҳ бирдир, қаҳрлидир!» дегин — бу жумла «Қуръон»нинг «Ихлос» су-расига ишора.

\* \* \*

Муҳаммад ибн Мансур Тусий айтди:

— Бир куни Бағдод шаҳрида Маъруфни юзи шилинган, қон оқаётган ҳолда кўрдим.

Мен айтдим:

— Бу қандай нишонадур?

Айтди:

— Сўраб нима қиласан? Ундан кўра, ўзингга фойда келтирадиган нарсалардан сўрагин!

Мен айтдим:

— Худо ҳаққи, сабабини айтгин!

Деди:

— Бугун бомдод намозини ўқигандан кейин Каъба зиёратига бордим. Уни тавоф қилиб бўлганимдан кейин сув ичиш учун замзам олдига келдим. Шу ерда оёгим тойиб йиқилдим, юзим шилинди. Бу ўшандан қолди.

\* \* \*

Нақлдурким, бир куни бир гуруҳ йигитлар дарё қирғоғига бориб, фасод қилдилар. Маъруф уларга учради.

У йигитлар айтдилар:

— Эй Шайх, дуо қилгин, бизлар бу дарёга гарқ бўлгаймиз, то бизларнинг шумлигимиз аҳолига тегмасин!

Маъруф қўл кўтариб, деди:

— Илоҳи, бу йигитларга дунёда қандай хушвақтлик рўзи қилдинг, охиратда ҳам вақтларини хуш қилгайсан!

Йигитлар бу сўзга таажжуб қилдилар ва айтдилар:

— Эй Шайх, бу сўзга бизлар тушунмадик!

Шайх деди:

— Агар Аллоҳ сизларга ул жаҳонда ҳам хушвақтлик рўзи қилса, бу дунёда сизларга тавба рўзи қилур. У тавба билан сизларнинг барча гуноҳларингизни кечиргай ва жаннатга киритгай!

Йигитлар Шайхдан бу гапни эшитди, ҳаммалари унинг оёғига йиқилиб, тавба қилдилар. Шундай қилиб, у жаҳонда ҳам хушвақт бўлдилар.

\* \* \*

Нақлдурким, Сирри Сақатий айтади, ҳайит куни шайх Маъруфни кўрдим, хурмо йиғарди.

Сўрадим:

— Бу хурмоларни нима қиларсан?

Айтди:

— Бугун бир боланинг йиглаб ўтирганини кўрдим. Ундан йиглаш сабабини сўрадим.

Айтди:

— Етимман, ота-онам йўқдур. Болалар бугун янги тўнлар киядилар, ёнғоқ ўйнадилар. Менда ҳеч бири йўқдур. Шунга йиглаб ўтирибман.

Мен эса унга ёнғоқ олиб бериш учун хурмо тераяпман. Уни сотиб, болага йиғламаслиги учун ёнғоқ олиб бераман.

Мен:

— У ишни мен битираман, унга ёнғоқ ва тўн олиб бераман. Сен хотиржам бўлгил! — деб етим болага ёнғоқ ва янги тўн олиб бердим.

Дарҳол Ҳотифдан овоз келдиким:

— Икковингизга баробар савоб бердим!

Бу икки зот Аллоҳнинг хос бандалари эдилар.

\* \* \*

Нақлдурким, бир куни Маъруф хонақоҳда ўтирар, бир мусофир келиб, қиблага қарамай намоз ўқиди. Намоз вақти бўлганда, Шайх жамоат билан қиблага қараб намоз ўқидилар.

Мусофир хижил бўлиб, деди:

— Менга қиблани айтмадингиз?

Шайх айтди:

— Унинг ғамини емагил, ҳар тарафга боқсанг Худо ҳозирдир! Бунни эшитиб, мусофир бағоятда хушнуд бўлди.

\* \* \*

Нақлдурким, бир куни унга завқ голиб бўлди. Олида бир терак бор эди, уни қўлига олиб, шундай силадики, терак пора-пора бўлди.



\* \* \*

Шайх айтади:

– Сахийлик нишони учдир. Бири хилофсиз вафо; иккинчиси, саволсиз ато; учинчиси, миннатсиз шафқатдир.

\* \* \*

– Гафлат нишони шуки, Аллоҳ кишини бир нарсага шундай машғул этиб қўядики, аслида у иш ҳеч кимга керакмас!

\* \* \*

Бир киши Шайхдан насиҳат истади.

Айтди:

– Бир кишидан ҳожатингни тилагинким, ҳожатингни раво қила билсин!

Ва айтади:

– У кишиданким, сенга ранжу меҳнат етар, шодлик ва роҳат ҳам етишини аниқ бил!

\* \* \*

Шайх Сирри Сақатий айтади, бир куни Маъруф менга деди:

– Қачонким, Аллоҳдан ҳожат тиласанг, Илоҳи, Маъруф ҳаққи учун менинг ҳожатларимни раво қил, деб дуо қилгин, шунда ҳожатинг дарҳол раво бўлгай!

Маъруфи Кархийнинг ҳаққи Аллоҳ даргоҳида қадри шу даражада эдиким, ўлгандан сўнг Бағдод аҳолиси унинг қабрига, дуолар ижобат бўладиган жой, деб от қўйдилар. Негаким, унинг қабри олдида ҳар ҳожатни тиласалар, дарҳол раво бўларди.

Маъруфи Кархийнинг лутфи, шафқати, халққа нисбатан чиройли одоби, гўзал муомаласи сабабли халқ ундан рози ва хушнуд эди. У дунёдан ўтган куни мусулмон, жухуд ва тарсолар ҳам фарёд чекиб, йиғлагандилар.

Ҳар бир миллат:

– Маъруф биздандир, — деб йиғлашар эди.

Бир муриди деди:

– Сизлар уришманглар, Шайх менга, менинг жанозам вақтида тобутим қайси қавмнинг ва қайси миллатнинг яқинида турса, мен у қавмданман, деган эдилар.

Бас, унинг тобути жаноза вақтида мусулмонлар олдида турди, шунинг учун уни мусулмонлар қабристонига дафн қилдилар.

\* \* \*

Нақлдурким, Шайх рўза тутиб, муридлари билан кетаётган эди, пешин намози вақтида бир мешкобчининг сув улашаётганини кўрдилар.

У айтар эди:

– Менинг сувимдан ичган бандани Аллоҳ ёрлақасин!

Бас, Маъруф унинг сувидан ичди.

Муридлари айтдилар:

– Нима учун рўзани очдингиз?

Айтди:

– Мешкобчи дуосига умидвор бўлдим.

Маъруфи Кархий дунёдан ўтди, улуғлар тушида кўриб, сўрадилар:

– Аллоҳ сенга нима қилди?

Айтди:

– Мени мешкобчининг дуоси билан ёрлақади.

\* \* \*

Шайх Сирри Сақатий айтади:

– Маъруфни тушимда кўрдим, Арш остида ҳайрат ичра юрибди.

Аллоҳдан хитоб келди:

– Маъруф бизнинг ишқимиздан ҳайрону саргардон бўлган, то бизни кўрмагунча ақли жойига келмайди!

Аллоҳ Маъруфи Кархийни раҳмат айласин!

## СИРРИ САҚАТИЙ

Сирри Сақатий ғайрат билан нафсини ўлдирган, кўриш билан тирик бўлган, малакут солиги, буюклик шоҳиди, ўчирилмайдиган нуқта, тасаввуф аҳлининг имоми, илм денгизининг дури, илм саботининг тоғи эди. Бағдод шаҳрида илк бор ҳақиқат ва маърифатдан сўз сўзлаган кимса у. Ҳабиб Роъийни кўрган, Жунайд Бағдодий эса унинг тоғаси. У кўплаб машойихларни кўрган, Ироқ шайхлари унинг муриди, ўзи Маъруфи Кархийнинг муриди эди.

Сирри Сақатийнинг ҳоли ибтидосида Бағдод шаҳрида бир дўкони бор эди. У доим дўконга парда тортиб, ичида ҳар куни минг ракаат намоз ўқирди. Бир куни бир киши Лигом тоғидан унинг зиёратига келди.

Пардани сурди, салом бериб, айтди:

— Лигом тоғидаги фалон муршид сизга салом йўллади.

Сирри айтди:

— У узоқ шаҳардан қандай қилиб келдинг? Ҳақиқий мард удурким, қаерда бўлса ҳам Аллоҳга машгул бўлгай. Хоҳ бозор, хоҳ маърака, хоҳ уй, хоҳ саҳрода бўлса ҳам бирор лаҳза Аллоҳдан фориг бўлмагай.

\* \* \*

Кунлардан бир куни Бағдод шаҳрига ўт тушиб, тамоми дўконлар ёниб кетди, фақат Сирри Сақатийнинг дўкони ёнмай қолди.

Сирри Сақатий:

— Мен шерикларимга мувофиқлик қиламан, — деб дўконидаги молларининг ҳаммасини фақирларга улаштириб юборди.

Шундай қилиб, у тасаввуф йўлига кириб, дунёдан бутунлай фориг бўлди.

\* \* \*

Сирри Сақатий айтади, бир куни дўконимда ўтирган эдим, Маъруфи Кархий бир етим болани етаклаб келиб:

— Бунга кийим кийдириб қўй, — деди.

Унга янги кийим кийдирдим.

Маъруфи Кархий:

— Аллоҳ дунёни сенинг кўнглингдан совитсин! Кўнглингга унинг машғуллигидан фароғатлик етказсин! — деб дуо қилди.

Мен шундан бери Маъруфи Кархийнинг дуоסי баракасидан дунёдан фориг бўлдим.

Сирри Сақатий ибодатга, риёзатга шу даражада машғул эдики, оламга машхур бўлиб кетди.

\* \* \*

Жунайд Бағдодий: «Мен Сирри Сақатийдан кўра ибодатга машғулроқ кимсани учратмадим. Менинг билишимча, у тўқсон саккиз йилдан бери ёнбошини ерга қўймади, кечалари ухлаган эмас, деган эди».

\* \* \*

Сирри Сақатий айтади, нафсим қирқ кунгача сабзи билан асал тилади, мен бермадим. Ҳар куни бир марта кўзгуга қараб: «Гуноҳ сабабли юзим қораймабдими?» дер эдим.

\* \* \*

Жунайд Бағдодий айтади:

— Кечаси масжидга бордим, бир кишининг масжид эшиги остонасида ўтирганини кўриб, кўрқиб кетдим.

У:

— Эй Жунайд, мендан кўрқингми? — деди.

Мен кўрққангни тасдиқладим.

У деди:

— Аллоҳни биладиган кимса Ундан ўзгасидан нега кўрқади?

Мен унинг кимлигини сўрадим.

У:

— Иблисман, — деди.

Мен унга:

— Аллоҳдан кўрқмайдиган кимсадан мен нега кўрқмай? — дедим ва ундан: — Эй Иблис, сен фақирлар аҳлини ҳам васваса қиласанми? — деб сўрадим.

У бундай жавоб қилди:

— Йўқ, мен уларни дунё билан васваса қиладиган бўлсам, улар охиратга сиғинадилар. Агар уларни охират билан тутадиган бўлсам, Аллоҳга сиғинадилар. Шунинг учун уларга қўл теккиза олмайман!

Мен яна сўрадим:

— Умуман, фақирларга қўлинг етмайdimи?

У деди:

— Улар рақсу самоъ қилганларида кўриниб, васваса қила оламан. Улардан айримлари Аллоҳ учун самоъ, бошқалари эса халқ учун самоъ қиладилар. Ана ўшаларни йўлдан оздираман!

Бизлар бир-биримиз билан сўзлашиб турганимизда масжид ичида Сирри Сақатий ўтирган экан. У менинг номимни айтиб чақирди ва Иблис бадбахт ёлгон айтаяпти, унинг фақирлар билан нима иши бор экан? У Аллоҳнинг душманидир, деди.

\* \* \*

Нақлдурким, бир дарвеш олдига келганда, Шайх унинг олдига таом қўйди, у ея бошлади.

Сирри Сақатий ундан неча кундан бери таом емаганини сўради. У беш кундан бери таом емаганини айтди.

Шунда деди:

— Сенинг бу очлигинг бахиллигингдандир, дарвешлигингдан эмас.

\* \* \*

Жунайд Бағдодий айтади, бир куни Сирри Сақатийдан:

— Муҳаббат нима? — деб сўрадилар.

У:

— Мушоҳададир, баъзилар уни ишорат ҳам дейдилар, — деб жавоб берди.

Шундай деб, у терлаган ҳолда ўрнидан туриб кетди.

— Муҳаббатни ҳеч ким ўрнига келтира олмаган, мен қандай келтира оламан?! — деди ва беҳуш бўлиб йиқилди.

Унинг юзи ойдек порлаб кетган эди.

\* \* \*

Нақлдурким, бир куни Сирри Сақатий ваъз айтаётганда, халифа нойибларидан Аҳмад деган кимса шоҳона либослар кийиб, шаҳарга келган эди.

— Келинглар, Сирри Сақатийни зиёрат қилиб, ундан бирор нарса эшитиб келайлик, — деди у ва мажлисга кириб келди.

Шу вақт Сирри Сақатийнинг тилига ушбу сўзлар келди:

— Оламда Одам фарзандидан ҳам заиф, ярамас нарса бўлмас. Мунча заифлиги билан яна Аллоҳга осий бўлурлар!

У бу сўзни эшитди, гўё бир ўқ нойибнинг кўнглига теккандай бўлди.

Узоқ йиглаб, беҳуш бўлди. Ҳушига келганидан сўнг ҳам йиғлай-йиғлай қайтиб уйига борди. У кеча ҳеч таом емади, ҳеч сўз сўзламади.

Эртаси яна мажлисга келди, кўнгли маҳзун, ранги сариг, суҳбат тамом бўлди, яна уйига борди.

Учинчи куни яна келди. Энди дарвешона кийимлар кийиб, бу дунё тўнларини ечиб ташлаган эди.

Суҳбат тамом бўлганидан сўнг Шайхнинг олдига келиб, айтди:

— У куни айтган сўзларингиз менинг жонимга қор қилди. Дунё севгиси кўнглимдан буткул чиқди, энди халқдан узлат тиларман!

Ва Шайхнинг олдида тавба қилди. У ердан турди, юзини саҳрога қўйиб кетди. Орадан бир неча кунлар ўтгандан сўнг бир кампир юзларини тирнаб, зор-зор йиглаб Шайхнинг олдига келиб, айтди:

— Эй мусулмонлар имоми, менинг ўғлим бир куни сенинг мажлисинга бориб, уйга йиглаб келди. Ҳозир неча кунки, ўғлим гойиб бўлган. Қаерга кетган, қаерда эканини билмасман. Менга тадбир қилгил, — деб шундай зор-зор йиғладиким, Шайхнинг унга раҳми келиб кетди.

Айтди:

— Эй момо, кўнглингни хуш тутгилким, ўглинг ҳозир келади.

Бир замондан сўнг кўрдиларким, Аҳмад нойиб эшикка келди. Шайх кўрдиким, ранглари саргайган, кўзлари ичига ботган. Онасига хабар бердилар, у ўзини ўглининг бағрига отди. Кампир уйига олиб кетиш учун қанчалик ялиниб-ёлворса ҳам ўгли қабул қилмади. Яна турди, саҳрога кетди. Шу билан бир йил ғойиб бўлди.

Шайх бир кеча уйида ўтирганида, бир киши келиб эшик қоқиб, айтди:

— Мени Аҳмад нойиб юборди: «Шайх келсунлар. Мен дунёдан сафар қиламан», деди.

Шайх турди, қабристонга борди. Кўрдиким, Аҳмад бир гўрхона ичида юзини тупроққа кўйиб, жони ҳалқумига келиб ётар, тили эса тебранар ва: «Бас, айнан мана шундай ютуқ учун амал қилувчилар амал қилсинлар!» оятини ўқир эди.<sup>1</sup>

Аҳмад нойиб Шайхни кўрган соат жон берди. Шайх кўп йиғлади ва қайтди. Шаҳарга бордиким, халойиққа дафн учун хабар бергай. Йўлда одамларнинг гўристонга қараб келаётганини кўрди. Шайх улардан қаерга бораётганларини сўради.

Одамлар:

— Бу кеча, ҳар ким бир валиуллоҳнинг жанозасини истаса, қабристонга борсин, — деган овоз эшитдик. Биз ўша валининг жанозасини ўқиш учун бораяпмиз, — дейишди.

Бас, одамлар Аҳмад нойибнинг жанозасини ўқиб, у ерга дафн қилдилар.

Ушбу ҳикоятдан мақсад Сирри Сақатий назари шундай эдики, у кимга назар солса, ўша киши вали бўлар эди.

\* \* \*

Сирри Сақатий айтади, ўттиз йилдан бери бир марта «Алҳамдулиллоҳ», — деб шукр айтдим. Етмиш йилдан бери ўша айтган ҳамдимга истиғфор айтаман.

— Нега истиғфор айтасиз? — деб сўрадилар.

У жавоб берди:

— Бир куни Бағдод шаҳрига ўт тушди. Тамоми дўконлар ёнди, менинг дўконим эса ёнмай қолди.

<sup>1</sup> Софот сураси, 61-оят.

Менга:

— Сизнинг дўконингиз ёнмай қолди, — деб хабар етказдилар.

Мен:

— Алҳамдулиллоҳ, деб шуқр қилдим, сўнг ўзимга-ўзим: «Мен ўзимни мусулмонлар жумласидан ҳисоблайман. Бу айтган ҳамдим, айтган шуқрим уларнинг зиёнларига хушнуд бўлган каби бўлди», дедим.

Шундан бери ўттиз йилдан буён ўша ўт ичимдан чиқмайди.

\* \* \*

— Агар гуноҳ кибрдан бўлса, уни кечирилади, деб умид қилманглар. Чунки, ҳазрати Одам Атонинг гуноҳи шаҳватдан, у кечирилди. Иблиснинг гуноҳи кибрдан эди, у абадулабад кечирилмас!

\* \* \*

— Ҳар ким ўз нафсига насиҳат қилмоққа қуввати етса, ўзгаларга ҳам насиҳат қилмоққа қудрати етади.

\* \* \*

— Кўнгил уч қисмдир. Биринчиси шуки, ҳеч нарса уни жойидан тебратиб билмайди. У тоғга ўхшайди. Яна бири шуки, у ёғочга ўхшайди. Шамол келса, у озгина тебранади. Яна бири шуки, у янги новда мисоли шамол қайси тарафдан эсса, унга мувофиқ тебранади. Ҳаё ва дўстлик кўнгил эшигига келадилар, агар тоат ва тақвони топсалар, ичкарига кирадилар. Агар бу икковини топа олмасалар, кирмасдан кетадилар. Агар улардан бошқа нарса кўнгилда бўлса, беш нарса кўнгил ичида қарор тутмас. Булар хавф, умид, дўстлик, шавқ ва муҳаббатдир.

\* \* \*

— Ориф шуки, унинг таоми худди хастанинг ейдиган таоми, уйқуси баданига чипқон чиққан кишининг уйқуси, дунёлиги эса сувга ғарқ бўлган кишининг ҳоли кабидир.

\* \* \*

— Гуноҳни тарк қилмоқ уч нарсадандир. Аввало, дўзах кўркувидан; иккинчиси, жаннат умидидан; учинчиси, Ҳақ таолонинг фазлу карамидан.



\* \* \*

Бир куни Сирри Сақатий сабр ҳақида сўзлаётганида, чаён чақди. Унга сабр қилиб турди, ундан нимага жим турганлигини сўрашди.

— Сабр ҳақида сўзлаётиб, чаёни даф қилишга Аллоҳдан уялдим, — деди.

Сирри Сақатий бундай дуо қилган эди:

— Илоҳи, сени тил билан зикр қилай! «Бас, мени зикр қилинглар!»<sup>1</sup> демасанг, мен ҳам сени зикр қилмаган бўлардим. Яъни сен ҳеч бир тилга сиғмайсан!

\* \* \*

Жунайд Бағдодий айтади:

— Сирри Сақатий ўлим тўшагида касал бўлиб ётганида уни кўргани бордим. Пардасини кўтармасдан, ўз ҳолича қолдирдим.

У ўзига ишора қилиб:

— Ҳеч нарсага кучи етмайдиган қарам қул, — деди<sup>2</sup>.

Мен унга васият қилишини айтдим. У деди:

— Аллоҳ суҳбатини қўйиб, халқ суҳбатига машгул бўлманг!

Шундай деб, азиз жонини Ҳаққа топширди.

Аллоҳ уни ўз раҳматига олган бўлсин!

<sup>1</sup> Бақара сураси, 152-оят.

<sup>2</sup> Бу ерда «Қуръон»нинг Наҳл сураси, 75-оятга ишора қилинмоқда.

## ФАТҲ МАВСИЛИЙ

У фаръу асл олими, васлу фасл ҳокими, ҳол ошиғи, зулжамол муштоқи, ҳақиқий вали, машойихларнинг улугларидан, соҳибҳиммат, олий мартабали, тақво ва ғайрат ичра бемисл эди.

Халқдан узлат қилиб умр кечирар, халқдан бегоналик истар, ёнбошига бир неча кўйлақлар илдириб олар, кўрганлар, савдогар деб ўйласин, дер эди. Шундай қилиб, ўзининг ҳақиқий ҳолини билинтирмас эди.

Улуғлардан биридан сўрадиларким:

– Фатҳ Мавсилийнинг илми борми?

Айтди:

– Илмда баркамолдур, аммо дунёнинг кетига тепган!

\* \* \*

Нақлдурким, Абдуллоҳ Жалло айтади:

– Бир куни шайх Сирри Сақатий олдида эдим. Туннинг ярми ўтганида у турди, бир ёққа кетиш учун икки калишини кийди. Мен унинг қаерга боришини сўрадим. У Фатҳ Мавсилийнинг ёнига боришини айтди. Шундай деб ташқари чиққанида, шаҳар посбонлари уни ушлаб олиб, зиндонга судрадилар. Эрталаб унга адаб бериб қўйиш учун бир миршаб қўлини кўтарган эди, қўлини тушира олмади.

Унга:

– Нега урмайсан? – дедилар.

У:

– Бир пири муршид қаршимга келиб, «Урма!» деб турибди. Шундан қўлим пастга тушмаяпти, – деди.

Билдиларки, бу шайх Фатҳ Мавсилийдир. Зиндонбонлар Сирри Сақатийни қўйиб юбордилар.

\* \* \*

Фатҳ Мавсилиё айтади:

— Бир куни ҳазрати Алини тушимда кўриб, насиҳат қилишини сўрадим.

У деди:

— Агар бой бўлсанг, фақирларга таъзим қил! Агар фақир бўлсанг, бойларга такаббурлик қил! Шунда савоб олгайсан!

\* \* \*

Нақлдурким, Фатҳ Мавсилиёнинг бешта ёш боласи бор эди. Бешови ҳам битта гиламда ухлашарди. Фатҳ Мавсилиё зор-зор йиғлар:

— Менинг бу йиғлаганларим риё ёки ихлос эканини билолмай кўрқувдаман.

\* \* \*

Нақлдурким, Фатҳ Мавсилиё бир куни йиқилиб, бир бармогини синдириб олди. Қон оқа бошлади. У масжиддан қайтиб келди. Ундан нега қайтганини сўрадилар.

У:

— Оёғимни синдириб олдим. Тангри таолонинг уйига бориб, юзимни буриштириб ўтирсам, худди Удан шикоят қилгандек бўлдим ва савобдан маҳрум бўлмайин, деб қайтиб келмоқдаман, — деди.

\* \* \*

Нақлдурким, бир киши бир нарса келтирганда, Фатҳ Мавсилиё, «тиламасдан келган нарсани рад қилмоқ Унинг берганини рад қилмоқ бўлади», деди ва ундан бир ақчасини олиб, бошқасини қайтариб берди.

\* \* \*

Фатҳ Мавсилиё айтади, ўттиз нафар дарвеш билан суҳбатдош бўлдим. Улар менга:

— Зинҳор халққа қўшилма, болалар билан кўп суҳбатлашма, таомдан ўлмайдиган миқдорда егин! — деб насиҳат қилди.

\* \* \*

— Касалнинг ризқини кессалар, у ўладими? — деб сўрадилар.

Бу ҳолатда касал ўлишини айтди.

У бундай деди:

— Кимнинг кўнглидан илму ҳикматни ва машойихлар сўзларини кессалар, ушбу қалб ҳам ўлади!

\* \* \*

— Маърифат аҳли шуки, ҳар нимани сўзласа, Аллоҳ учун сўзлайди. Ҳар қандай амални қилса, Аллоҳ учун қилади. Ҳар нарсани истаса, Аллоҳдан истайди. Ҳар ким бирор ишни Аллоҳ ризоси учун қилса, шубҳасиз, дўстлик улар орасида юз бергай.

\* \* \*

— Кимки Аллоҳни севса, Аллоҳ ўзидан ўзгани унинг кўнглидан чиқаради.

\* \* \*

Фатҳ Мавсий оламдан ўтганидан сўнг бир улуг зот уни тушида кўриб:

— Аллоҳ сенинг билан нима қилди? — деб сўради.

Фатҳ Мавсий деди:

— Аллоҳ мендан: «Эй бандам, дунёда нега кўп йиглар эдинг?» деб сўради.

Мен унга:

— Гуноҳларимдан кўрқиб йиглардим, — дедим.

Аллоҳ деди:

— Эй Фатҳ, сен кўп йиглаганинг учун гуноҳларингни ёзмасликни ёзувчи фаришталарга буюрган эдим.

Аллоҳ Фатҳ Мавсийни раҳмат айласин!

## АҲМАД ҲАВОРИЙ

У шайхи кабир, имоми хатир, зайни замон, рукни жаҳон, қуббаи қутб, зубдаи аср, ўз даврининг яғонаси, жами илмда мукаммали. Унинг тариқат борасида олий сўзлари, ҳақиқат ва дақиқ илмларда эътибори бор бўлиб, ҳадиси шарифлар ривоятида ҳам замонасининг пешволаридан бири эди. Ўша даврда барча халқ унга ружуъ қилдилар.

У Шом улуғларидан бўлиб, жумла тилларда мақталган, барча кўнгилларда маҳбуб, Сулаймон Дороний муридларидан эди.

Жунайд Бағдодий унинг ҳақида, «Аҳмад Ҳаворий Шомнинг райҳон гулидир», деган.

Аҳмад Ҳаворий Суфён Саврий билан кўп суҳбат тутган эди.

Аҳмад Ҳаворий аввалги ҳолида илм ўқимоққа машғул бўлди. Кўпгина илмлар таҳсил қилиб, камолга етди.

Шундан сўнг тамоми китобларини дарёга ташлаб:

— Бу замонгача илмга машғул эдим, энди ҳолга машғул бўлайин, — деди.

\* \* \*

Нақлдурким, Сулаймон Дороний Аҳмад Ҳаворийнинг пири эди. Аҳмад Ҳаворий ҳаргиз ўз пирининг сўзига қаршилик қилмасликка аҳд қилганди.

Бир куни Сулаймон Доронийга жалолият голиб бўлиб, жазаба ҳолида сўзлар эди.

Аҳмад Ҳаворий:

— Тандир қизиди, нима ёпишимни буюрасиз, — деди.

Сулаймон Дороний жавоб бермади. Аҳмад Ҳаворий ҳам уч марта саволини такрорлади.

Сулаймон Дороний унга:

— Бориб, ўзинг тандир ичида ўтир! — деб юборди.  
Аҳмад Ҳаворий дарҳол бориб, қизиб турган тандирга кириб ўтирди.

Бир оз муддат ўтгандан сўнг пир ўз ҳолига келди.

— Бориб Аҳмадга қаранглар, қизиб турган тандирга кириб кетган эди. Унинг ҳоли нима бўлибди? У менинг сўзимга асло қаршилиқ қилмасликка аҳд қилган, у албатта тандирга кирган бўлиши керак.

Бориб қарасалар, ҳақиқатан ҳам Аҳмад Ҳаворий тандир ичида ўтирган экан. Аммо унинг бирор туки куймаган, чордона қуриб ўтирарди.

\* \* \*

Нақлдурким, Аҳмад Ҳаворий тушида гўзал ҳур келиб ёнида ўтирганини кўрди.

Унга қараб:

— Қандай ҳам чиройли юзинг бор? — деди.

Ҳур деди:

— Ўтган кеча сен Аллоҳ кўркувидан кўп йиғладинг. Кўзингдан оққан ёшларни олиб менинг юзимга суртдилар. Шунинг учун менинг юзим шунчалик гўзаллашди.

\* \* \*

Аҳмад Ҳаворий айтади:

— Тил билан тавба қилиб, сидқи шунга тўғри бўлмаса, ўша тавба ҳақиқий тавба бўлмайди. Тавба шуки, у Аллоҳдан қилингай, бошқа тавбанинг эътибори йўқ. Кимки тавба қилса, ундан тоат-ибодат чиқади, тоатдан эса зуҳд чиқади. Зуҳддан сидқ, сидқдан таваккул, таваккулдан тавҳид, тавҳиддан маърифат, маърифатдан эса хавфу умид ҳосил бўлади. Қачон бу нарсалар бандада ҳосил бўлса, у Аллоҳга лойиқ бўлади!

\* \* \*

— Кимки оқил бўлса, Аллоҳга ориф бўлади. Кимки ориф бўлса, Аллоҳдан кўркувли бўлади.

\* \* \*

— Умид хавф аҳлининг қувватиدير!

\* \* \*

— Кимки кўнгил билан дунёга назар солса, Аллоҳ зуҳд нурини унинг кўнглидан олиб қўяди. Бу дунё ифлос ердир, у эса итларнинг жойидир. Кимки унга машғул бўлса, итлардан ҳам баттар бўлади.

\* \* \*

— Одамзодга гафлатдан ҳам ёмонроқ нарса йўқ. Пайгамбарларга ўлим қаттиқ келади, улар Аллоҳ зикридан қоламиз, деб ўлимни ёмон кўришган.

\* \* \*

— Тоатни севмоқ Аллоҳни севмоқдир. Аллоҳни Аллоҳнинг ўзисиз билишга ҳеч бир далил йўқ. Чунки, Аллоҳни унинг ўзи билангина билиш мумкин!

\* \* \*

— Ҳар ким, халқ мени яхши кўрсин, мени севсин, деб тоат қилса, Аллоҳга ширк келтиргандек бўлади.

\* \* \*

— Ҳар ким, Аллоҳ мени севсин, яхши кўрсин, деб тоату ибодатни ихлосу эътиқод билан қилса, у тоатини бирор киши кўриб қолишини истамайди.

Аллоҳ Аҳмад Ҳаворийни раҳмат айласин!

## АҲМАД ХАЗРАВИЯ

У солики роҳ, посбони даргоҳ, тариқат тасарруф қилувчиси, ҳақиқат таваккалчиси, соҳиби фатво, Хуросон машойихларининг муътабари, тариқат ва ҳақиқат ичра комил, маърифат ва тавҳид бобида омил, барча халқлар кўнглида маҳбуб ва мақбул эди. У соҳиби тасниф, асар битган, унинг минг нафар муриди бор бўлиб, уларнинг ҳаммаси ҳавода учар, жойнамозларини сув устига тўшаб, намоз ўқир эди. У Ҳотам Асамнинг муриди, Абу Туроб Нахшабий билан суҳбат қурган, Абу Ҳафзни кўрган эди.

Абу Ҳафздан:

— Бу тоифадан кўрганларингиз ичида кўнглингизга мақбул бўлгани ким? — деб сўрадилар.

У жавоб берди:

— Аҳмад Хазравиядан улуг ҳимматли ва содиқроқ кишини кўрмадим. Агар у бўлмаса эди, олижаноблик ва одамгарчилик бўлмас эди.

\* \* \*

Аҳмад Хазравиянинг тўни сипоҳийларнинг кийимлари каби эди. Унинг хотини Балх подшоҳининг қизи, исми Фотима эди. У қизлик пайтида Аҳмад Хазравияга совчи юборган, мени олсин, деб.

Фотима тавба қилган эди, лекин буларни Аҳмад Хазравия қабул қилмади. Фотима яна Аҳмад Хазравияга киши юборди.

— Мен сени Ҳақ таоло йўлига далолат қилувчи, деб хаёл қилган эдим. Сен бир ургочи экансан, — деди.

Аҳмад Хазравияга бу гап ниҳоятда хуш келди ва қизнинг отасига совчи жўнатди. Отаси қизини келган совчилар билан бирга барча расм-русумларини қилиб, Аҳмад Хазравия уйига жўнатиб



юборди. У Аҳмад Хазравия уйига келганидан кейин дин эгасига айланиб, дунёни буткул тарк этди, ибодатга машгул бўлди.

\* \* \*

Бир куни Аҳмад Хазравия Боязид Бистомий хизматига келаркан, унга қўшилиб Фотима ҳам келди. Иккови ичкари кирдилар, Фотима юзидан ниқобини олиб ташлади ва Боязид билан густоҳона сўзлаша бошлади. Аҳмад Хазравия ҳайратга тушди.

— Эй Фотима, Боязид билан густоҳона гаплашмоқдасан, бу одобдан эмас, — деди.

Фотима унга жавобан бундай деди:

— Сиз менга табиат маҳрамисиз, Боязид эса менга тариқат маҳраמידир. Мен Сиз орқали ҳавога учаман, Боязид билан эса Аллоҳни кўришни истайман. Боязид мендан беҳожатдир, сизнинг эса менга эҳтиёжингиз бор!

\* \* \*

Бир куни Боязид Бистомийнинг кўзи Фотиманинг қўлига тушиб қолди. У қўлига хино қўйган эди.

— Эй Фотима, нега қўлингга хино қўйдинг? — деб сўради.

Фотима деди:

— Эй Боязид, шунча замондан бери қўлимни кўрмаган эдингми? Сен билан очикчасига гаплашар эдим-ку! Энди қўлимнинг хиносини кўрдинг, мен сен билан суҳбатлаша олмайман! Менинг густоҳлигим сабаби шу эдики, сен: «Менинг олдимда аёл билан девор баробар», деган эдинг.

Боязид Бистомий хижолат чекиб қолди.

\* \* \*

Аҳмад Хазравия билан Фотима Нишопурга келдилар. Яҳё ибн Муоз ҳам Балхга кетаётиб, Нишопурга келди. Аҳмад Хазравия Яҳё ибн Муозни меҳмон қилишни истади.

Хотини Фотимага:

— Бизга қанча нарса керак бўлади? — деди.

Фотима бундай деди:

— Сигиримиз йўқ, кўйимиз йўқ. Шам, атир, мана бу ва мана шу нарсалар ҳам керак. Улар билан яна йигирма эшак керак бўлади.

Аҳмад Хазравия:

— Эшакни нима қиласан? — деди.

Фотима деди:

— Бунингдек зотни меҳмон қилганда маҳалла итларини ҳам меҳмон қилмоқ керак.

Фотима футувват ичра шундай даражада эдики, Боязид Бистомий у ҳақда бундай деган:

— Кимки аёл либосидаги эркакни кўрмоқни истаса, Фотимани кўрсин!

\* \* \*

Нақлдурким, бир вали айтади, бир куни Аҳмад Хазравияни олтин эгарга миниб олиб, ҳавода учиб кетаётганини кўрдим. Фаришталар олтин занжирлар билан эгарни боғлаб олиб кетаётган эдилар.

— Бу мартаба билан қаерга кетаяпсиз? — дедим.

— Фалон азиз зотнинг зиёратига бораяпман, — деди.

Мен унга:

— Сизда шунчалик мартаба бор, унинг ўзи сизнинг зиёратингизга келса бўлмайдими? — дедим.

Аҳмад Хазравия деди:

— Мен бу мартабани унинг зиёрати баракасидан топдим. Агар у менинг зиёратимга келганда эди, бу мартабани у олган бўларди.

\* \* \*

Нақлдурким, бир дарвеш Аҳмад Хазравиянинг меҳмони бўлди. Шу кеча етмиш шам ёндирди.

Дарвеш деди:

— Агар менинг учун ёндирадиган бўлсанг, менга бир шам ҳам етарли.

Аҳмад Хазравия:

— Бу шамлардан қайси бири Ҳақ учун ёндирилган бўлмаса, учиб қолади, — деди.

Дарвеш эрталабгача ўша шамларни учириниш билан овора бўлди. Сув сепди, тупроқ сочди, битта шам ҳам сўнгани йўқ.

Эрталаб Аҳмад Хазравияга:

– Мен таажжубга қолдим, – деди.

Аҳмад Хазравия:

– Бу ёққа кел, яна ҳам ажойибларини кўрасан, – деди. Иккиси бориб бир ибодатхонага кирдилар. У ерда бир неча роҳиблар ўтирган эди. Аҳмад Хазравия ҳам бориб ўтирди. Унинг олдига таом келтириб, ейишини таклиф қилдилар.

Аҳмад Хазравия:

– Аллоҳнинг дўсти унинг душманининг таомини қандай ейдими?! – деди.

Роҳиблар:

– Бизларга имон арз қил, – дедилар.

Аҳмад Хазравиянинг олдида булар ҳаммаси имон келтириб, мусулмон бўлдилар. Бу роҳибларнинг етмишта иттифоқдош ҳамкасблари бор эди, улар ҳам мусулмон бўлдилар. Аҳмад Хазравия ўша кечаси туш кўрди.

Тушида Аллоҳ унга:

– Эй Аҳмад, биз учун етмиш шам ёндирдинг, биз ҳам сенинг кўнглингда имон нуруни ёритдик, – деди.

\* \* \*

Аҳмад Хазравия айтади: «Ҳар ким фақирларга хизмат қилса, Ҳақ таоло унга уч турли нарса ато қилади: саховат, гўзал хулқ ва тавозеъ.

Ва айтади:

– Ҳар ким Аллоҳ ўзи билан бирга бўлишини хоҳласа, сиддиқлар билан суҳбат тутсин! Зотан, «Қуръони карим»да Аллоҳ: «Содиқлар билан бирга бўлинглар!» деган.<sup>1</sup>

Ҳар ким сабрли бўлса, сиддиқлар мартабасини топади!

<sup>1</sup> Тавба сураси, 119-оят.

\* \* \*

Бир марта Аҳмад Хазравиянинг олдида бу оятни ўқидилар:  
«Бас, Аллоҳга қочинлар!»<sup>1</sup>

Аҳмад Хазравия деди:

— Аллоҳ тарафига қочмоқ фарздир!

\* \* \*

Аҳмад Хазравия дунёдан ўтган вақтда бўйнида етмиш минг  
динор қарз қолган, уни фақирларга садақа қилиб берган эди. Жон  
чиқар асносида Ҳақ таолога муножот қилди:

— Илоҳи, мени чақириб олар экансан, қарзимни адо қилиб  
бўлгандан сўнг чақир! Қарз берганлар олдида тутқунман.

Шу он эшикдан бир хожа келиб:

— Аҳмаднинг кимдан қарзи бўлса, чақиринглар, келиб мендан  
олсин! Аллоҳ фармони билан бериб, адо қиламан, — деди.

Дарҳол қарз берганларни чақирдилар. Хожа уларга ҳаққини  
бериб, соф қилди.

Ана шундан сўнг Аҳмад Хазравия азиз жонини Ҳаққа  
топширди.

Аллоҳ Аҳмад Хазравияни раҳмат айласин!

<sup>1</sup> Зориёт сураси, 50-оят.

## АБУ ТУРОБ НАХШАБИЙ

У бало сафларини бузувчи, тақво девонининг ягонаси, Ҳақ набийнинг меросхўри, замона шайхи, валийлик саҳросининг сайёҳи, фақр дарёсининг кемачиси, машойих улуғларидан, Хуросон тупроғидан эди. Мужоҳада ва тақво ичра Ҳақни омонат қилган, ишорат ва калималар ичра нафаси олий, кўп йиллар давомида орқасини тўшакка, бошини ёстиққа қўймаган эди.

\* \* \*

Нақлдурким, Абу Туроб Нахшабий ҳарам ичида бошини саждага қўйганда кўзига уйқу келди. Тушида бир гуруҳ хурлар келиб, арз қилдилар:

– Бизларни қабул этгин! – дедилар.

Абу Туроб Нахшабий уларга:

– Менинг сизларга эҳтиёжим тушмайди, – деди.

– Эй Шайх, бизларни нега қабул қилмайсан? Жаннат хурлари, сизларни Абу Туроб Нахшабий қабул қилмади, деб бизларга таъна қиладилар, – дедилар. Шу он Ризвон (Жаннат) нозири келиб, хурларга рухсат бериб, деди:

– Қиёматда жаннатда Абу Туроб Нахшабий хилватда ўтирганда, у сизларни қабул қилади. Шунда сизлар уларга қуллиқ қиласизлар.

\* \* \*

Нақлдурким, Абу Туроб Нахшабий қачон муридларида бирор бир ёмон ишни кўриб қолса, ҳеч нарса демай, ўзи тавба қиларди.

– У ушбу балога мен сабабли йўлиқди, – дер эди.

Аллоҳ дарҳол ўша муридни саховатли йўлга йўлларди.

\* \* \*

Нақлдурким, Абу Туроб саҳрода кетаркан, кўнгли иссиқ нон ва тухум истаб қолди. Иттифоқо йўлдан адашиб, бир қишлоққа кирди. Гавго кўтарилиб, одамлар Абу Туробни ушладилар.

— Сен бизнинг матоларимизни ўғирлагансан? — деб унга икки юз таёқ урдилар.

Бир киши Абу Туробни таниб қолди.

— Бу машойхлар улуғларидандир, нега адабсизлик қилдингизлар? — деди.

Қишлоқ аҳолиси қаттиқ пушаймон бўлди, уэр ва таассуфлар билан Шайхнинг оёгига йиқилиб, узрлар сўрадилар.

Абу Туроб Нахшабий:

— Мен неча вақтдан бери Аллоҳдан ҳозиргидек хушнудлик тилар эдим. Энди, насиб қилди, — деди.

Шайхни таниб қолган киши уни уйига олиб бориб, олдига иссиқ нон билан тухум қўйди. Шу вақт гойибдан овоз эшитди: «Икки юз дарра еганингдан сўнг тилаганингни топдинг. Қачон бирор нарсани тилайдиган бўлсанг, ўзингга икки юз даррани лозим кўра қол! Шундан сўнг орзуингга етасан!»

\* \* \*

Нақлдурким, бир куни Шайх Ҳижоз ўлкасида кетаётиб, бир қора танли кишини кўрди. Унинг бўйни минорадан узун. Ундан кўрқиб кетиб:

— Девмисан, паримисан? — деб сўради.

У киши ҳам:

— Сен ўзинг мусулмонмисан ёки кофирми? — деди.

Абу Туроб Нахшабий мусулмон эканини айтди.

У:

— Агар мусулмон бўлсанг, Аллоҳдан ўзгадан ҳаргиз кўрқма-гайсан! — деб гойиб бўлди.

\* \* \*

Абу Туроб айтади: «Уч нарсани севадиз, учови ҳам сизларники эмас. Аввало, жонингизни севадиз, жон эса Аллоҳникидир;

иккинчидан, молни севарсиз, мол меросхўрларникидир; учинчидан, дунёни севарсизлар, ҳолбуки, дунёни қўлингиздан оладилар».

\* \* \*

— Икки нарсани истайсиз, аммо қўлингизга кирмас! Бири шодлик, бири эса роҳатдир! Бу иккиси жаннатда қўлга киради, булар дунёда қўлга кирмайди!

\* \* \*

— Фикрингизни сақланг! Барча нарса фикрдан ҳосил бўлади. Ҳар кимнинг фикрлари дуруст бўлса, унинг қилиқлари ҳам дуруст бўлгай!

\* \* \*

— Ҳақиқий бойлик шуки, ўз тенгларингдан ҳожатсиз бўлгайсан! Ҳақиқий йўқсиллик эса ўз тенгларингга муҳтож бўлгайсан!

\* \* \*

Айтишларича, шайх Абу Туробнинг ажали Басра саҳросида келди. У ўлганда, ювилганда, дафн қилинганда ҳеч киши йўқ эди.

Бир неча йиллардан сўнг Абу Туроб қиблага юзланган ҳолда, ҳассасига таяниб жон берганини, азиз жонини Ҳаққа топширганини кўрганлар. У тиз чўккан ҳолда чап қўлида кўзаси бор ҳолда топилган. Унга ҳеч бир жонивор теккан эмасди.

«Ҳадис»ларда келганки, валиларнинг тани чиримас, жониворлар ҳам ундан қочарлар, зарар етказа олмаслар. Улар ўлмайдилар, бир уйдан бошқа уйга борадилар.

Аллоҳ Абу Туроб Нахшабийни раҳмат айласин!

## ЯХЁ ИБН МУОЗ РОЗИЙ

У ризо боғининг чашмаси, сафо Каъбасининг нуқтаси, ҳақиқатларга нотик, халойиқларга воиз, муриди мурод, даврининг латиф кишиси, унинг ажойиб гўзал хулқлари бор эди. У ишқ ва шавқи голиб, муҳаббат ва тариқатнинг маъдани, олиҳиммат, Аллоҳ олдида қадрли эди. Унинг ваъзи эшитганларга таъсир қилар, шунинг учун уни Яхё воиз дердилар. Илму амал ичра собитқадам, ҳақиқат ва мужоҳадалар борасида соҳиби тасниф, сўзлари ҳам мавзун эди.

Машойихлар айтадиларки, ҳақ сўзли кишини истайдиган бўлсангиз, Яхё ибн Муозга боринглар!

Яна айтадиларки, Аллоҳнинг Яхё деган икки дўсти бор. Бири пайгамбар, бири валидир. Яхё пайгамбарларнинг, Яхё ибн Муоз эса валиларнинг улугидир.

\* \* \*

Нақлдурким, Яхё ибн Муознинг бир қариндоши Каъбага бориб, у ерда туриб қолди. Яхёга бу тариқада саломнома ёзиб юборди, менинг уч ҳожатим бор эди, улардан иккови ҳосил бўлди. Битта ҳожатим қолди. Энди, дуо қилки, менинг ўша ҳожатим ҳам ҳосил бўлсин. Ҳарамга келмоқ тиладим, раво бўлди. Бир мувофиқ ходим сўрагандим, у ҳам ҳосил бўлди. Учинчи ҳожатим шуки, ўлмасимдан аввал сенинг жамолингни кўргайман, иншооллоҳ!

Яхё ибн Муоз унга жавоб мактуби ёзди, Ҳарамдан ўзга ерда Аллоҳ йўқми? Эр шуки, қаерда бўлса ҳам Аллоҳ билан бўлгай, хоҳ масжид, хоҳ таҳоратхонада. Бир мувофиқ хизматкор қўлимга кирди, дебсан. Махдумлик Аллоҳнинг сифатидир, ходимлик банданинг сифати. Энди, банда Аллоҳнинг сифатини истаса, у Фиръавнликдир. Яна орзуйим сенсан, дебсан. Агар сенинг Аллоҳдан хабаринг бўлганда эди, Аллоҳга шундай тўлган бўлардингки, у



ерга қариндошинг сигадиган жой қолмаган бўларди. Агар Аллоҳни топган бўлсанг, мени нима қиласан?

\* \* \*

Нақлдурким, Яҳё ибн Муоз бир дўстига нома ёзди. Унда бундай дейилган эди:

— Бу дунё бир тушдир, охират эса уйғоқликдур. Кимки тушида йиғласа, таъбири кулги ва шодликдир. Энди сен бу дунё тушида йиғлагин, тонгла охират уйғоқлигида кулгайсан!

\* \* \*

Нақлдурки, Яҳё ибн Муознинг қизи отасига:

— Менга фалон нарса керак, — деди.

Яҳё ибн Муоз:

— Аллоҳдан тилагин!, — деганида, қизи:

— Мен нафсим учун Аллоҳдан нарса сўрашдан уяламан. Нима нарсани Аллоҳ берса, сиз ўртада восита бўласиз! — деди.

\* \* \*

Нақлдурким, бир куни Яҳё ибн Муозни тўйга чақирдилар. У оз ер, тўй эгаси ниҳоятда такалуф қиларди.

Шунда Яҳё ибн Муоз деди:

— Сендан таом келтирмоқ, биздан эса танимизни ориқ тутмоқ!

\* \* \*

Нақлдурким, Яҳё ибн Муознинг олдида шам ёқдилар. Шабада келиб, уни ўчириб қўйди.

Яҳё ибн Муоз уни кўриб йиғлади.

— Нега йиғлайсан? Яна шамни ёндирамиз-ку! — дедилар.

Яҳё ибн Муоз эса:

— Менинг йиғлашимнинг сабаби бу: имон шамларини кўнгилларда ёққанлар. Агар уни ўчирсалар, бизлар нима қиламиз? — деди.

\* \* \*

Яҳё ибн Муоз айтади, ҳар ким Аллоҳ қуллигини севса, бутун олам уни севади! Ҳар кимнинг кўзи Ҳақ билан равшан бўлса, барча оламнинг махлуқи уни кўрмоқни орзу қилур!

\* \* \*

— Аллоҳни севиш миқдорича халқ ҳам сени шунчалик севади!  
Қанчалик Аллоҳдан кўрқадиган бўлсанг, халқ ҳам сендан шунчалик  
кўрқади! Ҳар ким тоат пайтида Аллоҳдан уялса, Аллоҳ ҳам азоб  
вақтида ундан уялади!

\* \* \*

— Банданинг ҳаёси пушаймон, Аллоҳнинг ҳаёси карамдир!  
Ҳар ким гуноҳ қилаётган вақтда ўша гуноҳини тарк қилса, жаннат  
унинг мақоми бўлади!

\* \* \*

— Уч хислат авлиёлар сифатидир. Ҳар бир ишда Аллоҳга  
эътиқод қилмоқ, яхши-ю ёмон ишни Аллоҳдан деб билмоқ ва  
қазога рози, балога сабр қилмоқ!

— Ўлимни бир товоққа солиб бозорда сотадиган бўлсалар эди,  
уни охиратни севадиганлар олган бўларди.

\* \* \*

— Солиҳ киши шуки, унда уч хислат бўлади. Биринчиси, у  
бойларга насиҳат кўзи билан боққай; иккинчиси, у йўқсилларга  
шафқат кўзи билан боққай, уларга кибр кўзи билан боқмағай;  
учинчиси, фақирларга мухлис ва эътиқодли бўлғай. Ҳар ким Аллоҳ  
билан бой бўлса, у доим йўқсилдир!

\* \* \*

— Субҳоналлоҳ, банда гуноҳ қилишдан ҳам уялмайди. Аллоҳ  
уни кўриб уялади! Аллоҳ: «Бандани кўрқувли қиладиган гуноҳ уни  
кўрқувсиз қиладиган тоатдан кўра яхшидир», деган.

\* \* \*

— Ҳар ким Аллоҳни дўст тутса, нафсини душман тутади!

\* \* \*

— Мўминнинг нишонаси учдир. Агар фойдаси тегмаса, зарари  
ҳам тегмайди. Агар хурсанд қилолмаса, гамгин ва хафа ҳам  
қилмайди. Агар яхши гап гапиролмаса, ёмон ҳам сўзламайди.

\* \* \*

— Ёлгон сўз — биров дўзах ишини қилиб, жаннатни орзу қилганига ўхшайди.

\* \* \*

— Мўмин гуноҳ кўрқинчи билан умид орасида худди икки арслон ўртасида қолгандек титрайди!

\* \* \*

— Касал бўлишдан кўрқиб таомдан парҳез қиладиган, бироқ дўзахга тушишдан кўрқиб гуноҳдан парҳез қилмайдиган кишига ажаблاناман!

\* \* \*

— Бу дунё шайтон дўкониدير. Ундан ҳеч нарса олманглар, келиб нарсасини қайтариб олади.

— Дунё шайтон шаробидир. Ҳар ким ушбу шаробдан ичса, бахтсиз бўлади. Ҳар ким ушбу шаробдан маст бўлса, унга охират мастлиги насиб этмас!

— Бу дунё бир ясанган келиндир! Унинг эри ўз нафсига эргашганлардир.

— Бу дунё бошдан оёқ гам-гуссадан иборат, охиратда эса азобдир!

\* \* \*

— Дунёда обрў қозонмоқ хорлик, охиратда обрўли бўлмоқ азизликдир. Аҳмоқ шуки, азизликни кўйиб, хорлик истайди. Оқилларнинг дунё истамаги жоҳилларнинг тарки дунё қилганидан яхшироқдир!

\* \* \*

— Ҳар ким таомни кўп еса, фаришталар унинг учун кўп йиғлайдилар. Чунки, кўп егувчи шаҳват ўтига боғлангандир!

\* \* \*

— Ҳар бир кишининг баданида ёмонликдан мингта аъзоси бор. Бу аъзолар шайтон қўлидадир. Қачон банданинг қорни оч бўлса, бу аъзолар шайтон қўлидан озод бўлади!

\* \* \*

— Банданинг кўнгли охиратга уч ерда майл қилади: саждада, хилватда ва гўристонда. Бир тариқ донасича дўстлик, муҳаббатсиз бўлган етмиш йилги тоатдан яхшироқдир!

\* \* \*

— Зухднинг ҳарфлари учта: «Зе», «ҳе» ва «дол»<sup>1</sup>. «Зе» зийнатли дунёни, «ҳе» ҳавойи нафсни, «дол» дунёни тарк қилмоқдир.

— Зоҳид шуки, у дунёни тарк этишга ҳарис бўлади. Фоний бўлмоқ ўлимдан қаттиқ, ўлим эса халқдан узилмоқдир.

\* \* \*

— Ҳар ким андишасиз сўзласа, пушаймон бўлади! Ҳар ким андиша билан сўзласа, саломат бўлади!

\* \* \*

— Насуҳ тавбасининг нишони учдир: рўзадан ҳам ортиқ оз ейиш, намоздан ҳам ортиқ оз ухлаш, Аллоҳнинг зикридан ҳам ортиқ кам гапиришдир!

\* \* \*

Нақлдурким, бир киши Яҳё ибн Муоздан насиҳат сўраганида, у:

— Сабр эт, аввал ўзимнинг нафсимга ўғит берай! Ундан кейин сенга насиҳат қиламан. Агар менинг нафсим бу ўғитларни олса, сен ҳам насиҳатни тутасан, — деди.

\* \* \*

Нақлдурким, Яҳё ибн Муозга:

— Бир гуруҳ одамлар сизнинг айбингизни сўзламоқдалар, — дейишди.

Яҳё ибн Муоз деди:

— Агар Аллоҳ мени мағфират қиладиган бўлса, уларнинг сўзларидан менга зиён-заҳмат етишмас. Агар мағфират қилмайдиган бўлса, уларнинг айбларидан ҳам баттарман!

<sup>1</sup> Араб алифбосидаги имло назарда тутилмоқда.

\* \* \*

Яҳё ибн Муоз муножот ичра бундай дерди:

– Илоҳи, гуноҳим билан умид қилишим гуноҳсиз бўлганимдан яхшироқ. Чунки мен авфу карамингдан умидворман. Гуноҳ бўлмаса, гурур бор.

Илоҳи, Мусо билан Ҳорунга: «Фиръавнга юмшоқлик билан сўзланг!» деганинг сенинг лутфу карамингдан эди.

«Мен олий Раббингизман!» деганларга сен қандай муомала қилдинг?<sup>1</sup>

Илоҳи, менинг умидим сенинг карамингга қолган, бўлмаса, юзим қоралиги кўп! Илоҳи, дунёликда бир эски гиламим бор. Уни кимда-ким сўраса, бериб юбораман. Сенинг ўзинг молик ул-мулксан! Бунча олам раҳматинг билан тўла, бу бечорани нега маҳрум қилгайсан?! Сенинг лутфу караминг билан биз маҳрум қолмаймиз!

Сен: «Ҳар бир яхшиликка ўн эваз бераман», дегансан. Сенинг тавфиқинг билан имондан афзал ва яхшироқ нарса йўқ. Сенинг дийдорингдан ҳам улуг ато йўқ.

Илоҳи, дийдорингдан маҳрум этмагил! Илоҳи, дунёда менга нима нарса бермоқчи бўлсанг, уни кофирларга бер!

Охиратда менга нима бермоқчи бўлсанг, уни мўминларга бер! Менга дунёда зикринг, охиратда эса дийдорингни бер! Илоҳи, мен илмимга кўра сендан жуда қўрқаман, фазлингдан ҳам умидворман! Энди, сен ўз фазлингни мендан дариг тутмагил! Менинг илмимга боқма, мен айбли бандаман.

Авфу карам сендадир! Илоҳи, сендан қўрқаман! Шунинг учунки, мен бандаман, сендан умидворман! Худовандо, агар қиёматда мендан: «Менга нима келтирдинг?» деб сўрасанг, мен: «Дунёда зиндонда, гуноҳлар билан булганган эдим. Ундан хижолат ва камчиликдан ўзга нарса келтирмадим», дейман.

<sup>1</sup> Бу ерда «Қуръон»нинг Тоҳо сураси, 43-44-оятлари, Нозийот сураси 24-оятига ишора қилинмоқда.

\* \* \*

Нақлдурким, Яҳё ибн Муознинг шаҳар ичида юз минг танга қарзи бор бўлиб, уни тамоми фақирларга улашиб берган. Қарз берганлар қарзларини талаб қилардилар, шу сабабдан Яҳё ибн Муознинг кўнгли ғамгин эди.

Бир кеча Пайгамбарни тушида кўрди, у зот:

— Эй Яҳё, кўнглингни ғамгин қилма! Хуросонга бор, сенинг қарзинг учун юз минг ақча қўйибдилар, — дедилар.

Яҳё ибн Муоз:

— Эй Расулуллоҳ, у қандай киши? — деди.

Расулуллоҳ:

— Сенга айтганимдек, унга ҳам ўзим айтаман, — дедилар.

Яҳё ибн Муоз уйғониб, Нишопурга келди. Минбарга чиқиб ваъз айтди. Ваъз орасида:

— Қарзим менга ҳижоб бўлади, ваъзни яхши айта олмайман. Пайгамбарни тушимда кўрдим. У зот менга:

— Хуросонда бир киши қарзингни адо қилади, деган эдилар, — деди.

Шу мажлисда ҳозир бўлганлар:

— Биз сенга ушбу маблағни йиғиб берамиз. Бировимиз ўн минг, бошқамиз қирқ минг, хуллас, юз минг кумуш тангани йиғиб берамиз, — дедилар.

Яҳё ибн Муоз бунга кўнмади.

— Мен Расулуллоҳ айтган кишидан бу маблағни оламан, — деди.

У ердан чиқиб, Балхга борди ва мавъизалари орасида тушини гапириб берди. У ерда ҳеч ким чиқмади. Шундан сўнг Ҳиротга келиб, одамларга ваъз-насиҳат қилди. Кўрган тушини тўлиқ гапириб ўтди.

Бу ерда Хуросон подшоҳининг қизи ҳам ҳозир эди. У жойидан туриб, деди:

— Эй Яҳё ҳазратлари, Пайгамбар сизнинг тушингизга кирган кеча менинг ҳам тушимга кирган эдилар. Мен у зотдан:

— Ўзим унга олиб бориб берайми? — деб сўраган эдим.

У зот:

— Йўқ, Яҳё ибн Муознинг ўзи келади, — дедилар. Ўша кундан бери сизга мунтазирман. Ўз ҳалол молимдан сизга уч юз минг танга тайёр қилиб қўйибман.

Шундай деб, амирнинг қизи ҳамён тўла тангаларни Яҳё ибн Муознинг олдига олиб келиб қўйди.

Яҳё ибн Муоз:

— Сенинг бир ҳожатинг борга ўхшайди, айтавер! — деди.

Қиз:

— Уч кун шу ерда ваъз қиласиз, — деди.

Яҳё ибн Муоз бунни қабул қилди. Ўша кунни ваъз айтди, ўн киши жон берди. Иккинчи кунни ваъз чоғида қирқ киши жон берди. Учинчи кунни ваъз айтганда эса юз киши жон берди.

Тўртинчи кунни Ҳирот шаҳридан чиқиб кетди. Бир туя юки билан Яҳё ибн Муознинг ўғли ҳам у билан йўлга чиқди. Йўлда уни шайтон йўлдан урди.

Нобакор ўғил:

— Отам бу молни олиб қарзига бериб юборади. Қолганини эса ҳеч шубҳасиз фақирларга улаштиради. Менга эса ҳеч нарса бермайди. Бунни ўлдирсам, пулнинг барчаси менга қолади, — деб ўйлади.

Яҳё ибн Муоз дарё қирғоғига етиб келди, у ерда кечаси қоладиган бўлдилар. Саҳар вақтида Яҳё ибн Муоз намоз ўқиди. Саждага бош қўйганида ўғли тош билан отасининг бошига урди.

Яҳё ибн Муоз, Ҳақ, деб жон берди.

Жасадини олиб келиб, Нишопурдаги эътиборли қабристонлардан бирига дафн қилдилар.

Аллоҳ Яҳё ибн Муозни ўз раҳматига олган бўлсин!

## ШОҲ ШУЖОЪ КИРМОНИЙ

У басират зийнати, тариқат лочини, маърифат сиддиги, бесифат мухлис, чироғи руҳоний, замона улуғларидан, даврининг муҳташам зотларидан, ҳақиқат ва тариқат ходимларидан эди. Донишманд ва фаросатлик, ёзган кўпгина китоблари бор. Ўзи подшоҳзода. Бир китоб ёзиб, унга «Ҳақимлар кўзгуси» деб ном қўйганди. Кўп машойихларни кўрган, Яҳё ибн Муоз, Абу Туроб Нахшабий билан суҳбатлашган. Сипоҳийлар либосини кийиб юрар, хирқа киймас эди.

Шоҳ Шужоъ Кирмоний Нишопурга келганида уни Абу Ҳафс кутиб олиб, унга:

— Гилам ичидан излаган нарсамни қабо (эркакларнинг узун устки кийими) ичидан топдим, — деди.

\* \* \*

Шоҳ Шужоъ қирқ йил умуман ухламади, қачон уйқуси келса, кўзига туз қўяр, кўзларидан қон оқар эди. Қирқ йилдан сўнг бир марта ухлаб қолди. Аллоҳ даргоҳида ҳозир турганини тушида кўрди.

— Эй бор Худоё, мен сени бедорликда истаган эдим, уйқу ичида топдим, — деди.

Аллоҳ деди:

— Эй Шоҳ Шужоъ, бу уйқуда кўрганинг ўша уйқусизлик баракасидан бўлди.

Шундан сўнг тушида яна кўрмоқчи бўлиб, кўра олмади. Айтишларича, олимларнинг уйқуси жоҳилларнинг бедорлигидан яхшироқдир.

\* \* \*

Нақлдурким, Шоҳ Шужоъ Кирмонийнинг бир ўғли бўлиб, унинг кўксига яшил хат билан Аллоҳнинг исми ўйиб ёзилган эди. У кап-катта йигит бўлди, йигитлик завқ-шавқи голиб келиб, рубоб



чалишни ҳавас қилди. Латиф овози бор, рубоб чалиб, ҳар хил нақшларни айтарди. Бир куни харобадан чиқиб, рубоб чертиб бораётганида, йўлда унинг олдидан бир киши чиқди ва:

— Ҳалигача тавба вақти бўлмадимиз? — деди.

Бу киши Аллоҳ тарафидан келган, унинг гапи йигитга бағоят таъсир қилди. Тўнани йиртди, рубобни ерга уриб, парча-парча қилиб ташлади.

Ғусл қилиб, бир уйга кирди, қирқ кун ҳеч нарса емасдан тоат-ибодатга машғул бўлди. Қирқ кундан сўнг ташқари чиқди.

Отаси Шоҳ Шужоъ:

— Менга қирқ йилда ҳосил бўлган нарса бунга қирқ кунда ҳосил бўлди, — деди.

\* \* \*

Нақлдурким, Шоҳ Шужоъ Кирмонийнинг қизига Кирмон подшоҳи совчи қўйди.

Ота:

— Менга уч кун муҳлат беринг, жавобини сўнг айтаман, — деди ва масжиду хонақоҳларни айланиб, бир дарвеш излади. Унга қизини никоҳлаб бермоқчи бўлди.

Учинчи куни масжидда намоз ўқиб ўтирган бир йигитни учратди. Сабр этиб турди. У йигит намоздан фориғ бўлди.

Шоҳ Шужоъ:

— Эй фарзанд, уйинг борми? — деб сўради.

У йўқлигини айтди.

— Қиз оласанми, уйланасанми? — деди.

У:

— Менга ким ҳам қизини беради? Менинг дунёда фақат уч ақчам бор, холос, — деди.

Шоҳ Шужоъ:

— Бир ақчангга нон ол, бир ақчага гуруч ол! — деди.

Йигит унинг айтганини қилди.

Сўнг Шоҳ Шужоъ уни уйига олиб келиб, қизини унга никоҳлаб берди. Йигит қизнинг олдига кириб борди, қўйнида битта нони бор эди.

Қиз:

- Бу қандай нон? — деб сўради.
- Ўтган кечадан қолган эди, — деди йигит.

Қиз:

— Ўтган кеча ризқ берган Аллоҳ бугун ризқ бермайдими? Буни сақлаб қўйибсиз!

Отам менга:

— Сени таваккул аҳлидан бўлганга турмушга узатаман, — деганди. Демак, маълум бўлдики, ризқ учун Аллоҳидан уялмайдиган кишига узатган экан, — деди.

Йигит ниҳоятда хижолат чекди, шундан сўнг ҳаргиз ризқ қайғусини емади, тавба қилди.

\* \* \*

— Фақр Аллоҳ сирларидан бир сирдир. Ўша сир дарвешлар олдида омонат. Фақир ўша сирни қачон ошкор қилса, хиёнат қилган бўлади, фақр ундан кетади!

\* \* \*

— Сидқ аломати учдир. Аввало, дунё қиймати унинг олдида тупроқ қадрича бўлмас. Яъни олтин ва кумушни тупроқча кўрмас! Иккинчиси, одамларнинг севгани, сўккани унга баробар бўлади. На севганига хушнуд ва на сўкканига маҳзун бўлгай! Учинчиси, шаҳватни ичидан чиқариб ташлагай! Дунё аҳли тўқликка хурсанд бўлганидек, у очликка хушнуд бўлади.

\* \* \*

— Хавф аломати шуки, Аллоҳ қулигида камчиликка йўл қўймагай. Расолик нишони шуки, гуноҳим кўп деб раҳматидан умидини узмагай!

\* \* \*

— Сабр нишони учдир. Аллоҳнинг қазосига рози бўлади; ўз аҳволдан ҳеч кимга шикоят қилмайди; ниятини холис қилади.

\* \* \*

— Ҳар ким кўзини хиёнатдан, танини шаҳватдан сақласа, ботинини Аллоҳ билан обод тутса, у кишига шайтон кор қилолмайди.

\* \* \*

Нақлдурким, Хожа Али Тарконий Шох Шужоъ Кирмонийнинг қабрига келиб зиёрат қилди. Фақирларга нон улаштирди, ўзи масжидга кирди, олдига таом қўйди.

— Илоҳи, бир қўноқ юборгин, таомни унинг билан бирга егайман! — деб дуо қилди.

Ногоҳ бир ит келиб қолди, Хожа Али унга:

— Кет! — деди.

Шох Шужоъ қабридан бир овоз келди:

— Эй Хожа Али, Аллоҳдан меҳмон тиладинг, меҳмон эшикка келди. Нега уни қувдинг?

Хожа Али дарҳол ўрнидан туриб, эшикдан чиқди. Маҳаллани ахтарди, итни бир бурчакдан топди. Унга ош келтирди, итнинг олдига қўйди. Ит ушбу ошга назар қилмади.

Хожа Али кўп хижолат чекди, тавба қилиб:

— Минбаъд энди бундай қилмайман! — деди, тўнларини ечиб ташлади, инсофга келди.

Ит тилга келиб, деди:

— Эй Хожа Али, Шох Шужоъ Кирмоний хўрмати бўлмаса эди, нима ишларга учрашингни бир кўрар эдинг!

Шундай деб, ит гойиб бўлди.

Аллоҳ Шох Шужоъ Кирмонийни раҳмат айласин!

## ЮСУФ ИБН ХУСАЙН

Улуғ машойихлардан, авлиёларнинг муқаддами, олимлар мукаррами, жумла илмлар ичра пешқадами эди. У доимо эътикоф<sup>1</sup> ўтирувчи, Аллоҳга муҳаббат соҳиби, маломатчилар маломатидан кўрқмайдиган зот, ниҳоний ниқоб, тириклик суви, икки олам шоҳиди, олам қутби, жуда кўп машойихларни кўрган, Абу Туроб Нахшабий билан бирга суҳбат қилган, Абу Саид Харроз дўстларидан, унинг шайхи Зуннуни Мисрий эди. У узоқ умр кўрганди, риёзат ва мужоҳада ичра беназир эди.

Юсуф ибн Хусайннинг аввалги тавбасининг сабаби шуки, у бир куни араб қабиласига борди. Қабила бошлигининг қизи уни кўриб, ошиқ бўлди. Қиз бағоят соҳибжамол эди.

Бир кеча у фурсат топиб, Юсуф олдига келди. Унинг офтоб каби машғаласи барқ уриб турарди. Юсуф ибн Хусайннинг ичи ўртанди, Аллоҳдан кўрқди.

Туриб, бошқа қабилага кетиб қолди. Бир кеча бошини тиззасига кўйиб, ухлаб қолди. Тушида чиройли ораста қилинган, гўзал чаманзорда битта тахт кўйилган экан. Ўша тахт устида яшил тўнли бир подшоҳ, бир гуруҳ жамоа эса тахт атрофида ўтирган эканлар.

Юсуф ибн Хусайн улар олдига бориб:

— Сизлар кимсизлар, — деди.

Улар дедилар:

— Тахт устида ўтирган Юсуф пайгамбардир, атрофидагилар эса фаришталардир. Фаришталар Юсуф ибн Хусайнни зиёрат қилиш учун олдига бордилар.

Юсуф ибн Хусайн:

— Мен ким бўламан, мени зиёрат қилиш учун келадилар?! — деди.

<sup>1</sup> Рамазон ойида ният қилиб, масжидда тиловат қилиб ўтириш.

Юсуф пайгамбар тахтларидан тушдилар ва келиб Юсуф ибн Хусайнни меҳр билан кучиб, уни тахтга чиқардилар.

Юсуф ибн Хусайн:

— Эй Аллоҳнинг пайгамбари, мен ким бўлибманки, менга бунчалар илтифотлар қиласиз? — деди.

Юсуф пайгамбар деди:

— Подшоҳнинг қизи ўзини сенга арз қилган вақтда сен Аллоҳдан кўрқиб, ундан қочдинг. Аллоҳ менга деди:

— Сен Зулайхони тарк қилиб, мендан кўрқиб қочдинг, сени шунинг учун пайгамбарлар жумласидан қилдим. Энди бу Юсуф ҳам араб подшоҳининг қизини тарк қилди, уни валилардан қилдим. Чунки, у қизнинг ризосини кўйиб, менинг ризойимни истади. Энди ўз иззатим ва жалолим ҳаққи, мен ҳам уни валилардан қилдим.

Яна Юсуф пайгамбар:

— Ҳар бир замонда бир кутб бўлади. Бу замоннинг кутби Зуннуни Мисрийдир. Ҳақ таолонинг сенга фармони шуки, сен унинг олдига борасан! — деди.

Юсуф ибн Хусайн уйқудан уйғониб, завқ ва шавққа тўлди. Дарҳол туриб, йўлга тушди. Мисрга Зуннуни Мисрийдан исми аъзамни ўрганиш мақсадида борди.

Масжидга бориб, Зуннуни Мисрийни кўрди ва унга салом берди. У алик олди, ундан сўнг Юсуф ибн Хусайн бир бурчакда ўтирди. Бир йил тоат-ибодат қилди. Шайхга бир калима сўз айтишга ҳадди сизмасди.

Бир йил ўтгандан сўнг Зуннуни Мисрий:

— Бу йигит ким? — деб сўради.

Унга:

— Бу киши Рай вилоятдан келган, бир йилдан бери шу ерда ибодатга машғулдир, — дедилар.

Яна бир йилдан сўнг Зуннуни Мисрий:

— Бу йигит нима ишга келибди? — деб сўради.

Унга:

— Сиз Ҳазратнинг зиёратига келибди, — дедилар.

Яна бир йил ўтди. Зуннуни Мисрий:

— Бу йигитнинг нима ҳожати бор экан? — деди.

Шунда Юсуф ибн Хусайн:

— Менинг ҳожатим исми аъзамдир. Уни менга ўргатсангиз, — деди.

Орадан яна бир йил ўтди. Зуннуни Мисрий унга ҳеч нарса демади.

Бир йилдан сўнг эса Юсуф ибн Хусайнга усти маҳкам беркитилган бир лаганни бериб:

— Нил дарёсидан ўтасан, дарёнинг у тарафида бир шайх бор. Лаганни ўша зотга олиб борасан. У сенга исми аъзамни ўргатади, — деди.

Юсуф ибн Хусайн лаганни олиб, йўлга тушди. Нил дарёси қирғоғига келди. Лаган ичида бир нарса тебранар эди. Ҳайратланиб, лаганни очди. Ичидан бир сичқон чиқиб, қочди.

Юсуф ибн Хусайн доғда қолди, ҳайрат узра ҳайратга чўмди.

Энди, қайтиб Зуннуни Мисрий олдига борсаммикин ёки шайхнинг олдигами, деб тараддудда қолди, яна Зуннун буюрганидек шайхнинг олдига борганим яхшироқ, деб жазм қилди.

Нил дарёсидан кечиб, шайх хизматига борди. Унга салом берди. Бўш лаганни шайхнинг олдига қўйиб, сичқон воқеасини унга гапириб берди. Шайх табассум қилди.

— Шу ҳолингда Зуннуни Мисрийдан исми аъзам ўрганмоқчи бўлиб юрибсан. У сенинг бесабр эканингни билиб, қўлингга бир сичқон берибди. Сичқонни эса сен сақлаб билмадинг, исми аъзамни қандай сақлаб биласан? — деди.

Юсуф ибн Хусайн хижолат бўлиб, яна Зуннуни Мисрийнинг олдига қайтиб келди. Зуннуни Мисрий деди:

— Ўтган кеча сенга исми аъзам ўргатиш мақсадида Аллоҳдан етти марта дастур сўрадим. Рухсат бўлмади, ҳали вақт етмаган экан! Энди тур, ўз юртингга бориб, рухсат теккунча сабр қил!

Юсуф ибн Хусайн:

— Менга насиҳат қилинг? — деди.

Зуннуни Мисрий деди:

— Сенга катта, ўртача ва кичик учта насиҳат қилай! Катта ўғит шуки, ҳар нарсани ўқидинг, ёздинг, тамомини ювиб, ўчириб ташла! Бу ҳижобдан қутил!

Юсуф ибн Ҳусайн:

— Мен бунга қила олмайман! — деди.

Зуннуни Мисрий насиҳатни давом эттирди:

— Ўртача ўғитим шуки, мендан кўрган ҳар бир нарсани ҳеч кимга айтмайсан, мени ҳам унутгайсан, менинг номимни ҳеч кимга таъриф қилмайсан, менинг шайхим шундай, бундай, демагайсан. Чунки бунда ўзингни таъриф қилган бўласан!

Юсуф ибн Ҳусайн:

— Мен бунга ҳам қила олмасман, — деди.

Зуннуни Мисрий насиҳатни давом эттирди:

— Кичик ўғитим шуки, халққа насиҳат қилиб, халқни даъват қилгайсан!

Юсуф ибн Ҳусайн деди:

— Иншооллоҳ, бунга қила оламан.

Яна Юсуф ибн Ҳусайн Рай шаҳрига қайтиб келди. У шаҳрининг улуғларидан эди, унинг қайтиб келганини эшитиб, барча аҳоли истиқболга ошиқдилар. Кўпгина мажлислар ташкил қилиб, аҳолига яхши насиҳатлар қилди. Бир неча киши унинг сўзларидан шижоатланиб, ёлгон даъвогар бўлди, қароқчилик қила бошладилар. Юсуф ибн Ҳусайннинг мажлисига ҳеч ким келмай қўйди. Бундан қайтиб, яна Зуннуни Мисрий хизматига борадиган бўлди.

Бир чол:

— Сен Шайхнинг билан келишиб олгансан, энди унинг олдига қандай қилиб қайтиб борасан? — деди.

Юсуф ибн Ҳусайн бу сўзни эшитиб, ҳайратга тушди.

— Энди мажлисимга хоҳ киши келсин, хоҳ ҳеч ким келмасин, мен барибир Аллоҳ учун насиҳат қилавераман, — деб йўлга тушди.

Йўл бўйи мажлислар тузиб, халққа ваъз, насиҳатлар қилди. Бир йил шу тарзда кун ўтказди.

Иброҳим Хавос Юсуф ибн Ҳусайннинг муриди эди, унинг холи қавий бўлди. Иброҳим унинг баракатидан олий мартабаларга

етишди. Шундай бўлдики, Иброҳим Хавос узоқ чўлларга озуқасиз, уловсиз кетаверар эди.

Иброҳим айтади:

— Бир кеча менга: «Юсуфга бориб, у даргоҳдан қувилганини айт!» дедилар.

Бу гап унга ниҳоятда таъсир қилди.

— Агар менинг устимга бир тоғни юкласалар, уни кўтармоқ бу сўзни айтгандан осонроқдир, — деди.

Яна бир кеча:

— Тургин, Юсуфга, сен сурилибсан, деб айтиб бор! — дейишди.

Иброҳим Хавос гусл қилиб, истиғфор айтиб ўтирди. Учинчи кеча қаттиқ ҳайбат билан:

— Нега бу гапни айтмадинг, нега бу гапни қабул қилмайсан? — дедилар. Туриб, Юсуф ибн Хусайннинг масжидига борди. Қайгулик бўлиб ўтирди. Бу сўзни унга қандай айтади? Юсуф ибн Хусайн меҳробда ўтирган экан. Унга кўзи тушиб:

— Ҳеч бир байтни биласанми? — деди.

Иброҳим Хавос билган байтини ўқиди, бу байт Шайхга мақбул бўлди. Шайх тикка турди, кўзларидан қон оқа бошлади, сўнг Иброҳим Хавосга қараб:

— Эй Иброҳим, эрталаб менинг ёнимда «Қуръон» ўқидилар. Кўзимдан бир қатра ёш келмади, ҳолим ҳам ҳеч ўзгармади. Энди эса, сен ўқиган биргина байт кўзларимдан тинмай қон оқизмоқда.

Бас, одамлар менга зиндиқ деганлари рост экан ҳамда сенинг тушинг ҳам ростдир, менга сурилибсан, дедилар.

Иброҳим Хавос айтади:

— Бу сўзни эшитиб, ҳайратга тушдим, эътиқодим дуруст бўлди.

Иброҳим Хавос саҳрога чиқиб кетди. Ногоҳ Хизрни кўрди, у:

— Эй Иброҳим, Юсуф ибн Хусайн гўзал заҳм еди, лекин унинг мақоми жаннатнинг олий жойидадир. Ҳақ таоло йўлида ўзни фидо қилмоқ керакки, агар рад қилинсанг ҳам мақоминг жаннатнинг олий жойидан ўзга бўлмайди. Агар подшоҳликдан туширилсанг ҳам, ҳаргиз вазирликдан туширилмайсан! — деди.



\* \* \*

Нақлдурким, Юсуф айтади, сиддиқлар нишони иккидур, бири вақтида тоат қилмоқ ва бири кўнгилдан дўстлик қилмоқ! Аллоҳ ёнида муҳаббатдан яхшироқ нарса йўқдур.

\* \* \*

– Тавҳид удурким, ўз сирини кўнгил ичида билгай. Андоқким, туман ҳам бўлса, уни кўрмагай.

\* \* \*

– Ҳар ким тавҳид зикрига тушса, ҳаргиз сувсизлиги қонмагай! Шунинг учунким, Аллоҳ сувсизлигидур! Яна Аллоҳ қонур!

\* \* \*

– Кўп азизроқ нарса удурким, ихлоси кўп бўлгай!

\* \* \*

– Кўп гуноҳ билан Ҳақни кўрсам яхшироқдур, бир зарра риё билан Ҳақни кўргандан!

\* \* \*

– Гоят қуллиқ удурким, ҳар ҳолда бўлсанг, қуллиқ этгайсан ва уни билгайсан, ундан ўзга ҳеч нарсани билмагайсан!

\* \* \*

Шайхнинг ажали етганда айтди:

– Бор Худоё, ўзинг биларсан, сенинг бандларингга қўлимдан келганча насиҳат этдим, сўз билан ва феъл билан ўз нафсимга насиҳат этдим!

\* \* \*

Яна айтди:

– Менинг нафсим гуноҳини бандалар насиҳатига бошлагил!

Дарҳол азиз жонини Ҳақга топширди.

Аллоҳ уни раҳматига олсин!

## АБУ ҲАФС ҲАДДОД

У эрлар пешвоси, камолот яктоси, обиди содиқ ва қутби вақт, машойих улугларидан, Ҳақнинг халифаси эди. Бу тоифа ичида ундан улугроқ киши йўқдур. Риёзат, каромат, футувват ичида ажойиб қуввати бор бўлиб, кашфу баён ичида ягона, муаллими ва ўргатувчиси бевосита Аллоҳ эди. Абу Усмон унинг муриди, Аҳмад Хазравия билан кўп суҳбат тутиб эди.

Аввал ҳолида бир гўзалга ошиқ бўлиб, сабру қарори йўқ эди. Унга бир кун дедилар:

– Нишопур шаҳрида бир жуҳуд бордур, жоду қилишни билади, сенинг ишингни ўша битиради.

Турди ва жуҳудга борди, аҳволини айтди. Жуҳуд деди:

– Қирқ кун намоз ўқима, Аллоҳ отини ёдга олмагил ва кўнглингда яхшиликни ният қилмагил, то сенга жоду фойда қилгай!

Абу Ҳафс шундай қилди. Қирқ кундан сўнг келди. Жуҳуд тилсим қилди. Муроди ҳосил бўлмади.

Яна жуҳудга борди. Жуҳуд айтди:

– Бу иш амалга ошиши керак эди, лекин сен қирқ кун орасида Аллоҳга лойиқ бир иш қилгансан, бўлмаса жодуларим ҳаргиз хато бўлмас!

Абу Ҳафс айтди:

– Мен ҳеч билмасман, бу қирқ кунда бир хайр иш қилганимни, фақат бир куни йўл устида бир тош ётар эди, оёгим билан у тошни йўлдан сурдим, бировнинг оёғига тегмасин, дедим.

Жуҳуд айтди:

– Офарин, жуда ажойиб Аллоҳнинг бор экан, мен сени шайтон ишига далолат қилдим, У сени ўз раҳматига олди!

Бу сўзни эшитгач, Абу Ҳафснинг жонига ўт тушди. Кўнглида ҳеч ишқ ҳаваси қолмади.

Жухуд олдида тавба қилди. Ўрнидан туриб, дўконига келди ва темирчиликка машғул бўлди.

Ҳар кунда битта қизил олтин ҳосил қилиб, йўқсиз ва заифларга улашарди. Ҳар ерда бир етим ва йўқсиз кўрса, бориб эшиги олдига ақча қўярди. Улар бундан беҳабар ҳолда чиқиб олар эдилар. Ўзи эса хуфтон намозидин сўнг тиланчилик қилиб топган молидан рўзасини очар, даладан кўкат йигиб, нонга қўшиб ер эди. Шу йўсинда узоқ ҳаёт кечирди.

\* \* \*

Нақлдурким, Абу Ҳафс дўстлари билан дам олиш учун тоққа чиқдилар. Сўз тушди, вақтлари хуш бўлди.

— Агар бир қўй бўлса, дўстларга бирён қилиб едирардим, — деган ўй хотирларидан ўтди. Дарҳол бир кийик тоғдан тушиб, бошини Абу Ҳафснинг тиззаларига қўйди. Шайх кийикни қўли билан урди. Кийик қочиб кетди.

Муридлари сўрадилар:

— Бу на ҳолдур?

Айтди:

— Кўнглумга «бир қўй бўлса-ю, дўстларга бирён қилиб едирардим», деган ўй ўтган эди, дарҳол бу кийик келди. Билдимки, мурод ҳосил бўлди.

Муридлари айтдилар:

— Аллоҳдин тилабсиз, берди, яна нима учун қувлаб юбордингиз?

Шайх айтди:

— Сизлар билмассиз, мурод ҳосил бўлмоқ, даргоҳдан қувмоқдир. Агар Аллоҳ Фиръавннинг яхшилигини тилар бўлса эди, унинг хоҳиши учун Нил дарёсини равон қилмас эди. Ва ҳар наким унинг муроди бор эди, ҳосил бўлмас эди.

\* \* \*

Нақл қилишларича, Абу Ҳафс кетиб борар чоғида бир киши зорлик билан олдига келди.

Шайх сўради:

— Сенга нима бўлдиким, бундай зорлик қилмоқдасан?

Айтди:

– Дунёликдан бир эшагимдан ўзга ҳеч нарсам йўқ эди, у йўқолди, ҳарчанд ахтарурман топилмайдур.

Шунда Абу Ҳафс бир оёғини ерга уриб, деди:

– Сенинг буюклигинг ва улуғлигинг ҳақи, то бунинг эшаги бу ерда ҳозир бўлмагунча, оёғимни ердан кўтармагайман!

Эшак дарҳол топилди.

\* \* \*

Нақл қилишларича, Абу Усмон деди:

– Бир куни Шайхга дедим, кўнглим халойиққа ваъз айтишни хоҳлайди.

Деди:

– Бу сўзинг билан халойиққа нима келтирасан?

Дедим:

Шафқат келтираман.

Сўради:

– Шафқатинг халқ учун нақадар бўлади?

Жавоб бердим:

– Агар Аллоҳ мусулмонлар ўрнига мени дўзахга солса, буни қабул этаман!

Деди:

– Шу сўзинг чинми?

– Ҳа, чин, – дедим.

Деди:

– Мусулмонларга ваъз айтадиган бўлсанг, аввал ўз нафсингга айт, нафсинг қабул қилса, сўнг халойиққа айт, шунда халқ ваъзингга амал қилиб, сенга иззат кўрсатгай! Халқ зоҳирингга боқади, Аллоҳ ботинингга боқади!

Шундай қилиб, Шайх менга ваъз айтишга рухсат берди. Бас, мажлис туздим, минбарга чиқдим.

Абу Ҳафс бу ерга келиб, бир гўшада ўтирди. Ваъз тамом бўлди. Шу пайт бир тиланчи ўрнидан туриб, бир кўйлак сўради. Мен кўйлагимни ечиб, минбар устидин анга отдим.

Абу Ҳафс ўтирган еридан туриб, олдимга келди ва деди:

– Эй ёлгончи, туш минбардан!

Сўрадим:

– Нимани ёлгон сўзладим?

Деди:

– Сен, менинг шафқатим халққа барчадан ортиқ дединг, энди эса садақа бердинг, савобини ўзингга олдинг, сабр қилмадинг, агар сабр қилсанг эди, бу садақани бошқа одам қиларди, савобини ҳам ўша одам оларди, бас сен ёлгончидурсан. Минбар эса ёлгончиларнинг жойи эмас!

\* \* \*

Нақл қилишларича, Шайх бир куни бозор оралаб бораркан, рўбарўсидан келар одамни кўриб, беҳуш бўлиб йиқилди.

Ўзига келгач, сўрадилар:

– Бу қандай ҳол, сенга нима бўлди?

Жавоб берди:

– У киши фахр либосини кийиб олган экан, унинг либосини ечиб, менга, менинг либосимни унга кийдириб қўймасалар эди, деб кўрқдим!

\* \* \*

Нақл қилишларича, Абу Ҳафс муридларига кучли ҳайбат билан адаб берар, муридлари қўл қовуштириб, оёқ устида турар, бирор кишининг бир калима сўз айтишга ҳадди бўлмас эди. Абу Ҳафснинг ўзлари эса султонлар дастури бўйича ўтирардилар.

Жунайд деди:

– Муридларингга султонлар одобидек одоб ўргатибсан.

Абу Ҳафс деди:

– Номанинг унвонини кўрибсизлар, ҳануз номасининг ичида нима борлигини билмабсизлар!

\* \* \*

Нақл қилишларича, бир куни Абу Ҳафс Жунайдга ош ва ҳалво пиширишни буюрди. Жунайд ходимларига буюрди.

Ходимлари мухайё қилиб, бир кишига кўтартириб келаётганда, бир уй эшиги олдида бир соат дам олдилар. Сўнг Абу Ҳафсга келтирдилар.

Абу Ҳафс деди:

— Ўша эшик олдида бир соат дам олган эдингизлар, ош билан ҳалвони ўша уй эгасига топширинглар.

Ҳаммол бир мурид билан ош ва ҳалвони элтиб, ўша эшикни қоқди. Оқ соқоли қария чиқиб деди:

— Агар ош бирла ҳалво келтирган бўлсангизлар эшик очилади, йўқса эшик очилмайди.

Улар:

— Ўша нарсалар ҳозирдир, — дедилар.

Қария эшикни очиб, ош ва ҳалвони олди.

Мурид ажабланиб сўради:

— Бу не ҳолдур?

Қария деди:

— Ўтган кеча ош ва ҳалвони кўнглим хоҳлаган эди, кимга бориб юзим обрўйини тўкаман, деб ўйлаган эдим, буни Аллоҳим берди!

\* \* \*

Нақл қилишларича, Абу Ҳафснинг бағоят одобли бир муриди бўлиб, сўз айтса, одоб билан айтарди. Бир пайт Жунайд унга боқиб, сўз сўради. У одоб билан жавоб берди.

Жунайд Абу Ҳафсга қараб деди:

— Бу муридинг Аллоҳга лойиқдир!

Абу Ҳафс деди:

— Бу йигит ўн йилдан буён бизга хизмат қилади. Ўн етти минг динар қарз олиб, дўстларига сарф этибди, ҳануз пирдан сўз сўрашга ҳадди йўқ!

\* \* \*

Нақл қилишларича, Абу Ҳафс Бағдоддин Барияга юз қўяркан, йўлда Абу Туробга йўлиқди. У бир ҳовуз қиргоғида ўтирарди.

Сўради:

– Бунда нима қилиб турибсан?

Жавоб берди:

– Эй Абу Туроб, сувсадим, илм билан яқин орасида қолиб кетдим. Агар илм голиб бўлса, бу сувдан ичарман, агар яқин голиб бўлса кетарман.

Шундан сўнг Бариядан Маккага етишди. Бир тўда дарвишларга учради ва буларга инъом қилсам, деган уй кўнглидан ўтди, жазабага тушиб, наъра урди.

Бир нечта тошни олиб, деди:

– Илоҳо, улуғлигинг ҳаққи, Сендин бир нарса истарманким, ушбу фақирларга бергайман, агар бермасанг, Ҳарам қандилларини ушбу кўлимдаги тош билан уриб синдирарман!

Дарҳол бир савдогар бир кисса олтин келтириб Шайхнинг олдига қўйди. Шайх уни дарвишларга улашиб берди.

\* \* \*

Абу Ҳафс ҳаж қилиб бўлгач, яна Бағдодга келди. Шайх Шиблий унга бағоят иззат ва ҳурмат кўрсатди. Ҳар куни турли-турли таомлар билан зиёфат қилди.

Абу Ҳафс айтди:

– Сизнинг тариқингизда такаллуф йўқдур, меҳмонни шундай тутмоқ керакким, на келгани оғир келгай ва на кетгани маълум бўлгай!

Сўнг шайх Шиблий Абу Ҳафсни кузатди. Иттифоқан шайх Шиблий ҳам Нишопурга келгач, Абу Ҳафс ҳам меҳмондорлик қилди. Шайх Шиблийнинг ёнида қирқ муриди бор эди. Абу Ҳафс қирқта шам ёндирди, турли таомлар ҳозир қилди.

Шайх Шиблий сўради:

– Абу Ҳафс, сен Бағдодда менга айтдинг, такаллуф керак эмас, бу қандай такаллуфдур?

Абу Ҳафс жавоб берди:

– Агар бу такаллуф бўлса, тургил, бу шамларни ўчиргил!

Шайх Шиблий ҳарчанд жаҳд этди, бир шамни ҳам сўндира олмади ва ҳайрон бўлди.

Абу Ҳафс айтди:

– Сен менга меҳмон бўлдинг, меҳмон Аллоҳ атосидир. Мен ҳар бирингиз учун бир шам ёқдим, Аллоҳ ҳаққи учун ёндирган шамларимни ўчирай дединг, ўчира билмадинг. Бас, бундан маълум бўлдимки, Аллоҳ ёндирган чироқни ҳеч киши ўчиrolмас! Сен Бағдод шаҳрида ҳар нима қилсанг, менинг учун қилдинг, бу такаллуф бўлди. Мен ҳар нимаким қилдим, Аллоҳ учун қилдим, бу такаллуф бўлмас!

\* \* \*

Нақл қилишларича, Абу Ҳафс айтди:

– Ҳар ким ўзининг феъли ва аҳволини «Қуръон» тарозусига солиб тортмаса мунофиқ бўлмай!

\* \* \*

Сўрадилар:

– Дунёни не учун душман тутарсан?

Жавоб берди:

– Шунинг учунки, у одамни дам-бадам гуноҳга солади, Аллоҳ дан узоқлаштиради.

\* \* \*

Сўрадилар:

– Дўстинг нишони нимадир?

Айтди:

– Дунёдан ажралмоқдир!

\* \* \*

Сўрадилар:

– Валий кимдир?

Айтди:

– Аллоҳдан ўзгани билмагандир. Валий ўзининг валилигини халойиқ билишини суймамай!

\* \* \*

Сўрадилар:

– Оқил кимдир?



Айтди:

– Ўз нафсининг ташвишидан халос бўлишни истаган киши!

\* \* \*

Сўрадилар:

– Бахил кимдир?

Айтди:

– Бир киши бир кишига яхшилиқ қилганини кўролмаган киши!

\* \* \*

Сўрадилар:

– Жўмард кимдир?

Айтди:

– Бир мусулмоннинг манфаатини дунёда ҳам, охирада ҳам ўз манфаатидан яхшироқ кўрган киши!

\* \* \*

– Ҳар ким берса-ю, олмаса, ўша комил одамдир. Ҳар ким олса ҳамда берса, у ярим одамдир. Ҳар ким на олмаса, на бермаса, у одам эмасдир!

\* \* \*

– Ҳар ким барча ҳолда фазлни Аллоҳдан деб билса, у киши ҳалок бўлмагай!

\* \* \*

– Ҳар ким кўнглининг тавозели бўлишини хоҳласа, солиҳ кишилар билан суҳбатдош бўлсин!

\* \* \*

Нақл қилишларича, бир киши шайх Абу Ҳафсдан насиҳат қилишни сўради.

Айтди:

– Ё биродар, сен бир эшик олдида бўлгинки, барча ишлар сенга очилгай ва сен бир саййидга мулозим бўлгинки, жумла саййид ва ақобирлар мутеъ бўлгайлар.

Бир улуғ одам айтади:

– Йигирма икки йил Абу Ҳафс билан суҳбатдош бўлдим. Ҳеч қачон унинг гафлат билан ёки густоҳлик билан Аллоҳ зикрини айтаётганини кўрмадим. Ҳар қачон Аллоҳ зикрини айтса, ҳузур ва иззат билан айтар эди. Ҳар вақт зикр билан машгул бўлса, дарҳол ўзгарар, беҳуш бўлиб йиқилар ва халойиқ атрофига йигилар эди.

\* \* \*

Шайх Сулламий деди:

– Ўлганимда менинг бошимни Абу Ҳафснинг оёқ томонига қўйинглар, деб васият қилдим.

## АҲМАД ҚАССОР

У ягонаи қиёмат ва нишонаи аломат, пири арбоби завқ ва шайхи асҳоби шавқ, улуғ валилардан, тақвода мақталган, фикҳ ва ҳадисда комил, улуғ соҳиби назар, мужоҳид ва мушоҳадаси бағоят кучли, сўзлари жуда таъсирли, шайх Суфён Саврий мазҳабини ушлаган, Абу Туробнинг муриди, Абдуллоҳ ибн Муборакнинг пири, ўзига маломатни қабул қилган ва маломатлик расмини Нишопур ичига ёйган, соҳиби тариқат ва мужтаҳид, соҳиби жамоат эди.

Бир неча жамоат унга эргашган ва уларни қассорийлар дер эдилар. Тақвода шу даражада эдики, Нишопур шаҳрида бир дўсти бўлиб, у жон бераётганда унинг бошида ўтирганди. Дўсти дунёдан кетгач, чироқни ўчирди.

Сўрадилар:

– Эй Шайх, бу маҳалда нега чироқни ўчирдинг?

Жавоб берди:

– Бу пайтгача чироқ сеники эди, энди эса меросхўрларга қолди, унинг ёруғида ўтирмоқ раво эмас!

\* \* \*

Нақл қилишларича, бир куни Нишопур ичида кетар экан, Нуҳ отлиғ жўмардга дуч келди, унинг жўмардлиги Нишопурда машхур эди.

Сўради:

– Эй Нуҳ, жўмардлик нимадир?

Нуҳ деди:

– Менинг жўмардлигимни сўраяпсанми ёки ўзингнинг жўмард-лигингними?

Деди:

– Ҳар иккисини сўраяпман.

Нуҳ деди:

— Менинг жўмардлигим шуки, зар тўнларимни ечиб, жанда кийибман, шариат йўлини тутгайман. Халқ тўнидан бу тўнни гуноҳдан деб билгайман!

Сенинг жўмардлигинг шуки, хирқани ечгайсан, то халқ сенга алданмагай. Чунки менинг жўмардлигим шариатнинг зоҳиридур, сенинг жўмардлигинг тариқатнинг ботинидир!

\* \* \*

Нақл қилишларича, Аҳмаднинг иши мўътабар ва сўзлари оламда машҳур бўлиб, ҳар томон ёйилди. Нишопур акобирлари келиб, унга дедилар:

— Сен минбарга чиқ, халққа ваъз айтгилки, сўзинг одамларга таъсир этар!

Аҳмад деди:

— Менга сўзламоқ раво эмас!

Сўрадилар:

— Нима учун?

Айтди:

— Шунинг учунки, кўнглим дунё мансабига машғулдир, менинг сўзим фойда қилмайди. Сўз аввало одамнинг ўзига таъсир қилиши керак, шундан сўнг барча халойиққа таъсир қилади. Агар ўзига таъсир қилмаса, ўзгага ҳам таъсир қилмайди.

Таъсирсиз сўзни айтиш илми хор қилишдир, чунки шариатни масхара қилгандек бўлади. Сўз айтиш шундай кишига лойиқ ва сазовордирки, агар у сўзласа, дин салоҳга келади, агар сўзламаса, дин фасодга айланади!

Воиз шундай кишики, сўзни исломнинг қуввати, Аллоҳ ризоси учун сўзлайди. Биз нафсимиз қуввати ва дунё маслаҳати учунгина сўзлаймиз!

\* \* \*

— Халқ илмидан Ҳақ илми яхшироқдир, яъни хилватда Аллоҳ билан бўлмоқ халойиқ орасида муомала қилмоқдан яхшидир.

\* \* \*

— Мен сизларга икки ўғит берайин. Бири шуки, олимлар суҳбатидин йироқ бўлманглар! Ва бири жоҳиллардан қочинглар!

Ҳар ким ўзини элдан ортиқ билса, унинг кибри Фиръавникидан ортиқдир!

\* \* \*

— Дарвешларнинг ҳоли тавозеъ, агар фақир ва дарвеш ўз фақирлигига такаббур қилса, барча мутакаббирлардан унинг кибри ортиқдир.

\* \* \*

— Барча иллатларнинг боши кўп емоқдир. Диннинг офати ҳам кўп емоқдир.

\* \* \*

— Ҳар ким дунё қидиришга машғул бўлса, охиратда хор бўлади.

\* \* \*

— Ҳар ким дунёни хор тутса, дунё аҳли кўзига хор кўринади.

\* \* \*

— Сўз шуки, киши Аллоҳга бандалик қилгай! Ўз нафсига бандалик қилганларни Аллоҳ суймайди.

\* \* \*

— Таваккул шундайки, агар минг танга қарзинг бўлса-ю, бир тийининг бўлмаса, уни адо қилишда Аллоҳдан умидингни узмагайсан!

\* \* \*

— Агар гуноҳга юз тутсанг Аллоҳ билан уришган бўласан. Иблиснинг кўнгли уч ишдан хушвақт бўлади: биринчи — икки киши бир-бири бирла уришиб, кўнглини оғритганидан; иккинчи — куфр сўзларини айтгандан; учинчи — камбағалликдан кўрққандан.

\* \* \*

Абдуллоҳ Муборак айтади:

— Аҳмад Қассор хаста бўлганда, «ўғилларингга васият қил», дедилар.

Айтди:

— Менинг ўғлонларимдан кўрқувим шуки, бой бўлмагайлар. Камбағал бўлиш бойликдан ортиқдир.

## МАНСУРИ АММОР

Ҳақимлар машойихи ва Тойиф саййидларидан, ваъз бобида олий, соҳиби роҳи маъно ва нуфузли фақри тақво, нигина ҳолами ҳидоят ва авлиёлик олами посбони, шаҳсувори асрор, унингдек ҳеч кишининг сўзи таъсирга эга эмас, баёни нишони ва жумла илм ичида комил, муомала ва маърифат ичида тенгсиз, Хуросон ва Ироқ ичида машхур ва ўзи Марв шаҳридин эди.

Унинг тавбасининг сабаби, бир куни йўлда борар экан, йўлдан бир парча қоғоз топиб олди, қоғозда «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм» деб ёзилган эди. Тўрт томонга қаради, қоғозни қўяй деса, ҳеч пок ва покиза ерни кўрмади. Бас Аллоҳ иззат-ҳурмати учун қоғозни ютди. Шу кеча тушида Аллоҳни кўрди.

Аллоҳ деди:

– Эй Мансур, сен менинг отимни ҳурмат қилиб, азиз тутдинг! Мен ҳам дунё ва охирада сенинг иззатингни зиёда қилгайман, илм ва ҳикмат эшигини сенга очгайман!

Бир муддат риёзат чекди, шундан сўнг ваъз айтишга лойиқ бўлди.

\* \* \*

Нақл қилишларича, бир хожа фасодга машғул эрди. Қулининг қўлига тўрт ақча бериб, бирор нарса олиб келиш учун бозорга юборди. Қул бозорга бораётиб, Мансур Амморни кўрди, у ваъз айтди. Ваъз эшитай, деб яқин борди. Айтди:

– Хожамнинг мажлисидин бунинг мажлиси яхшидир.

Шу пайт мажлис аҳлидан бири деди:

– Тўрт ақча ҳожатим бор.

Мансур деди:

– Ҳар ким бунинг тўрт ақча ҳожатини берса, мен унга тўрт дуо қилурманким, Аллоҳ муродини бергай!

Қул:

— Унга тўрт ақчани бериб, бу тўрт дуони олишдан кўра яхшироқ савдо йўқ! — деди ва тўрт ақчани Шайхга берди: — Менинг учун ўша тўрт дуони қил!

Мансур деди:

— Қандай дуо қилай?

Қул деди:

— Биринчиси шуки, Аллоҳ менга озодликни рўзи этгай; иккинчиси, Аллоҳ хожамга тавба рўзи қилгай; учинчиси, бу сенга берган тўрт ақчанинг эвазин бергай; тўртинчиси, мени, сени ва мажлис аҳлини Аллоҳ раҳмат қилиб, ёрлақагай.

Мансур Аммор дуо қилди. Ўтирган улуғ ва кичик барча:

— Омин! — дедилар.

Қул қайтиб хожасининг ёнига борди.

Хожаси сўради:

— Нега кеч қолдинг?

Қул деди:

— Шайх Мансур мажлисига тушиб қолдим. Ваъз айтар экан, сўзи таъсир қилди. Берган тўрт ақчанга тўрт дуо сотиб олдим.

Хожаси сўради:

— Қандай дуо?

Қул деди:

— Ўзимга озодлик, сенга тавбани, мени ва мажлис аҳлини ёрламоқни!

Хожа деди:

— Хўб қилибсан, Аллоҳ шоҳид бўлсинки, сени ўз молимдин озод қилдим ва ўзим ҳам тавба қилдим, сенга тўрт ақча ўрнига юз ақча бердим. Аммо гайб менинг қулим эмас, Аллоҳ олдидадир.

Хожа ўша кеча бир туш кўрди, Ҳақ таоло деди:

— Сен бандалигинг билан қўлингдан келганча иш қилдинг ва мен подшоҳлигим билан қўлимдин келганини нечун қилмасман! Аввал сени, сўнг қулингни, Мансурни ва ҳар ким унинг суҳбатида ҳозир эди, ҳаммасини ёрлақаб, раҳмат қилдим!

\* \* \*

Нақл қилишларча, Ҳорун ар-Рашид Мансурдин сўради:

– Одамларнинг олими кимдир?

Мансур жавоб берди:

– Шундай одамки, Аллоҳдан қўрқувли бўлгай ва нодон шундай одамки, қўрқувсиз бўлгай ва Аллоҳга осий бўлгай!

\* \* \*

– Ҳақ таоло орифлар кўнглини зикр мақоми қилди, зоҳидлар кўнглини таваккул мақоми қилди, дарвишлар кўнглини қаноат мақоми қилди, дунё аҳлининг кўнглини тама ва ҳирс мақоми қилди!

\* \* \*

Нақл қилишларича, шайх Мансур Ҳижозга бораётиб, Барияда карвон тўхтаганда вафот топди.

Шайх Абул Ҳасан уни тушида кўриб сўради:

– Аллоҳ сенга нима қилди?

Деди:

– Ўшал даргоҳга борганимда, Мансур Аммор сенмисан, деган овоз келди.

– Ҳа, – дедим.

Яна овоз келди:

– Халойиқни зуҳдга, тоатга тарғиб қилган сенмидинг?

– Ҳа, – дедим.

Яна айтди:

– Илоҳо, дунёда ҳеч ер қолмадики, мен унда Сенинг зикрингни айтмаган бўлсам ва Сенга сано қилмаган бўлсам, Расулингга саловот юбормаган бўлсам!

Бас, Аллоҳ деди:

– Рост айтасан!

Бир фариштага буюрди:

– Унинг остига нурдан бир курси қўйинг, у дунёда Менинг зикримни ва санойимни одабийлар орасида айтар эди, охирада ҳам Менинг санойимни курси устида ўтириб, фаришталар орасида айтсин!



## АҲМАД ИБН ОСИМ АНТОКИЙ

У ҳумоми олийқадр, жидду жаҳд паҳлавони ва мужоҳиди аҳли аҳд, асли маъдани покӣй, машойихларнинг пешвоси ва муқаддами, авлиёларнинг акобири ва муаззами, барча илмда ораста, мужоҳада ва риёзати мукамал, саҳобаларнинг юзини кўрган, кўп яшаган, Ҳориз Муҳосабийнинг муриди, Башир Ҳофӣй ва Сирри Сақатийни кўрган эди. Абу Сулаймон Дороний уни «қалблар жосуси» деган. Унинг калималари латиф ва ишоратлари ажиб эди.

Бир куни бир киши унга:

— Муштоқмисан? — деди.

Шайх Аҳмад деди:

— Йўқ!

Сўради:

— Нега муштоқ эмассан?

Шайх деди:

— Ғойиб ҳозир турганда муштоқлик ғойиб бўлади, шундай экан унга нечун муштоқ бўлай?

\* \* \*

Нақл қилишларича, Аҳмад ибн Осим айтди, бир куни мендан бир киши, маърифат нимадир, деб сўради.

Мен дедим:

— Маърифат уч қисмдир. Биринчиси, исботи ваҳдоният (бирлик); иккинчиси, мосиваллоҳ (Аллоҳнинг ўзи) бўлмоқ; учинчиси, Ҳақни боқӣй, ўзини йўқ билмоқ!

\* \* \*

Сўрадилар:

— Маърифатнинг аломати нима?

Шайх деди:

— Маърифатнинг аломати шуки, ибодати кўп, доим зикр айтувчи, хилватни севади, кўпчиликдан қочади, хомуш бўлади. Ҳар вақт унга боқсалар, у боқмайди, ҳар вақт мусибат юз берса, қайғуга тушмайди, ҳеч кишидин кўрқмайди, ҳеч кишидан умид қилмайди.

\* \* \*

Сўрадилар:

— Хавфнинг аломати нима?

Айтди:

— Хавфнинг аломати қочиш ва умид аломати исташдир. Ҳар ким умид эгаси бўлишни истамаса, талаб қилмаса, у ёлғончидир. Умид эгаси шундай кишики, у Аллоҳдан умидини узмайди. «Менга раҳмат қиладими ё қилмайдими», демайди. Халқдан қўрққан киши тез ҳалок бўлади, ўз нафсига ишонади ва Аллоҳ менга газаб қилмайди, дейди. Юнус пайғамбар шундай гумон қилди, Ҳақ таоло уни уқубатга дучор қилди.

\* \* \*

— Зухднинг нишони шундайки, унда тўрт нарса бўлади. Биринчиси, ҳар бир ҳолатда Аллоҳга ишониш; иккинчиси, ёмондан безор, ихлоси Аллоҳ билан бўлади; учинчиси, ҳар қандай жафо келса кўтаради; тўртинчиси, зоҳир ва ботинда ҳаромдан сақланади.

\* \* \*

— Банда ўзини билмаганининг сабаби эътиқоднинг озлиги ва ихлосининг камлигидандир. Ҳар ким Аллоҳни билса, қўрқувли, ҳар ким Аллоҳни билмаса, қўрқувсиз бўлди. Ҳар ким кўнгли салоҳга келишини тиласа, тилини бефойда сўзлардан сақласин!

— Ихлос ичдан ҳирс ва риёнинг ташқари чиқиши.

— Фойдали тавозеъ кибр ва гинанинг кўнгиладан бутунлай чиқишидир.

— Ва риёли мусибат жаҳд бирла тоат қилиш.

\* \* \*

— Ҳар ким оз гуноҳни менсимаса, тезда улуғ гуноҳга етишади.

\* \* \*

— Хослар хоси шундайки, у фикр дарёсига ботади, ўша дарёдан маърифат жавоҳирини чиқариб олади. Авом эса гафлат саҳросида саргардон ва гумроҳдир.

\* \* \*

— Хослар имоми олимлар ва олимлар имоми Аллоҳдур. Яқин бир нурдирки, Аллоҳ севган бандасининг кўнглига солади, ўша нур билан охират ишларини мутолаа қилади. Унинг билан охират орасида турган барча ҳижоблар бутунлай йўқ ва Аллоҳга восил бўлади!

\* \* \*

— Амални шундай қилки, ер юзида, осмонда ҳеч киши ундан ортиқ амал қилолмасин, гўё ер юзида фақат ўзинг борсан. Қолмиш умрингни ганимат бил ва салоҳ билан умр кечир, то қилган гуноҳларинг кечирилгай.

\* \* \*

— Гуноҳдан қорайган кўнгил беш нарса билан оқ бўлади. Аввало, салоҳ билан ўтириш; иккинчи, «Қуръон» ўқиш; учинчи, оч бўлиш; тўртинчи, намоз ўқиш; бешинчи, саҳар вақтида зорлик қилиш!

\* \* \*

— Амал икки хилдир. Бирини, сенинг билан халқ орасида бўлади ва бу — нафс ва риёдир. Иккинчиси сенинг билан Ҳақ орасида бўлади ва бу — амали солиҳдир.

\* \* \*

Нақл қилишларича, Шайх ўттизта муриди билан таом ейишга ўтирди. Бу кеча дастурхонда таом оз эди. Ўз кўллари билан таомни ва нонни ушатиб, муридлар олдига қўйди. Сўнг чироқ келтиришларини буюрди. Дарҳол келтирдилар ва нонни муридларига бериб турдилар, таом асло кам бўлмади. Барча тўйди ва чироқни олиб кетдилар.

## АБДУЛЛОҲ ҲУСАЙН ХИЙБАҚ

У гаввоси дарёйи дин ва баҳри дурри яқин, қутби аҳди мактаб ва рукни аҳди сабақ, илмда бағоят моҳир, ибодатда бениҳоят, тақво ва таваккул аҳли, авлиёликда машҳур эди. Асли Куфа шаҳридан, Суфён Саврий мазҳабиға амал қилар, фикҳ ва ҳадис ваъзида сўзлари таъсирли эди.

Фатҳ Мавсилиё айтиади:

— Унинг билан кўп суҳбат қурдим, унинг муомаласи, риёзати ва хилватидек нарсани ҳеч кимда кўрмадим!

\* \* \*

Нақл қилишларича, Абдуллоҳ айтиади:

— Одамда тўрт нарса бор: кўз, тил, кўнгил ва шаҳват. Кўзни сақлаш — ҳаромға боқмаслик, тилни сақлаш — ёлгон сўзламаслик, гийбат қилмаслик, мусулмонларнинг дилини оғритмаслик, кўнгилни сақлаш — ёмон андиша қилмаслик, шаҳватни ҳаромдан ва зинодан асраш!

\* \* \*

— Гуноҳ одамнинг кўнглини ўлдиради, ибодат эса тирилтиради. Гуноҳли тоатнинг ҳаловати бўлмайти.

\* \* \*

— Фойдалик умид Ҳаққа етказади. Умид уч хил: биринчиси шундайти, яхшилик қилиб, Аллоҳ даргоҳида қабул бўлишини умид қилади; иккинчиси шундайти, Аллоҳ дийдоридан маҳрум қилмайти, деган умидни маҳкам тутгайти; учинчиси шундайти, Аллоҳ гуноҳларини ёрлақайти!

\* \* \*

— Ихлос амалдан яхшироқдир. Ҳар кимнинг сидқи дуруст бўлса, Аллоҳ гайб оламитдан эшик очади ва уни муроду мақсудига етказади.

## ЖУНАЙДИ БАҒДОДИЙ

У манбаи асрор ва аброрлар етакчиси, сабақ элтган пиру устод, шайхларнинг шайхи, дунё имомларининг имоми, жумла илмлар бобида комил, фуруъ ичида тақводор, муомала, риёзат ва каромат ичида олиймақом, аввалу охир ҳолида ёқимли ва мақбул, барча кўнгилларга маҳбуб, барча унинг имомлигига яқдил, сўзлари тариқатда ҳужжат, ҳеч киши унга сўз тополмас, зоҳири ва ботини ораста, тасаввуф ичида қутб эди. Бағдод аҳли уни саййид ут-тоифа ва қавм тили дер эди.

Ва тариқатда бағоят, ҳақиқатда бениҳоят, зуҳду тақво ичида бемонанд эди. Шайх Суфён Саврий мазҳабида бўлиб, тариқатда шу даражада жидду жаҳд қилган эдики, Бағдод мушойихларининг барчаси Жунайдий бўлган ва унинг йўлини тутар эдилар. Тариқатда унинг йўли маълум, мазҳабларда мазҳаби машҳурдир. Уша замонда барча машойихлар унга мурожаат қилар эдилар.

Унинг тасниф қилган китоблари бор бўлиб, бу дунёда шундай ҳаёт кечирар эдики, халойиқ уни зиндиқ, дерди. Унга кўп қасд этиб, ҳеч иш қилолмадилар, душманлари кўр бўлди. Кўп машойих ва ақобирлар у ҳазрат билан суҳбат тутар, шайх Сирри Сақатийнинг муриди эди.

Бир куни бир азиз сўради:

— Ҳеч бир мурид шайхдан ортиқ бўладими?

Шайх Сирри деди:

— Ҳа, Жунайд менинг муридим, аммо унинг муомаласи мендан ортиқ. Чунки шавқ, маърифат, кашф ва ишқ бобидаги мартабаси бағоят олийдир.

\* \* \*

Мужоҳада ва мушоҳада бобида беназир, шайх Суҳайл Тастарий шунча улуглиги билан Жунайдни «қутби аср» дерди. Жунайд ўғлонлик ҳолидаёқ юзи нурли, одобли ва талабли, фаросат ва тафаккури кўп, ажойиб тезфаҳм эди.

\* \* \*

Нақл қилишларича, Жунайд ўттиз йиллик намозидин сўнг, тонгга яқин оёқ устида туриб, «Аллоҳ-Аллоҳ», деди. Чунки кечада қилган таҳорати бирла эрталабки намозини ўқирди. Қирқ йилдан сўнг бир куни, энди ишим тугамадими, деган фикр хаёлига келди.

Дарҳол Ҳотифдан:

— Эй Жунайд, зуннор боғлайдиган вақтинг келди, — деган овоз келди. Жунайд буни эшитгач, наъра урди ва овози кўкка чиқиб, деди:

— Худовандо, Жунайддан қандай гуноҳ содир бўлди?

Яна:

— Бундан ҳам ёмон гуноҳ бўлмаймики, ишни тугатмоқ истайсан, — деган овоз келди.

Жунайд оҳ урди. Бошини саждага қўйди. Уч кундан сўнг бошини саждадан кўтарди ва бу саждада уч кунгача мана бу сўзни такрорлади:

— Кимки аҳл бўлмаса, у висолга ҳам аҳл бўла олмайди ва ҳар бир аҳсони гуноҳга айланади.

Шундан сўнг Жунайд душманларга билдирди, халқ унга тил тегиздилар. Унинг ҳикоясини халифага етказдилар.

— Хужжатсиз сўзламоқ бўлмас, — деди.

Халифанинг бир чиройли канизаги бўлиб, уни уч минг ақчага олган, гўзаллиги ҳеч кимда йўқ, халифа унга гоятда ошиқ эди. Уни яхшилаб ясантирди, ҳар хил либослар кийдирди, дурру жавоҳирлар билан ораста қилди. Шундан сўнг канизакни Шайх ёнига юборди ва деди:

— Бор, Шайх ёнида юзингни оч, ўзингни лаълу жавоҳир, либосу зийнатларингни унга кўрсат. Айтгинки, ҳеч хоҳишим йўқ, молим кўп, кўнглим дунёдан қолган, мени ўз ҳамхоналигинга қабул эт, мен ҳам сенинг шарофатинг сабабли суҳбатинг таъсир қилиб, тоат-ибодатга машғул бўлишни хоҳлайман, бу дунё аҳли учун кўнглум қарор топмас, — дегин.

Канизак қабул этди ва йўлга тушди. Орқасидан халифа бир кишини юбориб, бир ерда яширинча қулоқ солишни ва улар нима ҳақда сўзлашганини билишни буюрди.

Канизак етиб бориб, Жунайда салом берди. Ўтириб, юзини очди.

Шайх беихтиёр унга боқди ва дарҳол юзини ерга қаратди.

Бир оздан сўнг бошини кўтариб, бир оҳ урди. Канизак дарҳол жон берди.

Ходим буни кўриб, халифага канизакнинг ўлгани ҳақида хабар берди. Канизакнинг ўлганини эшитиб, халифанинг жонига ўт тушди.

Қилган ишига кўп пушаймон бўлди ва деди:

— Ҳар ким авлиёларни синаса ва бежо даҳл қилса, икки дунёда ҳам зарар тобгусидир, улар ҳар қандай иш қилсалар, гарчи бу шариатга хилоф бўлса ҳам, нега бу ишни қиялпсиз, дейиш ё шайх қилмоқда, деб ўша ишни қилиш раво эмас экан, — дея кўп йиғлади, узрхоҳлик қилсам деган орзу кўнглига тушиб, ўзи-ўзига, деди: «Шундай кишининг бу ерга келиши раво эмас, адаб шуки, мен унинг олдига бораман!»

Шундай қилиб, халифа шунча дабдабаси билан туриб, Шайх хизматига бориб, унга деди:

— Эй Шайх, бизнинг феълимиз сизнинг муборак хотирингизга ҳуш келмади, маъзур тутинг, эркак аҳли карамли бўладилар!

Жунайд деди:

— Сени амир ул-мўминин, дейдилар, сенинг шафқатинг барча мусулмонларга бўлиши керак, менинг қирқ йиллик тоатим ва риёзатимни елга беришни истайсанми? Мусулмонлик шарти шундайми? Қиёмат кунда нима деб жавоб берасан? Мен нимага керак эдим? Сен айтмасанг эди, сенга айтмас эдилар!

Халифа Шайхдан кўп узр сўради ва хижолат ҳолда қайтиб кетди. Шундан сўнг Шайх дунёга машҳур ва мартабаси кундан-кунга зиёда бўлди.

\* \* \*

Аллоҳ ўттиз йил Жунайд тили билан халойиққа сўзлади. Жунайд орада йўқ бўлгач, халқнинг ҳам ундан хабари йўқ бўлди.

\* \* \*

Нақл қилишларича, Шайх ҳамиша рўза тутар, қачон рўзадорлар келса очар эди. Ва айтур эдиким:

— Мувофиқ қилмоқ мардга рўза савобидан ортиқдур.

\* \* \*

Нақл қилишларича, Жунайд жанда эмас, уламолар тўнини кияр эди. Бир куни унга дедилар:

— Эй пири тариқат, нима бўлгайким, сен бу дўстлар ёнида жанда кийсанг!

Жунайд айтди:

— Агар билсамким, жанда киймак билан мурод ҳосил бўлар, жанда кияр эдим. Валекин ҳар соат менинг кўнглум андоқ хижил бўлурким:

— Хирқа билан жандага Аллоҳ даргоҳида эътибор йўқдир. Балки эътибор кўнгил даргоҳидадур. Кишининг ичида Аллоҳ дарди бўлмаса, хоҳ ул киши жанда кийсун ва хоҳ хирқа кийсун фойда йўқдур!

\* \* \*

Нақл қилишларича, Шайхнинг сўзлари бағоят таъсирчан эди.

Шайх Сирри Сақатий айтди:

— Эй кўзум чирोगи, сен минбарга чиқгил ва халқга панд-насиҳат қилгил!

Жунайд айтди:

— Эй тоға, сен менинг муршидим, йўл кўрсатгучимсан, адаб эрмаским, сенинг ҳузурингда мен сўзлагайман.

У кечаси дурри анбиё Муҳаммад Мустафони тушида кўрди. У ҳазрат муборак назари билан буюрдиларким:

— Эй Жунайд, сен менинг умматларимга ваъз-насиҳат қилмоққа лойиқсан, мен сенга рухсат бердим. Халойиққа ваъз айтгил!

Жунайд уйғонди, шунда оламини пайгамбарнинг муборак бўйи тутубдур, мушки анбардан зиёда ва хўброқ эди.

Шайх Сирри ёнига бордиким, тушини айтгай.



Сирри айтди:

— Эй кўзим чироги, менинг ва ўзга машойихлар сўзи билан ваъз айтмадинг, энди ҳазрат Расулуллоҳ сўзлари билан ваъз айтгил!

Жунайд айтди:

— Тога, сен менинг Расули акрамни тушимда кўрганимни, у ҳазрат менга ваъз айтгил, деб буюрганларини қандай билдинг?

Шайх Сирри айтди:

— Пайгамбарни тушингда кўрганигда, мен Аллоҳни тушимда кўрдим.

Менга айтдиким:

— Эй Сирри, қиз қариндошинг сенинг ва ўзга машойихларнинг сўзлари билан ваъз айтмоқни қабул қилмади ва дўстим, ҳабибим Муҳаммадга буюрдимким, Жунайдга ваъз айтмоқни буюргил!

Бас, маълум бўлдиким, Жунайд Аллоҳ буйруғи ва пайгамбар амри билан минбарга чиқди.

\* \* \*

Нақл қилишларича, шайх Шиблий деди:

— Аллоҳ агар мени қиёмат кунда ихтиёрли қилса, дўзах билан жаннат орасида жаннатни қўйиб дўзахни ихтиёр қилардим!

Сўрадилар:

— Нега?

Айтди:

— Шунинг учунким, жаннат менинг, дўзах Аллоҳнинг тилагидир. Ҳар ким ўз тилагини ихтиёр қилиб, Аллоҳ тилагини ихтиёр қилмаса, унга жаннат хунасадир.

Бу сўзни Жунайдга айтдилар. Жунайд деди:

— Шиблий ўғлонлиқ қилибди, агар мени ихтиёрли қилсалар, иккисини ҳам ихтиёр қилмасман ва айтгайман, банданинг қандай ихтиёри бор, ҳар ерни хоҳласа, ўша ерга бораман, ҳар қайга қўйсалар, ўша ерда турарман. Менинг ихтиёрим Аллоҳ тилагидир!

\* \* \*

Нақл қилишларича, Шайхнинг олдига бир киши келиб, деди:

— Эй Шайх, бир дам ўзингни ҳозир тутгинки, сендан сўз сўрамоқчиман.

Жунайд деди:

— Эй жувонмард, мендан бир нарса истарсанким, мен ҳам доим уни истарман, аммо ҳаргиз уни тополмасман. Қирқ йилдирки, Аллоҳ билан ҳозир бўлмоқ тиларман, ҳануз муяссар бўлмасман, сенга қандай ҳозир бўларман?

\* \* \*

Нақл қилишларича, бир ақобир ҳазрати Расули Худони тушида кўрди. Пайгамбар ҳузурда Жунайд ҳам ўтирганди. Бир киши фатво келтирди ва Пайгамбарнинг кўлига берди.

Пайгамбар Жунайдга берди ва деди:

— Эй Жунайд, бу фатвога сен жавоб бер!

Ҳалиги киши деди:

— Ё Расулуллоҳ, Сиз ҳозирсиз, Жунайдга нега беряпсиз?

Пайгамбар дедилар:

— Ҳар бир пайгамбарнинг умматида бир ишончли киши бўлади, менинг ишончли кишим Жунайддир.

\* \* \*

Нақл қилишларича, Шайхнинг кўзи оғриганда табиб келиб, деди:

— Кўзингга сув тегизма!

Шайх сўради:

— Таҳоратни қандай қилай?

Табиб деди:

— Агар сенга кўз керак бўлса, давоси шу!

Табиб тарсо эди. У кетгач, Шайх дарҳол таҳорат қилиб, намоз ўқишга киришди. Бошини саждага қўйиб, уйқуга кетди. Уйгонгач, қараса, кўзи тузалиб қолибди.

Ҳотифдан овоз келди:

— Жунайд Биз учун кўзидан кечди. Агар шу онда барча дўзах аҳлини тиласа эди, ижобат бўлар эди!

Табиб келди, қараса, Шайхнинг кўзи соғайиб қолибди.

Сўради:

— Қандай даво қилдинг?

Шайх қиссани баён этди. Табиб буни эшитиб, Шайхнинг кўлидан тутди ва иймон келтирди.

Сўнг деди:

— Бу даво Холиқнинг давоси, халқнинг давоси эмасдир, чин табиб Унинг ўзидир.

\* \* \*

Нақл қилишларича, бир ақобир Шайхнинг ёнига келди ва унинг қаҳр билан ўтирганини кўрди. Иблиси лаин эса унинг олдида қочиб кетар эди. Сўради:

— Эй Шайх, биз шундай гумон қиламизки, ҳар ким Иблисга қаҳрланса, Иблис унга йўлдош бўлади. Ажабланарлики, сиз Иблисга қаҳр қиляпсиз, у эса сиздан қочмоқда.

Шайх деди:

— Биз ўз нафсимиз билан қаҳр этармиз, Иблис эса биздан қочишга мажбур бўлади. Ўзгалар нафсини сақлаш учун Иблисга сиёсат қилади, Иблис эса унга ёр бўлади, дўст дўстдан қочмайди.

\* \* \*

Нақл қилишларича, Шайх бир куни зорлик билан йиғлар эдики, Шиблий сўради:

— Эй устоз, бу не ҳол?

Жунайд деди:

— Агар бир одам ютувчи аждаҳо бўлса эди, бир киши луқма тайёрлаб, унинг оғзига отганида, ўша луқма мен бўлардим!

\* \* \*

Нақл қилишларича, Шайх айтади, мен мурувват ва ихлосни бир сартарошдан ўргандим. Бир вақт Каъбага бордим, ҳожилар сочларини ва мўйловларини олдираётганларини кўрдим. Сартарош бир хожанинг сочини олар эди.

Мен унга дедим:

— Аллоҳ ишқи, менинг ҳам сочимни олиб қўй!

Дарҳол икки кўзи ёшга тўлди, уни қўйиб, менинг ёнимга келди, ҳалиги хожага деди:

— Энди сен тургил! Бу азиз Аллоҳ отини тутди, унинг сочини барчадан илгари олмоқ лозим бўлди.

Хожанинг ярим сочи қолган эди, мени олдига келтирди. Аввал бошимдан ўпиб, кейин иззат билан сочимни олди ва қоғозга ақча солиб, менга берди:

— Муни ҳожатингга ишлат, — деди.

Унинг эътиқод ва ихлосидан ажабга қолдим. Кўнглимда дедим:

— Менинг ҳам қўлимга бир нарса тушса, келтириб унга берайин.

Бир куни Басра шаҳрида менга олтин бердилар. Олтинни ўша сартарошнинг олдига қўйдим.

Сўради:

— Бу нима?

Айтдим:

— Менинг сочимни олган вақтингда, кўнглимга тугиб қўйган эдимким, агар қўлимга бирор нарса тушса, унга бераман, деб.

Айтди:

— Эй жувонмард, уялмайсанми, сен Аллоҳ ишқи сочимни ол, — дединг. Мен ҳам Аллоҳ учун олдим, энди бу иш учун дунё молини менга берсанг, мен ҳаргиз олмасман!

\* \* \*

Нақл қилишларича, Жунайд айтади, саҳар вақтида намоз ўқир эдим, нафсим итоат бўлмади, кўнглум бағоят паришон. Ташқарига чиқдим, эшикда бир йигит турганини кўрдим.

Менга деди:

— Кўп вақт бўлди, сенга мунтазир эдим.

Мен дедим:

— Мени беқарор қилган сенмидинг? Нима ҳожатинг бор?

Айтди:

— Ҳеч бир нафс ўз-ўзига дармон қиладими?

Айтдим:

— Қилади.

Сўради:

– Қандай?

Айтдим:

– Қачонки нафс ўз тилагига қаршилиқ қилса, дармон қилган бўлади.

Йигит бу сўзни эшитиб, тавба қилиб, деди:

– Эй нафси шум, бу жавобни мен сенга неча марта айтдим, қабул этмадинг, энди Жунайддан қабул эт!

Шундай деб кетди, билмадим, қайдан келди ва қайга кетди.

\* \* \*

Нақл қилишларича, бир муриднинг кўп моли бор эди. Барчасини Шайхнинг йўлида харж этди.

Отасидан кўп уйлар қолган эди, деди:

– Эй Шайх, бу уйларни нима қилайин?

Шайх деди:

– Сот, пулини бу ерга олиб кел!

Мурид уйларни сотди. Пулини олиб келди.

Шайх деди:

– Олиб бориб, дарёга ташла, токи улуг мартабага эришгайсан.

Мурид борди, ақчаларни дарёга ташлаб, қайтиб келди. Шайх уни ўз ёнига яқинлаштирмади, қувиб юборди. Мурид ҳар қачон суҳбатга келса, Шайх уни ҳайдаб юборарди. Оз фурсатда улуг мартабага етди, ақобирлардан бўлди.

\* \* \*

Нақл қилишларича, бир йигит Шайхнинг суҳбатига келиб, тавба қилди. Бисотидага барча нарсасини дарвишларга бўлиб берди. Кимнинг қарзи бўлса тўлади, аммо ўзига мингта олтин олиб қолди, уни келтириб, Шайхнинг олдига қўйди.

Шайх деди:

– Бор, бу ақчани дарёнинг қирғоғига элтиб қўй.

Йигит мингта олтинни дарё қирғоғига олиб бориб, бир ерда ўтирди. Ақчаларни олдига тўда қилиб, битта-биттадан сувга ташлади. Тугагандан сўнг хонақоҳга келди.

Шайхнинг кўзи унга тушгач, наъра уриб чақирди:

— Мингта олтинни минг мартабада сувга солдим, деб кўнглингга олган сенмисан? Бу ерга саноқ учун келган эдингми, саноқ бозорда бўлади ва у ерда ярашади, бор яна бозорга.

\* \* \*

Нақл қилишларича, Шайхнинг Басрадаги бир муриди хилват ичида гуноҳ содир этди. Ўша пайт кўзгуга боқди, юзи қоралигини кўриб, ҳайрон бўлди, бағоят хижолат тортиб, ўша куни юзини ҳеч кимга кўрсатмади. Уч кундан сўнг юзига оз-оздан оқ тушди. Тўртинчи куни тўлиқ оқ бўлди.

Ногоҳ бир киши унга Шайхдан мактуб келтириб берди. Мактубни олиб ўқиди, унда шундай ёзилган эди:

— Аллоҳ хузурида нима учун одоб билан ўтирмассан, юзинг қора бўлгани учун уч кундан буён Аллоҳга ёлборишимдан юзинг оқ бўлди.

\* \* \*

Нақл қилишларича, Шайх бағоят одобли муридга танбеҳ берди. Мурид бағоят хижил бўлиб, деди:

— Энди мен Шайхнинг юзига боқа олмасман!

Уялганидан қочиб кетди. Аммо айтилган сўз унга нисбатан бўҳтон эди. Шайх унинг нуқсони йўқлигини, уялганидан кетиб қолганини билди.

Кунлардан бир кун Шайх муридлари билан бозор ичидан ўтиб кетар чоғда кўзи ўша муридга тушди, унинг ҳам кўзи шайхга тушди. Мурид уялгандин яна қочиб кетди. Шайх муридларига деди:

— Сизлар бораверинглар, мени ёлғиз қолдиринглар, токи мен қочган қушни овлагайман.

Муридлари кетди, Шайх эса унинг ортига тушди. Мурид орқасига боқиб, Шайхнинг келаётганини кўриб, қаттиқроқ қочди.

Шайх деди:

— Қочган ўғлоннинг гуноҳи йўқ, уялиб қочмоқда. Илоҳо, унга берган ҳаёни унинг олдига парда қил, токи қоча олмасин, мен унга етиб олай, яна уни тоатингга келтирай, — деди.

Мурид қочар эди, баногоҳ ҳаёси олдига бир баланд девор бўлиб, ўтишга йўл бермади. Орқасига қаради, Шайхнинг шиддат билан келаётганини кўрди. Чорасиз қолди ва юзини деворга босиб турди. Шайх келди, муриднинг юз-кўзидан ўпти, қўлидин тутиб, хонақоҳга олиб келди. Оз муддатда мурид ҳаё баракатидан улуг мартабага эришди.

\* \* \*

Нақл қилишларича, Шайх бир муридани бағоят эъзозлар, унга кўп назари бор эди. Ўзга муридлар бунга ҳасад қилардилар.

Шайхга дедилар:

– Уни нега бизлардан ортиқ кўрасиз?

Шайх деди:

– Шунинг учунки, унинг одоби ўзгалардан ортиқдур.

Сўнг деди:

– Келинлар, имтиҳон қилиб кўрайлик, токи сизларга ҳам маълум бўлсин.

Шайх ходимига йигирмата қуш келтиришни буюрди ва ҳар бир кишига биттадан қуш берди.

Ўша муридга ҳам биттасини бериб, деди:

– Бу қушларни ҳар бирингиз бир ерда сўйинлар, токи ҳеч ким кўрмасин.

Барчаси кетди ва ҳар бири бир пинҳон ерда қушларни сўйдилар ва қайтиб келдилар.

Аммо ўша мурид қушни тирик олиб келди ва деди:

– Эй Шайх, сиз қушларни ҳеч ким кўрмайдиган жойда сўйишни буюрдингиз, қаерга борсам ўша жойда Ҳақ таолони ҳозир у нозир кўрдим, сўя олмадим!

Шайх деди:

– Кўрдингизми, унинг қандай фаросати бор ва қандай фаҳмга эга!

Барча муридлари тавба қилиб, таслим бўлдилар.

\* \* \*

– Аллоҳ билан банда орасида тўрт дарё бор, бу дарёдан кечмагунча Аллоҳга етолмас. Биринчиси дунёдир, унинг кемаси

зуҳд. Иккинчиси хулқдир, унинг кемаси халқдан йироқ бўлиш. Учинчиси Иблисдир, унинг кемаси уни душман билиш ва ундан сақланиш. Тўртинчиси нафсдир, унинг кемаси муродига хилоф этиш.

— Нафснинг ҳавоси билан шайтон васвасаси орасидаги фарқ шундайким, нафс бир нарсани ҳавас қилса, уни бермагил, шайтон васвасига қаршилиқ қилгил, токим ундан қутулгайсан!

\* \* \*

— Ҳар кимнинг тириклиги Аллоҳ билан бўлса, унинг ўлими мажозий тирикликдан ҳақиқат тириклигига ўтишидир.

— Ҳар кимнинг тириклиги нафси билан бўлса, унинг ўлими жондан айрилмоқдир.

— Ҳар кўзнинг кўриши ибрат бўлмаса, ундай кўзнинг кўрмагани яхшироқдир.

— Ҳар тилки, Аллоҳнинг зикрига машғул бўлмаса, унинг сўзламаслиги яхшироқдир.

— Ҳар қулоқ Ҳақ каломини эшитмакка мунтазир бўлмаса, кар бўлгани яхшироқдир.

— Ҳар танким Аллоҳнинг бандалигига машғул бўлмаса, ўлгани яхшироқдир.

— Ҳар ким қўлини илмга урса, қадами маҳкам бўлади!

\* \* \*

— Ҳар муридким, бирор нарса ёзса ва ўқиса, амали бўлмаса, ундан ҳеч нарса ҳосил бўлмайди. Дунё муридлар кўнглига оғудан аччиқ ва маърифат уларнинг кўнглига асалдан ҳам тотлидир!

\* \* \*

— Амалларнинг яхшироғи нафсни сақлаш, нафсни сақласа, динини сақлайди!

\* \* \*

— Кўнгил тўртдир, бири шуки, у Аллоҳдандир, бандани бандаликка даъват этади. Иккинчиси шуки, фаришталардандир, бандани тоатга даъват этади. Учинчиси шуки, нафсдандир, бандани



дунёга даъват этади. Тўртинчиси шуки, шайтондандир, бандани бахиллик, ҳасад ва адоватга даъват этади.

\* \* \*

– Ҳиммат Аллоҳнинг ишоратидир. Иродат фаришталарнинг ишоратидир. Миннат султонларнинг ишоратидир. Шаҳват нафс ишоратидир. Ҳаво куфр ишоратидир.

\* \* \*

– Ҳикмат соҳибига, гарчи ундан гуноҳ содир бўлса ҳам, Аллоҳ ҳаргиз азоб этмас.

\* \* \*

– Ҳар кимнинг ҳиммати бўлса, унинг кўзи доимо очиқдир.

\* \* \*

– Суфи шундай кишики, унинг кўнгли Иброҳим пайгамбар кўнглидек дунё дўстлигининг саломат ва унинг таслими Исмоил таслими каби, қайғуси Довуд қайғусидек, сабри Айюб сабридек, фақри Исо фақридек, шавқи хотам ул-анбиё Муҳаммад Мустафо шавқидек бўлади.

\* \* \*

– Орифнинг етмиш мақоми бор. Аввали шуки, ҳаргиз бу жаҳон муродини тиламайди.

– Ориф шундайки, Ҳақни ҳар нафсда кўради. Орифлик бир даражадирки, Аллоҳ билан унинг орасида ҳижоб йўқ.

\* \* \*

– Маърифат икки қисм бўлади. Бири таъарруф ва бири таърифдир. Таъарруф шуки, ўзини унга билдиради ва ошно этади. Таъриф шундайки, ўзини билдиради. Бас, маърифат банда кўнглида Аллоҳнинг омонатидир. Унинг йўлида жон нисор этмагунча, банда унинг муҳаббатига етмайди.

\* \* \*

— Аллоҳ валиларига овқатда нафсларини тийишдан қаттигроқ нарса йўқ. Шукр шундайки, ўз нафсингни неъмат аҳли деб билмагайсан.

\* \* \*

Сабрнинг охири таваккалдир, чунки «Қуръон»да ёд қилгандир. Аллоҳ сўзи бор: «Улар сабр қилган ва Парвардигорларигагина таваккул этадиганлардир».<sup>1</sup>

— Сабр Аллоҳга қайтмайдиган нарсадан нафсни синамоқдир.

— Яқин шундайки, ризқ учун азм этмагайсан, ризқ учун гам емагайсан!

— Сенга тақдир этилган нарса, албатта, сенга етади.

\* \* \*

— Футувват шундайки, фақирлардан ор этмагайсан ва бойларга фахр қилмагайсан.

\* \* \*

— Жумардлик шундайки, қўлдан келадиганни дариг тутмагайсан.

\* \* \*

— Ахлоқ тўрт хил бўлади: саховат, улфат, насиҳат ва шафқат.

\* \* \*

— Яхши феълли фосиқлар ёмон феълли олимлардин кўра менга ёқимлироқдир.

\* \* \*

— Хавф шундайки, ҳаромларни ичингдан чиқаргайсан ва орзуларни тарк этгайсан.

\* \* \*

— Тавбанинг уч маъноси бор: биринчиси пушаймон бўлмоқ, иккинчиси мусулмонлар зулмидан ўзини сақламоқ, учинчиси ёмон ерларга бормаслик.

<sup>1</sup>Наҳл сураси, 42-оят.

\* \* \*

– Тафаккур тўрт қисмдир. Биринчиси, Аллоҳнинг оятларига тафаккур қилиш. Бундан маърифат ҳосил бўлади. Иккинчиси, неъматларига тафаккур қилиш. Бундан муҳаббат ҳосил бўлади. Учинчиси, ваъдаларига тафаккур қилиш. Бундан хавф ва умид ҳосил бўлади. Тўртинчиси, раҳматларига тафаккур қилиш. Бундан ғайрат ҳосил бўлади.

\* \* \*

Нақл қилишларича, шайх Ҳаририй айтиди:

– Жунайд ўлар ҳолатда «Қуръон» бошлади.

Мен дедим:

– Эй маъдани ҳақиқат, «Қуръон» ўқияпсанми?

Айтди:

– Бу ҳолатда «Қуръон»дан яхшироқ нима ҳам бўлади, бир ёнимда Малак ул-мавт ва бир ёнимда Сирот кўприги, олдимда одил қози. Менга икки йўлни кўрсатмоқдалар, билмасманки, қай бирига элтадилар.

Ва сураи «Бақара»дан етмиш оят ўқиди ва аҳволи ўзгарди, дард билан бир мартаба «Аллоҳ» деди.

Тасбиҳ айта бошлади, бармоқлари билан санади, беш бармоғини юмиб:

– «Бисмиллаҳир раҳмонир раҳийм», деди. Икки кўзини юмди ва муборак жонини Аллоҳ ҳазратига топширди.

«Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиъун».<sup>1</sup>

\* \* \*

Нақл қилишларича, бир куни шайх Шиблий шайх Жунайднинг қабри устида турган эди, бир киши келиб, масала сўради.

Шайх Шиблий деди:

– Азизларнинг ўлик тириги баробардир. Мен шайх Жунайд қабри олдида жавоб беришдан уяламан!

<sup>1</sup> Мусибат етганда айтиладиган дуо: «Албатта, биз Аллоҳнинг ихтиёридамиз ва албатта, биз Унинг ҳузурига қайтувчилармиз». Бу Бақара сурасининг 156-оятидан олинган.

## АБУ УМАР ИБН УСМОН МАККИЙ

Шайх ул-шуйухи тариқат ва асли усули ҳақиқат, шами олам ва чирोगи ҳарам, инсонни малакий, тариқат ақобирларидан, ҳақиқат машойихларидан, барча ақобир унга иқтидо қилар, унинг сўзлари барча машойих ичида мақбул, риёзат, зуҳд, парҳезгарликка мансуб, ҳақойиққа мавсуф эди.

Шайх Жунайдга иқтидо қилди. Бағдодда Ҳаззоғни кўрган, кўп йиллар Каъбада эътикофда бўлган.

\* \* \*

Нақл қилишларича, Абу Умар бир куни «Ганжнома» таржимасини қоғозга ёзиб, жойнамоғи остига қўйиб, таҳоратга чиққан эди.

Хусайн Мансур Ҳаллоғ келиб, у қоғозни шайх Абу Умарнинг жойнамоғи остидан олиб кетди.

Бу воқеа шайх Абу Умарга маълум бўлди ва қоғозни қидирмади:

— Тез орада унинг қўл-оёқларини кесадилар ва дорға осадилар, дордан олиб ўтга ёқадилар, кулини шамолга совурадилар! — деди. Унинг айтганлари бўлди.

«Ганжнома» ичида қўйидагилар ёзилган эди:

«Жон одам танига кирган пайтда Аллоғ амри билан фаришталарга:

— Одамга сажда қилинг! — деб буюрилди.

Барча фаришталар сажда қилдилар. Иблис сажда қилмади ва деди:

— Кўрайин-чи, жон Одам танига қандай кирар экан, бунинг сирини билайин.

Баъзилар айтадиларки:

— Иблис фаришталардан бирига лаънат бўлади, — деб ўқиган эди, кўрайин-чи, қайси фариштага лаънат бўлар экан. Аммо ўзи лаънат эгаси бўлди.

Баъзилар айтадиларки:

Иблис деди:

– Кўрайин-чи, жон Одам оғзидан кирадими ёки қулоғиданми? Шу сабабли Иблис одамзоднинг барча сирларини билади.

Яна деди:

– Одам томирларига қон қандай жойланади ва қандай юради? Бунни кўрди. Иблис ҳам Одамзоднинг баданида қондек кезади. Иблис лаънат этилиб, даргоҳдан қувилгач, фарёд қилиб, деди:

– Қани менинг қилган бандалигим, тоат-ибодатларим? Ер юзиди, осмонларда мен сажда қилмаган бир қарич ер қолмаган эди. Шунча тоатларим билан Одам сабабли мени лаънат қилдинг, энди қиёмат қойим бўлгунча мени ўлдирма ва Одам фарзандларидан узоқлашпирма, то мен ҳам одам ўғлонларидан ўчимни олайин, уларни йўлдан адашпирай, кўп гуноҳлар қилдирайин, то барчасини менинг билан ҳамроҳ қилиб дўзахга юборгайсан!

Шунда Аллоҳ айтди:

– Мунгазир қилдим сени то қиёматгача, ўлмагайсан!»

«Ганжнома»ни Абу Усмон ёзиб эди.

Абу Умар «Муҳаббат» китобидан ёзиб эдиким, Аллоҳ жонларни қолибларидан етти минг йил бурун яратиб эди. Аллоҳ одам ўғлонларига кунда уч юз етмиш мартаба раҳмат назари билан боқар, муҳаббат сўзларини жонларига эшиттирарди. Уч юз етмиш бор кашф тажаллий нуруни жонлари устига нисор этар, уч юз етмиш латифаи инсонияни кўнгилларга қўярди. Бас, қолиб оламига келтирди, сирни жон ичида зиндонга солди, жонни кўнгил ичида маҳбус қилди, ақл буларнинг орасида улов бўлди.

Ундан пайгамбарга фармон бўлдиким:

– Буйруғимни тутингким, ҳар ким фармонимни тутар бўлса, кўнгли муҳаббатга уланади, жони қурбатга эришгай, сирни вуслат билан қарор тутгай. Бўлмаса, менинг дўзахимга киргай, дийдоримга лойиқ ва сазовор бўлмагай!

\* \* \*

– Аллоҳнинг қудратига фикр этгил, аммо зотига фикр этмагил, кўфрдур!

– Муҳаббат ризо ичида ва ризо муҳаббат ичидадур.

– Суфий шундай одамки, вақтларнинг яхшисига машғул бўлади.

– Ва сабр шуки, банда Аллоҳ билан бўлади. Бало, меҳнат ва роҳат унга баробар бўлади.

## АБУ САЪИД ХАРРОЗ

У қудс жаҳони пухтаси, унс мақоми сухтаси, тариқат тароми бошлиғи, гарқай ҳиқиқат, муаззами олами эъзоз, машойихларнинг сарвари, дақоик ва ҳақойиқ ичида қилни иккига ёрар, ҳамма фанлар ичида ораста, муридларни йўлга солиб, раҳнамолик қилишда ягона эди. Уни тасаввуфнинг тили дердилар. Бундай дейишларининг сабаби шуки, бу тоифа ичида ҳеч ким ҳақиқат сўзларини ундан яхши билмас эди.

У тўрт юз китобни тасниф қилган, тажарруд ва узлат ичида унга ўхшаш одам йўқ, ўзи Бағдод тупроғидан, Зуннуни Мисрийни кўрган, Башир Ҳофий ва Сирри Сақатий билан суҳбат қурган. Кўп одамлар унга эргашган, бу одамларни харрозийлар дейишарди.

Бир неча уламолар зоҳирига боқиб, уни инкор қилдилар. Унинг китобида ёзилган бир неча сўзларини тушунмадилар.

Бундай сўзларнинг бири:

— Банда Аллоҳга яқинлашса, Унинг буйругига бўйин тутса, ундан бошқа нарсани унутса, ундан: «Қаердан келяпсан ва нима хоҳлайсан», деб сўрасалар, Аллоҳдан ортиқ ҳеч жавоб бўлмайди.

\* \* \*

Яна айтади:

— Банда яхши сифатли бўлса, нафсини ўлдиради, сўзлайдиган бўлса, сўзлари Аллоҳнинг ризоси бўлади. Эшитадиган бўлса ҳам, шундай бўлгайки, ўзи орадан чиқиб турар, маҳв бўлиб турар. Энди мен кимман, нима иш қиламан ва қаерданман? Менинг отим йўқ, агар расми одат десалар, Сен истарсан?

\* \* \*

Нақл қилишларича, Абу Саъид айтади, бир кеча Расули Аллоҳни тушимда кўрдим.

Улар мандан:

— Мени яхши кўрасанми? — деб сўрадилар.

Мен:

— Ё Расулуллоҳ, сизни ким яхши кўрмайди, лекин мени маъзур тутинг, Унинг дўстлиги мени шундай аҳволга солиб турибдики, ҳеч кимнинг дўстлигига мажолим қолмади.

Расулуллоҳ дедилар:

— Баракаллоҳ, ҳар ким Аллоҳни яхши кўрса, мени ҳам яхши кўрган бўлади.

\* \* \*

Нақл қилишларича, шайх Абу Саъид Харрознинг ўгли дунё аҳли бўлолмай вафот этди. Бир куни ўглини тушида кўриб, сўради:

— Эй ўғлим, Аллоҳ сенга нима қилди?

Ўғли:

— Аллоҳ менинг гуноҳларимни кечди, ўз қўшнилигига қўйди, — деди.

Абу Саъид деди:

— Эй ўғлим, менга насиҳат қил!

Деди:

— Эй бобо, бир насиҳат берар эдим, аммо уни бажара олмайсиз.

Сўради:

— У қандай насиҳат?

Ўғли деди:

— Ўзингиз билан Аллоҳ орасида бир қўйлак ҳам қўйманг!

Абу Саъид бу тушдан кейин ўттиз йил тарки дунё қилди, ҳаргиз қўйлак киймади.

У деди:

— Бир куни Аллоҳдан бирор нарса тилайман, — деган фикр келди.

Шунда Ҳотифдан:

— Мендан ўзга нарсани тилармисан? — деган овозни эшитди.

\* \* \*

Нақл қилишларича, шайх Абу Саъид Харроз айтади, бир куни Барияда кетар эдим, жуда оч қолдим.

Нафсим:

— Аллоҳдан мен учун бир нарса сўра, мен ейман, — деб талаб қилди.

Мен:

— Аллоҳим, мен Сендан таваккул аҳлининг таомини тилайман, ундан яхши таом бўлмас, — дедим.

Нафсим бунни эшитди, ноумид бўлиб деди:

— Агар таом тиламасанг, ҳеч бўлмаса сабр тила!

Дарҳол:

— Нафсинг бағоят гўзал ва ажойиб фикр айтди, — деган овоз келди.

\* \* \*

Нақл қилишларича, шайх Абу Саъид айтади, бир куни дарё қирғоғида ўтирган бир йигитни кўрдим. У ямоқ кийим кийган, ёнида эса темирдан сиёҳдони бор эди. Унинг либоси солиҳ одамларнинг либоси, темир давати эса золимларнинг аломатига ўхшайди, деб фикр қилдим.

Унинг олдига бориб, салом бериб, дедим:

— Эй йигит, Аллоҳ сарига йўл қайсидир?

Йигит деди:

— Аллоҳ сарига икки йўл бор. Бири — хослар йўли, иккинчиси, омийлар йўли. Аммо сен хослар йўлидан йироқсан.

Мен:

— Нега? — деб сўрадим.

Йигит:

— Чунки сен давотни золимларнинг асбоби, деб санайсан, ваҳоланки: «Эй, мўминлар, кўп гумон қилишдан четланинглар! Чунки, баъзи гумон(лар) гуноҳдир...»,<sup>1</sup> дейилган.

\* \* \*

— Қачонки Аллоҳ бир бандасини ўзига дўст қилишни хоҳласа, аввал у бандага зикр эшигини очади. Банда зикрдан лаззат топса, унга яқинлик эшигини очади. Банда яқинлик мақомига етса, у

<sup>1</sup> Хужурот сураси, 12-оят.



бандага ваҳдоният саройини беради. Азимат ва жалолатни унга кашф этади. Чунки бу мақом ҳосил бўлганда кўзига Аллоҳнинг қудрати кўринади. Ундан кейин васлат етишиш мақомига эришади ва унда камол ҳосил бўлади.

\* \* \*

— Вақт азиз, ундан азизроқ нарса бўлмас!

\* \* \*

— Банда ўтмиш билан келажак орасида машғулдир, яъни вақтини асраши керак, демакдир.

\* \* \*

— Ҳар ким фаросат билан қараса, Аллоҳ нури билан қараган бўлади. Чунки, илм Аллоҳдан келади, унда ҳеч хато ва гафлат йўқ.

\* \* \*

— Қанчалаб фасоҳат ва балогат эгалари бордирки, улар Аллоҳдан қўрққанидан жим юрадилар.

\* \* \*

— Ҳар кимнинг кўнглида Аллоҳ қарор топса, лозимки, икки жаҳонга ҳам Усиз боқмайди, Усиз сўзламайди ва эшитмайди.

\* \* \*

— Қўрбнинг ҳақиқати шуки, кўнгил пок бўлади ва Аллоҳ билан ҳамма нарсалардан ором топади.

\* \* \*

— Илм шуки, сен уни амалга келтирасан ва у эса сени ишга келтиради.

\* \* \*

Сўрадилар:

— Тасаввуф нима?

Айтди:

— Тасаввуф араб лугатида «сўзламоқ» дегани. Барча шаҳват ва ташвишлардан сўзи холис бўлади. Аллоҳдан ўзга кўнгли ичида ва

ташида ҳеч нарса қолмайди. Қачонки одам шундай бўлса, уни суфий дейдилар.

\* \* \*

Орифнинг йиғлаши сабабини сўрадилар.

Айтди, ориф йўлда, мужоҳада ва ижтиҳод ичида бўлади. Ўша пайтда унинг йиғлаши айрилиқ сабабли, чунки у ҳануз толибдир. У васлат етишув мақомига етганда ва висол лаззатини тотганда йиғлаш ундан кетади.

\* \* \*

Таваккул ҳақида сўрадилар. Айтди, таваккул Аллоҳга ишонмоқдир. Таваккул — оромсиз изтироб ва изтиробсиз оромдир!

Дедилар:

— Бу айтган сўзингни тушунтириб бер.

Айтди:

— Таваккул аҳли шундай бўлиши керакки, унинг ҳар қачон сукуни ва ороми кетса, асло ҳаракат қилмайди.

## АБУЛҲАСАН НУРИЙ

У аср ичида ягона, замоннинг қутби, тасаввуф ва муҳаббат аҳлининг доноси, муомаласи қабул бўлиб, ишоратлари олий, жамики машойихлар унинг пешво ва муқаддамлигини тан олган, уни қалблар амири, сўфийлар оғи дейишар, Сирри Сақатийнинг муриди, мазҳаб эгалари унга иқтидо қилишарди. У машойих уламоларидан, фақрни ўзига голиб қилганди. Уни Нурий дейишарди, чунки қоронги кечада сўзласа, оғзидан нур таралиб, ичи равшан бўларди.

Саҳрода бир масжид бор бўлиб, унда ибодат қиларди. Кечалари у масжиддан нур барқ урарди. Барча масжидлардан ва шаҳардан халқ бу нурни томоша қилгани чиқишарди. Шунинг учун уни Нурий дейишарди. Яна у фаросат нуридан ва ботин асроридан хабардор, шу сабадан ҳам уни Нурий дейдилар. У оқ соқолли, оқ мангизлик нуроний киши бўлгани сабадан ҳам Нурий дейишарди.

\* \* \*

Абу Аҳмад айтади, Абулҳасан Нурийдек тоат қилувчи бошқа ҳеч кимни кўрмадим.

Сўрадилар:

— У Жунайддан ҳам кўп тоат қилармиди?

Абу Аҳмад:

— Жунайднинг ҳоли ортиқ эди. Аммо Абулҳасан Нурийнинг ҳам неча ваздан ортуқ ҳоли бор эди. Чунки ҳар бир валининг ўзига хос муомаласи бор, уни Аллоҳдан ўзга ҳеч ким билмайди, — деб жавоб берди.

\* \* \*

Нақл қилишларича, Абулҳасан Нурий айтади, мен бир неча йиллар мужоҳадада, ўзимни зиндонга ташладим, халқдан юз ўгириб, риёзатлар чекдим, менга ҳеч йўл бўлмади, қалб очилмади, кашф ҳосил бўлмади.

Шунда ўзим ўзимга нафсимни енгиш учун бир иш қилишим керак дедим ва нафсимга:

– Эй нафс, шундай шумсанми, мени муродимга етказмассан? Неча йиллардан буён муродингни севасан, ёйсан, ичасан, киясан, ишратлар сурасан, шахватга эрк берасан! Кел энди, уйга кир, то мен сени ёмон ўғрилардек банд қилиб, зиндонга ташлайин! Агар тирик қолсанг, ўз давлатинг, агар ўлсанг, Аллоҳ йўлида ўлган бўласан!

Шундай қилиб, қирқ йил унга ҳукмимни ўтказдим.

\* \* \*

Нақл қилишларича, бир куни Жунайд Абулҳасан Нурийнинг олдига келиб, кўрдик, ҳоли бағоят голиб бўлиб турибди. Бошини қуйи солиб, бели букилиб, ранги сарғайибди ва тоқати тоқ бўлибди.

Жунайд деди:

– Унинг ёнига бордим, тинч қолдирдим.

Деди:

– Унинг ҳайбатидан шундай ҳолга тушдим.

Яна деди:

– Эй Жунайд, менда ғам-гусса қаттиқ бўлиб турибди, тоқатим тоқ, ўттиз йилдирки, Унинг ҳайбати ичимга тушган. Манманлик мендан бутунлай ўчди.

Жунайд ёронларига боқиб:

– Аллоҳга қуллик шартини ундан ўрганмоқ керак, қарангки, Аллоҳ азаматидан қандай маҳв бўлиб турибди! – деди.

\* \* \*

Нақл қилишларича, Жаъфар айтади, бир куни Абулҳасан Нурий хилватда муножот қиларди. Мен унинг муножотини тинглардим. Менинг тинглаётганимдан унинг хабари йўқ эди.

У:

– Илоҳим, жаҳаннамга лойиқ бўлган бандаларингни яратдинг. Энди уларни қиёмат кунда жаҳаннамга ташлайсан. Илоҳим, уларнинг ўрнига мени жаҳаннамга ташлаб, уларни озод қил! – дерди.

Мен бу сўзларни эшитиб, ҳайратда қолдим. Ўша кечаси бир туш кўрдим. Тушимда бир пир келиб менга:

— Эй Жаъфар, бориб Абулҳасан Нурийга:

— Биз сени шу шафқатинг баракатидан улугликка етказдик, дегин, — деди. Мен уйқудан уйғондим, бориб, кўрган тушимни Абулҳасан Нурийга айтдим. У наъра уриб важд ҳолатига тушди.

\* \* \*

Нақл қилишларича, Абулҳасан Нурий дейди:

— Бир кеча Қаъбани тавоф қилишга ният қилдим. Аллоҳдан Қаъбани хилватда тавоф қилсам, деб тиладим. Бас, ёмғир ёғди. Ҳамма одамлар уйларига кириб кетди, мен Қаъбани хилват топдим ва уни тавоф қилдим. Ҳар доим Аллоҳга юзланиб, бу дуони ўқир эдим: «Эй Аллоҳим, менга бир ҳол ва сифатни берки, ўша ҳолда бўлайин ва ўша сифатдан айрилмайин». Бу дуони ўқиб, бир гал Қаъбага бордим.

Ҳотифдан:

— Эй Ҳасан, Менинг сифатимда бўлишни, Мен билан баробар бўлишни хоҳлайсанми? Сен сўраган нарсани ҳеч кимга бермадим, бир ҳолда ва бир сифатда турган Менман, — деган овозни эшитдим.

\* \* \*

Нақл қилишларича, шайх Шиблий айтади, бир куни Ҳасан Нурийнинг ёнига бордим. У муроқабани қилиб ўтирган экан. Шундай кўрар ва шундай ҳозирдирки, оёғи олдида чўб тебранмас эди.

Мен дедим:

— Эй Нурий, бу муроқабани кимдан ўргандинг?

У менга:

— Бу муроқабани мен мушукдан ўргандим. Эр киши Ҳақ таоло йўлида шу мушукдек бўлиши керак. Агар сичқон тешик ичига кирса, мушук тешик қаршисида туриб, уни пойлайди. Эр киши ҳам Аллоҳни истаб, худди шундай ҳозир турмоғи керак, — деб жавоб берди.

\* \* \*

Нақл қилишларича, Форс шаҳрининг қавми бир кечаси, «фалон ерда бир валий одам бор. У арслонлар орасида қолибди. Бориб уни топинг, унга ёрдам беринг», деган овозни эшитдилар.

Шаҳар қавми ўша жойга бориб, Абулҳасан Нурийни кўрдилар. У арслонлар орасида туриб, намоз ўқир, арслонлар эса унинг атрофини ҳалқа қилиб ўраб олган эди. Қавм бу ҳолни кўриб, унга яқинроқ келдилар. Арслонлар бу қавмга ҳамла қила бошлади.

Шунда Абулҳасан енги билан ишорат қилган эди, арслонлар четга ўтиб турдилар. Қавм Абулҳасан Нурийнинг ёнига келиб:

— Бу нима ҳол? — деб сўрадилар.

У:

— Мен бу шаҳарга келдим, кўп вақтдан бери таом емаган эдим ва бу шаҳарда хурмо билан нон бормикин, деб ўйладим. Бас, бу ўйимдан пушаймон бўлиб, ўзимга: «Эй Абулҳасан, хануз нафс орзусини истайсанми?» дедим ва ўрнимдан туриб, бу дарага келдим, арслонлар мени кўриб, ёнимдан жой олишди ва мен билан бирга шу ерда туришибди, — деди.

\* \* \*

Нақл қилишларича, шайх Абулҳасан Нурий айтади, бир куни кўзим уйқуга кетганда ўғри келиб, тўнимни ўғирлабди. Туриб, тўнимни қидириб топмадим. Бир муддатдан кейин ўғри тўнимни келтириб берди. Кўрдим, қўллари қуриб қолибди. Менга ёлвориб, қилган ишига тавба қилди.

Мен:

— Илоҳим, бу киши ёмон ишига тавба қилди, Сен ҳам унинг қўлларини яхши қилгин, — дедим.

Унинг қўллари ўша онда яхши бўлди.

\* \* \*

Нақл қилишларича, Абулҳасан Нурийдан:

— Аллоҳ сен билан нима қилди? — деб сўрадилар.

Деди:

— У мени сақлайди ва менинг либосимни ҳам сақлайди.

Бу саволни берган одам Шайхга мурид ва у бир ўйин қилайин, деб ўйлади. Шайх ҳаммомга кирганда, ўша киши келиб, унинг кийимларини ўғирлаб кетди. Шайх ҳаммомдан чиқиб, кийимларини топмади. Шайхнинг кийимларини олган одам йўлда кетаётиб, йиқилди ва боши тошга тегиб ёрилди.

Истиффор айтиб, қайтиб келди, Шайхга кийимларини қайтариб бериб:

— Сени бир мазах қилайин дегандим, лекин авлиёларга беадаб-лик қилиш яхши эмас экан, — деди.

Сўнг Шайхга бошқа инкор қилмади.

\* \* \*

Нақл қилишларича, бир куни Бағдод шаҳрига ўт кетди. Ҳамма уйлар ёнди, лекин икки хожанинг уйи ёнмади. Бу икки уйга ҳам олов етиб келганда, хожанинг ўғлонлари фарёд қила бошлади.

Шайх у ерда ҳозир бўлди, уйнинг ичига кириб, худди гулзор ичидан олиб чиққандек, олов ичидан хожанинг ўғлонларини олиб чиқди. Ўғлонларнинг отаси бир хум олтинни Шайхнинг олдига кўйди.

Шайх:

— Қайтариб олинг бу олтинларингизни, бўлмаса ўғлонларингизни қайтариб олов ичига олиб кираман, — деди.

\* \* \*

Нақл қилишларича, Абулҳасан Нурий айтади, бир куни ўғирлик қилгани учун бир қари кишини одамлар ураётганини кўриб қолдим. Уни қанчалар урсалар-да, ҳеч овоз чиқармас эди.

Бу Абулҳасан Нурийга жуда хуш келди. Қарияни зиндонга ташладилар. Абулҳасан Нурий унинг ортидан бориб, ундан сўради:

— Бу заифлигинг ва қарилигинг билан бунча таёққа қандай чидадинг?

У:

— Эй ўғлим, бало-қазога сабр этиш учун ҳиммат керак, — деди.

Яна сўрадим:

— Сабр сенинг наздингда қандай?

Деди:

— Сабр менинг наздимда шундайки, бир балони юборсалар, агар бу бало менга тегса, уни роҳат ўрнида кўраман.

\* \* \*

Сўрадилар:

— Мусулмонлик нима?

Ҳасан Нурий:

— Пайгамбарнинг суннатларига итоат этмоқ, — деб жавоб берди.

\* \* \*

— Сўфий ким? — деб сўрадилар.

Айтди:

— Сўфий шундай қавмки, уларнинг жонлари башарият ташвишларидан озод, нафс офатидан омон бўлади. Ва яна сўфий шуки, ҳеч нарса уни боғлаб турмайди, у на қул эгаси ва на қул бўлади.

\* \* \*

Яна сўрадилар:

— Тасаввуф нима?

Шайх Ҳасан Нурий:

— Тасаввуф бу русумдир, илм эмас. Ва лекин тасаввуф Аллоҳ хулқларидан биридир. Аллоҳ ўз каломида ишора қилганидек, тасаввуф Аллоҳнинг хулқлари билан хулқланишдир. Ва яна тасаввуф бу — озодлик ва мардликдир, Аллоҳдан насиба учун такаллуфни тарк қилмоқдир ҳамда дунёни душман тутиш, охиратни дўст тутишдир!

\* \* \*

— Икки нарсадан азизроқ нарса йўқ. Бири, илмига амал қилувчи олим. Иккинчиси, сўзлаганда ҳақиқатдан сўзлайдиган ориф.

\* \* \*

— Ҳар ким ҳамма нарсани Аллоҳдан деб билса, унинг ружуъи — қайтиши ҳар ишда Аллоҳга бўлади.



\* \* \*

— Таваккул шундайки, сенинг тадбиринг унинг тақдири ичида фоний бўлади. Аллоҳга ҳар ишда рози бўлгайсан, У сенинг ишингга вакилдир.

\* \* \*

— Киши тамом умрини қўрқув билан кечириши қандай яхши давлат, ҳар ким Аллоҳдан қўрқса, Аллоҳдан паноҳ тилайди.

\* \* \*

— Гуноҳ йўқотишдан, тоат макрдан холий эмас.

\* \* \*

— Ҳар бир нарсанинг бир уқубати бўлади, орифларнинг уқубати эса Аллоҳнинг зикридан гафлатда қолишдир.

## АБУ УСМОН ХАЙРИЙ

У ҳозир асрори тариқат, нозир анвори ҳақиқат, пири қутби вақт, бу тоифа сараларидан ҳамда сўфийларнинг муътабарларидан, улуғ ҳиммати бор, ҳамма асҳобнинг мақбули, хилма-хил каромат ва ҳар хил риёзатга мансуб эди. Унинг қилган ваъзалари жуда таъсирли ва сўзлари муътабар, ҳаёти ва яшашида ҳеч ким айб тополмас эди.

Ҳамма улуғлар бир фикрга келиб айтар эдилар, хослардан уч киши бор. Бири Нишопур ичида Абу Усмон Хайрий, иккинчиси Бағдод ичида Жунайд, учинчиси Шом ичида Абу Абдуллоҳ.

\* \* \*

Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Раззоқ айтади, Жунайд Бағдодий, Юсуф Хусайн, Муҳаммад Фазлий, Абу Али Журжоний ва булардан бошқа кўп шайхларни кўрдим. Аммо, Абу Усмон Хайрийдан бошқа Ҳақ йўлини яхшироқ сақлайдиган кишини кўрмадим.

Абу Усмон Хайрий болалик пайтида айтар эди:

— Менинг кўнглим ҳақиқат талаб қилишни истайди ва бир қарорда турмас.

\* \* \*

Нақл қилишларича, Абу Усмон Хайрий мактабга борар чоғда орқасидан тўртта кул ҳам борар, улар румий, туркий, кашмирий ва ҳабаший эди. Бир куни шайх кетаётиб, карвонсаройда яғир, жуда заиф эшакни кўриб қолди.

Абу Усмон Хайрийнинг эшакка раҳми келиб, қулларига:

— Агар мени яхши кўрсангиз, эшакни сув билан ювиб, парвариш қилинглар, — деди.

Қулар эшакни тоза қилиб ювдилар. Абу Усмон эшакни салласи билан артиб, парвариш қилди.

Эшак Аллоҳ фармони билан тилга кириб:

— Эй, Абу Усмон, сен мени хушнуд қилдинг, Илоҳо авлиёлар сени хушнуд қилсин, — деди.

Абу Усмон эшакдан бу сўзларни эшитиб наъра урди, уч кунгача беҳуш бўлиб ётди. Ўзига келиб, эшакнинг барча аъзоси тузалганини кўриб, йиглай-йиглай Яҳё ибн Муъознинг хизматига борди, у ҳазратнинг суҳбатидан кўп фойдалар ҳосил қилди ва риёзатга машғул бўлди.

Ундан кейин Шоҳ Шужоъ Кирмоний суҳбатларини орзу қилиб, Яҳё ибн Муъоздан рухсат сўради.

Яҳё Ибн Муъоз унга рухсат бермай:

— Сен ҳали сафарга лойиқ эмассан, сабр қилгин, — деди.

Абу Усмон кўп ялингач, ноилож унга жавоб тегди. У Шоҳ Шужоъ Кирмонийнинг хизматига бориб, ундан кўп фойдалар ҳосил қилди.

\* \* \*

Шоҳ Шужоъ Абу Ҳафз Ҳаддодни зиёрат қилгани Нишопурга келаркан, Абу Усмон ҳам унга эргашди. Абу Ҳафз Усмонни яхши кўриб, унга дуолар қилиб, деди:

— Бунда давлат нишони бор.

Шоҳ Шужоъ Кирмонга кетадиган бўлди. Абу Ҳафз Абу Усмонни ёнида олиб қолди. Бир қанча муддат у ҳазратнинг хизматида бўлиб, мақсадларига етди.

\* \* \*

Нақл қилишларича, Абу Усмон Хайрий жуда тавозели, тўғри ва иродали одам эди. Бир куни мункир одам уни уйига таклиф қилди. Абу Усмон унинг уйига яқинлашганда, мункир деди:

— Қорнингни тўйғизиш учун итдек изимдан эргашиб келдинг, уйда ҳеч нарса йўқ, қайтиб кет, — деб қайтариб юборди.

Лекин Абу Усмон қайтиб кетаётиб, бир неча қадам қўйган эди, мункир:

— Кел, уйда тайёр таом бор, — деб яна чақирди.

Усмон Хайрий яна қайтиб келди.

Мункир:

— Итдек ҳайдаса кетасан, чақирса, яна қайтасан. Уйда ҳеч нарса йўқ, жўна уйингга, — деб ҳайдади.

Абу Усмон изига қайтди. Мункир уни яна чақирди ва яна ҳайдади.

Шу тариқа уни ўттиз маротаба чақириб, ранжитиб, қайтараверди. Ўттиз биринчи маротаба чақирганида, Абу Усмонни тўғрилигига тан бериб:

— Сени ўттиз марта чақирдим, хўрлаб ҳайдадим. Юзинг ва кўзинг ҳеч ўзгармади, — деди.

Абу Усмон Хайрий деди:

— Бунақа бемаъни ишларни ит ҳам қила олади, авлиёларнинг иши бошқача бўлади, — деди.

Мункир дарҳол Абу Усмоннинг қўлини олди ва тавба қилиб, ихлос билан унга мурид тутиниб, яхшилар жумласидан бўлди.

\* \* \*

Нақл қилишларича, Жунайд Бағдодий айтади, мен Усмон Хайрий мажлисида тавба қилдим. Менда нимаки кашф бўлса, унинг суҳбати баракатидандир. Кўнглимда нафсоний, шайтоний андиша пайдо бўлса, унга айтар эдим, у менга маслаҳат берар, тўғри йўлга солар эди.

Бир куни фасод аҳли билан бирга ўтирсам, кўнглим мени гуноҳ ишга ундади. Уларнинг суҳбатидан қочиб, бир ерда Абу Усмон Хайрийни учратиб қолдим.

У менга деди:

— Эй ўғил, душманлар билан ўтирма, гуноҳ аҳлидан узоқроқ бўл! Агар сенда гуноҳ қилишга мойиллик пайдо бўлса, менинг ёнимга кел, мен сени гуноҳ қилишдан сақлайман, шунда душманлар сендан зафар тополмас, — деди.

Усмон Хайрий менга бу сўзни айтгандан сўнг, кўнглим қарор топди ва тавба қилдим.

\* \* \*

Нақл қилишларича, бир маст йигит йўлда кетаётиб, шайх Усмон Хайрийни кўрди ва уялиб, рубобини яширди.

Абу Усмон Хайрий йигитни олиб, хонақоҳга келди, унинг сочини олиб, хирқа кийдирди ва:

— Илоҳий, мен унинг зоҳирини тузатдим, ботинини Сен тузатгин, — деб дуо қилди.

Шу пайт йигитга ҳидоят келди, эрақлар нишони унда маълум бўлиб, намозга киришди.

Абу Усмон Мағрибий келиб, йигитнинг юзига боқди:

— Эй Усмон, бошқалар кўп йиллар уриниб, риёзат, машаққат, хилват ва заҳмат чекиб эришадиган нарсага, бу йигит сенинг ҳимматинг баракатидан бир соат ичида эришибди, — деди.

\* \* \*

Нақл қилишларича, бир куни Абу Усмон Хайрийга бир киши айтди:

— Эй Шайх, тилим билан Аллоҳ зикрини айтарман, аммо кўнглим менга бўйсунмас.

Абу Усмон деди:

— Шукр қилгилким, аъзоларингнинг ҳаммаси Аллоҳга итоат қилганига, иншооллоҳ, ўзгаси ҳам итоат қилувчидур. Кўнглингдаги кибрни йўқ қил, ҳеч қандай одамга манманликдан баттар ҳижоб йўқ!

\* \* \*

— Авф мўминнинг сайқалидур. Агар дунё учун бўлмас эса!

\* \* \*

— Омийларнинг шукри таом ва либос узрадур. Хосларнинг шукри таом ва либосдан кесилмақдур.

\* \* \*

— Тавозеъ учдир. Аввали ўзини ожиз билмоқ, иккинчи ўзини муҳтож билмоқ, учинчи, ўзини гуноҳкор билмоқ!

\* \* \*

— Саодат нишони удурким, Аллоҳга мутеъ бўлгай ва Ундан кўрқгай!

— Ва ёмонлик нишони удурким, гуноҳ қилиб, Аллоҳдан кўрқмагай!

\* \* \*

- Азиз бўлинг Аллоҳ иззати биланким, ҳаргиз хор бўлмагайсиз.
- Дунёдин шод бўлмоқ Аллоҳ шодлигини кўтарур!
- Банда удурким, Аллоҳдан ўзгадин қўрқмагай!

\* \* \*

- Аллоҳдан йироқ бўлмақ сабаби учдур. Аввали дунёни тутмоқ, иккинчи, халқ иззатига шод бўлмоқ, учинчи, нафсига қул бўлмоқ!

\* \* \*

- Тоат қилиб, уни оз билган бандани ёрлақашни Аллоҳ ўзига лозим деб билади.

\* \* \*

- Ихлос шуки, нафс ҳеч хузур олмайди. Ихлос Аллоҳга садоқат ниятидир, ўқиган намозини, тутган рўзасини, қилган садақасини бошқалар кўришини унутмоқ ва Холиқ кўриб турганини англамоқдир.

\* \* \*

Нақл қилишларича, Усмон Хайрийга ўлим вақти келганда ўғли фарёд қилиб, ёқасини йиртди.

Усмон Хайрий буни кўриб, ўғлига:

– Зоҳирда хилоф иш қилмоқ ботинда мунофиқликдир, чунки Расули акрам дедилар:

– Ҳар бир идишда нима бўлса, ўша нарса сизиб чиқади, — деди ва қалб ҳозир ҳолда жон берди.

## АБДУЛЛОҲ ИБН ЖАЛЛО

У сафинаи баҳри диёнат, сакинаи баҳри амонат, оинаи каромат, офтоби фалаки ризо, машойих уламоларидан, авлиё кўнглида маҳбуб ва тақводорлар олдиди мақбул, унинг олий калималари, нафис ишоратлари бор, ҳақоиқ ва дақоиқ, маъориф ва латоиф ҳамда маъоний ичида қилни қирқ ёрар, Абу Туроб ва Зуннунни кўрган, Жунайд ва Нурий билан суҳбат курган зот.

Абу Умар Дамашқий айтадики, Абдуллоҳ ибн Жаллодан эшитган эдим, у шундай деган эди:

— Мен ўғлонлик пайтимда отам билан онамга дедим, мени қийнаманг, мени Аллоҳ ишига қўйинг!

Улар, қўйдик, дейишди.

Бас, ота-онамни қолдириб, Аллоҳ ризосини ишташга киришдим. Бир замондан кейин қайтиб келдим. Кечаси уйнинг эшигини қоқдим. Қаттиқ ёмғир ёғарди.

Онам эшик ортидан:

— Кимсан? — деди.

Мен:

— Ўғлингиз Абдуллоҳман, — дедим.

Онам:

— Менинг бир ўғлим бор эди, мен уни Аллоҳ йўлига бағишлаганман, у қайтиб келмас, — деди ва менга эшикни очмади.

\* \* \*

Нақл қилишларича, Абдуллоҳ айтади, бир куни бақувват ва соҳибжамол кофир болани кўрдим. Унинг мушоҳадасига ҳайратда қолдим.

Шайх Жунайд ёнимга келди, мен ундан:

— Эй устоз, шундай зебо сувратли одам жаҳаннам ўтида куядими? — деб сўрадим.

Деди:

— Эй угил, бу дунё ибрат назари эмас, нафс тузоғи ва шайтон макридир. Агар ибрат кўзи билан қарайдиган бўлсанг, жавоб берардим. Тез орада шу сабабли сенга адаб берадилар ва йўлинг сўрайдилар.

Мен шу онда «Қуръон» ни унутдим, хотирамга бир оят ҳам келмади. Кўп ёлвордим, Аллоҳ менга фазл қилди ва «Қуръон» яна хотирамга келди. Ушандан бери номаҳрамнинг юзига боққани ва мавжудотдан бирортасига илтифот қилгани ҳеч тоқатим йўқ.

\* \* \*

Нақл қилишларича, Абдуллоҳдан фақир ҳақида сўрадилар. Ҳар қанча ҳаракат қилса-да, хотирига ҳеч сўз келмади. Бас, ўрнидан туриб, ташқарига чиқди. Бир оздан сўнг яна қайтиб кирди.

Ундан:

— Нега жавоб бермадинг? — деб сўрадилар.

У:

— Белимда тўрт дона кумуш тангам бор эди. Фақирлик ҳақида гапиришни ўзимга раво кўрмадим. Бас, ташқарига чиқиб, кумуш тангаларни бир фақирга бердим. Шундан кейин рухсат топдим. Энди фақирлик ҳақида гапираман, — деб жавоб берди.

\* \* \*

Нақл қилишларича, Абдуллоҳ айтади, бир куни Барияга чиқдим. Каъбага бориб, уни тавоф қилиб, ҳаж шартларини бажардим. Кейин касал бўлиб қолдим.

Расулуллоҳнинг муборак қабрларига келиб:

— Ё Расулуллоҳ, сизга меҳмон бўлиб келдим, — дедим.

Шу ерда ўтириб, уйқуга кетдим. Расули акрамни тушимда кўрдим. Улар муборак қўллари билан бошимни силаб, менга бир нон бердилар. Ноннинг ярмини тушимда едим. Уйғониб қарасам, тушимда еган ноннинг ярми қўлимда турар, вужудим соғ ва саломат эди.

\* \* \*

Абдуллоҳ ибн Жаллодан сўрадилар:

— Киши фақирлик мартабасига нима орқали лойиқ бўлади?



Деди:

— Вужудида Аллоҳдан бошқа нарса бўлмаса ва Унинг йўлида ўзини фидо қилса, бундай киши фақирлик мартабасига лойиқдир. Ҳар ким ўзини йўқ билса, албатта унда фақирлик бор бўлди.

\* \* \*

Сўрадилар:

— Тавба қилувчининг тавбаси қайси вақтда қабул бўлади?

Абдуллоҳ:

— Чап тарафдаги фаришта, яъни гуноҳ амалларни ёзиб турувчи фаришта йигирма кун ҳеч қандай гуноҳни кўрмаса, тавбаси қабул бўлади, — деб жавоб берди.

Яна сўрадилар:

— Зоҳид ким?

Деди:

— Халқнинг севиши ва сўкиши унинг учун баробар бўлган киши.

— Обид ким? — деб сўрадилар.

У:

— Обид — фарз амалларни аввал вақтида бажарадиган одам, — деб жавоб берди.

— Ориф ким?

— Ориф дунёга завоқ кўзи билан қарайдиган ва уни хор кўрадиган одам, — деб жавоб берди.

Ва яна деди:

— Ҳар ким тақво билан тирилмаса, фақир луқмаси унга ҳаромдир. Сўфий киши асбобдан айри. Ҳар ким нафси билан мартабага етса, у мартабадан тезроқ тушади. Ҳар ким ризқ учун қаттиқ курашса, бу кураш уни Аллоҳдан йироқ қилади ва халққа муҳтож бўлади.

## АБУ МУҲАММАД РУВАЙМ

У билимлар пардасининг манбаси, буюклик қуббасининг валиси, қутби бебадал, лутфу карам ва амал, офтоби авжи азам, машойихларнинг сараси, унинг улуғлигига ҳамма ақобир тан берган, Жунайд Бағдодийнинг суйган ёронларидан, фикҳ ва тафсир илмида ягона, ҳақоик ва дақоик ичида нишона, ҳиммат ва фаросат соҳиби, ўзини тажрид қилиб, кўп гайрати ва риёзати бор эди. Тариқат ва симоъ бобида кўп китоблар тасниф қилган, таваккул саҳросида кўп сафарлар қилган.

Муҳаммад Рувайм айтади, бир куни Бағдод шаҳри ичида борар эдим. Қаттиқ чанқадим. Бир сарой эшигига келиб, сув сўрадим. Бир бола сарой эшигига келиб, менга сув берди, сувни ичдим.

Бола менга қараб:

— Бу сўфийни қаранглар, кундуз куни сув ичяпти, — деди.

Унинг бу сўзи менга қаттиқ таъсир қилиб, юрагимни поралади. Билдимки, бу болани кимдир сўзлатди. Бас, Аллоҳдан тавфиқ топдим. Бундан кейин кундуз куни ҳеч таом емадим, хаёлимга таом орзуси ҳам келмади.

\* \* \*

Нақл қилишларича, бир куни бир киши Муҳаммад Рувайм ёнига келиб:

— Аҳволинг қандай, қандай умр кечиряпсан? деб сўради.

У:

— Дини нафс ҳавоси билан аралашган ва дунё севгиси унинг ичига тушган кишининг аҳволи қандай бўлиши мумкин? — деди.

У киши деди:

— Эй Шайх, Аллоҳ бандаларига нимани фарз қилган?

Шайх деди:

— Аллоҳ бандаларига фарз қилган нарса, бу маърифатдир. «Қуръони карим»да дейди: «Мен жинлар ва инсонларни фақат Ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим. Мени билсинлар ва Менга ибодат қилсинлар».<sup>1</sup>

Яна сўради:

— Таваккул билан сафар қилмоқ қандай бўлади?

Муҳаммад Рувайм:

— Сафар қилишга азм қилганда, ўзи билан емиш ва сув олмайди, ётадиган ва кетадиган жойини ўйламайди, — деб жавоб берди.

— Тавҳид нима? — деб сўрадилар.

Муҳаммад Рувайм:

— Борлиқ асарини тарк этиб, ундан айрилишни муҳим билмоқдир. Ҳар нарсанинг кўзгуси бор, ориф одамнинг кўзгуси Аллоҳнинг тажаллийсидир. Ҳақойиқнинг асоси шуки, илмга суянгай! Банда ҳамма тилакларидан йироқ бўлиб, улардан кесилмагунча Аллоҳга яқин бўлмайди!

Унс (дўстлик) шуки, Аллоҳдан бошқа нарсдан даҳшатга тушгай ва ўзидан ҳам қўрққай. Унс зикрнинг ҳаловати туфайли кўнгил шодлигидир. Яна унс — Аллоҳдан ўзгдан хилватда бўлмоқдир.

\* \* \*

Сўрадилар:

— Дарвеш ким?

Деди:

— Ўз сирини элдан яширадиган, ҳар бир ҳолатга рози бўладиган ва фарз амалларни жойига қўядиган одам.

\* \* \*

— Шаҳват яшириндир, у амал вақтида зоҳир бўлар.

— Зухд дунёни паст тутмоқ ва дунёни кўнгилдан умуман чиқармоқдир.

— Аллоҳдан бошқа ҳеч кимдан қўрқмаслик, бу яхши қўрқув!

— Ризо кўнгил тилаги билан ҳукмга қарши турмасликдир!

<sup>1</sup> Зориёт сураси, 56-оят. Кейинги жумла оят мазмунидан олинган.

\* \* \*

— Ихлос амалга назар қилмаслик ва яна ихлос удурким, ҳар амалким қилур, намоз ёки намоздан бошқа ҳар бир ишда икки дунёда ҳам эвазни тама қилмаслик.

\* \* \*

Нақл қилишларича, Абу Муҳаммад Рувайм ташқарига чиқиб келар эди, йўлда жонини Аллоҳга топширди. У кулиб тургандек ётар эди. Табиб уни кўриб, тирик деб уйлади.

Қўлини нафасига қўйди, жонини Аллоҳга топширганини кўрди.

## ИБН АТО

У кутби олами раҳмоний, маъдани ҳикмати руббоний, сокина Каъбаи субҳоний, соҳиби хирқаи дарвишоний, гавҳари баҳри вафо, ҳақиқат аҳлининг султони, тавҳид аҳлининг бурҳони, фанлар олами ичида нишона, тариқат ва ҳақиқатда ягона, усул ва фуруъ аҳлининг муфтийси, тафсир, ҳадис борасидаги кашф фақат унга бўлган. Унинг баёни ва илми комил, ҳамма яқинлари ичида мукаррам ва ҳурматли, шайх Абулҳасан Харроздан бошқа кишининг тасаввуфини қабул этмас, Жунайд муридларининг каттаси эди.

Нақл қилишларича, бир неча одам Ибн Атонинг зиёратига келиб, масжиднинг ичига сел киргандек ҳўллигини кўришди ва:

— Бу нима ҳолат? — деб сўрашди.

Ибн Ато:

— Ўтган кеча менда бир ҳолат юз берди, хижолатдан кўзимдан ёш оқди, ҳеч тинмади, — деди.

Улар:

— Бу кўз ёшига сабаб нима? — деб сўрадилар.

— Болалик пайтимда бир камбағал боладан куч билан бир кабутарни тортиб олган эдим, сўнг бу қилган ишимдан кўрқиб, афсусландим. Унга минг кумуш танга бериб, кечиришини сўрадим. Бу воқеадан ҳалигача кўнглим қарор топмайди, — деб жавоб берди.

\* \* \*

Нақл қилишларича, Ибн Ато айтади:

— Амалларнинг яхшироғи шуки, уни қиласан, қайтиб уни ёдингга олмайсан.

\* \* \*

— Эрлар ҳожатларини аввал илм майдонида, сўнгра тавҳид майдонида истайдилар. Эр киши ҳар нима сўзласа, Аллоҳдан

сўзлайди ва ҳар нима эшитса, Аллоҳдан эшитади. Ҳар нима ишорат қилса, Аллоҳдан ишорат қилади.

\* \* \*

— Ҳар ким суннат амалини адаб билан безатса, Аллоҳ унинг кўнглини ўз нури билан мунаввар қилади. Ҳаракат, сўз ва ахлоқларда мувофиқликдан улуғ мақом йўқ. Банданинг Аллоҳ фармонларига бўйсунмаслиги гафлатнинг улуғидир.

\* \* \*

— Қулик мағлублик, илм голиблик. Ҳар ким бу икки нарсадан айри чиқса, у мағлуб бўлади.

\* \* \*

— Тоатларнинг яхшироғи Аллоҳни талаб қилмоқ. Агар бир киши йигирма йил нифоқ шеvasига қадам босган бўлса, бир соат бир мусулмон қардошининг манфаати учун битта қадам қўйса, олтимиш йил ихлос ва эътиқод билан тоат-ибодат қилгандан яхши.

\* \* \*

— Ақлнинг яхшироғи тавфиққа мувофиқ бўлганидир. Гуноҳларнинг яхшироғи унинг ортидан тавба қилинганидир.

\* \* \*

— Ҳар кимнинг аввал кириши тоатга бўлса, у охиратга эришади. Ва ҳар кимнинг аввал кириши иродотга бўлса, у киши динга эришади. Бу сўзлардан мақсад, бир неча одамларда иззат ва фахр, бир неча одамларда нафс ва шаҳват, бир неча одамларда илм ва ажралиш бўлади.

\* \* \*

— Кўнгил ва нафс шаҳвати ҳамда жон шаҳвати бор. Бу шаҳватларни жаннат ичида жам қиладилар. Кўнгил шаҳвати Аллоҳга мушоҳада қилади. Жон шаҳвати Ҳаққа яқин бўлишни талаб қилади. Нафс шаҳвати эса жаннатнинг хур, қасрларни талаб ва орзу қилади.

\* \* \*

— Ҳар кимнинг кўнглида охираат ўйи бўлса, шайтон уни йўлдан оздириш ҳаракатида бўлади. Агар бу иш шайтоннинг кўлидан келса, уни дунё ўйларига машғул қилиб, охираатдан маҳрум этади.

\* \* \*

— Ҳар ким одобдан маҳрум, ҳамма яхшиликлардан маҳрумдир.

\* \* \*

— Илм уч хил бўлади. Маърифат илми, ибодат илми ва бандалик илми. Муҳаббат доим маломат узра бўлишдир. Агар муҳиб эгалик даъвосини қилса, муҳаббатдан тушади.

\* \* \*

— Тақвонинг зоҳири ва ботини бор. Зоҳири Аллоҳ буйругини ушлаш, ботини эса ихлос билан ниятдир.

\* \* \*

Ибн Ато деди:

— Одам Ато Аллоҳга гуноҳкор бўлиб, жаннатдан чиқди. Ҳамма мавжудотлар йиғладилар, фақат олтин билан кумуш йиғламади.

Аллоҳ улардан:

— Сизлар нега йиғламадингиз? — деб сўради.

Олтин билан кумуш:

— Сенга осий бўлган киши учун йиғламаймиз, — деди.

Аллоҳ уларга:

— Ўз иззатим, азаматим ҳаққи, сизларни азиз ва қадрли, ҳамма нарсалардан ортиқ ва Одам Ато ўғлонларини сизларга хизматкор қиламан, — деди.

\* \* \*

Нақл қилишларича, бир кун Ибн Ато ёронларидан сўради:

— Одамизод улуг мартабага нима билан етишади?

Улардан баъзиси тоат билан, баъзиси мужоҳада билан ва яна баъзиси садақа ва эҳсон билан етишади, — деди.

Ибн Ато:

— Одамизод улуг мартабага яхши феъл ва яхши қилиқ билан етишади, — деди.

\* \* \*

Нақл қилишларича, Ибн Атони динсизликда айблаб, халифага айтдилар. Али ибн Исо халифанинг вазири, Ибн Атони чақиртирди. Ибн Ато унга кўп сўзларни айтди, у қабул қилмади. Унга сиёсат қилишни буюрди, Ибн Атони шунчалик урдиларки, ўлиш ҳолатига етди.

Ибн Ато:

— Аллоҳ сенинг қўл-оёқларингни кессин, — деди.

Вазирнинг бу сўзлардан жаҳли чиқиб, уни яна қаттиқроқ урдирди. Ибн Ато бунга тоқат қилолмай шаҳид бўлди.

Бу воқеадан бир оз вақт ўтгач, халифа вазирни тутиб, қўл-оёқларини кесиб, ҳалок этди.

Бас, машойихлар:

— Валийлар жамоаси ҳеч кимга ёмон дуо қилмайдилар, Ибн Ато эса ёмон дуо қилди, — деб таъна қилдилар.

Баъзилар:

— Вазир золим эди, бу ҳолат узрликдир, мусулмонларга яхшилик бўлиши учун ёмон дуо қилса зарари йўқ, — дедилар.

Ҳақиқат аҳли эса:

— Ибн Ато вазирга ёмон дуо қилмади, яхши дуо қилди, натижада шаҳид кетди, ҳамма гуноҳлари кетиб, Аллоҳ ҳузурда пок бўлди. Бас, шундай экан, Ибн Ато қилган дуо ёмон дуо эмас, — дедилар.



## ИБРОҲИМ ИБН ДОВУД БАРАҚИЙ

У субҳи содиқ шоми, боқий бўлган фоний, тақводор шайх, машойих уламоларидан, бу тоифанинг муқаддамларининг муътабар ва муҳтарамларидан, каромат ва риёзат эгаси эди. Шом тупроғидан, Жунайд ва Ибн ул-Жалол ёронларидан, узоқ умр кўрган кекса киши эди.

Нақл қилишларича, бир дарвеш дара ичида кетар чоғида тўсатдан арслон унга яқин келди, ҳалок қилиш хавфи пайдо бўлди. Шайх Иброҳим дарвешнинг хирқасидан бир парча тўнига тиккан эди. Арслон унинг хирқасини кўрди, келиб хирқани ялади ва кўйруғини суркади. Арслон тинчиб кетди.

\* \* \*

Иброҳим сўзлари:

— Аллоҳнинг қудратлари ошкор, одамларнинг кўзлари очик, аммо гафлат кўргани қўймайди!

— Аллоҳ дўстлигининг нишони тоатни ихтиёр этмоқ ва Расули ақрамга эргашмоқ.

— Одамларнинг заифроғи шуки, шаҳвати кучли ва нафсининг олдида ожиз бўлади. Бундай одамни азизлар «нафснинг эшаги» дейдилар.

— Одамнинг кучлироғи шуки, нафсига голиб бўлиб, нафсини ўлдиради. Бундай одамни фариштадан ортиқ, дейдилар.

— Эр кишининг ҳиммати охират узра ва Аллоҳ ризоси билан!

— Бу дунё Шаддод, Намруд ва Фиръавнлардан қолган сарқит. Сарқитни итлар ейди, одамлар нега ейдилар?

\* \* \*

— Таваккул удурким, кўнглингга қарор бергайсан. Ризқ учун қийналмайсан, чунки Аллоҳ зомин бўлиб турибди. Бандасига Ўзи етказди, аммо банда қарор топмас! Аллоҳ тақдир қилган ризқ сенга албатта келади, сен беҳуда заҳмат чекарсан. Дарвешлар кўнгли таваккул билан, бойлар кўнгли мол-мулк билан қарор тутар.

\* \* \*

— Ҳар ким Аллоҳ иззатини истаса, дунё иззати кўзига хор кўрингай. Дунёда икки нарсани жойига келтирмоқ керак. Бири дарвешлар ва бири валилар суҳбати.

## ЮСУФ АСБОТ

У мужоҳиди мардон, муборизи майдон, тақводор зот, маънодор сифат, гулшани ҳаёт, зоҳидларнинг сараси, обидларнинг ёқимлиси, илми «яқин» ичида унинг зоҳидлиги ва муомаласига тенг киши йўқ. Унинг риёзати, хилвати ва ҳоли халқдан яширин, дунёдан бутунлай узилган, унинг сўзлари шифоли, каломи кифоя қилувчи эди.

Нақл қилишларича, Юсуфга отасидан қолган етмиш минг олтиндан бир ақчани ҳам қабул қилмади. Хурмо ёғочидан буюм қилиб сотар ва пулига нон сотиб олар эди.

\* \* \*

Нақл қилишларича, Юсуф Асбот айтади, қирқ йилдан бери янги кўйлак киймадим.

Унинг бир дона эски хирқаси бўлиб, доим уни кийиб юрар, хирқа баданини тирнар, бунга рози бўлиб, шуқр қилар эди.

\* \* \*

Нақл қилишларича, Юсуф Асбот Хузайфага хат ёзди ва айтди:

— Аллоҳга итоаткор бўлиш ва дунёдан сақланиш сенга насиб бўлсин! Ҳар кимнинг кўнглида олтин ва кумуш, дунё севгиси охират севгисидан ортиқ бўлса, у қандай қилиб имонини саломат сақлаши мумкин? Ҳар ким илм ва «Қуръон» ўқиб, буюрганига амал қилмаса, у устига китоб юкланган эшакка ўхшайди. Аммо у эшак билмаским, устидаги китобми ё ўзга нарсами?

Ҳар ким «Қуръон» ўқиб, ундан завқ олмаса, савобидан баҳраманд бўлмас!

\* \* \*

Шайх Шиблий деди:

— Бир куни Юсуф Асботдан сўрадилар:

— Тавозенинг чегараси нимадур?

Деди:

— Ҳар қачонким, бир кишига сўз айтиб, уни бажаргай. Ва яна ҳар кишиким ўзидан пастроқдур, уни ўзидан ортиқ билгай ва бурундуқли туядек бўлгай, қаерга чўктирсалар, ўша ерга чўкади ва сўксалар мақтов ўрнида кўргай! Ва ҳар ишда Аллоҳга юз тутуди, яхши ва ёмонликдан нима келса, шукр этади.

\* \* \*

— Шаҳват одам кўнглидан фақат хавф билан йўқ бўлади.

\* \* \*

— Унс (дўстлик)нинг бешта нишони бор. Аввали, халқдан кесилиб, хилват ихтиёр этмоқ, ўзининг муродларини тарк этмоқ ва буни халқ орасида «тўвли амал» дейдилар. Ва зикрдан завқ, лаззат топмоқ, Аллоҳ йўлида тиришишни роҳат билмоқ, тоат қилмоқни хоҳламоқдир.

\* \* \*

— Ҳаёнинг ҳам тўрт нишони бордур. Аввали, сўзини ўйлаб, сўнг сўзламоқ, тилини гийбатдан, кўзини ҳаромдан, қулогини бемаъни сўзлардан, фаржини ҳаромдан сақламоқ. Ва ҳар киши ўз ҳолини ўзи билмоқ заруратидан ҳам ортиқдир.

## АБУ ЯЪҚУБ ИСҲОҚ НАҲРАХУРИЙ

У фазилат рақамининг шарафи, василат ҳарамининг яқини, ҳол мунаввари, висол муаттари, валийларнинг улуғларидан, одоб ва ҳурматга бағоят лойиқ, шавқи ғолиб, шўрида ҳол, мужоҳада, мушоҳада, риёзат ва кароматда комил эди, сўзини жами машойихлар қабул этар эдилар ва айтурларким, пирлар ичида ундан нуронийроқ киши йўқ эди.

У Умар Маккий, Жунайд Бағдодийларни кўрган, Маккада яшаган ва Макка шаҳрида вафот этган.

\* \* \*

Нақл қилишларича, Исҳоқ бир соат тоат-ибодатдан холи бўлмас, доимо меҳнатда, машаққатда эди. Намоз ва рўзадан ташқари пайтда ҳеч ким уни кўрмас, ҳамиша қайғулик, зорлик билан йиглаб, муножотлар қилар, бир кун ва бир дам намоздан фориг бўлмас эди.

\* \* \*

Нақл қилишларича, бир киши Исҳоқ Наҳраҳурийга:

— Намоз ўқийман, лекин ўқиган намозимдан ҳаловат топмасман, — деди.

Исҳоқ айтди:

— Чунки кўнглингни ўзга ерда тутарсан, шунинг учун ўқиган намозингнинг ҳаловати бўлмас: Агар намозда ҳаловат топишни истасанг, намозга турганда кўнглингдан дунё ҳақидаги ўйларни чиқариб ташлашга ҳаракат қил ва Аллоҳ кўрқувини кўнглингга тўлдир! Қачонким, бу тариқа қилсанг, намоз ҳаловатини топарсан!

\* \* \*

Нақл қилишларича, Исҳоқ Наҳраҳурий айтади, бир куни бир дарвешни кўрдим. Унинг юзининг ярми қора бўлиб, яраси ҳам бор эди.

Дарвеш:

— Сигинаман Сенга Сендан, — дер эди.

Мен ундан:

— Эй дарвеш, бу қандай дуо, юзинг нега қора ва яра? — деб сўрадим.

У:

— Бир куни ногоҳ бир аёлга қарадим. Унинг юзига бир марта қараганим учун ҳаводан бир шапалоқ юзимга урди.

Шунда:

— Эй Исҳоқ, бир марта қарадинг, биз ҳам бир шапалоқ урдик. Агар сен яна кўпроқ қараганингда, биз ҳам шунча кўпроқ урар эдик, деган овоз келди, — деди.

Исҳоқ Наҳраҳурий деди:

— Дунёнинг саҳро-чўллари оёқ билан юриб кезса бўлади. Аммо охират саҳросини амалсиз ва озиқсиз кечиб бўлмас! Дунё бир тубсиз дарё, унинг қирғоғи охиратдир. Эр киши бу дарёни тақво кемаси билан кечади.

\* \* \*

— Ҳар кимнинг бойлиги қаноат билан бўлса, у ҳамиша бойдир.

— Шукр қилинган неъмат йўқ бўлмайди.

— Куфр сўзлайдиган бўлсанг, нечун неъматинг кетмасин?

— Тақво оз емоқ, оз сўзламоқ, оз ухламоқ ва шаҳватни тарк этмоқдир.

\* \* \*

— Аллоҳнинг хос бандалари уч ерда суюнадилар. Биринчиси халқдан йироқ бўлганда, иккинчиси, Аллоҳга яқин бўлганда, учинчиси, тоатга кучли бўлганда.

## САМНУН УЛ-МАЖНУН

У барча муҳаббатларнинг соҳиби, ҳамма ақлилар доноси, жамол шами парвонаси, висол субҳи ошиги, сокини музтариб, маҳбуби муҳиб, шайхи маҳзун, ўз вақтида ягона ва замон аҳлининг мақбули, машойих девонаси ва унинг ажойиб ишоратлари бор эди. Муҳаббат ичида нишона, ҳамма акобирлар унинг улуғлигига иқдор эдилар. Унинг муҳаббати жуда кучли бўлиб, унга Самнун ул-Мажнун дердилар. Аммо, у ўзини Самнун ул-Каззоб дерди. У Сарири Сақатийни кўрган, шайх Жунайд ёронларидан.

У маърифатдан муҳаббатни муқаддам тутар эди. Қолган машойихлар маърифатни муқаддам тутар эдилар.

Аммо Самнуни Мажнун:

— Муҳаббат Аллоҳнинг усули ва бунёдидир, — дер эди.

\* \* \*

Нақл қилишларича, Самнуни Мажнун Ҳижоз сафаридан ўз шаҳрига келди. Унга:

— Бизга ваъз қилишингни хоҳлаймиз, — дедилар.

Самнуни Мажнун минбарга чиқди ва одамларга ваъз қилди.

Аммо ваъз таъсир этадиган бирор дардли кишини кўрмади. Юзини масжиднинг қандилига қаратиб, муҳаббат ҳақида қандилга қараб сўзлади. Қандиллар ўша онда сувдек оқди ва баъзиси пора-пора бўлиб тўкилди.

Самнуни Мажнун бир куни муҳаббат ҳақида гапираётганида, бир куш учиб келиб, унинг бошига қўнди. Ундан елкасига, кейин қаршисига қўнди. Бир оз ҳайрон бўлиб турди, қанотларини ерга урди ва титраб жон берди.

\* \* \*

Самнун доим ҳаракатда ва қайғуда рақс қилар, беҳуш бўлиб йиқилар эди. Бир куни муножот қилаётиб:

— Илоҳим, менга бир шавқ ва ҳол ато қилгинки, изтиробим арисин, ҳаракатим ва дардим зиёда бўлсин, — деди.

Шу кечада Аллоҳ унинг кўнглига бир ҳаяжон бериб, шундай ҳолга солдики, ҳеч бир ҳаракат ва изтироб қолмади, сўзлай олмай, тили тутилиб қолди. Эртаси куни Самнун ўзига келди.

Кўшнилари унга:

— Эй, Самнун, сенга нима бўлди, кечаси тонггача зорлик қилдинг. Сенинг нола, фарёдингдан биз ухлаёлмадик, — дедилар.

Шу кеча тонггача Самнун хомуш бўлиб, уйдан ташқарига чиқмаган эди. Кўшнилар эшитган овоз қаердан келди, деб сўрасалар, биз айтамыз:

— Самнуннинг ҳоли сифат сувратига келди. Уни эшитганларнинг қулогига овоз бўлиб эшитилди. Аллоҳ Самнунга хомушлик ботин хомушлиги эканлигини ва хомушлик фарёд қилмоқдан яхшироқ эканлигини билдирди.

\* \* \*

Нақл қилишларича, Муҳаммад Мағрибий айтади:

— Самнуни Мажнун билан бирга Бағдод хонақоҳларидан бирида ўтирган эдик. Бир хожа қирқ минг ақча олиб келиб, дарвешларга бўлиб берди. Биз иккимизга ҳеч нарса бермади.

Самнун:

— Кел, хилватга борайлик, бу ақчалар сабабли ҳар бир ақчасига икки ракаат намоз ўқийлик, — деди.

Икковимиз бир хилват жойга бориб, қирқ минг ракаат намоз ўқидик.

\* \* \*

Нақл қилишларича, Гулом Халил сўфийлардан эди, аммо халифа ёнига борар, халифанинг раъйича сўзлар, доим машойхларни гийбат қиларди.

Халифа олдига боришдан мақсади ҳурмати бошқалардан ортиқ бўлиши учун эди.

Самнун Бағдод ичида маълум ва мўътабар, овозаси машҳур бўлди. Бироқ, Гулом Халил бу азиз одамнинг кўнглини кўп

огритиб, фоҳиш сўзларни сўзларди. Унинг мақсади Самнунни халқ орасида беҳурмат қилиб, халқни ундан қайтариш эди.

Самнун жуда соҳибжамол эди. Бир аёл уни кўриб, кўнгли мойил бўлиб қолди. Узини унга арз этди. Самнун уни қабул қилмади. Аёл ундан ноумид бўлиб шайх Жунайд ҳузурига борди ва:

— Самнунни менга жуфт қилгин, — деди.

Жунайд унинг гапларини қабул қилмади.

Аёл Гулом Халил ёнига бориб:

— Самнун мени зино қилди, — деди.

Гулом Халил бу гапни халифага айтди. Халифа Самнунни келтириб, жаллодга бўйнини кесишни буюрди. Шу заҳотиёқ халифанинг тили тутилиб, гапиролмай қолди. Шу кечаси халифа бир туш кўрди.

Тушида унга:

— Мамлакатингнинг заволи Самнуннинг жонидадир. Уни ўлдирган замонинг мулкинг қўлингдан кетади, — дедилар.

Халифа уйқудан уйғонди. Самнунга эътиқоди жуда баланд бўлди. Унга бўҳтон қилганларини билди. Самнунга юз минг эъзоз-икром кўрсатиб, узр айтиб қузатди. Гулом мохов касалига дучор бўлиб, халқ орасидан чиқиб кетди.

\* \* \*

Самнундан муҳаббат ҳақида сўрадилар.

У деди:

— Муҳаббат бу маҳбубни кўп зикр қилиш. Аллоҳ «Қуръон»да дейди: «Эй имон келтирганлар! Аллоҳни кўп зикр қилингиз».<sup>1</sup>

Расули акрам дедилар:

— Ҳар ким қайси нарсани яхши кўрса, қиёмат куни ўша нарса билан бирга тиралади.

\* \* \*

Самнун деди:

— Муҳибнинг дунё ва охирада суйгани Аллоҳ бўлади!

Ундан:

— Нега муҳаббатни балога ўхшатадилар? — деб сўрадилар.

<sup>1</sup> Аҳзоб сураси, 41-оят.



Самнун уларга:

— Чунки ҳар бир пасткаш одам муҳаббат даъвосин қилмайди, — деб жавоб берди.

\* \* \*

Ундан тасаввуф ҳақида сўрадилар.

Самнун:

— Тасаввуф шуки, ҳеч нарса унинг мулки бўлмайди ва ўзи ҳам ҳеч нарсага мулк бўлмайди, — деди.

## АБУ МУҲАММАД МУРТАЪИШ

У маъноларни ўлчовчи, лойиқ маъноларга илтифот қилувчи, парвариш мураббийи, тасаввуф аҳлининг муътабарларидан, ақибнинг мақбуллари билан бўлиб, риёзат ва мужоҳадага мансуб, ёлғизликда бир неча сафарлар қилган, асли Нишопурдан эди. Абу Ҳафз Ҳаддод, Абу Усмон Хайрий ва Жунайд Бағдодийлар билан суҳбатда бўлган. Бағдод шаҳридаги бир шаҳарчада вафот этган.

Нақл қилишларича, Абу Муҳаммад Муртаъиш айтади, ўн уч марта таваккул қилиб, Ҳаж қилдим. Кейин билсам, ҳамма қилган ҳажларим нафс ҳавоси билан бўлган экан.

Ундан:

— Нега бундай дейсан? — деб сўрадилар.

Абу Муҳаммад:

— Бир куни онам менга:

— Бор, бир сангок сув олиб кел, — деди.

Бу сўз менга қаттиқ таъсир қилди. Билдимки, ўн уч марта қилган ҳажларимнинг барчаси хато экан.

\* \* \*

Нақл қилишларича, бир дарвеш айтади:

— Бир куни Бағдод шаҳрида Абу Муҳаммад Муртаъиш менга ўн беш ақча берса эди, деган ният кўнглимдан ўтди. У берган ақчага улоқ ва емиш олиб Барияга кирсам, ҳамроҳларимдан қолмасам, дедим. Бир соатдан кейин эшик таққиллади. Чиқиб қарасам, Абу Муҳаммад Муртаъиш келган экан. Ўн беш ақча кўлимга бериб:

— Ҳамроҳларингдан қолмагин, — деди.

\* \* \*

Нақл қилишларича, Абу Муҳаммад Муртаъиш Бағдод ичида кезиб юрар эди. Қаттиқ чанқаб, бир сарой эшигига бориб,

сув сўради. Бир қиз бир коса сув берди. Қиз жуда соҳибжамол ва одобли эканлигини кўрди. Кўнгли у қизга мойил бўлди. Кетмай, сарой эшиги ёнида ўтирди. Сарой эгаси бир бой хожалардан эди. Хожа ташқарига чиқиб, эшик ёнида ўтирган Муртаъишни кўриб, ундан:

— Бизда нима ҳожатлари бор? — деб сўради.

Абу Муҳаммад Муртаъиш:

— Бу ерда бир қиз менинг кўнглимни олди, — деди.

Хожа унга:

— Бу қиз менинг қизим, уни сенга бағишладим, — деди.

Муртаъиш ичкарига кирди. Хожа қизини Муртаъишга никоҳ қилиб, унга топширди. Қиз Муртаъишнинг хирқасини ечтириб, турли-туман чиройли кийимларни кийдириб, уни ҳаммомга юборди.

У ҳаммомдан келиб, хилватга кирди. Шукронасига қиз билан намоз ўқидилар.

Намоз ўқиб бўлганларида, Ҳотифдан:

— Эй Муртаъиш, сен салоҳият тўнини зоҳирингдан ечдинг, биз ҳам ошнолик тўнини ботинингдан чиқардик, — деган овозни эшитди.

Бу овозни эшитгач, фарёд қилиб, хилватдан ташқарига чиқди.

— Тезроқ мени хирқамни олиб келинг, бўлмаса ҳалок бўламан, — деди. Дарҳол хирқасини келтириб бердилар. Устидаги кийимларини ечиб, хирқасини кийди. Қизни талоқ қилиб, ишига кетди.

\* \* \*

Нақл қилишларича, Муртаъиш рамазон ойининг охириги ўн кунида жума ўқиладиган масжидда эътикоф ўтирди. Ҳайит куни эътикофдан чиқди. Кетар чоғида ундан:

— Қаерга кетаяпсан? — деб сўрадилар.

У:

— Мен ваҳший, мен ваҳший, гавго орасида қандай қарор топаман? — деди.

Айтадилар:

— Валийларнинг бир нишони шуки, улар гавго орасида қарор тополмайдилар, хилватни суяйдилар.

Шайх Муртаъиш деди:

— Ҳар кимнинг дунёдаги камоли яхши, қиёматда ҳам шундай бўлади. Амаллари уни дўзахдан халос этиб, жаннатга йўллайди. Ҳар кимнинг камоли шу бўлса, яъни албатта жаннатга бораман, деб гумон қилса, унинг гумони уни дўзахга элтса, ажабланарли жойи йўқ. Ҳар кимнинг эътиқоди Аллоҳ фазли билан бўлса, Аллоҳ уни жаннатнинг ниҳоятига етказади.

Аллоҳ дейди: «Аллоҳнинг фазли ва раҳмати билан, деб айтинг».<sup>1</sup>

\* \* \*

Ундан:

— Иродат нима? — деб сўрадилар.

Айтди:

— Нафснинг сўраганини бермаслик ва Аллоҳ амрини жойига қўймоқ.

\* \* \*

— Дунё асбобларига кўнгилни қўймоқ, шубҳасиз, Аллоҳга нисбатан бўлган эътиқодни кесади.

\* \* \*

Яна сўрадилар:

— Банда нималар билан Аллоҳга дўст бўлади?

Муртаъиш:

— Банда Аллоҳ душманларини душман тутмоқ билан Аллоҳга дўст бўлади. Аллоҳнинг душманлари учдир: дунё, нафс ва Шайтон!

\* \* \*

Нақл қилишларича, Абу Муҳаммад Муртаъишдан ёронлари ўғит сўрадилар.

У деди:

— Боринг, ўғитни мendan ҳам кўпроқ биладиган одамдан сўранглар. Мени бошқалардан кўпроқ биладиган кишилардан санаманг!

Азиз жонини Аллоҳга топширди. Аллоҳ уни раҳмат айласин!

<sup>1</sup> Юнус сураси, 58-оят.

## АБУ АБДУЛЛОҲ ФАЗЛ

У ишорат ва ҳақойиқда муқарар, каромат ва дақойиқда барқарор, ишорат ва дақойиқи мақбул, латоиф махсуси, ишқ ва ақлни қувлаган, Хуросон аҳли машойихларининг ақобиридан, ҳамма ақобир қошида мақбул, тақво ва риёзат ичида беназир, олижаноблик ва саховат ҳамда мурувват ичида тенгсиз, Аҳмад Хузравия муридларидан бўлиб, Ҳаким Термизийни кўрган, Абу Усмон Хайрийнинг эътиқоди унга баланд эди.

Бир гал Абу Усмон унга:

— Бадбахтликнинг аломати нима? — деб хат юборди.

Шайх Абу Абдуллоҳ:

— Бадбахтликнинг аломати учта. Биринчиси, илм ўқиб, илмига амал қилмаслик; иккинчиси, амал қилиб, ихлос қилмаслик; учинчиси, солиҳ одамларнинг суҳбатини тарк этиб, жоҳилларнинг суҳбатини ихтиёр этиш ва улар билан суҳбатда бўлишлик, деб жавоб ёзди.

\* \* \*

Абу Усмон Хайрий деди:

— Абу Абдуллоҳ Балхнинг учинчи авлиёсидир. Агар менга муяссар бўлса эди, унинг суҳбатидан бир соат ҳам айрилмас эдим, токи сирим унга улашиб, унинг пок вужуди билан сўфий бўлар эдим.

\* \* \*

Абу Абдуллоҳ дейди:

— Тасаввуф нафс балоларидан тоза бўлиш. Муриднинг хотири дунёга интилиш билан боқса, ундан яхшилиқни тама қилмагинки, бундай одам тариқат муртадларидандир. Мусулмонлик тўрт нарса билан эр кишидан йироқ бўлади. Биринчиси, билса ҳам,

билганига амал қилмаслик билан; иккинчиси, амал қилади, аммо ўзи билмайди; учинчиси, билган-билмаган нарсаларини биладиганлардан сўрамайди ва ўрганмайди; тўртинчиси, одамларни илм ўрганмоқдан қайтаради.

\* \* \*

— Илм уч ҳарфдир, «айн», «лом» ва «мим». «Айн» — илм, «лом» — амал, «мим» — амал билан ихлос орасидаги ихлос.

\* \* \*

— Маърифат аҳлининг яхшироғи гайратли бўлади, шариатнинг аҳкомларида маҳкам бўлиб, суннатга эргашади.

\* \* \*

— Муҳаббат — бағишламоқдир. Унинг тўрт маъноси бор. Биринчиси, доимо зикр қилмоқ ва унга хурсанд бўлмоқ; иккинчиси, Аллоҳ билан дўстлашмоқ; учинчиси, дунёдан узилмоқ; тўртинчиси, Аллоҳ безорларидан кесилмоқ. Кимки муҳаббат даъвосини қилса, бу хислатлар унда бўлиши керак. Бу тўрт хислат ҳосил бўлганида тўрт муомаладан чиқмайди: биринчиси — муҳаббат, иккинчиси — исбот, учинчиси — ҳаё, тўртинчиси — таъзим.

\* \* \*

— Зорлик беҳожатлик вақтида, жўмардлик совға тарқатиш вақтида, зоҳидлик дунёни тарк этишдадир.

Аллоҳ Абу Абдуллоҳни раҳмат айласин!

## АБУЛҲАСАН ПУШНАКИЙ

Хуросон жўмарларидан ва замона муҳташамларидан, тариқат илмида олим, ҳақиқат илмида омил, ёлғизлик ичида собитқадам, Абу Усмон ибн Атони кўрган эди. У ўз шаҳридан Ироққа борди, кўп ақобирнинг юзини кўрди. У ердан яна Хуросонга келди. Душманлари уни динсизликда айбладилар. Бу ерда туrolмади, Нишопурга кетди. Нишопурда унинг номи машҳур бўлиб, шуҳрати оламга ёйилди.

\* \* \*

Нақл қилишларича, бир нопок киши келиб:

— Бу шаҳарда Аллоҳнинг хос бандаларидан борми? — деб сўради.

Унга:

— Абулҳасан Пушнакий бор, — дедилар.

Нопок киши жуда оқил эди, дарҳол Абулҳасан Пушнакийнинг олдига келди.

Унинг этакларини қаттиқ тутиб:

— Сиз менинг эшагимни ўғирлабсиз, топиб беринг, бўлмаса, қўйиб юбормайман, — деди.

Абулҳасан унга:

— Мен сенинг эшагингни асло кўрмаганман, — деди.

— Эшагим сенда, қайтариб бер, — деди у.

Шайх ожиз бўлди, муборак қўлларини кўтариб, дуо қилди:

— Илоҳим, бунинг эшагини бериб, мени қутқаргин!

Шу пайт бир киши келиб:

— Эшак йўқотган ким, эшагини олсин, — деди.

У нопок бориб, эшагини олиб келди ва:

— Эй Шайх, биламан, сен ҳеч қачон эшагимни ўғирламайсан.

Ниятим, сенинг муборак нафасинг билан эшагимни топиб, ҳожатимни раво қилиш эди, — деди.

\* \* \*

Нақл қилишларича, Абулҳасан Пушнакийни бир жоҳил одам урди. Шайх индамай, йўлида кетаверди. Ёнидагилар жоҳилга:

— Бу ҳазрат Аллоҳнинг валийларидан, уни нега урдинг? — дедилар.

Жоҳил пушаймонда, Абулҳасандан уэр сўради.

Шайх унга:

— Сен ўз ишинга бор, мендан фориг бўл, мен буни сендан кўрмасман, бу менга Ундан келди, — деди.

\* \* \*

Нақл қилишларича, бир куни Шайх таҳорат қилиб утирганда, кўйлагини бир дарвешга бериш кўнглига келди.

Хизматкорини чақириб:

— Менинг кўйлагимни фалон дарвешга бергин, — деди.

Хизматкори унга:

— Сабр қилмадингиз, бу ердан кетаётганда берар эдингиз, — деди.

Шайх унга деди:

— Шайтон мени йўлдан уриб, бу ниятимни кўнглимдан чиқармасин, — деб кўрқдим. Чунки Расули ақрам: «Яхши ишни тезроқ қилинглар», деб айтганлар.

\* \* \*

Нақл қилишларича, шайх Абулҳасан Пушнакийдан:

Аҳволинг қандай? — деб сўрадилар.

У деди:

— Тишларимнинг ҳаммаси тўкилди, Аллоҳнинг неъматларини чайнаб эмоқдан қолдим. Тилим ҳам зикрдан қолди. Бундай кишидан қанақа аҳвол сўрайсизлар?

\* \* \*

Абулҳасандан:

— Мурувват нима? — деб сўрадилар.

У:



— Мурувват шуки, қўлингни ҳаромдан сақлайсан, шунда мурувват этган бўласан, — деб жавоб берди.

— Тасаввуф нима? — деб сўрадилар.

У:

— Тасаввуф шуки, бу замонда унинг оти бор, асли йўқ. У замонда тасаввуф ҳақиқат эди, от эмас эди, — деди.

— Футувват нима? — деб сўрадилар.

— Футувват бу — дўстлик қилмоқ ва ўзингни тилакларингни кўйиб, бошқалар тилагин бажармоқ, — деб жавоб берди.

— Тавҳид нима? — деб сўрадилар.

Абулҳасан деди:

— Тавҳид — Аллоҳнинг зоти ўзгалар зотидек эмаслигини, У чиройли сифатлар билан мавсуф эканини билиш.

— Тавба нима? — деб сўрадилар.

— Ҳар куни ўтган гуноҳларингни эслаб, пушаймон бўлиш ва бундан кейин гуноҳ ишлар қилмаслик, — деб жавоб берди.

— Ихлос нима? — деб сўрадилар.

У:

— Ихлос шуки, Киroman Котибайн<sup>1</sup> унинг гуноҳларини ёзмайди ва Шайтон уни йўлдан оздирмайди. Ҳеч ким уни кўрмайди ва кўришини ҳам истамайди. Ҳар ким ўзини хор қилса, Аллоҳ уни азиз қилади, ҳар ким ўзини азиз тутса, Аллоҳ уни хор қилади, — деб жавоб берди.

\* \* \*

У ҳазрат вафот этганда, бир дарвеш унинг қабрига бориб, Аллоҳдан дунё беришини сўради.

Абулҳасан унинг тушига кириб:

— Бу тилагингни менинг қабримда тиламагин, бориб, хожалардан тилагин, — деди.

<sup>1</sup> Ислом эътиқоидида инсоннинг елкаларида унинг яхши-ёмон ишларини ёзиб борувчи фаришталар.

## ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙ

Суннат ҳақими, миллат азими, шайхи олам, машойихларнинг муҳташамларидан, валиларнинг муҳтарамларидан, барча кўнгилларда таниқли, барча тилларда таърифли, «Қуръон» маънолари бобида нишона, ахбор ва аҳодис бобида ягона, ҳақойиқ ва дақойиқ бобида ажойиб, хулқ ва олиҳимматлик билан безанган, мулоимлик ва ҳаё билан ораста, илм-фанлар бобида ягона ва комил, шариату тариқат бобида мужтаҳид эди. У яшаган замондаги сўфийларни Термизийлар дердилар. Унинг мазҳаби хос, ҳиммат ва саховат соҳиби, илми Раббоний эди.

Ҳикмат ва фаросат ичида қилни қирқ ёрар, уни ҳақим улавлиё дейишарди. Абу Туроб, Хазравийя ва Ибн Жалолар билан кўп суҳбатда бўлган, Яҳё ибн Муъоз билан гаплашган, ёзган китоблари ҳамма ерда машҳур ва мазкур, Термиз ичида сўзларини тушунмайдиган ҳеч ким йўқ эди.

\* \* \*

Нақл қилишларича, шайх Ҳақим Термизий ёшлик вақтида икки дўсти билан илм ўқигани бирга боришга келишиб, сафар ҳаракатига тушади. Унинг кекса онаси буни эшитиб:

— Эй жоним ўғлим, мени кимга ташлаб кетасан, мен сендан айрилсам ўламан, менинг сендан бошқа ҳеч кимим йўқ. Сенсиз чидолмайман, — деб зорлик билан йиғлайди.

Онасининг бу ҳолини кўриб, Ҳақим Термизий ҳамроҳларига:

— Мен онамни норози қилиб кетолмайман, — деб сафарни тарк этади.

Бас, икки дўсти илм ўргангани кетдилар. Бир неча кун ўтганидан кейин Ҳақим Термизий гўристонга бориб, зорлик қилиб:

— Дўстларим илм ўргангани кетишди. Оз вақтда улар илми бўлиб келадилар. Мен эса, илмсиз ва жоҳиллигимча қоламан, — деб кўп йиғлади.

Шу пайт бир нуроний киши унинг ёнига келиб:

— Эй фарзанд, нега йиғлаяпсан? — деб сўради.

Ҳақим Термизий:

— Мен икки дўстим билан бирга бориб, илм ўрганишга келишган эдик. Улар илм ўргангани кетдилар, мен онамнинг розилигини хоҳлаб кетмадим. Илмсиз қолдим, шунинг учун йиғлаяпман, — деди.

У киши:

— Хоҳлайсанми, мен ҳар куни келиб сенга илм ўргатаман. Дўстларингнинг илмидан ҳам кўпроқ илм ҳосил қиласан, — деди.

Ҳақим Термизий:

— Кошки, бу давлат менда ҳосил бўлса эди, — деди.

У ҳазрат ваъда берди. Шундан сўнг Ҳақим Термизий ҳар куни гўристонга борди ва у ҳазратдан дарс олди. Уч йил мобайнида ҳар хил фанлардан илм ўрганди. Кейин билсам, у ҳазрат Хизр эканлар. Бу давлат Ҳақим Термизийга онасининг розилигидан ҳосил бўлди.

\* \* \*

Нақл қилишларича, Абу Бақр Варроқ айтади, бир куни Муҳаммад Ҳақим Термизий:

— Сени бир жойга олиб бораман, мен билан бирга борасанми? — деди.

Мен:

— Ўзингиз биласиз, — дедим.

Иккимиз бирга кетдик. Юриш қийин ерлардан, даралардан ўтиб, катта дарахт остига келдик. Жуда чиройли, чашмалар бор, атрофи кўкаламзор эди. Дарахтнинг остида бир олтин тахт, оқ кийимли чиройли киши тахтнинг устида ўтирибди.

Унинг ёнига бориб, салом бердик. Ўрнидан туриб, Ҳақим Термизийни ёнига чақирди. Улар кўп гаплашдилар, мен ҳеч нарса тушунмадим. Бир соатдан кейин ҳар тарафдан бошқа одамлар кела бошлади ва қирқ киши йиғилди. Тахт устида ўтирган киши осмонга боқиб, ишора қилди. Осмондан таом инди. Улар таомлардан еб, ҳар хил нарсалар ҳақида гаплашдилар.

Сўнг Ҳақим Термизий кетишга изн сўради.

Менга:

— Юр кетамиз, бир соат ичида бахтиёрлардан бўлдинг, — деди. Бир соатда Термизга етиб келдик, Муҳаммад Ҳақим деди:

— Борган еримиз, бу ердан бир ойлик йўл эди.

— Биз борган жой қандай жой ва унинг номи нима? Тахт устида ўтирган киши ким? — деб сўрадим.

Ҳақим Термизий:

— У ернинг номини Исроил дейдилар, тахт устида ўтирган киши қутбларнинг улуги, кейин келиб қўшилганлар чилтанлар<sup>1</sup> эди, — деди.

\* \* \*

Нақл қилишларича, Ҳақим Термизий деди:

— Мен кўп йиллар нафс билан курашиб, уни тоат ва тўғри йўлга соламан, деб қаттиқ ҳаракат қилдим. Бу ишни ҳеч қила олмадим.

Ўлимга рози бўлиб:

— Худовандо, бу нафсни Сен дўзахий қилиб яратдинг, мен дўзахий нафсни қандай кўтараман, — дедим. Сўнг туриб, Жайхуннинг қирғоғига бордим.

У ерда бир дарвешга:

— Кел, менинг қўл-оёқларимни боғла, — дедим. Дарвеш қўл-оёқларимни қаттиқ боғлаб кетди. Мен ётган жойимдан думалаб, сув қирғоғига келдим, чўкиб, нафс балосидан қутулай, деб ўзимни сувга ташладим. Сув мени кўтарди, Аллоҳ қудрати билан қўл-оёқларим ечилди. Дарё тўлқини мени қирғоққа отди. Ўша пайт сиримда кашф ҳосил бўлди. Ундаги керакли нарсаларни кўрдим. Бир соатда ҳамма мақсадларим ҳосил бўлиб, қайта тирилдим ва нафсим сокинлашди.

\* \* \*

Нақл қилишларича, Абу Бакр Варроқ дейди, бир куни Шайх ўз таснифларидан менга бир неча парча қоғоз бериб:

— Бор, бу қоғозларни сувга ташла! — дедилар.

Жайхун қирғоғига келдим, қоғозларни сувга ташлагани кўнглим бўлмай, уларни уйга қўйдим-да, бориб:

<sup>1</sup> Халқ ривоятига биноан чилтан деб қирқ ижобий жин тушунилади.

— Қоғозларни сувга ташладим, — дедим.

Шайх мандан:

— Ташлаганингда нима кўрдинг? — деб сўради.

Мен:

— Ҳеч нарса кўрмадим, — дедим.

— Ундай бўлса, қоғозларни сувга ташламабсан. Бориб, уларни сувга ташла, — деди.

Бу гал мушкул икки бўлди, биринчиси, сувга ташла деди, иккинчиси, нима кўрдинг, деди. Мен бориб, ноилож қоғозларни сувга ташладим. Бир пайт сув иккига ажралиб, оғзи очиқ бир сандиқ кўринди. Мен ташлаган қоғозларни ичига олиб, оғзини ёпди. Сув яна бир-бирига қўшилди. Буларни кўриб, ҳайратда қолдим. Қайтиб, Шайхнинг хизматига келдим.

Мендан яна:

— Нима кўрдинг? — деб сўрадилар. Мен кўрган нарсаларимни айтиб бериб:

— Эй Шайх, Аллоҳнинг иззати ва ҳаққи, бу сирлардан мени огоҳ қилинг, — дедим.

Шайх:

— Машойихлар илми ҳақида бир китоб тасниф қилдим, унда барча кашф, тугун ва мушкул масалалар ҳал қилинган эди. Ҳар қандай киши ҳам уни тушуна олмасди. Фақат биродарим Хизргина тушуна олар эди. Сен кўрган сандиқ у ҳазратнинг сандиги. Уни балиқлар Хизрнинг буйруғи билан келтиришди. Қоғозларни Хизрга етказиш учун Ҳақ таолонинг амри билан сув иккига бўлинди, — деб жавоб берди.

\* \* \*

Нақл қилишларича, шайх Ҳаким Термизий умрида Ҳақ таолони бир минг бир маротаба тушида кўрган эди.

У яшаган замонда бир зоҳид бор бўлиб, у ҳар доим Шайхга қаршилиқ қилар, у билан тенглашиб, ташвиш келтирарди. Лекин зоҳиднинг бойлиги кўп, Шайхнинг эса, бир кулбаси бор эди, холос. Шайх Ҳижоз сафаридан қайтиб, кулбаси ичида бир итнинг болалаганини кўрди. Итни кулбадан чиқариб юборишга кўнгли

бўлмади. Итнинг чиқиб кетишини кутиб, саксон марта кулбага келиб кетди. Лекин ит кулбадан чиқиб кетмади.

Шайх бир қоя тагига уй қилиб, ибодатга машғул бўлди. Зоҳид кечаси Хизрни тушида кўрди.

У Ҳазрат зоҳидга:

— Сен бир киши билан баробар бўлмоқчисан, у киши бир ит учун саксон марта кулбасига бориб келди. Ит кулбадан чиқмади, у ҳам итни ҳайдаб юбормади. Охири кулбасини итга қолдириб, ўзи бошқа жойга ўрнашди. Сенинг шунча бойлигинг бор, уйларинг кўп, Аллоҳ хузурда сен у киши билан тенгмисанки, бу дунёда у билан баробар бўлгинг келади? Агар саодати абадий, давлати доимийни истасанг, унинг хизмати учун камарингни белингга маҳкам боғла, — деди.

Зоҳид гафлат уйқусидан уйғониб, қолган умрини Ҳаким Термизий хизматида кечирди.

\* \* \*

Нақл қилишларича, Шайхнинг аёлидан:

— Шайхнинг ҳеч жаҳди чиқадими? — деб сўрадилар.

У:

— Бизга ҳеч жаҳл қилмайди, аммо биздан Шайхга озор етиб қолса, у куни бизни яхши кўриб, йиғлаб: «Илоҳим, тавба қилдим, буларга ҳам тавба рўзи қилгин ва тўғрилиқка келтиргин», дер эди, — деди.

\* \* \*

Нақл қилишларича, Шайхдан:

— Сени қанчалик одобинг бор? — деб сўради.

У:

— Қирқ йил бўлибдики, ўз аёлларим орасида бурнимни ташламадим, — деб жавоб берди.

Бир киши бў сўзни эшитиб, синаш мақсадида Шайхнинг суҳбатига борди. У масжидда намоз ўқийётган экан, намозни тугатишини кутиб турди. Шайх намозини тамомлаб, уйга кета бошлади. У киши ҳам Шайхнинг ортидан кетарди.

«Шайхнинг одоб ҳақида айтган гаплари ростми ё ёлғонмикан», деган фикр кўнглидан кечди. Унинг кўнглидан кечганлари Шайхга маълум бўлди ва у кишига қарши бурнини ташлади.

Шайхнинг бу қилган ишига у киши ажабланди.

«Шайх менинг фикримни билиб, ундан нафратланишим учун шундай қилди. Валийларнинг қондаси шундай бўлади. Агар бу киши айн ул-яқин ҳосил қилган валилар жумласидан бўлса, менга ўша кишининг айтган сўзлари ростми ёки ёлгонми, албатта, билдиради», деб кўнглидан кечди.

Шунда Шайх унга юзланиб:

— Эй ўғил, у киши сенга рост айтибди, лекин бизни ва бизга ўхшаганларни синамоқни тарк этгин! Ҳар кимга ёр ваъдасини қилсанг, ихлос билан қилгин! Ихлос кишини мақсадига етказди! Сен Аллоҳ буйруғига машғул бўлгин! — деди.

\* \* \*

Нақл қилишларича, шайх Ҳаким Термизий жуда соҳибжамол, йигитлик чоғида бир аёл унга ошиқ бўлиб, ўзини Шайхга жуда чиройли қилиб кўрсатди. Шайх ундан қочди, аёл эса, унинг изига тушиб:

— Менинг ҳожатимни раво қилгин, — деди.

Шайх унга:

— Менинг ёнимга келма, — деди. Аёл қанча ёлворса ҳам, Шайх унга қулоқ солмади. Охири у аёлдан қутулди.

Ҳаким Термизий айтади:

— Қариган чоғимда, кошки мен у аёлнинг ҳожатини раво қилганимда эди, тавба қилсам, Аллоҳ мени кечирарди, — деган фикр хотирамга келди.

Яна андишага бордимки, мен шунча тоат-ибодатлар қилдим, кўп риёзат ва машаққатлар чекдим, энди эса, қариган ҳолимда қиламан гуноҳга, не учун қилмадим, деб пушаймон бўлдим?

Бас, менга нима бўлди? Қаттиқ гусса, алам-қайғу едим. Бу гамлар сабабли хаста-ю ночор бўлдим. Кечаси тушимда Расули ақрамни кўрдим.

Расулуллоҳ менга:

— Эй Муҳаммад Ҳаким, кўп қайғу еб, хаста-ночор бўлмагин, йигитлик вақтингда сен билан бизнинг орамиз яқин эди. Ҳозир орамиздан кўп вақт ўтди. Шунинг учун Шайтон сенинг кўнглингга

бу андишани солди. Бундан сенга нуқсон ёхуд зиён йўқ, балки кўп фойдалар ҳосил бўлгай! Шуни деб, Аллоҳ кўркувидан кўп гуссалар чекиб, хаста бўлдинг ва азоб тортдинг. Сен энди роҳат кўрасан, — деди.

Муҳаммад Ҳақим уйқудан уйғониб, вужуди ором топди ва соғ бўлиб турди. Уч кеча-кундуз рўза тутди ва яна аввалги ҳолига келди.

\* \* \*

Муҳаммад Ҳақимдан нақл қилишларича, у шундай ҳикоя қилади.

Одам Атонинг тавбаси қабул бўлиб, ҳазрати Ҳавво билан қовушди. Бир куни Одам Ато Ҳавво ёнида йўқ эдилар, Иблис Ҳавво ёнига келиб:

— Ўғлим сенинг ёнингда ўтириб турсин, — деб қўйиб кетди.

Ўғлининг оти Ханнос эди. Уни Ҳаввога топширди ва кетди. Бир оздан кейин Одам Ато келдилар.

Ҳавво ёнида бир ўғлон ўтирганини кўриб:

— Бу кимнинг ўғли? — деб Ҳавводан сўрадилар.

Ҳавво:

— Бир киши келиб, бу ўғлонни менга топшириб, тез келаман деб, кетди, — дедилар.

Одам Ато бу Иблис эканлигини билдилар. Унинг сўзи билан жаннатдан чиқиб, қувилган эди.

Жаҳл билан Ҳаввога:

— Нега бу ўғлонни қабул қилиб, ўзинг билан олиб қолдинг? — дедилар.

Иблиснинг боласини бўлак-бўлак қилиб, ҳар бир бўлагини дарахт устига қўйдилар. Сўнг Одам Ато ишга кетдилар.

Иблис Ҳавво ёнига келди, қараса, ўғли йўқ. У Ҳавводан:

— Ўғлимни нима қилдинг? — деб сўради.

Ҳавво дедилар:

— Одам Ато келиб, мени койидилар, ўғлингни бўлак-бўлак қилиб, ҳар бир бўлагани дарахт устига қўйдилар!



Иблис:

— Ханнос! — деб ўглини чақирди.

Дарахтларга қўйилган бўлақлар бирлашиб, тирилди ва отасининг ёнига келиб, ўтирди.

Иблис Ҳаввога:

— Одам Атодан кўрқаман, у мени ёмон кўради, — деб ўглини олиб қолишни сўраб, ялиниб туриб олди.

Ҳаввонинг раҳми келиб, ўглини яна олиб қолди. Иблис кетди. Одам Ато келиб қарасалар, Ҳаввонинг ёнида ўғлон ўтирибди, аввалгидан ҳам кўпроқ жаҳллари чиқди.

Ҳаввога кўп таъна этиб:

— Иблиснинг ёмонлигидан кўрқмасмисан? — дедилар.

Одам Ато бу сафар ўғлонни оловда ёндирдилар. Кулини икки бўлак қилиб, бир бўлагини шамолга, иккинчи бўлагини дарёга ташладилар. Одам Ато яна ишга кетдилар.

Иблис Ҳавво ёнига келиб қараса, ўгли йўқ. Ҳавво унга бўлган воқеани айтиб бердилар.

Иблис:

— Ханнос! — деб ўглини чақирган эди, яна аввалгидек тирилиб, отасининг ёнига келиб ўтирди.

Бу гал Иблис яна:

— Эй Ҳавво, Аллоҳ ҳаққи, ўғлимни бу сафар ҳам қабул қилгин, сени уятга қўймай, уни тез олиб кетаман. Одам Ато уни кўрмайди, — деди.

Ҳавво:

— Агар Одам Ато ўғлингни яна кўrsa, мени ҳалок этади, — дедилар.

Иблис кўп ялиниб-ёлворди. Ҳавво яна қабул қилиб, ўглини олиб қолдилар. Чунки аёллар раҳмдил, нима гап айтсалар, у гапга кулоқ соладилар. Ҳавво Иблиснинг ҳийла-мақрига алданди. Одам Ато қайтиб келди, ўғлоннинг Ҳавво ёнида ўтирганини кўрди. Қаттиқ газабланиб, Ҳаввога кўп таъқлар уриб, кўп жойини мажруҳ этди ва деди:

— Сен Иблиснинг айтганини қиласан, менинг буйругимни қилмайсан!

Қаҳр билан ўғлонни қўлига олиб, бир қояга урган эдилар, у бўлак-бўлак бўлиб кетди. Уни қозонга солиб, пишириб, икковлари едилар.

Одам Ато туриб, ишга кетдилар.

Иблис келиб, ўглини кўрмади.

— Ўғлим қани? — деб Ҳавводан сўради.

Ҳавво унга:

— Сен билан ўғлингни деб, мен кўп хорландим, таёқлар едим. Ўғлинг бир ерга кетдики, энди сен уни ҳеч қачон кўрмассан, — деди.

Иблис деди:

— Нима қилдиларинг, нега мен уни бошқа ҳеч қачон кўрмасман?

Ҳавво дедилар:

— Уни қозонга солиб, пишириб, икковимиз едик!

Иблис Ҳаввога:

— Менинг ҳам мақсадим уни икковингиз ейишингиз эди. У энди кўксингизни ўзига жой қилиб олади, — деди.

Одам фарзандининг кўнглига келадиган бунча васваса, ёмон хаёл ва ярамас андишаларнинг ҳаммасини Ханнос қилади.

Иблис деди:

— Эй ўғлим Ханнос, энди сен ичкаридан, мен эса, ташқаридан васваса қилиб, одам ўғилларини йўлдан оздириб, ўзимиз билан дўзахга олиб борамиз!

Аллоҳ «Қуръон»да айтади: «Яширин васвасачи (шайтон) ёвузлигиданки, (у) одамларнинг дилларига васваса солур. (Ўзи) жинлар ва одамлардандир».<sup>1</sup>

\* \* \*

Расули акрам айтадилар:

— Ҳар ким «Қуръон» ўқиса, амрини тутса, пайгамбарлик нишони икки қошининг ўртасида кўринади.

\* \* \*

Яна Расули акрам дедилар:

— Тўғри туш пайгамбарликнинг қирқ ҳиссасидан бир ҳиссасидир.

<sup>1</sup> Бу ва олдинги ўринларда Нос сураси, 4–6-оятларига ишора бор.

\* \* \*

— Бўйсунуш нима? — деб сўрадилар.

Шайх деди:

— Бўйсунуш шаҳват ўтини сўндириш ва таъзим нурларини кўнглига келтиришдир. Шундай бўлса, шаҳват ўти сўнади.

\* \* \*

— Одамларнинг азизроғи ўз нафсини хор қилган кишидир!

\* \* \*

— Хожа шундай одамки, Шайтон уни асир қилмаган бўлади. Ҳар ким ҳақиқат сирига кирса, ҳаргиз гуноҳ аҳлини инкор қилмайди.

\* \* \*

— Хислатларнинг ёмонроғи шуки, унда кибр бўлади. Арслон бир сурув қўй орасида қилолмаган ишни Шайтон бир соатда одамнинг ичида қилади.

\* \* \*

— Аллоҳ даргоҳида тўрт нарса жуда ёқимлидир: биринчи, кофирлар жангида қилич уриш; иккинчи, олимлар даргоҳида илм ўқиш; учинчи, очлик билан Каъба йўлида сафар қилиш; тўртинчи, кўнгил ҳузурини билан Аллоҳга муножот қилиш!

\* \* \*

— Кўнгилнинг ниҳояти йўқ, дейдилар. Бу тўғри эмас, чунки ҳар қачон кўнгилнинг истағи маълум бўлса, у кўнгилда қарор топади. Аммо йўлнинг ниҳояти йўқ. Исм ул-аъзам пайгамбарлардан бошқа ҳеч кимга ҳаргиз тажаълий қилмади.

Ҳақим Термизийни Аллоҳ раҳмат айласин!

## АБУ БАКР ВАРРОҚ

У илму ҳикмат хазинаси, зоҳидларнинг ақобиридан, машойихларнинг сараларидан, художўйлик ва тақво ичида комил, тажрид ва тафридда ажиб қобилиятли, муомала ва адабда тенгсиз, ундаги адаб ва аркон ҳеч бир машойихда йўқ, риёзат ва мужоҳадасини барча тан олар, уни муаддаб ул-авлиё дердилар. Нафсини ўлдирган ва муборак нафасли эди.

У Балх шаҳрида сокин, Хузравия ёронларидан, адаб ва риёзат ҳақида китоблар ёзган эди. Ҳаёти давомида Хизрни кўришни орзу қиларди. Ҳар куни тонгда бир пора «Қуръон» ўқир, гўристонга бориб, Аллоҳга ёлвориб йиғлар эди.

Бир куни оёғини эшикдан ташқарига қўйганида, бир нуроний киши келиб, салом берди ва деди:

— Бу кун биз билан суҳбат қилишни хоҳлайсанми?

Абу Бакр:

— Ҳа, хоҳлайман, — деди.

Бас, у билан бирга гўристонга борди. Кўп гаплашди ва узоқ суҳбатлашдилар.

Суҳбатдан сўнг, қария кетаётиб:

— Эй Абу Бакр, бугун сен бир пора «Қуръон» ўқишинг керак эди, мен сени бундан қўйдим. Хизрни кўрсам, у билан суҳбат қилсам, деб ҳамиша орзу қилар эдинг. Сен орзу қилиб юрган киши мен бўламан. Билгинки, кўнглингни Ҳақ таолога қўйиб, бир соат «Қуръон» ўқиганинг мен билан минг йил суҳбат қурганингдан яхшироқдир, — деди.

Абу Бакр Варроқ:

— Хизрдек кишининг суҳбати кишини Аллоҳ суҳбатидан йироқ қилса, ўзга одамларнинг суҳбати қандай бўлади, қиёс қилгин, — деди.

\* \* \*

Нақл қилишларича, Абу Бакр Варроқнинг бир ўгли бор бўлиб, уни бир муаллимга берди. Бир куни ўгли қақшаб-титраб уйга келди.

Абу Бакр:

— Эй ўғлим, сенга нима бўлди? — деб сўради.

Ўғли:

— Эй бобо, бугун устозим «Қуръон»дан бир оят ўқиди. Унинг маъносини эшитиб, кўрққанимдан бу аҳволга тушдим, — деди.

Абу Бакр:

— Эй жоним ўғлим, у қайси оят эди? — деб сўради.

Ўғли:

— «Муззаммил» сурасининг 17-ояти эди, — деди ва оятни ўқиб берди. Оят маъносининг ҳайбатидан ўгли касалланиб, вафот этди.

Отаси унинг устига бориб кўп йиғларкан:

— Эй Абу Бакр, ўғлинг бир оят ўқиб, Аллоҳ кўрқувидан жон берди, сен шунча «Қуръон»ни хатм қилиб, умринг охирига етдинг, Аллоҳдан ҳеч кўрқмассан, сенинг кўнглинг тошмики, ҳеч нарса таъсир қилмас! — деди.

\* \* \*

Нақл қилишларича, бир киши Абу Бакрни зиёрат қилгани келиб:

— Менга насиҳат қилгин, — деди.

Абу Бакр унга:

— Икки жаҳоннинг яхшилиги Аллоҳ берганига қаноат қилмоқдир ва икки жаҳоннинг заволи молнинг кўп бўлмоғидир. Боргин, бу насиҳатга амал қилсанг, икки жаҳонда нажот топасан, — деди.

\* \* \*

Нақл қилишларича, Абу Бакр Варроқ айтади, бир гал Макка йўлида кетар эдим, ҳажга кетаётган кампирга учрадим. У мендан:

— Эй йигит, сен кимсан? — деб сўради.

— Бир гарибман, — дедим.

У:

— Сен Ҳижозга кетяпанми, Аллоҳ сен билан биргадир, нега гариб бўласан, Аллоҳ ишидан шикоят қиласанми? — деди.

Бу сўзларни кампирдан эшитиб, ҳайратда қолдим. Оёқларимни кўтаргани тоқатим қолмади, унинг ортидан юролмадим. Аёл кетди, мен эса орқада қолдим.

\* \* \*

Нақл қилишларича, Абу Бакр деди:

— Менга эшик очилди ва Ҳотифдан:

— Эй Абу Бакр, нимани хоҳласанг мендан сўрагин, — деган овозни эшитдим.

Мен:

— Худовандо, пайгамбарлар кўп озорлар чекиб, кўп меҳнат-машаққатлар тортдилар. Илоҳим, менинг тилагим шуки, мени камбағаллик ҳолида тутгайсан, менга бечоралик, хорлик бергайсанки, бало чекмоққа тоқатим йўқдир, — дедим.

\* \* \*

Шайх Абу Бакр айтади, одамлар уч қисм бўлади. Биринчи қисми — олимлар, иккинчи қисми — беклар, учинчи қисми — фақирлар. Олимлар бузилсалар, халойиқнинг дини бузилади. Беклар бузилсалар, халойиқнинг маишати бузилади. Фақирлар бузилсалар, бошларига балолар ёғилиб, натижада вилоят хароб бўлади.

\* \* \*

— Ҳар ким шаҳватга берилса, гавгоси ортади, ҳар кимнинг гавгоси ортса, унинг кўнгли қора бўлади. Ҳар кимнинг кўнгли қора бўлса, Аллоҳ билан душман бўлади ва кўнгли ўлади ҳамда дўзахга лойиқ бўлади.

\* \* \*

— Тўртта душман бор. Бу тўрт душманни тўрт дўсти бор. Биринчиси — Шайтон, иккинчиси — нафс, учинчиси — дунё севгиси, тўртинчиси — халққа аралашмоқ.

\* \* \*

— Оқил одам Шайтонни ўзига душман деб билмоғи керак. Нафсга қарши турмоқ, дунёдан кўнгил узмоқ ва халқдан қочмоқ керак. Шунда бу тўрт балодан қутулади, бўлмаса, ҳалок бўлади.

\* \* \*

— Аллоҳ сувни яратди. Барча ранглардан ранг, барча таъм-лаззатлардан унга лаззат берди. Шу маънода сувнинг ранги ва лаззатининг қандайлигини ҳеч ким билмайди. У ҳеч нарсага ўхшамайдиган тириклик сабабидир. Ҳамма нарсанинг тириклиги сув билан!

Аллоҳ «Қуръон»да айтади: «Барча тирик мавжудотни сувдан (пайдо) қилганимизни кўрмадиларми?»<sup>1</sup>

\* \* \*

— Ҳар ким эрталаб туриб, ўйин-кулгу ва фаҳш сўзларга машғул бўлса, билгинки, у кеча ҳаром луқма ебди.

— Ҳар ким эрталаб туриб, намоз, рўза, тасбеҳ, таҳлил ва истиғфорга машғул бўлса, билгинки, у кеча ҳалол луқма ебди.

\* \* \*

— Ҳар ким Аллоҳга қулик қилишдан қочса, унга қочган қуларга қилинадиган муомалани қилиш вожибдир.

\* \* \*

Нақл қилишларича, шайх Абу Бақр вафот этгандан кейин бир улуг одам уни тушида кўрди. Шайхнинг ранги саргайган, қайғули бўлиб, зор-зор йиғлар эди.

Улуг киши сўради:

— Эй Шайх, сенга нима бўлди, нега бунча гамгинсан?

Шайх:

— Ёнимга ўнта ўликни олиб келдилар. Уларнинг ҳеч бири мусулмон эмас ва қаттиқ азобдадир, — деб жавоб берди.

<sup>1</sup> Анбиё сураси, 30-оят.

## АБДУЛЛОҲ МАНОЗИЛ

У ягонаи рӯзгор, мутаваккили номдор ва тақводор, дунё ва халқдан ўзини четга олган, Аҳмад Қассорнинг муридларидан, зоҳир ва ботин илмида ҳунарманд бўлиб, кўп ҳадислар эшитган ва билар, у яшаган замонда ундан бошқа дунё лаззатларидан кечган, покдомон киши йўқ эди.

\* \* \*

Нақл қилишларича, бир киши Абдуллоҳдан бир масала сўради. Абдуллоҳ унинг масаласига жавоб берди.

У киши:

— Жавобингизни қайтаринг, мен тушунмадим, — деди.

Абдуллоҳ:

— Кимки пайгамбар суннатини тарк этса, билгинки, у фарэни ҳам тарк этади. Шунинг учун суннатни тарк этган одам бидъатчи ва у дўзахда ўтин бўлади, — деди.

\* \* \*

Яна Шайх дейди:

— Вақтларнинг яхшироғи нафс сенга голиб бўлмаган вақтдир, вақтларнинг ёмонроғи нафс сенга голиб бўлган вақтдир.

\* \* \*

— Киши молига сизингидан кўра бутга сизинмоғи яхшироқдир. Иброҳим пайгамбар сўзларидан Аллоҳ Муҳаммад пайгамбарга шундай хабар беради:

— Эй Худовандо, мен ва авлодимни бутга сизинмоқдан сақлагин!  
Тафсирда бут деб, ақчага сизинмоқни айтадилар.



\* \* \*

— Фақирлик дунё ва охиратдан кесилмоқ ва Аллоҳни истамоқдир. Кимки ўтиб кетган вақтларини фойдасиз ерда ёд қилса, ҳозирдаги нақд вақтини қўлдан бермагай.

\* \* \*

— Убудийят (бандалик) бу — Аллоҳга барча ишларда бўйсунмоқдир. Аллоҳнинг хос бандалари бандалик қўлидан кетмаслиги учун ўзга хизматкор истамайдилар. Аллоҳ «Қуръон»да бир неча хислатларни ёд этган. Аммо барчасининг якуни истиғфор билан яқин туради.

Аллоҳ айтади: «(Улар) сабрли, садоқатли, итоатли, саховатли ва саҳар чоғларида Аллоҳдан мағфират сўрайдиган кишилар эди».<sup>1</sup>

\* \* \*

Бас, маълум бўлдики, банда ўз хатоларини билиши учун истиғфордан яхшироқ мақом йўқ экан. Гапирган гаплари ва қилган ишлари ҳақида истиғфор қилгай.

\* \* \*

— Ҳар ким бир нафас риёсиз ва ширксиз Аллоҳ билан муомала қилса, у битта нафаснинг баракатидан гўё умрининг ҳаммасини худди шундай кечирган бўлади.

\* \* \*

Нақл қилишларича, бир киши Шайхга деди:

— Сенинг иймонинг комил ва оқибатинг хайрдир!

Абдуллоҳ бу сўзни эшитгач:

— Ундай бўлса, энди менга тириклик керак эмас экан, — деди ва йиқилиб, азиз жонини Аллоҳга топширди.

Шайх Абдуллоҳни Нишопурда дафн этдилар. Қабрининг тупроғи ҳамма дардларга шифодир.

Аллоҳ шайх Абдуллоҳ Манозилни раҳмат айласин!

<sup>1</sup> Оли Имрон сураси, 17-оят.

## АЛИ ИСФАҲОНИЙ

Имоми олам, улуғликда ҳаммадан ортиқ, машойихлар ичида машхур, Абу Туроб ва шайх Жунайднинг ёронларидан эди. Унинг сўзлари ҳақойиқ ичида баланд, риёзат, муомала ва хилвати комил эди.

Нақл қилишларича, Умар ва Абу Усмонлар Исфаҳонга келдилар ва шайх Али билан суҳбат қилдилар. Абу Усмоннинг ўттиз минг танга қарзи бор эди, шайх Али ундан воз кечди.

Шайх Алининг сўзларидан:

– Тоат билан бўлмоқ тавфиқ аломатидир!

\* \* \*

– Дунё иззати мол билан, охирад иззати амаллар билан!

\* \* \*

– Ҳар ким илм ва одоб истамоқнинг пайдан бўлса, жаннат ҳам уни иташ пайдадир.

\* \* \*

– Кимки ибодат ва амал қилмасдан Аллоҳга яқинлик истаса, унинг йироқлиги шу қадарки, дарчадан ичкари кирган нур офтобдан нақадар йироқ бўлгани кабидир.

\* \* \*

– Оқиллар Аллоҳ ҳукми остида яшашни тилайди.

\* \* \*

– Бойлик истаган илмдан топади, зикр айтувчилар раҳмат ичида ҳаёт кечиришни тилайди ва фахр истаганлар фақирликдан!

\* \* \*

Нақл килишларича, шайх Абулҳасан деди:

– Бир куни Али Исфаҳоний билан бирга кетар эдик. Ногоҳ шайх Али: «Лаббайка», деди.

Эгилиб саждага борди ва жон бериш ҳолатига тушди.

Мен унга: «Ла илаҳа иллаллоҳ», дегин дедим.

У табассум қилиб:

– Менинг ишим етмиш йилдирки, шу. Агар тавҳид калимасини энди менга айтадиган бўлсанг, Унинг азаматлиги ҳаққи ва ҳурмати, мен билан Унинг орамизда қийинчилик ҳижобидан бошқа ҳижоб йўқдир, — деди.

Шундай деб, шайх Али азиз жонини Аллоҳга топширди.

Шайх Абулҳасан:

– Мен Аллоҳнинг валийсига нега тавҳид калимасини талқин қилдим, «во хижолато, во хижолато», деб хижолатда йиғлади.

Аллоҳ Али Исфаҳонийни раҳмат айласин!

## АБУЛХАЙР НАССОЖ

Бағдод машойихларининг устози, ваъз, фасоҳат, ибодат бобида ягона, хулқ ва ҳилм бобида бағоят, ундаги художўйлик, риёзат, муомала ҳеч кимда йўқ, нафаси ва сўзлари таъсири эди. Бир кун йўққи, бир неча кишилар келиб, унинг мажлисига келмаса.

Шайх Шиблий ва Иброҳим Хоснинг мажлисида тавба қилган, шайх Жунайдиннинг хос ёронларидан бўлиб, шайх Жунайдиннинг ишончи ва эътиқоди унга тўлиқ эди.

\* \* \*

Нақл қилишларича, Абулхайр Нассож ҳаж қилиш ниятида ўз ватанидан Шом шаҳрига борди. Бир куни йўлда кетаётганида бир золим киши унга учраб, деди:

— Менимча, сен бир қулсан ва сен хожангнинг хизматидан қочганга ўхшайсан?

Шайх деди:

— Сен рост айтасан, мен бир қулман.

Золим киши:

— Мен сени ёнимда ушлайман, сени бир ишга тайин қиламан, — деди. Абулхайр Нассож унга:

— Менинг ҳам орзуим шуки, мени бирор киши бир ишга тайин қилса, — деди.

У золим киши Шайхга:

— Энди сен менинг қулимсан, — деб Шайхни уйига олиб бориб, унга иш буюрди. Шайх золим буюрган ҳамма ишни қилар эди. Унга тўқувчиликни буюрди, Шайх уни ўрганди. Неча йиллар унинг ишларини қилди.

Золим унга:

— Эй Абулхайр, — деса, Абулхайр унга:

— Лаббай, нима иш буюрасан? — деб жавоб берарди.

Бир куни золим унинг эътиқоди ва тоатига қараб, ўзининг қилган ишига пушаймон бўлди.

— Бу бир валий киши бўлса керак, агар у менинг сотиб олган кулим эса-да, бунчалик бўлмас эди, — деб кўнглидан ўтказди ва тилида:

— Эй Абулхайр, менга кўп хизматлар ва яхшиликлар қилдинг. Энди мендан рози бўл, сенга рухсат, ўз ишларинг билан машғул бўл, — деди.

Шундай қилиб, Абулхайр у ердан ҳажга кетди. Ҳаж шартларини бажарди. У ниҳояти йўқ мартабаларга эришди.

Шайх Жунайд ҳазратлари Абулхайр Нассожга:

— Исминга кўра Аллоҳ барча хайрларни сенга насиб қилибди, — дер эди.

\* \* \*

Нақл қилишларича, Абулхайр Нассож доим тўқувчилик билан машғул бўлиб, ишидан бўшаганда дарё қиргоғига бориб, у ерда ибодат қилар эди. Бир куни бир қариянинг кийимини тўқиди.

Қария:

— Мен уйга бориб, сенга пул олиб келаман. Агар сени тополмасам, пулни кимга берайин? — деди.

Шайх унга:

— Агар мени тополмасанг, пулни дарёнинг қиргоғига қўй, — деди.

Қария пулни олиб келиб, Шайхни тополмади. Олиб бориб, дарёнинг қиргоғига қўйди. Шайх дарёнинг қиргоғида ибодат қилаётган эди, балиқлар пулни олиб, Шайхга келтириб бердилар.

\* \* \*

Нақл қилишларича, Абулхайр Нассож айтади:

— Уйда ўтириб, ҳозир Жунайд эшик олдида турибди, деган уй ҳаёлимдан ўтди. Кейин бу ўйни унутдим ва маълум вақт ўтгач, ўрнимдан туриб, ташқарига чиқдим. Қарасам, Жунайд ташқарида турибди.

Жунайд менга:

— Мени хаёлингдан ўтказган пайтда келмасдан, нега энди келдинг? — деди.

\* \* \*

Нақл қилишларича, Абулхайр Нассож дейди, бир куни масжид ичида ўтирардим. Ранглари саргайган, қайғули ҳолда ўтирган бир дарвешга кўзим тушди.

Ундан:

— Сенга нима бўлди, нега қайғули ўтирибсан? — деб сўрадим.

Дарвеш:

— Шу кунгача ўзимни эр кишиман, деб санардим, энди хунасалардан ҳам пастроқ бўлдим, — деди.

Мен яна:

— Нега бундай дейсан? — деб сўрадим.

У менга:

— Мен риёзатни ташлаб, роҳатни қабул этдим, — деб жавоб берди.

Билсам, у бир одамнинг олтин учун ажратган закотини олган, шунинг учун қайғуга ботган экан.

\* \* \*

— Имон яланғочдир, унинг либоси тақводир!

\* \* \*

— Хавф Аллоҳнинг қамчисидир! Агар бандалари одобсизлик, ёмон хулқни ўзларига одат қилсалар, у орқали одобли бўладилар. Хавфнинг нишони шуки, амал гоятига етса, унинг ичида нуқсондан ва зорликдан бошқа ҳеч нарса кўринмайди!

\* \* \*

Нақл қилишларича, шайх Абулхайр Нассож бир юз йигирма йил яшади. Вафот вақтида, шом намозини ўқиётганида ҳазрати Азроил келдилар.

Шайх бошини кўтариб, Азроилни чақирди:

— Эй Азроил, Аллоҳ буйругини бажаринг ёки менга қўйиб беринг, токи мен Аллоҳ буйругини бажарай. Чунки Аллоҳ Сизга:

— Эй Азроил, бориб, Абулхайрнинг жонини ол! — деб буюрди, менга ҳам:

— «Намоз вақти келди, ўқигин», деган буйруқ келди, — деди. Азроил Шайхга муҳлат берди. Абулхайр Нассож таҳорат қилиб, намозини ўқиди. Сўнг азиз жонини Аллоҳ ҳазратига топширди.

\* \* \*

Вафотидан сўнг бир ақобир Шайхни тушида кўриб:

— Эй Абулхайр, Аллоҳ сенга қандай муомала қилди? — деб сўради.

Шайх:

— Мен билан Аллоҳ орасига аралашманг, аммо мендан:

— Дунё нажаслигидан қандай қутулдинг ва халқдан қандай халос бўлдинг, деб сўранг, — деди.

Абулхайр Нассожни Аллоҳ ўз раҳматига олган бўлсин!

## АБУ ҲАМЗА ХУРОСОНИЙ

У мусулмонлик Каъбаси, улуг машойхлардан, тариқат ичида бегоят, ҳақиқат ичида бениҳоят, қадри баланд, олиҳиммат, фаросат ва заковат бобида нишона, риёзат ва кароматлари машҳур, таваккули бағоят зўр, маноқиблари саноксиз эди. Ўзи салафлардан, Нишопур шаҳрига келиб, Абу Туроб билан суҳбат қурган.

\* \* \*

Нақл қилишларича, Абу Ҳамзанинг бир қиз қариндоши бор бўлиб, уни жуда яхши кўрарди. У Каъбага бормоқчи бўлди. Қиз қараса, унинг ҳеч нарсаси йўқ, бир пора кумушни унинг ёқасига тикди. Абу Ҳамзанинг бу ишдан хабари йўқ эди.

У оёғини Саҳрога босиши билан Ҳотифдан:

– Эй Ҳамза, Аллоҳ осмонни устунсиз, ерни табақалаб, тоғлар, далалар билан тўла яратди. Сенинг ризқингни етказмоққа қодир эмасми? Ёлғизман, таваккул аҳлиман, дейсан, ризқинг учун кўйлагинг ёқасига кумуш яширибсан, уялмайсанми? – деган овозни эшитди.

Абу Ҳамза бу сўзларни эшитиб, фарёд қилди, кумушларни ёқасидан олиб ташлади. Бир оз юриб, бир оғзи очиқ қудуққа йиқилди. Унинг ҳеч бир аъзосига зиён етмади. Бир-икки кундан кейин нафси оч қолиб, деди:

– Ўз нафсингни ҳалокатга қўйма, пулинг ва озуқанг йўқ, очиқиб қоласан. Абу Ҳамза нафсига деди:

– Қудуқда мени ҳалок этмаган Зот ташқарида ҳам ҳалок этмас, Ўзи мени сақлар!

Аллоҳга таваккул қилиб, йўлда давом этди. Йўлда яна бир қудуққа дуч келди ва унинг ичига тушди. Аллоҳ фармони билан бир арслон арқон олиб келиб, қудуққа ташлади. Абу Ҳамза унга осилиб, қудуқдан чиқди.



Ҳотифдан:

— Эй Абу Ҳамза, сен бизга таваккул қилдинг, биз ҳам сени барча балолардан сақладик. Бу қудуқлар жоҳилларни ҳалок қилувчи эди, биз сени улардан қутқардик, — деган овозни эшитди.

Арслон юзини ерга суртиб, думини қимирлатди ва кетди.

\* \* \*

Нақл қилишларича, бир куни Жунайд Бағдодий Иблис оёғи билан эрлар бўйинини босиб, бошларига чиқаётганини кўрди ва:

— Эй малъун, эрларга густоҳлик қилиб, бўйинларига минишга уялмайсанми? — деди.

Иблис:

— Булар эрлар эмас, уларнинг кўнгилларида дунё севгиси бор. Агар эр киши қидираётган бўлсанг, фалон қоя остида ўтирибди, бориб кўргин, — деди.

Жунайд дейди:

— Мен Иблис айтган қояга бордим. У ерда Абу Ҳамза ибодат қилаётган экан. Намозини тамом қилишини кутиб турдим.

У менга:

— Эй Жунайд, Иблис ёлғон гапирди, чин эрлар Иблиснинг кўзига кўринмайди ва Иблис уларнинг атрофига келолмайди, — деди.

\* \* \*

Нақл қилишларича, Абу Ҳамза Ҳижоз шаҳрига кетар экан, эҳром боғлар ва эҳроми бўйнида эскирмагунча ечмас, уни яна тозалар эди.

Ундан:

Унс (дўстлик) нима? — деб сўрадилар.

Айтди:

— Унс халқ орасида кўнгилнинг тор бўлиши ва хилватда шод бўлишидир!

\* \* \*

— Ғариб шундай одамки, халқ орасида Аллоҳни унутмаган кимса. Кимки Аллоҳни севса, барча халойиқ уни севади ва унга муштоқ бўлади.

\* \* \*

Бир одам Абу Ҳамзадан насиҳат қилишини сўради. У:

— Ҳеч ким бенасиб қолмайдиган сафар учун йўл озигини ҳозирла, — деб насиҳат қилди.

Яна деди:

— Мўминнинг кўнглидаги хавф умиддан голиб бўлиши лозим! Маърифат дарахтини фикр суви билан сугормоқ керак, токи нажот емишларини берсин ва жаннатга лойиқ ва сазовор қилсин!

\* \* \*

— Зоҳид шундай одамки, қандай ҳожати бўлса, Аллоҳдан бошқа ҳеч кимдан сўрамайди.

Аллоҳ Абу Ҳамза Хуросонийни раҳмат айласин!

## АҲМАД МАҒРИБИЙ

У миллат шайхи, машойихларнинг муршиди, пирларнинг улуғлари, авлиёларнинг устозларидан, кўпчиликнинг эътиқоди унга тўлиқ, унинг ажойиб авлиёлиги бор бўлиб, муридларнинг тарбиясида нишона эди. Ҳамма кўнгилларда суюкли ва ақиб орасида мақбул, барча тилларда мавсуф, тажрид ва таваккул бобида унга етадигани йўқ эди.

У Иброҳим Шайбоний ва Иброҳим Хоснинг пири, сўзлари маъноли ва кароматлари шафиъ бўлувчи, бир юз йигирма йил умр кўрган, халойиқнинг қўли теккан нарсаларни умуман емас, ейдиган нарсаси саман тузи бўлиб, муридлари қаерда саман тузини кўрсалар унга олиб келишар, муридлари билан доим сафар қилар ва ҳамиша эҳром тўнини кияр, тўни ҳеч ифлос ва сочи узун бўлмас эди.

\* \* \*

Нақл қилишларича, Аҳмад Мағрибий айтади:

— Менга отамдан бир уй мерос қолганди, уни сотдим, пулини Каъба муҳожирларига олиб бориб, тарқатишни ўйладим. Шу мақсад билан Бария ичига кириб кетаётганимда, бир қароқчига учрадим.

Қароқчи мендан:

— Нима нарсанг бор? — деб сўради.

Мен:

— Элик олтиним бор, — дедим.

У:

— Пулларингни менга бер, — деди.

Мен пулларни унга бердим. У пулларни олди, санаб, элик олтин эканлигини кўрди. Сўнг олтинларни менга қайтариб берди.

Қароқчи туясини ерга чўктириб:

— Туяга мин, бирга ҳамроҳ бўлиб кетайлик. Сенинг ростгуй-лигингни кўрдим, кўнглим сени ёқтирди, — деди. Хоҳласам-хоҳламасам-да, мени туясига миндириб, Каъбага бирга борди. У қароқчилигини ташлаб, тоат-ибодатга машгул, кўп риёзатлар чекиб, авлиёлардан бўлди.

\* \* \*

Нақл қилишларича, Аҳмад Мағрибий дейди:

— Бир куни Бария ичида кетаётган эдим, бир йигит озуқа ва улоқсиз кетарди.

Ундан:

— Эй йигит, нега озуқасиз кетяпсан? — деб сўрадим.

У:

— Ўнг ва чап тарафингга қара ва бошингни кўтар. Юқорига ва қуйига қара, Аллоҳдан ўзга нарсани кўряпсанми? — деди.

Мен:

— Ҳар тарафга қарасам ҳам Аллоҳ ҳозирдир, — дедим.

Йигит:

— Ҳамма ерда Аллоҳ ҳозир бўлса, менинг ризқимни етказмасми? — деди.

\* \* \*

Нақл қилишларича, Аҳмад Мағрибийнинг тўрт ўғли бор бўлиб, уларга касб ўргатди.

Ундан:

— Эй Шайх, нега ўзингнинг касбингни ўргатмассан? — деб сўрадилар.

Шайх уларга:

— Мендан кейин ўз меҳнатларининг ҳосилларидан ёйдилар.

Ҳар ерга борганларида:

— Мен фалон кишининг ўғлиман, деб сиддиқлар жигарини қон этмайдилар. Расули ақрам дедилар:

— Ўз меҳнатинг ва пешона теринг билан ризқ топиб егин, динингдан емагин!

\* \* \*

— Дарвешларнинг энг яхшироғи Аллоҳ берган ризққа сабр қилиб, рози бўлган ва бирор кишидан бир дирам тама қилмаган дарвешдир!

\* \* \*

— Дарвешларни Аллоҳнинг ўзи сақлайди. Дунёни тарк этган ҳар дарвешнинг халқ узра қилган дуолари мақбулдир. Уларнинг қилган дуоларининг баракатидан мусулмонлар бало ва қийинчиликлардан омон бўладилар!

\* \* \*

Яна айтади:

— Мен дунёдан инсофлироқ нарса кўрмадим. Чунки сен унга хизмат қилсанг, у ҳам сенга хизмат қилади. Агар уни тарк этсанг, у ҳам сени тарк этади!

Аҳмад Мағрибий ҳазратлари Тури Сино тоғида вафот этдилар, қабрлари ҳам шу ерда жойлашган.

## АБУ АЛИ ЖУРЖОНИЙ

У улуг машойихлардан ва тариқат жўмардларидан, риёзат ва мушоҳада ичида комил, ибодат ичида омил, сўзлари мақбул ва мазкур, Муҳаммад Ҳаким Термизийнинг муриди эди.

\* \* \*

Унинг сўзлариданким, айтади:

Уч нарса тавҳиднинг либосидир: хавф, умид ва муҳаббат.

Хавфнинг ортиқлиги Аллоҳга лойиқ этади.

Умиднинг ортиқлиги умидларга етказади.

Муҳаббатнинг ортиқлиги Аллоҳга етиштиради.

\* \* \*

— Умид — дунёдан қочиш, рожий — қидиришдан тинмайдиган киши.

\* \* \*

— Муҳаббат — маҳуб хоҳлаган ерда юриш.

\* \* \*

— Саодат аҳли фаризаларни йўқотмайди, суннатларни тарк этмайди ва бидъат ишлардан йироқ бўлади!

\* \* \*

— Қилган гуноҳларни халқ орасида ошкор этиш ва унга иқрор бўлиш бадбахтликнинг аломатидир.

\* \* \*

— Валий шундай одамки, унинг ҳоли фоний, мушоҳадаси боқий бўлади. Шундай экан, Аллоҳ унинг ишига мутавалли бўлиб, унга авлиёлик беради. Унинг бошқа мақсади бўлмайди ва Аллоҳдан ўзгадан умид қилмайди.

\* \* \*

— Ориф одам ўз кўнглини Аллоҳга бағишлайди.

\* \* \*

— Ҳар ким Аллоҳ эшигида қарор тутса, унга барча эшиклар очилади.

\* \* \*

— Бухл — бахиллик сўзи уч ҳарфдан иборат: «бе» ҳарфи бало, «хе» ҳарфи зиён ва «лом» ҳарфи лозимдир. Энди бахиллар бахиллик ичида бўлса, уларнинг ишлари зиён ва ўзлари дўзахга лойиқ бўлади.

## АБУ БАКР КАТТОНИЙ

У миллатнинг шайхи ва замонанинг пири, зуҳд ва тақво ичида ягона, риёзат ва мужоҳада ичида нишона, ҳақиқат ва тариқат ҳақида ёзган кўп асарлари бор, илм турларининг ичида зуфунун, Жунайд Бағдодий, Абу Саъид Харрозий ва Абулҳасан Нурий билан суҳбатда бўлган. Уни Ҳарам чироғи дердилар. Каъбанинг ёнида яшар эди. У ҳазрат умрининг охиригача, кечанинг аввалидан тонггача намоз ўқир, намозида «Қуръон» ни хатм қилар эди.

Одамларнинг айтишларича, у Каъбани тавоф қилар экан, ўн минг мартаба «Қуръон» ни хатм қилди ва ўттиз йил давомида оқшом намозини ўқиб, ўша таҳорати билан тонг намозини ўқиди. Тонг намозини ўқиганидан кейин, ўша таҳорати билан яна оқшом намозини ўқир. У ўттиз йил умуман ухламади, вужуди фаришта сифат бўлган эди.

\* \* \*

Нақл қилишларича, шайх Абу Бакр Каттоний йигитлик кезларида изн сўради. Отаси унга рухсат берди. Каъбага боришни ният қилиб, йўлга чиқди. Барияга етиб келганида, унда эҳтилом юз бериб, гусл қилиш вожиб бўлди.

— Отамни хафа қилдим, ота ҳаққининг шартларини бажармадим, — деган хаёл кўнгилдан ўтиб, Бариядан орқага қайтди ва отасининг хизматиغا келди. Уйга келиб, отасини хафа ҳолда ўтирганини кўрди.

Отасидан:

— Эй ота, сиз менга чин кўнгилдан рухсат бермадингизми? — деб сўради.

Отаси:



— Ҳа, чин кўнгилдан рухсат бермаган эдим. Лекин сенсиз бу уйга қарамайман, эшикда ўтириб, дуога машғул бўламан, деб аҳд қилган эдим, — деди.

Отасининг қўлини ва оёғни ўпди. Яна рухсат сўраб, Бария томон юз қўйди.

\* \* \*

Нақл қилишларича, Абулҳасан дейди:

— Бир куни озиқсиз ва улоқсиз Барияда кетар эдим. Барияни кечиб ўтиб, Бариядан қутулдим, дедим ўзимга. Ногоҳ ўн тарафимдан бир одам мени чақириб:

— Ўз нафсинг билан ботил сўзларни сўзлама, — деди.

Бориб қарасам, мени чақирган одам Абу Бакр Каттоний экан. Бас, мен тавба қилдим ва Аллоҳга юз тутдим.

\* \* \*

Нақл қилишларича, Абу Бакр Каттоний дейди:

— Бир куни бир қария жойнамозини эғнига солиб келаркан, у менга салом бериб:

— Эй Шайх, нега Иброҳим пайгамбар мақомига келмайсан? У ерда пирлар, азизлар ва акобирлар ўтирадилар. Азиз пирлар у ерда ҳадис ва ривоятлар айтадилар. Барча азизлар уларнинг сўзларини эшитишиб, жонлари роҳат топади, — деди.

Мен:

— Ҳадис ва ривоятларни улар кимдан айтадилар? — деб сўрадим.

Пир деди:

— Ҳадис ва ривоятларни Расули ақрамнинг муборак оғизларидан эшитган Абдуллоҳ ибн Масъуд, Абдуллоҳ ибн Аббос ва Абу Ҳурайралардан айтадилар.

Мен дедим:

— Эй пир, улар нимани айтишса, устоз орқали айтадилар, мен устозсиз эштаман.

Сўради:

— Уни кимдан эшитасан?

Мен унга:

— Кўнглим Парвардигоримдан эшитади, — дедим.

У менга:

— Бу гапларингга далил керак, — деди.

Мен:

— Сиз Хизр эканлигингиз бунга далилдир, — дедим.

Хизр:

— Мени ҳамма валилар билдилар, Абу Бакр Каттонийгина билмайди, деб ҳисоблардим, — деди.

Бас, Аллоҳнинг кўп валийлари борки, уларни на Хизр ва на валийлар биледи. Балки, уларнинг ўзи ўзини ҳам билмайди, чунки улар Аллоҳнинг хос бандаларидир. Уларни Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайди ва улардан Аллоҳдан бошқа ҳеч ким хабардор эмас.

\* \* \*

Нақл қилишларича, бир ўғри Абу Бакрнинг кўйлагини ўғирлаб, даллолга олиб борган эди, ўғрининг қўли шол бўлиб қолди. Ўғри қўлини шол бўлганини Абу Бакр қилди, деб ўйлади. Абу Бакр намоз ўқиб бўлганда, ўғри келиб, унинг оёғига ўзини ташлади.

— Нима бўлди? — деб ўғридан сўради.

Ўғри бўлиб ўтган воқеани айтиб берди. Абу Бакр унга:

— Аллоҳнинг иззати ва азамати ҳаққи, нима олганингни ва нима олиб келганингни билмайман, — деди.

Сўнг:

— Илоҳим, бу ўғри олганини қайтариб берди, Сен ҳам ундан олганингни қайтариб бергин, — деб дуо қилди. Шу замон ўғрининг қўллари тузалди.

\* \* \*

Нақл қилишларича, Абу Бакр айтади, бир кеча тушимда бир келишган чиройли йигитни кўрдим. Бундан олдин бундай хуш сувратни кўрмаган эдим.

Ундан:

— Сен кимсан? — деб сўрадим.

Йигит:

— Тақво деганлари мен бўламан, — деди.

Яна сўрадим:

— Сенинг жойинг қаерда?

Йигит:

— Қайгули ва қўрқинчли кўнгиллар менинг маконимдир, — деб жавоб берди.

Ундан кейин хунук манзарали ва кўриниши ифлос ҳамда қора юзли бир аёлни кўрдим. Ундан хорроқ ва хунуқроқ бирорта нарсани кўрмаганман. Ундан:

— Сен кимсан? — деб сўрадим.

У:

— Мен шодлик ва қаҳқаҳаман, — деди.

— Сенинг жойинг қаерда? — деб сўрадим.

У менга:

— Менинг мақомим гофил ва хурсанд кўнгилларда бўлади, — деб жавоб берди. Энди ўлгунча ҳеч ҳам кулмайман, деб ният қилдим.

\* \* \*

Нақл қилишларича, Абу Бакр дейди:

— Бир куни дарвеш ёнимга келиб:

— Эй Абу Бакр, ўн кундирки, тирикчилигимдан қўлимга ҳеч нарса тушмайди. Бир неча ёронларга бориб:

— Сизларнинг ёнингизда ўн кундан бери емоққа нарса топмасман. Менинг ҳолимни сўрамассиз, — дедим.

Улардан ҳам ҳеч яхшилик ҳосил бўлмади. У ердан кетдим. Бозор ўртасидан ўтиб кетаётган эдим, ерда ётган бир ақчага кўзим тушди.

Уни олдим, унда:

— Аллоҳ сенинг оч қолганингдан огоҳ эмасмики, бориб махлуқига шикоят қиласан, — деб ёзилган эди. У топиб олган ақчани менга кўрсатди, мен уни ўқиб жуда ҳайрон қолдим.

\* \* \*

Абу Бакр Каттоний дейди:

— Зоҳид шундай одамки, ҳеч нарса қўлига кирмай, кўнгли шод бўлади ва ризқ учун қайғурмайди. Агар ризқ учун шикоят қилса, Аллоҳ билан уришган бўлади.

\* \* \*

— Тавбанинг олти хил маъноси бор. Биринчи, ўтган гуноҳларига пушаймон бўлмоқ. Иккинчи, агар уни ўлдирсалар ҳам, гуноҳ иш қилмаслик кўнглида бўлмоқ. Учинчи, қолган фаризаларни ўтамоқ фикрида бўлмоқ. Тўртинчи, халойиқнинг ҳаққини адо қилмоқ. Бешинчи, ёмон ишларни қилишни кўнглига келтирмаслик. Олтинчи, ўлгунча шу тавбани бузмаслик!

\* \* \*

— Тавбанинг етмиш эшиги бор. Унинг етмиш биринчиси ҳаёидир. Уч хил иш қилмоқ ибодат қилмоқдан ортиқ. Биринчиси, гафлат уйқусидан уйғонмоқ. Иккинчиси, нафс сўраган нарсани бермаслик. Учинчиси, қўрқув билан йиғламоқ.

\* \* \*

— Шаҳват девнинг уйидир. Ҳар ким девнинг уйига кирса, девга қул бўлади.

\* \* \*

— Диннинг девори уч нарса билан мустаҳкам бўлиб, бино топади. Биринчиси, Ҳақни билмоқ. Иккинчиси, адолат қилмоқ. Учинчиси, рост гапирмоқ. Ҳақ ҳамма аъзо ва баданлар, адолат кўнгиллар, сидқ ақллар узрадир.

\* \* \*

— Аллоҳнинг шамоли бор, бу шамол саҳар вақтида эсади, ошиқларнинг нолаю оҳини олиб, Аршга элтади. У ердан кўтариб, Аллоҳга етиштиради.

\* \* \*

Нақл қилишларича, Абу Бакрнинг вафот вақти яқинлашганда, бир киши унга:

— Сен дунёда қандай амал билан шу мартабага етишдинг? — деб сўради.

Абу Бакр:

— Агар ҳозир ажалим етмаган бўлганда уни ҳеч қачон айтмас эдим. Қирқ йилдирки, кўнглим ичида бир уй топдим. Уша уйнинг эшигида ўтирдим, ҳеч айрилмадим. Бу уйга шу пайтгача Аллоҳдан бошқа ҳеч кимни киритмадим, — деди.

Абу Бакр Каттонийни Аллоҳ раҳмат айласин!

## АБДУЛЛОҲ ХАФИФ

У машойихларнинг шайхи, зоҳирий, ботиний илмлар ичида раҳбар, у яшаган замондаги тариқат аҳлининг ружуъ ва ишончи унга нисбатан эди. Ҳар куни машойихлар илмидан бир китоб тасниф қилар, ҳақойиқ ва дақойиқ бобидаги назари бошқа ҳеч кишида йўқ, ёлғизликда кўп сафар қилган, Ибн Ато Румий, Жунайд Бағдодий ва Мансури Ҳалложни кўрган, бомдод намозини ўқиб бўлиб, оқшомгача икки минг ракаат намоз ўқиш унинг одати эди. Унинг бир дона шол либоси бор бўлиб, уни йигирма йил кийиб юрди. Ҳар тўрт йилда бир маротаба чилла ўтирарди. Дунёдан ўтган пайтида ҳам чилла ичида вафот этди.

\* \* \*

Нақл қилишларича, Абдуллоҳ бир кечада етти дона узум билан рўзасини очиб, юким енгил бўлсин, шунда охиратда ҳам юким енгил бўлади, дер эди.

Шу сабаб уни Абдуллоҳ Хафиф (енгил) дер эдилар.

\* \* \*

Нақл қилишларича, бир кеча ходими унга саккиз дона узум берди. Узум саккиз дона эканлигини билмай, уни еди. Ҳар кечаси тоатдан топадиган ҳаловатини бу кечада топмади. Билдики, бунинг бир сабаби бор. Ходимини чақириб, ундан сўради.

Ходим унга:

— Мен сенинг юзингга қарасам, ожиз ва кучсиз бўлибсан. Қувватинг ортсин деб, бир дона узум ортиқча берган эдим, — деди.

Шайх:

— Менинг тоатимни буздинг, менга дўст эмассан, — деди ва у ходимга рухсат бериб, бошқа ходим тайин қилди.

\* \* \*

Нақл қилишларича, Абдуллоҳ Хафиф дейди:

— Қирқ йил бўлди. Йигитлик пайтимда Ҳижоз шаҳрига бордим. Йўлда Бағдод шаҳрига тушдим. Жунайдни кўрмасдан Барияга кириб, бир арқон билан бир қовга олдим. Йўлда сувсизлик голиб келиб чанқадим. Бир қудуққа бордим, бир кийик қудуққа бошини тиқиб, сув ичаётганини кўрдим. Бориб, сув олайн деган эдим, сув қудуқнинг тубига тушиб кетди. Ҳайрон бўлиб, Абдуллоҳдан кийикнинг мартабаси ортиқ экан, дедим ўзимга.

Шу пайт Ҳотифдан:

— Кийикнинг эътиқоди бизга маҳкам бўлгани учун унинг мартабаси ортиқ. Сенга ўхшаб арқон ва қовга кўтариб юрмайди, — деган овозни эшитдим.

Дарҳол арқон билан қовгани ташлаб, сувсиз кетавердим.

Ҳотифдан:

— Эй Абдуллоҳ, биз сени синаган эдик, боргин, энди сув ичгин, — деган овоз келди.

Қайтиб бориб қарасам, сув қудуқнинг оғзига чиқибди. Сув ичдим, таҳорат қилиб, намоз ўқидим. Мадина шаҳрига етгунимча сувга ҳожат бўлмади.

\* \* \*

Нақл қилишларича, Абдуллоҳ Хафиф дейди:

— Ҳаж шартларини бажариб, Бағдод шаҳрига келдим. У ерда Жунайд билан учрашиб қолдим. Мен унга ҳеч нарса демадим.

У:

— Эй қардошим Абдуллоҳ, қудуқдан сувсиз кетаётганингда Ҳотифдан, «биз сени синаган эдик, боргин, энди сув ичгин», деган овозга, сен: «Менга сув керак эмас», деганингда, сув оёгинг остига келар эди, — деди.

\* \* \*

Нақл қилишларича, Абдуллоҳ айтади:

— Бир марта кетаётганимда оч қолдим. Нафсим менга жуда тақозо қилди. Бир йигитга дуч келдим, у менинг юзимга қараб,

оч қолганимни сезди. Мени уйига таклиф қилди, гўшт пиширди. Таомни олдимга олиб келди. Гўштнинг иси бор эди, таомдан едим. Йигит бир бўлак гўшрдан кесиб, менга берди.

Кўнглим тортмай:

— Гўшт семиз экан, — дедим.

У гўштнинг қора жойидан кесиб берди. Уялганимдан олиб, кўп қийналиб гўштни едим. Тупурдим ва уялдим. У ҳам мендан уялди.

Ўрнимдан туриб, у ердан кетдим. Йўлда дарвешларга учрадим, бир соат улар билан бирга кетдим.

Яна қорним жуда очди. Йўлда бир ит учраб қолди. Уни ўлдириб, бирён тайёрладилар. Ундан бир лўқма менга ҳам бердилар.

Шунда Ҳотифдан:

— Бу уни хижил этиб, гўштини емаганинг эвазидир. Энди гўштини хўп егин, — деган овоз келди.

Қайтиб бориб, у йигитга узримни айтдим ва тавба қилдим.

\* \* \*

Нақл қилишларича, Абдуллоҳ Хафиф дейди:

— Мисрда бир пир ва бир йигит мууроқабат билан таваккул қилиб, дунёдан юз ўгириб ўтирибди, деб менга хабар бердилар. Уларни кўрмоқ орзусида йўлга тушдим. У ерга бориб, уларни кўрдим.

Иккаласи ҳам дунёдан юз ўгириб, қиблага қараб ўтирар эдилар. Қибладан ҳеч юзларини ўгирмас ва ҳеч кимга қарамас эдилар. Мен уларга уч мартаба салом бердим. Саломимга алиқ олмасдан, зикрларини давом эттирдилар.

Мен уларга:

— Аллоҳ ҳаққи, менга бир қаранглар, — дедим.

Улар бошларини қимирлатмай, кўзларининг қири билан қараб:

— Эй Абдуллоҳ, бу дунё бир соатдир, бу бир соатни сен билан ўтказайликми? Умр қисқа, бу қисқа умрдан кўп насиба олмоқ керак, — дедилар.

Яна қиблага қараб, зикрларини давом эттирдилар. Мен узоқ ердан чарчаб, очиқиб келган эдим, уларни кўргач, ҳорганим, очиққаним мендан умуман йўқ бўлиб, жоним роҳат топди.



\* \* \*

Нақл қилишларича, Абдуллоҳ Хафиф айтади:

— Бир сафар Рум шаҳрига бордим. Саҳроларни сайр қилиб юрар эдим. Риёзат чекканидан ҳилолга ўшаб қолган бир кишини кўрдим. Уни бир қозон ичига солиб, куйдирдилар. Бу бечорага нима бўлган экан, деб ўйладим. Шу пайт мени уйқу элитди.

Тушимда Расулуллоҳни кўрдим.

Улардан:

— Душманлар ичида дўстларга етдим, бу нима ҳолат, — деб сўрадим.

Улар:

— Эй Абдуллоҳ, бу эрлар ва садоқатнинг таъсиридир, кофирларга бу таъсирни билдиради, Аллоҳ фармони билан кофирлар Аллоҳ дўстларига шундай муомала қиладилар, токи у бандасининг садоқатини синайди, — дедилар.

\* \* \*

Нақл қилишларича, Абдуллоҳ дейди:

— Бир куни кечаси Расулуллоҳни тушимда кўрдим.

Менга:

— Эй Абдуллоҳ, ҳар ким тўғри йўлни билиб, бу тўғри йўлдан юрмас экан, қиёмат кунида Аллоҳ ҳеч кимга бермаган қаттиқ азобни унга беради, — дедилар.

\* \* \*

Нақл қилишларича, Абдуллоҳ Хафиф узоқ умр кўрди. Бир куни ходимига:

— Менга бир аёл қидиргин, уни никоҳ қилиб оламан, — деди.

Ходим унга:

— Мен аёл тополмайман. Агар хоҳласанг менинг бир қизим бор, уни никоҳлаб олгин, — деди.

Ходим қизини олиб келди ва Шайхга никоҳлаб берди. Тўққиз ой ва тўққиз соатда бир ўғил кўрди. Бир неча кундан кейин у ўғил вафот этди.

Шайх:

— Уйланишдан мақсадим ҳам шу эди, — деди.

Ундан:

— Эй шайх, нега бундай дединг? — деб сўрадилар.

Шайх уларга, бир куни кечаси туш кўрдим. Тушимда қиёмат қоим бўлган экан. Одамлар Сирот кўпригида ҳайрон туришибди. Бир вақт бир гуноҳсиз ўғлон келиб, отасининг кўлини ушлаб, Сиротдан ўтказди. Кейин онасини ҳам худди шундай Сиротдан ўтказди.

Яна бир неча гўдак болаларни кўрдим. Улар Аллоҳ даргоҳига қарши туриб, ота-оналарини шафоат қилар эдилар. Дузахдаги ота-оналарини Аллоҳдан тилаб, жаннатга олиб келар эдилар. Аллоҳ у ўғлонларнинг шафоатини қабул қилар эди. Мен бу ҳолатларни кўрдим ва шу сабабдан уйландим, — деди.

\* \* \*

Нақл қилишларича, бир куни Абдуллоҳ Хафифнинг хонақоҳига бир дарвеш келди. Унинг салла ва кўйлаги, бошқа либослари ҳам қора рангда эди. Шайх ундан:

— Эй дарвеш, нега қора либос кийиб олдинг? — деб сўради.

Дарвеш:

— Мен Аллоҳимни ўлдирдим, шунинг учун қора ранг либос кийдим, — деди.

Абдуллоҳ бир оз ўйлаб туриб, «бу дарвешни синайман, унинг даъвоси чинмикин», деди ўзига ва дарвешни хонақоҳ эшигидан чиқариб, ҳайдаб юборишни буюрди.

Дарвеш яна қайтиб келиб, ўтирди. Уни яна кўп хор қилиб, хонақоҳ эшигидан чиқариб ҳайдадилар.

Дарвеш яна қайтиб келиб, хонақоҳга кириб ўтирди.

Хуллас, уни етмиш мартаба хорлик билан чиқариб ҳайдадилар. Дарвешнинг зоҳири ва ботини ҳам ўзгармади. Ҳар гал қайтиб келиб ўтираверди.

Сўнг Шайх унинг ёнига келди, кўзларидан ўпиб:

— Сенинг даъвойинг дуруст экан. Эй ёронлар, бу дарвешнинг, Аллоҳимни ўлдирдим, дегани, ўз нафсимни ўлдирдим, деганидир.

Билинларки, ҳар ким ўз нафсига тобеъ бўлса, худди нафсини Аллоҳ дегандай ва унга сигинган бўлади.

Аллоҳ «Қуръон»да айтади: «(Эй, Муҳаммад!) Ҳавоий нафсини ўзига «илоҳ» қилиб олган ва Аллоҳ уни (азалдан гумроҳ бўлишини) билган ҳолда адаштириб, кулоқ ва қалбини муҳрлаб, кўзига парда тортиб қўйган кимсани кўрдингизми? Бас, уни Аллоҳ (адаштирган)дан сўнг ким ҳидоят қила олур?! Ахир, (бундан) эслатма олмайсизларми?!».<sup>1</sup>

Бир дарвеш нафсини ўлдирмагунча қора тўн кийса, бу унга хирқа эмасдир, балки эт жулидир? — деди.

\* \* \*

Нақл қилишларича, бир куни икки сўфий Абдуллоҳ Хафиф-ни зиёрат қилмоқ учун уйига келиб уни топмадилар.

Улар:

— Шайх қаерда? — деб сўрадилар.

Уларга:

— Шайх султоннинг ёнига кетди, — деб жавоб бердилар.

Сўфийларнинг эътиқоди Шайхдан қайтгандек бўлиб, Шайхнинг султонда нима иши бор экан, юз ҳайф, шунча йўлдан қийналиб келдик, дедилар. Хонақоҳдан чиқиб, дарзи дўконига бориб ўтирдилар. У дарзининг синдуси йўқолди. Қанчалик қидирмасинлар, топмадилар.

Охири сўфийларга:

— Синдусимни сизлар олгансизлар, — деб уларни султоннинг ёнига олиб бордилар.

Султон сўфийларнинг қўлларини кесишни буюрди.

Шайх султондан:

— Булар билан гаплашиб кўрай, — деб муҳлат сўради.

Сўфийларни хилват жойга олиб бориб:

— Сизларнинг айтганларингиз рост, Шайхнинг султонда нима иши бор, деган эдингиз. Султоннинг ёнидаги менинг ишим сизларнинг қўлларингизни кесмоққа қўймаслик эди ва бошқа бегуноҳ одамларга ёрдам бермоқлик эди, — деди.

<sup>1</sup> Жосия сураси, 21-оят.

Сўфийлар Шайхнинг оёғига йиқилиб, зор-зор йигладилар ва ихлос қилиб, мурид бўлдилар. Шайх султоннинг ёнига бориб, сўфийларнинг гуноҳини кечирिशни сўради. Билингларки, ҳар ким сўфийларга таъна қилса, қўлларидан айрилади.

\* \* \*

Нақл қилишларича, Абу Ҳамза дейди:

— Бир кеча Шайтон менга кўп озор берди. Шайх Абдуллоҳ Хафиф ёнига бориб, буни айтиб бердим.

Шайх табассум қилиб:

— Мен кўрган сўфийлар Шайтонга масхара бўларди, бу замоннинг сўфийларига Шайтон масхара бўлибди, — деди.

\* \* \*

Шайх Абдуллоҳ Хафифдан:

— Тақво нима? — деб сўрадилар.

Уларга:

— Тақво маҳбубга етишиш учун Ҳақдан бошқадан кесилиш, — деб жавоб берди.

\* \* \*

Нақл қилишларича, шайх Абдуллоҳ Хафифнинг вафот вақти яқинлашаркан, ходимига деди:

— Мен гуноҳкор ва жафокор бандаман. Ўлганимдан кейин қўлларимни боғлаб, оёқларимни кишанла, бўйнимга занжир боғлаб, кўчаларда судрагин.

Абдуллоҳ Хафиф дунёдан ўтгандан кейин ходими Шайх қилган васиятини бажариш учун унга қўл узатди.

Шу вақт Ҳотифдан:

— Эй ходим, ундан қўлингни торт. Ундан азизроқ бандам йўқ, мен азиз қилган кишини нега сизлар хор қиласизлар? — деган овозни эшитди.

## АБУ МУҲАММАД ҲАРИРИЙ

У барча фанлар ичида ягона ва замонанинг мақбули, ёронлар орасида сараси, тариқат ва ҳақиқат ичида устоз эди.

Шайх Жунайд Багдодий айтар эди, у бизнинг замонимиз муридларининг валийсидир, шайх Абдуллоҳ Тустарий билан суҳбат тутган эди. Унинг одоби шу даражада эдики, ҳатто ҳеч ким йўқ жойларда ҳам оёқларини узатмас эди. Ҳусни адаб Ҳазратга ибодатдан ортиқ эди.

\* \* \*

Нақл қилишларича, шайх Жунайд Багдодий дунёдан кетаётиб, Абу Муҳаммад Ҳаририйни ўрнида қолдирдилар. Хонақоҳда ўтириб, дарвешларга хизмат қилар эди.

Абу Муҳаммад Ҳаририй айтади, бир куни аср намозидан сўнг бир йигит хонақоҳ эшигидан кириб келди. Оёғи яланг, сочлари тўзиган, ранги сариқ, заиф ва бечора ҳолда эди. У таҳорат қилиб, икки ракаат намоз ўқиб, таважжуҳ қилди. Намоз вақти бўлганида жамоат билан бирга намоз ўқиди. Оқшомгача яна таважжуҳ қилди. Унинг иши шу эди. Ўша кеча бир киши мени меҳмонга таклиф қилди.

Дарвешга:

— Меҳмонга борасанми? — дедим.

У менга:

— Кўнглим ришта овқатини хоҳлайди, уни пишириб олиб келгин. Сен қаерга борсанг, боравергин, — деди.

Дарвешнинг айтган овқатини пишириш учун уйга бордим. Дарвешнинг айтганини унутиб, ёронлар билан меҳмонга кетдим. Меҳмондан чиқиб, яна уйимга келдим. Ётиб ухладим. Шу кеча Расулуллоҳ, Иброҳим халилуллоҳ, Мусо калимуллоҳ ва Исо

руҳуллоҳ бошлиқ бир юз йигирма тўрт минг пайгамбарларни тушимда кўрдим. Яқинроқ бориб, Расулуллоҳга салом бердим. Муборак юзларини мендан ўгирдилар.

Мен:

— Ё Расулуллоҳ, мендан нима гуноҳ ўтди, сиз мендан юзингизни ўгирдингиз? — деб сўрадим.

Улар:

— Бир дарвеш сендан ришта овқатини сўради, бермадинг, бахиллик қилдинг, — дедилар.

Ўйғониб кетдим. Югуриб, дарвешнинг ёнига бориб, узр айтдим. Дарвеш хонақоҳдан чиқиб кетар эди, мен унга:

— Эй дарвеш, бироз сабр қилгин, мен хоҳлаган овқатингни пишириб келтираман, — дедим.

Дарвеш менга:

— Орзуимни беришинг ё бермаслигинг учун Расули Худо бошлиқ юз йигирма тўрт минг пайгамбарнинг шафоатини сен учун қайдан олайин, — деб кетди.

Мен унга етиб олиб, орқасига қайтараман, деб қаттиқ ҳаракат қилдим, лекин чангига ҳам ета олмадим. У қуш каби учди, мен қовурилганимча қолдим.

\* \* \*

Нақл қилишларича, Абу Муҳаммад Ҳаририй дейди, Бағдод шаҳрида бир дарвеш бор, ёзу қиш бир кўйлақдан бошқа ҳеч нарса киймайди.

Унга:

— Эй дарвеш, нега бошқа либос киймассан? — дедим.

Дарвеш:

— Мен олдинлари ҳар хил тўн ва либослар кияр эдим. Бир куни кечаси тушимда жаннат ичида бир неча дарвешлар раҳмат дастурхонидан жаннат неъматларидан еяётганларни кўрдим. Мен ҳам улар билан бирга жаннат неъматларидан емоқни хоҳладим. Дарвешлар у ердан мени ҳайдадилар.

Улардан:

— Нега мени ҳайдайсизлар? — деб сўрадим.

Улар:

— Чунки, сенинг икки кўйлагинг бор. Икки кўйлак кийган одамга бу ерда насиба йўқ, сенга ҳеч нарса бермаймиз, — дедилар.

Шундан кейин ҳеч қачон икки кўйлак киймасликка аҳд қилдим.

\* \* \*

Айтишларича, Шайх бир куни ваъз айтаётган вақтда бир дарвеш мажлис ичидан туриб:

— Эй шайх, кўнглимни йўқотдим, бир дуо қилинг, Аллоҳ яна кўнглимни ўз жойига қўйса, — деди.

Абу Муҳаммад Ҳаририй:

— Мен ҳам шу мусибатга гирифторман, — деди.

\* \* \*

— Ҳар ким қулогини нафс сўзларига тутса, шахват зиндонида асир бўлади, Аллоҳ ҳамма яхшиликларни ундан кесади.

\* \* \*

Шайхдан:

— Сабр нима? — деб сўрадилар.

У:

— Сабр — икки ҳол ичида бир хил ва баробар бўлиш. Бири неъмат ичида ва бири меҳнат ичида. Ҳар хил бўлса ҳам асло ўзгармайди, — деб жавоб берди.

\* \* \*

— Ким кибрли бўлса, Аллоҳ уни хор қилади ва кимки ўзини хор тутса, Аллоҳ уни азиз қилади. Ҳар ким қаноат қилса, азиз бўлади ва кимки тама қилса, хор бўлади.

## МАНСУР ҲАЛЛОЖ

Унинг сўзлари жуда иштиёқли, ўзи дардли, доимо жидду жаҳд ичида, риёзат ва каромат бобида комиллик даражасига етган, олиҳиммат ва баланд қадр, ҳақойиқ ва дақойиқда, маъоний ва маъорифда, фасоҳат ва балогат ичида тенгги йўқ, тафаккури ва фаросати кучли эди.

Куп машойиху акобир унинг ишини қабул қилмай, рад этдилар. Улар, тасаввуф ичида насибаси йўқ, дедилар.

Лекин Абдуллоҳ Хафиф, шайх Шиблий, Абулқосим, Жунайд Бағдодий, шайх Абу Саид, Абулхайр, Абу Али Формадий, шайх Абу Юсуф Ҳамадонийлар унинг ишига қойил эдилар ва уни қабул қилар эдилар.

Бошқа бир нечалар унинг ишини яхши ҳам, ёмон ҳам демас эдилар. Унинг устози шайх Абулқосим Тустарий, агар Мансур мақбул бўлмаса, бошқа ҳеч ким мақбул эмас, дер эди.

Бир қанча одамлар уни сеҳргарга ва яна бир нечалари эса куфрга нисбат берар эдилар. Бир неча одамлар уни мутлақ ва мулҳид дер эдилар. Аммо ҳар кимга тавҳид насибаси етган бўлса, ҳаргиз унга қарши бўлмади. Унга қилинган тухматларнинг сабаби унинг «Ана-л-Ҳақ», дегани бўлди.

Мансур Ҳалложнинг «Ана-л-Ҳақ» сўзини раво тутмасларки, Мансур Ҳаллож орада йўқдир, деб Аллоҳ далилларига сўз айтадилар. Бунда на мулҳид сўзи ва на ўзганинг сўзидир.

Бир неча одамлар, Ҳусайн Мансур бошқадир, тухмат қилинган Ҳусайн Мансур Ҳаллож эса Форс вилоятидан эди, дедилар.

Абдуллоҳ Хафиф дейди, Ҳусайн Мансур Ҳаллож олими Раббоний эди.

Шайх Шиблий айтади, Мансур Ҳаллож билан иккимиз бир эдик. Мени девоналикка нисбат қилдилар, бу сабаб билан мен кутулдим. Ҳусайн Мансурни ўз ақли ҳалокатга етказди!



Агар Мансур Ҳаллож йўлдан ташқари иш этар бўлса, бу икки азиз ҳақида бу навъ гувоҳлик бермас эдилар. Чунки бу икки азизнинг у ҳақда берган гувоҳликлари тугалдирки, у доим ибодат ва тоат ичида, маърифат ва тавҳид аҳлидан, аҳли суннат ва жамоат мазҳабидан эди.

Аммо бир нечаларнинг уни машойихлар аҳлидан маҳрум этишлари дин ва мазҳаб жиҳатидан эмас, балки сармастлик ва адабсизлик жиҳатидан эди.

Унинг биринчи сафари ўн саккиз ёшида Тустарга келди. Абдуллоҳ Тустарийнинг ёнида бўлди. У ердан Басрага келиб, Усмон Маккий билан бирга саккиз йил ҳамсуҳбат бўлди.

Ёқуб Ақтаъ унга қизини берди. У ердан Бағдодга келди, шайх Жунайд Бағдодий унга сукут ва хилватни буюрди. Неча замонлар хилватда сабр қилди, хомуш бўлди. Ҳижозга кетишга қарор қилди.

Бир йил Каъбага мужовар турди. У ердан Бағдодга келди. Сўфийлар билан Жунайд Бағдодий хизматида бўлди.

Бир куни Жунайддан имтиҳон билан масала сўради. Жунайднинг кўнгли оғриди, унинг саволига жавоб бермади ва «яқинда сени дорга осиб, гўштингни бўлак-бўлак қиладилар», деди.

Шунда Ҳусайн Мансур деди:

– Мени дорга осадиган куни сен сувратингни бошқа қиласан, бу кийимларинг билан келмайсан!

\* \* \*

Нақл қилишларича, Бағдод уламолари Мансурни ўлдирмоққа фатво ёзган куни Жунайдга ҳам, ёз, дедилар.

Жунайд сўфийлар тўнидан чиқди, мадрасага борди, уламо тўнини кийди ва:

– Биз унинг зоҳирига ҳукм қиламиз, ботинини Ҳақ билади, — деди.

Ҳусайн Мансур шайх Жунайддан жавоб эшитмаган ва Жунайд ундан хафа бўлган, Мансур Ҳаллож рухсатсиз унинг ёнидан кетиб, Тустарга келганига бир йил бўлганда унда азим қобилият пайдо бўлди.

Аммо уни ҳеч ким қабул этмади. Унга ҳасад қилар эдилар. Сўфийлар тўнини ечиб, халқ тўнини кийди. Унинг учун бунинг

ҳеч фарқи йўқ эди. Шундай қилиб, бу замон дунё аҳли билан ҳамсуҳбат бўлди. Алҳосил беш йил номаълум ҳолда кезди.

Бу беш йил Хористонда эди. Бир неча йил Мовароуннаҳрда бўлди. У ердан Аҳвоз (Ҳиндистондаги шаҳар)га борди. Аҳвоз аҳлига маърифатдан гапирди.

Хос ва омма ёнида мақбул бўлиб, халойиққа сирлардан хабар берар эди, токи унга Ҳаллож ул-асрор номини бердилар.

Сўнг жанда кийиб, Каъбага бормоқни қасд этди. У сафариди кўп жанда кийганлар билан йўлдош бўлди.

Каъбага келганда Ёқуб Наҳраҳурий уни сеҳргарга нисбат қилди. У ердан Басрага келди. У ердан яна Аҳвозга келиб, Кофиристонга бориб, уларни Аллоҳга даъват қиламан, деди.

Бас, Ҳиндистонга борди. У ерда халқни даъват қилиб, уларга турли-турли санъат ва таснифлар кўрсатар эди. У келганда яна ҳар тарафдан хат ёздилар. Мочин хатида Абулмуъин деб ёздилар.

Хуросонда Абулмаҳд, Форсда Абу Абдуллоҳ, Хористонда Ҳаллож ул-асрор, Бағдодда Музалалам, Басрада Мухаййир деб ёздилар.

Бас, у ердан Маккаи муъаззамага келди. Икки йил у ерда мужовар бўлди. У ердан қайтди, аҳволи ўзгарди. Кўп одамларни маъни билан даъват қилди.

Ҳеч ким унинг ҳолини билмас эди. Китобларда ҳам шундай нақл қилинади. Хуллас, Ҳусайн Мансур Ҳалложни эллик мартаба шаҳардан ҳайдадилар.

\* \* \*

Нақл қилишларича, Ҳусайн Мансур бир кеча-кундузда тўрт юз ракаат намоз ўқир эди. Ўзига буни фарз қилиб олганди.

Унга:

— Шунча баланд мартабанг билан нега бунча машаққат тортасан? — дедилар. У:

— Роҳатистонга роҳат ҳаромдир, — деб жавоб берди.

\* \* \*

Нақл қилишларича, Мансур Ҳаллож бир гал тўрт юз сўфий билан бирга Барияга кирди. Йўлда улар очиқдилар.

Сўфийлар унга:

— Эй Шайх, биз иссиқ нон билан пишган калла хоҳлаймиз, — дедилар.

Ҳусайн Мансур уларга:

— Ўтиринглар, — деди.

Сўфийлар ўтирдилар. Шайх хирқасига қўл тиқиб, бир пишган калла билан иссиқ нон чиқарди. Уни сўфийлар едилар.

Яна бир куни сўфийлар ундан хурмо сўрадилар.

У:

— Мени силкитинглар, — деди.

Сўфийлар уни силкитган эди, кўпгина хурмо тўкилди. Ҳусайн Мансур Ҳаллож бир ёғочга суянса, дарҳол у ёғоч хурмо берар эди.

\* \* \*

Нақл қилишларича, Мансур Ҳаллож бир куни бошқа дарвешлар билан саҳрода кетар чоғида дарвешлар ундан анжир хоҳладилар.

Шайх Мансур ҳавога қўл узатди. Бир товоқ тоза ва хўл анжир олиб, дарвешларга берди, улар едилар.

Эртаси куни дарвешлар ҳолва сўрадилар. Яна ҳавога қўл узатиб, бир товоқ иссиқ шакар ҳолвасини олиб, дарвешларга берди.

Дарвешлар, бундай ҳолва Бағдод шаҳрида Бобултофда бўлади, дедилар.

Мансур дарвешларга:

— Менинг замонимда Бағдод билан саҳро баробар туради, — деди.

\* \* \*

Нақл қилишларича, бир куни Ҳусайн Мансурдан:

— Орифнинг вақти бўладими? — деб сўрадилар.

У:

— Вақт вақт соҳибининг сифати, ҳар ким ўз сифати билан ором олса, у ориф эмас, — деб жавоб берди.

\* \* \*

Сўрадилар:

– Аллоҳга йўл қандай?

Мансур деди:

– Аллоҳга йўл икки қадамдир. Бир қадамни дунёдан кўтаргайсан ва бир қадамни охиратдан кўтаргайсан ва Аллоҳга эришгайсан.

\* \* \*

– Ихлос бир сузгичдир, амални у билан сузадилар.

\* \* \*

– Ширк риёга булганмоқдир. Сўзлагувчи тил хомуш кўнгилларни ҳалок қилувчидир.

\* \* \*

– Дунёни тарк этмоқ нафс, охиратни тарк этмоқ кўнгил зуҳдидир ва ўзини тарк этмоқ жон зуҳдидир.

\* \* \*

Нақл қилишларича, Ҳусайн Мансурга қарши душманлар пайдо бўлиб, уни куфрга нисбат бериб, унга қасд этдилар, «Ҳусайн Мансур ҳамон ўзини «Ана-л-Ҳақ» демоқда, бу куфр, уни ўлдирмоқ керак», деб бу сўзни халифага етказдилар.

Халифа Ҳусайн Мансурни чақириб:

– «Ана-л-Ҳақ» демагин, «Хува-л-Ҳақ» дегин, – деди.

Мансур халифага:

– Сиз нима десангиз шудир, – деди.

Халифанинг Исо номли бир вазири бор эди. Уни зиндонга ташламоқ керак, деб Мансурни зиндонга ташлатди.

У бир йил зиндонда ётди. Халқ зиндонга келиб, ундан масала сўраб кетар эди. Вазир унинг олдига ҳеч ким келмаслигини буюрди.

Беш ой мобайнида унинг олдига ҳеч ким келмади. Беш ойдан кейин унинг олдига бир маротаба Ибн Ато ва бир маротаба Абдуллоҳ Хафиф келдилар.

Бир куни Ибн Ато Мансурнинг олдига бир кишини юбориб, Мансур Ҳалложга айт, халифадан уэр сўрасин. Шунда зиндондан қутулади, деди.

Мансур унга:

– Мен нима иш қилдимки, Яратувчини кўйиб, яратганига ялинсам, — деди.

Ибн Ато Мансурдан бу сўзни эшитиб, зор-зор йиглаб, бизнинг химматимиз ва мартабамиз Хусайннинг ўндан бирича йўқдир, деди.

\* \* \*

Нақл қилишларича, Хусайн Мансурни зиндонга ташлаган кечада, қайтиб, яна зиндонга бордилар. Хусайнни зиндонда топмадилар. Қанча қидирмасинлар тополмадилар. Иккинчи кечада зиндонни ҳам топмадилар. Учинчи кечада Хусайн Мансурни зиндонда топдилар.

Ундан:

– Биринчи кеча қаерда эдинг, сени қанча қидирсак-да, топа олмадик, — деб сўрадилар.

У:

– Биринчи кеча Аллоҳ ҳазратига бордим, — деди.

– Иккинчи кеча қаерда эдинг, сени ҳам, зиндонни ҳам топа олмадик, — деб сўрадилар.

Хусайн Мансур:

– Аллоҳ ҳазрати шу ерда эди, шунинг учун мени ва зиндонни топмадингизлар, — деб жавоб берди.

\* \* \*

Нақл қилишларича, Хусайн Мансур кирган зиндонда уч киши бор эди. Хусайн Мансур уларга:

– Сизларни қамоқдан озод қилишимни хоҳлайсизларми? — деди.

Улар:

– Агар кўлингдан келганида сен ўзингни озод қилган бўлар эдинг, — дедилар.

Мансур бармоғи билан ишора қилган эди, уларнинг кишанлари очилди ва улар:

– Зиндон эшиклари қулфланган, қандай қилиб чиқамиз? — дедилар.

Яна бир ишора қилган эди, ёғочлари айрилди.

Хусайн Мансур:

— Энди боринглар, — деди.

Мансурдан:

— Сен кетмайсанми? — деб сўрадилар.

У:

— Парвардигорим билан сирим бор, гаплашаман, — деди.

Улар зиндондан чиқиб кетдилар. Эртаси куни зиндонбонлар зиндонда Мансурдан бошқа ҳеч ким йўқлигини кўрдилар. Зиндон эшиги қуфланган ва маҳкам эди.

Мансур Ҳаллождан:

— Зиндондагилар қани? — деб сўрадилар.

У:

— Уларни мен озод қилдим, — деб жавоб берди.

Зиндонбонлар:

— Ўзинг нега кетмадинг? — деб сўрадилар.

Уларга:

— Аллоҳнинг менда тилаги бор, ерига етса керак, — деди.

Бу хабарни халифага етказдилар, халифа, бу кўп турса, фитнаси кўпаяди. Уни дорга осиб ўлдирмоқ керак, деди ва буюрди.

Хусайн Мансурни зиндондан олиб чиқиб, уч юз таёқ урдилар.

Сўнг уни осмоққа олиб бордилар. Юз киши унинг ёнида келди.

Мансур икки кўзини маҳкам юмиб:

— Ҳақ, Ҳақ, ана-л-Ҳақ, — деб сўзидан қайтмади.

Ўша вақт бир дарвеш Мансурдан:

— Ишқ нима?, — деб сўради.

Хусайн Мансур:

— Сабр қил, уч кунда кўрасан. Биринчи — урганларини, иккинчи — ўтда ёндирганларини, учинчи — кулимни шамолга совурганларини, — деди.

Дарвеш унга:

— Нима десанг, шу бўлади, — деди.

Унинг ёнига ходими келди. Хусайн Мансур унга панд ва насиҳат қилиб, деди:

— Нафсингни бир нарсага машгул эт, бўлмаса, у сени бир нарсага машгул этади. Сен уни ҳеч кўрмаган бўласан!

Хусайн Мансур Ҳалложни олиб бораётганларида уни қўл-оёқларининг ўн уч еридан боғланган эди. Шу ҳолда кетаётиб, кулар эди.

Ундан, бу ҳолингда нега куласан, шундай вақтда ҳам куласанми, деб сўрадилар.

У:

— Қурбон бўладиган ерга кетаётганим ва мени қурбонгоҳ ерига олиб бораётганлари учун куляпман, — деб наъра урди.

Мансур Ҳалложни дор остига олиб бордилар. Ёғоч остида нарвон бор эди. У нарвонни ўпти.

Ундан:

— Нега нарвонни ўпасан? — деб сўрадилар.

У:

— Осилмоқ эрлар меърожидир, — деб жавоб берди.

Нарвонга оёқ босиб, икки қўли билан бошидан тожни олди. Юзини қиблага қаратиб, муножот қила бошлади.

Шу ҳолда шайх Шиблий ундан:

— Мақом нима? — деб сўради.

У:

— Сен учун у ерга боргани йўл йўқ, — деди.

У ерда бўлганларнинг ҳаммаси унга тош отдилар. Шиблий ҳам шариатга мувофиқатлиги учун тош ўрнига бир гул отди.

Мансур Ҳаллож баланд овоз билан:

— Оҳ ва оҳ! — деди.

Ундан:

— Нега оҳ тортасан? — деб сўрадилар.

Мансур уларга:

— Менга тош отганлар билмасдан тош отдилар, бу уларга узридир. Аммо Шиблий билиб туриб отмоқда, шунга оҳ тортарман, — деди.

Унинг икки қўлини кесдилар. Мансур яна кулди.

— Нега куласан? — деб сўрадилар.

У:

— Бу осондир, санъат кўлини кесмадилар, у билан ҳиммат тожини Аршнинг устидан олдим, бошимга қўйдим, — деб жавоб берди.

Ундан кейин унинг оёқларини кесаётганда табассум қилиб, бу оёқларим билан дунё сафарини қилар эдим. Энди ҳиммат оёғи билан охира сафарини қиламан. Агар кўлингиздан келса, уни ҳам кесинг, деди.

Кесилган кўлини тирсагигача қонга булгади ва у қондан юзига ҳам суртди. Ундан:

— Нега бундай қиялсан? — деб сўрадилар.

У:

— Мендан кўп қон кетди, рангим саргайди. Халифага юзим қизил бўлиб кўриниши учун шундай қилдим. Эрларга Аллоҳ ризоси учун қон суртмоқ раводир, — деди.

— Тирсақларингни нега қонга бўядинг? — деб сўрадилар.

Деди:

— Ишқ таҳоратини бу қон билан қилдим. Чунки «ишқнинг намози қон билан таҳорат қилмагунча дуруст бўлмас. Ишқ фақиҳининг китоби ичида, ишқнинг икки ракаат намози фақат қон билан дуруст бўлади», деб ёзилган.

Сўнг унинг тилини кесмоқчи бўлдилар. Хусайн Мансур уларга:

— Бир оз сабр қилинглар, ихлос ва эътиқод билан муножот бадаргоҳи қозийу-л-ҳожот қилайин:

— Подишоҳо, парвардигоро, менга беришаётган бунча заҳматни булар шариат султон ул-анбиё ерига келтирсин, деб қилдилар. Энди Сен буларнинг гуноҳларини фазлу караминг билан кечиргин, уларнинг ҳеч гуноҳи йўқдир. Агар гуноҳлари бўлса ҳам кечиргин ва мурод-мақсадларига етказгин. Улар менинг қўл-оёқларимни Сенинг розилигинг учун кесдилар. Илоҳим, уларни даргоҳингдан бенасиб қилмагин!

Шундан кейин Хусайн Мансурни уриб, икки кўзини чиқардилар. Бир неча марта инграб фарёд этди. Икки қулогини кесиб, сўнг тошбўрон қилдилар.



Хусайн Мансур сўнги дами ва охири нафасида бу оятни ўқиди: «Улар (қийматга) имон келтирмайдиган кимсалар уни қистайдилар. Имон келтирган зотлар эса ундан кўрқувчидирлар».<sup>1</sup>

Оқшом намози вақтида, қазо кунида, ризо майдонида, ишқ бозорида, муҳаббат ёзида Хусайн Мансур Ҳаллож азиз жонини ўз завқи ва шавқи билан Аллоҳ ҳазратига топширди. Ундан кейин муборак танини жаллодлар бўлак-бўлак қилдилар. Унинг ҳар бир бўлак аъзосидан: «Ҳақ, Ҳақ, ана-л-Ҳақ», деган овоз келди.

Танасининг бўлакланган аъзоларининг ҳаммаси майдонда қолди. Ҳамма тарқалди. Эртаси куни келиб кўрдиларки, майдоннинг ичи «Ана-л-Ҳақ», деган овоз билан тўлиб турибди.

У тириклигида битта ердан «Ана-л-Ҳақ» овози келар эди. Танаси бўлаклангандан, кейин юз минг ердан бу овоз эшитилди. Бунинг фитнаси тириклигидан ўлганда кўпроқ бўлди, деб танасининг ҳамма бўлақларини йигиб, ўтда ёндириб, кулини шамолга совурганларида, кулидан ҳам: «Ана-л-Ҳақ», деган овоз келди. Бир қисм кулини дарёга ташладилар. Сувдан ҳам: «Ана-л-Ҳақ», деган овоз келди. Халойиқ ожиз бўлди.

Хусайн Мансур тириклигида:

— Менинг кулимни дарёга ташласалар, Бағдодни сув олиб, хароб қилади. Дарё тошганда менинг кийимимни дарёга ташласалар, иншооллоҳ, сув тинчланади, тошган сувлар «Ана-л-Ҳақ» деб, ўз жойига келади, — деган эди.

Унинг кулини дарёга ташлаганларида, сув тошиб, Бағдод шаҳрини хароб қилиш даражасига етди. Шайхнинг ходими унинг кийимини сувга қарши тутди, дарҳол сув тинчланди, сокин бўлди. Сувдаги кул бир ерга тўпланди. Кулни олиб, кафанлаб, ерга дафн этдилар.

Ҳазрати Абдуллоҳ ибн Аббос дедилар:

— Қиймат кунида, аманна ва саддақна, шайх Мансур Ҳалложни бир занжир билан боғлаб, Маҳшаргоҳга олиб келадилар. Агар занжирларини ечиб қўйсалар, Аросат халқини бир-бирига уриб, қоқиштиргай!

<sup>1</sup> «Шуро» сураси, 18-оят.

\* \* \*

Нақл қилишларича, улуғ машойихлардан бир акобир, Мансур Ҳалложни дорга осган кеча мен у майдонда намоз ўқир эдим. Ўзимдан фоний бўлдим ва Ҳотифдан:

— Мансур Ҳалложга ўз сиримиздан бир сир айтдик ва биз сиримиздан уни хабардор қилдик. У бизнинг сиримизни ошкор қилди. Ҳар қачон қул хожа ва султон сирини фош қилса, унинг жазоси шундай бўлади, деган овозни эшитдим, — деди.

\* \* \*

Нақл қилишларича, шайх Шиблий айтади, бир кеча Мансур Ҳаллож қабрига бордим. У ерда намоз ўқидим. Намоздан сўнг Аллоҳга муножот қилиб:

— Илоҳим, бу бир мўмин муваҳҳид банда эди. Бу балоларга нима сабабдан учради? — дедим.

Бир оз зорлик қилиб ўтириб, ногоҳ кўзим уйқуга кетиб, туш кўрдим. Тушимда қиёмат қоим бўлибди.

Аллоҳдан менга:

— Эй Шиблий, бу балоларни менинг сиримни у бегоналарга ошкор қилгани учун бердим. Шунинг учун шунча балолар унга насиб этди, деган нидо келди, — деди.

## МУНДАРИЖА

Фаридуддин Аттор ва унинг «Тазкират ул-авлиё» асари ҳақида (А.Мадраимов).....	3
АЛЛОҲНИНГ ҲАМДИ.....	10
АБУ МУҲАММАД ЖАЪФАРИ СОДИҚ.....	19
УВАЙС ҚАРАНИЙ.....	27
ҲАСАН БАСРИЙ.....	32
МОЛИКИ ДИНОР.....	58
МУҲАММАД ИБН ВОСЕЪ.....	64
ҲАБИБ АЖАМИЙ.....	67
АБУ ҲОЗИМ МАККИЙ.....	73
УТБА ИБН ҒУЛОМ.....	75
БИБИ РОБИЯ АДАВИЯ.....	79
ФУЗАЙЛ ИБН АЁЗ.....	96
ИБРОҲИМ ИБН АДҲАМ.....	108
БАШИР ҲОФИЙ.....	135
ЗУННУНИ МИСРИЙ.....	143
БОЯЗИД БИСТОМИЙ.....	162
АБДУЛЛОҲ ИБН МУБОРАК.....	192
СУФЁНИ САВРИЙ.....	203
АБУ АЛИ ШАҚИҚ БАЛХИЙ.....	211
АБУ ҲАНИФА КУФИЙ.....	218
ИМОМ ШОФИЪИЙ.....	226
АҲМАД ИБН ҲАНБАЛ.....	234
ДОВУД ТОИЙ.....	242

ҲОРИС МУҲОСИБИЙ.....	246
АБУ СУЛАЙМОН ДОРОНИЙ.....	249
МУҲАММАД ИБН САММОК.....	254
МУҲАММАД ИБН АСЛАМ ТУСИЙ.....	256
АҲМАДИ ҲАРБ.....	259
ҲОТАМИ АСАММ.....	265
САҲЛИБН АБДУЛЛОҲ ТУСТАРИЙ.....	275
МАЪРУФИ ҚАРХИЙ.....	278
СИРРИ САҚАТИЙ.....	283
ФАТҲ МАВСИЛИЙ.....	290
АҲМАД ҲАВОРИЙ.....	293
АҲМАД ҲАЗРАВИЯ.....	296
АБУ ТУРОБ НАХШАБИЙ.....	301
ЯҲЁ ИБН МУОЗ РОЗИЙ.....	304
ШОҲ ШУЖОЪ КИРМОНИЙ.....	312
ЮСУФ ИБН ҲУСАЙН.....	316
АБУ ҲАФС ҲАДДОД.....	322
АҲМАД ҚАССОР.....	331
МАНСУРИ АММОР.....	334
АҲМАД ИБН ОСИМ АНТОКИЙ.....	337
АБДУЛЛОҲ ҲУСАЙН ХИЙБАҚ.....	340
ЖУНАЙДИ БАҒДОДИЙ.....	341
АБУ УМАР ИБН УСМОН МАККИЙ.....	356
АБУ САЪИД ҲАРРОЗ.....	358
АБУЛҲАСАН НУРИЙ.....	363
АБУ УСМОН ХАЙРИЙ.....	370
АБДУЛЛОҲ ИБН ЖАЛЛО.....	375
АБУ МУҲАММАД РУВАЙМ.....	378
ИБН АТО.....	381
ИБРОҲИМ ИБН ДОВУД ВАРАҚИЙ.....	385
ЮСУФ АСБОТ.....	386

АБУ ЯЪҚУБ ИСҲОҚ НАҲРАХУРИЙ.....	388
САМНУН УЛ-МАЖНУН.....	390
АБУ МУҲАММАД МУРТАЪИШ.....	394
АБУ АБДУЛЛОҲ ФАЗЛ.....	397
АБУЛҲАСАН ПУШНАКИЙ.....	399
ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙ.....	402
АБУ БАКР ВАРРОҚ.....	412
АБДУЛЛОҲ МАНОЗИЛ.....	416
АЛИ ИСФАҲОНИЙ.....	418
АБУЛХАЙР НАССОЖ.....	420
АБУ ҲАМЗА ХУРОСОНИЙ.....	424
АҲМАД МАҒРИБИЙ.....	427
АБУ АЛИ ЖУРЖОНИЙ.....	430
АБУ БАКР КАТТОНИЙ.....	432
АБДУЛЛОҲ ХАФИФ.....	438
АБУ МУҲАММАД ҲАРИРИЙ.....	445
МАНСУР ҲАЛЛОЖ.....	448

Ҳозирги ўзбек тилига айлантирувчилар:  
Маҳмуд Ҳасаний, Ҳамидулла Аминов,  
Абдусамад Ҳасаний, Абдумажид Мадраимов

*Адабий-бадий нашр*

**Фаридуддин Аттор**

## ТАЗКИРАТ УЛ-АВЛИЁ

*Қайта нашри*

Муҳаррирлар: *Лазиз Тангриев, Илҳом Зойиров*  
Бадий муҳаррир *Шуҳрат Мирфаёзов*  
Техник муҳаррир *Татъяна Смирнова*  
Саҳифаловчи *Акмал Сулаймонов*  
Мусахҳиҳ *Доно Туйчиева*

Нашр. лиц. № 154. 14.08.09. Босишга 08.01.2013 й.да рухсат  
этилди. Бичими 70x100 1/16 . Academy гарнитураси.  
Офсет босма. 37,41 шартли босма тобоғи. 22,35 нашр тобоғи.  
Адади 10 000 (1-завод 5000) нусха. 7 рақамли буюртма.  
Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг  
Ғафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп  
этилди. 100128. Тошкент. Шайхонтоҳур кучаси, 86.

Телефон: (371) 241-25-24, 241-48-62, 241-83-29  
Факс: (371) 241-82-69

[www.gglit.uz](http://www.gglit.uz) e-mail: [iptd gulom@sarkor.uz](mailto:iptd gulom@sarkor.uz), [info@gglit.uz](mailto:info@gglit.uz)

Аттор, Фаридуддин

Тазкират ул-авлиё/Ф.Аттор; наршга тайёр. ва сўзбоши муаллифи А.Мадраимов, ўзбек тилига айлантирувчилар М.Ҳасаний, Ҳ.Аминов, А.Ҳасаний, А.Мадраимов. — Тошкент: Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2013. — 464 б.

ISBN 978-9943-03-465-5

Буюк мутасаввиф шоир, мутафаккир ва тазкиранавис Фаридуддин Атторнинг ушбу асари насрда битилган ягона ва машхур асар бўлиб, унда тасаввуф шайхлари, авлиёulloҳларнинг ҳаёти, кашфу кароматлари, турли тасаввуфий истилоҳлар — шариат, тариқат, маърифат, таваккул, ризо, сабр, шукр кабиларга уларнинг қарашлари баён этилган.

Тазкирада алломаларнинг ўз илмий-назарий қарашлари ва таълимотини асослаш, тасдиқлаш мақсадида тарихий воқеалар, ҳаётий тажриба, ўтмиш машойихларининг ибратли кечмишлари ҳикоя, масал ва нақллар билан тасниф этилган. Китобдан ўрин олган тарихий лавҳалар жуда жонли ва таъсирчанлиги билан асарни юксак бадий ижод намунаси даражасига кўтарган. Ушбу асар тарихий манбадан кўра бадий асар сифатида қимматли ҳамда тасаввуф тарихи ва назарияси, амалиётини ўрганишда жуда катта аҳамиятга эга.

Китоб ўзбек тилига таржима қилинган олдинги нашрларидан мукаммаллиги ва аслиятга ҳамоҳанглиги билан ажралиб туради.

УДК 821.512.133  
КБК 84(5)